

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИННИГ ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий
бойликларини талаш сиёсати:
тариҳ шоҳидлиги ва сабоқлари**
(1865–1990 йиллар)

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2000**

Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори

Д. А. АЛИМОВА

Такризчилар:

тарих фанлари доктори Р.Ё. Ражапова,

тарих фанлари доктори, проф. А.А. Маврулов.

Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865—1990 йиллар)/Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир: Д. А. Алимова.— Т.: «Шарқ», 2000.—432б.

Сарлавҳада: ЎзР ФА тарих институти.

Мазкур монография шу давргача илмий истеъмолга киритилмаган кенг кўламли архив ҳужжатлари, вақтли матбуот ва турли адабиётларни ўрганиш асосида яратилган бўлиб, унда чор Россияси ва совет империясининг бир асрдан ортиқ ҳукм сурған даврида Туркистон ва Ўзбекистоннинг миллий бойликларини талаб кетиши жараёни таҳдил қилиниб, унинг моҳияти очиб берилади. Шунинг билан бирга, мустамлакачилик сиёсати бир бўлган икки тузумдан ўзбек халқининг чеккан азиятлари, унинг моддий турмуш ва маънавиятига етказилган улкан зарар ҳақида гувоҳлик берувчи манбалар шоҳидлигида бу тарихнинг аччик саҳифалари ёритилади.

Ушбу асар тарихимиз фанида янги бир погона бўлибгина қолмай, балки яқин ўтмиш тарихи ҳақидағи холис ҳақиқатни билишга, миллий бойликларимизни кўз қорачигидек авайлаб сақлашга, бугунги ёш авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек,chorizm давридан бўён камситиб келинган юртимизнинг аслида нақадар бой маънавиятга эга эканлигидан далолат беради.

Китоб Ватанимиз тарихи билан қизикувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ББК 63.3(5У)
© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 2000

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақилликнинг 10 йиллигига
бағишинади.*

КИРИШ

Мустақиллик шароитида ва туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида миллий тикланиш, маънавий янгиланиш, миллий ўзлик ва ўзига хосликни яхлит тарзда англаб етган, эркин демократик тафаккурга эга бўлган ва мустаҳкам миллий ғоя кучи билан бирлашган жамият аъзоларини тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда тарих фанининг роли жиддий равишда ортмоқда. Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, «миллий ўзликни, миллий ифтихорни тиклаш ва ривожлантириш жараёнида тарихий хотира, ҳалқнинг, жонажон ўлканинг объектив тарихини, давлат ҳудудини тиклаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир»¹.

Давлатимиз бошлиғи Ислом Каримовнинг республика тарихчилари билан учрашувда (1998 йил 26 июнь) сўзлаган нутқида², миллий истиқдол гоясини шакллантириш муаммоларига бағишинган шундан кейинги чиқишиларида тарих фанининг маънавий салоҳиятини сафарбар этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш соҳасидаги ҳаракатларнинг кент дастури, танланган мустақиллик ва тараққиёт йўлидан бориб, мўлжалланган мақсадларга эришишнинг мустаҳкам илмий асоси белгилаб берилди. Уларда жамият тараққиётининг реал қонуниятларини чуқур ўрганиш зарурлиги, миллий тарихдаги юқсалиш ва танглик даврларини янгича методологик нуқтаи назардан туриб таҳлил қилиш, чор ва совет мустамлакачи империя тузумларининг кўрсатган бузғунчилик таъсирига доир омилларни аниглаш, аввалги мафкуравий андозалар ва эскича тафаккур кўринишларининг такрорланишига барҳам бериш йўлларини белгилаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий такомилга эришувида тарих фанининг таъсирини кучайтириш зарурлиги қайд қилинган.

Ана шу ижтимоий муҳим вазифалардан келиб чиқиб, ватанимиз тарихининг оғир мустамлакачилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган аянчли саҳифаларига бугунги кун нуқтаи назаридан қайта баҳо бериш алоҳида долзарб аҳамият касб этади. Уларга мурожаат қилишга бўлган юксак ижтимоий эҳтиёж ва унинг илмий аҳамияти аввал шу билан белгиланадики, чор ҳукмдорлиги ва совет ҳокимияти йилларида

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI зер бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, тараққиёт шароитлари ва кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997. — 34-бет.

² Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Ўзбекистон. — 1998.

ўтказилган диктаторлик сиёсати оқибатида мустамлакачилик тарихи (совет даври ҳам шу тарихнинг таркибий қисми эди) ниҳоятда сохталашириб, бузиб кўрсатилди. Узоқ йиллар мобайнида ижтимоий онг-шууримизга чор Россияси ва коммунистик режимнинг Ўрта Осиёдаги фавқулодда «цивилизаторлик вазифаси» тўғрисидаги, ўлканинг «қолоқ» халқлари марказнинг давлат бошқаруви натижасида гўё «зўр муваффақиятлар»га эришганлиги ҳақидаги афсона астойдил тарғиб этилди. Лекин бунда чор ҳукумати ва совет ҳокимияти амалга оширган иқтисодий сиёсатнинг ваҳшиёна моҳияти ҳақида лом-мим дейилмади, совет террорчилик тузуми ҳақиқатда чор мустабид тартиботининг империяча-мустамлакачилик анъанаси давом эттирилишидан иборат бўлганлиги зўр бериб бўяб кўрсатилди. Ўша йилларда ўлканинг табиий-хом ашё бойликлари тўхтовсиз ташиб кетилди, ўзбек халқининг кўп минг йиллик миллий-маданий бойлиги талон-тарож қилинди, ялпи руслаштириш ва маънавий асоратга солиш сиёсати амалга оширилди.

Империя марказининг Ўзбекистонга истеъмолчилик билан муносабатда бўлиши, ўзбек халқининг ўз миллий тақдирини ўзи эркин равишда белгилаш ҳукуки инкор этилиши, бир асрдан кўпроқ давом этган иқтисодий ва маънавий зулм беҳад ва узоқ муддатли бузғунчилик оқибатларига олиб келдики, унинг оқавалари ҳали-хануз давом этиб келмоқда. Уларни тўла-тўқис бартараф этиш учун чор мустабидчилиги ва октябрь тўнтишининг жинояткорона амалиёти туфайли вужудга келган оғриқли жараёнлар сабабларини очиб бериш мақсадида иқтисодий ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги амалга оширилган ривожланиш механизмининг келиб чиқиши, қарор топиши ва тадрижий тараққиётини илмий жиҳатдан тавсифлаб бериш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, совет давлатининг инқизати тарихан шарт бўлганига қарамасдан ҳозирга қадар совет тузумидан кейинги ҳудудларда империяча Иттилоғни ва собиқ мустабид тузумни тиклаш умидидан воз кечмаган кучлар сақланиб қолганлиги, коммунистик тузумнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий ҳукмронлигини тиклашга уринишларнинг мавжудлиги айrim кишиларнинг, хусусан ёшларнинг ҳали пишиб етилмаган онг-шуурига таъсир этиб, мамлакат мустақиллигига реал хавф түғдидари.

Иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг ўзида ҳам тарихий хотираси ҳали совет тузуми сарқитларидан халос бўлмаган кишилар борки, улар мураккаб ўтиш шароити қийинчиликлари, аввалги тушунчаларнинг сақланиб қолганлиги сабабли совет ўтмишини кўмсайдилар, «социализм ютуқлари»ни идеаллаштирадилар.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатларни ҳисобга олганда тарихи ҳақиқатини сохталаширувчи баёнотларни асосли равишда рад қўлиш зарурлиги, 130 йилдан кўпроқ даврда ўзбек халқининг мустамлакачилик зулми остида яшаганлигини етарли

хужжатли материаллар асосида илмий жиҳатдан аниқ очиб беришга қаратилган фундаментал тадқиқот ишлари өлиб бориш даврнинг долзарб талабларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари мустамлака ўтмишнинг ҳаққоний солномасини яратиш соҳасида муайян ишларни амалга оширидилар. Шундай бўлса ҳам, булар ҳали дарёдан томчи ҳисобланади. Мустамлакачилик зўравонлиги тарихи даври кўп жиҳатдан ҳали «оқ доғ»лар ва «қора ўтириши»лар билан ахралиб туради. Булар айниқса империя тузумининг таянч иқтисодий ва ижтимоий-маънавий тузилмаларига, ҳукмрон марказнинг ўзбек халқини мунтазам равиша талаш механизмини яратишга ва уни кучайтиришга, мамлакатимизни чор ва коммунистик метрополиянинг ҳом ашё қўшимчасига айлантириши эволюциясига тааллуқлидир. Аслини олганда тарихий тафаккурнинг мазкур йўналиши ҳали илмий билишнинг мустақил обьекти сифатида росмана илгари сурилгани йўқ. Бундай интилиш биринчи марта амалга оширилмоқда.

Ушбу тадқиқот муаллифлари асосий эътиборни чор Россияси ва совет давлатининг мустамлакачилик амалиётини узвий бирликда олиб қарашга ва очиб беришга қаратдилар. Монографияда замонавий илмий тасаввурлар асосида чор мустамлака тузуми ва совет ҳокимияти сиёсатининг умумий ҳамда хусусий томонлари кўрсатиб берилади, миллий иқтисодиётнинг мустамлакачилик режалари асосида ўзgartирилиши, ишлаб чиқарувчи кучларни бир томонлама жойлаштириш схемасининг тасдиқланиши, ўлкамизни метрополия учун ҳом ашё етказиб берувчи қўшимчага ва тайёр маҳсулотни сотиш бозорига айлантириш механизми очиб берилади.

Китобда Ўзбекистоннинг табиий-ҳом ашё ва одам ресурсларини империяча тарзда ишлатишга, ҳар иккала тузум томонидан саноат ва қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши соҳасидаги миллий бойликлардан ёиласига фойдаланилишига, пахта яккаҳокимлиги зўравонлигининг узоқ муддатга чўзилган салбий оқибатларини ўрганишга катта ўрин берилган. Шу билан бирга ўлканинг миллий бойликларини зўрлик билан ташиб кетиш, ўзбек халқининг кўп минг йиллик маънавий меросига путур етказищ, унинг маданий мулкка бўлган ҳуқуқини поймол қилиш жараёнларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шуларга қарамасдан, айниқса совет ҳокимияти даврида халқнинг куч-ғайрати билан маданиятни ва халқ ҳўжалигининг айrim тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги ишлар давом эттирилди, бу борада муайян натижаларга эршилди. Лекин мустақил эркин ривожланиш шароитида бу натижалар нақадар кўп бўлиши табиий эди.

Шу билан бирга икки мустабид тузум томонидан ўзбек халқининг миллий бойликларини талаш сиёсати тарихини таҳлил қўилганда, Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишида ўзбек халқининг муҳим эҳтиёжлари ва талаблари ҳисобга

олинмасдан, факат Иттифоқ марказининг империяча манфаатлари биринчи ўринда турганлигини назарда тутиб, муаллифлар жамоаси чор империяси ва «қизил империя» ҳукмрон ююри табақаларининг тутган йўлини танқид қилиб, бунинг рус халқига зинҳор алоқаси йўқлигини алоҳида таъкидлайди. Гап шундаки, совет сиёсий раҳбарияти ҳам амалда чор маъмуриятининг ўлкани мустамлакага айлантириш йўлини янгича усулда никобланган ҳолда давом этириб, ўлканинг табиий бойликларини ва одам ресурсларини метрополияни бойитишга хизмат қилдиришни, рус аҳолисини минтақага кўчириб келтиришни мақсад қилиб қўйганда, муттасил равишда рус халқи номидан иш юритган, ўз сиёсатига алоҳида тарихий вазифа мақомини берган эди. Шуни таъкидлаш керакки, рус халқи айниқса совет мустабидчилиги шароитида сабиқ империянинг бошқа халқларига нисбатан камроқ қийинчиликларни бошдан кечирди, деб бўлмайди. Бутунги кунда ҳам рус халқи вакиллари Узбекистоннинг бутун халқи билан бир қаторда тарихий покланиш, миллий тикланиш ва демократик янтиланиш йўлидан бормоқда.

Табиийки, монография ўзбек халқининг империялар томонидан иқтисодий ва маънавий-сиёсий жиҳатдан эзилиб келинишининг хилма-хил ва хронологик жиҳатдан узоқ давом этган жараёни барча томонларини тўлиқ ёритиб берган, деб бўлмайди. Муаллифлар ушбу тадқиқотни яратар эканлар, унинг нашр этилиши чор мустабид тузуми ва совет империясининг мустамлакачиллик сиёсатига сифат жиҳатидан янгича баҳо беришга кўмаклашади, ўзбек халқининг табиий-хом ашё бойликлари ва маънавий-маданий мероси кўп йиллар мобайнида талаб келингани ҳақидаги тасаввурни кентайтиришга имкон беради, иккита империянинг ваҳшиёна моҳиятидан, улар халқقا қарши йўналишда бўлганлигидан асосли равишда гувоҳлик беради, деб умид қиласадилар.

Мазкур тадқиқотнинг бўлимлари куйидаги муаллифлар томонидан ёзилган:

1-боб, 1-§ — т.ф.д. проф. Н. А. Абдураҳимова; 1-боб, 2-§ — т.ф.д. Д. А. Алимова ва т.ф.д. проф. А. А. Голованов.

2-боб, 1-§ — т.ф.д. Д. Ҳ. Зиёева, т.ф.д. проф. Ҳ. З. Зиёев, т.ф.д. Н. У. Мусаев; 2-боб, 2-§ — т.ф.д. проф. А. А. Голованов; 2-боб, 3-§ — т.ф.д. проф. А. А. Голованов, т.ф.н. Қ. К. Ражабов.

3-боб, 1-§ — т.ф.д. Д. А. Алимова; 3-боб, 2-§ — т.ф.д. Д. Алимова, т.ф.д. Н. С. Содиковна, т.ф.д. проф. И. Алимов; 3-боб, 3-§ — т.ф.д. Д. А. Алимова, т.ф.н. Б. Ҳасанов.

Хорижий ва МДХ мамлакатларида сақданаётган археологик топилмалар ва темурйилар даврига оид экспонатлар рўйхатларини т.ф.д. Т. Ш. Ширинов (№2) ва т. ф. д. Н. С. Содиковна (№1) тузишган.

Компьютер ишларини М. С. Иногомхўжаева бажарган.

Монография муаллифлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат Кўмитасига китобни чоп этишида берган ёрдами учун миннатдорчиллик билдирадилар.

I б о б. Чоризм ва совет-тоталитар тузумлари мустабид сиёсатининг таловчилик табиати

1-§. Чоризмнинг Ўрта Осиё минтақасидаги стратегик режалари ва мустамлакачилик сиёсати

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси босқинчилек сиёсатининг энг асосий обьектлари Ўрта Осиёдаги Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликлари бўлди. Уларнинг ўз ҳолица мустақиллиги, ўзаро ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, аксинча, минтақада биринчилекни кўлга киритиш учун авж олган ички курашидан фойдаланган Россия бирин-кетин уларни ўзига бўйсундирди. Чоризмнинг бу босқинчилек ҳаракати бегона ҳудудни босиб олиш ва уни мустамлакага айлантириш билангина чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг маданияти ва маънавий асосларига путур етказишга ҳам қаратилғанлигидан шу қадар кудратли жавоб тўлқини юзага келиши, Ўрта Осиё ҳалқларининг шу қадар газаб-нафрат билан қаршилик кўрсатишига сабаб бўлдик, унинг акс-садолари ҳатто бизнинг кунларимизда — XX асрнинг охирларида ҳам сезилиб турди. Фикримизнинг исботи сифатида раҳбарият билан жамият ўртасидаги кескин ва узоқ давом этган зиддиятни таъкидлаб ўтиш кифоядир. Совет идора усулининг тазиқ ўтказиш, кўрқитиш, қатағонлар, гулаглар ва ҳоказо усуллар билан ниқобланган бир неча ўн йиллеклари ана шу қарама-қаршилик белгиси остида ўтди. Фарғона, Олмаота, Тбилиси, Вильнюс, Боку ва бошқа жойларда юз берган нохуш воқеалар мисолида бу тузумнинг ҳалокатидан дарак берувчи аломатлар пайдо бўлганидан кейингина совет раҳбарияти ён беришга — «тизгинни бирмунча заифлаштиришга»га, СССР миллий республикалари, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам мустақил равишда мустамлакачилик занжиридан холос бўлишига ҳалақит бермасликка мажбур бўлди.

XX асрдаги ҳақиқий тарихий жараённинг бутун бориши агар мустамлакачилик даврининг бошланиши минтақанинг подшо қўшинлари томонидан забт этилиши билан бир вақтга тўғри келса, унинг ҳалокати XX асрнинг охирларидағина яққол намоён бўлғанигини кўрсатади. Бу вақтга келиб, Ўзбекистон мустақил суверен давлат мақомини олди. Унинг ҳалқлари жами-

ятни демократик асосларда ўзгартириш йўлидан бо-
риб, бозор муносабатларини ва эркин тадбиркорлик-
ни ривожлантиришга интилмоқдалар.

Бундай даврлаштириш фақат Ўзбекистон тарихи-
нинг, XIX аср иккинчи ярми — XX асрдаги воқелик-
лари ва уларнинг ривожланишига мос тушиб қол-
масдан, айни пайтда Европанинг саноат капитализми
тажовузига учраган Шарқ тарихига ҳам мувофиқ кела-
ди. Бу даврлаштириш нафақат минтақадаги тарихий
жараён моҳиятини идрок этиш, шу билан бирга, ун-
даги муайян қонуниятлар ва ўзига хос хусусиятларни
ажратиб кўрсатиш, Ўзбекистон халқи шу қадар узоқ
давр мобайнидаги тутқунлик шароитида ҳақиқатда уни
икки марта ижтимоий-маданий ҳалокатларга маҳкум
этган ёт тузумларга қарши туриш учун ўз салоҳияти ва
маънавияти пойдеворини қандай қилиб сақлаб қолол-
ганини англаб етиш ва тушуниш имконини берали.

Бу ҳақда бир қадар тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилиш
учун минтақадаги мустамлакачилик сарчашмаларига
қайтамиз ва чоризмнинг XIX аср иккинчи ярми — XX
аср бошларида Ўрта Осиёга нисбатан амалга оширган
стратегик режаларини кўриб чиқамиз. Шу ўринда мус-
тамлакачилик негизлари чоризм босқинчилиги билан
чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли бу босқин XIX
асрнинг биринчи ярмидәёқ унинг учун замин тайёр-
лашдан бошланганини, кенг кўламли қидириш ишла-
ри олиб бориши, Кўқон хонлигининг ҳудудий яхлитли-
гини вақти-вақти билан бузуб туриш, унинг чегарала-
рига қўпол равишда бостириб кириш, Сирдарёнинг
қўйи оқимларидаги Раим (1847), Оқмачит (1857), Фар-
бий Сибирь томондаги Копал (1847), Олмаота яқини-
даги Верний (1854) ва бошқа стратегик жиҳатдан қулай
бўлган мудофаа иншоотларини забт этиш билан қўшиб
олиб борилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Россия томонидан қурилган манзилгоҳлар, истех-
комлар ва мудофаа иншоотлари Оренбург ва Сибирь
ҳарбий-стратегик йўлларидаги таянч, рус босқинчилари-
нинг Кўқон, Бухоро ва Хива хонликлари ҳудудлари
сари чуқур кириб бориши учун эса бошлангич нуқталар
бўлди. XIX асрнинг иккинчи ярмидаги воқеалар-
нинг авж олишига халқаро омил — Россия билан Анг-
лиянинг Ўрта Осиёда таъсирга эга бўлиш учун кескин
рақобатлашуви ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Жаҳондаги етакчи давлатларга айланиб қолган икки
империя — Россия ва Британия бир-биридан хавфси-

раш туфайли, яъни бир томон Ўрта Осиё худудини иккинчисига қараганда олдинроқ қўлга киритиши мумкинлигидан чўчиб, айни бир вақтнинг ўзида ўз ҳаракатларини бошлаб бордилар. Бироқ, агар Лондон Афғонистондаги мағлубиятлари ва Ҳиндистондаги бе-қарорлик туфайли мазкур минтақадаги хужумкорлик стратегиясининг ҳаражатлари ўзи қўлга киритиши мумкин бўлган манфаатлардан ортиқроқ бўлишини тушуниб етиб, «чегара сиёсати»га қайтган бўлса, Петербург мустамлакаларга эга бўлиш цивилизация оламига мансублик белгисидир, деб баҳо берувчи шуҳратпаст генераллари қистови билан 40–50-йилларда Кўқон хонлигидан тортиб олинган худудларни қозиқ қоқиб ажратиб олишга ва ҳонликка қарши кенг миқёсли ҳарбий ҳаракатларни авж олдиришга интилди.

Ҳарбийларнинг тез суръатлар билан кучайиб борган босқинчилиги Россия Ташқи ишлар вазирлиги томонидан бирмунча вақт «сўндирилди», чунки у ўз хусусиятига кўра ҳалқаро вазиятга, Фарб билан Шарқнинг жамоатчилик фикрига қулоқ солишга мажбур бўлди, шиддатли ҳаракатлардан тийилиб тuriш ҳақида огоҳлантирилди. Россия Ташқи ишлар вазирлиги тайёргарлик босқичини чўзиши – дипломатик агентлар, элчихоналар, миссиялар, илмий ва савдо экспедициялари орқали (улар «Ўрта Осиё ҳонликлари билан савдо-иктисодий алоқаларни жонлантириш» мақсадида доимий равиша Шарққа юбориб туриларди) минтақада синчковлик билан кенг кўламда разведка ишлари олиб боришни талаб қилди. Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё департаменти бу каби ишларнинг бевосита ташкилотчиси бўлди. Унга ҳарбий вазирлик, молия вазирлиги ва бошқа идоралар фаол ёрдам кўрсатдилар. Масалан, 1858 йили бирданига учта экспедиция тузилди: шарқшунос Н. В. Хаников бошчилигидаги «илмий» экспедиция Эрон ва Ҳирот воҳасига; Ч. Валихонов бошчилигидаги савдо экспедицияси Қашқар (Жанубий-Шарқий Туркистон)га ва дипломатик экспедиция Хива ҳамда Бухоро ҳонликларига юбориладиган бўлди. Бу экспедицияга Лондондаги рус ҳарбий агенти, Ўрта Осиёга хужум қилиш сиёсатининг тарафдори, полковник Н. П. Игнатьев бошчилик қилди.

Экспедициялар Ташқи ишлар вазирлиги ва Ҳарбий вазирликнинг маҳсус йўриқномалари ҳамда ҳамкорлик қилувчи гуруҳлар билан таъмин этилди. Улар таркибига дипломатлар, олимлар, топографлар, геологлар, гео-

графлар, ҳарбий мутахассислар, Россия савдо-саноат доираларининг вакиллари киритилди. Масалан, Н. П. Игнатьевнинг дипломатик миссиясига 190 дан ортиқ киши ҳамроҳлик қилди. Унинг ихтиёрига ҳатто А. И. Бутаков қўмондонлиги остидаги Орол флотилияси ҳам берилди.

Алоҳида аҳамият берилган бу миссия олдига қўйидаги вазифалар қўйилади: минтақадаги умумсиёсий вазиятни ўрганиш; Бухоро ва Хивада рус савдосини кенгайтириш ва яхшилаш; хонлик ишларига «инглизларнинг зарарли аралашуви»ни барбод қилиш ва уларни ўз томонига жалб этиш; рус савдо кемаларининг Амударё бўйлаб эркин сузиб юришига хонларнинг розилигини олиш. ИИВ йўриқномасида: «Сизларга юклатиладиган ишларнинг энг муҳими Амударё бўйлаб очиқ кема қатновини йўлга қўйишдан иборат. Бу вазифани бажариш учун имкони бўлган барча воситалар билан ҳаракат қилишингиз керак¹», — дейилган эди.

Ҳарбий вазирлик йўл-йўлакай топографик, статистик ва «умуман ҳарбий маълумотлар»; Амударё, туркманлар, «уларнинг ҳарбий кучи» ва Хивага муносабати, Хивадан ва Бухородан Эрон ва Афғонистонга бориладиган йўллар, Амударёнинг юқори оқимиидаги воийдан Ҳиндикӯш орқали Ҳинд ўлкасига, Бухородан Самарқанд ва Кўқон хонлигига олиб борадиган йўллар, Хива, Бухоро ва, иложи борича, Балхнинг ҳарбий куч ва воситалари тўғрисида («ҳар жиҳатдан») маълумотлар тўплашни топширди².

Миссиянинг Хива ва Бухорода етти ой мобайнида олиб борган фаолияти натижасида бўлажак асосий жанглар ҳақидаги батафсил ҳарбий хариталар ишлаб чиқилди, жойларнинг топографик тасвирлари олинди, Амударё этаклари ва унинг қўйи томонлари, Орол денгизидан тортиб Хивагача, шунингдек, Хивадан дарё бўйлаб 600 чақиримгача юқори томонга қараб кетадиган катта ҳудуд тўғрисида тадқиқот маълумотлари тўпланди.

Игнатьевнинг таклифлари Бухорода амир Насрулло томонидан хайриҳоҳлик билан қабул қилинди, Хивада эса хон Сайд Муҳаммад томонидан ҳам, савдо табақалари томонидан ҳам қатъий душманлик билан қарши олинди, улар: «Ўз молларингизни рус кемала-

¹ Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви. И-715-фонд, 19-иши, 63-варак.

² Ўша жойда, 55-варак.

рида ташишингиз мумкин», деган таклифга жавобан: «Бизнинг молларимиз рус кемаларида ташилганидан кўра чириб кетгани афзал», деб жавоб қайтардилар. Бу борада Йгнатьевнинг Россия номидан ҳар иккала давлат ўргасидаги аввалги келишмовчиликлар унугиб юборилади, хивалик савдогарларга ҳам Осиёнинг бошқа мамлакатлари савдогарлари эга бўлган имтиёзлар берилади, Амударё бўйлаб ташиладиган транзит моллардан 2,5%, кемалардан хонликка тушириладиган юклардан 5% миқдорида бож йиғиш имкони туғилади, деб олган мажбурияти ҳам ёрдам бермади.

Игнатьев Хива ва Бухорога қилинган миссия якунларига умумий баҳо бериб, ёзган эди: «Энг асосий ва энг муҳим натижа... шундан иборатки, хонликни рус ҳукуматининг кўзидан тўсиб турадиган туман тарқалиб кетди. Бизнинг миссиямиз кўлга киритган маълумотлар ва аввалги «сараб»нинг инсоф билан барҳам топтирилиши ана шу айёр ва ўз сўзида турмайдиган қўшнилар билан муносабатларимиз табиатида кескин бурилиш ясади, улар ҳокимиётининг аҳамияти ва негизига, уларнинг ҳақиқий кучига ва, айниқса, биз Ўрга Осиёда эгаллашимиз лозим ва мумкин бўлган аҳволнинг хусусиятларига анча тўғри назар ташлаш қарор топишига, ... шунингдек, ўзимизнинг муҳим манфаатларимизни янада тўғри ва қурратли тарзда ҳимоя қилишимиз учун кўзлаган мақсадимизни ҳам аниқлаб олишга имкон берди»¹.

Экспедиция якунларига бу хилда баҳо бериш «гапга кўнмайдиган» қўшнилар билан дипломатик музокаралар олиб борищдан бевосита қуролли сиқувга, фаол ҳужумкор ҳаракатларга ўтиш «вақти етганлиги»ни билдирарди. Ана шу пайтдан бошлаб дипломатик ва ҳарбий идораларнинг Россия сиёсатидаги Ўрга Осиёга доир тутган йўли тезда бир-бирига яқинлаша бошлади, улар ўргасида илгари мавжуд бўлган «ихтилофлар» «сиёсатчиларнинг сиёсати»дан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлди. Россия империяси ҳукмрон доираларининг режалари ва мўлжалларида Ўрга Осиё муаммоси устувор ўрин эгаллаб, «Осиёда ўз саноатимиз, ўз маданиятимиз ва ўз савдо-сотигимиз таъсирини кучайтирайлик», «Бизнинг чегараларимизга туташ бўлган дунёнинг бу қисмидаги маданий ишда иштирок этишимизни талаб қиласмиз», «Бизнинг ҳам бу вилоятга эркин кириши-

¹ Игнатьев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 г. С-Пб., 1897. С. 278.

миз мумкин бўлган вақт етди» ва ҳоказо чақириқлар тобора баландроқ эшитила бошлади.

Петербургдаги «маслаҳат кенгашлари» Ўрта Осиё хонликларининг яқин қўшилари бўлган Оренбург ва Гарбий Сибирь генерал-губернаторлари А. А. Катенин ва Гасфорд иштирокида Ўрта Осиёда жойларни разведка қилишдан тортиб айrim аҳоли пунктларини босиб олишга тайёргарлик кўришгача бўлган ҳаракатларнинг аниқ режаларини тушиб чиқа бошлади. Каспий соҳилида Данлевиль, Амударёда А. И. Бутаков, Чу дарёси ҳавзаси минтақасидаги Кўқон ер-мулкларида Венюков разведка отрядларининг ҳаракати 1859 йил баҳори ва ёзида Тўқмоқ ва Пиштекни, 1860, 1862 йилларда Кўқон қалъаларини босиб олиш билан ниҳоясига етди. 1863 йил 1 августда ИИВ ва Ҳарбий вазирлик ўргасида «Ўрта Осиёдаги келгуси ҳаракатлар хусусидаги умумий мулоҳазалар» келишиб олинди. 1863 йил 20 декабрда Оренбург ва Сибирь ҳарбий-стратегик йўлини бирлаштириш тўғрисида подшо фармони зълон қилинди. Бу разведка мақсадидаги экспедициялар ва тарқоқ ҳарбий юришлар босқичи тугаганилигидан ҳамда Ўрта Осиё давлатларига қарши кенг ҳарбий кампания бошланганидан дарак берарди.

Подшо қўшинлари кенг босқинчлилк ҳаракатининг тайёргарлик босқичи айни вақтда Ўрта Осиё хонликларини иқтисодий эксплуатация қилиш билан қўшиб олиб борилди. Бу янги савдо бозорлари ва ҳом ашё манбаларига эҳтиёж сезаётган Россия савдо-саноат доиралари томонидан хукумат сиёsatининг тўла қўллаб-кувватланаётганлигини билдирадар эди. Россия фабрикантлари ва заводчилари Ўрта Осиёга нисбатан амалга оширилаётган «қатъий» сиёsatни олқишлиб, уни Россия империяси таркибига қўшиб олишга чақирдилар. Кўқон хонлигининг 40—45 йилларида ёки босиб олинган айrim ҳудудлари улар томонидан Россия воқелигининг ажralмас қисмларидан бири бўлиб қолган қандайдир мавжуд нарса деб қаралар, уларнинг иқтисодий кўrsatkiчлари ва улардан дарҳол фойда чиқариб олиш имкониятлари ўрганиларди. Бу доираларнинг вакиллари ўз мақсадларига эришиш учун ўзларига қулай бўлган барча воситалардан, шу жумладан, вақтли матбуотдаги кенг тарғиботчилик компаниясидан фойдаланишга интилар эдилар.

Россия матбуотида, айниқса, ишбилармон доиралар томонидан қўллаб туриладиган матбуотда «рус куро-

лининг баландпарвоз ғалабалари» ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда, «Россиянинг Осиё ерларидағи цивилизация тарқатувчилик миссияси» ҳам кенг тарғиб этилар, Туркистонни тезлик билан «ўзлаштириш», «ободонлаштириш», у ерга «аҳолини тұғри жойлаштириш» ҳақида гап борарди. Бирорлар кема қатнайдиган сув йўллари билан Қора дengиз, Азов, Каспий ва Орол дengизларини бирлаштиришга, «рус товарларининг Ўрта Осиёга боришини осонлаштириш»га чақирсалар, бошқалар Каспий дengизида ҳарбий флотилияни куҷайтиришни, Орол дengизига йўл очиш ва Сирдарё бўйлаб кемачиликни ривожлантиришни таклиф этишар, учинчى йўналиш тарафдорлари эса (улар орасида йириқ Россия тўқимачилик магнати А. Шипов ҳам бор эди) Ўрта Осиё хом ашёсидан фойдаланиб, ип-газлама ишлаб чиқаришни кенгайтириш Россия учун энг фойдали иш бўлар эди, деб ўлашарди. Шипов ўз фикрининг исботи сифатида Америка пахтасига қарамликдан кутулиш мақсалида Ҳиндистон ва Австралияда пахта етиштира бошлаган Буюк Британияни мисол қилиб келтиради. У «Ўрта Осиёда пахта етиштиришни қайта тиклаш ва такомиллаштириш учун бутун кучгайратни сарф этиш»га чақирди. Чунки ип-газлама саноати янги сармоялар яратишга энг кўп қулайлик тудиради. «Сармоялар етишмаётган давлатда бу, айниқса, муҳимдир», деб ёзган эди¹.

Россияда саноат капитализмининг ривожланиши Америка Кўшма Штатларидан пахта келтиришга тўла-тўқис боғлиқ эди. 1861—1864 йиллардаги фуқаролар уруши туфайли тўқимачилик тармоги ҳалокат ёқасига келиб қолди: 1860—1861 йилларда Америкадан пахта келтириш 6, Ўрта Осиёдан келтириш 3 бараварга қис-қарди; бир пуд² пахтанинг нархи 4—5 сўмдан^{**} 7 сўм 50 тийинга кўтарилди ва яна ошиб бориб, 1862 йилда 12—13 сўмга, 1864 йилда 22—24 сўмга етди³.

Ўлканинг табиат захираларидан фойдаланишга қизиқиб қолган Россия империяси тадбиркорлари Москва университети қошида Москва қишлоқ хўжалик жамияти ва табиатшунослик ишқибозлари жамиятининг Туркистон ўлкаси иқтисодий захираларига бағишлиланган

¹ Ш и п о в А. П. Хлопчатобумажная промышленность и важность ее значения для России. М., 1857—1858. С. 42.

² Х а л ф и н Н. А. Присоединение Средней Азии к России. М. 1965.

* Пуд — 16 кг га тенг оғирлик ўлчови.

** Китобдаги «сўм» сўзлари «рубль» маъносига тушунилсин (муалл.).

кўшма мажлисини чақириш ташаббускори бўлдилар (1866). Унда саноат ва савдо турли тармоқларининг беш юздан ортиқ вакили, шунингдек, Йирик олимлар иштирок этди. Мажлисда сўзга чиқсан Москва қишлоқ хўжалик жамияти президенти И. Н. Шатилов Ўрта Осиёниг табиий бойликлари ва иқтисодиёти ҳақида маъруза қилиб, ўлка билан алоқани ҳар томонлама ривожлантиришнинг аҳамияти ва истиқболи ҳақида тўхталиб ўтди. У «савдогарлар ва саноатчиларни... рус кўшиналари бошлаган ишни охирига етказишга... ва Россия учун Осиёниг аҳамиятини мустаҳкамлаш»га чақирди¹.

Ўша йиллардаги матбуотда Ўрта Осиёни Россия империясининг пахта базасига айлантириш масаласига багишиланган мақолалар тез-тез босилиб турар, хусусан, уларда Америка жуда узоқда жойлашган, шу сабабли пахтани «бизнинг кўл остимизда бўлган Осиё мамлакатлари»дан излаш ҳақида ўйлаш керак, Ўрта Осиё бозорлари рус савдо-сотиги учун жуда муҳимдир, лекин рус савдогарларининг хонликлардаги ҳаёти ва мол-мулки хавф остида қолмоқда, шунинг учун Россия бу борада муҳим «ҳарбий-сиёсий тадбирлар»ни амалга ошириши зарур, деган фикрлар қайд этиларди.

Ўрта Осиё хонликларига ва унинг бойликларига йўл қидириш билан боғлиқ бўлган сабаб кенг миқёсли мустамлакачилик босқинларига фақат бошлангич туртки бўлиб хизмат қилди. «Йштаҳа овқат вақтида келади», деган ҳикматли ибора Россия мустамлакачилигига батамом мос келади. Мустамлакачилар нима фойда келтирса, (у хоҳ пахтачиликни кенгайтириш, хоҳ олтин, нефть ёки тошкўмир қазиб олиш, хоҳ Каспий ёки Орол денгизида балиқ саноатини ривожлантириш ёхуд Кўқон, Бухоро ва Хиванинг нодир нарсаларини чайқов билан сотиш бўлсин) ўша нарсага ҳирс билан бўйин чўзишарди. Бу ҳолат ўз-ўзидан доимий қидирув доирасини минтақанинг моддий ва одам ресурсларини талаш йўли билан чексиз равишда кенгайтиришга олиб келди, Россия ҳарбийларининг ҳам, шунингдек, жамиятдаги бошқа қатламларнинг ҳам янада гаразли режаларини илгари суришларига ёрдам берди.

Россия тадбиркорлари чоризмнинг Ўрта Осиёга босқинчилик юришларининг биринчи босқичи натижасида ёқ ўз савдо-саноат фаолиятларини ривожлантириш учун куляй шарт-шароитларга эга бўлдилар. Кўп сонли

¹ Ўша жойда, 226-бет.

амалдорлик тузилмалари, савдо манзилгоҳлари, фойдали қазилмаларга ишлов бериш бўйича жамиятлар ташкил этиш, йўллар қуриш бўйича лойиҳалар ва ҳоказолар орқали уларга жадал ёрдам кўрсатилди. Масалан, 1858 йилда 2 млн. сўм сармояга эга бўлган «Каспийорти савдо ширкати» ташкил этилиб, у Ўрга Осиёда завод ва фабрикалар қуриш, бу ердан барча зарур ҳом ашёни сотиб олиш, давлат заводларидан Йилига 45 минг сўмлик миқдордаги металлни давлат нархida олиш; Ўрга Осиё ва Шимолий Эронга темир, пўлат, мис, газмол маҳсулотлари ва ҳоказоларни сотиши хукуқига эга бўлди. Бу солиқлар, кўйилган сармоядан фоизлар олиш, маҳаллий бозорларни забт этиш, маҳаллий ҳунармандчиликни касод қилиш йўли билан жуда катта миқдордаги моддий воситаларни метрополияга ташиб кетишнинг, минтақа маҳаллий аҳолисини ўтакеттан бебошлиқ билан эксплуатация қилишнинг бошланиши эди. М. А. Терентьевнинг маълумотларига кўра, агар 1850 йилга қадар Осиёдан Йилига 800 минг сўмлик маҳсулот ташиб кетилиб, Россиядан бу ерга 600 минг сўмлик маҳсулот келтирилган бўлса, 1867 йилда ўлқадан олиб чиқиб кетилган маҳсулот товар 13 млн. ва шунга мувофиқ равишда бу ерга олиб кирилган маҳсулот 16,5 млн. сўмни ташкил этган¹.

Ривожланиб бораётган Россия буржуазияси чор кўшинларининг Кўкон хонлиги чегараларига яқинлашиб келишини зўр қониқиши билан маъкуллаб, эгалланган мэрраларда тўхтаб қолмасликка даъват қилар, бу бой минтақадан иқтисодий фойда олиш муҳим сиёсий зарурат эканлигини таъкидлар эди.

1864 йилда чор кўшинлари босқинчилигининг иккинчи — Кўкон, Бухоро ва Хива хонликлари ичкарисига кенг ва узоқ муддатта мўлжалланган кириб бориш босқичи бошланди. 1864 йил 21 ноябрда хорижий давлатларга расмий нота юборилиб, унда Россия Ташки ишлар вазири А. М. Горчаков «Франциянинг Африка, Голландиянинг ўз мустамлакалари, Англиянинг Ҳиндистондаги» хатти-ҳаракатларига таянган ҳолда, Россия империясининг мақсадлари «Ўрга Осиёнинг хавфсизлигини таъминлаш», у ерда «ижтимоий курилиш, савдо, фаровонлик ва цивилизация»ни ривожлантириш ҳамда «бу ерда аҳолининг тўғри жойлаштирилиши»ни осонлаштиришдан иборатдир, деб баён

¹ Терентьев М. А. Россия и Англия в Средней Азии. С-Пб. 1875. С. 272.

қилди. Шунингдек, «тўғри ташкил этилган давлатнинг» «қатъий тартиб» ўрнатилмаган қўшини ҳудудларга ўз таъсирини тарқатишга «қатъий интилиши» ҳам эслатиб ўтилган эди.

Чоризмнинг мақсадларини халоскорлик деб ниқоблаш орқасида эса, амалда унинг ҳақиқий ниятларига мос келадиган учта нарса — минтақани босиб олиш, мустамлакага айлантириш ва руслаштириш ҳамда яқин келажакда «янги рус Туркистони»ни ташкил этиш режаси яширинган эди. Бироқ, ҳужжатларнинг гувоҳлик беришибча, дастлабки пайтларда чоризмнинг режаларига Ўрта Осиё давлатларининг мустақиллигини тұлата-түкис тугатиш вазифаси кирмаган. Бу ниҳоятда мураккаб, қимматта тушадиган ва хавфли иш эди. Мазкур давлатларнинг ички мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда уларнинг ҳақиқатда чоризмга бўйсуниши анча фойдалидир, деб ҳисобланди. Шундай қилинганда қўйидаги бир қатор вазифалар ҳал этилиши мумкин эди: ички мухториятнинг сақлаб қолиниши Ўрта Осиё туфайли келиб чиқадиган инглиз-рус келишмовчилигини маълум даражада юмшатар ва қўшини Шарқ мамлакатлари билан тўғри муносабатлар ўрнатишга ёрдам берарди; ўлка маъмурияти ва хўжалик эҳтиёжларини маблағ билан таъминлашда подшо ғазнасининг чиқимларини камайтиради; хонлар ҳукмронлигини сақлаб қолиш маҳаллий анъанаалар ва тартиботларни хурмат қилишнинг исботи бўлиб хизмат қилган бўларди.

Бу гоя 60-йилларнинг охирида чор қўшинлари томонидан Туркистон, Авлиёота, Чимкент ва Тошкент босиб олингандан кейин ҳамда 1865 йилда Туркистон вилояти ташкил этилгандан сўнг фаоллик билан тартиб этила бошлади. Масалан, чоризмнинг «яrim норасмий» органи бўлган «Московские ведомости» газетаси кўпгина мақолаларида «давлатимиз ғазнасининг қимматбаҳо пуллари ана шу янги чекка ўлкага сарф этилиши ва у ердаги харажатлар бутунлай Россиянинг маҳаллий маблағлари ҳисобидан тўланиши»га йўл қўйиб бўлмайди, деб баён қилган эди¹. Бу фикр «Москва» газетаси томонидан, айниқса, яққол ифодалаб берилди. Унинг таҳририяти мустамлакачилик сиёсатининг «программа-минимуми»ни қўйидагича ифодалади:

¹ Дмитриев Г. Л., Депеша Е. Скайлера и проблемы Среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. Материалы по истории, историографии и археологии. Сб. научных трудов ТашГУ, № 517, Т., 1976. С. 31.

«...Мамлакатдаги ички осойишталиктин сақлаш учун зарур бўлган қўшинларни таъминлаш ва бу маблағларни тўплаш билан шугулланадиган маъмурий таркибни таъминлашга мўлжалланган маблағлар ўлканинг ўзидан олинсин»¹. Бошқа органлар ҳам шу руҳда ўз фикрлари ни билдирилар. Ана шу режаларга мувофиқ, чоризмнинг ҳарбий ҳаракатлари туфайли ўз худудларининг муайян қисмидан ажралган Бухоро амирлиги ва Хива ҳонлиги ҳам Россия империясига қарам давлатлар бўлиб қолди. Бухоро амирлигидан тортиб олинган Хўжанд, Уратепа, Жиззах, Самарқанд, Каттакўрғон 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Зарафшон округини ташкил этди. Хива ҳонлиги Аму-дарёning бутун ўнг соҳилидан ажралди, бу ерлар Аму-дарё бўлими номи билан Туркистон таркибиға кири-тилди (1873).

Ҳар иккала ҳонлик Россия божхона тизим таркибиға киритилди, бу уларнинг иқтисодиёти чоризм манфаатларига тўла-тўқис бўйсундирилгани ва Россия савдо-гарлари ҳамда буржуазиясининг мутлақ ҳукмронлиги таъминлашини билдирад эди. Россия тазиқи билан Бухоронинг асосий валютаси ҳисобланган танга зарб этишнинг тўхтатилиши туфайли амирлик мустақил ҳаракат доираси яна ҳам кўпроқ торайди. Танганинг қиймати доимий равишда ўзгариб турганлигини баҳона қилиб, чор ҳукумати 1901—1903 йилларда эски зарб этилган тангаларнинг бир қисмини ва Бухоро амири 1902 йилда зарб қилган 24 млн. янги тангани сотиб олди. Аҳвол шу билан тугадики, амирликка рус кредит билетлари, олтин ва кумуш тангалар келтирилди, улар секин-аста Бухоро бозоридан маҳаллий пулни сиқиб чиқарди².

1968 йилги савдо шартномасига мувофиқ Кўқон ҳонлиги ҳам чор ҳукумати томонидан назорат қилинадиган, Россия маҳсулотлари сотиладиган бозор ва хом ашё манбаига айлантирилди. Бироқ, Бухоро ва Хивадан фарқли ўлароқ, Кўқон ички сиёсий адватлар, ҳалқ исёнлари ва қўзғолонлари билан ларзага келган бўлиб (булар тарихий адабиётларда батафсил ёритилган³), чор қўшинларининг босиб олиши нати-

¹ Ўша жойда.

² Гуҳтаметов Т. Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX — нач. XX вв. Т., Фан, 1966. С. 59.

³ Аҳмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии // История и историография колониальной политики ширма в Туркестане. Т., Фан, 1995; Х. З. Зиёев. Туркистанда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., Шарқ, 1998.

жасида ўз сиёсий мақомидан маҳрум этилди. Чор ҳукумати Кўқон билан бўлган воқеада «иккинчи Кавказ» вужудга келишидан чўчиб, ўзининг «расмий тамойиллари»дан воз кечди ва Кўқон хонлиги худудларини «Россия империясининг ажралмас қисми» деб эълон қилди (1876). У Фарғона вилояти номи билан аталди ва 1867 йилдан бўён ҳукм суриб келган Туркистон генерал-губернаторлиги асосини ташкил этди.

Туркистонни бошқариш стратегияси ҳарбий ҳаракатлар жиҳатидан деярли баравар бўлган икки тамоийилни бир-бирига мувофиқлаштиришга мажбур бўлди, буларнинг бири — иложи борича тезроқ минтақада Россия тартиблари ва қонунларини ўрнатишга кўмаклашиш, иккincinnisi — ўз турмуш тарзи, анъаналари, диний-анъанавий пойдеворида туб ўзгаришлар бўлишини мутлақо ўзига сингдиролмайдиган маҳаллий аҳоли билан муносабатларни қандай қилиб йўлга кўйищдан иборат эди. Давлат ва унинг Туркистондаги вакили бўлган мустамлакачи маъмурият у ёки бу сиёсатни танлаб, унга амал қилишлари лозим эди.

Табиийки, Туркистонни бошқариш ва ундан сиёсий ва иқтисодий фойда олишнинг бирдан-бир йўли — умуман Россиянинг ўз тузилиши ва янада аниқроги, метрополия томонидан империянинг бошқа миллий минтақаларида ўз ифодасини топган бошқарув усули бўлиб, у Волга бўйи, Сибирь, Қозоғистон, Крим, Кавказ ва бошқа бир қатор жойларда рус мустабид ҳокимијати манфаатларини маълум даражада пухта таъминлаб турарди. Одатда миллий минтақаларни бошқариш тамойиллари ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятларини бирга кўшиш, айни бир хил муассасаларда маъмурий, суд, хўжалик ва бошқа функцияларни бирлаштиришга асосланган эди. Бу тамойиллар амалда ўзгартирилмаган ҳолда Туркистонда ҳам асос қилиб олинди.

Бу хилдаги дастлабки хужжат Янги Кўқон чегарасининг кўмондони М. Г. Черняев идорасида «Ўрга Осиё чегара вилояти тўғрисидаги Низом лойиҳаси» тарзидан ишлаб чиқилди. Россия вазирликларида қайта ишланган мазкур лойиҳа 1865 йил 6 августда «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низомлар» номи билан босилиб чиқди.

Хужжатларнинг асосий мажмуи 1867 йилдан бошлаб Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. П. Кауфманнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқила-

ди¹, уларда маъмурий тизим «ҳарбий-халқ бошқаруви» деб аталган эди. Маълумки, ҳар қандай атаманинг вазифаси у ёки бу тарихий жараённинг объектив мөҳиятини энг мақбул тарзда акс эттиришдан иборатдир. Бундай ҳолда у подшо генералитети ва зобитлар таркиби орқали ҳокимиятнинг ҳарбий режимини ўрнатишни акс эттирарди. Бу режим маҳаллий жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини ялпи тартибга солиш билан бир вақтда, мусулмон судлари, оқсоқоллар, закот тўлаш қоидалари ва шу каби бошика анъанавий ижтимоий-ҳукуқий институтларнинг сақлашиб қолишини таъминларди.

Бундай «муроса-мадора» мустамлакачи маъмурлар учун мажбурий чора бўлиб, уни, бир томондан, 60—80-йиллардаги ҳарбий вазият ва, иккинчи томондан, босиб олинган халқларни метрополиянинг ички ижтимоий-иктисодий ривожлантириш соҳасига тезроқ жалб этиш, янги мустамлакадан фойдани янада «самаралироқ» тортиб олиш зарурати талаб қиласарди. Бундан, юқорида кўриб ўтганимиздек, йирик капиталистларга айланиб бораётган рус буржуазияси ва у билан мустаҳкам алоқада бўлган ҳукумат амалдорлари ниҳоятда манфаатдор эдилар. Улар «тeng ҳукуқли бошқарув» билан чекланиб қолмасдан, сиёсий партиялар ва Европанинг бир қатор мамлакатларидағи католик руҳонийлар каби Ўрта Осиёда кучли таъсирга эга бўлган диний ташкилотларга зарарига бўлса ҳам аҳолининг савдо-сотиқ билан шуғулланувчи қатламларини кучайтириш, тижоратчилар синфининг аҳамиятини оширишни таклиф этдилар. Ўлканинг маркази бўлган Тошкентни «Осиё Гамбурги ва Франкфуртига айлантиришга ҳаракат қилиш керак, чунки у бунинг учун барча имкониятларга эгадир», деб даъват қилдилар². 60-йиллардаёқ «Иван Хлудовнинг ўғиллари», «Савва Морозовнинг ўғиллари», «Вл. Третьяков», «Ака-ука Ремезовлар», «Ака-ука Солодовниковлар» савдо уйлари ва бошқалар подшо газнаси иштироки билан «Москва-Тошкент ширкати» ташкил этишда қатнашиш учун ариза

¹ Проект положения об управлении в Семиреченской и Сыр-Дарьинской областях 1867 г.; Проект временного положения об управлении Зеравшанским округом 1868 г.; Проект положения об управлении Туркестанским краем 1871 г.; Проект положения об управлении Ферганской областью 1876 г. и др.

² Туркестанский край. Сборник материалов для истории его завоевания, собрал полк. Серебренников А. Г., т. 20, ч. 2. Донесение Крыжановского — Милитину от 31 декабря 1865 г.

бердилар. Подшо газнаси бунинг учун 100 минг сўм ажратди. Маъмурлар томонидан қўллаб-куватланган Россия савдогарлари ва саноатчилари уюшиш ва мустаҳкамланиб олишга, минтақада ўз таъсир ва эркин ҳаракат қилиш доираларини доимий равишда кенгайтиришга интилдилар. Аслини олганда, айнан худди шундай ҳаракатлар мустамлака савдосининг секин-аста сиёсий-иқтисодий хусусиятга эга бўлган мустамлака босқинчилигига айланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Бу босқинчилик XIX аср охири — XX аср бошларida алоҳида куч билан намоён бўлди.

Энди чоризмнинг бошқарув соҳасидаги стратегик режаларига қайтамиз. Бошқарувнинг асосий тамоиллари метрополиянинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига таянди ва шуларга мувофиқ равишда чоризмнинг қўйидаги асосий вазифалари белгилаб чиқилди: Туркистон халқларининг янги режимга қаршилик кўрсатишининг барча шаклларини ҳарбий йўл билан бостириш ва бу халқларни зўрлик билан мустамлакачилик тизимиға мослаштириш; хонлар, беклар, маҳаллий аъёнлар бошчилигидаги аввалги ҳукмронлик механизмларини йўқотиш; маҳаллий аҳолининг турмуши, урф-одатлари ва расм-русумларига аралаш-маслик; Туркистонга «аҳолини тўғри жойлаштириш»ни ташкил этишга ёрдамлашиш; минтақанинг табиий бойликларидан фойдаланишнинг арzon тизимини таъминлаш.

Бу вазифаларни амалга ошириш ҳарбийлаштирилган бюрократиянинг иши бўлиб қолди. У ўз қўлида ҳарбий, фуқаролик ва суд ҳокимиятини бирлаштирган, ўлка, вилоят ва уезд даражасидаги бошқарув тизимининг барча асосий нуқталарини эгаллаган эди. Факат волость ва қишлоқ даражасидагина бошқарувни ташкил этиш гўё маҳаллий жамият ихтиёрига берилганди. Маҳаллий маъмурӣ ва суд органлари, қози ва бийлар судларини шакллантиришнинг «халқ судлари» деб аталган «сайлаш тизими» зълон қилинган эди. Амалда эса аппарат бу қисмининг сайлаб қўйилиши ва чекланган тарздаги ўзини ўзи бошқариши кўп жиҳатдан сохта эди, чунки ўзининг барча хатти-ҳаракатлари тўгрисида подшо зобитларидан иборат уезд бошлиқларига қатъий ҳисоб берарди. Бу бошлиқлар ҳар қандай сайловни бекор қилиш, режимга маъқул келмайдиган оқсоқоллар, раислар, закотчилар, қозилар, бийлар ва шу кабиларни ўз ихтиёри билан алмаштириш ҳукуқидан

кенг фойдаланаар эдилар. Маҳаллий аппаратни таъминлаш учун бюджетдан маблағ ажратилмасди. Ҳақ тўлаш турли даражадаги йигинларнинг қарори билан белгиланар ва тўла-тўкис аҳолининг зиммасига юкландарди.

Чоризм томонидан ўз ижтимоий таянчини кенгайтириш ва жойларда ўзига хос «кадрлар манбай»ни яратиш мақсадида ташкил этилган бу институтларни мувофиқлаштириш, айниқса, Россия тузилмалари ва давлат муассасалари билан бирлаштириш жуда катта қийинчилик туғдиради. Бу муассасаларнинг фаолияти асосан ғазнани тўлдириш — аҳолидан солиқ ва ўлпонлар тўплаш, уни йўллар, кўприклар, мустамлакачи амалдорлар учун дала ҳовлилар қуришдан иборат бепул «жамоат ишлари»га жалб қилиш бўлиб, ҳалқнинг ғазаб-нафратини қўзғатар, ўлкада кескин сиёсий ва ижтимоий низолар келтириб чиқаришга хизмат қиларди. Бунинг устига, аппаратнинг бу қисмига, бутун рус маъмуриятига хос бўлган гайриқонунийлик, ғазнани талаш, пораҳурлик, коррупция ва бошқа иллатлар бегона эмасди. Рус маъмуриятининг Туркистонда содир этган сунистехнологлари ҳақидаги далиллар вақти-вақти билан ошкор бўлиб қолар, бу эса ҳам Туркистондаги, ҳам Россиядаги жамоатчилик қўз ўнгида мустамлакачи маъмуриятнинг «нуфузи»га жиддий путур етказарди.

Чоризм Туркистондаги сиёсатини ўзи учун анъанавий бўлиб қолган, айни пайтда ҳар қандай устаси Фаранг ҳукумат учун ҳамиша ўзига хос ёзилмаган қонда ҳисобланган: «Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» таомойили асосида олиб бориш билан кифояланмаган. Шу билан бирга, курдатли, кўп асрлик анъанавий маънавият негизига таянувчи жамият билан муомала қилишини ҳам ҳисобга олган. Унинг мақсади «муроса-мадора» йўли билан секин-аста Туркистонни Россия андоzаси бўйича ўзгартириш имконини яратиш эди.

Бу хилдаги ижтимоий тажрибани амалга ошириш учун фақат маҳаллий жамиятнинг турмуши, маданияти, анъаналари, дини ва бошқа маънавий қадриятларинигина эмас, шу билан бирга, унинг туб сиёсий ва ижтимоий қайта тушибга қанчалик мойиллгини чамалаб кўриб, бу жамият ўзгаришга қай даражада лаёкатли эканлигини ҳам билиш муҳим эди: яъни, уни бўйсундириш ва қайта ташкил этиш мумкинми ёки у ўзгараётган тарихий шароитга фақат сиртдангина мослаша оладими? Бунинг устига, бу ерда гап мусулмон жамияти, унинг элитар тузилмалари тўғрисида борар-

дики, у жамият ҳаётини ялпи тенглик асосида ташкил этиш тамойилига мойил эди.

Кўп сонли архив ҳужжатлари, эсдаликлар, ёзишмалар, ва бошқа материалларнинг гувоҳлик беришича, мустамлакачиларнинг аксарият кўпчилиги маҳаллий шароит ва аҳолининг кайфияти билан ҳисоблашмасди, чор армиясининг кучи ва қудратига ва ўлкадаги бошқарувнинг зўравонлик усулларига таяниб, кўпроқ синааб қўриш ва хатолардан иборат ички ҳис-туйғу асосида ҳаракат қилишарди. Улардан бири К. П. Кауфман бўлиб, у 1867 йилдан 1882 йилгacha Туркистон маймуритига бошчилик қилган ва ўша йилларда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини асосий амалга оширувчи ҳисобланарди. Унинг ортидан Самарқанддан тортиб Хивагача бир қанча қонли босқинчилик ҳаракатлари содир бўлган, у чор армияси аскарларига юзлаб шаҳарлар ва қишлоқларни ёндириш ва талаш, кўплаб мачит ва мадрасаларни бузуб ташлаш ва ҳарбий анжомлар омбори ёки отхоналарга айлантиришга рухсат берган эди. Айни вақтда, у «Туркистоннинг ташкилотчиси», моҳир ва эҳтиёткор сиёсатчи бўлиб, маҳаллий жамиятнинг «ички ҳаёти»га аралашишга йўл қўймасди.

Ўша даврдаги ҳужжатларни дикқат билан ўрганиш Туркистон ҳалқлари мустамлакачилик даврида дучор бўлган ижтимоий-маданий таназзулни айнан К. П. Кауфман бошлаб берганлигини кўрсатади. У Туркистон билан илк танишувидан кейин ҳарбий вазир Милютинга: «... мусулмонлар ўзларини шу қадар совуқёнлик билан тутиб, олий ҳокимият вакилларига шу қадар беларво, ҳатто ҳурматсизлик билан муносабатда бўлмоқдаларки, бу борада қандайдир ўзаро келишув мавжуд бўлса керак деб тахмин қилиш мумкин... Мен ақл-идрокли кишиларнинг кайфияти яхши эмаслиги, рус ҳокимиятгини ёқтираслигига асосланиб, бу ерда ундан ҳалос бўлиш учун қулай фурсатдан фойдаланиб қолишга ҳозирлик ҳақиқатан ҳам мавжуд эканлигига аминман!», — деб ёзган эди.

Кенг ҳукмдорлик ваколатларига, ҳатто Ҳарбий вазирликни четлаб ўтиб, шахсан подшога ҳисоб бериш ҳукуқига эга бўлган Кауфман аввал бошданоқ «ислоҳотлар»ни секинлик билан ўтказиш йўлини таклиф этади. Бироқ бу йўл жамият ички ҳаётининг муҳим

¹ Кастельская З. Д. Из истории Туркестанского края. — М., 1980. С. 29.

негизларига — ер муносабатлари ва солиқ ундириш тизимиға, мактаб ва мадрасалар ролини заифлаштириш, рус-тузем мактабларини жорий этиш ва ҳоказоларгагина даҳлдор эди. Унинг асрлар мобайнида мавжуд бўлиб келган тартиб-қоидаларни барбод қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлари учун асосий баҳона маҳаллий аҳолининг «рус ҳокимиятини ёқтирумаслиги» эди. У хусусан қуидагиларни ёзди: «Жуда тезлик билан ерга имтиёзли равишда эгалик қилиш, мулк ва вақф ерлари ҳақидаги масалалар юзасидан қонун тарзидаги қарор ниҳоятда зарур. Ўзларининг ерга бўлган даъволарини ҳимоя қилувчи мулк эгалари ва мусулмон руҳонийлари аҳолининг зодагонлар синфини ташкил этиб, улар бизга сиёсий жиҳатдан душман ҳисобланади. Бу нуфузли табақалар ўзларини аввалги ижтимоий-сиёсий мавқеидан маҳрум этган янги тартиботдан норозидир. Имтиёзли равишда ерга эгалик қилиш маҳаллий зодагонларининг моддий кучга эга эканлиги ҳақидаги масала бўлиб, уларнинг манфаатлари ҳукуматнинг ниятлари билан мос келмайди». Шу тариқа Кауфманнинг ташаббуси билан мулк эгалари, диний идоралар ва солиқлардан озод бўлиш ҳукуки эътироф этилган шахсларнинг рўйхатини тушиб чиқиши ва тасдиқлашга киришилди. Мулкларнинг ва вақфларнинг эгаларига деҳқонлардан оладиган йигим ўрнига, давлат томонидан бериладиган муайян микдордаги нафақа белгилаш таклиф этилди. Бундан кўзланган мақсад «маҳаллий аҳолининг энг хавфли қисмини вақф ва мулк нафақаларини берадиган рус маъмуриятига бевосита қарам қилиб қўйиш эди»¹. Бу билан Кауфман аслида Ўрта Осиё давлатчилигининг бузилмас негизи — ерга бўлган хусусий мулкчилик ҳукуқини бузган ҳолда, Петербургдан маҳаллий аҳолининг «ички ҳаётига» аралашмаслик тўғрисида олинган йўл-йўриклиарга зид иш тутиб, чоризмнинг стратегик режасини — мулкни янги ҳокимият — чоризм фойдасига қайта тақсимлашни амалга оширди.

Ўлканинг барча ерлари мулкчилик ҳукуқий белгилари озми-кўпми ифодаланган ҳолда маҳаллий қонун-қоидаларга кўра давлат мулкига айлантирилди, уларга солиқ солиниб, подшо ғазнасини бойитадиган бўлди. «Зарафшон округи ва Амударё бўлимидаги вақф ер эга-

¹ Проект отчёта К. П. Кауфмана за 1867—1881 гг. С-Пб., 1885. С. 242—243.
² Ўша жойда, 247-бет.

лиги тартибга солинди, ... вақф ерларида ўтирган дәхқон аҳоли умумий ўлпон қоидасига бўйсундирилди, аввалги эгаларига нисбатан ҳеч бир даъвоси йўқ... Муллар эса, ҳеч бўлмаганда, расман амлок, яъни ўлпон тўла-надиган ерларга тенглаштирилди¹, деб ҳисоб берган эди Кауфман подшо олдида. Аҳолиси энг зич жойлашган Фарғона вилоятида ҳам шундай тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун 1880 йилда маҳсус «Ижтимоий — ўлпон ва ер тузилиши тўплам» чиқарилди.

Кейинчалик, «1886 йилги Низом», «Туркистон ўлкасида ер-ўлпон тузилишини жорий этиш тўғрисидаги 1903 йилги Қоидалар» қабул қилиниши, аҳолини кўчириш тўғрисидаги 1906 йилги сиёsat ва бошқалар на-тижасида ер муносабатлари ва солиқقا тортишнинг бутун тизимиға қўшимча ўзгаришлар киритилди. Бу тадбирлар ер эгалари, бутун халқнинг ижтимоий аҳволини янада оғирлаштириди. Мазкур қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида Туркистон ўлкасининг манфаатлари ва унинг иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари, унда истиқомат қилаётган деярли олти миллион аҳолининг талаблари ҳисобга олинмади, у давлат ҳукмронлигига тўла-тўқис қарам бўлиб қолди.

Чоризм мінтақанинг ер майдонини тўлиқ чегаралаб чиқди. Аҳолига уч тоифадаги — сугориладиган, лалми ва ишлов берилмайдиган ерлар биринкириб кўйилди. Уларга оғир солиқлар солинди. Маҳаллий аҳолидан «ортиқча ерларни» шафқатсизларча зўравонлик билан тортиб олиш ҳисобига Россиядан аҳолини кўчириб келтириш муаммолари ҳал этилди. Пахта чоризм учун стратегик жиҳатдан муҳим экин бўлиб, унинг пахта соҳасида АҚШдан мустақил бўлишини таъминлаш жиҳатидан сугориладиган ерлар пахта етиштириш учун қайта тақсимланди.

Бу «ўзгаришлар»нинг барчаси мустамлакачилик сиёсатининг белгиларини ўзида акс эттирган бўлиб, Туркистонни иложи борича кўпроқ метрополияга боғлиқ қилиб кўйишга, мазкур мінтақада яшовчи халқлар онгига бу улар учун тарихан мумкин бўлган ва мос кела-диган бирдан-бир йўлдир, деган фикрни сингдиришга қаратилган эди. Гарчи «оддий фуқаро» чоризм «ўзгаришлари»нинг чинакам моҳиятини ҳамиша ҳам англаб етмаса-да, лекин у қашшоқлашиб ва хонавайрон бўлиб борган сари чоризм ўзининг ҳар бир қадамини ўз фой-

¹ Просект отчёта К. П. Кауфмана. С. 257.

даси ва мустамлакачилар манфаати нуқтаи назаридан баҳолашини тобора аникроқ тушуна боради. Ижтимоий норозиликнинг турли давлат идораларига шикоятлар ва илтимосларнинг кенг оқимидан тортиб, чоризм идора усулига қарши ҳалқ исёnlари ва миллий-озодлик ҳаракатларигача бўлган ҳар хил кўринишларининг ортиб бориши бу фақат чет эл ҳукмронлигига нисбатан таъсирчан сиёсий акс-садо бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, мустамлакачилик ёт мамлакатнинг улар ватани иқтисодиёти ва сиёсатига ғаразгўйлик билан кириб келишидан иборатлигини, мустамлакачилар хайриҳоҳ ва ғаразсиз бўлиши мумкин эмаслигини, уларнинг хатти-ҳаракати чекланмаган ҳокимиятга ва иложи борича кўпроқ фойда олишга қаратилганлигини англаб етиш ҳам эди.

Туркистон жамияти ўзининг тант аҳволга тушиб қолганлигини тобора чуқурроқ ҳис этиб, уйғона бошлади ва ҳаракат қилишга ўтди. Подшо қонунларининг номукаммал эканлигини, ерлар адолатсиз тақсимла-наётганлигини кўрсатиб, вазиятни ўзгартиришга интилди, лалми ва ишлов берилмайдиган ерлардан возкечди, дехқонларнинг хўжаликларга мажбуран бириклириб қўйилишига, юқори даражадаги солиқ ва ўлпонларга қарши чиқди, порахўрликнинг ялпи авж олиши ва маъмурларнинг ўзбошимчалигидан ғазабга келди.

90-йилларга доир «Маҳаллий аҳолининг ақл-идрокли кишилари аҳволи ва кайфияти тўғрисида»ги маълумотда маъмурият хавотирлик билан қўйидагиларни таъкидлаган эди: «Ҳалқ оммаси ўзи билан бир диндаги хон ҳукмронлиги вақтидаги мустақиллиги ҳақидаги хотиралари, ўзининг руҳонийлари ва олимларига ҳурмат туйгусини ҳали унуттан эмас; ҳалқ судига берилган кенг ҳокимият қозиларга бўлган ҳурматни қўллаб-куватламоқда; руҳонийлар ва қозиларнинг қўллаб-куватланиши бу оммани ўзига тўла қарамлиқда сақлаш имконини беради ва ... шу омиллар туфайли омма агар бунга қулай шароит топилса, рус ҳукуматидан ўзини четга олишга ҳам қарши эмас». Шундан кейин мустақиллик ҳақидаги фикрни сақлаб қолган энг катта ва кўп сонли гуруҳ тўғрисида хабар бериладики, «унга деярли бутун қишлоқ аҳолиси ва шаҳар аҳолисининг бир қисми киради»².

¹ Ўзбекистон МДА, И-3-фонд, 2-рўйхат, 60-иши, 219-варап.

² Ўша жойда, 221-варапнинг орқаси.

Мустамлакачи маъмурлар жойлардаги ҳалқ ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган барча уезд бошлиқларидан шу хилдаги маълумотларни олар эканлар, чор идора усулига қаршилик кўрсатиш ортиб бораётганини аниқ кўрап ва уни ҳар қандай йўллар билан бостиришга ҳаракат қиласдилар. Буюк давлатчилик ва ҳукмдорликни мақсад қилиб олган метрополиянинг раҳнамоларча кўрсатмаларига мувофиқ бундай чора ва усуллардан фойдаланиш авж олиб борарди. Бошқарув соҳасида (айниқса, XIX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб) бу генерал-губернатордан тортиб то участка нозиригача бўлган бутун бошқарув таркибининг маъмурӣ, полиция ва таъқиб қилиш ваколатлари кенгайганидан уларга ҳатто фавқулодда ва ҳарбий кўринишдаги чора ва усулларни қўллаш ҳукуқи берилганида кўзга ташланди, улар Туркистонда чор идора усули мавжуд бўлиб турган кейинги 25 йил мобайнида амал қилиб турди, бунда алоҳида ва ҳарбий-дала судлари, шавқатсиз жазо экспедициялари, сиёсий қидирув органлари, сургун қилиш ва турмаларга ташлаш каби усуллардан кенг фойдаланиларди. Суд тизимида ўз фаолиятини давом эттириб келаётган қози ва бий судлари билан бир қаторда, рус судлари — келиштирувчи, уезд, вилоят, округ судлари ва Тошкент суд палатасининг ваколатлари ва иш олиб бориш соҳаси кенгайтирилди, 1898—1899 йилларда улар узил-кесил империяча андозалар асосида тартибга солинди. Чоризм босқинчилгининг ҳали бошланғич давридаёқ кун тартибига кўйилган минтақага «аҳолини тўғри жойлаштириш» ва уни янада жадалроқ руслаштириш масаласи алоҳида куч билан авж олдирилди. Маънавий соҳада мусулмон руҳонийларига, мактаблар, мадрасалар, исломнинг ижтимоий институтларига қарши кўпорувчилик фаолияти кучайтирилди, айни вақтда, рус-тузем, черков-қавм, якшанбалик ва бошқа мактабларнинг, православ черковлари, соборлар, ибодатхоналар, монастирлар ва турли миссияларнинг фаолият кўрсатиши учун имконият майдони кенгайтирилди.

Мустамлакачилик даврида амалга оширилган ўзгарышларнинг чинакам маъно ва мазмунини аниқроқ билиб олиш, тўғрироғи, мустамлакачилик билан тўқнаш келиш туфайли анъанавий давлатчилик ва жамият ҳәётининг издан чиққанлигини тасаввур этиш учун расмий «юқори» табақалар томонидан баён қилинган дастурлардан ташқари, ўша вақтдаги айrim ҳуж-

жатларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Бу борада хусусан, камроқ ўрганилган соҳа — маҳаллий жамиятнинг маънавий соҳасига тааллуқли хужжатлар дикқатга сазовор.

Мана, Россия империяси Давлат Кенгашининг аъзоси, 1908—1909 йилларда Туркистон ўлкасини тафтиш қилган сенатор К. К. Паленning ҳисоботида келтирилган фикр: «Рус ҳукумати ўз фуқаролигига кирган бошқа қабилаларни тинчлантириш ҳақида қайгуриб, мазкур қабилаларнинг ахлоқий тушунчалари соҳасига зўравонлик билан кириб бориш ва мамлакатдаги урфодатларни ўзгартириш ниятида эмаслигини эълон қилиш билан чекланди... Шу билан бирга, ҳозирча ўз кучида қолдирилган одатдаги ҳукуқнинг, вақтингчалик тартиби» ҳамиша назарда тутилди, чунки «агар Куръонга қонун кучи бериладиган бўлса, аҳоли айтиб ўтилган қонуннинг изоҳловчиси бўлган ўз руҳонийлари тазики ғостида бўлади, рус давлатига ҳамиша бегона бўлиб қолади»¹. Яъни, рус ҳукумати Туркистон аҳолисининг онги, унинг ижтимоий муносабатлари кўп асрлар мобайнида ислом аҳкомлари ва анъаналари билан белгилаб келингандиги, унинг таркибий қисми бўлмиш шариат — сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қонун-қонидаларнинг, ҳукуқий ва ахлоқий анъаналарнинг бутун бир мажмуидан иборат эканлигини ҳис қилиб, бу жамиятни табиий-тарихий ривожланиш йўлидан зўрлик билан бошқа томонга буриб юборишни режалашибтирди. Бунинг учун Кауфман давридаёт «диний урфодатлар ва маросимларга аралашмаслик тўғрисида»ги шовқин-суронлар сафсалалар билан руҳонийларнинг ерлари давлат мулки деб зълон қилинди ва улар арзимаган пулга чор генераллари, юқори амалдорлари, саводогарлари ва янги капиталистларга сотиб юборилди, шаҳарнинг руслар истиқомат қиласиган қисмларини ва бошқа обьектларни қуришга ажратиб берилди.

Кейинроқ вақфларни ташкил этиш аслида бутунлай таъқиқланди. «1886 йил Низоми»нинг 226-моддасида бу ҳақда шундай дейилган эди: «Янги вақфлар ташкил этилишига генерал-губернаторнинг рухсати билан унинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлинган тақдирдагина йўл кўйилади». Ёки 267-моддада куйидагича тушунириш берилган: «Вақф хужжатларини

¹ П а л е н К. К. Отчет по ревизии Туркестанского края. Переселенческое дело. С-Пб., 1910. С. 19.

тасдиқлаш, вақфларни бошқаришни йўлга қўйиш, вақф даромадларидан фойдаланишнинг тўғрилигини кузатиб бориши ва уларни тафтиш қилиш хукуқи вилоят бошқармаларига тегишидир». Вилоят бошқармалари эса ўрта бўғин чор амалдорларига тегишли эди.

Рұҳоний табақанинг иқтисодий негизига пуртур етказилиши ўз-ўзидан ўлканинг анъанавий ўкув юртлари — мактаблар ва мадрасаларга таъсир қўрсатиши лозим эди, улар давлат маблағлари ҳисобига эмас, балки жамоат, шу жумладан, диний муассасалар хайриялари ҳисобига таъмин этиларди. Туркистон аҳолисини саводли қилиш ва уларга маориф тарқатишининг асосий ўchoқлари, унинг миллий маънавий қадриятларининг бир қисми бўлган мактаб ва мадрасалар Туркистоннинг ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнар эди. Бу ҳолат маъмурларга ёқмасди, мактаб ва мадрасаларни «мусулмончилик ўchoқлари» деб, уларни «русларга» нисбатан душманлик кайфиятида деб, бу ерда уларни обрўсизлантиришга қаратилган режалар тузиш билан шуғуланишида.

«Жамият ва давлат ҳаёти эҳтиёжлари эндиликда мадрасаларда олинган билимларни жуда кам даражада талаб қилмоқда, — деб ёзган эди К. П. Кауфман. — Сайлаб қўйиладиган идоралар ҳам, шунингдек, рус маъмурларини тайинлаш ҳам мазкур муассасалардан чиққан номзодларга муҳтоҷ эмас... Факат шариат суди... ҳозирча ҳеч қандай рус муассасалари билан алмаштирилмаган, у муфтилар, аъламлар ва қозилар учун мактаб бўлган мадрасаларнинг аҳамиятини кўллаб-куватлаб турибди. Лекин бу ҳам энг сўнгги имтиёз — маҳаллий қонуншуносларнинг маълумот олиши ер тузилиши ислоҳотининг амалга оширилиши билан ўз умрини ўтаб бўлади; шариат ва унинг вакиллари, улар билан биргаликда эса маҳаллий мактаб ҳам ҳозирги вақтда янги тартибга душман кучларни тайёрлашдан иборат кучли мавқеидан узил-кесил маҳрум бўлади». Яъни, чоризмнинг бу масаладаги ҳаракатларининг стратегик йўли миллий мактабларни секин-аста тутатишдан иборат эди. Кауфман даврида ёқ «маҳаллий мактабни зўравонлик билан бекор қилиш қанчалик... хавфли бўлса, бу мактабнинг сезиларли равиша йўқ бўлиб боришининг аниқлиги биз учун шунчалик фойдали ва

¹ Кауфман К. П. Начальное народное образование в Туркестанском крае. 1881. С-Пб., 1910. С. 15.

манфаатлидир»¹, деб очикдан-очиқ айтилар эди. Кауфмандан кейин ва, айниқса, Тошкентдаги (1892 йил) ва Фарғона водийсидаги халқ ҳаракатларидан (1898 йил) сўнг маҳаллий маъмурият генерал-губернатор иштирокида бўлиб ўтган кўпсонли кенгашлар жараёнида «аҳолининг маънавий-диний ҳәётини зўр диққат билан кузатиб боришни жорий этиши» дастурини ишлаб чиқади, бундан мақсад мусулмон динининг заарли томонларини заифлаштириш ва уларга барҳам беришдан иборат» эди, — дейилади ҳужжатда².

Ана шу кўрилган чора-тадбирларни таҳдил қилиш куйидагиларни ажратиб кўрсатиш имконини беради:

— генерал-губернатор, вилоят бошқармалари ва уезд бошлиқлари хузурида «вақфларни бошқариш баробарида, маҳаллий аҳолининг маънавий ҳәётини ўрганиш ва кузатиб бориш билан шуғулланадиган» маҳсус амалдорлар лавозимларини таъсис этиш;

— халқ судлари ва волость мудирлари зиммасига «беш йил мuddат ўтгандан кейин бутун хизмат ёзишмаларини рус тилида олиб бориш, ўн беш йил ўтгандан кейин эса бу лавозимларга рус тилини яхши эгаллаган шахсларнингина тайинлаш» вазифасини юклаш;

— «маҳаллий кишиларни қозилар тайёрланадиган мадрасаларда рус тилини ўқитиши жорий этиш тўғрисида таклиф киритишга ундаш; бу ҳол мазкур ўқув юртлари эшикларини рус ўқитувчиларига очиб бериш баробарида, «мусулмон олимлари, мутаассиблар ва исломнинг ҳар қандай арконлари оқиб келадиган мадрасаларда нималар қилинаётганлигини доимий ва ишончили равишда» кузатиб боришга имкон яратади;

— маҳаллий аҳолининг «рус-тузем мактабларини ва шаҳар билим юртларини тамомлаб келган болаларига фахрий фуқаролар ёки қишлоқ овул оқсоқоллари лавозимларини эгаллаш; муайян хизматда синов муддатини ўтагандан кейин эса волость мудирлари ва катта оқсоқоллар лавозимларини эгаллаш ҳукуқларини бериш» каби муҳим имтиёзлар бериш;

— «православ руҳонийларини уларнинг миссионерлик мақсадларини таъқиб қилмаган ҳолда, маҳаллий аҳодига рус-православ руҳида маданий таъсир кўрсатиш ишига жалб қилиш»;

¹ Ўша жойда, 13-бет.

² Ўзбекистон МДА, И-3-фонд, 2-рўйкат, 60-иш, 336-варажнинг орқаси.

— мусулмон хотин-қизлар ўртасида ишлаш учун «таъсир кўрсатищдан иборат муқаддас миссиянинг хусусиятларини яхши тушунадиган ва уларга фидоийлик билан ёрдам беришни истовчи» маълумотли роҳибаларни жалб қилиш¹.

Кўриб турибмизки, маҳаллий жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатища сиёсий, қидирув усулларидан, маъмурий ва сиёсий чора-тадбирлардан фойдаланишга катта умид қилинган. Бироқ бундан бирмунча вақт илгари ҳам кенг қўлланилган бундай чоралар маъмурлар билан жамият ўртасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсата олмади. Таҳқирлаш, умидсизлик, кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишини бошдан кечирган Туркистон жамияти чоризм томонидан кўрилган чораларни фақат ислом томонидан муқаддаслаштирилган қадриятларгагина эмас, балки ўз ҳаётларига ҳам тажовуз сифатида қабул қилди.

«Маҳаллий аҳолининг кайфияти»ни кузатиб бориш чоризм учун ўз инқирозига қадар долзарб муаммо бўлиб қолди. Яна бир яширин мажлис (1908 йил) материалини келтириб ўтамиз. Бу мажлисда Туркистон ҳарбий округи Қўшинлари қўмандони Кондратович раислик қилган бўлиб, унда округ штабининг бошлиғи Рихтер, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош нозири Ф. А. Керенский, ўқитувчилар семинарияси директори Н. П. Остроумов, Туркистон туман соқчиллик бўлими бошлиғи Л. А. Квицинский ва бошқа кишилар иштирок этган эди.

Ўлкадаги ҳарбий ва «таълим ишлари» билан бевосита боғлиқ бўлган маъсул шахслар «Мусулмон ўқув юртларини назорат қилишнинг аҳволи» тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар ва ғоят хилма-хил фикрларни баён этдилар. Масалан, Н. П. Остроумовнинг фикрича, «мактаблар ва мадрасаларни инкор қилишнинг... 40 йиллик тажрибаси кутилган натижага олиб келмади: бу мактаблар барҳам топиш у ёқда турсин, балки «озодлик ҳаракати»нинг таъсири остида янтила на бошлади, ҳукumat сарт мактабларининг қирғизлар ўртасидаги фаолияти кучайиб бораётганинги, қирғизлар орасида ўзларининг «одатдаги ҳукуқлари»дан воз кечиб, ҳукumatнинг кўз ўнгидага умуммусулмон шариатининг издошлари сифатида гавдаланишга урина-

¹ Ўзбекистон МДА, И-3-фонд , 2-рўйхат, 60-иш. 336-варажнинг орқаси — 337-варак.

ётганликларини гувоҳи бўлган, «мусулмон оламидаги бундай кутилмаган тўнтаришлар билан ҳисоблашиш ва «исломнинг тикланиши» бизни саросимага солиб кўймаслиги учун лозим бўлган... барча чораларни кўриш» зарур.

Туркистон халқ билим юртлари директори С. М. Грамениций шуни қайд этадики, босиб олиш вақтида армия ва найзалардан қўрқиб, «аҳоли қаршилик кўрсатишга журъат қилолмаган эди», лекин эндиликда мусулмон аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик сиёсатини ўзгартириш ниҳоятда хавфлидир, «олдиндан сезилиб турибиди... биз аҳоли томонидан жиддий қаршилик кўрсатилишига дуч келамиз, бу эса катта қийинчиликларга олиб келиши мумкин». Ўз фикрларини давом эттириб, у яна шундай дейди: «Мусулмон мактабларининг сони жуда катта эканлиги — фақат уч маҳаллий вилоятнинг ўзида 5572 та мусулмон мактаби ва 285 та мадраса борлигини ҳисобга олиб, таълим идораси ўз зиммасига бу назоратни ва мазкур назоратни ўрнатиш учун керак бўладиган чораларни қабул қила олмайди...». Бу фикрга Ф. А. Керенский ҳам қўшилди. У мазкур масалада «эҳтиёткорлик» билан ҳаракат қилиш, рус тилини ўрганишни хоҳловчиларни «рафбатлантириш», дастурлар ва янги дарслилар нашр этишни таклиф қилди. Бироқ Кондратович унга қатъяян қарши чиқиб, бу хилдаги чоралар «мақбул эмас, улар давлат манфаатини назарда тутмайди», деган.

Шундай қилиб, мустамлакачи маъмурларнинг миллий мактабларни «киши билмас» тутгатиб юборишига қаратилган мақсадлари ўзини оқламаганлигини кўрамиз. Аксинча, Ўрга Осиё халқларининг кўп асрлар мобайнида эъзозлаб келинган маънавий қадриятлари соҳасига аралашишга уринишлар уларнинг ўз миллий маданияти ва мағкурасини сақлаб қолишга, миллий таълимни жаҳон миқёсида бу соҳада рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, замон талабларига мувофиқ янгилашга интилишни кучайтирди, холос.

Маъмурларнинг мустамлакачилик стратегиясига зид ўлароқ, М. Беҳбудий, Мунаввар қори, А. Авлоний, А. Шакурий, И. Ҳонхўжаев каби Туркистоннинг кўзга кўрининг миллий зиёлилари вакиллари миллий мактабларни ислоҳ қилиш, дунёвий фанларни ўқитиш дастурини кенгайтирган ҳолда янги усул мактаблари таш-

¹ Ўзбекистон МДА, И-1-ф. 31-рўйхат, 540-иш. 60—61-варажлар.

кил этиш учун маъсулиятни ўз зиммаларига олдилар. Улар кутубхоналар, ўкув заллари очидилар, дарсликлар ва ўкув-услубий қўлланмалар ёздилар, газета ва журнallарда ўзларининг маърифатпарварлик foяларини фаоллик билан таргib этдилар, нодонлик ва диний мутаассибликка, ўз умрини яшаб бўлган урф-одатлар ва анъаналарга қарши чиқдилар, Туркистоннинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ислоҳотларни амалга ошириш учун курашдилар. Шу билан бирга, бу жадидлар даҳрий бўлишмаган, улар жамиятнинг диний-маънавий негизи бўлган исломга таянган, зарур тараққиётга, бирдамликка, ўз ватани озодлиги ва мустақилиги учун биргаликда кураш олиб борища исломни муҳим омил деб ҳисоблаганилар.

Чоризм томонидан ғамхўрлик ва ҳомийлик қилинадиган «рус-тузем» мактаблари маҳаллий аҳоли ўртасида оммалашмай қолди, маҳаллий аҳоли ҳаққоний равища уларни ўз миллий манфаатларига, кўп асрлик анъанавий миллий қадриятлари ва кундалик турмуш шароитига жавоб бермайди, деб ҳисоблади.

Чоризмнинг халқ таълими соҳасидаги стратегияси барбод бўлганлиги бу хусусдаги расмий статистик маълумотлар билан ҳам тасдиқланади. 1911 йилда Туркистоннинг учта маҳаллий вилоятида 143 та «рус-тузем» мактаби мавжуд бўлиб, уларда таълим олувчилар сони 8961 кишидан иборат эди, ёки улар мазкур вилоятлар аҳолиси сонининг 0,17% ини ташкил этарди¹.

Бу мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш иши ҳам қониқарли эмасди. 1879 йилдан 1904 йилгача бўлган даврда Тошкент ўқитувчилар семинариясига 415 киши ўқишига кирган бўлиб, улардан 384 нафари миллат жиҳатидан рус, 54 таси қозоқ ва қирғиз, 9 киши ўзбек, 1 киши туркман эди. Ўқитувчилар семинариясини битириб чиқсан 254 кишидан фақат 30 нафари Туркистоннинг туб халқлари вакиллари эди². Айни вақтда, мустамлакачи маъмурлар томонидан инкор қилиниб ва доимий равища камситиб келинган мактаблар 1913 йилда 7290 та бўлиб, уларда ўқиётганлар сони 70864 киши эди³. Бу «рус-тузем» мактабларида таълим олаёт-

¹ Статистический ежегодник 1917–1923 гг. Т. I, ч. 3. Т., 1924, с. 80–81.

² Отчет Туркестанской учительской семинарии за 25 лет её существования (30 августа 1879–30 августа 1904 гг.), составитель Н. П. Остроумов. Т., 1904, с. 133.

³ Остроумов Н. П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. Т., 1916, с. 213.

ғанлардан бениҳоят кўпдир. Фарғона вилоятида мактаблар сони 2559 та, Самарқанд вилоятида 2753 та, Сирдарё вилоятида 1411 та, Закаспий вилоятида 492 та, Еттисув вилоятида 75 та эди¹. Бундан ташқари, ўша 1913 йилда Туркистоннинг бешта вилоятида 376 та мадраса мавжуд бўлиб², улар мактаблар билан биргаликда маҳаллий жамиятнинг ақлий ва ахлоқий раҳбарликка бўлган эҳтиёжи ва билимга бўлган ташналигини анъанавий равишда қондиради.

Шундай қилиб, гарчи чоризмнинг маҳаллий жамият маънавий ҳаётига тазиики етарли даражада кучли бўлса ҳам бу жамият четдан бўлган таъсирни осонгина ва жон-дили билан қабул қилди ва унга мослашиб қўя қолди, деган гап эмас. Бироқ, дунёнинг у ёки бу мустамлакачи тузилма хукм сурган ҳамма жойида бўлгани каби мослашув жараёни асосан иқтисодий соҳада рўй берди. Туркистон жамияти қаршилик кўрсата-кўрсата ўзгартирилган ҳаёт шароитини қабул қилишга ва унга мослашишга мажбур бўлган эди. Чунки Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилиги айниқса, XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида фақат рус мустабид ҳокимиятининг сиёсий хукмронлигини эмас, шу билан бирга, Россия капиталининг иқтисодий хукмронлигини ҳам англатар эди. Бу ҳол, ўз навбатида, меҳнатни янгичасига ташкил этиш шаклларининг тарқалишини, шаҳарларда вужудга келган саноат корхоналари, транспорт тармоғи, молия муассасаларида, мустамлакачиларнинг хўжаликларида ишчи кучининг зарурлигини ҳам талаб қиласди. Бу омиллар мустамлакачиларнинг режаларига кўра давлатнинг таянчи ва янги рус Туркистонини изчилилк ва қатъият билан ташкил этишнинг бошланиши бўлиши лозим эди. Ер ишлари ва давлат мулки вазири Кривошеиннинг ёзишича, у зарур бўлган пахтани ҳам, бошқа кўпгина иқтисодий ва сиёсий бойликларни ҳам берарди³.

Буларнинг ҳаммаси умуман аҳолининг хўжалик фамилиятида ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Агар расмий статистикага мурожаат қиласиган бўлсак, 1897 йилги биринчи Бутунrossия аҳоли рўйхати маълумот-

¹ И с х а к о в Ф. Национальная политика царизма в Туркестане 1867—1917 гг. Т., 1997. С. 178.

² О с т р о у м о в Н. П. Кўрсатилган аср. 213-бет.

³ А. В. К р и в о ш е и н . Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. Приложение к всеподданнейшему докладу. С-Пб., 1912. С. 80.

лари бўйича аҳоли шуғулланадиган машгулотларнинг 398 та тури аниқланган бўлиб, улар 65 та айрим гуруҳларга тақсимланган эди. Машгулотларнинг бу барча турлари ва гуруҳлари 10 та асосий гурухга жамланган ва Туркистон бўйича фонз жиҳатидан қўйидаги тарзда кўзга ташланарди: қишлоқ хўжалиги, балиқ овлаш ва овчилик — 82,8%; ишлов берувчи, кончилик саноати ва хунармандчилик — 6,5%; транспорт ва алоқа — 0,9%, савдо — 3,4%, хусусий фаолият ва хизмат кўрсатиш — 3,1%, разна ҳисоботидан таъминланувчилар, жамиятлар ва хусусий шахслар — 0,5%, маъмурият, полиция, суд, табака ва жамоат хизмати, эркин касблар — 0,7%, ҳарбийлар — 0,8%, турли диний муассасаларга хизмат кўрсатиш — 0,4% ва бошқа касбдагилар — 0,9%!

Янги ишлаб чиқариш алоқалари вужудга келди, саноат, темир йўллар, курилиш ва бошқа соҳаларда банд бўлган дастлабки ишчи отрядлари пайдо бўлди. Аҳолининг асосий қисми мустамлакачиликдан олдинги даврда бўлгани каби қишлоқ хўжалигига банд эди (82,8%). Бироқ соҳанинг ўзида ҳам, шунингдек, деҳқонларнинг ижтимоий аҳволида ҳам товар-пул муносабатларининг ўсиши билан боғлиқ кўпгина ўзгаришлар юз берди.

Туркистондаги чигит экиладиган майдонлар 1916 йилда 680.811 десятинани ташкил этиб, сугориладиган ерлар умумий майдоннинг 31% ини эгалларди, бу эса метрополиянинг пахта соҳасида Америка Кўшма Штатларига қарамлигини тенг ярмига камайтириш имконини берди. Туркистондан Россияга 1914 йилда олиб кетилган 269 млн. сўмлик маҳсулотнинг 80%и пахта улушига тўғри келарди². Чигит экиладиган майдонларнинг кенгайиши ғалла экинларини қисқартириш ҳисобига рўй бергани оқибатида ғалланинг нархи пахтага нисбатан тезроқ кўтарила бошлиди ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун сарфлайдиган маблаги йилдан йилга ошиб борди. Пировард-натижада шу туфайли деҳқон хўжаликлари заифлашиб қолди.

Саноат пахтачилигининг ривожланиши билан деҳқонларнинг пахта етиштириши ва ёмғирдан кейинги кўзиқорин сингари кўпайиб кетган фирмаларнинг уни

¹ Статистический ежегодник России. 1915. № 1916, отд. I. С. 100—102.

² Социально-экономическое и политическое положение Узбекистана на кануне Октября. Т., Фан, 1973. С. 29.

тола сифатида сотиши ўртасида чуқур номутаносиблик вужудга келади. Бу нарса ўзининг куч ва воситаларини сарфлаб, маҳсулотни бевосита етиштириб берганлар ўз харажатларига мувофиқ келадиган даромадлардан фойдаланиш имконига эга бўлмай қолишида ўз акси-ни топди. Дехқонлар кўпсонли воситачи фирмалар – чистачилар, аравакашлар ва бошқалардан доимий ра-вишда қарзга ботиб қолдилар. Улар дехқонларга бери-ладиган қарздан ундириладиган фоизларни 60% гача ва ундан ҳам ошириб юбордилар.

Дехқонлар билан фирмалар ўртасида вужудга кел-ган бу янги «сифат ўзгаришлари» муносабати ривож-ланган капиталистик мамлакатлардаги каби эркин эмас, балки мустамлака қарамлиги ва ташқи иқтисодий маж-бурлаш шароитидаги бозорнинг ривожланишига асос-ланганлиги туфайли дехқонлар оммасини қашшоқлаш-тириб, уларни чорасиз аҳволга тушириб қўярди. Дех-қонларнинг аҳволи сиёсий ва иқтисодий танглик ҳамда уруш йилларида айниқса оғирлашарди. Россияда бу бо-рада етишмовчиликлар бўлмаган, чунки чоризм ўз мақ-садларига эришиш учун пактага ниҳоятда пасайтирил-ган ёки нормаланган нархлар белгилаган.

Қадим замонлардан бошлаб товар-пул муносабатла-рига дуч келган Туркистон дехқонлари, умуман олган-да, бозор билан яхши таниш бўлганлар, ижарани ҳам, ёлланма меҳнатни ҳам, оғир судхўрлик фоизларини ҳам билганлар, лекин мустамлакачилик капитализмининг талончилик шароитларига, унинг иқтисодий, миллий ва психологик зўравонлигига мослаша олмаганлар. Шу-нинг учун ҳам айнан Туркистон жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган, чоризмни унинг учун зарур бўлган ҳаётий муҳим маҳсулот билан таъминлаган дехқонлар, мустамлака идора усулига қаршилик кўрса-тuvchi асосий куч бўлиб қолди. Шу билан бирга, ажабла-нарлиси шундаки, уларнинг янги меҳнат шароитларига мослашиб бораётганлигига қарамасдан, мавжуд тузумга қаршилик кўрсатишлари ҳам ортиб бораверди.

Туркистонда пахтачиликни авж олдириш масаласи чоризмнинг стратегик режаларида ҳамиша марказий ўрин тутиб келган. Бу масала, чоризм хужжатларида айтиб ўтилганидек, ҳар доим «сугориш ва русларни жойлаштириш» билан боғлиқ бўлиб келган «ўлка бе-восита қўшиб олингандан кейин давлат ҳокимияти-нинг Туркистонга рус кишиларини кўчириб келтириш вазифаси сифатида илгари сурилди», – деб таъкид-

лайди А. В. Кривошеин 1912 йилда Туркестонга қылган ташрифи тұғрисидаги үз хотираларида¹.

Чоризм ишлаб чиққан Туркестонга доир режаларнинг мустамлакачилик хусусиятга эга эканлигини сенатор К. К. Пален ҳам тұғридан-тұғри күрсатиб үтгандың: «Туркестонни забт этишда аҳамиятта эга бўлган сиёсий хусусият сабабларини ҳисобга олмагандан ҳам, бу ўлка Россияга кўшиб олинган дастлабки қуналардан эътиборан рус ҳукумати учун икки томонлама қизиқиши уйғотган: 1) молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлат даромадлари манбаи ва ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун янги бозор сифатида; 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назардан — марказий губерналардан ортиқча аҳолини жойлаштириш учун янги вилоят сифатида»².

Маъмурларнинг мустамлакачилик ва руслаштириш доираларини кенгайтириш соҳасидаги ҳаракатлари чор кўшинларининг Ўрта Осиё ҳонликлари ичкарисига бостириб кириш ҳаракатлари билан кўшиб олиб борилди. 1847 йилда казакларнинг қозоқ ва қирғиз ерларини ва 1867 йилда Туркестон генерал-губернаторлиги ташкил топгандан кейин деҳқонларни мустамлака қилишдан бошланган ҳамда чор режимининг охиригача давом этган бу мустамлакачилик маҳаллий аҳоли устидан зўравонлик қилиш, унинг азалий ерларини тортиб олиш, ер ва ўй-жой солигини ошириш, ер учун ижара ҳақини кўпайтириш, жамият ҳаётининг барча муҳим соҳаларида аҳволнинг ёмонлашуви билан бирга содир бўлди.

Мустамлакачилик босқичлари, уни амалга ошириш шакллари ва усуллари ҳақидаги масалани четлаб үтиб (бу масала адабиётларда батафсил ёритилган)³, факат чоризмнинг бу борадаги стратегик режалари ҳақида тұхталиб үтамиз. Бунинг учун бизга таниш бўлган, Туркестондаги мустамлакачилик жараёнининг асосий тиргакларидан бири ҳисобланган А. В. Кривошеинга мурожаат қиласиз.

¹ Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего. С. 45.

² Пален К. К. Приложение к отчету по ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Ч. I, отд. 4, С-Пб., 1911. С. 496.

³ Галузо П. Г. Аграрные отношения на юге Казахстана в 1867—1914 гг. Алма-Ата. 1965; Аминова Р. Х. Аграрные преобразования в Узбекистане. Кн. I, Т. 1. 1964; Гинзбург А. И. Русское население в Туркестане. М., 1991; Искаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867—1917 гг.) Т., Фан, 1997 ва бошқалар.

Россия ер тузилиши ва ер ишлари бошқарувчиси (1908—1915 йиллар), аграр ислоҳот соҳасида П. А. Столипиннинг энг яқин ходими бўлган А. В. Кривошеин Туркистонда хизмат сафарида бўлиб, Николай II га маълумотнома ва унга доир илова тузиб чиқсан эди. Мазкур хужжат кейинчалик кенгайтирилиб ва тўлдирилиб, муаллиф томонидан алоҳида китоб шаклида нашр этилган. Китобда кўлгина масалалар, жумладан, Туркистоннинг аҳволи, туркистонлик маъмурларнинг маҳаллий аҳолига кўчириб келтирилган русларга нисбатан тутган сиёсати, бошқарув тузилмаларининг ҳолати, ўлка қишлоқ хўжалигидаги аграр ислоҳотларнинг бориши масалалари қамраб олинган эди. Россия ҳукмрон доиралари учун Кривошеиннинг Туркистондаги мустамлакачиликнинг аҳволига берган баҳоси ва унинг ўлкани бундан кейинги руслаштириш тўғрисидаги таклифлари айниқса муҳим эди.

«Туркистонда ички тузилишдан иборат ижодий давр ҳали ниҳоясига етган эмас. Бу давр бошқарув шаклларини у ёки бу тарзда қайта қуришни эмас, балки тегишли воситалар ва куч-кувват билан қуролланган бақувват ҳокимиятни талаб қиласди. Фақат мана шу ҳокимиятгина мўлжалланган «янги Туркистонни» яратади. Туркистонда ҳали устунлик қилувчи аксар маҳаллий тартибсизликни ўз кўзингиз билан кўриб, беихтиёр бу ерда ҳали рус ҳарбий лагери керак, деб ҳис қиласиз; ... рус ҳарбий ҳокимияти тинчланиб қолган оломон учун фуқаролар ҳокимиятига нисбатан тушунарлироқ ва таъсирчанроқдир; агар ... «фрак кийган губернатор» ҳар бир колонияда «эполетлар (хизмат погонлари) тақиб олган губернатор»ни алмаштириши керак бўлса, бу алмаштириш фақат ўз вақтида амалга оширилиши лозим», деб ёзган эди Кривошеин. Шуни эслатиб ўтамизки, бундай фикр чор режими ўрнатилгандан кейин орадан 43 йил ўтгач айтилмоқда эди.

Кривошеин мустамлакачилик жараёни секинлик билан бораётганини танқид қилиб, тўғридан-тўғри бундай дейди: «Холбуки, маҳаллий Туркистон ҳали ҳануз, бир бутун олганда, маҳаллий денгизни эслатади. Рус кўрғонлари, эски маҳаллий шаҳар кўрғонларидаги янги

¹ Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край в 1912 г. Приложение к всеподданнейшему докладу. С-Пб., 1912. С. 78.

рус «шахарлари» ана шу денгиз ичидағи оролчалардир холос, булар рус кишиларининг бу ерда янада ўтроклашуви учун фақат таянч... пунктларицир». У ўз фикрларини қўйидагича давом этириди: «...Ярим аср мобайнида бор-йўғи юз эллик рус қўргонининг вужудга келиши, бир-бутун олганда, Европадаги бир нечта катта давлатларга тенг келадиган Туркистоннинг бепоён худудига аҳолини кўчириб келтиришнинг зарраларидан бошқа нарса эмас»¹.

«Ўлкага русларни жойлаштиришни кечикитириб юборган» сабабларни таҳлил қилас экан, у қўйидагиларни таъкидлайди: «Бу сабаблар — сугориладиган ерларда маҳаллий дехқон аҳолининг зич жойлашганлиги ва сугорилмайдиган ерларнинг маълум даражада яроқсизлигидир», «рус мустамлакачилигининг сиёсий аҳамияти кўчириб келтирилганларга айнан сугориладиган ерлардан бериш, қимматбаҳо экинлар экиш имконини яратишдир». Шундан сўнг у андишасизлик билан қўйидагиларни қайд қиласди: «Туркистонда рус элатининг сиёсий жиҳатдан устун бўлиши унинг хўжалик кучи билан ҳам мустаҳкамланиши лозим. Кўчириб келтирилган руслар қўлига шак-шубҳасиз ер бойлигини бериш керак. Туркистонда бундай ерлар фақат сугориладиган ерлардир. Бироқ илгари сугориб келинган ерларнинг барчаси маҳаллий кишилар қўлидадир. Демак, улардан бу сугориладиган ерларни сотиб олиш ёки кўчириб келтирилганлар учун сугориш ёрдамида янги майдонлар яратиш лозим бўлади»².

А. В. Кривошеин мустамлакачи маъмуриятнинг сугориш ишига деярли бутунлай эътибор бермаганинги таъкидлаб ўтади: «Туркистонда рус хукмронлиги вақтида сугориш соҳасида қилинган бутун иш — бу... Мирзачўлдаги император Николай I канали бўлиб, у Буюк князь Николай Константинович ташаббуси билан қурилган ва ... 12 минг десятина* ерни сугорган».

Кривошеиннинг ҳисоботи бошқа маълумотлар билан бир қаторда, Туркистон маъмуриятининг «ищчанлик сифатлари»га доир кўпгина материалларни ҳам қамраб олган эди: 70-йилларда Кауфман бошлаган Мирзачўлни сугориш ишлари ташлаб қўйилган; 90-йил-

¹ Ўша жойда, 47-бет.

² Ўша жойда, 55-бет.

* Десятина — 1,09 гектарга тенг ўячов бирлигиги.

³ Ўша жойда, 36-бет.

ларда 40 минг сўм сарфланган Фаргона вилоятидаги Учкўргон чўлини сугориш иши тўхтатиб қўйилган ва барбод бўлган; 1900 йилда 45 минг десятина ерни сугориш ишлари лойиҳаси тасдиқланиб, бу ишга ғазнадан 2,2 млн. сўм ажратилган эди. Ҳолбуки, фақат 37 чақирим узунликдаги магистрал канал қазилишига муваффақ бўлиниб, бу борадаги ишлар 10 йилга чўзилган¹ ва ҳоказо.

Шу билан бирга, Кривошеин сугориш учун яроқли ер майдонларини аниқлаб чиқсан маҳсус илмий экспедиция маълумотларига асосланиб, подшо ҳукуматининг ёзтиборини «фақат пахтачилик туманларининг ўзида камида 3 мли. десятина ерни, яъни «Туркистоннинг мавжуд сугорилаётган ерларига тенг келадиган» майдонни сугорищдан иборат улкан режага қаратади. У бамисоли «иккинчи Туркистонни ташкил этиш» имконини берар эмиш. Шу билан бирга, «бу янги Туркистон кенглиги жиҳатидан эски, маҳаллий Туркистондан қолишмасдан, унинг бойлиги ва маданиятидан ҳам ўзиб кетиши мумкин ва унинг янги аҳолиси руслар бўлади. Айни пайтда, бизнинг хўжалик вазифамиз ҳам ҳал этилади, — деб ёзади у, — териб олинадиган пахта рус фабрикаларининг эҳтиёжларини тўлиқ қондиради»².

Сўнгра «ўлкада рус кишилари мавқенини мустаҳкамлаш»нинг сиёсий аҳамияти яна таъкидланиб, рус воқелиги туфайли америкача сугориш тажрибасидан фойдаланиб бўлмайди — «куч-ғайрат, ташаббускорлик ва сармояларнинг техникавий билимлари билан куролланган тадбиркорлар, ... ва фермерлар синфи йўқ, бу фермерлар одатда у ерда хусусий компаниялардан сугориладиган ерларни сотиб оладилар... ва умуман «Америка американкларсиз» бўла олмайди», — деб афсусланади Кривошеин ва бу стратегик вазифани амалга оширишга доир ўз қараашларини баён қиласиди. У куйидагилардан иборат эди: «1. Туркистонда сугориш ишларини сугоришига яроқли барча 3 миллион десятина майдонга секин-аста тадбиқ этиш. Сугориш Туркистоннинг ишлаб чиқариш майдонларини икки баравар ошириб, ўлкага бир ярим миллион рус аҳолисининг оқиб келишига имкон яратади ва рус фабрикаларини мўл-кўл пахта билан таъминлайди. 2. Сугориш соҳасидаги ишларга хусусий тадбиркорларни жалб қилиш. Бун-

¹ Кривошеин А. В. Записка главноуправляющего. С. 30.

² Уша жойда, 38-бет.

да ғазна билан тадбиркорлар ўртасида нормал шартнома тузилган шароитда сугориладиган ернинг бир қисмини харажатларсиз давлат ихтиёрига олиш таъмин этилади. 3. Нихоят, ўлкани... сув тўғрисидаги қонун билан таъминлаш. 4. Ғазна томонидан ўзлаштирилган барча янги ерлар ёки унга бериладиган ерларни кўчириб келтирилган русларга бериш. 5. Арис-Верний темир йўлини қуришни тезлаштириш. Бу йўл Туркистонни ғаллакор Еттисув билан боғлайди ва ўлкани ташиб келтирилладиган арzon ғалла билан таъминлади ва ундаги ғалла билан банд бўлган... сугориладиган ерларнинг бир қисмини пахта учун бўшатиб беради. 6. Давлат банки ёрдамида пахтакорларга тўғри ташкил этилган майда кредит бериш, кредит ширкатлари тармоғини ривожлантириш масаласини кечиктирмасдан муҳокама қилиш. 7. Деҳқончилик Ер банки фаолиятини Туркистон учун ҳам ёйиш масаласини муҳокама қилиш. 8. Айниқса, келгусида русларни кўчириб келтиришда муҳим аҳамият касб этадиган агрономия ёрдамини кучайтириш. 9. Ўлкани унинг эҳтиёжларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик мактаби билан таъминлаш... Агрономлар тайёрлашни, айниқса, Туркистон учун энг зарур бўлган кишилар — гидротехниклар тайёрлашни биринчи ўринга қўйиш»¹.

Кривошеин илгари сурган чоралар тизимидан мальум бўлишича, уни ўлка маҳаллий халқларининг манфаатлари мутлақо қизиқтиргмаган. У маҳаллий халқларга нисбатан қўйидаги умумий мулоҳазаларни айтиб ўтиш билан чекланган, холос: давлат «маҳаллий деҳқонларнинг ўз ерларини сақлаб қолишиларига кўмаклашади», «лекин агар заифлашиб қолган ер эгалари ерни ўз қўлларидан чиқарсалар, давлат уларни ўз қўлига олиш ва давлат умумманфаатларига мувофиқ фойдаланиш ўрнига, уларни... бадавлат йирик сартларнинг сотиб олишига йўл қўйиш учун ҳеч қандай асосларга эга эмас», деб ваъда беради у.

Кўриб турибмизки, Россия империясининг энг юқори лавозимдаги амалдорларидан бири томонидан тузилган мазкур хужжат (биз юқорида келтириб ўтган оддий мустамлакачи амалдорларнинг хужжатлари сингари) буюк давлатчилик даъволари билан сугорилган бўлиб, Туркистон ўлкаси халқларига нисбатан ўзининг шовинизмини асло ниқбламаган.

¹ Ўша жойда, 80—82-бетлар.

Шундай қилиб, чор маъмурларининг Ўрта Осиёдаги стратегик режаларининг бевосита муаллифлари ва ижрочиларига «мурожаат қилиш»га имкон берадиган турли манбаларни ўтмишга қиёсан таҳдил қилиш ва бир аср аввалги жараёнларнинг моҳиятини теран идрок этиш мазкур режаларнинг бегона худудларни босиб олиш, у ерда мавжуд бўлган ижтимоий ҳаёт қонунлари ва анъаналарини издан чиқариш, маҳаллий жамиятнинг диний-маънавий негизини барбод қилиш, миллий маданият ва таълимни обрўсизлантириш ва секинаста бетарафлаштириш, пировард натижада «янги, рус Туркистони»ни барпо этишни назарда тутувчи мустамлакачилик «Қадриятлари»ни зўравонлик билан сингдиришга қаратилганлигини кўрсатади.

Туркистон жамиятининг бу хилдаги режалар ва ижтимоий «тажрибалар»га муносабати бир хилда эмасди: иқтисодий манфаатлари Россия савдо-санаот тузилмалари билан боғлиқ бўлган «юқори» ижтимоий табақалар бир қадар қонун-қоида чегарасида муомала қилган бўлсалар, миллий зиёлилар уларга танқидий руҳда қардилар, маъмурлар томонидан қувғин остига олинган мусулмон руҳонийлари эса ниҳоятда совуқ муносабатда бўлдилар. Шафқатсиз мустамлакачилик зулми, ижтимоий ва миллий зўравонликнинг бутун оғирлигини бошидан кечирган жамиятнинг асосий кўпчилигини ташкил этувчи деҳқонлар ва меҳнаткаш шаҳар аҳолиси барча усувлар билан қаршилик кўрсатдилар, шу жумладан, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам исён ва қўзғолонлар кўтардилар, бутун минтақани қоплаган умумхалқ миллий-озодлик ҳаракатини авж олдиридилар.

Жамиятнинг илм-маърифатли қатламлари четдан тиқиширилган давлат тузумининг ярамаслигига тобора яққолроқ ишонч ҳосил қилиб, ўз мамлакатларини ўзлари бошқаришга қодир эканликларини борган сари чукурроқ англаб ета бошладилар, ўз ватанларининг миллий озодлиги ва сиёсий мустақиллиги учун кураш олиб бориш зарур, деган фикрга келдилар. Улар дастлабки миллий ташкилотлар ва ўюшмаларнинг тамал тошини қўйдилар, қаршилик кўрсатишни умуммиллий манфаатларига жавоб берадиган даражага кўтаришга интилдилар.

2-8. Совет мустабид тузуми чоризм мустамлакачилик сиёсатининг вориси ва давомчиси

Чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги мустамлакачиликка асосланган бошқариш усули доимо халқ озодлик ҳаракатининг қудратли зарбаларига дучор бўлиб турди. Табиатан эрксевар бўлган ўзбек халқи қадимий Туроннинг бошқа халқлари қаторида ўзининг кўп минг йиллик бутун тарихи давомида чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашиб келди, мустамлака зулми билан чиқиша олмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов фахр билан таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбек миллати азалдан ўз фикри, ўз истиқлоли учун курашиб яшаган»¹.

Ўзбек халқининг чор мустамлакачилиги йилларида олиб борган озодлик кураши солномасига 1885 йилда Андижон ва Марғилон уездларида бўлиб ўтган Дарвишхон бошчилигидаги кўзголон, 1892 йилда Тошкентда бўлиб ўтган «вабо исёни», 1898 йилда Фарғона водийсида бўлган оммавий чиқишилар, 1916 йилги июль Кўзголони олтин ҳарфлар билан битидган.

1917 йили Россияда бўлиб ўтган февраль инқилоби мустамлакачиликнинг манфур кишсанларидан озод бўлишга некбин умидлар уйғотди. Подшо ҳукуматининг аёдариб ташланганлиги Мувакқат ҳукуматининг Россия давлати таркибига кирувчи мустамлака халқларига ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини беришни тантанали равишда ваъда қилганлиги мустақил миллий тараққиётга эришиш учун ишонч туғдириди.

Бироқ «озодлик байрами» рўй бермади. Жонли воқеликда марказий ҳокимиятнинг тўла-тўқис миллий тенг ҳукуқлилик тўғрисидаги расмий декларацияси билан эски мустамлакачилик тартибларини қарор топтиришга қаратилган ҳақиқий амалиёти ўртасида кескин зиддият қавжудлиги кўзга ташланди. Мувакқат ҳукумат, чор маъмурияти сингари биринчи галда империячининг худудий яхлитлигини сақлаш, ажralиб чиқишига қаратилган уринишларни бартараф этиш хусусида камхўрлик қиласди.

Сўз билан ишнинг бир-бирига тўғри келмаслиги, аввалги мустамлакачилик Йўлининг давом эттирилиши Туркистонда миллий озодлик ҳаракатининг янги-

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар. 2-жилда. Т., Ўзбекистон, 1996, 92-б.

дан юксалишига олиб келди. Шу билан бирга, бу даврда миллий демократлар, жадидларнинг ижодий жасорати туфайли миллий давлатчиликни тиклаш фояси демократик давлат қуриш ва жамиятни ўзгартиришнинг тадрижий ривожланиш йўлларини излаш концепцияси билан бойитилди.

Муваққат ҳукуматнинг миллий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга бўлган қобилиятига ишончсизлик билан қарап Империянинг барча ҳудудларида намоён бўлди. Қарама-қарши кураш кайфияти, «инқилобий янгиланиш»нинг зўравонлик усусларидан фойдаланишга интилиш кучайди. Ана шундай шароитда большевиклар мазлум ҳалқнинг ижтимоий адолатта интилишидан фойдаланиб, сиёсий сафсабозликнинг ифлос усусларини ишга солиб, 1917 йил октябрда ҳокимиятни ағдариб ташлашга муваффақ бўлдилар.

Шундан кейинги воқеаларнинг кўрсатишича, Ленин партиясининг миллий сиёсати чор Россия раҳбарияти учун хос бўлган империяча асосларни сақлабгина қолмасдан, шу билан бирга, уларни жiddий равишда чуқурлаштирди, мустамлакачилик асосида бўйсундиришни экстремизмга асосланган коммунистик таълимот билан бирга қўшиб олиб борди, бу таълимот ижтимоий онгни ялписига караҳт қилиш ва умумий зўравонликка қаратилган эди.

Совет ҳокимиятининг миллий сиёсати аввалбошданоқ илгариги чор империясини ўзгартириб, коммунистик империяга айлантириш, сўнгра жаҳон социалистик тизимини яратиш мафкурасига асосланган эди. У расман «пролетар интернационализми» мафкураси деб аталарди. Мазкур мафкура марксизмнинг таянч принципларига — «пролетар инқилоби»нинг жаҳон бўйлаб ғалаба қозониши ва миллатларнинг жадаллик билан қўшилиб кетиши тўғрисидаги ақидага асосланарди.

Коммунистик таълимот асосчилари К. Маркс билан Ф. Энгельс экстремистча тафаккур мантиғига амал қилиб, синфий манфаатларнинг миллий манфаатлардан устуворлиги фоясини илгари сурган эдилар. Улар гўё миллий муносабатлар биринчи навбатда синфий муносабатлар йигиндиси билан, ижтимоий тузум хусусияти билан белгиланади, деган фикрга риоя қиласидилар. Социалистик инқилобни амалга оширса бўлгани, «синфлар қарама-қаршилиги» билан миллатлар ўргасидаги тафовут ҳам, демак миллий масала ҳам бартараф этилади, дейишарди улар.

В. И. Ленин большевикларнинг миллий дастурини ишлаб чиқища миллий манфаатларнинг синфий манфаатларга бўйсуниши методологиясини тўла-тўкис сақлаб қолди. У чинакам марксчи сифатида пролетар интернационализмига кўпроқ умид боғлади, миллатлар ва элатларнинг ўзига хос тарзда ривож топишидан кўра, ҳамма жойда интеграция ва миллий тенглаштиришга эътибор берди.

Ленинга большевиклар империясининг яхлитлигини қандай қилиб сақлаб қолиш керак, деган бошقا бир фикр ҳам тинчлик бермасди, бу борада у «чекка ўлкалар» халқларининг кўллаб-кувватлашига сазовор бўлишга интилди. Шунинг учун ҳам Октябрь тўнтириши арафасида большевиклар сафсатабозлик мақсадида миллатларнинг «давлатдан ажралиб чиқишигача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш» ҳукуқини эълон қилдилар. Бироқ большевиклар партияси раҳбарияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини шиор дарајасида эмас, балки дастурий тарзда, «капитализм» шароитидаги ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи сифатида фақат шартли равишда эътироф этди. Коммунист мафкурачиларнинг фикрича, социализм шароитида бу ҳукуқ ўз аҳамиятини йўқотар эмиш. Кўп миллатли Россия давлатининг келажагини большевик раҳбарлар мустақил ва тенг ҳукуқли халқлар федерацияси тарзида эмас, балки битта коммунистик марказнинг ҳукмронлиги шаклида тасаввур қилишарди. Ана шундай ёндашувга мувофиқ, реал ҳаётда миллий эркинлик тўғрисидаги кўп нарсани ваъда қилувчи баённомаларга зид ўлароқ, Октябрдан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб ёш совет давлати янги типдаги улкан империя сифатида ташкил топа бошлади, у коммунизм хом хаёллари йўлида гўё миллатлар ва элатлар манфаатларини ўзида мужассам этарди.

Большевикларнинг анъанавий буюк давлатчиликка мойиллиги жамиятни ижтимоий қайта қуришнинг коммунистик лойиҳаси мустабид йўналишда бўлиши билан янада чукурлашиди, бундай мойиллик ҳозирги вақтда ҳам Россия жамиятининг муайян қисмига хос бўлиб келмоқда. Иқтисодий ва дунёқараш соҳасида мальум даражада эркин фикрлашга йўл кўйган чор идора усулидан, демократик институтларни жорий этишга интилган Муваққат ҳукуматдан фарқли ўлароқ, большевиклар ҳокимиятни кўлга олган дастлабки кунлардан бошлаб мустабид жамиятни барпо этиш

йўлини тутдилар, унинг ўзига хос белгилари шахсга, аҳоли ва бутун-бутун ҳалқларнинг хилма-хил қатламларига нисбатан зўравонлик ва сиёсий геноцидни татбиқ этиш эди.

Мустабид сиёсий экстремизмнинг, жамият миллий негизларини йўқ қилиш мафкурасининг ҳалокатли пой-деворини марксизм асосчилари барпо этган эдилар. Маркс ва Энгельс ижтимоий тафаккур тарихида биринчилардан бўлиб пролетариатнинг «ўз озодлиги»га «капитализм занжирлари»ни зўрлик билан бузиб ташлаш, ҳокимиятни ўйлаб-нетиб ўтирасдан босиб олиш йўли билан эришиш ҳукуқини мутлақлаштирилар. Улар ишчилар синфининг тарихий вазифаси деган «назария»ни, сўнгра унинг диктатураси ва жамиятдаги барча синфлар ва қатламлар устидан раҳнамолиги гоясини асослаб бердилар. Пролетариат «замоннинг ижтимоий ақл-идроқи ва ижтимоий қалби» деб эълон қилинди, унинг синфий манфаати «жамият тараққиёти»нинг асосий таянч белгиси, дунёни тўла қайта куришнинг ички ҳаракатлантирувчи кучи, деб эълон қилинди.

«Илмий коммунизм» асосчилари ишлаб чиқсан синфий ёндашувнинг асосий гояси «инқилоб ижодкори» ва ишчилар синfinи ташкил этувчи сиёсий кучлар манфаатларининг барча ижтимоий гурӯҳлар манфаатларидан шак-шубҳасиз устунлигини белгилаб берди. Бундай гоявий нуқтаи назар умуминсоний гуманитар қадриятларни ерга уриш ва улардан воз кечишга, миллий омилнинг, тарихий тараққиёт қонунларининг алоҳида аҳамиятини инкор қилишга олиб келарди. Бино-барин, бу нарса коммунистик ҳаракат авж ола бошлаган дастлабки пайтларданоқ намоён бўлди. К. Маркс ва Ф. Энгельс ўзларининг ilk асарларидаёқ голибона «пролетар инқилоби» йўлида ишчилар синфи «эскича ахлоққа» кулоқ солиб ўтирасдан ҳар қандай восита-дан фойдаланишга ҳақлидир, деган фикрини асосий фикр сифатида ўтказиб келдилар. Улар ўзларига замондош бўлган фуқаролик тартиби таяниб келган ахлоқий меъёрларнинг шартлилиги, тарихан ўткинчи хусусиятга эга эканлигини исботлаб, ишчилар кўз ўнгига умуминсоний ахлоқ тамойилларини обрўсизлантирилар, уни «буржуазиянинг ўйдирмаси» деб агадилар. Коммунистик мафкуранинг маънавий асосчилари «пролетар инқилоби» барча «эски қонунлар»дан воз кечиши кераклигини «социалистик янгиланиш»нинг асосий куроли, куч-обрўси эканлигини яширмадилар.

Шундай қилиб, марксизм асосчилари аввал бошдан ялпи зўравонликнинг ҳаққонийлигига мафкуравий мина қўйиб кетдилар, кейинчалик у ядро портлашига айланниб, сон-саноқсиз кишиларнинг қурбон бўлишига олиб келди. Синфий кураш, мавжуд тузумни зўрлик билан ағдариб ташлаш, буржуазияни илгариги мавқеи ва мулкидан маҳрум қилиш ғояси ўзининг бутун мазмунни билан хукуқий фуқаролик жамияти негизлари ва меъёрларини инкор этди, ёрқин қасрга эмас, балки жиноий тартиблар хукм сурадиган ижтимоий казармага олиб келди. Чунки «буржуа давлати»ни барбод қилиш, зўравонликка асосланган «пролетар инқилоби» ғояси нафақат хусусий мулкка, шу билан бирга, бошқача фикрловчи ҳар қандай шахсга, туар жой дахлсизлигига, ҳар бир шахснинг қадр-қиммати ва мустақиллиги ғоясига, алоҳида бир кишининг ҳам, шунингдек, миллатлар ва бутун-бутун халқларнинг ҳам ўз яшаш тарзини танлаш хукуқига қарши қаратилган эди.

Синфий ёндашув мафкураси, мураккаб ижтимоий муаммоларни зўравонлик билан ҳал қилиш мафкураси бадкирдор адоватнинг, ялпи террор ва умумий ваҳиманинг кенг қулоч ёзишига замин яратди, энг тубан инсоний эҳтироснинг юзага келишига сабаб бўлди. Синфийлик азалий ахлоқ қонунлари, инсонпарварлик таомойиллари, анъанавий халқ қадриятларини синфий устунлик, синфий ҳукмронлик ҳақидаги ғайринсоний йўл-йўриқлар билан алмаштиришга олиб келди, алоҳида шахсларнинг миллионларча «синфий жиҳатдан шубҳали кишилар» тақдирини бошқаришга бўлган ғайриоддий ҳукуқини қарор топтириди.

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги таълимот оғир оқибатларга олиб келди. Давр унинг ичдан яроқсизлигини ишонарли тарзда намоён қилди. Пролетариат диктатураси муқаррар равишда зўравонликдан келиб чиқди ва унинг кенг томир отишига сабаб бўлди. У аҳолининг кенг қатламларини реал ҳокимиятдан узоқлаштириди, коммунистик партия диктатурасини, у орқали эса доҳийлар диктатурасини вужудга келтирди. «Пролетариат диктатураси» назарияси инсон шахси қадриятлари эътироф этилмайдиган, демократик институтлар мавжуд бўлмаган, мустабид идора усули ҳукм сурадиган жамиятнинг ташкил топишига олиб келди.

Инқилоб ва пролетариат диктатураси тўғрисидаги марксча таълимотнинг халқقا қарши ва ғайри миллий

хусусияти «социалистик қурилиш» түғрисидаги хом хаёллар билан чукурлаштирилди. Маркс ва Энгельс товарсиз, бозорсиз пойдевор устида янги ижтимоий тузум барпо этиш ғоясини таклиф қилдилар. Уларнинг фикрича, социализм шароитида товар-пул муносабатлари барҳам топар, социалистик жамият ишлаб чиқариш воситаларининг «ижтимоий» мулклиги ва пролетариат диктатураси билан бир қаторда, товарсизлик принципларига асосланар, бу билан эксплуатациянинг тугатилишига ва ижтимоий адолатнинг таъмин этилишига асос солинар эмиш.

Бундай иқтисодий андозанинг келиб чиқиш жиҳатидан яроқсизлиги бугунги кунда айниқса яққол намоён бўлди. «Бозорсиз социализм» деган қуруқ сафсатага асосланган режа субъектив омил ролининг жиддий равищда оширилишига, маъмурӣ аппаратнинг кучайтирилишига йўналтирар эди. Чунки, бозорсиз муносабатлар механизмини фақат буйруқ кучи билан, ошкора тазийқ ўтказиш, қатағон сикуви билан қарор топтириш мумкин эди. Бундай йўл объектив равищда маъмурӣ-давлат монополистик тузумини қарор топтиришга олиб келди, у бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ тизими, жамият ҳаётининг барча томонларини қаттиқ тартибга солиш билан ажralиб турарди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сиёсий таълимот сифатида марксизм тийрак фикрловчи мутахассислар, олимлар ва сиёсатчилар томонидан дарҳол кескин танқид билан қарши олинди. Вақт ўтиши билан бу таълимот ҳатто унинг тарафдорлари ўргасида ҳам тобора кўпроқ шубҳаларга сабаб бўлди. Масалан, XIX асрнинг охиргиchorагида K. Каутский, D. Бернштейн ва ўша даврнинг бошқа таниқли социалислари марксизмни «тафтиш» қилиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Пировард натижада марксча таълимотнинг экстремистик қисми Европада етарли даражада қўллаб-куватланмади. Изчил марксизм Россияга сингиб борди. Бу бежиз эмасди. Бу ерда патриархал жамият қолдиқларининг кучли таъсири сақлаб қолинган, Европадан фарқли ўлароқ, демократия куртаклари энди кириб келаётган, буюк давлатчилик шовинизми анъаналари ва мутлақ монархия ҳокимияти хусусиятлари барқарор тус олаётган эди. Шу билан бирга, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва миллий муаммолар тугуни бирга қўшилиб кетган эди. Ёш ишчилар синфи эса эндиғина сиёсий майдонга чиқаётган ва нуқсонларга тўлиб-тошган эди.

В. И. Ленин ва у тузган партия марксизм асосий «қонуналари»нинг қатъий ҳимоячиси бўлди. Коммунистларининг доҳийси марксизм асосчилари сиёсий экстремизми мафкурасини жиддий равишда тўлдириди, уларнинг таълимотини, К. Каутский сўзлари билан айтганда, бу ерга мослаштириди. Хусусан, у ҳатто ишчилар синфи оз сонли бўлган деҳқонлар мамлакати шароитида ҳам пролетариат диктатурасини қарор топтириш «мумкинлиги»ни асослаб берди, Маркснинг сиёсий кураш тўғрисидаги назариясини бу курашнинг муҳим чўқиси фуқаролар уруши ҳисобланади, деган хулоса билан «чуқурлаштириди». Ленин «совет ҳокимияти» концепциясини ишлаб чиқишида ва унинг «миллий чекка ўлкалари»га ёпирилиб боришида, коммунистик империянинг янгича типи вужудга келишида катта «назарий» ғайрат-шижоат кўрсатди.

Октябрь тўнтаришидан кейин зўравонлик билан соvetлаштириш ва ғайри миллий социалистик давлатчиликни қарор топтириш ленинча стратегияси фаоллик билан ҳаётга татбиқ этила бошланди. У Ўзбекистонда ҳам яққол қўллана бошланди. Большевиклар ҳокимияти ўлка ҳалқларининг ўзига хос миллий ривожланиши мумкинлигини сўздагина эълон қилиб, барча усуллар билан бу жараёнларга тўсқинлик қилди. Шу билан бирга, «инқилобий янгиланиш»нинг бошлангич босқичида марказнинг буюк давлатчилик сиёсати бу ерда сиёсий муҳожирлар орасидан чиққан маҳаллий коммунистларнинг ўта шовинистик сиёсати билан чуқурлашиди. Улар «мужмал сўзлар»ни айтишга мойил бўлган Кремль доҳийсидан фарқли ўлароқ, ўзларининг империяча қарашларини ошкора намойиш этдилар, уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳали чор мустабид ҳокимиятининг мустамлакачилик йўли билан «совет Россияси»нинг ички боғлиқлиги айниқса яққол намоён бўлди, унинг боғловчи бўғини сифатида чор генерал-губернатори А. Н. Куропаткин томонидан ифодалаб берилган «Маҳаллий аҳолига тўла ҳуқуқлар берилиши керак эмас»¹ деган принципда ўз ифодасини топган эди.

Бугунги кун кўзи билан қарагандা шу нарса яққол кўринадики, Туркистондаги большевиклар раҳбарияти совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки пайтлардан бошлаб ўзининг амалий фаолиятида ўлканинг миллий-майшиний хусусиятларини онгли равишида инкор қилиб, ма-

¹ Из дневника А. Н. Куропаткина // Красный архив, Т.1. — М., 1927. С. 65.

ҳаллий аҳолини давлат бошқарувига жалб этишга қаршилик кўрсатиб келди, маҳаллий ҳалқларнинг миллий мустақилликни кўлга киритишига тўсқинлик қилди. Масалан, Советларнинг III ўлка қурултойи (1917 йил 15 ноябрь) Баённомасида Туркистонда совет ҳокимиётини ташкил этиш тамойиллари белгиланган бўлиб, «ҳозирги вақтда мусулмонларни ҳокимият органларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ эмас, бунга сабаб маҳаллий аҳолисининг солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари ҳокимиятига муносабати тўла-тўқис аниқ эмас, шу билан бирга, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлар йўқ»¹, деб тўғридан-тўғри айтилган эди.

Лекин бу ерда аниқлик мавжуд эди. Бутунги кунда шу нарса яхши маълумки, маҳаллий аҳоли шўро ҳокимияти ва большевиклар партияси ғоясига асосан салбий муносабатда бўлган. Масалан, Туркистон тараққий-парварларининг таниқли раҳбари Махмудхўжа Беҳбудий ҳали Октябрь тўнтириши рўй бермасдан олдин ўша даврда фаолият кўрсатаётган тўртта партияга тавсиф бериб, «буйрўқратия мустабид», яъни монархиячилар, эски тузум тарафдорлари партиясини бюрократик зулмкор ва Туркистоннинг эркин тараққиёти учун иомақбул, деса, «Иштирокион авомия майшат фирмаси» — социал-демократик партиянинг большевикча лойиҳаси Туркистон ҳалқлари учун яроқсиз бўлибгина қолмай, ҳаддан ташқари заарли деб таъкидлаган².

Миллий демократлар февраль инқилоби жараённада эркин миллий ривожланишининг ўзига хос оригинал андозасини ишлаб чиқдилар. 1917 йил сентябрда Туркистон ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойида ўлка ҳалқларининг миллий мухторият, демократия, асрый маънавий ва диний қадриятлар принциплари асосида ўз тақдирини ўзи белгилашининг кенгайтирилган дастури қабул қилинди. Тарихнинг боши берк кўчаларига бошловчи большевистик лойиҳалардан фарқ қилиб, бу дастур цивилизацияга асосланган янгиланиш ва тараққиётнинг кенг истиқболларини очиб берди.

Бироқ большевиклар ақл-идрок овозига қулоқ солишни, ҳалқ манфаатларини ҳисобга олишни истамадилар. Миллий тафаккур тарзига ёт бўлган социалистик

¹ Победа Великой Октябрьской Социалистической революции в Туркестане. Сборник документов. — Т., 1947. С. 93.

² Беҳбудий М. Хайрул умурни авсалтуҳо // Хуршид. 1906 йил, 11 октябрь.

давлатчилик аввал бошданоқ мустамлакачилик андозасига асосланган куч ишлатиш воситалари билан жорий этила бошлади. Шуни айтиш кифояки, Ф. И. Колесов бошчилик қилган биринчи ўлка совет ҳукумати таркибидаги маҳаллий аҳолидан биронга ҳам вакил бўлмаган, жойлардаги ҳокимият ҳам ҳарбийлар, одатда келгинди кишилардан ташкил топган ишчи ва деҳқон ташкилотлари қўлида бўлиб, улар ўзларининг келажагини фақат Россия билан боғлайдиган, кўпчилиги ашаддий шовинизм оғуси билан заҳарланган шахслар эди. Бундай тажриба, Г. Сафаровнинг асосли хуносасига кўра, «Туркистондаги мустамлакачиликнинг бутун бир йўналишини олдиндан белгилаб берган эди»¹.

Маҳаллий миллатларни давлатни бошқаришдан узоқлаштириш сиёсати, ҳалқнинг ўз тарихий тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини поймол қилиш ижтимоий норозиликнинг турли-туман шаклларини келтириб чиқаришга сабаб бўлди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган сиёсий иродаси IV ўлка фавқулодда мусулмонлар қурултойи қарорларида яққол намоён бўлди. Мазкур қурултой Советлар III қурултойининг шовинистик руҳдаги қарорларига қарама-қарши ўла-роқ, 1917 йил ноябрнинг охирида Кўқон шаҳрида чақирилди. Унда миллий давлат тузуми бўлган Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинди², у миллий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган миллий давлат курилишининг ўзига хос андозаси тамоилларини акс эттирган эди.

Мусулмонлар анжуманида Россия билан барча алоқаларни узиш тўғрисидаги масала қўйилмади. Биринчи босқичда гап ягона иқтисодий ва давлат ҳудудидаги мустақиллик ҳақида, етилган ўзгаришларнинг тадрижийлиги тўғрисида борди. Миллий демократлар миллий озодлик вазифаларини ҳал қилишнинг мураккаблигини тушунган ҳолда, Россиянинг демократик кучлари ёрдамига умид боғлаб, синфий ёндашувдан холи тарзда иқтисодий жиҳатдан кучли демократик давлат барпо этишни мўлжаллаган эдилар.

Қурултойда ташкил толган Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига таниқли миллий бошлиқлар

¹ Сафаров Г. Национальная политика // Три года советской власти. — Т., 1920. С. 23.

² Улуғ Туркистон. 1917 йил 8 декабрь.

И. Шоаҳмедов, У. Ҳўжаев, О. Маҳмудов, М. Танишпашев, М. Чўқай билан бир қаторда, рус ва яхудий аҳолиси вакиллари ҳам киритилди¹.

Миллий ҳукуматнинг ташкил этилиши ва Туркистон мухториятининг эълон қилинишини Марказий Осиё минтақасининг бутун мусулмон аҳолиси қизгин кўллаб-кувватлади. Бироқ Тошкентдаги Совет раҳбариятини халқнинг зарур эҳтиёжлари қизиқтирмас эди. «Ажралиб чиқувчилар»ни зўрлик билан қувғин қилиш ҳақида юқори даражада қарор қабул қилинади. Кўқонга ҳарбий қисмлар ортилган 11 эшелон юборилади². 1918 йил февраль ойининг бошларида шаҳар ваҳшийларча бомбардимон қилинади. Қонли воқеалар иштирокчиларининг гувоҳлик беришларича, Кўқонга бостириб кирган қизил аскарлар отрядлари қочишга улгурмай қолган тинч аҳолини талаб, йўлларида учратган ҳамма нарсага ўт кўйдилар. Аскарлар тўдаси йўл-йўлакай тўхтаб, бегона босқинчиларга хос анъаналарга амал қилиб, хонадонлар, дўконлар, савдо расталари, банкларни ёпирилиб талади³.

Умуман, ана шу ёвуздарча ҳаракат натижасида Кўқоннинг учдан бир қисмидан кўпроғи вайрон қилинди ва ўтда ёндирилди, тинч аҳолисининг 3 мингдан ортиғи ўлдирилди, кўпчилиги бошпанасиз, озиқ-овқатсиз, кийим-бошсиз қолди. «Кўқон энди ўликлар шаҳридир», — деб тугалланган эди «Улуғ Туркистон» газетасида босилган Кўқондаги аянчли воқеалар хусусидаги хабар⁴.

Демократик асосда сайланган миллий ҳукуматнинг зўравонлик билан ағдариб ташланишини туркистонликлар «қизил империя» томонидан мўлжалланган босқинчилик режаларини рўёбга чиқаришнинг яққол далили сифатида қабул қилдилар. Улар большевикларнинг яна мустамлакачилик тартибини ўрнатишга бўлган ошкора интилишини ўз кўзлари билан кўриб, укубатда қолган Ватанларини кўлда қурол билан ҳимоя қилишга отландилар. Бу билан советларга қарши оммавий исёнкорлик ҳаракати бўлган истиқолчилик ҳаракатига асос солинди. Миллий озодлик кураши олиб бориш асрий анъаналарининг давоми бўлган бу ҳара-

¹ Эл байроги. 1918 йил 24 январь.

² РГВИА, ф. 149, оп. 1, д. 58 л. 141—142.

³ Наша газета. 28 февраля 1918 года.

⁴ Улуғ Туркистон. 1918 йил 8 февраль.

кат ўша даврнинг «Туркистоннинг озод бўлиши учун», «Туркистон — туркистонликларга» деган сиёсий та-лабномаларида яққол ифодаланди.

Чор истибодининг қонли тажрибасидан фойдалан-ган ленинча мъмуряят кўзголон кўтарган халққа қар-ши мунтазам равишда марказ армиясининг сараланган бўлинмаларини ташлаб турди. Биргина Фарғона во-дийсининг ўзида 1918—1924 йилларда босқинчиларга қарши жангларда 500 мингга яқин мард курашчи ва уларни кўллаб-кувватлаган тинч аҳоли миллий озод-лик йўлида шаҳид бўлди¹.

Бироқ большевиклар раҳбарияти подшо режими-дан фарқли ўлароқ, анча нозиклашган усууллар билан ҳаракат қиласади. Тинч аҳоли оммасини Шўро ҳокими-яти томонига жалб этиш учун раҳбарият кенг миқёсли ҳарбий-жазолаш тадбирлари билан бир қаторда, иж-тимоий онгни карахтлаштириш мақсадида маҳаллий халқ орасига марказий ҳукумат унинг туб манфаатлари тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилмоқда, деган фикрларни тарқатишга зўр бериб ҳаракат қилди. Бун-дай мафкуравий ҳужум билан бир қаторда, «давлат мустақиллиги» ваъда қилинди, маҳаллий раҳбар хо-димларнинг ҳужумкор шовинизми ошкора равишда фош этилди. Улар орасида Ф. И. Колесов, И. О. Тобо-лин, А. А. Казаков, К. Е. Сорокин, А. Ф. Солькин, К. Успенский ва бошқа сабитқадам ходимлар ҳам бор эдики, улар мусулмонларни бошқарув жараёнларига жалб этишга тишиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсат-дилар, ўлканинг маҳаллий аҳолисига паст назар билан қараб, «Туркистоннинг мусулмон оммаси оми ва қолоқдир, агар маҳаллий кишиларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилса, улар ўз аҳволларини яхши-лашни уddyалай олмайдилар... Улкадаги шўро ҳокимия-тининг раҳбарлари руслардан бўлиши лозим»,² — дедилар. Лекин ўлкада жуда катта норозиликка учра-ган бу сиёсат тинчликни таъминлаш учун юмшали лозим эди.

Кремлдаги большевиклар олий раҳбарияти буни ту-шуниб етган ҳолда 1918 йилдан бошлаб бошқарув органларида «миллий вакиллар» қатламини секин-аста

¹ Р а д ж а б о в К. К. Истиклолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918—1924 гг.) — Автореф. дисс. канд. истор. наук. — Т. 1995. С. 19.

² Ўзбекистон МДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 110-иш, 13—14-варажлар; 111-иш, 17-18-варажлар.

орттириб боришга мажбур бўлди. Натижада 20-йилларнинг бошларида маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқсан бир қатор истеъододли раҳбарлар республика ҳокимият органларида ҳатто юқори мансабларни эгалладилар. Улар орасида К. С. Отабоев, А. Раҳимбоев, Т. Рисқулов, С. Турсунхўжаев, Н. Тўракулов ва бошқалар бор эди. Шунга қарамасдан, большевиклар хукуматининг буюк давлатчилик гояларига ва империяча нафсиятта мойиллиги янги ҳокимиятнинг сиёсий фолијатини белгилаб беришда давом этётган эди.

Мустабид ўтмишнинг аячли тажрибаси шундан яққол далолат берадики, шуро тузумининг мустамлакачилик табиати, уни замонавийлаштиришга бўлган барча уринишларга қарамасдан, «инқилобдан кейинги» дастлабки йилларда ҳам, шунингдек, совет тарихининг кейинги айниш даврларида ҳам асосан ўзгармасдан қолди. Бу нарса империя давлатчилиги хусусияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Мустақил Ўзбекистоннинг Президенти Ислом Каримов илмий жиҳатдан аниқ-равшан таъкидлаб ўтганидек, «...совет социалистик давлати ҳалқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти ҳалқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланган эди. Бу тузум ўз ҳалқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манқуртларга таянр эди... Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган гоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан ҳалқ эҳтиёжлари ўргасида жарлик пайдо бўлди!».

Ленинча хукumat томонидан «миллий тараққиёт»-нинг шуроча андозасини ўрнатиш соҳасидаги чора-тадбирлар айнан шундай давлатчилики мустаҳкамлашнинг таянч бўғинини ташкил этди. Бу чора-тадбирлар империяча тафаккур мантиғидан келиб чиқсан бўлиб, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати каби ўлканнинг ички ҳаётига тааллуқли барча масалаларни марказда амалий равища ҳал этиш билан қатъий боғлиқ бўлишига қаратилган эди. Бонқарув тизимларини ҳаддан ташқари марказлаштириш чоризм ва совет тузумини бир-бирига яқинлаштирган бўлиб, у маҳаллий

¹ Каримов И. А. Ватан саждағоҳ каби муқаддасидир. Асарлар. З-жилл. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 7-бет.

аҳолини мустамлакачилик кишанидан сақлаб туриш ва табиий-хом ашё манбаларидан аёвсиз фойдаланиш имконини берарди. Шунингдек, уларни реал давлат мустақиллигининг йўқлиги, бошқаларнинг хоҳиш-иродасини жон-дили билан бажарадиган метрополияга содиқ ижрочиларни шакллантириш сиёсати, империяга хос қатағон-зўравонлик қилиш тузилмаларига таяниш, мустамлакачи ҳокимиятнинг ижтимоий таянчларини кенгайтириш учун миграция механизмларидан фойдаланиш, ҳалқни маънавий асоратга солиш, ялпи руслаштириш йўлини тутиш ва миллий ўзига хосликнинг асосий негизларини барҳам топтириш йўлини амалга ошириш яқинлаштириб турарди.

Ҳар иккала тузум: бўлиб ташла ва ҳукмонлик қил, деган империяча қоидани кенг ишга солди. Фақат совет даврида у синфий ёндашувнинг коммунистик қиёфасида тақдим этилди, айниқса, «октябрча янгиланиш»нинг дастлабки ўн йилликларида шундай бўлди, бу даврда социалистик давлатчилик қарор топди ва мустабид тузумнинг асосий таянчлари яратилди. Бундай ёндашув миллий жамият ва мусулмон бирлигининг синфий белги асосида бўлиб юборилишини, мафкуравий «чиникиш»дан ўтган маҳаллий аҳолининг «меннаткаш қатламлари» ҳисобига совет ҳокимиятининг миллий негизини кенгайтиришни, аҳолининг марксча қолипга тўгри келмайдиган ва ҳукмон тузумга маъқул бўлмаган барча гуруҳларини қириб ташлашдан иборат жинояткорона иш билан узвий равишда боғлаб олиб боришини афзал ҳисобларди.

Совет давлати курилиши фалсафасига мувофиқ Туркистон ҳалқ комиссарлари кенгаши тузилди, у ўлка ҳаётининг юқори органи бўлиб, аввал бошданоқ марказнинг фақат ҳукмонлик йўл-йўриқларига ва ўлкани жадаллик билан шўролаштиришга доир кўрсатмаларигагина эмас, шу билан бирга, бошқарув тизимини ёппасига марказлаштиришга амал қилди. Аслида у ўз фаолиятининг дастлабки босқичидаёқ (1917—1918 йиллар) Қўғирчоқ органга айланиб қолган эди.

1918 йил апрель ойи охирларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Советларнинг V ўлка курултойи барпо этилаётган «қизил империя»нинг ажralmas қисми бўлган Туркистонни коммуналаштириш ва унинг мақомини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлди. Курултой 30 апрелда «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси тўғрисидаги Низоми-

ни»¹ қабул қилди. Туркистон Мухториятида гавдалантирилган ўзига хос миллий давлатчилик ғоясини сиқиб чиқариш бўйича ленинча стратегияга амал қилиб, курултойда «миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш»нинг шўроча кўриниши сифатида «Советлар асосидаги мухторият» эълон қилинди.

«Юқори»дан тиқиширилган «совет мухторияти» халқ орасидан келиб чиқсан «миллий мухторият» андозасидан бутунлай фарқ қиласади. У ҳокимият тузилмаларининг тарғиботчилик баёнотларига зид ўлароқ ўлкага реал мустақиликни бермасди ва расмий тусга эга бўлиб, ўлканинг «социалистик Россия»га қатъий мустамлакачилик асосида қарам бўлишига қаратилган эди. Шунинг учун ҳам V қурултойда қабул қилинган Низомда «Мухтор тарзда бошқариладиган Туркистон Совет Республикаси Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини эътироф қиласди ва ўз ҳаракатларини у билан мувофиқлаштиради»², деб алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас эди.

Советларнинг VI фавқулодда қурултойи (1918 йил октябрь) «мухтор Туркистон» билан «Совет Россияси» ўзаро муносабатлари империяча тизимининг «хукуқий» асосларини яратди, мазкур қурултой «Россия Социалистик Федерацияси Туркистон Республикаси»нинг Конституциясини қабул қилди. Бу «Асосий қонун»да алоҳида айтиб ўтилганидек, мудофаа, ташки алоқалар, почта, телеграф, денгиз ишлари, темир йўл, божхона, савдо, саноат ва молия масалалари Федерал ҳукумат ихтиёрида қоларди³. Дабдабали равишда эълон қилинган «мухтор хукуқлар» кўпроқ тарғиботчилик мақсадини кўзларди, чунки уларни аниқ амалга ошириш механизми мавжуд эмас эди. «Миллий мухторият» масаласига тантанали равишда эълон қилинган тарзда эмас, балки ҳақиқий ёндашув ҳақида шу далил ҳам гувоҳлик берадики, ҳокимият органлари халқнинг маҳаллий қадр-қимматини кўпол равишда поймол қилиб, Конституция матнини миллий миллатлар тилларида, шу жумладан, ўзбек миллати тилида чоп этишни лозим топмади. Конституция «умумхалқ» муҳокамасига факат рус тилида тақдим этилди. Натижада маҳаллий аҳолининг аксарият кўпчилиги ҳатто умумий тарзда

¹ Наша газета, 5 мая 1918 г.

² Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. — Т., 1972. С. 251.

³ Ўша жойла. 519-бет.

бўлса ҳам ўлканинг давлат тузилишини белгилаб берган бу таянч хужжат билан танишиб чиқа олмади. Кеинчалик марказий ва маҳаллий ҳукуматларнинг шовинистик хатти-ҳаракатларига танқидий баҳо берган ўша йилларнинг таникли жамоат арбоби Т. Рискулов Туркистон Конституцияси РСФСР Конституциясининг нусхаси ҳисобланади, маҳаллий ҳалқларнинг манфаатини акс эттирмайди, шунинг учун ҳам «уни жиддий равишда қайта кўриб чиқиш керак»,¹ деб ғазаб билан таякидлаган эди.

Файри миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва бошқарувнинг мустамлакачилик тузилмасини ўзгартириб, империя-мустабидчилик тузилмасига айлантиришнинг муҳим йўналиши совет тузумининг сиёсий тизимини шакллантиришдан иборат бўлди. Аввало, «пролетариат диктатураси» давлатини ташкил этиш мафкурасига мувофиқ, ҳокимият органлари марказнинг сиёсий манфаатларини зўравонлик билан таъминлашга қодир бўлган қатағончилик тузилмаларини яратишга эътиборни қаратдилар. Ана шу мақсадда қисқа муддат ичida умумrossия схемаси асосида «инқилобий» судлар, прокуратура, ВЧК (Бутунrossия фавқулодда Комиссияси) органлари, «халқ милицияси», трибуналлар ташкил этилдики, улар «инқилоб душманлари» учун шафқатсиз «темир супурги»га айланниши лозим эди; «социалистик армия»нинг ҳарбий бўлинмалари ташкил этилди. Одатда уларнинг ҳаммаси экстремистик кайфиятдаги европалик маҳаллий ишчилар ва аскарлардан тузиларди; улар буюк давлатчилик кибр-ҳавосини очиқдан-очиқ намойиш қилишарди. Раҳбарлик аппаратига эса Марказ юборган ходимлар тайинланарди. Масалан, Туркистон фавқулодда комиссиясига узоқ йиллар Ф. Э. Дзэржинскийнинг яқин ёрдамчиси бўлиб келган, зўравонлик ва оммавий қатағонлар уюштиришда сезиларли роль ўйнаган Я. Петерс бошлиқ қилиб тайинланди.

Чор ҳукумати сингари совет раҳбарияти ҳам маҳаллий аҳолидан чўчир ва унга ишонмас эди. Шунинг учун ҳам у куч ишлатувчи тузилмаларга «миллий» ходимларни жалб қилишни ниҳоятда чеклаб қўйди, чунки улар ҳалқа қарши бўлган ҳокимиятнинг асосий таянчлари эди. Масалан, 1920 йилга қадар маҳаллий

¹ Мусбюро РКП в Туркестане. — Туркестанские краевые конференции РКП(б). 1919—1920 гг. с введением Т. Рискулова. — Т., 1922. С. 54—60.

аҳолининг вакиллари «қизил армия» сафига чақирилмасди. Чунки уларга берилган курол эзувчиларга қарши қаратилиши мумкин эди.

Бошқача фикрлашга барҳам беришга ва коммунистик мағкуравий таъсир кўрсатиш институтларини кенг авж олдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда Россиядан кейин бу ерда ҳам «буржуа» газеталари, партиялари ёпиб қўйила бошлади, майқул бўлмаган сиёсий ташкилотлар тарқатиб юборилди. Шу билан бирга, «инқилобнинг жазоловчи қиличи» миллий ва диний ҳаракатга алоҳида куч билан хужум қилди. Хусусан, 1918 йил мобайнида «Шўрои Исломия», «Уламо», «Алаш» ва бошқа маҳаллий сиёсий бирлашмалар ёпиб қўйилди.

Коммунистик ҳукмронлик монополиясини ва совет империясини қарор топтириш ленинча стратегиясида маҳаллий партия ташкилотлари орқали империяча бошқарув воситаларини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилди. Бироқ Туркистондаги вазият шу билан мураккаблашдик, октябрь тўнтаришидан кейин туркистонлик коммунистлар гарчи ишчи ва солдат депутатлари Кенгашларидағо явий жиҳатдан устунлик қиласалар ҳам, ўзларининг оз сонли эканлиги ва ташкилий бирлиги бўлмаганилиги сабабли ўз кўлларида бошқарувнинг асосий қисмини тўплай олмадилар. Шу сабабли маҳаллий коммунистик партияни ташкил этиш долзарб вазифа қилиб қўйилди. ТҚПнинг Таъсис қурутойи 1918 йил июнь ойидаги бўлиб ўтди. Унда дарҳол Туркистон компартияси РКП(б) билан чамбарчас боғлиқлиги ва «ленинча МҚ»нинг кўрсатмаларига қатъян бўйсуниши алоҳида таъкидлаб ўтилган эди¹. Партия сафлари сони шиддат билан ортиб борди. Масалан, 1918 йилнинг ўрталарида унинг сафларида камидаги 2 минг киши бўлса, 1919 йил марта келиб 56,7 минг коммунист бор эди².

Маҳаллий партия тузилмалари кенг авж олиб бориши билан бир қаторда большевиклар раҳбарияти «партияни ҳаракатга келтирувчи куч» бўлиб қолиши лозим бўлган синфий жамоат ташкилотларини тузиш ва омма орасида уларнинг мағкуравий таъсирини кучайтириш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўрди.

¹ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 41, д. 302, л. 75—76.

² Коммунистическая партия Туркестана и Узбекистана в цифрах. Сб. материалов. 1918—1967 гг. — Т. 1967. С. 17.

Жумладан, коммунистик Ёшлар иттифоқи (комсомол) ташкил топди, касаба уюшмалари компартия таъсирига олинди, қишлоқда камбағаллар қўмиталари, «Кўшчи» иттифоқлари ташкил этилди.

Янги типдаги мустамлакачилик рёжимининг асосий негизини мустаҳкамлашнинг маҳсус воситаси, хукмрон марказ сиёсати ва хоҳиш-иродасининг ифодачиси сифатида қараб чиқилётган йилларда РКП(б) МҚнинг, РСФСР Ҳалқ Комиссарлари Кенгаши ва МИҚнинг маҳсус комиссияси (Турккомиссия) майдонга чиқди. У 1919 йил октябрда ташкил этилди. РКП (б) МҚнинг Туркбюроси эса 1920 йилда ташкил топди. Улар Туркистондаги барча хукумат органларидан юқори туриб, республикада юқори партия ва давлат назоратини амалга оширилар. Бундан ташқари, ленинча раҳбарият ўлкага партия-совет хўжалик ходимларининг кўп сонли «десантлари»ни юбориб турди. Фақат 1920 йилдан 1923 йилгacha бўлган даврда ТАССРга 1396 нафар марказдан вакил юбориди. Улар орасида большевиклар «генералитети»нинг С. М. Будённий, Г. Бокий, В. Куйбишев, С. С. Каменев, Л. Каганович, Ф. Голошечкин, А. Иоффе, В. Ногин, Я. Э. Рудзутак, С. Оржоникидзе, М. В. Фрунзе, Ш. Элиава ва бошқа таникли намояндалари бор эди. Империяча «десант ташлаш»нинг бундай тажрибаси то совет давлати барбод бўлгунга қадар давом этди.

Марказнинг иқтисодиёт соҳасидаги мустабид-империяча сиёсати аниқ равшан хусусият касб этид. Ленинча хукумат «бозорсиз социализм»нинг заём андозасига амал қилган ҳолда октябрдан кейинги дастлабки кунлардан эътиборан Туркистонда кўп тармоқли иқтисодиётни сиқиб чиқаришни, мулкчиликнинг барча шаклларини давлат тасарруфига олишни, мол-мулкни зўрлик билан тақсимлашга қаратилган қатъий йўлни жорий қила бошлади. Бу йўл одамларнинг сон-саноқсиз ҳалок бўлиши, мулкдорлар синфини қириб ташлаш билан бирга олиб борилди, бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситаларидан узоқлаштиришни, келиб чиқиши жиҳатидан самарасиз бўлган иқтисодиётни ривожлантиришга олиб келди.

«Қызил империя» учун совет иқтисодий сиёсатининг ана шу умумий оғрикли иллатлари билан диалектик бирликда ўлкада социалистик тузумнинг мустамлакачилик табииатини акс эттирадиган ўзига хос хусусият намоён бўлди. Гап шундаки, давлат мулки монополиясининг белгиланиши объектив равишда қат-

тиқ марказлаштириши олдиндан белгилаб берган бўлиб, ўлка халқ хўжалигининг мустамлакачилик йўналишини вақтинча тўхтатиб туришни осонлаштириди. Бинобарин, марказ иқтисодий асоратга солишнинг мазкур имкониятидан тўла маънода фойдаланди. Масалан, москвалик эмиссарларнинг сикуви остида Туркистон Республикаси Советлар VIII курултойи (1919 йил сентябрь-октябрь) резолюция қабул қилди, унда «Туркистоннинг иқтисодий сиёсати Россиянинг иқтисодий сиёсати билан қатъян биргаликда олиб борилиши лозим»¹, деб қатъий равишида кўрсатиб ўтилган эди. Бу сиёсатнинг устувор вазифаси коммунистик метрополия эҳтиёжлари учун энг кўп даражада хом ашё ишлаб чиқарилишидан, бошқача айтганда, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг аввалги мустамлакачилик режасини мустаҳкамлаш ва Туркистонни хом ашё қўшимчаси сифатида сақлаб қолишдан иборат эди.

Иқтисодий қарамликнинг янги андозасини қарор топтириш дастурида анъанавий равишида паҳтачилик мажмуига алоҳида аҳамият берилди. Марказ раҳбарияти Туркистоннинг паҳтачилик тармоғини марказлашган бошқарув тузилмалари таркибиға кирилди². Шу билан бирга Туркистон қишлоқларидан озиқ-овқат маҳсулотлари кенг миқёсда ташиб кетила бошлади. Лекин бу ҳаракат иқтисодий терроризм усуллари билан амалга оширилди.

Ҳақиқатда Лениннинг ташаббуси билан ташкил этилган озиқ-овқат отрядлари қишлоқ аҳолисини шафқатсизлик билан талаш йўлини тутди, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини «тўплаш» ваҳшиёна зўравонлик, оммавий қон тўкишлар билан қўшиб олиб борилди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Фалгар қишлоғида озиқ-овқат отряди қишлоқ кенгаши раисини ва бир неча деҳқонни тўқиб чиқарилган баҳоналар билан донни «яшириб қолди», деб отиб ташлаган, шундан кейин қишлоқ аҳолисининг барча қимматбаҳо нарсалари қўполлик билан тортиб олинган. Бу «воқеа» тасвирлаб берилган маҳфий маълумотномада қайд этилганидек, «фалгарликлар одамлар... отилганидан кейин буни ўз кўзлари билан кўриб, совет ҳокимиятига ўзларининг ишонмасликларини ошкора равишида гапира бошлашган»³.

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд 1-рўйхат, 36-иш, 22—25-варажлар.

² РГАЭ, ф. 3429, оп. 2, д. 1129, л. 3.

³ Ўзбекистон МДА, 38-фонд, 2-рўйхат, 19-иш, 145-вараж.

Лекин маълумот берган киши бирмунча айёрлик қилган. Деҳқонлар совет тузуми томонидан ўлим ёқасига келиб қолган бўлиб, янги ҳокимиятни бутунлай ёмон кўришарди. Тасвирланган бу воқеа ягона ҳодиса эмасди. Жазолаш-қатағонча ёндашувлар ҳамма жойда намоён бўларди. Бу даврнинг дастлабки тадқиқотчиларидан бири С. Гинзбург айтиб берган бир воқеа айни жиҳатдан ўзига хосдир. Жумладан, у қуйидагиларни қайд қилган эди: «Совет ҳокимияти амалда рус жамиятининг мустамлакачи қисми қўлида бўлиб қолди ва у ошкора равища куролли босқинчилик сиёсатини олиб борди. Ҳукуматнинг мол-мулкни мажбурий равища давлат ихтиёрига олиб қўйиш, мусодара ва бошқа шу хилдаги ҳаракатлари деҳқонлар кўз ўнгидга подшо сиёсатидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб туюларди»¹. Бу хилдаги манзара Туркистон жамиятининг хилма-хил қатламлари орасида ҳам кўзга ташланди. Чунки, ахир, ўлка оммавий зўравонлик оловида бамисоли ёнаётган эди.

Шаҳар ва қишлоқлардаги бадавлат табақалар иқтисодий қурдатини ўйламай-нетмай чеклаш, синфий қарама-қаршиликка қаратилган, ижтимоий-иктисодий қайта куришнинг соҳта схемаларини зўравонлик билан жорий этиш ишлаб чиқарувчи кучларни қақшаткич равища барбод қилишга сабаб бўлди. Ватан иқтисодиёти фалаж бир ҳолатда эди. Завод ва фабрикалар ишламасдан турарди. Деҳқон хўжаликлари ҳалокатли тарздаги тезликда заифлашиб қолди. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ниҳоятда пасайиб кетди. Масалан, етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми ва чорва моллар сони Туркистон республикасида 1920 йилда 1913 йилдагига нисбатан тегишли равища 76,2 ва 56,3% га тушиб қолди². Ўлкада мисли кўрилмаган очлик бошланди, у миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий аҳоли ташкил этарди.

Мустабид-империяча тузум иқтисодий таянчларининг вужудга келиши маънавий ҳаётни зўравонлик билан умумийлаштириш, коммунистик мафкуранинг кенг микёesda ёпирилиб кириши билан бирга борди. Бундай ёндашув сон-саноқсиз истилочилар тўдалари томонидан ҳалқни маънавий жиҳатдан мустамлака таъсирига

¹ Г и н з б у р г С. Басмачество в Фергане. В кн.: Очерки революционного движения в Средней Азии. М., 1926. С. 131—132.

² Статистический ежегодник, 1917—1923. т. 2. — Т., 1924 С. 64.

олиш соҳасида синааб кўрилган андазага тўла-тўкис мос келади. Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов асосли равишда таъкидлаб ўтганидек, «Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда хукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-кудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар»¹.

Маълумки, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи оқтябрь тўнтариши даврига келиб, ғоят бой маданий меросга эга эди. Бироқ ҳокимиятни большевиклар қўлга киритгандан кейин Туркистон жамиятининг маънавий ҳаётига ҳалокатли зарбалар берилди. Совет тузумининг «маданий» сиёсати аввал бошдан ахлок, адабиёт, санъатни самарали миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти»ни ва коммунистик мафкурани сингдиришга мўлжалланган эди. Унинг яна бир ўзига хос хусусияти чоризм томонидан амалга ошириб келинган руслаштириш йўлини давом эттириш эди.

Большевик хукмдорлар якранглаштирилган мустабид-империяча тузумни барпо этиш мантифига амал қилиб ва тузумга тўғри келмайдиган ижтимоий онг шаклларини, айниқса, маҳаллий халқларни бирлаштирувчи куч сифатида намоён бўлаётган ислом дунёкарашини сиқиб чиқаришга интилиб, аввало маҳаллий аҳолининг азалдан амал қилиб келган диний эътиқодига кенг ҳужум қилишни авж олдирдилар.

Марказий ҳукумат — Халқ Комиссарлари Кенгashi 1918 йил 2 январда черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қабул қилган декрет жорий этилиб, «Туркистон мухторияти» тутгатилгандан кейин 1918 йил бошларидан эътиборан атеистик экстремизм сиёсати айниқса фаол равища тутказила бошланди. Большевиклар ўзларининг ҳокимиятда тутган йўлларини нисбатан мустаҳкамлаб, ана шу пайтдан бошлаб ҳамма жойда мухолифатдаги газеталарни, миллий диний-сиёсий ташкилотларни ёпиб кўя бошладилар, диний мусассасаларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, руҳонийлар ва обрўли мусулмон арбоблари айбсиз ҳибсга олинди.

¹ Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин // Халқ сўзи. 1998 йил 17 июнь.

Коммунистик мафкуруни кенгайтиришнинг бошқа стратегик йўналиши — халқ таълими тизимини марксча қонун-қоидалар асосида таркибий қайта қуришдан иборат бўлди. Бунда империяча фикрлаш руҳида маҳаллий аҳолининг ёппасига саводсизлиги ҳақидаги сафсата тўқиб чиқарилди.

«Социалистик қурилиш»нинг бошқа соҳаларида бўлгани каби янги таълим-тарбия тизимига асос солиниши ҳам зўрлик ишлатиш усуслари билан амалга оширилди. Аввало пролетариат диктатураси давлатининг «эирхли мушти» аввалги таълим тизимига қарши ҳужум бошлади. Бу таълим тизимига «социалистик қайта қуриш»га халақит берувчи қудратли тўсиқ сифатида қаралди. Чунки кейинчалик совет жамиятшунослигига қарор топган «инқилобдан олдинги» таълим тизими нинг кам сонли ва мазмунан зарарли бўлганлиги ҳақидаги мафкуравий сафсалардан фарқли ўлароқ, Туркистонда Октябрь тўнтириши даврига келиб мактаб ўкув муассасаларининг кенг тармоғи ишлаб турган бўлиб, улар аҳоли турли қатламлари эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган эди. Масалан, 1913 йилги маълумотларга қараганда, Туркистон ўлкасида 7290 та диний мактаб, 40 та жадидча янги усул мактаби, 126 та рус-тузем, 330 та рус бошланғич мактаби, 311 та мадраса мавжуд эди¹.

Большевиклар ҳокимият воситаларини эгаллаши биланоқ кўп варианти таълим тизимини услубий жиҳатдан бузишга ва якка варианти совет таълим тизимини қарор топтиришга қаратилган йўл аниқ кўзга ташланди. Янги ҳукмдорлар давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-кудратидан фойдаланиб, халқ маорифи соҳасида қаттиқ назорат ўрнатишга киришдилар. Бир хил типдаги совет мактабларини зўрлик билан кўплайтиришга интилдилар, бу мактаблар ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантирувчи таянч восита бўлиб қолиши лозим эди. 1920 йилдаёт ТАССР да «социалистик» типдаги 2080 та мактаб ишлаб турарди. Уларда таълим олаётганлар сони 174820 ўкувчини ташкил этардӣ². Бироқ ҳокимият органларининг «янги таълим тизимининг чинакам халқчиллик хусусияти» ҳақидаги дабдабали сўзларига қарамасдан, кенг маҳаллий аҳоли оммаси ижтимоий норозилик билдириб, анъанавий

¹ РГИА. ф. 733, оп. 205, д. 948, л. 61–62.

² Ўша жойда, 34-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 40-варақ.

миллий мактабларни барча воситалар билан қўллаб-кувватлади.

Лекин Марказ империяча тафаккур мантиғидан ке-либ чиқиб, мактаб ишини «социалистик янгилаш» йўлини қатъият билан ўтказишда давом этди. Бунда маҳаллий халқларнинг узоқ давр мобайнида қарор то-пиб келган турмуш тарзи хусусиятлари, уларнинг мил-лий фикрлаш хусусияти ҳисобга олинмади. Чунончи, 1918 йилда барча ўқув юртларида диний таълимотни ўқитиш таъкидланишини, ўғил ва қиз болаларнинг мажбурий равищда бирга ўқитилиши жорий этилиши-ни туркестонликлар норозилик билан кутиб олдилар. Бундай норозилик турли шаклларда намоён бўлди. Би-роқ ҳокимият органлари халқ талабига қулоқ солмади. Фақат 20-йилларнинг биринчи ярмида янги иқтисодий сиёsat жорий этилганидан кейин айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди.

Мактаб таълими билан бир қаторда, халқ хўжалиги ва маданият соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган ўрга маҳсус ва олий ўқув юртлари тизимининг совет варианти асослари ҳам яратилди. Бу ўқув юртлари қатъий синфий асосда ташкил этилди. Натижада маҳаллий аҳолининг «мехнаткаш бўлмаган» муайян қисми тегиши-ли маълумот олишдан сунъий равищда узоқлаштирилди. Таълим тизимини руслаштириш чора-тадбирлари ҳам яққол табақалаштирилган ҳолда амалга оширилди. Хуж-жатли манбаларнинг гувоҳлик беришича, юқори тоифадаги ўқув юртларининг кўпчилигига «ўқитиш фақат рус тилида олиб борилди». Бу ҳол уларга синфий ма-ҳаллий андозаларга мос келадиган маҳаллий миллатлар вакилларини жалб қилишга жиҳдий равищда салбий таъсир кўрсатди. Шуни таъкидлаш кифояки, 1921 йилда Туркистон Давлат университетида талабаларнинг иккиминг кишилик таркибидан фақат 14 нафари маҳаллий аҳоли орасидан чиққанлар эди². Юқорида айтилганлар билан бир қаторда, ўқув-тарбия ишларининг ҳаддан ташқари сиёсий тусда бўлиши тажрибаси узоқ муддатга чўзилган салбий оқибатларга олиб келди.

Коммунистик мафкурани кенг миқёсда ёйиш режа-ларини амалга оширишда большевиклар раҳбарияти муайян тарзда оммавий маданий-маърифий ва сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришга муҳим аҳамият берди.

¹ Ўша жойда, 34-фонд, 1-рўйхат, 520-иши, 102-варак.

² Ўша жойда.

Ана шу мақсадда биринчи навбатда «инқилобдан олдинги» маданий-маърифий ташкилотларни, айниқса, диний муассасалар билан боғлиқ бўлган «маданий ўчоқлари»ни умумийлаштириш ҳаракатлари кенг тус олдирилди. Шу билан бирга, ўзига хос шўро маданий-маърифий муассасалари — клублар, халқ ва ишчилар уйлари, қироатхоналар, қизил чойхоналар, қизил ўтовлар ва ҳоказоларни ташкил этиш юзасидан кенг миқёсда ишлар олиб борилди. Умуман, 1920 йил охирига келиб Туркистонда 177 та «социалистик» кутубхона, 97 та клуб, 76 та қизил чойхона, 172 та қироатхона ва бошқа муассасалар бор эди¹. Лекин маҳаллий аҳоли уларга деярли қатнамасди.

Оммавий аҳборот воситалари ҳам советлаштирилди, «совет социалистик матбуоти» юзага келди. Шу билан бирга, русча нашрлар қаторида маҳаллий миллатлар тилларида ҳам коммунистпараст газета ва журналлар чоп этила бошлади. Масалан, 1918 йилда ўлқада ўзбек тилида 11 та газета чиқариларди². Амалга оширилаётган тадбирлар «чинакам миллий матбуот»нинг вужудга келиши шиори остида тарғиб этилди, гёй бу матбуот маҳаллий халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуқини акс эттирас эди. Ҳақиқатда эса, нашрчилик ишини жадал мустабидлаштириш амалга оширилаётган, унинг империяча коммунистик режимни мустаҳкамлаш вазифаларига тўла-тўқис бўйсундирилишига ҳаракат қилинаётган эди.

Адабиёт ва санъатда ҳам қатъий мағкуравий назорат ўрнатилди. Мухолифатчилик кайфиятидаги барча ижодкор ходимлар кувғин остига олинди, миллий зиёлилларнинг бошқача фикрловчи вакиллари таъқиб этилди. «Совет адабиёти», коммунистик йўналишдаги мусиқа ва театр санъатининг вужудга келиши рағбатлантирилди.

Бугунги кунда маълум бўлишича, гайримиллий коммунистик мағкурунинг бошқача фикрлашнинг ҳар қандай кўрининишини шафқатлизларча йўқ қилиш билан йўғрилган жадал тарқатилиши аҳолининг муайян гурӯҳлари онгини ўзгартиришга олиб келди. Аҳборот бўшлиги сезиларли равишда ортиб бораётган шароитда совет назоратидаги ҳудудларнинг кенг оммаси фақат коммунистик манбаларга амал қиласидиган бўлиб

¹ ГАРФ, ф. 3969, оп. I д. 48. л. 178—179.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т. I. — Т., 1964. С. 403.

қолди. Шу билан бирга, марксча мафкурани мустаҳкамлаш «инқилобий» мътмурлар кутганидек бир хилда бормади. Халқ авж олиб бораётган оммавий террор ва мафкуравий зўравонлик тўлқинига иложи бор барча усуллар билан қаршилик кўрсатарди.

Туркистоннинг советлаштирилиши уни совет давлати таркибида сақлаб туриш учунгина эмас, балки бутун эркин Шарқни коммунизм таъсирига олиш соҳасидаги ленинча стратегик режани амалга ошириш шарт-шароитларини белгиловчи муҳим вазифа сифатида ҳам аҳамиятли эди.

Ленин, ундан кейин эса «Советлар мамлакати»-нинг бошқа раҳбарлари ҳам жаҳон коммунистик империясини тузиш тўғрисидаги фикрдан сира холи бўлмадилар, шу мақсадда совет давлатининг «ҳаёт ке-чириш макони»ни кенгайтириш учун пайдо бўлган ҳар қандай имкониятни ишга солдилар. Бу жиҳатдан «социалистик Туркистон» тасвир этилаётган даврда шарқий мамлакатларга, аввало Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига «коммунистик бостириб кириш»нинг таянч майдони сифатида қаралди, бу амирлик ва хонлик узоқ вақт мобайнида чор Россиясига вассал тарзда қарам бўлиб келган эди.

Бухоро ва Хивани босиб олиб, советлаштиришдан иборат ниятини амалга оширишда ленинча ҳукумат бухоролик ва хивалик жадидлар атрофига тўпланиб олган ва маҳаллий ҳукмдорларнинг шарқдаги зулмкорлигини демократик халқ бошқаруви тизими билан алмаштиришга интилган монархияга қарши кучларга таянишга уринди. Ана шу мақсадда Туркистонга муҳожир бўлиб келиб қолган Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликларнинг радикал қисмидан 1918 йил ёзда Бухоро; 1919 йил бошларида эса Хива коммунистик партияси ташкил топди¹. Айни вақтда хивалик ва бухоролик «инқилобчилар» Тошкентда махсус очилган «ташвиқотчи-лар курслари»да² тегишли мафкуравий ва ҳарбий тайёргарликдан ўтдилар. Лекин энг асосийси, Москва-нинг тавсияси билан хивалик ва бухоролик коммунистлар хонлик ва амирликда яширин гурухлар, куролли кўшинилар тузиш, ҳунармандлар, камбағал дехқонлар орасида, шунингдек, марксча режа бўйича «социалистик инқилоб» сиёсий армиясининг таъсиричан салоҳия-

¹ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 1, д. 367, л. 1—2.

² РЦХИДНИ, ф. 2. Оп. 1, д. 14345, л. 40—42.

тини ташкил этадиган бошқа ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар орасида кенг равишда ғоявий тарғибот ишларини йўлга қўйиш учун мазкур ҳудудга фаоллик билан юборила бошлади. Масалан, 1919 йил сентябрь ойига келиб, сўл Ёш хиваликлар ва Хивада яширин равишда иш олиб бораётган коммунистларнинг сони 720 кишига етди¹.

Марказ мафкурачилари томонидан ишлаб чиқилган инқилобий тўнтаришнинг умумий режаси анча оддий эди. У воқеаларнинг куйидаги авж олишини назарда тутарди: маҳаллий инқилобчилар ҳукмрон тартибга қарши «халқ чиқиши»ни ўюштирадилар, кейин РКП(б)га мурожаат қилиб, «байналмилал ёрдам» кўрсатишни илтимос қиласидилар, сўнgra «қонуний равиша» киритилган мунтазам совет қўшиллари янги ҳокимият ўрнатишни таъмин этади. Совет империя тузумининг бу тарқалиш механизми 20-йиллар бошида синовдан ўтказилган бўлиб, кейинчалик сталинча раҳбарият томонидан 30-йилларда «қизил империя» чегараларини кенгайтириш, 70—80-йилларда эса брежневча маъмурият томонидан Афғонистонни «инқилобий равиша» қайта тузиш» учун кенг татбиқ этилди.

Хива ва Бухорони советлаштиришнинг ленинча режаси амалиётга аниқ татбиқ этилди. Россиянинг «демократик» кучлари ёрдамида озод жамият қуришга умид боғлаган ёш хиваликлар ва ёш бухороликларнинг ватанипарварлик ҳис-туйгуларига усталик билан таъсир кўрсаттан Кремлнинг сиёсий раҳбарияти ана шу мустақил давлатларга кенг миқёсда «социалистик ҳужум» қилдилар.

Дастлаб «инқилоб» Хивада амалга оширилди. Бу ерда 1919 йил ноябрь ойида бир қатор туманларда Жунаидхон ҳукуматига қарши қўзғолонлар бўлиб ўтди. Уларнинг совет ҳокимияти ғояси билан ҳеч бир боғлиқлик томони йўқ эди. Шунга қарамасдан, Москва ва Тошкент большевиклари бу қулай имкониятдан фойдаланиб қолишга қарор қилдилар. Амударё бўлимидаги советлар назоратида бўлган Петроалександровск Кенгаши Тошкентга шошилинч равища телеграмма юборди, унда бундай дейилган эди: «Хива пролетариати Жунаидхонга қарши қўзғолон кўтарди. Ҳамма жойда жанглар бормоқда. Аҳвол жиддий. Бизга делегация ке-

¹ Каландаров Н. Х. Образование и деятельность Хорезмской коммунистической партии. 1920—1924. — Т., 1975. С. 40.

либ ёрдам сўрамоқда¹. Петроалександровск Кенгаши Хивага қизил гвардиячилар отрядини жўнатишга ва Тошкентдан ҳарбий бўлинмалар юборишга рухсат сўраган эди.

1919 йил декабрда Н. М. Шчербаков ва Н. А. Шайдаков кўмондоилигида иккита йирик ҳарбий бўлинма Хива хонлиги ҳудудига бостириб кирди. Жунаидхон қўшинлари тор-мор келтирилди. 1920 йил январнинг охирида Жунаидхон Қоракумга чекинди. 1 февралда совет қўшинлари хон қалъаси ва саройини эгаллади. Хива хони Саид Абдулла таҳтдан воз кечишга мажбур бўлди.

У ёғига воқеалар ишлаб чиқилган режа бўйича борди. 2 февралда шошилинч равишида чақирилган митингда «халқ талаби билан» ёш хиваликлар партияси МК, раиси Жуманиёз Султонмуродов бошчилигида муваққат инқилобий қўмита ташкил топди. Бу қўмита «байналминалчилар» таклифи билан Россия совет ҳукуматига мурожаатнома қабул қилди, унда «Россиянинг ишчи ва деҳқонлари Хоразмда ишчи ва деҳқонлар диктатураси» ўрнатишда ёрдам берадилар² деб «умид» билдирилган эди.

Бу миллий тараққийпарварларнинг сўзи эмасди. Бу ўринда большевикча атама, қонли мустамлакачилик оҳангига яққол сезилиб туради. «Инқилобий» марказ вакиллари дарҳол ўзларини ашаддий босқинчилар сифатида намоён қилди. Турккомиссиянинг Хивадаги вакили Г. И. Брайдонинг эътироф этишича, «қизил қўшинларнинг юриши вақтида ёқ, совет... отрядлари... ҳаддан ташқари зўравонлик кўрсатиб, хонадонларни, бутун-бутун кўргонларни таладилар, вайрон қилдилар, ҳатто ўзлари Жунаидхондан расман «кутқарган» кишиларга нисбатан ҳам шундай зўравонликни кўлладилар»³.

Большевиклар амалга оширган жиноятлар кейинчалик ҳам авж олдирилди. «Биз бу ерда кўрган даҳшатни ҳеч қаерда кўришга тўғри келмади, — деб Тошкентга телеграф орқали хабар берган эди 1920 йил 6 апрелда Туркистон Инқилобий трибунали раиси И. Р. Фонштейн. — Ошкора равишида ташкил этилган ҳарбий талон-тарож... хотин-қизларни олиб кетиш, уларни аси-

¹ Иностранный военный интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Т. 2. — Алма-Ата. 1964. С. 486.

² Погорельский И. В. История Хивинской революции и Хорезмской советской республики. 1917—1924. Л. 1984. С. 252—253.

³ РЦХИДНИ, ф. 2, оп. 1, д. 14345, л. 32 об.

ралар, қуллар тарзида сақлаш, Петроалександровск ва Ҳиванинг бозор майдонидаги кимошди савдосида со-тиш, Хива саройларини тор-мор қилиш, қизил аскарлар томонидан биринчи дуч келган одамни мол-мулкини талаш мақсадида отиб ташлаш»¹.

Бундан ташқари, Турккомиссия ва Туркфронт вакили Г. Б. Скалов бошчилигидаги ҳарбий раҳбарият қарор топган мустамлакачилик анъаналарига амал қилиб, Муваққат «инқилобий ҳукумат»га сурбетларча, менсимай муносабатда бўла бошлади. Бу «ҳукумат»нинг раиси Ж. Султонмуродов алам билан эслаганидек, «...бутун Муваққат ҳукумат штаб ва ҳар бир қизил аскарнинг майдада хизматкорига айланиб қолган эди. Ҳамма вақт уларни кўрқитишар, ҳамиша улар арава то-пищ, беда келтириш, қизил аскарларни жойлашти-риш билан банд эдилар. Ҳивада шак-шубҳасиз ҳақиқий ҳокимият рус ваколатхонасига қарашли эди»².

Бухородаги «сентябрь инқилоби» ҳам яққол ифодаланган босқинчилик хусусиятига эга эди. Гўё Бухоро амирлиги «Ўрта Осиёдаги советларга қарши барча кучлар уясига, совет Россияга бостириб кириш майдонига айланиб қолди»³ деган баҳоналарга асосланниб, Москва ва Тошкентнинг большевиклар раҳбарияти 1918—1919 йиллар мобайнида ҳарбий ва дипломатик йўл билан амирликда совет ҳокимиятини жорий этишга бир неча бор уриниб кўрди. Ниҳоят, 1920 йил 1 августда Туркфронт кўмандони ва Турккомиссия аъзоси М. В. Фрунзе Ленинга телеграмма юбориб, Бухоро амирлигидаги инқилобий жараённи авж олдиришнинг икки йўли борлигини кўрсатиб ўтади. Биринчиси — «инқилоб»нинг ички манбаларига асосланган секин йўл, иккинчиси — ташқаридан қизил армиянинг мунтазам қисмларини кенг жалб қилиш асосида фаол «ёрдам кўрсатиш»ни назарда тутувчи жадал йўл эди. Ленин иккинчи йўлни маъкул кўрди⁴.

Большевиклар раҳбариятининг инқилобни Бухорога экспорт қилишга розилиги олингач, Туркистон коммунистлари жадал ташкилий ишларни авж олдириб юборди. «Куролли қўзғолон»га тайёргарлик кўришга бевосита раҳбарлик қилиш учун ҳарбий-инқилобий бюро таш-

¹ Уша жойда, 15—17-варақнинг орқаси.

² Уша жойда, 15—17-варақнинг орқаси

³ Уша жойда, 17-фонд, 1-рўйхат, 128-иш, 14—15-варақлар.

⁴ Фрунзе М. В. На фронтах гражданской войны. — М., 1941. С. 328.

кил этилди, унга РКП(б) МК Турккомиссияси ва Туркбюроси вакиллари, яъни М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Н. Ҳусаинов, Ф. Ҳўжаев ва бошқалар киритилди¹.

10 августда Турккомиссия, БКП ва «ёш бухоролик инқилобчилар» МБнинг уюшма мажлисида олдиндан муваққат «инқилобий-демократик» ҳукумат ташкил этилди. Шу ерда бир масалага тўхталиш ўринилидир. Бухорода бу вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт жуда инқирозли ахволда эди. Миллий тараққийпарварлар, жадидлар 1910 йилдан бошлабоқ буни англаган равишда маърифат соҳасида ислоҳий натижаларга эришганлар. Кейинчалик Бухоро амири ва зодагонларнинг қаршилиги ва тазиикига қарамасдан 1916 йилдан сиёсий ҳаракатга уринганлар. Аммо большевиклардан ёрдам сўраш, улар ёрдамида ҳокимият тепасига келиш йўли Бухоро жадидларининг катта хатоси бўлиб, у уларнинг ўзларининг емирилишига олиб келди. Кейинчалик Ф. Ҳўжаев ҳам ўз хатосига икрор бўлган. Ёш бухороликлар қизил армия ёрдамида амирни таҳтдан ағдариб, кейинчалик ўз йўли билан миллий давлат Қуромиз деб ўйлаганлар. Аммо бу ожиз сиёсий хаёл эди ва большевикларга ишониш уларни қатағон гирдобига олиб кириб кетди.

«Инқилоб» 1920 йил 28 августда бошланди ва янги Чоржўйни эгаллади. Ташкил этилган шаҳар инқилобий кўмитасининг бошлиғи коммунист Бешим Сардоров «қўзғолон кўтарган халқ» номидан Россия қизил армиясига ёрдам сўраб мурожаат қилди². Мурожаатни олган Туркфронт кўмондони М. Фрунзе дарҳол барча бўлинмаларга «Инқилобий Бухорога ёрдам кўрсатишига, ва «амирлик тузумининг зулми»га қарши жангта киришга буйруқ берди.

Кучлар нисбати тенг эмасди. Шундай бўлса ҳам амирлик қўшинлари зўр бериб қаршилик кўрсатдилар. Фақат 1920 йил 1 сентябрь кунига келиб, Бурдалик, Қарши, Китоб, Шаҳрисабз, Хатирчи, Кармана ва бошқа бир қатор таянч шаҳарларни «озод қилиш»га муваффақ бўлинди.

1920 йил 1 сентябрь тонгида Эски Бухорога ҳужум қилиш бошланди. Бу ҳужум қудратли тўплар ва аэропланлардан бомбардимон қилиш билан қўллаб турилди. Натижада юзлаб тинч аҳоли қурбон бўлди, кўплаб

¹ РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 10, л. 62.

² Уша жойда, 262—263-варажлар.

уйлар, масжидлар вайрон қилинди. Бухоронинг сўнгти амири Саид Олимхон ўз хотираларида ёзганидек, ёнғинлар Бухорни қамраб олди, шаҳарнинг ярми ўт ичиди ёниб кулга айланди, кўп халқ йўқ қилинди.

«Бахтсиз мусулмонлар, аёллар ва болалар ўзлари йўқотган кишиларига аза тутдилар. Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни тарқ этди»¹.

2 сентябрда Эски Бухоро таслим бўлди. Амир ўзининг содиқ отрядлари билан Шарқий Бухорога йўл олди. Тантана қилган М. В. Фрунзе совет большевистик раҳбариятига куйидагича телеграмма юборди. «Эски Бухоро қалъаси бутун қизил бухороликлар ва бизнинг қисмларимиз куч-ғайрати натижасида шиддатли ҳужум билан олинди»². Шуниси эътиборга лойиқки, «қўзголон кўтарган халқ» тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Бу тушунарли эди. Чунки Бухоро халқи учун «инқилоб» бутунлай кутилмаган нарса эди. Кенг омма уни Бухоронинг ажнабийлар томонидан босиб олиниши деб қабул қилди. Бинобарин, бу ҳақиқатга тўғри келарди. Қизил аскарлар наизалари билан бегона ҳокимият олиб кирилди, бу ҳокимиятга қарши бир неча йиллар мобайнида Туркистонда мустақиллик учун мард курашчилар жанг қилиб келдилар.

Совет ҳокимиятиning курол кучи, ажнабий келгиниларнинг зўравонлик билан кенг ёйилиши Хива ва Бухоро жамиятиning хилма-хил қатламлари орасида норозилик алангасини авж олдириди. Кўзғолончилар ҳаракатининг янги-янги ўчоқлари юзага келишининг реал хавфи пайдо бўлди. Бу эса Коммунистлар йўлбошчисини жиддий равишда ташвишга солди. Туркистонга коммунизмни ёйиш сиёсатидан олдин рўй берган мағлубиятлар тажрибасидан хulosha чиқарган Ленин янги тарихий шароитда Бухоро ва Хиванинг «қизил империяси»га киришини таъминлаш учун янада нозикроқ, пардаланган воситалардан фойдаланишга интилди.

Фақат асосий фарқ шундан иборат эдикни, бу ерда «янги ҳаёт»ни барпо этиш зоҳирлан мишлий ҳукуматлар томонидан амалга оширилди, Москва томонидан эса расмий даражада доимо ёш республикаларнинг «мустақиллиги» эътироф этиб келинди, «Туркистон андоғаси»га қарама-қарши ўлароқ, бу ерда дарҳол социа-

¹ Алимхон Сайд. История бедствий, испытанных бухарским народом // Звезда Востока, 1996., № 7. С. 48.

² Фузи М. В. Кўрсатилган асар. 330-бет.

листик ўзгаришларни жадаллик билан амалга ошириш тўғрисидаги масала ўртага қўйилмади, «эксплуатация қилувчи» қатламлар ва руҳонийларга бирмунча хайрихоҳлик билан қарашибамоён бўлди.

Хусусан, 1 Бутунхоразм (1920 йил апрель) ва Бутунбухоро (1920 йил октябрь) халқ қурултойларида Хоразм ва Бухоро Совет Халқ Республикалари тузилганлиги эълон қилингандан кейин ленинча ҳукумат дарҳол ХХСР ва БХСРни мустақил давлатлар сифатида расман эътироф этди. Миллий давлатчиликнинг мустақил хусусияти ёш республикаларнинг Конституцияларида мустаҳкамланди. Хоразм ва Бухоро ҳукуматлари га коммунистлар билан бир қаторда, ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар, руҳонийларнинг, тадбиркорлар қатламларининг вакиллари ҳам кирган эди. Буларнинг ҳаммаси миллий қатламларда цивилизацияли тарихий ривожланиш бўлиши мумкинлигига ишонч туғдириди.

Бироқ совет тузумининг мустабид империяча табиати ўз таъсирини дарҳол ўтқаза бошлади. Дастреб Марказ томонидан амалга оширилган ва сиртдан мароқли «инқилобий-демократик» йўл бўлиб туялган унинг миллий-давлат мустақиллиги шаклига эга бўлган йўлидан кейин «социалистик ҳокимиятнинг» маркеча лойиҳаларни жорий этишга, Бухоро ва Хоразмни барпо этилаётган коммунистик империяга бутунлай тортишга интилиши тобора яққолроқ қўзга ташлана бошлади.

Ҳужжатли манбаларнинг ишонарли тарзда гувоҳлик беришича, ленинча раҳбарият Бухоро ва Хоразм республикаларининг формацион қайта қурилишидаги дастребки одимлардан бошлаб, «социалистик давлатчилик»нинг заёмли андоzasини зўр бериб тикишира бошлади, бошқарувнинг барча ришталарини ўз назорати остига олишга, миллий ҳукуматларни қўғирчоқ органларга айлантиришга уринди.

Асосий куч сифатида анъанавий равища қизил армия намоён бўлди. 20-йилларнинг бошларида советлар таъсиридаги Ўрта Осиёда унинг 200 мингдан ортиқ аскарлари бор эди¹. Синааб кўрилган усул бўйича империяга таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси РКП(б) МҚ, Турккомиссияси, Туркбюроси, кейин эса Ўрта Осиё бюроси бўлди. Уларнинг вакиллари қизил аскарлар отрядлари ортидан боришарди, бу отрядлар «халқ

¹ Фрунзе М. В. Кўрсатилган асар. 329-бет.

инқилоби»ни «ғолибона» амалга оширган эдилар. Масалан, Октябрга маъкул келадиган йўлни таъминлаш учун «мустақил Бухоро»га 1920 йилнинг 8 сентябрида Турккомиссия аъзоси В. В. Куйбишев келди, у РСФСР хукуматининг Бухоро республикаси хузуридаги мухтор вакили, РКП(б) МҚнинг БКП МҚ хузуридаги вакили мақомига эга бўлиб, ўзига берилган ваколатга кўра, «РСФСР манбаатлари йўлида қандай ҳаракатларни зарур деб ҳисобласа, уларнинг ҳаммасини амалга ошириш» хуқуқига эга эди¹.

В. В. Куйбишев Бухорода Москванинг таъсирини мустаҳкамлаш йўлини «ишнинг кўзини билган» ҳолда амалга ошириди. Масалан, БКП МҚ, Инқилобий қўмита, Халқ Нозирлар Кенгаши (ХНК)нинг 1920 йил 14 сентябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида унинг таклифи билан «бекарор» раҳбарлар раҳбар органлар сафидан чиқарилди, Бутунбухоро Инқилобий қўмитаси таркибиға илгари ёш бухороликлар билан келишиб олинганига қарама-қарши ўлароқ, фақат коммунистлар киритилди. ХНК да ҳам коммунистлар қатлами сезиларли равишда кучайтирилди. Билдирилган норозиликка жавобан у қатъий қилиб, РКП(б) МҚ ва Коминтерн вакиллари сифатида ўзларига берилган ваколатлардан «бутун ишни умумий коммунистик ҳаракат руҳида ва унинг манбаатлари йўлида йўналтириш учун»², бошқача айтганда, «қизил армия» манбаатлари йўлида фойдаланиш ниятида эканлигини билдириди.

Коммунистик марказ мавқеини кучайтириш режалари «Туркистон сценарий»сига ўхшаш тарзда эди. Хоразмда ҳам, Бухорода ҳам маҳаллий партия ташкилотлари сафларини кенгайтириш, шўро тузумининг сиёсий тизимини вужудга келтириш юзасидан кенг суратда ишлар олиб борилди. Ҳокимият бошқарув идораларидан миллий манбаатларни ҳимоя қилишга интилган ёш хиваликлар ва ёш бухороликлар секин-аста суреб чиқарилди. Жумладан, «февраль инқилоби»дан кейин орадан кўп ўтмай Хивада ва «сентябр тўнтариши»дан кейин эса Бухорода миллий ташкилот ва партиялар тарқатиб юборилди. Уларнинг аъзолари олдида шундай муқобил йўл турарди: ё компартияга кириш, ёки сиёсий йўлдан бутунлай четлашиш, Кремль олий сиёсий раҳбариятининг ташабbusи билан миллий хукуматлар-

¹ РШХДНИ. Ф. 122, оп. 1. л. 20. л. 24—25.

² РШХДНИ. Ф. 122, оп. 1. л. 10. л. 333.

нинг таркиби бир неча бор ўзгартирилди: чунки раҳбар кадрлар корпусини Марказ белгилаб берарди.

Бундай сиёсатнинг ўтказилиши кудратли озодлик ҳаракатининг юксалишига сабаб бўлди. Туркистонда ҳам миллий норозилик билдириш шакллари хилма-хил бўлиб борди. Булар хусусан қуролли мухолифат шаклида анча яққол намоён бўлди. Туркистондан кейин Бухорда ва Хоразмда ҳам оммавий норозилик ҳаракати авж олди. Шу билан бирга, Ўрга Осиё республикаларида қуролли мухолифат билан бир қаторда юқори ҳокимият поғоналарида миллий давлат ва жамоат арбоблари ўргасидаги зиддият кенг тус олди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Бухоро ва Хоразмнинг кўпгина миллий раҳбарлари «советлар» раҳбариятининг империяча йўл туваётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар, орадан кўп ўтмай, совет тузуми доирасида ўзига хос миллий ривожланишга умид боғлаш ҳом хаёл эканлигини англаб етдилар. Масалан, амирга қарши собиқ мухолифат раҳбарларидан бири Қодир Абдувоситов ўша даврда миллий демократлар орасида ҳукм сурган кайфиятни ифодалаб: «Мен Бухоро инқилобидан кейин бизнинг foяларимизни шу қадар мазах қилишларини кутмаган эдим. Инқилоб бизнинг истакларимизни оқламади»¹, деб алам билан эътироф этишга мажбур бўлган эди.

БХСР ва XXСР нинг миллий масъул раҳбарларидан бир қисми норозилик белгиси остида ошкора равишда кўзғолончилар томонига ўта бошладилар. Улар орасида БХСР Советлари МИҚ Раиси Усмонхўжа Пўлатхўжев, Бухоро Республикаси Ҳарбий нозири Абдулҳамид Орипов, Хоразм МИҚ Раиси Ота Мақсадов, XXСР ташқи ишлар халқ нозири Мулла Ниёз ва бошқалар бор эди. Айни вақтда Ўрга Осиё республикаларининг кўпгина миллий раҳбарлари туб ўзгаришлар бўлишига умид боғлаган эдилар. Советларча ривожланиш доирасида ўз миллий тақдирини ўзи белгилаш имкониятининг пуч эканлигига ишониб, улар ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини изчиллик билан ҳимоя қила бошлаб большевик эмиссарлар ҳамда маҳаллий ашаддий коммунистларга дадил қарши чиқа бошладилар.

Замон масофасидан туриб назар ташлаганда, шу нарса яққол маълум бўладики, миллий раҳбарларнинг

¹ Звезда Востока, 1991, № 7, С. 58.

ватанипарварлик қарашлари турли хил ижтимоий гурухлар ва қатламларнинг истак-иродасига таянган ҳолда, большевистик марказнинг инқилобий-мафкуравий босқинчилик сиёсатига либерал-демократик мұқобилликни ташкил этарди. У миллий ғояга, синфий ёндошувнинг устуворлигидан воз кечишга асосланиб, миллий давлат тузилмаларининг реал мустақиллигига, әркинлик, демократия ва халқ фаровонлиги тамойилларининг қарор топишига қаратилган эди. Марказнинг йўл-йўриклирага ва маҳаллий большевик радикалларга қарама-қарши ўлароқ, Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларининг миллий раҳбарлари ўзгартирувчилик амалиётида миллий тафаккур тарзини авайлаш, халқнинг инсонпарварлик қадриятларига садоқатни сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг юксалиши ва ватан маданиятининг гуллаб-яшнаши устувор бўлиб қолиши керак, деб ҳисобладилар. Уларнинг қатъий фикрича, мінтақадаги барча зарур муаммолар маҳаллий аҳоли манфаатларини, жамиятдаги курашувчи томонлар ва етакчи қатламларнинг нуқтаи назарлар ва фикрларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этилиши лозим эди.

Маъсул миллий ходимлар ленинча ҳукуматнинг буюк давлатчилик шовинизми, бошқарувнинг Кремлда ишлаб чиқилган ҳаддан ташқари марказлашувини ўрнатишга, олдинги империяча муносабатлар тизими ни сақлаб қолишга интилиш сиёсатига айниқса кескин қарши чиқдилар. Чунки Туркистон республикасининг бошқарув тузилмаларида маҳаллий аҳоли вақиллари қатламишининг нисбатан кенгайғанлиги, БХСР ва ХХСР нинг ташқи мустақиллигига қўрамасдан, Россиянинг коммунистик раҳбарияти ҳамма нарсага ошкора ва яширин равища ўзи раҳбарлик қиласади. Жумладан, Туркистон ҳокимияти поғоналарида ҳам миллий мухолифатнинг каттагина гурухи вужудга келди. Унинг етакчилари Т. Рисқулов, Қ. С. Отабоев, Н. Ҳўжаев, И. Ҳидириалиев, А. Раҳимбоев, Ҳ. ИброХимов, С. Турсунхўжаев ва бошқаларнинг асосли фикрларича, марказ эмиссалари, аввало Турккомиссия ва РКП(б) МҚ Туркбюроси ўлкада мустақил ҳаёт кўришилари намоён бўлишига жилдий тўсқинлик қилаётган, марказий ҳокимият аслида аввалги мустамлакачилик сиёсатини ўтказаётган эди. Миллий мустақилликни сақлаб қолиш ва ваъда қилинган суверен ҳукуқларни рўёбга чиқариш учун улар Турк республикасини ва РКП(б) дан мустақил бўлган туркий халқ-

лар коммунистик партиясини ташкил қилишни таклиф этдилар.

Бироқ ТАССР миллий раҳбарларининг тутган йўли Турккомиссия ва Октябрнинг газабли акс-садосига дуч келди. Улар «миллий оғмачилик»да айбландилар. Ҳатто Х. Иброҳимовнинг Ленинга хат ёзиб, маҳаллий партия ташкилотларига маҳаллий ҳаётга тегишли бўлган муҳим масалаларни РКП(б) МҚнинг руҳсатини олиб ўтиргасдан, мустақил ҳал этиш, марказий ҳокимиётнинг декретларини «Туркистон халқларининг майший турмуш шароитларига татбиқан» амалга ошириш хукуқини бериш ҳақида қилган оддийгина илтимоси ҳам Кремль томонидан ниҳоятда серзардалик билан кутиб олиниди¹. Бу тушунарли эди. Чунки ҳақиқий бошқарув факат РКП(б) ва унинг вилоят партия ташкилотлари мақомига эга бўлган «шўъба» республика ташкилотлари орқали амалга ошириларди. Бундай тизим миллий республикаларга ташки «мустақиллик» бергани билан марказдан туриб империяча сиёsat ўтказиш имконини ўз қўлида сақлаб қоларди.

Бухоро ва Хоразм республикаларининг ҳокимиёт поғоналарида миллий муҳолифатни бартараф этиш юзасидан кескин сиёsat ўтказилди Масалан, 1921 йил марта-да РСФСРнинг Хоразм республикасидаги вакили М. В. Сафонов Полвонниёз Юсуповнинг большевикларга маъқул келмаган ҳукуматини ҳақиқатда тарқатиб юборган, бунга сабаб унинг миллий-давлат мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий қоидани реал мазмун билан тўлдирганилиги эди. Халқ Нозирлари Кенгаши раисининг муовини Д. Султонмуродов ва XXСР ҳукуматининг котиби М. Абдалов «адолатни тиклаш» мақсадида Тошкентга келишлари билан дарҳол «хисбга олиндилар»².

Бухоро республикасида Инқилобий қўмита раиси Абдулқодир Муҳитдинов бошчилигидаги «ўнглар» гурӯхи деган гурӯҳ ошкора равишда таъқиб остига олинди. Турккомиссия ва Туркбюро Фикрича, «ўнглар» Бухорони «капиталистик тараққиёт йўлидан» бошлашга интилган «буржуа миллатчилари» дан иборат эмишлар. Бу айноманинг мазмуни РКП(б) МҚнинг вакили А. А. Иоффе томонидан В. Ленинга 1921 йил ноябрда йўлланган маълумотномада баён қилинган. Унда ғазаб

¹ РЦХИДНИ. Ф. 122, оп. 1, д. 31, л. 1

² Ка ша н о в Б, С ейт г на з а р о в М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919—1920 гг.) — Нукус, 1997. С. 33.

билин маълум қилинишича, БХСР ҳукуматининг «ўнглар» гуруҳига кирган раҳбар арбоблари Бухоро республикасининг халқаро майдонга мустақил равища чиқиши учун курашаётган¹ эди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи — СССРнинг ташкил топганлиги совет империясини кучайтириш ва бир хиллашган социалистик давлатчиликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлди. Унга расман «тенг» ва «суверен» бўлган халқлар социалистик федерациясининг ленинча қоидаси асос қилиб олинган эди. Ленин Сталин тузиб чиқсан режани рад қиласди, бу режа РСФСР марказий давлат органларига расман бўйсунмайдиган барча совет республикалари нинг (Украина, Белоруссия, Грузия, Арманистон, Бухоро, Хоразм) суверенитетини бир кўл силташ билан синалган «хўжум ва тазиик» усуллари воситасида тугатишни ва уларни мухторият хуқуки асосида Советлар давлатига кўшиб олишни таклиф этган Кремлдаги раҳбар табаканинг энг кескин қисми кайфиятини ифодалар эди. Сиёсий ўйинда тажрибаси бор доҳий Сталиннинг «автономлаштириш» тўғрисидаги режаси тенглик ва суверенитет ҳақидаги бутун сафсатани амалда фош қилганлигини тушунар эди. Сталин таклиф этган федерация шакли марказининг реал ҳокимиятини партия МҚ қўлида сақлаб қолинган тақдирда «халқларни бирлаштириш» вазифасини ташки томондан анча маърифатли шакллар билан ҳал этиш имконини берарди. Анъанавий ленинча стратегик ҳисоб-китоб шундан иборат эдики, рус бўлмаган халқларнинг ажralиб чиқишидан иборат расмий хуқуқининг тан олиниши «ягона ва бўлинмас совет империяси»ни сақлаб қолишни осонлаштирас, рус шовинизмига қарши «уруш» эълон қилиш эса, унинг тарқалиб кетиш хавфининг олдини олиш имконини берарди.

1922 йил 30 декабрда СССР ташкил топганлиги тантанали равища эълон қилинди. Аслида Лениннинг «федерация» режаси ҳам, Сталиннинг «автономлаштириш» модели ҳам бирга қўшилгандай эди. Советлар Иттифоқи аввал бошдан мустақил ҳамдўстлик давлатлари ўрнига пайдо бўлган эди, миллий республикаларнинг раҳбарлари бунга умид қилган эдилар, у кудратли қўшма (унитар) давлат бўлиб, унда расмий фе-

¹ РЦХИДНИ, ф. 122, оп.1, д. 71, л. 70—75.

дерация субъектлари суверен хуқуқлар ва реал мустақилликдан маҳрум эдилар, империя таркибидан чиқиб кетолмасдилар.

Бошқа жиҳат ҳам характерли эди. Мамлакат ичидаги империяча асослар мустаҳкамланиши билан бир қаторда, Советлар Иттифоқи ўзи пайдо бўлган вақтдаёқ ўзининг жаҳонга хукмрон бўлиш ҳақидаги дъйволарини ошкора суратда билдириб, жаҳон ҳамжамиятига даҳшатли суратда ўзини қарши қўйган эди. Масалан, «қизил Иттифоқ» ёълон қилингандиги тўғрисидаги Декларацияда тўғридан-тўғри: СССР — бу «Жаҳон Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи»ни ташкил этиш борасидаги фақат биринчи қатъий қадамдир, деб ёълон қилинган эди. Республикалар сонини бутун дунё коммунистик империя таркибига кириб бўлмагунча кўпайтириб бориш мўлжалланган эди¹.

СССР ташкил этилгандан кейин Иттифоқ раҳбариятининг жаҳон социалистик инқилобини ва «чекка миллий ўлкалар»нинг халқларини мунтазам равищда коммунистик мустамлака қилиб олишни рағбатлантириш соҳасидаги стратегик мақсадлари ўзига хос равищда «Ўрта Осиёning миллий-худудий чегараланиши» ҳаракатида ўз ифодасини топди. Уни ўтказиш тўғрисидаги қарор фақат хукмрон табақчанинг сиёсий манбаатларидан келиб чиқсан ва маҳаллий халқларнинг сиёсий иродасини тўла-тўкис инкор қиласр эди. Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримов асосли равищда таъкидлаганидек, мазкур тадбир «Туркистон аталмиш ягона заминда яшаётган миллат ва элатларнинг сунъий равищда бўлиб ташлаш ва шу ҳолдан фойдаланиб ўз сиёсатини ўтказиш, уларга хукмонлик қилиш мақсадида ўтказилган эди»².

Ўрта Осиё халқларининг умумий уйи бўлган Туркистонда «миллий-худудий чегараланиши» ўтказилиши ғоясини Ленин Рискулов турудининг «Турк республикаси» ташкил этиш тўғрисидаги таклифига жавобан айтган эди. Бу ғоя маҳаллий халқнинг миллий озодликка интилишини барбод қилишга, мусулмон халқларининг ўзига хос тарзда бирлашувини акс эттирадиган ғояларини сиқиб чиқаришга, мусулмонлар бирлигини фақат синфий жиҳатдан эмас, балки миллий

¹ Караг' Суворов В. Ледокол. Кто начал вторую мировую войну? М., 1992. С. 21–22.

² Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996. 46-бет.

белги бўйича ҳам тарқатиб юборишга мўлжалланган эди ва бу ҳол марказга ўлкани империяча бошқариши осонлаштиради.

1923—1924 йилларда ТАССР ва сиртдан мустақил бўлган Бухоро ҳамда Хоразм негизида миллий республикалар ташкил этиш масаласи Ўрта Осиё минтақаси партия доираларида муҳокама қилина бошлаган эди. Кремль йўл-йўриқларининг фаол ижро чилари РКП(б) МҚнинг Ўрта Осиё бюроси ва ўша йиллардаги москвалик таникли партия фаолларидан бири Я. Рудзутак бўлди.

Иттифоқ раҳбарияти «юқоридан» берилаётган директив йўл-йўриқни маҳаллий партия-совет аппарати сўзсиз қўллаб-куватлашига ишонган эди. Лекин кутилмаганда акс-садо салбий бўлди. Масалан, 1924 йил 24 февралда бўлиб ўтган БКП МҚ пленумида кўпгина нотиқлар Кремль ташаббусига қарши чиқдилар, таклиф этилаётган чегараланиш ўз вақтида чор Rossiyaси томонидан амалга оширилган маъмурий бўлинишни тақрорлайди¹, деб тавъидладилар. Бу лойиҳа ТКП МҚ нинг мажлисида (1924 йил 10 март) С. Хўжанов ва бошқа сўзга чиққан миллий ходимлар томонидан кескин танқид қилинди. Шундай бўлса ҳам иттифоқ эмиссарлари ва Ўрта Осиё бюроси аъзоларининг тазиёки остида ҳар иккала мажлисда ҳам пировард натижада Кремль йўл-йўригини қўллаб-куватлайдиган резолюциялар қабул қилинди.

Ўша йил март ойининг ўрталарида ўтказилган Хоразм партия-совет фаоллари йиғилиши қатнашчилари ҳам худди шундай зўрлик ишлатиш натижасида миллий чегараланиш учун фикр билдирилар. Бироқ шундан кейин ХКП МҚ Хоразм республикасининг мустақил давлат тузумини сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бундан ташқари, 1924 йил май ойида ХКП МҚнинг котиби Одинаев, Ички ишлар нозири Абдусаломов, ХХСРнинг Тошкентдаги Бош консули Ёкубов ва республика давлат режа кўмитаси раиси Шумилов РКП(б) МҚ га максус мактуб йўллайдилар, унда Марказ лойиҳаси қатъиян қораланган эди. Шунга қарамай, 1924 йил июль ойида Марказнинг кучли мафкуравий тазиёки ва ошкора дўқ-пўписаси билан Хоразм компартияси МҚ ижро кўми «хато қарори»ни бекор қилди².

¹ Узбекистон ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 1229-иш, 18—19-варажлар.

² РЦХИДНИ. Ф. 122, оп. 1, д. 349, л. 28—31.

Мўлжалланган давлат-худудий бўлиниши тўгрисидаги ҳабар Ўрта Осиё жамиятининг турли қатламлари орасида кескин норозиликни вужудга келтириди. Миллий зиёлилар вакиллари, руҳонийлар, таникли жамомат арбоблари, деҳқонлар ва хунармандлар Бухоро ва Хоразмдаги ҳарбий умумий давлатчиликнинг белгиланган бузилишини, битта умумий ҳудудда минг йиллар мобайнида яшаб келаётган миллатлар ва элатларнинг сунъий равишда бўлинишини қатъий равишида қораладилар. Бироқ ҳалқ фикри назар-писанд қилинмади, миллий-худудий бўлиниши қаттиқ талаб қилинди. 1924 йил 12 июлда РКП(б) МҚ Сиёсий бюроси «Ўрта Осиё республикаларининг миллий-давлат чегараланиши тўгрисида» маҳсус қарор қабул қилди.

Кремль лойиҳасини амалга ошириш «хужум ва тазиқ ўтказиш» дан иборат синалган усууллар билан бажарилди. Миллий давлат чегараланиши ўтказилиши арафасида ҳеч қандай жiddий этнографик тадқиқотлар, илмий-тарихий ва социологик ишланмалар амалга оширилмади, қилинаётган ҳаракатнинг ўзига хос ғоят хилма-хил оқибатлари ҳисобга олинмади, жамоатчилик фикри ўрганилмади. Чунончи, Советларнинг V Бутунбухоро курутойида (1924 йил сентябрь) Бухоро МИҚ ҳисоботида очиқдан-очиқ «маълумотлар йўқлиги туфайли аҳолини миллатига қараб тақсимлашни аниқ кўрсатиб бўлмайди», деб таъкидланган эди. Туркистон республикаси раҳбарияти ҳам алам билан: «партиянинг фикрига эгамиз, лекин биз бўлажак чегараланиш омманинг онгига қай даражада сингиши ҳақида аниқ тасаввурга эга эмасмиз¹, деб қайд қилган эди.

Бундай ёндашув натижасида мисли кўрилмаган миллий-худудий бўлинишдан иборат мураккаб жараёнлар ўзбошимчалик билан жадаллаштирилди, бўлажак «давлат тузилмалари»нинг чегаралари «кўз билан чамалаб» аникланди. Буларнинг ҳаммаси авж олдирилаётган компаниянинг бошлангич босқичидаёқ миллий-этник ва зиятни жунбушга келтириди, у ёки бу ҳудуд учун яккаёлғиз бўлмаган миллатлараро можароларни, тўқнашувларни келтириб чиқарди. Маданий-тарихий бирликка доир қадимги анъаналар шиддат билан емириб ташла на бошлиди. Кремлдаги хукмрон сиёсий раҳбариятни миллатлараро тотувлик ҳаммадан кўра камроқ қизиқ-

¹ Ўша жойда, 62-фонд, 1-рўйхат, 98-иш, 131—132-варажлар.

² Ўша жойда, 16-вараж.

тиарди. РКП(б) «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган империяча қоидага амал қилиб, Ўрта Осиё халқлари ўртасида адватнинг чуқурлашуви ва тарқоқликдан манфаатдор эди.

Миллий-давлат чегараланиши якунлари бўйича Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, шунингдек, Тожикистон Мухтор республикаси, Қирғизистон ва Қорақалпоғистон мухтор вилоятлари ташкил топди, кейинчалик улар «социалистик республикалар» мақомига эга бўлди.

Мустабид тузум даврида янги «миллий республикалар» ташкил топганлиги факти тантанали равишда кўрсатиб ўтилди. Масалан, «ўзбек халқи тарихда биринчи марта ўз миллий давлатчилигига эга бўлди», деб таъкидланарди. Лекин ўзбек давлатчилиги ҳали қадим замонларда ёки вужудга келганлиги ҳақида лом-мим дейилмасди. Бироқ унинг «минг йиллик тарихи, — деган эди. И. А. Каримов, — Россия империясига зўрлик билан кўшилиб олиниши натижасида узилиб қолган эди¹. Совет воқелиги шароитида эса сунъий сохта миллий давлатчилик тиқиширилди. Ўзбек халқи ўзининг миллий тақдирини ўзи белгилаш хуқуқига эга, деб конституцияда ифодаланган тарғиботчилик баёнотларига зид ўлароқ реал ҳаётда ҳақиқий мустақил давлат ташкил этиш имкониятидан маҳрум этилган эди, марказга мустамлака тарзида тобе ҳолатда яшарди.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки қадамлардан бошлаб миллий-давлат курилиши қатъий совет унитаризми доирасида, синфий қарама-қаршилик мафкураси ва мустабид-империяча асосларни қарор топтириш негизида амалга оширилди. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан фақат сиёсий марказнинг ўзи қарорлар қабул қилишга қодир бўлган субъекти сифатида эмас, балки объекти сифатида қаралди. Республика хукумати мустақилликнинг заррача ҳам имкониятига эга эмасди. Ҳаддан ташқари марказлаштириш белгиси остида маҳаллий бошқарув идоралари ташкил этиларди. Улар амалда иттифоқ органларидан тўлаттўқис нусха олиб ишларди, умумиттифоқ давлат расмиятчилик машинасининг узвий элементлари бўлиб қолиши лозим эди. Иттифоқ компартиясининг таҳқир-

¹ К а р и м о в И. А. Ўзбекистон XXI аср бўяғасинда: ҳафғизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997, 151—152-бетлар.

ловчи зугуми жамиятнинг барча соҳаларини ёпишқоқ ўргимчак уяси каби ўраб олган эди.

Ўзбекистонни коммунистик мустамлакага айлантириш сиёсатини чуқурлаштиришнинг муҳим омили 20—30-йиллар чегарасида Иттифоқ ҳокимиятигининг юқори поғоналарида қатъийлашган сталинча гурӯҳ тутган йўлиниг мустаҳкам тус олганлиги бўлди, у «рўпарадан туриб ҳужум қилиш» ва «шиддатли ҳужум билан сиқувга олиш»дан иборат ҳарбий коммунизм усулларидан фойдаланишга мойил эди. Ленин вафотидан кейин давлат бошқарувини ўз қўлига олган И. В. Сталин дарҳол янги иқтисодий сиёsat амалиётни туфайли заифлашиб қолган мустабидчилик асосларини тиклаш йўlinи тутди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, совет тузуми доирасида рўй берган таркибий ўзгаришлар аввал бошданоқ фақат империянинг эмас, балки мустабид жамиятнинг ҳам таянч андозаларига асос солишни белгилаб берди. Октябрь тўнтаришидан кейин ленинча ҳукумат томонидан ўтказила бошлаган «коммунизмга сакраш» сиёсати марксча «формацион қайта куриш» лойиҳасининг мустабид-қатағончилик табиатини жуда яққол акс эттирди. Бироқ маъмуриятчи-мустабид тизимнинг ҳисоб бўйича биринчи модели бўлиб қолган «ҳарбий коммунизм» аслида большевистик тузумнинг ҳали заиф бўлган негизларига путур етказди. Ўзининг мутлақо марказлашганлиги, ҳалқ оммасининг манфаатлари ва ижодини, миллий эҳтиёжлари ва интилишларини инкор қилиши билан «ҳарбий коммунизм» ҳам бутун Россия, ҳам советлаштирилган Ўрта Осиё ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ўта кескин тангликни вужудга келтирди.

«Ҳарбий коммунизм»нинг боши берк кўчаларидан ўтиб, «миллий чекка ўлкалар» ҳалқларининг оммавий кўзғолонлари билан тинкаси куриган ленинча раҳбарият социалистик қурилиш тактикасини янгилаш мақсадга мувофиқдир, деган холосага келди ва уни амалга оширишга мажбур бўлди. Амалга оширилаётган янги йўл умумлашган ҳолда янги иқтисодий сиёsat (НЭП)-га бурилиш билан нахот топди. Янги андоза иқтисодий муаммоларни, миллий масалани ҳал қилишга бирмунча вазминроқ ёндашувни белгилаб берди. Янги иқтисодий сиёsat мол-мulkни қисман давлат тасаруфидан чиқаришни, бозорни тартибга солишнинг айrim меҳанизмларини тиклашни, тадбиркорлик имкониятини,

ижарани, диний идораларни тиклашни бозорни муво-
фиқлаштирувчи режалаштириш билан кўшиб олиб бо-
риши назарда тутарди. Миллий муносабатлар соҳаси-
да буюк давлатчилик шовинизми қораланди, ҳокими-
ят ва бошқарув органларини кенг «маҳаллийлашти-
риш» чора-тадбирлари кўрилди, дахрийлик хужуми чек-
лаб кўйилди.

Янги иқтисодий сиёсат иқтисодиётнинг жонлани-
шига ва жамиятнинг сиёсий барқарорлашувига ёрдам
берди. Бироқ «қизил аскарча ҳужум» сиёсатидан чеки-
ниш коммунистик қурилиш мақсадларидан воз кечиши
билдирамасди. Факат социалистик ғояни таъминлаш
воситаларигина янгиланди, холос.

Ленин бошчилигидаги большевиклар раҳбарияти
аввал бошданоқ янги иқтисодий сиёсатни вақтинча-
лик чора, айланиб ўтиш ҳаракати сифатида қабул қил-
ган эди. Россия доҳийсининг сўзлари билан айттанди,
«рўпарадан туриб қилинган ҳужум» мувакқият қозо-
нолмади, энди «эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиласиз».
Ўша йиллардаги ҳукумат ҳужжатларида янги иқтисодий
сиёсат иқтисодиётнинг таянч тармоқларини фақат
пролетар давлати кўлида сақлашни назарда тутади, деб
астойдил таъкидланиши бежиз эмасди.

Янги иқтисодий сиёсатнинг «социалистик чеклаш»-
дан иборат бошланғич тамойили мағкуранинг иқтисо-
диёт устидан устунлигини сақлаб қолишини шарт қилиб
кўйган эди. Натижада маъмурӣ-буйруқбозлик тизими
бирмунча заифлаша бошлаган бўлса ҳам, «социализм
күртаклари» авж олишда давом этаётган эди. Унитар
совет давлатининг империяча муносабатларни мустаҳ-
камлаш йўли ички томондан ўзгармай қолаётганди.

Холбуки, миллий ходимлар миллий масалага доир
сон-саноқсиз баёнотлар билан жонли воқелик ўргаси-
да яққол узилиш бўлаётганини кўриб, марказнинг мус-
тамлакапарастлик сиёсатини тобора фаоллик билан
фош қила бошладилар. Масалан, 1923 йилда Туркис-
тоннинг бир гуруҳ нуғузли миллий ходимлари мактуб
эълон қилдилар, унда «октябрдан кейинги ривожла-
ниш» натижаларига ниҳоятда танқидий баҳо берилган
эди¹. Бухоро ва Хоразмда ҳам норозилик кучайиб бо-
раётган эди.

Ўрта Осиёнинг нотекислик билан ўтказилган мил-

¹ Назаров С. А. Руководство ЦК РКП(б) партийным строительством в Средней Азии. Т., 1962. С. 346—347.

лий-худудий чегараланиши ва Марказнинг ташкил топган республикаларга тўхтовсиз буйруқбозликлар қилиши миллий ходимлар ўртасида мухолифатчилик кайфиятларининг кучайишига сезиларли туртки берди.

«Хусусий сектор» деган янги иқтисодий йўлнинг жорий этилиши муносабати билан объектив равишда заифлашиб қолган марказий бошқарувнинг жонланиши ҳокимиятнинг юқори погоналарида миллий мухолифатнинг ортиши билан қўшилиб, сталинча раҳбарликни янги иқтисодий сиёсатни таъқиб остига олиш ва бутун совет давлати бўйлаб «мурватларни қаттикроқ бураш»га ундан бошлади.

Сталинча «буюк бурилиш» сиёсати 20-йиллар охирларида айниқса яққол намоён бўла бошлади. Янги доҳий қисқа муддатда «янги иқтисодий сиёсат эркинлигини» тутатиб, жазолаш аппаратига таянган ҳолда, ҳамма соҳани қамраб олган террор ёрдамида мамлакатни мустабид тизимнинг тортувчи фиддираги изига ва шахсий ҳукмронлик зулми сари буриб юборди.

Сталиннинг оммавий қатағонларни авж олдириши ўн миллионлаб кишилар тақдирига даҳлдор бўлди. Тарихчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1924 йилдан 1953 йилга қадар (уруш йиллари бундан мустасно) собиқ Иттифоқдан 20 млн. дан ортиқ киши бу қатағонлар қурбони бўлди¹. Бундай зулм ва зўравонлик аҳолининг айrim табақаларига ҳам, шунингдек, бутун-бутун ҳалқларга ҳам ёпирилди. Фақат Ўзбекистоннинг ўзига «дushman билан ҳамкорлик қилган» деб ўйлаб топилган турли баҳоналар билан корейслар, Волгабўйи немислари, қорачойлар, чеченлар, ингушлар, балқарлар, крим татарлари, месхети турклари мажбуран кўчириб келтирилди.

Конли қатағонлар қуюни Ўзбекистонга ҳам ёпирилиб келди. Республикадаги сиёсий қирғинга биринчи навбатда қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари, миллий зиёлилар вакиллари, жамоат ва давлат арбоблари дучор қилинди, улар ўзгаришларнинг муқобил йўлларини тақлиф қилишган, диққат-эътиборни миллий тикланиш, ҳалқ ҳаётини яхшилаш муаммоларига жалб қилган эдилар. Масалан, 20-йилларнинг бошларида К. Отабоев, Т. Рискулов, А. Раҳимбоев, Н. Тўракулов, И. Хидиралиев, С. Ҳўжановлар миллиатчиликда айб-

¹ В о л к о г о н о в Д. Триумф и трагедия. Политический портрет Сталина. В 2-х кн; кн. 1, ч. 2. — М., 1989. С. 20—25.

ланди. Сўнгра «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимовчилик» номини олган ишлар тўқиб чиқарилди. 1929 йил охирларида таниқли маърифатпарвар Мунаввар қори бошчилигидаги «Миллий истиқдол» миллий ташкилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Бу ташкилотнинг қамоққа олинган 85 аъзосидан 15 нафари отиб ташланди, қолганлари «ахлоқ тузатиш» лагерларига юборилди. Ўлим жазосига ва узоқ муддатли турмага «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзолари Рамзий, Носир Саидов, Боту, Ҳосил Василов, Собир Қодиров ва бошқалар ҳукм қилинди.¹

Кейинчалик қонли қатағонлар янада кучлироқ авж олдирила бошлади. Дастлаб 20—30-йиллар чегарасида ҳалққа қарши қаратилган сиёсий қирғин асосан «син-фий душман унсурлар» — «непманлар», бойлар, «буржуза мутахассислари»га қарши кураш шиори остида амалга оширилди. Сўнгра улар аҳолининг тобора янги янги қатламларини қамраб ола бошлади. Чунончи, 20-йиллар охири — 30-йилларнинг бошларида диндорлар ва руҳонийларга қарши зўравонлик ишлатиш авжга чиқди. 30-йиллар ўрталаридан бошлаб республика ҳокимиёт поғоналарида қатағонлар кучайтирилди. Жумладан, Ф. Ҳўжаев, А. Икромов, С. Сегизбоев, А. Каримов ва бошқа кўплаб обрўли раҳбарлар «қўпорувчилик фалияти»да соҳта айблар билан айбланиб, отиб ташланди, улар «юқоридан» бўлаётган сталинча инқилоб гирдобида қолган ҳалқ манфаатларини озроқ бўлса ҳам ҳимоя қилишга интилган эдилар.

Ўша йилларда зўравонлик билан амалга оширилган колективлаштириш (жамоалаштириш) Ўзбекистон деҳқонлари тарихига фожиавий саҳифалар сифатида ёзилди. У бутун совет давлати ҳудудида бўлгани каби «шилдатли ҳужум ва сикувга олиш»дан иборат экстремистик усуслар билан амалга оширилди, қонунчиликнинг жуда кўпол равишда бузилиши, қатағонларнинг кучайтирилиши билан олиб борилди. Қишлоқ аҳлини куч ишлатиш йўли билан жамоа хўжаликларига киришга мажбур этдилар, қаршилик кўрсатгандар, ижтимоий мансублигидан қатъий назар «кулоқ» қилинди. Кўпинча қишлоқ ва овулларнинг аҳолисини сургун қилиш, ердан, сувдан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этилишдан маҳрум қилиш билан кўркитиб, жамоа хўжаликларига «ёзишарди». Фақат хўжалик

¹ Рахабова Р. Е. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи (1917—1993 й.). Т. Ўқитувчи, 1994. 134-бет.

иморатлари эмас, балки барча чорва моллари, паррандалар ҳам умумийлаштирилди¹.

«Кулоқ қилиш» оммавий қонунсизликка айлантириб юборилди, у маълум даражада ўзига тўқ бўлган хўжаликларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, «кулоқбой» оиласарини аввалги яшаш жойларидан ташқарига сургун қилишни назарда тутарди. «Кулоқлар»га қарши кураш никоби остида ўжар қишлоқ аҳли сайлов хукуқларидан маҳрум этилар, энг тадбиркор, ишибилармон деҳқонларга уруш зълон қилинарди. Динга ишонганлик, маъмуриятнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик билдирганлик учун «кулоқ қилиш», шахсий ўч олишдан иборат кўпдан-кўп фактлар содир бўлди.

Таъқиб қилинганлар қисман республиканинг аҳоли камроқ яшайдиган миңтақаларига юбориларди, у ерларда, 17 та маҳсус кўрғон курилган эди². Ўзбекистондан ташқарига — Шимолий Кавказга, Украинага, Сибирга юбориларди. 1933 йилга келиб республикадан ташқарига мажбуран кўчирилган «кулоқлар» оиласари сони 5,5 мингдан ошиб кетган эди³.

«Мажбуран кўчирилганлар» ва «маҳсус кўчирилганлар»нинг аҳволи ниҳоятда оғир эди. Уларга «ҳомийлик»ни Давлат сиёсий бошқармаси бўлими (ОГПУ) амалга оширади, «кўрғонлар» концлагерлардан камроқ фарқ қиларди. Етарли озиқ-овқат ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг йўқлиги туфайли, иқтим шароитининг одатдан ташқари эканлиги, назоратчиларнинг муентазам равишда таҳқирлашлари орқасида кўп кишилар меҳнатга лаёқатини йўқотар, кўп сонли касалликлардан ўлиб кетарди. Колганилар ҳамиша ҳаёт билан ўлим ёқасида турарди.

Бироқ «баҳтиёр колхозчилар»нинг аҳволи ҳам уларникидан кўп фарқ қилмасди. Жамоалаштириш аслида қишлоқ аҳолисини асоратга маҳкум этганди. Қишлоқ аҳли арзимаган меҳнат кунлари (трудоденъ) учун кечакундуз тинмасди, машаққатли меҳнат қилиш уларни қаддини буқканди. Давлат қишлоқ меҳнаткашларини шафқатсиз эксплуатация қилиш ҳисобига биринчи навбатда СССРни саноатлаштиришни маблағ билан таъминлаш, унинг ҳарбий қурдатини ошириш муаммоларини ҳал этарди.

¹ Ўзбекистон ПДА. 58-фона. I-рўйхат, 4400-дело, 286-варақ.

² Ўша жода, 16—18-варақлар.

³ А м и н о в а Р. Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. Т., 1995. С. 49.

Давлат плантацияларидаги оғир меҳнат кишиларнинг оиласи, ҳаёти ва тақдирига доимий хавф-хатар солувчи ҳодисалар билан ёнма-ён кечар эди. Чунки жамоа хўжаликлари ташкил этилгандан кейин 1930 йилдан бошлаб қишлоқ «синфий душманлар»дан «тозалаш» кампанияси шиддат билан авж олиб кетган эди. Фақат 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистонда «жамоа хўжаликларига қарши кайфиятда бўлганлик» ва «кулоқлар, бойлар, савдо-гарлар, руҳонийлар» оиласарига мансублик учун 60 мингдан ортиқ деҳқон жазога дучор қилинди¹.

Жамоа хўжаликларига ҳайдаб киритилган қишлоқ аҳолиси барча асосий фуқаролик ҳукуқларидан, аввали эркин кўчиш ҳукуқидан, касб фаолиятини танлаш ҳукуқидан маҳрум этилган эди. Уларнинг паспортлари олиб кўйилган, жамоа хўжаликларидан эркин чиқиб кетиш таъқиқланган эди. Ўз-ўзича чиқиб кетишга уринишлар эса 5 йилдан 10 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинарди.

Қишлоқ хўжалигига оғир зарба берилди. Хусусан, чорвачиликка ниҳоятда катта зиён етказилди, фалла, озиқ-овқат етиштириш кескин қисқарди. СССРда, шу жумладан Ўзбекистонда навбатдаги сунъий равища келтириб чиқарилган очарчилик авж олди. Унинг курбонлари ўн миллионлаб кишилар эди. Республикаизда очарчиликка учраганлар сони юз мингларча кишилардан иборат эди. Ёзувчи Шукрулло ўзининг «Кафансиз кўмилганлар» номли ҳужжатли қиссасида эслаганидек, ўша йиллари Тошкент кўчаларида «хатто қаҳратон қиши кунларида ҳам ақл бовар қилмайдиган увадаларга ўралган, худди ғўла сингари шишиб кетган ёки қоқ қуруқ скелет каби озғин, битлаб кетган кир-чир эркаклар, болали аёллар ўтиришарди». Буларнинг ҳаммаси очарчилик рўй берган туманлардан келган қочоқлар эди. «Эрталаблари, — деб ёзади Шукрулло, — мен кўпинча кечаси музлаб қолган кишиларнинг жасадини араваларга худди нимталар сингари отишларини кўрардим. Ўша вақтларда кечаси билан ҳаётдан кўз юмган одамларнинг жасадини шаҳар бўйлаб айланиб юриб олиб кетадиган маҳсус аравалар бўларди»².

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар сталинча раҳбарият бонг уриб, очарчилик бўлган туманларга моддий

¹ А м и н о в а Р. Х. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. Т., 1995. – С. 49.

² Ш у к р у л л о . Кафансиз кўмилганлар. Т., 1995. 68—69-бетлар.

ёрдам кўрсатганда эди, оммавий очарчилик оқибатлари шу қадар фожиали бўлмасди. Бироқ сталинча маъмурият оммавий очарчилик фактлари ҳақида мутлақо оғиз очмади. Бунинг устига у хорижий мамлакатлар таклиф қилган озиқ-овқат ёрдамини рад қилди. Аксинча, расмий тарғибот ҳамма жойда «яшаш яхшироқ бўлғанлигини, яшаш завқлироқ бўлғанлигини» тасдиқларди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида очлик бирмунча тинчиди. Лекин озиқ-овқат масаласидаги кескинлик совет тарихининг бутун даври мобайнида сақланиб қолди. Чунки сталинча жамоалаштириш жараёнида ташкил топган колхоз-совхоз тузуми совет жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган деҳқончиликка пурт етказди, қишлоқларнинг, шу жумладан, ўзбек қишлоқларининг табиий ривожланиш жараёнларига тўсқинлик қилди.

Вақт масофасидан туриб назар ташлаганда шу нарса яқдол кўзга ташланадики. Стalin томонидан амалга оширилган «аграр инқилоб» мустабид империяча тузумнинг табиати ва эҳтиёжларига анча тўлиқ мос келарди. У Lenin томонидан октябрдан кейинги дастлабки йилларда бошланган иқтисодиётни ялпи давлат тасарруфига олиш жараёнларини тугаллади, фақат саноатни эмас, балки аграр ишлаб чиқаришни ҳам қамраб олди. 30-йилларда ташкил этилган монополия тарзидаги «социалистик аграр тузум» совет давлати ихтиёрига амалда текин ишчи кучи етказиб берди, ундан ўзбошимчалик билан хоҳлаганча фойдаланиш мумкин эди. Қишлоқларнинг фоят бой ресурслари ҳам маъмурларнинг чексиз згалик қилиши учун бериб қўйилди, улардан то «советлар мамлакати» тарқалиб кетгунга қадар шафқатсиз равишда фойдаланиб келинди. Қишлоқни тубдан ижтимоий қайта Куришни шарт қилиб қўйган жамоалаштириш сиёсий раҳбариятга «майда мулкдор» бўлган «деконлар психологияси»ни чукур қайта ўзгартириш соҳасидаги коммунистик дастурнинг стратегик вазифасини ҳал этиш имконини ҳам берди.

Бироқ, жамоалаштириш деҳқонлар ҳаётининг асрий негизларига пурт етказди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик юритиш соҳасида қўлга киритган кўп асрлик тажрибаларини барбод қилди, иқтисодий манфаатларига зарар етказди. Давлатнинг қишлоқдаги хўжалик алоқалари тизимиға ҳар томонлама аралашуви, табиатан заарарли бўлган социалистик муносабатларнинг мустаҳкамланиши таъсири билан

қишлоқ хўжалиги мустақил ривожланишнинг ички юргизиб турувчи асосий кучидан маҳрум бўлди, қишлоқ меҳнаткашларининг онгига эса жиддий равишда салбий таъсир кўрсатилди. Дехқонлар борган сари ерга ва ишлаб чиқаришга эгалик қилиш туйгусини, азалий меҳнатсеварлик сифатларини йўқота бошладилар. Улар орасида меҳнатдан бўйин товлаш, касб маҳоратига қизиқмаслик авж ола бошлади. Бу салбий ҳолатларнинг асоратли таъсири ҳали-ҳануз тутуб ултургани йўқ.

Саноат ишлаб чиқариши соҳасида ҳам зиддиятли вазият қарор топди. 20—30-йилларда амалга оширилган жадал саноатлаштириш гарчи бутун Иттифоқ бўйича қудратли ишлаб чиқариш — саноат салоҳиятини яратган бўлса ҳам, лекин айни вақтда ҳалқ истеъмоли ва турмуш даражасини оширишга хизмат қиласидаган тармоқларнинг заифлашувига олиб келди. Жамоалаштириш ва саноатлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий қиймати шу қадар қимматга тушдики, жумладан анъ-анавий ишлаб чиқариш тузилмаларининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Худди шу даврда ишлаб чиқариш йўлида серчиқим иқтисодий механизм вужудга келди. У билан боғлиқ равища эса оммавий тус олган мажбурий, турма-лагерь меҳнати тизими ҳам пайдо бўлди. Фақат маҳбуслар қўли билан бунёд этилган Оқ дентиз канали ва «коммунизмнинг бошқа буюк қурилишлари» қад ростлади.

Ўзбекистонда марказнинг империяча — истеъмолчилик сиёсатининг таъсирида аҳвол янада жиддийлашди. Масалан, «социалистик саноатлаштириш» ўзбек ҳалқининг амалдаги «тенгизлигини ҳақиқатда тугатиш»ни таъминлаши лозим, деган дабдабали иборага қарамасдан, реал ҳаётда бу «истак» шиорлик дарасида қолаверди. Тўғри, саноат қудратининг ўсиши кўзга ташланди. Мисол учун, агар 1927 йилда республикада 191 та саноат корхонаси ишлаб турган бўлса, уруш бошланган вақтга келиб улар 1145 тага етди. Саноатнинг ҳалқ хўжалигидаги салмоғи 1928 йилдаги 43%дан 1940 йилда 70%га кўтарилиди¹. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ, И. А. Каримов тўғри айтиб ўтганидек, жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, империялар сарфлайдиган «...мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узоқ

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 448-иш, 44—45-варажлар.

муддатли манфаатларига бўйсундирилган эди. Шу жиҳатдан олганда, қарам ҳалқларнинг манфаатлари ҳамма вақт иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган¹. Бу тўла маънода Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир. Унинг иқтисодий ривожланиши қатъий тартибга солинган бўлиб, марказ танлаган йўлдан борар, империяча манфаатлар доирасидан четта чиқмас ва, биринчи навбатда, арzon хом ашё ва энергиядан кафолатли фойдаланишни таъминлашга қаратилган эди.

Бугунги кунда шу нарса маълумки, Ўзбекистон соғиқ ССР Иттифоқининг саноатлаштирилиши ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшса-да, подшо даврида бўлгани каби хом ашё етказиб берадиган республика бўлиб қолаверди, миллий иқтисодиётда қазиб чиқарувчи ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш ҳажмлари катта бўлгани ҳолда, қайта ишловчи ва машинасозлик тармоқлари улуси озроқ, умумиттифоқ даражасидан бир неча марта пастроқ бўлиб қолаверди.

Миллий-маънавий соҳадаги «социалистик ўзгаришлар» ҳам яққол ифодаланган мустамлакачилик — империяча йўналиши билан ажralиб турарди. 20-йилларнинг охирларидан зътиборан «маҳаллийлаштириш»ни қисқартириш, миллий туманларни тутатиш, миллий ўзини ўзи англашга барҳам бериш ва якка мафкурани қарор топтириш йўли билан ўтказила бошлади. Шу билан бирга, сталинча раҳбарият чоризм томонидан татбиқ этилган маънавий асоратга солиш амалиётини жиддий равишда бойитди.

Маълумки, Туркистондаги чор мустамлакачилик маъмурияти руслаштириш сиёсати билан узвий бирлиқда православ динини жорий этишга ҳам муттасил интилган эди. Шунга қарамасдан, у объектив шароитни ҳисобга олган ҳолда, ҳалқ ғалаёнидан қўрқиб ислом динини таъқиқлашга, мусулмон маданий-диний муассасадарини, анъанавий урф-одатлар ва диний зътиқодни тўла тутатишга уринмаган эди. Сталинча раҳбарият эса Ленин ишини давом эттириб, куч-ғайратини худди ана шу стратегик вазифани ҳал этишга қаратди.

Аввало даҳрийлик экстремизмининг коммунистик назариясидан келиб чиқиб, диний дунёқарашга қар-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафғизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 55—56-бетлар.

ши, айниқса, Ўрта Осиё халқларининг минг йилликдан ортиқ тарихга эга бўлган дини — исломга қарши кенг миқёсда ҳужум бошланди. Бундай миқёсдаги кувғинни масжид ҳам, черков ҳам, диндорлар ҳам асло бошларидан кечирмаган эдилар. Ўзбекистон руҳонийларининг аксарият қисми концлагерларга юборилди. Жуда кўп миқдордаги ислом динига оид китоблар йўқ қилинди, масжид ва мадрасалар бузиб ташланди, муқаллас ёдгорликлар мусодара қилинди. Ҳатто диний мазмунда бўлмаса ҳам, лекин араб ёзувидаги битилган китобларни сақлаганлик учун одамлар 10 йилдан 15 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинар эди.

Миллат гулларини ташкил этувчи миллый зиёлилар қаттиқ таъқиб остига олинди. 30-йилларда уларнинг сафидан энг истеъоддли адабиёт ва санъат арбоблари — Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Шоқир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Аъзам Аюб, Усмон Носир, Қосим Сорокин, Муҳаммад Ҳасан, Абдусалом Ниёзий, Отажон Ҳошимов ва бошқалар юлиб олиниб, халқ душманлари деб эълон қилинди.

Миллый тарих мактаби чинакамига тор-мор этилди, истеъоддли ўзбек тарихчиси профессор Пўлат Солиев ҳамда унинг кўпгина шогирлари қамоққа олинди ва отиб ташланди. Шу билан бирга, қатағон қилинган ёзувчилар, шонрлар, олимларнинг асарларидан фойдаланиш узоқ йиллар мобайнида таъқиқлаб қўйилди.

Хуқуқий адолатсизлик ғилдираги шундан кейинги даврларда ҳам тўхтовсиз айланиб турди. Ҳокимият органлари миллый ўзига хослик кўринишларини, ижодий ходимларнинг ўзбек халқининг буюк маданий месроси ҳақидаги ҳақиқатни қисман бўлса ҳам очишга, ўтмиш ва ҳозирги куннинг мустабид тузуми томонидан узилган маданий алоқаларини боғлашга уринишларини куртаклик вақтидаёқ бўғиб ташлашга интилишади. Шу тариқа, 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида маънавий соҳадаги навбатдаги қатағонларнинг курдатли тўлқини ҳаракатга келди.

1949 йилда Москвадан фан ва маданият ходимларининг катта гуруҳи ва улар билан биргаликда ВКП(б) МКнинг вакиллари келди. Улар Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир олимни ва маданият арбоби ижодини синичиклаб текшириб чиқишиди. Фаоллар йигилиши ўтказилиб, унда гуруҳ раҳбарлари партиянинг «миллый сиёсатини сохталашибтираётганлар»ни, «архаизмларни оммалаштираётганлар»ни, «сарой шеърияти ва муси-

қаси»ни тарғиб қилаётганларни, «ўзбек маданиятини яккараб, уни Иттифоқдан ажратиб қўйишга уринаётганлар»ни қаттиқ танқид қилдилар. Текшириш якунлари бўйича «ғайрисовет фаолияти» учун Шукрулло, М. Шайхзода, М. Осим, С. Аҳмад, М. Исмоилий, Шуҳрат, X. Сулаймонов ва республиканинг бошқа бир қатор ёзувчилари, олимлари 25 йил муддатга ҳукм қилинди, уларнинг «айби» фақат ҳалқнинг азалий миллий маънавий қадриятларини ҳимоя қилишга интилганликларида эди¹.

Умуман, расмий маълумотларга қараганда, фақат 1937—1953 йиллардагина республикада 100000 киши қатағон қилинди, улардан 13000 киши отишга ҳукм этилди².

Сталинча маъмурият қонли жазолаш хатти-ҳаракатларидан фойдаланиб, барча маданият муассасалари ва ижодий ташкилотлар устидан кенг тармоқли қаттиқ мафкуравий назорат ўрнатишга, партиянинг маънавий жараёнларга аралашувини мустаҳкамлашга муваффак бўлди. Бунинг натижасида маданият сиёсат воситасига айлантирилди. Жамиятнинг маънавий маданиятдаги ўрни худбинона иқтисодий ва мустамлакачилик мақсадларига мувофиқ равнеша қатъий тартибга солинди.

Ўша йиллардаги совет маданий сиёсатининг умумий йўналиши маънавий ҳаётнинг миллий асосларига путур етказишдан иборат бўлди. Маънавий соҳада синфий софликни қарор топтириш ниқоби остида миллий маданият мазмуни жадаллик билан бемаънилаштириб борилди, ҳалқни унинг бой маънавий меросидан ажратиб қўйиш жараёни кенг миқёсда авж олдирилди. «Инқилоб»дан олдин яратилган барча нарсаларни синфий жиҳатдан шубҳали деб ҳисоблаш йўли расман қарор топтирилди. Ҳатто ҳалқ достонларига қарши шафқатсиз кураш бошланди. Масалан, 40—50-йиллар ўзбек ҳалқ достони «Алпомиш» реакцион асар сифатида «фош» қилинди.

Тарих қайтадан кўриб чиқилди. Ҳалқларнинг «олтин асри» улар Россияга кўшилгандан кейингина бошланди, деган фикр расман қарор топди. Тарихий арбоблар мустамлакага қарши курашганлари, озодлик ҳаракатида иштирок этганлари, учун вафот этганларидан кейин ҳам қораландилар.

¹ Мухитдинов Н. Годы, проведенные в Кремле. Т., 1994. С. 48.

² Правда Востока, 13 мая 2000 года.

Ўша даврда «ягона совет маданияти», «шаклан миллий, мазмунан социалистик, руҳан байналминал маданият» концепцияси вужудга келди ва кейинги совет ўн йилликлари даврида ҳукмрон концепцияга айлантирилди. У миллий маданиятларни империяча тарзда тенглаштиришга, уларнинг этник ўзига хослигини йўқотишга қаратилганди.

Мазкур концепцияни амалда рўёбга чиқариш мақсадида хилма-хил воситалардан кенг фойдаланилди. Хусусан, 30-йилларнинг бошларидан ўкув юртларининг барча ўкув режалари ва дастурларига маҳаллий материаллар киритилмади, асосий ўрганиладиган фанлар қаторидан Ватан тарихи, география ва жонажон ўлка табиатини ўрганиш чиқариб ташланди, ўзбек халқининг буюк ўтмиши бузилган тарзда талқин этилди. Буларнинг ҳаммаси тарихий хотирага тоят салбий таъсир кўрсатди, тарихий замонлар ва даврлар ўртасидаги боғлиқлик йўқолишига олиб келди. Еш авлодлар ўз миллатининг чинакам тарихидан тобора узоқлаштирилди.

Миллий ўз-ўзини англашни майший турмуш, оила, ҳаёт тарзи соҳаларида халқ диний анъаналари ва урфодатлари сингари етакчи қадриятларга қарши кескин кураш авж олдирилди. Буларнинг ўрнига сунъий равишда ўйлаб топилган совет-байналмилал маросимлари сингдирйилди, «инқилобий» рамзлар, халққа ёт «социалистик» таомиллар фаол жорий этиб борилди.

Миллий ўз-ўзини англашни барбод қилиш ва ўз қариндош-уругларининг кимлигини билмайдиган ман-күртларни тарбиялашнинг империяча тизими мухим воситаси сифатида тил сиёсати майдонга чиқди. Рус тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши ўзбек тилининг камситилишига олиб келди. Ҳақиқатда у иккинчи даражага тушиб қолди. Натижада ўзбек тили, бутун миллий маданият сингари, совет мухитига кўшилиб, ўзининг миллий оҳори ва ўзига хослигини йўқотиш хавфи остида қолди. Натижада республикада 50-йилларнинг охирига келиб, 12 мингдан ортиқ табиий обьектлар ва манзилларнинг азалий халқ жуғрофий номлари ўзбек тилининг фаол луғат таркибидан чиқиб кетди¹.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, у ёки бу халқининг бошқалардан ажралган ҳолда яшashi унинг ривожла-

¹ Правовое государство — независимость, нация, экономика, идеология, политика. В. 4-х кн. Т. 2.—Т., 1994. С. 41.

нишини секинлаштиради. Бошқа миллатлар билан алоқада бўлиш миллий ҳаётга замонавий янгиликлар олиб киради, унинг тараққий этишини тезлаштиради. Бироқ ҳар қандай ривожланиш каби мазкур жараён ўзининг микдорий мезонларига эга бўлади, уларнинг бузилиши эса миллатларнинг жипслашуви ва юксалиши жараёнига тўсқинлик қиласди. Совет қурама давлати тажрибасида ҳам худди шундай ҳол юз берди. Табиий тарихий миграция ҳисобига эмас, балки сунъий миграция ҳисобига кўп миллатлиликнинг ортиши секинаста ва муқаррар равишда миллий республикалар туб жой аҳолисининг миллий негизларига ҳақиқатда птур этишига олиб келди, уларнинг миллий маданияти ва тили заминини ўпириб кетди.

Бу ҳол Ўзбекистонда яққол кўзга ташланди. Ҳамонки, 1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилган экан, унда ўзбек халқининг жипслашуви ва микдор жиҳатидан кўпайиши юз бериши керак эди. Амалда эса марказ соҳта миллий давлат тузилмасидан республиканинг кўп миллатлиигини ошириш учун фойдаланди. Масалан, Ўзбекистоннинг ҳозирги чегаралари доирасида 1897 йилда 70 миллат вакиллари, 1926 йилда — 91 миллат, 1959 йилда — 113 миллат, 1989 йилда эса 130 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётганлиги қайд этилган¹.

Бизнинг республикамизга кўчириб келишнинг катта тўлқини 20—30-йилларда «кулоқларни сургун қилиш» деб аталди ва оммавий колективлаштириш билан боғлиқ бўлди. У иккита асосий манбадан ташкил топди — Ўзбекистондан «кулоқ-бойларга мансублик» белгилари асосида маҳаллий аҳоли вакиллари иттифоқнинг бошқа минтақаларига сургун қилинди ва худди шундай мезонлар бўйича бошқа минтақалардан қувгин этилганлар бизнинг ўлкамизга кўчириб келтирилди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан, юқорида қайд этилганидек, бутун-бутун халқларни мажбуран кўчириш бошланди. Бу балога дастлаб Волга бўйидаги немислар, кейин Украинадаги поляклар, Узок Шарқ ўлкасидаги корейслар дучор бўлди. Чунончи, 1937 йил октябрь-ноябрь ойларида Ўзбекистонга корейслардан

¹ Всесоюзная перепись населения 1926 г. — Т. XV — М., 1928. С. 8—10; Всесоюзная перепись населения 1939 г. ЦГАРФ, ф. 1, оп. 3, д. 620, л. 73—81; Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. М.—, 1962. С. 136—143; Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 года. Национальный состав населения Узбекской ССР. Т., 1990. С. 51—68.

74500 киши келди¹. Кейинроқ Шимолий Кавказ, Грузия ва Крим халқлари бадарга қилина бошлади, уларга «гитлерчи босқинчиларга шериклик қилган» деган айб тиркалди. Масалан, 1944 йилда Давлат Мудофаа Кўмитаси қарорига кўра республикамизнинг ўзига Кримдан 151424 крим татарлари сургун қилинди². Грузиядан Ўзбекистонга 110 мингга яқин месхети-турклари келтирилди³. Бошқа златларнинг кўчириб келтирилган вакиллари ҳам ўн минглаб кишиларни ташкил этди.

Республикага ихтиёрий тарқоқ ҳолда кўчиб келиш 20-йиллар бошидаги ва 30-йиллардаги очарчилик туфайли кенг авж олди, кўчиб келганлар асосан Россия, Қозоғистон ва Украинадан эди.

Ўзбекистонга одамларни кўчириб келтиришнинг ортишида марказ томонидан амалга оширилган «мехнат ресурслари»нинг режали равишда, аниқ мақсадни кўзлаб юборилиши сезиларли омил бўлди. Бу, айниқса, жадал саноатлаштириш сиёсатини амалга ошириш муносабати билан яққол кўзга ташланди. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Россиядан Ўзбекистонга доимий яшаш учун ишчилар ва мутахассисларнинг катта-катта гуруҳлари мунтазам равишда юбориб турилди, улар саноат қурилишини авж олдиришга, республика ишчилар синфи отрядини шакллантиришга ёрдам бериши лозим эди. Фақат 1933—1938 йилларнинг ўзида ўлкага 650 минг киши юборилди⁴.

Натижада (гарчи миллий ишчилар синфини шакллантириш соҳасида қадамлар кўйилаётган, уларнинг мутлақ сони ортаётган бўлса ҳам) маҳаллий кадрларнинг фоиз ҳисобидаги саломоги пасайиб борди. Масалан, агар 1926 йилда Ўзбекистон ишчилари орасида ўзбеклар 50,4%ни ташкил этган бўлса, 1936 йилга келиб 36,5% га тушиб қолди⁵.

Қайд қилинган даврда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар улуши 2,5% камайиб, 65%ни ташкил этди⁶.

¹ Ким П. Г. Корейцы Республики Узбекистан. Т., 1993. С. 25.

² Мельникова Т. С. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. Т., 1956. С. 78.

³ Труд. 1988. 8 сентябрь.

⁴ Мельникова Т. С. Формирование промышленных кадров в Узбекистане. Т., 1956. С. 78.

⁵ Гофштке В. Л., Таджibaев А. А. Формирование рабочего класса Средней Азии (20—30-е гг.). Т., 1992. С. 45.

⁶ Ата-Мирзаев, Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. Т., 1998. С. 58.

Совет-герман уруши республикадаги демографик вазиятга сезиларли таъсир кўрсатди, жанг ҳаракатлари бораётган гарбий минтақалардан Ўзбекистонга аҳолини кўчириб келтириш кенг тус олди. Уруш тамом бўлиши билан уруш йиллари кўчириб келтирилган европаликлар — руслар, украинлар, яхудийлар, белоруслар ва уларнинг бошқа вакиллари ўз жонажон ерларига қайтиб кета бошладилар. Бироқ улардан кўплари Ўзбекистонда яшаш учун қолдилар.

50-йилларнинг ўргаларида, «буюк йўлбошли» сиёсий майдондан кетгандан кейин, халқ оммаси ўртасида норозилик ошиб бораётганидан ташвишга тушган янги сиёсий раҳбарият «казарма социализми»нинг ҳаддан ташқари ёқимсиз қиёфасига ташқи томондан жозибадорроқ хусусият бахш этишга уринди. Расман олганда, сталинча оммавий қатағонлар қораланди. Сиёсий қирғин қурбонларидан бир амаллаб омон қолганлар дўзах азоби ҳукм сурган турма-лагерлардан озод қилина бошлади, қатағон қилингандардан айримлари, асосан собиқ партия-совет ходимлари номлари оқдана бошлади. Айни вақтда юқори минбарлардан туриб «демократияни кенгайтириш», миллий республикаларга «мустақил ҳуқуқлар» берилиши зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Бу соҳада айrim қадамлар ҳам қўйилди. Лекин, умуман олганда, мустабид империяча тузумнинг табиий негизи ўзгармай қолаверди. «Хрушчёвча илиқлик» даврида — 50-йиллар охири — 60-йиллар бошларида чекланган «демократик» тамойилларнинг қисқа мuddатли ва заиф ҳукм суриши гайри миллий совет тузумини яхши томонга жиҳдий равишда янгилай олмади. Чунки иттифоқ раҳбариятининг миллий-маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий амалиётга ёндашуви умуман аввалги империяча интилишлар билан ажralиб турарди. Иттифоқ ҳокимииятининг юқори поғонасида навбатдаги дабдабали баёнотларга қарамасдан, миллий соҳанинг мураккаблиги ва ўзига хослигини, аҳолининг талаб-эҳтиёjlари ва миллий манфаатларига пухта ва эҳиёткорона муносабатда бўлиш зарурлигини, халқларга тарихий танлов эркинлигини бериш муҳимлигини тушуниб етиш қарор топмади. Бунинг устига, 1964 йилда Хрушчев маъмуриятини алмаштирган Брежнев «команда»си Сталин шахсига сифинишнинг фош этилганлигини секингина тўхтатиб қўйди ва аввалги йўлни зоҳиран юмшатилган кўринишда давом этдиради. Нати-

жада ленинча-сталинча тўда томонидан ташланган уруғлар гуркираб авж ола бошлади.

Ўзбекистонда гайритабиий жараёнларнинг кучайиши яққол намоён бўлди. Бошқа миллий республикаларда бўлгани каби бу ерда ҳам «халқларнинг бузилмас дўстлиги», «миллий масаланинг тўла ва узилкесил ҳал қилингандарлиги» каби баландпарвоз тарғиботчилик шиорлари остида марказга мустамлака қарамлиги кучайди, миллий генотипнинг бузилиши авж олдирилди, ўзбек халқининг табиий — хом ашё ва одам ресурсларидан фойдаланиш кенг кўлам касб этди. Масалан, «етук социализм» деб аталган йилларда Ўзбекистон совет давлатининг улкан пахта маконига айлантирилди. Ўзбекистон иқтисодиётининг пахта етиштирищга йўналтирилганлиги ўзининг сўнгги нуқтасига етиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида оғриқли жараёнларни ҳаддан ташқари кучайтириди. Ўзбек халқининг бойлиги бўлган пахта унинг бошига битган балога айланди. Ўлка бағридан олтин, уран, нефть, газ ва бошқа хом ашё ресурслари шафқатсиз равишда тортиб олинар эди.

Миллий соҳада танглик вазияти вужудга келди. Сунъий байналмиал бирлик — «совет халқи»ни мустаҳкамлаш стратегиясидан келиб чиқиб, партия анжумларида, мафкура, маданий қурилиш масалаларига бағишланган кенгашларда жадаллик билан «миллатларнинг бирга кўшилиши» зарурлиги муттасил таъкидланар эди.

Оммавий ахборот воситаларида, адабиёт, фан, санъат соҳаларида ҳам ўзбек тилининг фаол амал қилиш доирасини сунъий равишида чеклаш жараёнлари сезиларли равишида кучайди. Мисол учун; 80-йиллар бошларига келиб ўзбек тилида нашр этилган китоблар сони 1960 йилга нисбатан 60% дан зиёд камайди, ҳолбуки, бу даврда ўзбеклар 2 баробардан ортиқроқ кўпайди¹. 80-йиллар ўрталарида нашр этиладиган умумий адабиётлар бошқа тиллардаги китобларга нисбатан 74,2 ва 18,8%ни ташкил этди². Бундай «узоқни ўйлаб» йўл тутилиши натижасида кўпгина ўзбек миллатига мансуб кишилар миллий заминдан ажralиб, она тилини чала биладиган ёки умуман билмайдиган, ўз халқининг тарихи, маданий ва маънавий қадриятларидан

¹ Ўзбекистон МДА, 58-фонд, 405-рўйхат, I-иш, 5-варақ.

² Социально-культурный облик советских наций. С. 337—338.

бехабар бўлиб қолиши. Бошқача айтганда, жамият милий негизларининг тўла-тўқис йўқолиб кетиш реал хавфи кўндаланг бўлди.

60—80-йилларда ҳам Ўзбекистонда собиқ иттифоқнинг марказий минтақаларидан одамларнинг кўчириб келтирилиши кенг миқёсда давом этди. Фақат 1971—1975 йилларда РСФСРдан ўрта ҳисобда ҳар йили 55,3 минг киши келиб турди¹.

Ўша даврда кўчириб келтирилганларнинг кўпчилик қисми ижтимоий аҳволи бўйича ишчилар эди. Республикада ортиқча иш кучи мавжуд бўлган бир шароитда уларнинг Ўзбекистон корхоналарига келиши соғлом фикр нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайдиган бир ҳол эди. Шу билан бирга, меҳнат ресурслари жадал ўсишининг кўпроқ қисми маҳаллий миллат аҳолиси ҳисобига тўғри келарди. 80-йиллар ўртасига келиб, маҳаллий аҳоли таркибидаги ишсизларнинг ўргача йиллик миқдори 1 млн. кишидан ошиб кетди². Ишсизлар, яъни меҳнатга қобилиятли аҳолининг расман иш билан банд бўлмаган қисми деб аталганлар орасида 16—29 ёшгача бўлган ёшлар 1970 йилда 33,5%, 1979 йилда 46,7%, 1986 йилда 50%дан зиёдроқни ташкил этди. Қишлоқ жойларида, айниқса Қорақалпоғистонда ва Бухоро вилоятида ишсизлар орасидаги ёшлар сони бундан ҳам кўпроқ эди³. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлгани ҳолда Иттифоқнинг бошқа минтақаларидан кадрларни оммавий равишда кўчириб келтириш каби ярамас тажриба татбиқ этиб келинди. Масалан, 1981—1985 йилларда Тошкентда меҳнатга қобилиятли кишилар орасида иш билан банд бўлмаганлар ўрта ҳисобда 200 мингдан ортиқ бўлгани ҳолда, янги ишга туширилган корхоналарга РСФСР, Белоруссия ва Украинадан 125 мингта яқин ишчи ва мутахассис жалб қилинди. Шуниси ҳам борки, бошқа республикалардан келган кадрлар одатда уй-жой ва имтиёзлар билан таъмин этиларди, ҳолбуки, маҳаллий кадрлар эса бошпана олиш учун энг малакасиз ишларни бажаришга ва 5—10 йиллаб уй-жойга навбат кутишга мажбур бўлишарди⁴.

¹ Мулляжанов И. Р. Демографическое развитие Узбекистана. Т., 1983. С. 212.

² Правда Востока. 13 декабря 1989 г.

³ Максакова Л. Г. Демографические проблемы занятости в Узбекской ССР. Т., 1989. С. 30.

⁴ Абдурахмонов К., Боеев Х. Развитие форм собственности в условиях рыночной экономики. Т., 1992. С. 13—14.

Бундай сиёсат саноат корхоналари жамоалари таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари салмоининг шиддат билан камайиб боришига сабаб бўларди. Масалан, 80-йиллар охирига келиб Олмалиқ кон-металлургия комбинатида маҳаллий миллат вакиллари 12,8%, Тошкент трактор бирлашмасида 17,8%, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 13,1%ни ташкил этди. Умуман олганда, машинасозлик мажмуида ишчилар орасидаги ўзбеклар 27%дан ошмасди¹. 1989 йилда халқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони 5,3 млн. киши бўлиб, саноат ишлаб чиқаришидаги ўзбекларнинг салмоғи атиги 0,7 млн. кишини ташкил этди². Айниқса, фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган саноатлашган ишлаб чиқариш тармоқларида ўзбекларнинг сони ниҳоятда кам эди.

Иттифоқ мафкурачилари мазкур ҳолатни «тушунтириш» мақсадида соҳта назарий уйдирмаларни таомилга киритдилар, уларга мувофиқ, гўё «маҳаллий аҳоли, хусусан ўзбеклар, — деб алам билан таъкидланган эди Ислом Каримов, — йирик саноатлашган ишлаб чиқариш шароитида ишлашга ўрганмаган эмишлар ва ишлай олмас эмишлар, улар қайта ишлаш тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга кўпроқ мойил эмишлар»³. Бироқ бунинг асл сабаби совет ҳокимиятининг империяча хусусиятида эди. Биринчидан, марказ аввалгидек республика ишчилар синфи отрядини империя тузумининг ижтимоий таянчи сифатида руслаштиришдан манфаатдор эди. Иккинчидан, республикалараро кўп йиллик сунъий миграция натижасида саноат ишлаб чиқариши кўпроқ жойлашган йирик шаҳарларда маҳаллий аҳолининг салмоғи 30—35%дан ошмасди. Учинчидан, йирик корхоналарнинг аксарият кўпчилиги иттифоқ обьектларига ва ҳарбий-саноат мажмуига мансуб бўлиб, уларга бўйсунарди, бу корхоналар ходимлари асосан кўчириб келтирилгандар.

Совет раҳбарияти томонидан аввалбошдан ўтказиб келинган империяча асоратга солиш сиёсати, марказ томонидан амалга ошириб келинган ижтимоий ишлаб чиқаришни бир томонлама ихтисослаштириш, ижтимоий-иктисодий йўлнинг уетувор йўл-йўриклари ва маданий сиёсати миллий манфаатларга мувофиқ кел-

¹ Правда Востока. 25 ноября 1989 г.

² Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 г. ч. IV. — Т., 1990. С. 42.

³ Народ и демократия. 1992. № 2. С. 30.

маслиги ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Иттифоқ ҳукмрон доираларининг республика иқтисодиётiga ис-теъмолчилик муносабатида бўлиши таъсирида табиий яшаш муҳитига пурт етказилди, ҳалқнинг моддий аҳво-ли ўта паст даражага тушиб қолди. Совет тузумининг мустамлакачилик моҳияти камдан-кам учрайдиган яра-мас хусусиятга эга бўлиб, унинг намоён бўлиши оқиба-тида улкан моддий-техникавий салоҳиятга, қулай та-биий-иқдим шароитига эга бўлган республика аҳоли-нинг турмуш даражаси, унинг ижтимоий таъминоти сифат кўрсаткичлари бўйича энг заиф ривожланган мамлакатлар қаторида қолаётган эди.

Маънавий соҳада жиддий салбий оқибатлар кўзга ташланди. Миллий маданият, ўзига хос этник хусуси-ятларни қайта тиклаш имкониятлари кўп йиллардан буён чеклаб кўйилганлиги Ўзбекистон ҳалқини ўз мил-лий негизларини йўқотишгacha олиб келиб кўйган эди.

1985 йил апрелда М. С. Горбачев бошчилигидағи янги сиёсий раҳбарият томонидан зълон қилинган «қай-та қуриш» мунтазам равишдаги танглиknинг боши берк кўчаларидан чиқиб олишга муайян умид уйғотди. «Қайта қуриш» демократия ва ошкораликка бир қадар йўл очди. Бироқ мустабид империя тузумини янгилашга бўлган бундан аввалги барча уринишлар каби «апрель янгиланиши» ижодкорларининг социализмга «инсоний қиёфа» баҳш этиш соҳасидаги куч-гайратлари ҳам маг-лубиятга учради. Бунинг устига, совет тузумининг су-рункали иллатлари кескин тус олди. Чунки «қайта қуриш» мустабид империя тузумининг туб негизларига дахл қилмади, шунчаки пардоzлаш хусусиятига эга бўлди. Натижада жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кенг ҳалқ оммасининг турмуш даражаси кун сайин ёмонлашиб борди.

Кўп миллатли совет давлати шароитида иқтисодиёт, ижтимоий, идеология ва маданият соҳаларида йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммолар миллий муно-сабатлар нуқтаи назаридан тобора яққолроқ сиртга қал-қиб чиқа бошлади. Республикада миллий характерлар вужудга келди, улар чуқур миллий демократик ислоҳот-ларни амалга ошириш, ҳақиқий мустақилликка эришиш эҳтиёжларини ифодалар эди. Империянинг пуртурдан кетган деворлари хатарли равишда чайқалаётган эди.

Горбачев «команда»си ажralиб чиқишига қаратил-ган интилишларга тўсқинлик қилишга ва, шу билан бирга, иттифоқ раҳбариятининг обрўсини оширишга

интилиб, бир томондан, империяча бошқарув машинаси мурватларини қаттиқроқ бурашга, иккинчидан, ўзини халқнинг кўз ўнгидаги ҳалоллик ва ижтимоий адолат учун матонатли курашчи қилиб кўрсатишга уринди. Ана шу мақсадда собиқ Иттилоғнинг бир қатор минтақаларида дабдабали «фош қилувчи» ишлар кампанияси авж олдирилди, улар иттилоғ сиёсий раҳбариятининг «социалистик тозалаш», порахўрликка барҳам бериш учун курашини намойиш этиши лозим эди, бунда иқтисодиётдаги барча камчиликлар учун жавобгарлик маҳаллий раҳбар кадрларга тўнкалди.

«Кремль ҳужуми»ни амалга оширишнинг марказий минтақаларидан бири Ўзбекистон бўлди, бу ерда кўпиртирилган «ўзбек иши» ёки «пахта иши» кўзгатилди. Республика «қайта куриш» даври қатағонларини ўтказиш жойи сифатида бежиз танланмаган эди. Чунки бу вақтга келиб республиканинг обрў-эътиборли ва эътироф этилган раҳбари Ш. Р. Рашидов вафот этди. Унинг ўрнига келган раҳбарлар сиёсий ва миллий иродаси заиф бўлиб, марказнинг барча йўл-йўриқларини сўсиз қабул қилиб, уларни итоатгўйлик билан амалга оширидилар.

Марказнинг кўрсатмаси билан иттилоғ оммавий ахборот воситаларида гўё Ўзбекистонда бутун бошқарув бўғинлари ва халқнинг ўзи ҳам порахўрлик турлари билан ўраб олинган, шу боисдан бу ерда «ҳалоллик ўрнатилиши» керак, деган миллий қадр-қимматни ерга урувчи фикр зўр бериб тарқатилган аянчли кунлар ҳали хотирамиздан кўтарилган эмас.

Натижада республикада «десантчилар» зулми ўрнатилди. Ленин-Сталин даврларида бўлгани каби бу ерга Россия партия-совет ходимларининг сон-саноқсиз гурӯҳлари, «куч ишлатиш» идораларининг вакиллари юборилаверди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг оғир аҳволи ва эҳтиёжларини ўрганиш ўёқда турсин, ўзларининг раҳбарлик лавозимларига тайинланишини ҳамма нарсани қилиш мумкин, деган маънода тушундилар. «Десантчилар» халқнинг бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни истамаган ҳолда, республикадаги ҳётни ўзларининг ҳукмронлик мақсадларига мослаб бичиб, ямаб-яскай бошладилар. Марказ вакиллари ўзбек халқнинг анъаналари, маданияти, урф-одатлари, маънавий қадриятларини менсимаслигини ошкора равища билдириб, империяча бўйсуниш сиёсатини фаоллик билан амалга ошира бошладилар. Бу жиҳатдан Ўзбекистон КП МҚнинг

иккинчи котиби В. П. Анишев, Республика Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари В. И. Огарок, Тошкент шаҳар партия қўмитаси котиби Б. Д. Сатин, ички ишлар вазирининг ўринбосари Дидоренко ва бошқалар айникса ажралиб турдилар.

Марказга садоқатларини кўрсатишга интилган шу давр маҳаллий раҳбарлари бу даврда ўзларини ўз миллий илдизларини унугтан манқуртлар сифатида намоён этдилар. Уларнинг ташаббуси билан халқнинг ҳали сақланиб қолган урф-одатлари, маданиятини чинакам таъқиб остига олиш кучайтирилди, она тилини сунъий равища чеклаш авж олдирилди. Ҳатто миллий кийимда юриш таъқиқланди. Аҳвол шу даражага бориб етди-ки, одамлар ўзбекона тўй ўтказишдан, вафот этган қариндош-уруғларини қарор топган миллий-диний ань-аналарга мувофиқ дағн қилишдан кўрқиб қолдилар.

Ҳақиқатда ўта шафқатсиз шахслар бўлган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги кўп сонли тергов бригадаларининг сталинча-берияча усулларга асосланган ғайринсоний қатағонлар билан иш юритиши натижасида вазият янада кескинлашди. Кейинги текширишларнинг кўрсатишича, улар одамларни таҳқиқлаганлар, сўроқлар вақтида ноҳақ калтаклаганлар, юзлаб айбсиз одамларни, шу жумладан, қариялар ва кўп болали оналарни ғайриқонуний равища ҳибсга олиб, қамоқقا ташлаганлар¹. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларининг мантиғи бир нарса-га — «ўғрилик қилиш», «пораҳўриклилар» тўғрисидаги кўрсатмаларни ҳар қандай воситалар билан бўлса ҳам олишга эришишга қаратилган эди, улар одамнинг айби бор ёки йўқлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтиришмасди.

Фақат 80-йилларнинг охирларидан бошлаб республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. 1989 йилда И. А. Каримов миллий раҳбар бўлиб кўтарилди, у миллий тарихнинг боришини ўзгартиришга устувор даражада таъсир кўрсатди. Аввалги республика раҳбариятидан фарқли ўлароқ, Ислом Каримов миллат ва халқнинг чинакам манфаатларини ифода этиб, дарҳол давлат мустақиллиги гоясими илгари сурди. У ўзининг республикада тутган йўлини, «десантчилар» зўровонлигига қарши фаол курашини миллий сиёсий партиялар ва ҳаракатларни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш билан

¹ Қаранг: И лю х и н В. Оборотни. Как было надумано «узбекское дело». Т., 1993.

мустаҳкамлади; марказда ҳақиқий мустақилликка қартилган йўлни мардонавор туриб ҳимоя қилди. Масалан, КПСС МҚнинг Москвада бўлиб ўтган 1989 йил сентябрь пленумида И. А Каримов дадиллик билан бундай деди: «Биз марказ билан республиканинг ҳукуқлари ва вазифаларини белгилаб олиш ва чегаралаши қатъий ёқтамиз, биз республика мустақиллигининг ҳар томонлами мустаҳкамланиши тарафдоримиз»¹.

Шундан кейин МҚга сиёсий мустақилликни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш масаласини амалий равишда қўйиш ва Иттифоқ Конституциясида «Иттифоқдош республикаларнинг мустақил ҳукуқлари тўғрисида»ги маҳсус бобни тиклаш ҳақида расмий таклифлар юборилди. Сўнгра марказнинг мазкур таклифлардан ошкора норози эканлигига қарамасдан, Ўзбекистон КП МҚнинг 1990 йил март пленумида «сиёсий тизимни янгилашни иқтисодий мустақиллик муаммосидан ажralган ҳолда қараб чиқиш мумкин эмас»лиги қайл этиб ўтилди ва Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллиги яхлит концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги қатъяян таъкидланди.

Республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида 1990 йил 24 марта И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Президенти қилиб сайланганлиги давлат мустақиллигини кўлга киритишининг муҳим шартларидан бири бўлди. Бу империяча Иттифоқ тарихида мисли кўрилмаган қадам эди.

Ҳали давлат мустақиллиги эълон қилинmasдан олдин Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон тараққиётининг мустақил йўли тамойиллари ишлаб чиқишиб, амалга оширила бошлади, Президент И. А. Каримов томонидан 80—90-йиллар чегарасида чиқарилган Фармонлар ва унинг таклифи билан Республика Олий Кенгashi ҳамда ҳукумати томонидан қабул қилинган Конунилар ва қарорлар бевосита сиёсий, иқтисодий мустақилликни таъминлашга қаратилди. Бу жараёнларнинг аниқ ифодаси — 1989 йилда ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги, энг муҳим халқ хўжалиги вазифаларини мустақил равишда ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилиши, халққа миллий маънавият, анъаналар ва урф-одатларнинг қайтариб берилганлиги бўлди. Буларнинг ҳаммаси Марказда шиддатли салбий акс-садо

¹ Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 405-рўйхат, 1-нш, 15-вараж.

билин кутиб олини. Миллий тикланиш юзасидан амалга оширилаётган дадил қадамларни империя маркази «Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги» сифатида қабул қилди. Кремлдаги раҳбарият Ўзбекистоннинг бу «ўзбошимчалиги»ни куч билан янчиб ташлаши мумкин эди. Бироқ унинг таъкиб қилиш имкониятлари сезиларли равишда заифлашиб қолган эди: империя шиддат билан барбод бўлаётганди. Совет давлатининг барча минтақаларини миллий инқилоб алангаси қамраб олди.

Жаҳолатпаст кучлар «қизил империя»ни сақлаб қолишга 1991 йил 19 августда охирги марта уриниб кўрдилар, бу вақтда олий мартабали исёнчилар фавқулодда ҳолат бўйича Давлат қўмитасини ташкил этдилар. «Гекзепечилар» марказий ҳокимиятнинг қатъий хукмронлигини ўрнатишга, миллатларнинг ажralиб чиқишига бўлган интилишларини илдизи билан узилкесил қўпориб ташлашга уринган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти тўнтариш рўй бериб, ГКЧП ташкил этилганлиги ҳақидаги хабарни олгач, уни сиёсий ўзбошимчалик деб баҳолади. Воқеаларнинг бундан кейинги бориши ҳали ноаниқ бўлишига қарамай, республика раҳбарияти дарҳол муросасиз равишда: «Бизнинг ўз йўлимиз бор ва республиканинг мутлақ манфаатларига риоя этиб, қандай бўлса ҳам шу йўлга охиригача амал қиласиз¹», деб зълон қилди. 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида қарор қабул қилди. Шу билан ўзбек халқининг озодлик ва мустақиллик тўғрисидаги азалий орзуси рўёбга чиқди.

Бу қисқача ўзбек халқининг Совет давридаги тарихи ниҳоятда аччиқ саҳифалардан иборат. Албатта бу даврда ҳам халқ қўлини қовуштириб ўтирумади ва ўзининг шижоати, меҳнатпарварлиги, эркесварлиги орқали маълум натижаларга эришди. Бу натижалар, айниқса, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларида намоён бўлди. Лекин бу тарихнинг сиёсий йўналиши, совет мустабид тузуми, коммунистик мафкурасининг зўрлиги ва зулми мамлакатни ниҳоятда катта талофотларга олиб келганини инкор этиб бўлмайди. Бу аччиқ ҳақиқат жуда катта тарихий сабоқdir ва уни билиш мустақиллик қадрини англаш демакдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг матбуот бюллетени. Т., 1992, 3-сон. 8-бет.

П б о б . Ўзбекистоннинг табиий, хом ашё ва иносон ресурсларининг оммавий эксплуатация қилинши

1-§. Чор империясининг Туркистон моддий ва табиий бойликларини ўзлаштириш сиёсати

XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиёни зўравонлик билан забт этган Россия империясини бу ўлканинг моддий бойликлари, кулай иқлим шароити ва жугрофий жойлашуви, Шарққа дарвоза бўлиб хизмат қилиши каби катта имкониятлари ўзига жалб этган эди. Бу даврда Россия хукмрон доиралари ва саноатчилари ўтасида ўзларининг Европа бозорларидағи рақобатга дош бера олмаётган маҳсулотларини Ўрта Осиё ва у орқали Шарқ мамлакатлари бозорларига чиқариш, ривожланастган тўқимачилик саноати учун арzon хом ашё манбаига эга бўлиш, ўз муаммоларини ўзгалар ҳисобига зўрлик ва босқинчилик билан ҳал этиш иштиёқи кучайди. Ана шу маълум мақсадларни амалга ошириш учун чоризм Ўрга Осиё халқлари билан узоқ ва кескин жанглар олиб борди. Қирғинбарот урушлар ва кўплаб қурбонлар эвазига Ўрта Осиёда чор Россияси хукмронлиги ўрнатилди. Шундан кейин ўлканинг катта имкониятлари, ер ости ва ер усти бойликларини метрополия манфаатларига мослаштириш жараёни бошланди. Бу жараён бир қанча босқичлар ва йўналишларда амалга оширилди. Энг аввало, кўлга киритилган шаҳар ва қишлоқларда чоризмнинг ҳарбий маъмурӣ бошқарув тизими ўрнатилди. Шундан кейин ўлка бойликларини ягона тизим ва узоқни кўзлаган режа асосида мунтазам суратда ташиб кетишга киришилди.

Асосий эътибор энг аввало темир йўл қурилишига қаратилди, чунки ўша давр тадқиқотчиси М. П. Федоров¹ таъкидлаганидек, «Туркистонни тинч маданий йўл билан бўйсундиришда хазинадан сарф бўлган миллионлар ортиғи билан қайтишини мустамлакачилар жуда яхши билардилар». Шу сабабли улар Туркистоннинг моддий бойликларини батамом эгаллаб олиш ва ундан

¹ Федоров М. П. Хлопководство в Средней Азии. С-Пб. 1898. С. 215.

энг юқори даражада фойдаланиш учун маблағларни аямадилар. Энг аввало Туркистонни Россия билан боғловчи темир йўл куришга киришилди. 1880 йили Каспий денгизи (ҳозирги Туркистон шаҳри)дан бошланган Ўрта Осиё темир йўли ўлка ичкарисига жадал суръатда кириб борди. Темир йўл курилишидан мақсад ўлкада стратегик жиҳатдан мустаҳкамланиб олишдан ташқари, етиштирилган моддий бойликларни мунтазам суратда ташиб кетишидан иборат эди.

1867 йили Туркистон Генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан кейин генерал К. П. Кауфман рус ва чет эл саноатчилари учун қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. У ўлкага келган савдогарлар, саноатчилар, тадбиркорлар ва иш юритувчиларни ҳар жиҳатдан кўллаб-кувватлади. Кўрилган тадбирлар натижасида Европа типидаги дастлабки корхоналар Тошкентда иш бошлади. 1867 йили (Муҳандис-технolog Н. В. Ульянов, Д. Касьянов, И. Яблонский, Н. П. Писаревский, О. И. Плавицкийлардан иборат ширкат томонидан) Европа типидаги биринчи сув тегирмони қурилди. Тегирмон бир кеча-кундузда 720 пуд ун чиқарар эди. 1868 йили штабс капитан Какурин шундай тегирмоннинг иккинчисини ишга туширди. Бу тегирмонларнинг ишлаб чиқариш куввати маҳаллий тегирмонларга нисбатан 25—30 баробар юқори бўлиб, оқибатда кўплаб маҳаллий тадбиркорлар ишсиз қолдилар. 1868 йили М. Хлудов Салор ариғи бўйида Европа типидаги кўн заводини курди. 1874 йили Кувайцев деган кимса ҳам шаҳар четида шундай завод қурди. Бу заводлар дастлаб оддий ҳунармандчилик корхоналаридан деярли фарқ қилмас эди. Шунинг учун ҳам кўн заводидан дурустроқ даромад ололмаган Кувайцев уни завод устаси Тезиковга сотди. Уддабурон Тезиков заводни кенгайтириб, уни ўша даврнинг замонавий ускуналари билан жиҳозлади. Натижада ишлаб чиқариш бирмунча ривожланди ва қисқа мuddат ичида Россиянинг марказий районлари ҳамда Европа бозорларига хом ашё етказиб бера бошлади. У ўлкадан ташиб кетган ошланган терилар ҳисобига қисқа вақт ичида миллиончи бойга айланди.

Туркистонга келган ишбилармонлар бир соҳа билан чекланиб қолмасдан, бойлик ортириш мақсадида саноат ишлаб чиқаришининг бир неча тармоқларига қўл уришган. Масалан, ўлкага биринчилардан бўлиб келган рус саноатчиси И. И. Первушин 1871 йили Тош-

кентда ароқ ва вино заводидан ташқари, пиллачилик фабрикасини ҳам қурди. Бу ерда осонлик билан бойлик орттириш имкониятлари катталигини кўрган И. И. Первушин ароқ заводи ва пиллачилик фабрикаси билан чекланиб қолмасдан, Қоратоғ тоғларидағи қўргошин конлари ва Тошкент яқинидаги тошкўмир конини (Оҳангарон туманида) ишга туширди. Шу тариқа ўлкада саноат корхоналари қуриш ва уларни ишга тушириш ҳаракати кучайди. Бироқ, ароқ заводларининг қурилиши рус ишбилармонлари чўнтагини тўлдирган бўлса, маҳаллий халқларнинг мъянавияти, соғлиги ва ижтимоий турмуш тарзига катта салбий таъсир кўрсатди.

Чоризмнинг босқинчилик ҳаракатлари даврида ўлкада вазият кескин бўлишига қарамасдан, бу ерда завод-фабрикалар қуриш ҳаракати тўхтамади. 1867 йилда дастлабки ипак қалавалаш фабрикалари қурилган бўлса, орадан 5 йил ўтгач уларнинг сони 7 тага етди. Шулардан бири Хлудовнинг Хўжандда ишга туширилган фабрикаси бўлиб, унда дастлаб Крипнер тизимида ипак ўрайдиган 23 та дастгоҳ ўрнатилган. Орадан икки йил ўтгач, бу дастгоҳларнинг сони 53 тага етказилган. Бу дастгоҳларда уста назорати остида қарийб 200 та бола ишлаган. Улар бир иш кунида 45 мисқолдан 60 мисқолгacha ипак ўрашиб, кунига ўртача 30 тийиндан иш ҳақи олишган. 1868 йили И. Первушин, Михайлов ва француз Гурделарнинг ипак ўраш фабрикалари ишга туширилди. Первушиннинг корхонаси бошқаларникдан анча мукаммал бўлиб, у фабрикада ишлатиш учун Оренбургдан Тошкентга 40та ўсмирни олиб келган¹. Шунингдек, бу фабрикаларда кўплаб маҳаллий болалар ва аёллар меҳнатидан кенг фойдаланилсада, бироқ уларга катталар меҳнатига нисбатан 50 фоиз кам ҳақ тўланган.

Умуман европалик саноатчилар қурган йирик корхоналарда катталар қатори болалар меҳнатидан мунтазам равишда фойдаланилган. 1873 йили Тошкент шаҳрида ишга туширилган француз Гурденинг тўқимачилик фабрикасида шундай ҳолни кўриш мумкин. Гурде фабрикасида 144 ишчи ишлаган. Ҳар бирида 100 тадан дук бўлган чарх ёнида 8 та ишчи қаторида 20 та бола, ип ўрайдиган 40 та ғалтакли машина ёнида катта ёшли 2 ишчи қаторида 20 та бола ишлаган. Ишчиларга жуда

¹ Известия и заметки. Туркестанские ведомости, 1871, № 15.

кам ҳақ тўланган. Улар ойига ўртача 9 сўм, кунига эса 30 тийин атрофида иш ҳақи олишган.

Шойи тўқишидан бошқа соҳаларда ҳам маҳаллий хунармандчилик билан саноат ишлаб чиқариш ўртасида рақобат кучайди. Бу кураш саноатчилар фойдасига ҳал бўла бошлади. Масалан, 1872 йилда Тошкентда рус саноатчилари томонидан қурилган ва бир кечакундузда 100 пуддан 150 пудгача (бир йилда 30000 пуд) ёф ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилгач, бир кеча кундузда аранг 5 қадоқ ёф ишлаб чиқарадиган жувозлар инқизорзга маҳкум бўлиши табиий ҳол эди¹.

Ўлкада асосий эътибор пахта тозалаш саноатига қаратилиб, етиштирилган пахтанинг катта қисми заводларда, қисман эски усулда маҳаллий корхоналарда тозаланган. Пахта тозалаш заводларидан кейин кўнчилик, ипакчилик, ёф, совун ва шам тайёрлаш, ароқвино, тамакичилик, тегирмончилик, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. Ўлкада саноат ишлаб чиқариши жараёнининг бориши, айниқса, Фарғона вилоятида яққол кўзга ташланади. 1880 йили вилоятда 3 та саноат корхонаси бўлган бўлса, 1890 йили уларнинг сони 15 тага, 1900 йили 50 тага етган. Уларнинг қарийб 73%ини мавсумий корхоналар ташкил этган.

Ўлкада рус ва чет эл капиталининг кўпайиб бориши саноат ишлаб чиқаришининг янги турларини пайдо бўлишига замин яратди. Бу соҳада Сирдарё вилояти анча илтарилааб кетган бўлиб, бу ерда пахта тозалаш, ёф-ёрма тортиш, ичак тозалаш ва бошқа корхоналарда тайёрланган маҳсулотлар чет элларга ҳам чиқарила бошланди. Фойда кетидан қувган рус саноатчилари ҳар бир соҳага тумшуқларини тиқа бошладилар. Жумладан, С. И. Лахтининг пахта тозалаш, дон янчиш, картон заводларидан ташқари литографияси ҳам бўлиб, унинг олган даромади 1877 йили 193750 сўмни ташкил этган. 1881 йили у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкентдаги пахта заводига 6 та жин (пахта тозалаш дастгохи) ўрнатган. Мустамлакачилар темир йўл қурилишини ҳам кутиб ўтирасдан йўл билан боғлиқ қийинчилкларга қарамай, тую

¹ Ўзбекистон МДА. И-17. фонд, 18379-иши, 17-варақ.

Самарқанд вилоятида ҳам пахта тозалаш заводлари га эътибор кучайтирилди. 1886 йили Тинхачов томонидан Каттақўргон уездининг пахта кўп экиладиган Митан қишлоғида дастлабки пахта заводи қурилди. Каттақўргон шаҳридан 30 чақирим масофада жойлашган бу заводга пахта атроф қишлоқлардан араваларда ташилган. Ўрта Осиё темир йўлининг қурилиши пахта тозалаш заводлари қуриш имкониятини кенгайтириди. 1899 йили Каттақўргон шаҳрида вокзал яқинида инженер Л. О. Югович томонидан буф билан ишлайдиган, 4 та жин ўрнатилган пахта тозалаш заводи қурилди. 1888 йилдан бошлаб, бошқа вилоятлардан арава ва тялярда Самарқандга келтирилган пахта Ўрта Осиё темир йўли орқали Россияга ташиб кетилди. Оқибатда, пахта ташиб кетиш кескин кўпайди.

Пахта заводларининг қуввати ошиб бориши натижасида қўплаб чигит тўплана бошлади. Илгари қадрсиз бўлган, ҳатто вилоятларда ўтин сифатида фойдаланилган чигитдан 1890 йилдан бошлаб саноат усулида ёғолишга қиришилди. Ўлкада дастлабки ёғ заводи Янги Бухоро (Когон) да К. Дрежевецкий томонидан қурилди. Бироқ чигит тўплаш имконияти чекланганлиги, айниқса маҳаллий аҳолининг файридинлар тайёрлаган ёғни истеъмол қилишни истамасликлари туфайли завод тўхтаб қолди. Л. Хорват томонидан Самарқанд вилоятининг Челак қишлоғида, Л. Югович томонидан Каттақўргон шаҳрида қурилган ёғ заводлари ҳам шу ҳолга тушди.

Темир йўллар ишга тушгач, тадбиркорлар пахта ёгини Россиянинг марказий районларига сотишини йўлга кўйганиларидан кейингина унга талаб ошиб кетди. Янги даромад манбанини топган ишбилармонлар ўз заводларини қайтадан жихозлашга қиришдилар. Масалан, Л. Югович ўз заводига 55 от кучига эга бўлган буғ машинасини ўрнатдирди. Ланкошир ва Фельзер заводларидан иккита қозон, АҚШнинг «Игл» заводидан 6 та жин келтириди. Натижада заводларининг қуввати ошиб, ҳар йили ўргача 160 минг пуд тозаланган пахта, 20 минг пуд ёғ ишлаб чиқарила бошланди.

Ўлкада пахтани қайта ишлашга асосланган саноат ишлаб чиқаришнинг тезлашиши айниқса Фарғона вилоятида яққол кўзга ташланади. 1880 йили вилоятда 3 та саноат корхонаси қурилган бўлса, 1890 йили уларнинг сони 15 тага, 1900 йили 50 тага етган. Бироқ ҳали уларнинг кўпчилиги (73%) бир мавсумда 200000 пудгача пахтани тозалаш қувватига эга бўлган кичик

корхоналардан иборат эди. Чор Россияси ўлкани асосан хом ашё базаси сифатида ушлаб туришни афзал кўрганлиги туфайли бу ерда йирик корхоналар куриши истамас эди.

Россия Туркистонда ўз мавқенини мустаҳкамлаб олгандан кейин, метрополия билан мустамлака ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг характеристи ҳам ўзгара бошлади. Бошқа мустамлакаларда бўлгани каби, 1874 йили Тошкентда Давлат банкининг бўлими очилиб, ўлкага товар билан бир қаторда капитал келтириш ҳам авж олди. Бу ўлкадан хом ашё ташиб кетиш имкониятини янада кенгайтирди. Пахтага бўлган талабнинг ошиб бориши пахта майдонларини кенгайтиришга мажбур қилди. Бунинг эвазига дончилик ва бошқа экинларни экиш кескин камайиб, ўлкада (биринчи навбатда Фарғона вилоятида) пахта яккаҳокимлиги вужудга кела бошлади. Натижада, пахта етиштириш йилдан йилга кўпайди. Масалан: 1895 йили биргина Фарғона водийсида 4766470 пуд америка пахтаси, 687422 пуд маҳаллий пахта, 1896 йили эса 6018615 пуд америка пахтаси, 590123 пуд маҳаллий пахта етиштирилган. Бир йил ичida пахта етиштириш 1150000 пуддан ошган. Чоризм ва рус буржуазияси ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўлка қишлоқ хўжалигини бир томонлама ривожлантиришга эътиборни кучайтириши натижасида ўлкада дон маҳсулотларига талаб ошиб, Россия қарамлиги кучайиб кетди. Пахта етиштириш ва уни Россияга ташиб кетиш тобора авж олди. Туркистон генерал-губернаторлигининг ҳисоботида кўрсатилишича Туркистондан Оренбург темир йўли орқали ташиб кетилган товарлар йилдан-йилга қуйидаги миқдорда ошиб борган.

Товарлар	1880—1882 йй. пуд ҳисобида	1889 й. пуд ҳисобида	1894 й. пуд ҳисобида
Олиб кетилган	158750	1641029	2144772
Келтирилган	203300	657909	1717039

Шундай қилиб, Оренбург ва Фарбий Сибирь йўналишидаги шаҳарлар орқали факат 1889 йили 6500000 рубллик, 1889—1894 йиллар ичida эса 32000000 рубллик товар ташиб кетилган. Бу товарларнинг 80% дан ошибини пахта толаси ташкил этган.

Пахта етиширишга мос равиша пахта тозалаш ва ёф заводларининг сони ҳам мунтазам ошиб борди. Туркистон генерал-губернаторлиги маъдкамасининг 1899 йил 3 апрелдаги маълумотида қайд этилишича 1898 йили Фарғона вилоятида 85 та, Самарқанд вилоятида 22 та, Сирдарё вилоятида 60 та, ўлкада жами 167 та пахта тозалаш заводи ишга туширилган. Шу йили Фарғона вилояти заводларидан 5476484 пуд, Самарқанд вилояти заводларидан 1294591 пуд, Сирдарё вилояти заводларидан 714419 пуд, ўлка бўйича жами 7485494 пуд тола олинган ва Россияга ташиб кетилган. Заводларнинг 52 таси маҳаллий миллатлар вакилларига, 30 таси руслар, 6 таси европаликлар, 4 таси яхудийларга ва 1 таси афғон фуқаросига тегишли бўлган.

Завод эгалари пахта етиширувчи дехқонларга фоиз ҳисобида олдиндан қарз беришиб, эвазига ҳосил пишганда пахта олишган. Қарзниң фоизидан чўчиган дехқонлар иложи борича пахталарини тезроқ сотиб, қарздан кутилишга ҳаракат қилишган. Бироқ бир вақтнинг ўзида бозорга катта микдорда пахтаниң тушиши унинг нархини арzonлаштириб юборган. Заводларнинг бундан фойдаланишган воситачилари пахтани арzon-гаровга сотиб олишган ва бундан катта фойда кўришган. Қарзларни тўлай олишмаган дехқонлар кейинги йил ҳосили ҳисобига қарз муддатини чўзишга мажбур бўлишган.

Пахта заводлари имкони борича темир йўллар яқинида қурилган. Масалан: Самарқанд вилоятидаги заводларнинг 8 таси Самарқанд уездидан, 6 таси Каттақўрон уездидан, 6 таси Хўжанд ва 2 таси Жizzах уездидан жойлашган, вилоятдаги заводларни техник жиҳатидан жиҳозлашга ҳам эътибор кучайтирилган. Заводларга 69 та жин, пахтани тойлаш 4 та гидравлик ва 22 та қўл кучи билан ишлайдиган таҳтакач ўрнатилган, 18 та заводнинг 7 таси бут билан, 8 таси сув кучи билан, 3 таси от ва хўқизлар ёрдамида ҳаракатга келтирилган. Ҳар бир заводнинг ўртача нархи 3000 сўмдан 60000 сўмгача бўлган. Вилоятда заводлар сони кўпайиб борган. 1904 йили 11 декабрда вилоят назоратчи механизми тақдим этган маълумотга кўра 5 йил ичida заводлар сони 4 тага кўпайиб, жами 26 тага етган. Вилоятда пахта заводларидан ташқари 22 та вино, 2 та пиво заводи, кўргошин ва шиша заводлари, 4 та йирик тегирмон, типография ишлаб турган. Туркистон иқтисодиётида пахта тозалаш ва ёф ишлаб чиқариш

саноатнинг бошқа тармоқлариға нисбатан сарфланган капиталнинг микдори, ишлаб чиқариш жараёнининг марказлашуви даражаси ва ишнинг ташкил этилиши жиҳатидан анча илгарилаб кетган. Саноатнинг бу тармоқлари метрополиянинг ривожланиб келаётган тўқимачилик, ёғ-мой ва сунъий матолар ишлаб чиқариш саноати билан яқин алоқада бўлган. Натижада ўлкага рус ва чет эл капиталининг келиши янада тезлашиб, янги заводлар куришга эътибор кучайди. Жумладан, 1902 йили Наманганда К. М. Соловьев ҳамда Зингель ва Рейнегагенлар томонидан 2 та, 1908 йили Байрамалида пахта тозалаш ва ёғ заводлари курилди. Бу заводлар Англия-Америка типидаги 4 та тахтакач ва 15 та тойлаш ускуналари билан жиҳозланган эди. Шу йили ўлкадан 3744309 пуд пахта толаси, 104107 пуд пахта ёғи, 1341281 пуд чигит, 84516 пуд ипак, 14584 пуд жун, 134170 дона қоракўл тери олиб кетилган.

Туркистонда саноат ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш учун қулай шароит яратилган бўлиб, бу, биринчидан, хом ашёни узоқ масофаларга ташишга эҳтиёж йўқлиги, иккинчидан, маҳаллий ишчилардан иборат арzon ишчи кучининг корхоналарда ишлашга мажбурилиги, учинчидан, келтирилган товарлар учун ортиқча талаблар қўйилмайдиган катта-катта бозорлар мавжудлигига эди.

Бозор муносабатлари ўз табиатига кўра мунтазам суратда кенгайиб, такомиллашиб, мазкур жараён мобайнида тайёрланган қўшимча маҳсулотларни капиталга айлантириб, бойиб боради. Бу жараёни бошидан ке-чираётган рус савдо-саноатчилари ўлкада саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга эътиборни кучайтирдилар. XIX аср охирларига келиб, ўлка халқ хўжалигининг ётакчи тармоқларида (аввало пахтачиликда) ишлаб чиқаришини монополиялаштириш ҳаракати бошланди. Натижада XX аср бошларида Туркистонда пахта тозалаш саноатига ихтисослашган «Алексеев» ширкати, «Андреев» ширкати, «Ака-ука Вадъяевлар», «Катта Ярославль мануфактураси» ва бошқа ширкатлар пайдо бўлди¹.

Пахта тозалаш ва ёғ заводлари маҳсулотларига талабнинг тобора ошиб боришини кўрган бошқа хусусий корхоналар эгаларининг кўпчилиги ўзларини бу соҳага урдилар. Дастлаб ёғ заводлари пахта заводлари-

¹ Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отд. II., С-Пб. 1911, С. 8.

дан бўлак курилган бўлса, кейинчалик улар бирлаштирилиб, ягона комплексни вужудга келтирдилар. Масалан, «Ака-ука Вадъяевлар» савдо уйининг бир нечта пахта тозалаш заводларида ҳар йили 2 млн пуд атрофида чигит тўпланган. 1910 йили савдо уйи Кўқонда «Бакей» тизимидағи 12 ва 16 плитали таҳтакач билан жиҳозланган ёғ заводи қургач, тўпланган чигитни ўзи қайта ишлай бошлади¹. Потеляхов ширкатининг ҳисседорлик асосида Кўқонда, Драгомирово, Наманганд, Скобелев, Тошлоқ, Андижон, Хўжанд, Қоратепа, Олтинкўл ва Уйчи волостларида пахта тозалаш заводлари ҳамда Кўқонда ёғ ва совун заводлари бор эди². Пахта тозалаш ва ёғ заводларини ягона бир марказга бирлаштиришга эришган капиталистлар янада кўироқ даромад ола бошладилар. Масалан, Потеляхов савдо-саноат ширкатининг 1913—1914 йилдаги ҳисоботида кўрсатилишича, «ҳисобот йилидаги соф фойдаси» 145 минг сўмга етган. Фақат заводларни эксплуатация қилишининг ўзидан 79 минг сўм фойда олинган³. Бу умумий фойданинг ярмидан кўпини ташкил этган. 1915 йилга келиб ширкатнинг фойдаси 309 минг сўмга ўсган ёки 2 баробардан зиёд ошган⁴. Ширкатга пахта тозалаш ва ёғ заводлари энг кўп даромад келтирган.

XIX аср охиirlаридан бошлаб ўлкада пилла қутиш корхоналари қуришга ҳам эътибор кучайди. Янги типдаги дастлабки пилла қутиш корхоналари 1898 йили Фарғонада ташкил этилди⁵. 1907 йили Марғилон уездидан бундай корхоналарнинг 5 таси, 1908 йили Кўқон уездидан ҳам 5 таси ишга туширилди. Ошиб бораётган талабга қараб пилла қутиш корхоналари тобора кўпайиб борди. Фақат 1910—1914 йиллар ичида 6 та янги корхона очилди. Шулардан бири Самарқандда қурилган эди.

1914 йилга келиб ўлкада 28 та пилла қутиш корхонаси қурилди. Уларнинг асосий қисми Фарғона вилоятida жойлашган эди. Бу корхоналарнинг умумий ишлабчиқариш ҳажми 1913 йили 3136814 сўмга етди⁶. Улар-

¹ Гофмейстер В. Г. Использование семян хлопчатника в Средней Азии. СПб., 1914. С. 15.

² Узбекистон МДА, И-87Ф, 1-р., 26103-иш. 36, 100-вараклар.

³ Узбекистон МДА, И-87 Ф., 1-р., 26103-иш. 87-варак.

⁴ Узбекистон МДА, И-87 Ф., 1-р., 26103-иш. 177-варак.

⁵ Заорская В. В. и Александр К. А. Промышленные заведения Туркестанского края..., С. 185.

⁶ Заорская В. В. и Александр К. А. Промышленные заведения Туркестанского края..., С. 186.

нинг 30,5% и майда, 35,5% и ўрта, 34% и йирик корхоналар бўлиб, йиллик пул айланиши 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача бўлганлари Марғилон уездидан жойлашган эди. Туркистон пилла қутииш корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг барчаси чет элларга ва Россиянинг марказий районларига жўнатилган.

Туркистон Россия империясининг асосий хом ашё етказиб берувчи базаси бўлишига қарамасдан, бу ерда тўқимачилик корхонаси қуришга ҳаракат қилинмади. Россиянинг мустамлакачилик сиёсати империализмнинг четга товар чиқаришдан кўра сармоя чиқариш афзаллиги ҳақидаги анъанавий тамойилларга зид эди. Чор маъмурятигининг бундан кўзлаган асосий мақсади ҳар қандай йўллар билан бир қаторда, ҳатто иқтисодий зарар ҳисобига бўлса ҳам мустамлакаларида саноат ишлаб чиқаришини ривожланишига тўқинлик қилиш ва шу йўсинда уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётини чеклаб кўшишга қаратилган эди. Туркистонга келиб қолган хорижий ишбилар-монлардан бири Самарқанд тўқимачилик фабрикаси очиш учун Туркистон генерал-губернатори Самсоновдан рухсат сўраганда, генерал: «... Ўлкада ип-газлама саноатини ривожлантириш марказий Россия саноатига путур етказади, бундан ташқари темир йўлни юқдан маҳрум қиласди. Шунинг учун бунга розилик бериш номақбул ишдир»¹, деб Россиянинг бозор иқтисодиёти стратегияси ва тактикасини изоҳлаб берган эди.

Ўлкада саноатнинг бошқа тармоқлари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг ҳажми ва ишчиларнинг сони жиҳатидан пахта тозалаш саноатидан орқада эди. Пахта тозалаш заводларининг асосий кўпчилиги Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, агар 1893 йили Фарғонада 309 та корхона ишлаб турган бўлса, Сирдарё вилоятида 183 та, Самарқанд вилоятида 117 та, Еттисув вилоятининг уч уездидан бор-йўғи 90 тани ташкил этар эди². Фарғона вилояти бошқа вилоятларга қараганда анча кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарган. Бу кўрсаткич 1913 йили куйидагича бўлган (100 сўм ҳисобида)³:

¹ М а м а ш о к и р о в С., М у с а е в Н. У. Бозор иқтисодиёти ва инсоннаварварлик. // Гулистан, 1994, № 2, 4-б.

² З а о р с к а я В. В., А л е к с а н д е р К. А. Промышленные заведения Туркестанского края..., С. 23.

³ Уша ерда, С. 21.

Фарғона вилояти	1418860
Сирдарё вилояти	23624
Самарқанд вилояти	16257
Еттисув вилояти	4522

Ўлкада савдо ва саноат корхоналарининг сони маҳаллий мулкдорларнинг рус ва чет эл капитали билан ҳамкорлигининг кучайиши натижасида мунтазам рашида кўпайиб борди. Агар 1897 йил Фарғона вилоятидаги жами 85 та заводдан 56 таси маҳаллий мулкдорларга тегишли бўлса¹, бу раҳам 1911 йилга келиб 157 тадан 109 тани ташкил этган². Бирок, маҳаллий мулкдорларга тегишли заводлар йилдан-йилга кўпайиб борса-да, замонавий ускуналар билан жиҳозланмаганини туфайли уларнинг меҳнат унумдорлиги паст эди. Масалан, 1911 йили рус сармоядорларининг 48 та заводида 339 та жин (яъни ҳар бир заводга ўртача 7 тадан жин тўғри келган) бўлса, маҳаллий буржуазиянинг 109 та заводида 369 та жин бўлиб, бу ўртача ҳар бир заводга 3—4 тадан тўғри келган.

Бу ҳол маҳаллий мулкдорларнинг тобора кучайиб бораётган рақобатга бардош беришини қийинлаштириб, рус ва чет эл капиталига қарамлигини оширди. Руз саноатчилари заводларида ишлаб чиқариш самародорлигини ошириш учун чет эллардан гидравлик пресслар (суюқлик билан ишлайдиган тахтакачлар) келтириб ўрнатишган. Бу пресслар бир неча ишчининг ўрнини босган ва пахтани бир хил ҳажмда тахтакачлаб, ҳаридорларнинг ишончини қозонган. Шундай усууллар билан руз савдо буржуазияси ўлка иқтисадиётида монополистик ҳукмдорлик мавқенини сақлаб турган.

XX аср бошларида ҳам саноат ишлаб чиқаришида пахта тозалаш саноати ўзининг етакчи мавқенини сақлаб қолди. Ўлкада бошқа саноат тармоқлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг умумий ҳажми пахта тозалаш саноати маҳсулотларига етмас эди. Пахта тозалаш заводларининг асосий қисми Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, агар 1893 йили Фарғонада 309 та кор-

¹ Ўзбекистон МДА, И-19-фонд, 1-рўйхат, 35616-иш, 34—38-вараглар.

² Кокандский биржевый комитет за 1911 г. — Коканд, 1913. С. 85.

хона ишлаб турган бўлса, бу кўрсаткичлар Сирдарё вилоятида 183 та, Самарқанд вилоятида 117 та, Еттисув вилоятининг уч уездига 90 тани ташкил этар эди. В. Заорская ва К. Александер маълумотларида 1913 йили ўлкада 852 та саноат корхонаси рўйхатга олинганди кўрсатилган. Бироқ I жаҳон урушигача тўпланган ҳисоботлардан олинганди маълумотларда кўрсатилишича, Туркистонда саноат корхоналарининг сони 1061 тага етган. Архив маълумотларининг кўрсатилишича, 1917 йили Туркистонда 1428 та саноат корхонаси бўлиб, шундан 483 таси Фарғона вилоятида, 323 таси Сирдарё вилоятида, 253 таси Каспий олди вилоятида, 175 таси Самарқанд вилоятида, 92 таси Бухоро амиригига, 89 таси Еттисув вилоятида ва 13 таси Хива хонлигига бўлган¹. Бу корхоналарнинг 414 тасини пахта тозалаш заводлари, 40 тасини ёф заводлари ташкил этган.

Туркистонда пахта тозалаш ва ёф саноатини эгаллаб олишга киришган йирик акционерлик жамиятларидан бири «Бешбош» бўлиб, 1914 йили уни «В. Алексеев» ва «Ака-ука Ярославль мануфактураси» биргаликда таъсис этдилар. Жамият тузилганда унинг ихтиёрида 39 та пахта тозалаш ва 5 та пахта ёф ишлаб чиқариш заводи бўлган.

Пахтачилик маҳсулотларининг товарга айлантирилиши натижасида Туркистондан Россияга тола ташиб кетиши кучайди. Агар 1908—1909 йиллар мавсумида ўлкан Россияга 8,8 млн. пуд тола, ёки тўқимачилик фабрикалари эҳтиёжининг 44 % и ташиб кетилган бўлса, 1913—1914 йиллар мавсумида 14,8 млн. пуд тола ёки пахта толасига бўлган жами эҳтиёжнинг 51% и ташиб кетилган. Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистон иқтисодиёти билан шугулланган С. Гулишамбаровнинг маълумотларига кўра 1889 йилдан кейин ўтган 23 йил давомида ўлка Россия тўқимачилик саноатига 120 млн. пуд ёки 1200 млн. сўмлик тола ташиб кетилган. Ўлкан ташиб кетилган пахта, ёф, жун, ипак ва бошқа маҳсулотлар Россия ҳукумати хазинаси ва савдо-саноат фирмалари ҳамёнларини тўлдириди.

Чоризмнинг ўлкада саноат ишлаб чиқариши билан боғлиқ мустамлакачилик сиёсати моҳиятини 1909 йили Туркистон генерал-губернатори А. Самсонов шундай характерлайди: «Пахтани қайта ишлаш бўйича янги —

¹ Узбекистон МДА. Р-105-фонд. I рўйхат, 3-иш, 139—145-варақлар.

Туркистон фабрика-заводчилик районини вужудга келтириш, биринчидан, ҳар йили 11000000 пуд Туркистон пахтасини Россиянинг Европа қисмига етказиб берётган ва у ёқдан Туркистонга мануфактура маҳсулотларини ташиб келтираётган иккала темир йўлларга катта зарар келтиради; иккинчидан, энг асосийси, Москва фабрика-заводчилиги районида қайта ишланиши лозим бўлган пахтани Туркистон ҳудудида қолдирилиши, уларга Ўрта Осиё ва Форс бозорларида ўзларининг арzon маҳаллий маҳсулотларини сотишга имкон бериб, Москва мануфактура фирмалари савдосини барбод қилиши мумкин», деб ёзган эди.

Шундай қилиб, миллатчилик кайфиятидаги рус маъмурлари фақат Россия манфаатларини ҳимоя қилишиб, ўлкада хом ашёга дастлабки ишлов бериш саноатидан бошқа саноат турларини вужудга келтирмасликка, Россиядан эса ўлка бозорлари учун тайёр маҳсулот келтиришга ҳаракат қилдилар. Бунинг оқибатида ўлканинг минглаб ҳунарманд ва косиблари Россиянинг нисбатан арzon ва сифатли маҳсулотлари рақобатига дош бериша олмай, касбларини ўзгартиришга мажбур бўлдилар. Уларнинг бир қисми мардикорлик қилишган бўлса, қолганлари завод-фабрикаларнинг ёлланма ишчиларига айландилар.

Россиянинг Туркистондан олган даромадларининг асосий қисмини пахта ва ундан олинган маҳсулотлар ташкил этарди. Туркистон ўлкаси Россиянинг пахта хом ашё базасига айлантирилган эди. Чор ҳукумати бунга эришмоқ учун ишни ўлкани босиб олиши биланоқ бошлаганини ўша давр матбуотидаги куйидаги эътироф ҳам тасдиқлади: «Туркистонда пахтачиликни ривожлантиришнинг янги даври Тошкентни ва Кўкон хонлигини уришиб олинишидан ва, умуман, Туркистон ўлкасида русларнинг мустаҳкам ўрнашишидан бошланган эди. Табиийки, ўлка эгалланганидан кейин пахтачиликни ривожлантириш рус маъмуриятининг бирламчи вазифаларидан бири ҳисобланади»¹.

Чор ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантиришдан асосий мақсади чет эл пахтасига қарамликдан қутулиш эди. 1867 йилдаёқ матбуотда бу хусусда шундай ёзилган эди: «Туркистон ўлкаси — бой мамлакатdir. Бу ерда олтин, кумуш, темир, кўмир, қимматли ва

¹ «Биржевые ведомости». 1867, Т. № 11.

битмас-туганмас бойлик — пахта ҳамда ипак бор. Ҳозирда эса улар ҳали ривожланмаган. Аммо билим-донлик билан иш юритилиб, улар кенг кўламда ривожлантирилса, у вақтда Россия фабрикаларини пахта ва ипак билан таъминлаш мумкин. Шундагина уларни чет мамлакатлардан келтиришга эҳтиёж қолмайди¹. Худди шундай фикрни 1868 йилда «Русский вестник» газетаси ҳам баён этган эди.

Ана шундай мақсадларда, метрополия манфаатлари учун XIX асрнинг 60-йилларидан то 1917 йилгача бўлган даврда пахтани ривожлантириш ва ундан оли-надиган даромадларни кўпайтириш ҳаракати бутун ўлка бўйлаб кент қулоч ёди. Барчанинг фикри-зикри пахтага қаратилиб, чор ҳукумати ва савдо-саноат доира-ларини пахта «васвасаси» чулғаб олди.

Кундалик ҳётда пахтанинг мавқеи шу даражада ошиб кетдики, ўлкада ҳам, Россияда ҳам кўпдан-кўп кишилар шу соҳага боғланиб қолдилар. Бу ҳақда Россия дәҳқончилик департаментининг таникли вакили В. И. Масальскийнинг ёзишича: «Қисқа вақт ичida Туркистонда пахтачилик билан маҳсус шуғулланувчи корхоналар пайдо бўлган. Шароитга мос тушадиган Америка пахта навлари иқдимлаштирилди ва пахта то-залаш заводлари курилган, анча такомиллаштирилган дәҳқончилик куроллари юзага кела бошлаган. Пахта билан иш юритувчи йирик фирмалар фаолият кўрсата бошлаганлар. Пахтани тозалаш ва транспорт усуслари яхшиланган.

Хуллас, пахтачилик ривожланиб, бу соҳа ўн минг-лаб кишиларни ҳамраб олган, 100 минглаб одамларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган ва 10 миллион-лаб сўмлар муомаласини ўз ичига олган катта ишга айланган».²

XIX асрнинг охирларига бориб, пахтачиликнинг мавқеи юқорига кўтарилган сари, пахта майдонларини кенгайтиришга бўлган эҳтиёж кучайиб борди. Ўлкада пахта етиштиришга ихтисослашган ерларнинг ҳажми куйидаги тарзда ошиб борди:³

¹ Ўша жойла.

² М а с с а л ь с к и й В. И. Хлопковое дело в Средней Азии и его будущее. С.-Пб. 1892, с. 26.

³ Бу ерда шуни айтиб ўтиш дозимки, манбаларда у ёки бу вилоятдаги пахта майдони ва ҳосилининг ҳажмига доир рагамларнинг бир-бирларидан маълум даражала фарқи бор, тафовут учалик катта бўлмасада, лекин уни зътиборга олиш мақсадга мувофиқидир.

ЙИЛЛАР	Фарғона вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспий орти вилояти	ЖАМИ
	Десятина	Десятина	Десятина	Десятина	Десятина
1888	34689	25841	7980	160	68650
1889	50716	25841	9265	100	85920
1890	51141	23500	17348	900	92889
1891	66294	15480	20643	1300	103717
1892	89784	23490	24844	1700	139818
1893	85300	31500	21488	4000	142288
1894	82300	13900	16412	3800	116452
1895	109701	14104	15223	3500	142527
1896	128726	14308	18144	12300	173278
1897	116802	14512	16142	11000	158456
1898	106230	14716	17132	14000	152078
1899	155283	14920	2337	6500	200073
1900	186326	15123	22825	10000	234274

Шундай қилиб, бутун Туркистон ўлкасида пахта майдони 1895 йилда 14252 десятина ҳисобланган бўлса, 1900 йилда 234274 десятинага етди. Бунинг ярмидан кўпроғи Фарғона вилоятига тўғри келарди. Пахта майдонларининг кенгайтирилиши ва ҳосилнинг кўпайиши орқасида олинадиган даромадлар «пахта васвасасини» кучайтириб, Россиядаги манфаатдор саноат-савдо доираларини ўзига ром қилиб қўйди. «Пахта, — деб ёзган 1908 йилда «Туркестанские ведомости» газетаси, — бутун Туркистон ўлкаси ҳаётининг асосий йўналиши сифатида гавдаланмоқда. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд ва Каспий оргидаги вилоятларнинг туб ахолиси ва руслар ҳамда Бухоро ва Хива хонликларида гиларнинг ҳаётини барча тармоқлари кўп жиҳатдан дунёда энг фойдалик ўсимлик — пахтага боғланиб қолди..., Россиянинг Туркистон ўлкасини босиб олиши билан жавоҳир қўлга киритилган бўлса, ҳақли равишда айтиш мумкин, бу жавоҳирнинг бири бўлмиш — пахта Туркистон ўлкасини Россияга тамомила боғлаб қўйди..., ҳозирда Туркистон ўлкасидаги бутун борлик пахтада ва ҳеч бир нарса пахтадан холи эмас»¹.

Мазкур сатрлар пахта халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига кириб борганлигидан далолат берди. Пахта-

¹ Туркестанские ведомости. 1908, № 151.

чиликни тобора ривожлантириш мустамлакачилар учун куннинг долзарб вазифасига айланган эди. Шу боис, XX аср бошларида ҳам Туркистон ўлкасида пахта экиш майдонлари куйидаги тарзда тобора кенг қулоч борди.

ЙИЛЛАР	Фарғона вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспий орти вилояти	ЖАМИ
1901	Десятина 210279	Десятина 15327	Десятина 23407	Десятина 11000	Десятина 260013
1902	174216	15530	16343	16000	222089
1903	149056	11019	9312	22000	191887
1904	186828	17812	18307	31000	353647
1905	166789	13302	18737	11000	191111
1906	189869	24366	13937	32000	254647
1907	199994	32125	15521	34000	288640
1908	190884	28007	21683	42000	282574
1909	208053	31463	31269	31000	301785
1910	235891	35675	25224	28000	324790
1911	268317	49268	28666	38000	383281
1912	255566	64450	29130	42319	319465
1913	274897	76726	31758	43000	426381
1914	283000	84399	30846	62260	460505
1915	333525	74050	55573	57466	523614
1916	348469	64535	60305	60362	533671
1917	286699	56134	42004	33953	418790

Ушбу рақамлардан аён бўлишича, ўлка бўйича пахта майдони 1901 йилда 260013 десятина бўлган бўлса, 1910 йилда 324790 десятина, 1916 йилда эса 533671 десятинага кўпайган¹, яъни кўрсатилган йиллар орасида экин майдони икки маротабадан ортиқ даражада ошди. Бунга чор хукуматининг олиб борган амалий тадбир-чоралари, яъни Америка пахта навларини иқдимлаштириши сабаб бўлган эди. Бу пайтга келиб, яъни XX аср бошларига келиб Туркистон пахтасининг сифати ўрта даражадаги Америка пахтасидан паст эмас, балки юқори бўлганлигини ўша давр замондошлари ҳам эътироф этганлар.²

XX аср бошларида ўзбек пахтаси Россия тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб берадиган даражага етса-да, пахтачиликни янада ривожлантириш ма-

¹ Демидов А. П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. М., 1926, с. 43.

² «Туркестанские ведомости». 1908. № 151.

саласи кун тартибидаги долзарб муаммо бўлиб қолаверган, бу ҳақда турли таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган. Масалан матбуотда бу ҳақда шундай фикрлар билдирилган: «Амударё суви билан сугориладиган ерлардаги дехқончилик ўсимликлари орасида пахта биринчи ўринда туриши лозим... Ҳозирчалик чет элдан ҳам пахта келтирилмоқда, лекин вақти келиб пахтамизни четга чиқаришимиз мумкин. Аммо ҳали бунга эришганимиз йўқ. Тез орада Туркистон пахтаси Россиянинг Америка пахтасига эътиёжини камайтириб, жаҳон бозорига таъсир этади.»¹

Туркистон ўлкасида пахтачиликни энг юқори босқичга кўтарилиган вақти 1915 йилда кўзга ташланади. Маълумки, бу вақтда биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россияга Америкадан пахта келтиришнинг имкони бўлмади. Бу ўзбек пахтасига бўлган эътиборни ва талабни янада кучайтириди. Айни бир пайтда, пахтанинг нархи ҳам ошиб борди. Масалан, 1898 йилда Фарғона вилоятидаги бир пуд пахта 1 с. 50 т. — 1 с. 80 тийин ўртасида бўлса, 1905 йилда — 3 с. 33 т, 1910 — йилда 4 с. 45 т, 1916 йилда — 8 с. 50 т. ва 1917 йилда — 33 сўм баҳода харид қилинган.

Пахта дехқонлар томонидан машаққатли меҳнат ва азоб-укубатлар билан етишириларди, лекин хузурини бошқалар кўрди. Чунончи, етиширилган пахта ҳосили турли фирмалар томонидан харид қилиниб, Россиядаги саноат корхоналарига жўнатиларди. Улар пахта тозалайдиган ва тойлайдиган заводлар курдилар. Шунингдек, пахта плантацияларини ташкил этиш ва дехқонларга қарз бериш йўли билан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритдилар. Айниқса, «Ярославль катта мануфактура ширкати» пахтани харид қилишда салмоқли ўрин эгаллади. У ҳатто Андижон, Самарқанд ва Хўжандда 2750 десятинадан иборат пахта плантацияларига эга бўлиб, даромадни янада кўпайтиришга ҳаракат қилди, ўлкада унинг 16 та пахта тозалаш заводлари бор эди.

XIX асрнинг 80-йилларида «И. К. Познанский илгизлама акционерлик жамияти» ўз фаолиятини бошлаб, катта ҳажмдаги пахта савдоси билан шуғулланган. Масалан, у 1890—1897 йилларда 1120000 пуд пахтани сотиб олган эди. Унинг бўлимлари фақат Туркистон генерал-губернаторлигига эмас, балки Бухоро хонлигига ҳам бўлган. 1905 йилда Фарғона, Самарқанд ва Каспий орти

¹ «Туркестанские ведомости». 1908. № 151.

вилоятларида ҳамда Бухоро ва Хива хонликларидаги унга тегишли заводларни ўз ичига олган «Хлопок» («Пахта») акционерлик жамияти тузилди. 1909—1910 йилларга келиб, бу жамиятнинг пахта бўйича савдо обороти ўз даври учун салмоқли 11.5 миллион сўмга етди.¹

1888 йилдан бошлаб «Бр. Шлосберг» савдо уйи йирик пахта савдосини олиб борган. Унинг Самарқанд, Кўқон ва Бухорода идоралари ишлаб турган. У Андижон, Наманган, Кўқон, Самарқанд, Асака, Каттакўрғон, Бухоро, Термиз, Коракўл, Кува ва ўлканинг бошқа жойларида минглаб пуд пахтани харид қилган. Унинг пахта бўйича савдоси куйидагича ўсиб борган:²

1888—89 йилларда — 200000 пуд.	1893—94 йилларда — 443705 пуд.
1889/90 йилларда — 300000 п.	1894/95 йилларда — 566575 п.
1890/91 йилларда — 388000 п.	1895/96 йилларда — 841250 п.
1891/92 йилларда — 507000 п.	1896/97 йилларда — 1395750 п.

Бинобарин, «И. К. Познан» савдо уйи 1889 йилда 200000 пуд пахтани харид қилган бўлса, 1896/97 йилга келиб бу рақам 1395750 пудни ташкил этди. Шунга ўхшаш йирик пахта савдоси билан «Никольский ширкати» ва «Савва Морозов ўғли ва К°Н ширкати» шуғулланганлар. «Н. Кудрин ва К° Ўрта Осиё саноат ширкати» пахта билан савдо қилувчи энг йирик харидорлардан бири ҳисобланган. Бу фирманинг фаолияти шу даражада кенг кулоч ёйники, 53 фирмаларни ўз ичига олган эди. Хусусан, Богорадско-Глуховский, Твер, Волга, Никольски, Собин, Долматовский, Н. Коншин, Т. С. Морозов ва бошқа номлардаги кўп фирмалар шулар жумласидандир. Ширкатнинг бир нечта пахта тозалаш заводлари бўлиб, ўлканинг кўп жойларига Америка пахта чигитини экиш учун тарқатган.

XIX асрнинг 90-йилларида Фаргона вилоятида «Эрон ва Ўрта Осиё саноат», Л. Кноп, Алексеев, Познанский (Лодз), Ярославль мануфактураси, Панфин, Аренс ва Комп, Сальев, Швецов, Шмидт ва Комп, Мейеркарт, Рабенок ва Рябушинский фирмалари пахта билан савдо қилганлар.

Самарқанд вилоятида пахта савдоси билан Ярославль катта мануфактураси, Познан, Шлосберг, Миндор ва Стакович фирмалари шуғулланганлар.

¹ Вексельман М. И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии /конец XIX — нач. XX вв.). Ташкент, 1987. с. 3.

² Уша жойда, 34-бет.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Потеляхов, Вадъяев, Симахов, Давидов сингари фирма эгалари ҳамда Миркомил Мирмўминбоев ва бошқа қатор маҳаллий бойлар ҳам пахтани харид қилишда фаол қатнашганлар. Аммо пахта харид қилиш асосан банклар ва фирмалар қўлига тўплланган эди. Ўлкада ташкил этилган давлат банклари, хусусий ишбилармонлар ва банкларнинг элликлаб бўлимлари пахта етиштириш ва харид қилишга маблағларини сарфлаб, катта даромад олганлар. Пахтани сотиб олишда банклар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Шу тариқа фирмалар, банклар ҳамда Россиянинг бошқа савдо-саноат вакиллари пахта савдосини тамомила ўз кўлларига олгандилар. Бу ҳол XIX асрнинг 80—90-йиларида ёқ қизгин тус олган эди.

Кўрилаётган даврда Россияга олиб кетилган пахтанинг ҳажми қўйидаги тарзда бўлган:

Йиллар	Пахта, пуд	Йиллар	Пахта, пуд
1886	0,3 млн.	1901	6,9 млн.
1887	0,7 -/-	1902	6,0 -/-
1888	1,1 -/-	1903	5,6 -/-
1889	1,5 -/-	1904	6,4 -/-
1890	0,6 -/-	1905	5,5 -/-
1891	—	1906	90 -/-
1892	3,0 -/-	1907	10,8 -/-
1893	3,6 -/-	1908	8,3 -/-
1894	2,6 -/-	1909	9,8 -/-
1895	2,9 -/-	1910	9,0 -/-
1896	3,2 -/-	1911	11,6 -/-
1897	4,7 -/-	1912	11,5 -/-
1898	4,4 -/-	1913/14	12,8 -/-
1899	4,6 -/-	1914/15	14,6 -/-
1900	5,0 -/-	1915/16	18,8 -/-

Демак, 1886 йилда 3 млн., 1900 йилда 5 млн. ва 1907 йилда 10,8 млн. пуд пахта Россияга юборилган бўлса, 1915/16 йилларда у 18,5 млн. пудга етди. Бу вақтда Америкадан пахта келтириш мушкуллашгани натижасида Россия тўқимачилик саноатини ўзбек пахтасига эҳтиёжи янада ошиб борган.¹

Шу сабаб пахта экин майдонлари янада кенгайтирилди. Унинг бошқа экинларга нисбати қўйидагича бўлган:

¹ Туркестанское сельское хозяйство. 1916, № 17, с. 93.

натижасида Россия тўқимачилик саноатини ўзбек пахтасига эҳтиёжи янада ошиб борган.¹

Шу сабаб пахта экин майдонлари янада кенгайтирилди. Унинг бошқа экинларга нисбати қуйидагича бўлган:

1. Кузги ва баҳорги бугдой	824903 дес.
2. Пахта	533614 дес.
3. Арпа	158300 дес.
4. Шоли	153448 дес.
5. Тарик	68507 дес.
6. Жўхори	60927 дес.
7. Маккажўхори	52658 дес.
8. Беғлар ва узумзорлар	48000 дес.
9. Полиз экинлари	98679 дес.
10. Сули	30301 дес.
11. Кўнок	6742 дес.
12. Дуккакли ўсимликлар	6025 дес.
13. Куњкут	6846 дес.
14. Зигир	4195 дес.
15. Бошқа экинлар	3042 дес.
Жами	1999065 дес.

Ўлқада етиширилган пахтанинг деярли ҳаммаси хом ашё сифатида Россияга олиб кетила берди. 1911 йилги маълумотга кўра, пахтанинг 84%и Россиянинг марказий районларига жўнатилган.

Пахтанинг аҳамияти шу даражада катта бўлганки; 1912 йилда ўлқадан Россияга чиқарилган молларнинг умумий қиммати 200 млн. рубль ҳисобланган бўлса, шундан 138 млн. рублни, яъни 70%ни пахта ташкил қилган. Буни 1867 йилда 5513422 рубль ҳажмда Россияга олиб кетилган пахта миқдорига солиштирилса, у вақтда пахтачиликнинг қанчалик юқори поғонага кўтарилигини кўриш мумкин. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар янада аниқ гувоҳлик беради:

Ўзбек пахтаси Россия тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг

- 1890 йилда — 8%;
- 1900 йилда — 33%
- 1910 йилда — 43%
- 1914 йилда — 58%
- 1916 йилда — 72% ини ташкил қилган.

Пахта етиширишдаги барча машақат дехқонларнинг зиммасида эди. Пахта экилганидан то теримгача бўлган вақт ичida банклар, фирмалар ва бошқа кўпдан-кўп манфаатдор доиралар дехқонларнинг ҳол-аҳволи билан қизиқмай, четда турганлар. Аммо терим бошли-

Худди шундай оғир вазиятда уларга банклар «ёрдам қўлини» чўзарди. Бу олди-бердини амалга оширишда қишлоқ оқсоқоллари, аравакашлар, пахтани чигитдан ва чангдан тозалашни ўюнтирувчи — чистачилар восита-чилик қилганлар. «Чистачи» фақат тозалаш билан чегараланмай, фирмалардан пул олган ва қарзга уни деҳқонларга улашган. Чистачи ўзи яшаётган жойдаги кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхши билган. У қарз берадётганда деҳқон ерининг қийматини (баҳосини) хисобга олган. Чистачи мижозларни алдашни, тарозидан уриб қолишни жуда яхши билган. У вақт ўтиши билан бойиб кетиб, фирмалардан узоқлашган ва мустакил иш юритган¹. Деҳқонлар қарздорлик шартномасида кузда пахта ҳосилини белгиланган нархда қарз берган фирмага ёки бошқа судхўрларга топширишни ўз зиммасига олганлар. Акс ҳолда, уларга катта жарима солинарди.

Одатда банклар фирмаларга 8—9 фоиз фойдаси билан пул берган бўлса, фирмалар бу пулни 12—16 фоиз хисобида чистачига ўтказган. Чистачилар эса пулларнинг маълум қисмини 25—40 фоиз фойдаси билан аравакашларга берган.

Пахтакорларнинг кўпчилигида от-арава бўлмаганини туфайли пахта қабул қилувчи жойларга ўз маҳсулотини олиб боролмас эдилар. Бундан фойдаланган аравакашлар чекка ва йўллари ёмон қишлоқларга боришиб, пахтани арzon баҳода харид қилганлар. Хуллас, банклар қарзга берадиган пуллар бир неча кишилар, хусусан, фирмалар, чистачилар ва аревакашлар орқали кириб, уларга келтирадиган фойдаси 100 ва ундан ортиқ фоизга кўпайган. Чистачи, аревакаш ва пахтани харид қилувчи бошқа кишилар деҳқонларнинг саводсизлиги ва соддалигидан фойдаланиб, пахта сифатини пасайтириб, хисобдан адаштирганлар.

«Фарғонада, — деб ёзган ўша давр мухбири, — туб аҳолининг турмуши ва пахтани ривожланишини кўриб шундай хulosага келдимки, пахта нархини оширадиганлар деҳқонлар эмас, балки даллоллар (чистачи ва аревакашлар ҳ.з.)дир. Пахта рақобати учун курашда фирмалар ўзларининг даллоллари орқали деҳқонларга пулларни қарзга тарқатадилар. Фирмалар номидан қарз пулини тарқатган даллоллар имкони борича пахтани арzon баҳода олишга ва уни фирмага қимматга сотишга ҳаракат қиласидилар. Ҳақиқатдан ҳам деҳқонлар пахтани

¹ Демидов А. П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. С. 112.

яхши нархда сотадилар, лекин буни қарз олмаган хўжа-ликларгина қила оладилар. Аммо қишлоқларда бунга ўҳшаган оиласлар кўп бўлмай, пахта баҳосини оширишга таъсир кўрсата олмайдилар. Маҳалий аҳолининг кўпчилиги эса даллолларнинг ўргимчак инларига ўҳшаш панжаларига тушган бўлиб, ундан кутулишнинг ҳеч иложи йўқ¹. Аслида мазкур «Ўргимчак инлари» банкларга ва фирмаларга тегишли бўлиб, чистачи ва аравакашлар воситачи эдилар, холос. Уларнинг қанчалик мустаҳкамлиги ва доирасининг кенглигини Фарғона вилояти мисолида яқол кўриш мумкин. Бу ерда «Русско-азиатский», «Сибирский торговый», «Волжско-Камский коммерческий», «Московский коммерческий», «Русский для внешней торговли», «Московский купеческий», «Азовско-Донской коммерческий» сингари саккизта банк пахта хариди билан шугулланган. Булардан ташқари, турли мануфактура фирмалари ҳам иш юритганлар. Масалан, «Товарищество мануфактур Людовик Рабенек», «Данилевская мануфактура», «М. В. Коновалов и С-Н», «Альберт Гюбнер», «Эмил Циндел», «В. Е. и А. Ясюнинских», «Н. М. Бордыгина Н. К.», «А. Картениковой С-М.», «М-ры», «Товарищество Большой Кнешемской м-ры», «Товарищество Ярославской Большой М-ры», «Товарищество Прохоровской Трехгорной М.ры», «Товарищество Российско-Американской мануфактуры», «Греугольник», «Фабрикант», «Н. О. Прус и К°», «Торговый дом», «Пинхас и Рыбаков», «Братья Крафт», «А. В. Швецов и сыновья», «Товарищество для торговли и промышленности в Персии и Средней Азии», «Андельское промышленное торговое товарищество», «Искандар», «Туркестанское торгово-промышленное товарищество К.И. Соловьев и К°», «Акционерное общество «Хлопок», жами қирқдан ошиқ фирмалар шулар жумласидандир².

Кўриниб турибдики, кўпдан-кўп савдо-саноат тармоқлари ва банклар мўмай даромад манбаига арига ўҳшаб ёпирилиб, дехқонлар «қонини сўриб» ётганлар. Улар бу ишни тил ва маҳалий шароитни билмаганликлари учун чистачи, аравакаш ва пахта тозалаш заводларини курган туб аҳоли вакиллари орқали амалга оширганлар.

Чор ҳукумати ва капиталистларнинг пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чоралари бир томонлама

¹ «Окраина», 1907, № 220.

² Кокандский биржевой комитет за 1913 г. Коканд. С. 229—230.

амалга оширилиб, дехқонларнинг турмушини яхшилашга ҳаракат қилинмаганлигини ўша даврда яшаган ва бунга гувоҳ бўлган рус кишиси ҳам таъкидлайди. Чунончи, у шундай ёзади: «Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган чораларининг салбий томони шундан иборатки, уларни тайёрлашда ва ҳаётга тадбиқ этишда аҳолининг манфаатдор доиралари қатнаштирилмади... тўқимачилик саноати ва пахта савдоси билан шугулланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинди-ю, лекин пахтакорлар эътибордан четда қолдирилди».

Бошқача айтганда, на хукумат, на фирма ва на бошқа пахтанинг ҳузурини кўрувчи доиралар пахтакорларнинг манфаатларини таъминлашни хаёлларига ҳам келтирмай, кўпроқ ўзларининг бойликларини ортиришга муккасидан тушиб кетдилар. Масалан, 1906—1907 йил мавсумида ўлқадан Россияга олиб кетилган 160 млн. сўм миқдордаги молларнинг 135 млн. сўми пахтага тегишли эди. Ҳуш, катта ҳаждаги бу маблағ нима учун сарфланди? Ёки унинг қанча қисми пахтакорларга тегди? Аниқ маълумотларга мурожаат қилиб, бу маблағнинг қандай тақсимланганлигини кўриш мумкин:

Темир йўл ва суурта жамиятига — 10 млн. сўм.

Маҳаллий судхўрлар ва бошқа кимсаларга — 5 млн. сўм.

Пахтани тозалаш ва тойлашга — 3200000 сўм.

Давлат ва хусусий банклар томонидан қарзга берилган пулларнинг фоизига — 3 млн. сўм.

Пахта савдосида даллоллик қилувчи ишбилармонларга — 2 млн. сўм.

Транспортга воситачилик қилувчи жамиятларга — 2 млн. сўм.

Россия фабрикаларига пахта тойларини ўрашга ишлатиладиган мато учун — 1,5 млн. сўм.

Пахтани боғлашга ишлатиладиган симлар учун — 300.000 сўм.

Темир симларни ташиб келтириш учун темирйўлга — 200.000 сўм.

Янги заводлар куриш учун — 500000 сўм.¹

Маблағлар юқорида шарҳланган тарзда тақсимлангач, жами 135 млн. сўмдан 101 млн. сўм қолган. 101 млн. сўмдан 75 млн. сўм саноат молларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни қоплаш ҳисобига Россияга қайта-

¹ «Окраина», 1907, № 220.

риб олиб кетилган. Колган маблағ 26 млн. сўм деҳқонларнинг ҳаётини таъминлашга етарли бўлмаган. Чунки унинг талай қисми банклар ва судхўрлардан олинган қарзни тўлашга кетарди. Чунки уларнинг қарзга оладиган пуллари етиширилган паҳтанинг қийматига нисбатан бир ярим баробар кўп эди. Буни солишириш учун яна қўйидаги аниқ маълумотларга мурожаат қилиш мумкин:

Вилоятлар	Бир пуд паҳтанинг қиймати, сўм	Қарз пулининг миқдори, сўм
Фарғона	1 с. 85 т.	2 с. 77 т.
Самарқанд	1 с. 62 т.	2 с. 48 т.
Тошкент	1 с. 82 т.	2 с. 76 т.
Каспий орти	2 сўм	3 сўм

Демак, Фарғона вилоятида бир пуд паҳтанинг қиймати 1 сўм 85 тийин турган ҳолда, қарз пулининг ҳажми 2 сўм 77 тийинга борган. Бундай аҳволни бошқа вилоятлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Одатда, чистачи ва фирмаларнинг вакиллари қарз беришдан олдин ҳар бир хўжаликнинг таъминланиш даражаси, ернинг ҳосилдорлиги ва, умуман, унинг паҳта етишириш имконларини аниқлаганилар. Ўшбу хўжаликдан паҳта олишга ишонч ҳосил қилингандагина қарз пули расмийлаштирилган. Бу ҳақдаги хужжатлар қозининг муҳри билан тасдиқланган. Кўп ҳолларда қарз пулининг 50 фоизи эрта баҳорда, колган қисмлари эса ёзнинг ўртасида ва теримдан кейин берилган. Қарздорлик хужжатига биноан, ҳар бир хўжаликка ўзи етиширган паҳтани фақат қарзга пул берган шахсга сотиш шарт эди. Масалан, 1914 йилда Мирзачўлда Вадъяев савдо-саноат ширкати билан бир паҳтакор хўжалиги ўртасида тузилган шартномасига кўра, деҳқон паҳтасини кўрсатилган ширкатга сотиш лозим эди. Бу вавда бажарилмаган тақдирда хўжалик ширкатга 300 сўм жарима тўлашни ўз зиммасига олган.

Фирмалар ва чистачилар паҳтакорларни қаттиқ назорат остида ушлаб, уларни бозорларда эркин савдо қилишдан маҳрум қилганилар. Шу тариқа, Туркистон ўлкасида етиширилган паҳтанинг 90 фоизи қарз пули воситасида рус савдо-саноат доиралари ва чистачи-

ларнинг кўлига тушган. Масалан, 1913—1914 йил мавсумида етиштирилган пахтанинг умумий қиймати 138.282.677 сўм турган бўлса, шундан 85.412.881 сўми фирмаларга, 47.282.677 сўми чистачиларга тегишли эди.

Фирмалар, чистачилар ва аравакашлар пахтакорларни қарздорлик занжирида қаттиқ ушлаб туриш учун қарзнинг маълум қисмини, чунончи, фирмалар қарз пулнинг 10 фоизини, чистачилар айрим ҳолларда 40—50 фоизини атайлаб кейинги мавсумга қолдиришган. Бу билан улар дехқонни кейинги мавсумда ҳам пахта экишга мажбур этиш ва уни доимий мижоз сифатида сақлаб туришни мақсад қилиб кўйган эди. Дехқон ночор ахволга тушиб, қарзни тўлашга имкони қолмаса, дарҳол мол-мулки тортиб олинган. Натижада ерсиз хўжаликлар ўлканинг айрим районларида 40 фоизни ва уйсиз кишилар эса 25 фоизни ташкил қилган. Умуман, Туркистон ўлкаси бўйича 44 фоиз дехқон хўжалиги 1 десятинагача, 32 фоиз дехқон хўжалиги 1—2 десятина, 4,2 фоиз хўжалик 10—12 десятина унумдор ерларга эга бўлган. Фарғона вилоятида — 41,3, Сирдарё вилоятида — 26,6, бутун Туркистон ўлкаси бўйича 30%га яқин дехқон хўжалиги уй ҳайвонларига эга эмас эдилар. Айтиб ўтиш лозимки, пахтакорларга қарз пул билан берилмаган. Айниқса, XX аср бошларида пул ўрнига ун, галла, чой, газлама ва бошқа нарсалар берилган вақтлари бўлган. Бу пахтакорларни хонавайронлика олиб келган. Чунки баҳорда кўрсатилган молларнинг нархи 3—4 баробар ошиб кетарди. Қарз берувчилар эса, саноат ва озиқ-овқат молларини шу вақтдаги бозор нархида пулга чақардилар. Бироқ пахтакор ерни ҳайдаш, иш ҳайвони ва дехқончилик қуролларини сотиб олиш учун пулга зарур бўлиб қоларди. Натижада у қарзга олган молларини бозорда арzon баҳода сотишга мажбур бўлган. Пахтакор дехқон баҳорда иш ҳайвонини қимматга олган. Уни қишида бокиши қийинлиги туфайли яна кузда арzonга сотишга мажбур бўлган.

Ўлканинг баъзи туман ва қишлоқларида экин майдонларининг 80—90 фоизига пахта экилар эди, натижада озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашак танқислиги ўзага келарди. Бу ҳол пахтакорларни озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан қиммат баҳоларда сотиб олиштага мажбур этиб, улар ахволининг янада ёмонлашишига олиб келган.

Пахтачиллик ҳақида ҳукумат миқёсида икки хил фикр мавжуд эди. Биринчи фикр тарафдорлари таклифига кўра сугорилаётган пахта етиштиришни кўпайтириш лозим эди. Бунинг учун ғалла ва бошқа экин экиладиган ер майдонлари қисқартирилиб, улар ўрнига ҳам пахтанинг кўп экилиши кўзда тутилар эди. Бундай қилинса, фақат Туркистон пахтасидан эмас, балки Россия ғалласини ўлкага келтириб сотишдан ҳам даромад олинарди. Боз устига, ўлкада пахтачилликнинг ривожлантирилиши Россияни Америка пахтасига қарамликдан озод қилиб, сарфланаётган миллионлаб сўмларни тежаш имконини берарди. Шунинг учун ҳам Россия дәхқончилик вазири Кривошеин ўлкада бўлганда: «Туркистон ғалласи Россия ғалласига, пахтаси эса Америка пахтасига рақибdir», — деган эди. Бунинг маъноси шундан иборатки, борди-ю ўлкада ғалла кўп етиштирилса, пахта камаяди, ғалла эса кўпайиб, Россия ғалласига эҳтиёж қолмайди. Натижада, Россия икки томонлама зиён кўради. Иккинчи фикр тарафдорлари эса пахтачилликни кенг кўламда ривожлантиришни янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига юқори поғонага кўтариш таклифини ўргатга сурғанлар. Аммо бу таклиф деярлик инобатга олинмаган.

Демак, мустамлакачилар ўз олдиларига «ўлка аҳолисининг аҳволи нима кечса кечсин, лекин Россия пахтадан ҳам, ғалладан ҳам фойда олиши лозим» деган мақсадни қўйғанлар ва шуни кўзлаб иш олиб борганлар. Бундай сиёсат ўлкада озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига ва нархларнинг ошишига олиб келди. Эндиликда ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида буғдой етиштириш тобора камайиб, рус ғалласига қарамлик кучайиб бораверди.

Ўлка Россия томонидан босиб олингандан кейин озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб бораверган: Туркистонни руслар томонидан урушиб олинишидан сўнг, дейилади ўша давр манбаларида, унинг иқтисодий аҳволи анча ўзгарди. Бу ерда мазкур ўзгаришлар хусусида гапиришнинг ҳожати йўқ. Айтиш керакки, руслар келгунга қадар Тошкентда гуруч, буғдой ва бошқа ғалла маҳсулотлари ҳайратга соларлик даражада арzon бўлган. Масалан, маҳаллий аҳолининг сўзига кўра бозор куни келтирилган ва жуда арzonлигига қарамай сотилмай қолган буғдой турган жойида ҳафталааб ҳеч қандай қаровсиз қолган. Ўша вақтларда дәхқончилик ўсимлеклари қатори пахта ҳам кўп экилган. Чунки бу

ўсимлик тури жуда даромадли соҳа ҳисобланган. Руслар келганидан кейин эса озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб борди.

Бу ерда айтилганидек, ҳақиқатдан ҳам хонликлар даврида пахтчиликка катта эътибор қаратилган бўлсада, озиқ-овқат маҳсулотларига зарар етказмайдиган даражада, яъни меъёрида етиштирилган. Бу хусусда яна бир муаллифнинг фикрини келтириш айни муддаодир. Унинг ёзиича: «Руслар келгунга қадар пахта Ўрга Осиёда ташки бозор нуқтаи назаридан эмас, балки кўпроқ маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун етиштирилган. Ўзбекларнинг меҳнатсеварлиги ва юксак деҳ-қончилик маҳорати ҳамда сугориладиган ерларнинг унумдорлиги туфайли Туркистонда озиқ-овқат жуда мўл-кўл бўлган. Ўлканинг четдан ғалила, ем-хашак ва чорвачилик маҳсулотларини олишга эҳтиёжи бўлмаган. Ҳунармандчилликнинг ривожланганлиги туфайли хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган фабрика молларини ўлкага келтиришга зарурият туғилмаган, у даврларда озиқ-овқатлар ва ишчи кучлари ниҳоятда арzon бўлган».¹

Чор ҳукуматининг ҳукмронлиги даврида эса аҳвол ўзгариб, ўлкада пахта яккаҳоқимлигини барпо этишга қаратилган сиёsat изчилилк билан амалга оширилиб борилди. Бундай ҳаракат туб аҳолининг эмас, балки мустамлакачиларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилганлигини изоҳлашнинг ҳожати йўқ эди, албатта. Буни маҳаллий аҳоли жуда яхши англарди. Бу ҳақда матбуотда баён этилган куйидаги маълумот ҳам далолат беради: «Туркистонда «Россия фабрикаларини таъминлаш учун пахтчилик ривожланмоқда, ўлкага мустамлакачиллик нуқтаи назаридан қаралмоқда ҳамда фабрика эгаларини бойитишга ҳаракат қилинмоқда, деган фикрлар ҳукм сурмоқда»².

Пахтакорлар ва деҳқонлар оммаси турли солиқлар ва мажбуриятларнинг оғирлигидан ҳам озор чекканлар. XX аср бошларида пахтакорларнинг қарз пуллари кўпайиб кетганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Буларга кўра 1912 йилда пахтакорлар давлат ва хусусий банклардан ҳаммаси бўлиб 156.712 минг сўм қарз эдилар. Шундан 80979 минг сўми (51 фоизи) Фарғона вилоятига тегишли эди.

¹ «Русский хлопок». М., 1923, С. 25.

² «Голос». 1898, № 17.

Вилоят уездлари	Васиқа бў- йича берилган қарз, сўм	Битимнинг сони	Гаровга берилган пул, сўм	Битим сони
Марғилон	3666322	40507	160302	2322
Наманган	799484	11479	3000252	22793
Андижон	1720885	15443	680164	4482
Кўқон	617126	8890	212230	23508
ЖАМИ	6800817	76319	4052948	53105

1901 йилга тааллуқли ушбу ҳужжатдан маълум бўладики, васиқа, яъни пулни фоизи билан тўлайдиган қарз миқдори 6800817 сўмни, кўчмас мол-мулк бўйича гаровга берилган қарзнинг ҳажми 5962948 сўмни, жамлаганда 12763765 сўмни ташкил этган.

1911 йилга келиб бу қарз пули бир неча маротабага кўпайган.

«Қарздорлар қарзнинг бир неча маротаба ўсганлиги ва ниҳоятда оғир устама тўловлари остида толиққанлигига қарамай ёки тўлай олмаслиги орқасида қаттиқ қийноқ остига олини. Қарзларни ундириш фақат молмулк билан чегараланмаган. Баъзи вақтларда Европада аллақачонлар қолиб кетган усууллар қўлланилган. Айрим фирмалар ўзбошимчалик билан чорва молларини тортиб олиб, ўз одамлари орқали уларни бозорда сотдирганлар ва пулинни омонат кассага ўтказганлар. Баъзи оғир савдогардар қулоқ эшифтмаган зўравонликларни қилиб, қарздорларни ўз омборларига қамаганлар ва уларнинг қариндошлари томонидан сотиб олиниши ёки қарзни тўланишини кутганлар. Қарздорларни калтаклаш ва жазолаш ҳар йилги пахта мавсумининг такрорланиб турадиган оддий воқеаси ҳисобланган. Баъзи вақтларда ҳатто қарздорларнинг хотинини сотишгacha борилган. Пировардида умиди пучга чиққан қарздорларнинг иши адвокатларнинг қўлига ўтган. Адвокатнинг барча ҳаржатлари пахтакорларнинг фирмаларда сақланаётган қарздорлик ҳужжатларига қўшимча тўлов сифатида ёзib борилган».¹

Шу тариқа, бечора пахтакорларнинг қарзига қарз кўшилиб, шўри қуриган. Пахтакорларнинг шафқатсизларча таланиши ҳақида куйидаги маълумотлар ҳам да-

¹ Демидов А. П. Кўрсатилган асар. 124-6.

лолат беради: «Ўрта Осиёда пахта савдоси шундай бир усулда олиб бориладики, ундан фақат йирик ва майдада банклар ҳамда аравакашлар ва чистачилар катта даромад оладилар. Пахтакорлар эса сарфланган меҳнатини ва маблағини қоплай олмай, мол-мулкидан ва еридан маҳрум бўлади».¹

Пахтакорларнинг шунга ўхшаш ачинарли ҳаёти бошқа манбаларда ҳам ўз аксини топган. Чорикор, мардикор ва бошқа бир парча ерга эга бўлган дехқонларнинг турмуш тарзини кўрган бир замондош буни шундай тасвирлайди: «Дехқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада ачинарлики, унга ўхшаганини бошқа бирор жойда кўрмаганман. Уйдаги бор нарса ерда ёки девор тагларида онда-сонда турган 2—3 та темир ва 2—3 та сопол идишлардан иборат, холос. Уни бурчагида хунук, йиртиқ ва яғири чиққан бир нечта ёстиқ ва кўрпачалар пала-партиш тўпланиб ётибди. Дехқонлар қорамтирик кўкрагини қиши-ёз очиқ қолдирадиган яғир яхтак ва устига йиртиқ тўн киядилар. Хотинлар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Улар оғир меҳнатдан кейин куч тўплаш учун озгина қовурилиб, сув билан пиширилган атала ёки жўхори, буғдой ёки арпани қатиқча аралаштирилган бўтқасини ейишади. Уларда ҳамма вақт шу овқат ва доимо ўша машақкатли меҳнат».²

Мазкур сатрларда пахтакор ва бошқа дехқонларнинг ўта оғир ҳаёти ва қашшоқлиги шу даражада аниқ ва ёрқин баён этилганки, мустамлакачилик мухитида пахтачиликнинг ривожланиши тубжой аҳолини ҳандай аянчли ва фожиали оқибатларга олиб келганлиги яқъол кўриниб турибди.

Пахтачиликни жадаллик билан ривожлантиришнинг хунук оқибатларга олиб келишини XIX асрнинг охирларида ёқ жамиятнинг илфор вакиллари, хусусан, айрим дин пешволари яхши англаб, бу кетишида «оқ пахтадан ўзбек халқи бошига қора кунлар тушишини» башорат қилганлар. Дарҳақиқат, юқорида кўрсатилганидек, худди шундай кунларга мубтало бўлинди. Чунки пахтадан олинадиган даромадларнинг асосий қисми савдо-саноат корчалонларининг чўнтаги тушаверди. «Пахтачилик кишиларга катта ҳажмдаги маблағларни олиб келган бўлса-да, — дейилади манбада, — лекин

¹ В е р х о в ск о й В. А. Хлопководство в Туркестане. С-Пб, 1910, с. 31.

² Уша ерда.

улар фирмалар, судхўрлар ва ўнга ўхшаш бошқа кишилар ўртасида тақсимланди. Ўртаҳол дехқонлар пахтадан бойимадилар, камбағал паҳтакорлар эса хона-вайрон бўлдилар».¹

1914 йил 15 октябрда императорнинг паҳтанинг ҳар пудидан 2 сўм 50 тийин «Ҳарбий солик» олиш ҳақида-ги фармони чиқди.

«Ҳарбий солик» 30—40 млн. сўм атрофидаги маблағни ҳукумат ҳазинасига тушириб, паҳтакорларнинг аҳволини чидағ бўлмайдиган даражада оғирлаштириди.

Хуллас, чор ҳукумати Туркистон заминининг турли-туман бойликларини эгаллабгина қолмай, балки уни ўлкани паҳта хом ашё манбаига айлантиришни ҳам кўзлаб, ҳарбий юришлар уюштирган эди. Шу туфайли ҳам ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатиш биланоқ, энг аввало паҳтачиликни ривожлантиришга катта аҳамият берди. Паҳта майдонларини кенгайтирибгина қолмай Америка паҳта навларини иқлимлаштиришга киришди ва бунга муваффақ бўлди. Янги паҳта навлари етиштириш ўзбек паҳтачилиги ҳаётида янги воқеа ҳисобланди. Чунки асрлар оша етиштирилиб келаётган маҳаллий паҳта сифати кўпроқ ҳунармандчилик саноати талабларига мослашган эди. Унинг толалари анча калта ва дағал ҳисобланган. Шунингдек, паҳта чаноғида очилмаганилиги учун танасидан узилиб, сўнгра паҳтаси қўл билан ажратиб олинган. Бу машаққатли меҳнатни талаб қилиб, паҳта таннархининг ошишга олиб келган. Америка паҳтаси эса чаноғида очилиб, катта қулайликларни туғдирган, толасининг узулилиги ва сифати яхшилиги билан ажралиб турган. Айни пайтда, унинг ҳосили анча баланд бўлган.

Шу тариқа, XIX асрнинг 80—90-йилларида ўлкада метрополия, тўқимачилик саноати талабларига жавоб берадиган янги паҳта навлари иқлимлаштирилди.

Иккинчидан, паҳтачилик янги сунъий сугориш тармоқларини кенг кўламда йўлга кўйиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига эмас, балки илгаридан фойдаланиб келаётган экин майдонлари доирасида ривожлантирилди. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг камайиши ва нарҳ навонинг ошишига олиб келди. Айниқса, ғаллачиликка катта зарба берди.

Паҳтанинг янги навлари Фарғона, Сирдарё ва Сармарқанд вилоятларида тобора кўп етиштирилиб бо-

¹ Ўша ерда, 60-бет.

рилди. Улар, айниқса, Фарғона водийсида салмоқли ўрин эгаллади. Бу ерда етиширилган пахта бутун Туркистон ўлкасида олинадиган пахтанинг 60 фоизидан ортигини ташкил қилган. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида ўлка Россиянинг хом ашё манбай ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди. Чунончи, 1890 йили ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг 8 фоизини ташкил этган бўлса, 1916 йилга келиб бу кўрсаткич 72 фоизга кўтарилди.

Учинчидан, пахтачиликнинг ривожлантирилиши мустамлакачилик нуқтаи назаридан амалга оширилди. Ундан олинадиган катта даромадлар чор ҳукумати, савдо-саноат доиралари томонидан ўзлаштирилди. Улар кам харажат қилиб, кўп фойда олиш йўлидан бориб, сунъий сугориш ва янги ерларни ўзлаштириш учун арзимаган маблағ ажратди. Қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштиришга аҳамият берилмади. Пахта-корларнинг меҳнатига яраша ҳақ бермай, қарздорлик кишанлари билан боғлаб кўйилди. Натижада ўзларининг бир парча ерларидан ва, умуман, мол-мулкидан айрилган дехқонларнинг сони тобора ошиб бораверди. Ўлкада қашшоқлик хукм суриб, халқнинг ҳаёти фоятда ёмонлашди. Шу тариқа пахтачиликнинг ривожланиши ўзбек халқига фойдадан кўра кўпроқ зиён келтирди. Чунки унда мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулм ўз ифодасини топган эди. Пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган сиёсат эса, юқорида қайд этилганидек, ўлкада Темир йўллар, пахта тозалаш ва ёғ заводларининг курилишида муҳим ўрин эгаллади. Сиртдан қараганда бу ҳолат ижобий кўринса-да, лекин аслида бу ҳол чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини янада мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишни таъминлади. Айни пайтда, 100 минглаб кишиларни Россиядан кўчириб келиш имконини яратди. Темир йўллар эса пахта ва бошқа маҳсулотларни кўп миқдорда узлуксиз олиб кетилишини таъминлади. Бу ҳол мустамлакачиларни бойлигига бойлик кўшди.

Чор ҳукумати ўлкани нафақат пахта хом ашё манбай, балки тайёр маҳсулот бозорига айлантириш имконига ҳам эга бўлди. Пахтадан Россияда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, газламалар ўлкага тобора кўп миқдорда келтирила бошлади. Шуни таъкидлаш лозимки, ўлкани Россия босиб олгунга қадар, яъни ўзбек хонликлари даврида Сибирь, Волга ва Урал ор-

кали Россияга асосан, тайёр маҳсулотлар, хусусан, ипва ипак газламалар чиқарилган. Бу ҳолат ўлкада ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим ўрин эгаллаган, ҳунармандчилик ва деҳқончиликнинг самарадорлигиги таъминлаган. Аммо ўлкада Россия ҳукмронлиги ўрнатилиши билан бунга чек қўйилди.

Ўлкага рус газламаларининг кўплаб келтирилиши маҳаллий тўқимачиликка қаттиқ зарба берган. Маҳаллий газламалар рақобатга бардош беролмай, ички ва ташки бозордан тобора кўп сиқиб чиқарилди. Бу хусусда бир мисол: 1885 йилда биргина Тошкентда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 182700 сўмни ташкил этган бўлса, 1890 йилга келиб 49875 сўмга тушиб қолди. Айниқса, маҳаллий газламаларни ишлаб чиқариш жуда пасайиб кетди. Ваҳоланки, XIX асрнинг 40-йилларида газламалар Туркистоннинг ташки савдога чиқарадиган маҳсулотларининг 45 фоизини қоплаган.

Шу тариқа Туркистон ўлкаси Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилган эди.

Чор ҳукумати ва капиталистларнинг савдо-сотиқ хусусида юргизган сиёсати ҳам мустамлакачилик асосида шакллантирилган эди. Шунинг учун ўша даврдаги рус матбуоти Туркистонда Россия ҳукмронлигининг асл моҳияти «савдо манфаатларини таъминлашдан ибораттир», — деб ёзган эди.¹ Шунга ўхшаш фикр иккичи бир газетада ҳам баён этилган: «шуни тақрор айтамизки, ўлкадаги Россия ҳукмронлиги савдо нуқтаи на заридан катта аҳамиятга моликдир».²

Дарҳақиқат, босқинчилар ўлкадаги ички ва ташки савдодан тушадиган даромадларнинг эгаси бўлиб қолдилар. Бу мақсад Россиянинг ўзбек хонликларига қарши олиб борган жанглари вақтидаёқ сув юзасига яққол қалқиб чиқсан эди. «Рус кўшинларининг, — деб ёзилган газеталардан бирида, — бирин кетин кўлга киритилган ажойиб ғалабалари савдо-саноат вакилларига куч-куват ва тетикликни баҳш этди. Чунки енгилмас кўшинимиз савдо аҳли манфаатлари учун ҳам жанг қўймоқда»³. Шу маънодаги фикрларни ўша давр матбуотида кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, «Голос» газетаси бу ҳақда шундай эътироф этган эди: «Ўрта Осиё бизнинг кўз ўнгимизда беҳисоб бойликлар билан гав-

¹ «Биржевая ведомость». 1867. № 75.

² «Московская ведомость». 1867. № 146.

³ «Русская ведомость». 1867. № 98.

даланиб турибди. У бизнинг келажакдаги энг катта бозоримиздир¹.

Мустамлакачиларнинг яширишни ҳам лозим топмай, ошкора эътироф этиб турилган бу мақсадлари чор ҳукуматининг ўлкада тўлиқ ҳукмронлиги ўрнатилиши биланоқ зудлик билан амалга оша борди. Савдо-сотик тез фурсатларда мустамлакачилар қўлига ўтиб борди. Буни исботлаш учун XIX асрнинг охирларида ёқ Фарғона вилоятининг ўзидағина газламалар ва пахта билан савдо қўйувчи 36 фирма ҳамда ҳар йили 100 млн. сўм ҳажмида иш юритувчи давлат банки бўлими бўлганилигини эслатиб ўтиш кифоя.

Ўрта Осиёнинг беҳисоб бойликлари, биринчи навбатда юқорида кўрсатилгандек, катта миқдордаги пахта, ундан ташқари, ипак, жун, хўл ва қуруқ мевалардан иборат бўлиб, фақатгина Тошкентдан 1865—1875 йилларда Россияга улар куйидаги миқдорда олиб кетилган²:

(Пуд ҳисобида)

Номи	1865	1866	1867	1871	1872	1873	1874
Пахта	1680	324136	274193	1379926	867705	655294	602815
Тери	8356	2350	6620	194000	258007	247959	227655
Қуруқ мева	5750	86721	179656	96630	154162	175216	118520
Дон	2647	7090	7100	30000	29640	106868	39159
Жун.	165	1930	13444	1103	130885	4208	4604
Ипак	9109	6245	15450	49488	60596	82739	65192

Бу кўрсаткичлар фақатгина Тошкент орқали Россияга олиб кетилган энг муҳим товарлар миқдорини кўрсатади холос. Бундай ҳолни бошқа вилоятларда ҳам кўриш мумкин. Аниқ маълумотларнинг кўрсатишича, биргина Сирдарё вилоятидан Россияга 1909 йил давомида нархи 25 миллион рубльга тенг 7277 минг пуд миқдорда ҳом ашё ва ярим ишлов берилган маҳсулот олиб чиқиб кетилган³. Шулардан:

¹ «Голос» 1867, № 220.

² Ўзбекистон МДА, И-1 — фонд, 16-рўйхат, 876-иш, 2-варақ.

³ Обзор Сыр-Дарьинской области за 1909 год. Ташкент. Типография при канцелярии Туркестанского Генерал-Губернаторства. 1911. С. 111.

Пахта	355761 пуд
Бугдой	382828 пуд
Бошқа дон маҳсулотлари	489345 пуд
Мевалар	147247 пуд
Кўй жуни	131117 пуд
Темир, пўлат	4177 пуд
Тери	23490 пудни ташкил қилган ¹

Бошқа вилоятларда ҳам аҳвол бундан кам бўлмаган. Масалан, Фарғона вилоятининг Кўқон, Марғилон, Наманган, Андижон уездларидан Россияга 1894 йил давомида 3626387 пуд миқдорида нархи 22122035 рубль, 1895 йил давомида эса 3606968 пуд миқдорида нархи 25530220 рубль бўлган маҳсулот олиб кетилган².

Хом ашё ва маҳсулотларни ташиб кетиш йил сайнин кўпайиб борган. 1904 йил давомида Фарғона вилоятидан куйидаги маҳсулотлар темир йўллар орқали Россияга ташиб кетилган³:

Куруқ мева	309267 пуд
Ипак ва пилла	84516 пуд
Жун	14585 пуд
Пахта	3744309 пуд (37 млн. рубль)
Пахта ёғи	104107 пуд
Кўй териси	34170 пуд
Пахта чигити	1341281 пуд
Гуруч	161591 пуд
Бугдой уни	92894 пуд

Хўш, агар масалага бутун Туркистон ўлкаси миқёсида ёндошилсанчи? Гарчи Туркистоннинг бутун мустамлакачилик даври бўйича тўлиқ маълумотлар сақланмаган бўлса-да, маълум бир йилларда қанча маҳсулот ва хом ашё олиб кетилганинги кўрсатувчи аниқ фактларни келтириш мумкин. Жумладан, фақатгина 23

¹ Обзор Сыр-Дарьинской области за 1909 год. Ташкент. Типография при канцелярии Туркестанского Генерал-Губернаторства. 1911. С. 112.

² Ведомость о вывозе товаров из Ферганской области за 1894 и 1895 годы. Узбекистон МДА. Ф. И-19. I рўйхат. 5298-йигма жила. 4-варак.

³ Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргелан. 1905. С. 54

йил — 1889—1911 йиллар давомида Туркистанда Россияга 120 млн. рублик пахта¹ олиб кетилган. Темир ўлларнинг ишга туширилиши ўлкада пахтачиликдан ташқари, боғдорчилик, ипакчилик, чорвачилик, кўнчилик каби сифатли маҳсулотларни ҳам Россиянинг марказий районларига ташиб кетиш имкониятини яратди. Маълумки, Туркистанда боғдорчилик асрлар давомида шаклланган бўлиб, табиатнинг беназир инъоми бўлган мевалар аҳоли дастурхонини безатибгина қолмай, катта даромад ҳам келтирган. Қулай иқлим шароити, асрлар мобайнида тўпланган тажриба, меҳнат бу ўлкада ҳўл меваларнинг жуда кўп турларидан катта ҳосил олиш имконини берган.

Ўлканинг бу бойлиги ҳам мустамлакачилар эътиборидан четда қолмади. Тез орада Россия сармоядорлари, В. Алексеев, Тремле, Плесне, Кручков ва бошқалар ўлкада боғдорчиликка ихтисослашган савдо уйлари ташкил этдилар. Улар мустабид давлат хазинасига ҳам анчамунча даромад солиги тўлаб турган бўлсаларда, қилган фойдаларидан тўла қониқишган. Масалан, В. Алексеев фирмасининг 4000 десятина (1 десятина — 1 гектардан ошиқ ер ўлчов бирлиги) боғдорчилик хўжалиги бўлиб, ҳар десятинадан 1500 рубль, демак, бутун хўжаликдан ҳар йили 6000000 рубль соф фойда олган. Тремле эса ҳар десятинадан 2100 рубль даромад олган.² Туркистон ҳўл меваларига Россия, хусусан унинг пойтахтида ва бошқа йирик шаҳарларида талаб катта бўлган. Масалан, Кручков Москвада жуда катта мева савдоси олиб борган. 1893 йилда ўлкадан 178778 пуд мева (407799 рубль ҳисобида) олиб кетилган³.

Бундан ташқари, Туркистанда давлат мулки бўлган боғ хўжаликлари ҳам кўп эди. Тошкент ва шаҳар атрофидаги боғдорчиликнинг жуда катта қисми «Туркистан қишлоқ хўжалиги саноати бирлашмаси» қўлида бўлиб, улар 100 десятина (ботмон) ерни қамраб олган ва асосан Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент станциясига яқин жойда бўлган. Шу атрофда Панин, Вальнев, Асташев, Побелянский, Грибер каби рус сармоядорларининг боғдорчилик хўжаликлари ҳам жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири 40—50 десятинани

¹ Гулиша мбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района. ч. I. С. 49.

² Оглоблин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. М., 1914, С. 44.

³ Всеподанный отчет по Туркестанскому генерал-губернаторству. 1889—1895 гг. С-Пб., 1895. С. 10.

эгаллаган¹. Улар Россияга катта микдорда ҳўл мева жўнатиб, мўмай даромад олганлар. Биргина Тошкент туманидаги боғдорчилик хўжаликлари 1916 йилда 25.000—30.000 десятина ерни эгаллаган ва 4.000.000 пуд ҳосил берган. Шундан 1 млн. пуддан ортиги Россияга жўнатилган².

Ўлқада, узумчилик ҳам анча ривожланган бўлиб, хўжаликларга катта даромад келтирган. Фақатгина, бир йилда узумчиликдан тахминан куйидагича ҳосил олинган:³

Самарқанд вилояти	5 197000	пуд
Сирдарё вилоятида	500000	пуд
Фарғона вилоятида	558000	пуд

Келтирилган рақамлардан маълум бўлишича узумчиликда Самарқанд вилояти узумчиликда етакчи ўринни эгаллаган.

Сирдарё вилоятидаги узумзорлар асосан Тошкент уездига жойлашган. Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмидаги 74 десятина, маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмидаги 957 десятина узумзор бўлган.

Сердаромад узумчилик ҳам рус сармоядорлари ва амалдорлари эътиборидан четда қолмади. Тошкентдаги узумзорлардан 45 десятинаси маслаҳатчи Ивановга, 25,5 десятинаси Первшинга тегишли бўлган.⁴

1913 йилдаги ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, Туркистонда 125000 узумзор бўлиб, улар 25000 десятинани эгаллаган ва йилига 6000000 пуд узум берган.⁵ Узумчилик ва, умуман, боғдорчилик маҳсулотлари катта микдорда темир йўллар орқали Россия бозорларига олиб кетилган. Масалан, 1894 йилда биргина Самарқанд вилоятидан 252979 пуд узум темир йўл орқали, 150000 пуд узум карвон йўли билан олиб кетилган⁶.

Дастлабки йилларда мевалар кўпроқ қуритилган ҳолда ташилган, кейинчалик эса, темир йўлларда салқин омборохоналар, музлатилган вагонлар пайдо бўлгач, меваларни янги узилган ҳолда олиб кетила бошланган.

Туркистондан Россияга катта ҳажмда мева олиб кетишида В. Алексеев жамияти биринчи ўринда турган.

¹ Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С-Пб. 1908. С. 231

² Узбекистон МДА. 103-фонд, 1 рўйхат. 222-иши, 26-варақ.

³ Шахназаров А. И. Кўрсатилган асар. 240-б.

⁴ Уша ерида, 242-б.

⁵ Гулишамбар в С. И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. Ашхабад 1913. С. 54.

⁶ Узбекистон МДА., 719-фонд, 19-рўйхат, 10-иши. 791-варақ.

Ўрта Осиё темир йўллари орқали Туркестондан қўйидаги миқдорда мева олиб кетилган:

1906 йил	2768000 пуд
1907 йил	2823000 пуд
1908 йил	2095000 пуд
1909 йил	3047000 пуд
1910 йил	3017000 пуд ¹

Куруқ мевалардан майиз, ёнғоқ, писта, ерёнғоқ катта миқдорда олиб кетилган. Бир йил давомида бир неча ўнлаб вагонларда ташилган бу маҳсулотларга Россияда талаб жуда катта бўлган. Масалан, 1893 йилда ўлқадан 178778 пуд қуруқ мева олиб кетилган.

Улқадан Россияга олиб кетилган қуруқ ва ҳўл мевалар ҳажми қўйидаги рақамларда янада аниқ намоён бўлади² (минг пуд ҳисобида):

	Катта тезлик/ кичик тезлик	1902 йил	1903 йил	1904 йил	1905 йил
Олма	Кич/т. Кат/т.	3595 2383	3578 1971	3126 1971	3193 2221
Узум	Кич/т.	2779	2975	2833	2089
Олиўри	Кич/т.	1501	1626	1159	1404
Куруқ мева	Кич/т.	941	1267	1327	1039
Ўрик	Кич/т. Кат/т.	18 312	14 403	12 334	12 442
Ёнғоқ	Кич/т. Кат/т.	1782 28	1719 14	1686 27	1678 20
Апельсин, мандарин	Кич/т. Кат/т.	249 1888	321 1878	229 1785	258 1687
Ерёнғоқ ва хандон писта	Кич/т. Кат/т.	104 2	97 2	124 1	117 0,6
Узум	Кич/т. Кат/т.	20 400	22 475	21 366	54 553
Нок	Кич/т. Кат/т.	36 341	53 527	57 397	38 529

¹ Гулишам баров С. И. Кўрсатилган асар. I қисм. 54-б.

² Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. С. 21—22.

Куритилган мевалардан, айниқса қора майиз кўп олиб кетилгани қўйидаги жадвалдан аниқ намоён бўлади.

1902 йилда	794 минг пуд
1903 йилда	907 минг пуд
1904 йилда	720 минг пуд
1905 йилда	585 минг пуд
1906 йилда	1109 минг пуд ¹
1907 йилда	1708 минг пуд
1908 йилда	1281 минг пуд
1909 йилда	1950 минг пуд
1910 йилда	1746 минг пуд
1911 йилда	2246 минг пуд
1912 йилда	2519 минг пуд ²

Куруқ мевалардан шифобаҳш қора олхўри ҳам олиб кетилган. Масалан, 1907 йилда 10915 тонна олхўри олиб кетилган. Куритилган мева, айниқса, майиз тайёрлашда Самарқанд вилояти муҳим ўрин тутган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳўл мевалар Россия бозорларида унинг савдоси билан шуғулланган сармоядорларга катта даромад келтирган. Ўз навбатида, улардан олинган солиқ ва божлар мустабид давлат хазинасини бойитган. Россия бозорларида уларга талаб жуда катта бўлган.

Туркистонда хандон писта, ёнғоқ каби қуруқ мевалар унадиган адирлар ва дараҳтзорлар мустабид давлат ихтиёрига ўтказилган бўлиб, улардан чор маъмурлари ва давлат катта фойда кўришган. Бу мевалар пишганда мардикорлар ёлланиб, териб олинган ва Россия бозорларига олиб кетилган. Масалан, фақатгина 1907 йилда 118099 пуд ёнғоқ ва писта олиб кетилган.³

¹ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. С. 23.

² Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. Ашхабад, 1913, ч. II. С. 42.

³ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана. С. 26.

Мустабид давлатнинг Туркистондаги давлат хазинасига тегишли деб эълон қилинган ўрмонлардан оладиган даромади қуидагича бўлган:¹ (рубль ҳисобида)

	1903 й	1904 й	1905 й	1906 й	1907 й	1908 й
Фарғона в.	44000	73000	112000	83000	85000	136000
Сирдарё в.	40000	83000	51000	79000	99000	228000
Самарқанд	30000	49000	44000	37000	33000	45000
ЖАМИ	114000	205000	207000	199000	217000	409000

Демак, фақаттиңа 6 йил давомида мустабид давлат хазинаси Туркистон ўрмонларидан умумий ҳисобда 1351000 рубль даромад олган. Туркистон бойликларидан мустабид давлат ҳеч бир режасиз фойдаланган ва фақаттина даромадни кўзлаган.

Дараҳтзорлар ва саксовулзорлардан темир йўл ва турмуш эҳтиёжлари учун ёқилғи сифатида кент фойдаланиш натижасида жуда катта майдон ялонгоч қолиб, чўллардан келадиган шамоллардан, қумлардан ҳимоя қилувчи қатламлар камайиб борган. Натижада, чўллар билан сугориладиган, ишлов бериладиган ерлар орасидаги тўсиқлар йўқолиб, экологик мувозанат бузилиб борган. Мустабид ҳукумат эса бунинг олдини олиш чораларини кўрмаган.

Бошқа боғдорчилик маҳсулотларига нисбатан узумчилик вино сифатида катта даромад келтирган. Босқинчи қўшинлар билан кетма-кет ўлкага етиб келишган рус савдогарлари, ишбилармонлари, саноатчилари ва бошқалар бу оғуни тайёрлашга астойдил киришдилар. Маълумки, илгари ўлкада маҳаллий аҳоли ароқ-вино истеъмол қилас мас ва уни тайёрлашга ҳам эҳтиёж йўқ эди. Бироқ, Тошкент босиб олингандан кейин босқинчи қўшинлар ва зобитлар бекорчиликдан зерикишиб, ичкилиқка эҳтиёжлари катталигини кўришган рус ишбилармонлари ароқ-вино заводлари куриш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Масалан, савдогарлар И. Первушин ва А. Хренниковлар 1867 йил 16 марта Оренбург генерал-губернаторидан Тошкентда

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 1725-нш. 148-варз.

ароқ ва вино заводлари очишга рухсат сўраб мурожаат қилишган¹.

Генерал М. Черняев қўшинлари билан бирга Тошкентта келган ишбилармон Д. Филатов ҳукуматдан рухсат ҳам сўраб ўтирмасдан спиртли ичимликлар билан савдо қиласидан қовоқхона очи. Бироқ, у Тошкентда ўзига ўшаган олғирлар кўпая бошлаганини кўргач, руслар Самарқандни эгаллашганларидан фойдаланиб, 1868 йили бу шаҳарга келди ва спиртли ичимликлар билан савдо қилишни бошлаб юборди. 1870 йили у катта майдондаги токзорларни сотиб олиб, ароқ заводи қуришга киришди. Виночилик билан Россиядан келган сармоядорлар шуғулланишган. Самарқанддаги энг йирик виночига айланган Д. Филатовнинг кўл остида бир кунда 10000—15000 чекак вино (1 чекак 10 л бўлса, демак, 100000—150000 л) тайёрланган. Бундан ташқари, Пороховский виночилигида кунига 6000 чекак (демак 60000 л), Толочинов кўл остида эса кунига 4000 чекак (демак, 40000 л) вино тайёрланган. Шу йўсинда ўлкада спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш тобора авж олди. Тошкент шаҳар идора бошқармаси маълумотига кўра, 1868 йили шаҳарда 5 та ароқ заводи ишлаб турган бўлса, 1870 йили олтинчи ароқ заводи ҳам курилди. Бу заводларда 88 киши ишлаб, улар йилига 2000541 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган². Ўлгадаги ароқ ва винога эҳтиёжнинг ошиб бориши, айниқса, бу ерда узум ва меваларнинг мўллиги спиртли ичимликларни саноат усулида ишлаб чиқаришга катта имконият яратиб берар эди.

XIX асрнинг 80-йиллари ўртасида виночиликда биринчи ўринни Самарқанд, кейинги ўринларни Тошкент, Каттақўргон, Кўқон, Марғилон шаҳарлари эгаллаган.

Тошкентда виночилик билан Платон-Шевченко, Н. И. Первушин, Н. И. Иванов меросхўрлари, Тошкент уездидаги эса Я. Я. Иванов, И. Барсуков, И. Белоковлар шуғулланганлар. Уларнинг ҳар бири бир кунда ўртacha 10000 (100000 л) чекак атрофида вино тайёрлашган³. Вино тайёрлашда узумнинг маҳаллий турларидан чарос, буваки, қора кишмиш кенг қўлланилган. Вино-

¹ Узбекистон МДА, И-1-Ф., 16-р., 202-иш, 1-в.

² Терентьев М. А. Статистические очерки Среднеазиатской России. Отдел статистики. 4 т. С-Пб. 1874, с. 46.

³ Малаховский Н. И. Производственные силы Туркестана.

нинг нархи ўлкада анча баланд бўлган. Вино маҳаллий истеъмолдан ташқари, Россия бозорларида ҳам яхши даромад берган. Масалан, 1894 йилда ўлкадан 27000 челак вино (273000 рубль нархида) олиб кетилган. Бу рақамлар йил сайин ўсиб борган.

Туркистоннинг муҳим аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларидан бўлган чорвачилик ҳам мустамлакачилик даврида ўз эгаларига тўлиқ хизмат қила олмади. Туркистонликларнинг насибасини қирқиб, ўз сармояларини кўпайтиришга уринган Россия сармоядорлари мустабид ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланарди. Чунки бу билан, энг аввало, Россиянинг ички муаммолари — бозорларни гўшт, саноат ишлаб чиқаришини жун, тери билан арzon баҳоларда таъминлаш масаласи ҳал бўларди. Бундан ташқари, улардан тушган даромад солилиги ва бож тўловлари давлат хазинасини бойитарди.

Чунончи, Туркистондан Россияга 1889 йилда 5379 дона қорамол териси ва 16569 пуд чорва маҳсулотлари олиб кетилган бўлса, 1893 йилда бу кўрсаткич 148141 пудни ташкил этган.

Умумий маълумотларга кўра Туркистонда ҳаммаси бўлиб

1900 йилда 19208000 бош чорва

1910 йилда 21681000 бош чорва

бўлган¹.

Булар қаторига тая, от, эшак, қорамол, кўй ва эчки кирган.

Агар 1910 йилда жами 21681000 бош чорва бўлган бўлса, унинг 16625000 бошини кўй-эчки, 2152000 бошини қора мол, 2023000 бошини тая, 80000 бошини эшак ташкил этган.

Демак, чорвачиликда кўй-эчки ва қорамоллар кўп бўлган, қолганлари иш ҳайвонлари бўлиб, эшак, от ва туялар юқ ташишда, хўқиз ер ҳайдашда қўлланилган. Эчки, кўй ва қорамоннинг гўшти, жуни ва териси катта даромад келтирган. Чорвачилик билан асосан ўлка иқлим шароитини яхши билган ва мол боқиши барча қийинчиликларига кўниккан маҳаллий аҳоли шуғулланган. Бироқ, Россия, Сибирга мол жўнатиш татар коммерсантлари кўлида бўлган.

¹ Гулишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Ашхабад. 1913. С. 62.

Чорванинг гўштидан тортиб, териси, жуни, ҳатто ичак-чавоғигача талаб катта бўлган. 1868 йили ўлкага келган Г. Ф. Шота исмли немис ишбилармони Тошкентда колбаса ишлаб чиқаришга киришди¹. 1883 йили чет эл ширкатларининг вакили сифатида келган Г. Дюршмидт ичак сотиб олиш билан шуғулланди. У Самарқандда ичак заводи ҳам қурди. 1888 йилдан бошлаб унинг ширкати ўлкада ўз фаолиятини кенг миқёсда амалга ошири ва қисқа вақт ичида миллиончи бойга айланади². Чорва гўшти аввалига тузланган ҳолда Москва, Владивосток, Сибирга олиб кетилган, бироқ кейинчалик салқинлаштирилган вагонларда янги қўй гўштини олиб кетиш йўлга қўйилган.

1913 йилда Алоқа йўллари вазирлигининг Россия думасига «Темир йўлларни музлатувчи ускуна билан жиҳозлаш» ҳақида топширган қонун лойиҳасида Туркестондан ҳар йили 1400000 пуд янги сўйилган қўй гўшти олиб кетиш лойиҳалаштирилган³. Гўшт маҳсулотлари Москвага, Санкт-Петербургга, умуман, Россиянинг саноат ривожланган қисмига олиб кетилган. Россияга чорва маҳсулотларининг олиб кетилиши, айниқса, 1 жаҳон уруши йилларидаги авжга чиқсан. Фронтда отларга ҳамда чорва гўштига талаб катта эди.

Уруш бошланиши билан — 1914 йилда Туркестондан Россияга чорва маҳсулотлари қуидаги миқдорда олиб кетилган:

Тирик мол	267576 пуд
Жун	1140350 пуд
Тери	283198 пуд
Кўй териси	548806 пуд
Коракўл	22654 пуд

1914—1916 йилларда эса ўлкадан 360000 пуд гўшт, 2925000 пуд жун, 70000 от, 12737 түя олиб кетилган⁴.

¹ Ўзбекистон МДА, ф. И-1, р. 17, х. 1270, 9-варақ.

² «На рубеже» газетаси, 1909, 18 март.

³ О г л о б л и н В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. Москва. 1914. С. 47.

⁴ Красный архив 1927, № 34. С. 54.

Туркистандан Россияга жуда катта миқдорда жун ҳам жўнатилган. Бу маҳсулот Россияга йил сайн қанча миқдорда ташиб кетилгани қўйидаги жадвалда намоён бўлади:

1900 йилда	91919 пуд жун
1901 йилда	101340 пуд жун
1902 йилда	105680 пуд жун ¹
1907 йилда	528000 пуд жун
1908 йилда	411000 пуд жун
1909 йилда	596000 пуд жун
1910 йилда	563000 пуд жун ²

Фақатгина Сирдарё вилоятидан 1911 йилда Россиянинг Европа қисмига 302670 пуд қўй жуни, 84648 пуд түя жуни, Сибирга эса 1421 пуд қўй жуни олиб кетилган³.

Фарғона вилоятидан 1903 йилда 13761 пуд жун олиб кетилган бўлса, шундан 12454 пуди қўй, 27 пуди эчки, 551 пуди түя жуни, 729 пуд от ёли ва думи бўлган⁴. 1904 йилда эса 14585 пуд жун блиб кетилган⁵.

Россия бозорларида Бухоро қоракўли ниҳоятда юқори баҳоланиб, жаҳон бозорида ундан катта фойда олинган. Бухоро амирлигига қоракўл етишириш йил сайн кенгайиб, 1 йилда 2–3 млн. дона тери олишга эришилган. Бухоро қоракўли Нижний Новгород ва Москва бозорларида катта шұхрат қозонган. Масалан, фақатгина 1914 йилда Ўрта Осиёдан Россияга 22654 пуд қоракўл териси олиб кетилган.

Россиянинг Туркистандан ташиб кетган кўнчилик, тери маҳсулотлари ҳам метрополия саноатини арzon

¹ Гулнишамбаров С. И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Ашхабад. 1913. ч. I С. 63.

² Шахназаров А. И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. С-Пб. 1908. С. 343.

³ Обзор Сыр-Дарьинской области за 1911 год. Т. 1913. С. 122.

⁴ Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргелан. 1905. С. 33.

⁵ Статистический обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргелан. 1905. С. 54.

хом ашё билан таъминлаган. Нафақат қоракўл, балки от, мол, қўй, бўрсиқ терилари ҳам олиб кетиларди, тери ва теридан қилинган маҳсулотлар Россияга қандай ҳажмда олиб кетилгани қўйидаги жадвалдан намоён бўлади:

1865 йил	8356 пуд
1866 йил	2350 пуд
1867 йил	6620 пуд
1871 йил	194000 пуд
1872 йил	258007 пуд
1873 йил	247959 пуд
1874 йил	227655 пуд
1904 йил	28388 пуд
1914 йил	885920 пуд

Россия сармоядорлари Туркистонда асрлар давомида ривожланиб келган сердаромал ипакчилик соҳасига ҳам катта қизиқиш билан қараганлар. Ипак ва унинг толасига нафақат Россия, балки Европа бозорларида ҳам талаб катта бўлиб, Туркистон ипаги сифат жиҳатидан рақобатбардош эди. Кулай иқлим шароити, тутзорларнинг кўплиги, аҳолининг кўп йиллик тажрибаси ва бу машгулот билан ҳар бир хонадонда мавсумий иш сифатида, айниқса, аёлларнинг доимий суратда шуғулланиши ипакчиликни ривожлантиришга катта имкон берар эди.

Туркистонда ипакчиликни ривожлантириш ва уни метрополия манфаатларига тўла мослаштириш мақсадини ўз олдига кўйган мустабид ҳукумат бу соҳага алоҳида эътибор қаратди. XIX асрнинг 60—70-йилларида Туркистонга жўнатилган Н. О. Петровскийнинг Россия Молия вазирига ёзган ҳисботида таъкидлашича, молия вазирлиги уни Туркистондаги ўз жосуси қилиб тайинлагач, Н. О. Петровский зиммасига «бир қанча мажбуриятлар билан бирга, ўлканинг иқтисодий аҳволини ўрганиш ва, айниқса, келажакда рус саноати ва савдоси учун муҳим аҳамият касб этувчи маҳаллий ипакчиликка алоҳида эътибор қаратиш вазифасини юклаган»¹. Н. О. Петровский Туркистондаги ипакчилик-

¹ О шелководстве и шелкомотании в Средней Азии. Отчет министерству финансов агента в Туркестанском генерал-губернаторстве Н. Р. Петровского. Т. 1873. С. I.

нинг ахволи, ишлаб чиқариш усуулари, муаммолари ва ривожланишини ўрганиб чиқиб, бу ҳақда Молия вазирига батафсил ҳисобот ёзиб жўнатган.

Ўрта Осиё, темир йўллари қурилгач, бу соҳага русларнинг кириб келиши кучайди, чунки ипак маҳсулотларини ташиб кетиш учун қулай шароит туғилди. Шарқ ва ғарб бозорларига донғи кетган юқори сифатли тола ва ипак матолар XIX аср охирида Туркистондан қанча миқдорда ташиб кетилгани ҳақида қўйидаги маълумотлар сақланган:

1865 йилда	9109 пуд ипак маҳсулотлари
1867 йилда	20829 пуд ипак ва 15450 пуд ипак маҳсулотлари
1871 йилда	531818 пуд ипак ва 49448 пуд ипак маҳсулотлари
1872 йилда	770643 пуд ипак ва 60956 пуд ипак маҳсулотлари
1874 йилда	233493 пуд ипак ва 65192 пуд ипак маҳсулотлари
1889 йилда	7619 пуд ипак маҳсулотлари

Мазкур жадвалдан кўринадики, XIX асрнинг 80-йилларида ипакчилик соҳасида таназзул содир бўлиб, бу ҳол ипак курти касаллиги авж олгани билан изоҳланади. Лекин 90-йиллардан бошлаб бу касалликка барҳам берилади ва ипакчилик яна ўз мавқенини тиклай бошлайди. Туркистонда ипакчиликнинг йил сайнин ривожланиб борганиligини Фарғона вилоятига тегишли қўйидаги кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Вилоятда XIX аср охири — XX аср бошида ипак тайёрлаш қўйидаги ҳажмда ортиб борган:¹

1890 й.	1899 й.	1900 й.	1904 й.	1905 й.	1907 й.
40000 пуд	58000 пуд	80000 пуд	156000 пуд	140000 пуд	180000 пуд

Демак, 1890 йилда Фарғонада 40.000 пуд тола тайёрланган бўлса, 1907 йилга келиб унинг ҳажми 4,5 марта кўпайган. Чунки бу сердаромад соҳага қизиқиш, эътибор йил сайнин кучайиб борган. Чунончи, XX аср бошига келиб Туркистонда ипакчилик пунктлари таш-

¹ Ўзбекистон МДА. И-т-Ф., 12-р. 1725-иш, 148-варак.

кил этила бошланган. Жами 583 та ипакчилик пунктлари бўлиб, улардан 84 таси Сирдарё, 157 таси Самарқанд, 304 таси Фарғона вилоятида жойлашган эди¹. Ипак толалари фирмалар томонидан сотиб олинар ва Россияга жўнатиларди. Масалан, 1900 йилда Туркистондан фирмалар орқали 60000 пуд тола олиб кетилган. Биргина Фарғона вилоятида шундай фирмалардан 3 таси фаолият юритар, улардан Туманъянц фирмаси энг кўп ипак сотиб олар эди². Фирмалар орқали 1904 йилда Фарғона вилоятидан 84246 пуд ипак олиб кетилган³. Бутун Туркистондан эса Ўрта Осиё тегмир йўллари орқали 1903—1907 йилларда қўйидаги миқдорда ипак олиб кетилган⁴:

1903 йилда	111032 пуд
1904 йилда	95495 пуд
1905 йилда	101367 пуд
1906 йилда	103996 пуд
1907 йилда	100149 пуд

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш лозимки, ипак толасини нафақат руслар, балки французлар ҳам кўплаб сотиб олишган. Аммо русларнинг улуси тобора ортиб борган. Россияга Бухородан ҳам катта миқдорда ипак олиб кетилган. Масалан, 1868—1869 йилларда ёқ Бухородан Россияга 5038 пуд, яъни 1008000 рубль нархда пилла олиб кетилган⁵.

Россияга нафақат хом ашё ва маҳсулотлар, балки хом ашёнинг дастлабки ишлов берилган маҳсулотлари ва ҳатто чиқиндиларини ҳам узулуксиз суръатда олиб кетиб турилган. Масалан, кунжара, чигит каби маҳсулотлар шулар жумласидандир. Биргина Фарғона вилоятидан кунжара қўйидаги миқдорда Россияга арзимас нархда олиб кетилган⁶:

¹ М а л а х о в с к и й Н. И. Производственные силы Туркестана. С-Пб. 1909. С. 9.

² Статистический обзор Ферганской области за 1904.. С-Пб. 31.

³ Г у л и ш а м б а р о в С. И. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Среднеазиатской железной дорогой. Ашхабад. 1913. С. 62.

⁴ М а л а х о в с к и й Н. И. Кўрсатилган асар, 16-бет.

⁵ О шелководство и шелкомотани..., С. 8.

⁶ Оғлоблин В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. М. 1914. С. 43.

1906 й	669343 пуд
1907 й	1319902 пуд
1908 й	1032924 пуд
1909 й	1758407 пуд
1910 й	1971 917 пуд
1911 й	1336528 пуд

Туркистондаги шулха ва кунжаранинг озуқалиги ва тўйимлилиги жуда юқори бўлиб, (азот — 7%, фосфор кислота — 3%, оқсил — 44%, ёғ — 14%) унга хорижда, хусусан, Германияда ҳам талаб катта эди. Бироқ, Туркистон ўз маҳсулотларидан жаҳон бозорида катта даромад олиши мумкин бўлгани ҳолда, улар арзимаган нархда Россияга олиб кетиларди.

Жаҳон бозорида Туркистонда тайёрланган пахта ёғига ҳам эҳтиёж катта эди. Россия сармоядорлари уни арzon нархда Туркистондан ташиб кетиб, ўз бозорларида юқори баҳода пуллар ҳамда катта фойда ундиради. Шу туфайли XX аср бошларида ёқ мустамлакачилар пахта заводлари билан бир қаторда ёғ заводлари куришга ҳам эътиборни кучайтирди. Айниқса, темир йўллар ишга туширилгандан кейин пахта ёғи Россияга ва у орқали чет элларга узлуксиз ташиб кетила бошланди. Россияда ўша вақтда ўсимлик ва мол ёғларига нархларнинг кўтарилиши пахта ёғига бўлган талабни янада ошириб юборди. Натижада қисқа вақт ичida кўплаб ёғ заводлари курилди. Жумладан, К. М. Соловьев Чуст, Наманган ва Андижонда учта йирик завод курди¹. Бундан ташқари, Микиртичевнинг Ашхабодда, Антоновнинг Марвда, Саримсоқовнинг Марғилонда заводлари ишга туширилди². 1903 йили бу заводлар 4 млн. пуд чигитни қайта ишлашга қодир эдилар. Ёғ заводларидан катта даромад ола бошлаган сармоядорлар ўз корхоналарини тобора кенгайтира бошладилар. Янги қурилаётган ёғ заводлари нисбатан юқори даражада механизациялаштирилди. Улар хорижий, кўпроқ АҚШда тайёрланган ускуналар билан жиҳозланди.

¹ Узбекистон МДА, И-837-Ф., 32-р., 186-иш, 2-в.

² С л у к и й И. М. Маслобойные заводы в Туркестане. Туркестанский сборник..., С. 139.

Үлкада мавжуд заводлар билан бир қаторда, 1908 йили Наманган, Андижон, Марв уездларида 11 та янги завод курилди. Бироқ, бу заводларнинг 9 таси руслар ва арманлар, фақат иккитасигина маҳаллий халқлар вакилларига тегишли эди.

Шу тариқа ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасида ҳам Туркистонда мустамлакачилар жуда катта даромад олганлар. Масалан, 1910 йилда курилган Вадъевлар заводи АҚШнинг энг сўнгти ёғ чиқариш техникаси билан жиҳозланган бўлиб, 250 иш кунида 12 млн. пуд чигитдан 1800000 пуд пахта ёғи, 4 млн. пуд кунжара, 6 млн. пуд шулха, 150000 пуд линтер мойи олган ва жуда катта даромад қилган¹.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, Туркистонда тайёрланган пахта ёғининг 25 фоизигина маҳаллий эҳтиёжларга сарфланар, қолгани эса Россияга олиб кетиларди.

Кўқон биржа комитети маълумотларига кўра 1901—1911 йилларда Туркистондан Россияга пахта ёғи куйидаги миқдорда олиб кетилган:²

1901 йил	30800 пуд
1902 йил	66300 пуд
1903 йил	73800 пуд
1904 йил	167700 пуд
1905 йил	387958 пуд
1906 йил	556878 пуд
1907 йил	525685 пуд
1908 йил	569733 пуд
1909 йил	1102876 пуд
1910 йил	1575980 пуд
1911 йил	1 772186 пуд

Демак, ўн йил давомида Туркистондан ёғ олиб кетиш ҳажми 57,5 марта ортган. 1914 йилга келиб ўлкан Россияга олиб кетилган ёғ-мой ҳажми 3000000 пудга етган.

Юқорида Туркистондан олиб кетилган маддий ва табиий бойликларнинг асосий турлари кўрсатиб ўтилди, холос. Улардан ташқари, ҳар йили арzon нархда катта миқдорда ёввойи ва доривор ўсимликлар, ош тузи, алебастр, гипс каби тоғ жинслари, рўзгор буом-

¹ О г л о б л и н В. Н. Промышленность и торговля Туркестана. Москва. 1914. С. 34.

² Ўша ерда. 43-бет.

лари, мато, гилам ва бошқа маҳсулотлар ташиб кетилар, улардан Россия ва жаҳон бозорларида, рус саноатида жуда катта даромад олинарди. Лекин бу даромад Россиядаги йирик мулқорлар, амалдорлар, савдогарлар, сармоядорлар чўнгагини бойитарди, улар Туркистандаги даромадли тармоқлар ва соҳаларни аллақачон эгаллаб олиб, ўлканинг бутун бойлигини зулукдек сўрадилар. Айни пайтда, мустабид давлат улардан катта миқдорда даромад солиги, бож тўловлари ундириб, ўз хазинасини бойитарди. Оддий халқ эса улар қўлида энг қора ишларни бажарар, бироқ пешона тери, оғир меҳнати билан яратилган ноз-неъматлар, моддий бойликлар хузурини кўра олмай, оғир турмуш кечирар, арзимаган иш ҳаки олиб, солиқлар, мажбуриятлар ва тўловлардан қарзга ботиб ётарди.

Россиянинг Туркистандан олган даромадлари эса йил сайин ўсиб боргани қуйидаги маълумотлардан маълум бўлади:¹

1868 йил	1484677 рубль
1869 йил	2187396 рубль
1870 йил	1864312 рубль
1871 йил	1822102 рубль
1872 йил	1879966 рубль
1873 йил	2616410 рубль
1874 йил	2727430 рубль
1875 йил	2736354 рубль
1876 йил	3733696 рубль
1877 йил	3495481 рубль
1878 йил	3822297 рубль
1879 йил	4053270 рубль

Кўриниб турибдики, мустабид давлатининг Туркистандан олган даромади 1868—1879 йилларда деярли 3 баробар ортган ва 12 йил давомида олган жами даромад 32.413.291 рублни ташкил этган. Аммо, Генерал-губернатор Кауфман келтирган бу даромадлар жадвалига Самарқанд, Фарғона вилоятларидан олинган даромадлар тўла киритилмаган.

Тадқиқотчи А. Стеткевичнинг ҳисоб-китобига кўра эса Россиянинг Туркистандан 1869—1896 йилларда, ўлқадан бевосита олган даромади 158 млн. руб. бўлган.²

¹ Терентьев М. А. История завоевания Средней Азии. Т. III. С-Пб. 1906. С. 293.

² Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России. С-Пб. 1899. С. 16.

Маълум бўлишича, Самарқанд, Фарғона тўлиқ бо-
сиб олингач, империянинг даромадлари кескин орт-
ган. Қайд этилган рақамлар бевосита давлат хазинасига
тушган.

Бу хазинага тушган даромадлар ҳисоби, холос. Ва-
хдоланки Ўрта Осиёни босиб олиш жараёнида империя
қўшинлари ўлжага олган ва талаган бойликлар ҳисоби
улардан бир неча баробар ортиқ бўлган ва бу жадвал-
ларда қайд этилмаган. Чунончи, Бухоро амиридан 500000, Хива хонидан 450000 рубль товон ундирилган.
Хива хонига умумий ҳисобида 2000000 рубль товон
юкланиб, 20 йил давомида тўлаш мажбурияти юклан-
ган. Хива хони саройидаги хонлик хазинаси бутунлай
ташиб кетилган. Кўқон хони саройини талаганлар, Ан-
дижондан 33000 рубль товон ундирилган. Пўлатхон-
нинг Ўрдасидаги хазинаси, мол-мулки ўлжа олинган.
Марғилон беклигига 125000 тиља (500000 рубль) то-
вон солинган. Қанча юз минг қора мол, қўй, түя,
тўплар, куроллар ўлжа олинган.

Бу ўлжалар ва пуллар ҳисоби юқоридаги ҳисоб-
китобларга киритилмаган. Давлат хазинасининг даро-
мади асосан халқдан олинган тўловлар, бож, солиқлар
ҳисобидан бўлганини кўйидаги маълумотлар тасдиқ-
лайди:

Закот	1854682 р. (Фарғонадан ташқари)
Ўтов солиғи	8278845 р.
Ер солиғи	2651044 р.
Жон солиғи	53417 р.
Савдо солиғи	3406310 р.

Чор ҳукуматининг Туркистон аҳолисидан олган со-
лиқлари 1913 йилда 23 млн рублни ташкил этган бўлса,
1916 йилда 33,3 млн рублга етган.

Бироқ, бу ҳали ҳаммаси эмас. Империя хазинасига
бевосита бошқа манбалардан келган барча фойда, да-
ромадлар бу ҳисоб-китобларда тўла акс этмаган. Бу ҳисоб-
китобларга Россиядаги сармоядорлар, савдогарлар, амал-
дорлар турли йўллар билан ўзлаштирган барча моддий,
табиий бойликлар ҳам киритилмаган. Масалан, Туркис-
тонни босиб олиб, унинг иқтисодини ўз манфаатларига
бўйсундирилган, ўлқада пахта яккаҳокимлигини қарор
топтириб, бундан ўз саноати учун энг юқори даражада
фойдаланган чор ҳукумати айнан шу соҳада, яъни пахта
хом ашёсига эга бўлишдан қанча фойда кўрган? Тур-

кистонни босиб олгунга қадар Америкадан юқори баҳода пахта хом ашёси сотиб олиб, уни океан ортидан ташиб келган Россия бизнинг ўлкамиздан арzon нархда пахта олиб кетиш ҳисобига қанча маблағ иқтисод қилган? Агар 1887—1896 йилларда Ўрта Осиёдан Россияга 26 млн. пуд пахта толаси олиб кетилган ва унинг ҳар бир пуди Америка пахтасидан 2р. 38 тийин арzon бўлган бўлса, империя хазинаси 61 млн. (26 млн. x 2,38 руб=61,88млн.) руб. иқтисод қилиб, фойда кўрган!

Империя хазинасининг бевосита даромадларидан бўлган бож тўлови пахта учун қандай бўлган? 1879—1896 йилларда Россияга кириб келган пахта учун хазинага тушган бож миқдори 203 млн. руб. бўлган!

Агар Россия 26 млн. пуд пахтани Ўрта Осиёдан эмас, чет элдан олиб келганида, бу Россия учун 256 млн. руб. га тушар эди. Демак, империя хазинасидан шунча пул тежаб қолинган.¹

Туркистондан пахта олиб келиш, олиб-сотиш билан шуғулланганлар эса ҳар бир пуд пахтадан 1 рубль фойда қилган, демак, 26 млн. пуд пахтадан 26 млн. рубль фойда кўрилган.

Империянинг ўлгадан кейинги йилларда нафақат пахтачиликдан, балки бошқа соҳаларда ҳам олган даромадлари йил сайин ўсиб боргани назарда тутилса, юқорида келтирилган миллионлар миқдори бир неча бор ошиб кетиш аниқ. Бу мустабид давлатнинг ўз хукмронлигини ўрнатгандан сўнг дастлабки 25—30 йилдаги даромадларининг ҳисоби, холос. Ўлкани босиб олиш жараёнидаги талон-тарож, Туркистондаги мустабид маъмуриятининг ўз чўнтағига маҳаллий аҳолидан ундирган маблаглари, кўчириб келинган рус оиласиари ҳисобига ўтган ерлар, хўжаликлар, мулклардан олинган даромадлар беҳисоб.

Бу маблагларга қанчадан-қанча илм масканлари, иншиотлар қуриш, юртни ободонлаштириш, аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, фан, маориф, маданиятни ривожлантириш, Туркистон халқи тараққиётга, маддий фаровонлик, ободончиликка эришиши мумкин эди.

Туркистондан олинган даромадлар империя учун нақадар фойдали бўлганлиги ўша даврда Россияда тез-тез янграб турган «Туркистон — Россия тоҳидаги бе-

¹ Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? С-Пб. 1899. С. 18.

баҳо дурдир» деган эътирофлардан ҳам яққол маълум эди. Мустамлакачилар қаноатланишни истамасдилар. Улар Туркистонга гўё «ўзлари учун яратилган битмас-туғанмас бойлик манбай», унинг халқига эса «шу бойликни уларга етказиб берувчи итоаткор қул» сифатида қарап эдилар. Бу муносабат мустамлакачиларнинг руҳига, қонига, онгига шу қадар сингиб кетган эдики, улар бу қабиҳ ниятларини яширишини ҳам лозим топмасдилар, аксинча, бу «эгалик»ни янада мустаҳкамлаш, кучайтириш, қўлдан бермай, «оқилона давом эттириш, империя ва унинг хазинаси даромадларини янада ошириш» ҳақида ўйлар эдилар.

Улар бу ҳақда ошкора баҳслашар, Туркистонга гўёки «ўз қонуний мулки»дек қараб, унинг бойликларини ҳисоб-китоб қилиш юзасидан тадқиқотлар олиб боришдан чарчамасдилар. Ана шундай тадқиқотлардан бири А. Стеткевичнинг «Туркистан Россия учун зарарлими?» («Убыточен ли Туркестан для России?») номли тадқиқоти бўлиб, Россиянинг Туркистондаги даромадлари ҳақида юқорида келтирилган айrim маълумотлар айнан шу тадқиқотда қайд қилинган.¹ Лекин унда келтирилган асосли далиллар Туркистонни «оқлаш ёки ҳимоя қилиш» эмас, балки ўлканинг «катта даромад манбай эканлиги»ни, ундан келажакда «янада оқилона фойдаланиш лозимлиги»ни аниқ фактлар билан исботлашга қаратилган эди. А. Стеткевичнинг мазкур тадқиқоти ошкора чоп этилиб, рус жамоатчилиги орасида тарқатилган. Туркистондан Россия империяси олган даромадларни имкон қадар ҳисоблаб чиқиб, унинг «зараарли эмас»лигини исботлаб берган муаллиф тадқиқот якунида келажакда «бу даромадларни янада кўпайтириш учун ниҳоятда «бой салоҳиятли ўлка»га энг қисқа темир йўлни тезроқ олиб келиш ва уни «марказ» билан боғлаш, ирригацияни ривожлантириб, маҳсулдор ерларни кўпайтириш, рус мустамлакачилигини мустаҳкамлаш, маҳаллий саноатни жонлантиришга ҳомийлик қилиш, арzon кредитлар беришини» тавсия этган.

Юқорида кўриб ўтилганидек, бу тадбирлар Россия империясининг Туркистонда олиб борган сиёсатида изчил амалга ошириб борилди.

Туркистон халқлари қашшоқлашиб бордилар. Айниқса I жаҳон уруши йилларida аҳвол ниҳоятда оғир-

¹ Стеткевич А. Убыточен ли Туркестан для России? С-Пб. 1899. С. 16.

лашди. Мустабид ҳукумат фронт эҳтиёжлари учун Туркестон аҳолисини аёвсиз талай бошлади.

Чунончи, 1914—1916 йилларда Россияга фронт эҳтиёжи баҳонасида 41 млн. пуд пахта, 3 млн. пуддан ортиқ пахта ёғи, 200 минг пуд совун, 300 минг пуд гүшт, 471 минг пуд балиқ, 70 минг пуд от ёли ва думи, 2925 минг пуд юнг, 737 тия, 13441 ўтов, 270 арава, 38004 кв. метр шолчалар ва бошқа нарсалар олиб кетилди. Қизил ярим ой жамияти эса 1916 йилда Туркестон ҳалқидан 2400000 сўм пул тўплаб, Россияга жўнатди.

Ўлкада озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи тобора ошиб бораверди. Бундай ўта мушқул вазиятдан капиталистлар ва судхўрлар фойдаландилар. Мухбирнинг Фарғонадан юборган аҳборотига кўра, 1916 йилда «Умум қимматчилик кучайиб бораётган шароитда ип-газламаларнинг нархи ошиб борган. Агар озиқ-овқат маҳсулотлари 80—100 фоиз кўтарилилган бўлса, ип-газламаларнинг нархи эса 300—400 фоизга қимматлашди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг асосан ип-газламалардан фойдаланиши назарда тутилса, унинг нархи чидаб бўлмайдиган даражада ошиши натижасида мамлакат чинакам қашшоқликка учрагани кўзга ташланади»¹.

Отларнинг кўплаб фронтга олиб кетилиши орқасида уларнинг нархи 50 сўмдан 100—200 сўмгача ошиди. Натижада аҳоли отсиз қийин аҳволга тушиб қолди. Айни бир пайтда, кўйларнинг нархи мисли кўрилмаган даражада қимматлашди. Умуман, бозорда нимаики сотилса, барчасининг нархи жуда баландлашиб кетди. Шундай оғир вазиятга қарамай, чор ҳукумати, мустамлакачи сармоядорлар, судхўрлар пахтакорларни ва бошқа соҳаларда ишлаётган авом ҳалқни беаёв эзиз, шилавердилар. Ўша давр манбаларида бу ҳол шундай таърифланган: «Молларга талаб катта, нархлар кунда эмас, ҳар соатда ошмоқда. Умуман, нархларнинг пасайишига умид йўқ. Нопоклик ва саводдаги фирромликлари билан ном чиқарган саноат доиралари ҳеч бир нарса билан ҳисоблашмай, ўзларининг манфаатларини ўйламоқдалар. Улар чўнтақларини олтин билан тўлдиришга муқкасидан кетдилар. Уятсизлик касаллигига чалинган қулоқлар ҳам (бой рус дехқонлари назарда тутиляпти — Д. З.) ҳалқнинг

¹ Туркестанское сельское хозяйство. 1916. № 17, С. 475.

кўз ёшлари билан тўлган дengиздан бойликлар тўпла-
моқдалар¹!

Хулоса қилиб шуни қайд этиш лозимки, чор ҳуку-
мати Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш жараё-
нида ва айниқса, ўрнатилгандан сўнг аёвсиз талончи-
лик сиёсатини олиб борди. Туркистон халқларининг
асрлар давомида халол меҳнат билан яратиб келган
моддий ва маданий бойликларини талаб, зўрлик би-
лан тортиб олди. Ана шу моддий бойликлар эгаси ва
яратувчиси бўлган халқни эса тутқунликда, қашшоқ-
ликда, ҳукуқсизликда сақлаб, уларнинг нафақат мил-
лий, сиёсий, балки энг оддий инсоний ҳукуқларини
ҳам топтади.

Ўлкада олиб борилган иқтисодий, миллий, ижти-
моий сиёсат халқни ва унинг меҳнати, бойликлари,
маблағларини мустабид давлат империяси манфаатла-
рига хизмат қилдиришга бўйсундирди. Агар сиёсат,
саноат, ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, солиқ тизими
айнан шу асосда ташкил қилинган эди.

Пировардида Туркистон чор империясининг хом-
ашё базаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айланти-
рилди. Туркистоннинг табиий, моддий бойликлари,
ишлаб чиқариш кучлари, халқнинг оғир жисмоний
меҳнатининг самаралари империя хазинасини, муста-
млакачи амалдорлар, сармоядорлар чўнтагини тўла-
тишга, уларнинг бойлигига бойлик қўшишга хизмат
қилди. Бу бойликларни пешона териси, машаққатлар
билан яратган халқ эса мазлум, қолоқ ва муте бўлиб
қолаверди. Бу зулм кишанларини узиб ташлашга қара-
тилган ҳар қандай саъи ҳаракат шафқатсиз жазо чо-
раларига дуч келди. Ўлкада ўрнатилган ҳарбий-маъму-
рий бошқарув ахолини қуллик исканжасида сақлашни
тъминилаб турди. Буларнинг бари мустамлакачилик ти-
зимининг устунлари эди.

2-§. Совет тузумининг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги мустамлакачилик асоси. Фойдали қазилмалар марказни бойитни хизматида.

Октябрь тўнтириши чоризмнинг мустамлака Тур-
кистон иқтисодиёти ва халқ оммасини империяча
эксплуатация қилишдан иборат талончилик амалиёти-

¹ Ўша жойда. 181-6.

га възда қилинган ўзгаришларни киритмади. Аксинча, мустабид ҳокимият идора усули билан қўшилиб кетган «бозордан ташқари социализм» деган ўта яроқсиз маркесча андоза «Совет Ўзбекистони» шароитида ўзининг энг сўнгти нуқтасига етиб, миллий иқтисодиётни издан чиқарди.

Ҳозирги кун нуқтаи назаридан қараганда, собиқ совет давлатида амал қилган «иттифоқ меҳнат тақсимоти» аввал бошдан ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш соҳасида чоризмнинг мустамлакачилик андозаси асос солган буюк давлатчилик мантиғига таянганигини яққол кўрсатади. Бу андоза Ўзбекистон халқ хўжалиги мажмуининг ҳаддан ташқари ихтисослашувини, унинг иқтисодий ривожланишининг бир томонлама хусусиятини белгилаб бердики, у ўлканинг табиий бойликларини талаш ва меҳнат ресурсларидан ваҳшиёна фойдаланиш, республикани тайёр маҳсулотни сотиш бўйича кенг кўламли бозор сифатида саклаб туриш соҳасида марказнинг имкониятларини оширишга бутунлай бўйсундирилган эди. Шу муносабат билан республикамиз Президенти Ислом Каримов илмий жиҳатдан аниқ таъкидлаб ўтганидек, «республикада кўп ўн йилликлар мобайнида амалга ошириб келинган қарорлар, «кампания»ларнинг режалари узоқ марказда тузиларди. Натижада халқ хўжалигининг яроқсиз, бир томонлама хом ашё тузилмаси таркиб топган бўлиб, у республикамизга айрим хом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологияларни эмас, шу билан бирга, ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол молларини ҳам ташиб келтиришни тақозо қиласарди»¹.

Туркистоннинг ер-сув, меҳнат ресурслари, моддий бойликларидан фойдаланишнинг мустамлакачилик шакллари, усуллари ва асосий йўналишларидан иборат подшо тизимини ўзgartиришнинг совет варианти октябрдан кейинги дастлабки кунлардан амалга оширила бошланди. У «қызил марказ» танлаган «ёрқин келажакка» ҳужумкорлик билан ўтиш йўлида ўз ифодасини топди ва «ҳарбий коммунизм» режими мафкураси ҳамда амалиётида яққол намоён бўлди.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Асарлар. I-ж. Т., «Ўзбекистон», 1996. 59–60-бетлар.

Ўлка халқлари билан коммунистик метрополия ўртасида иқтисодий соҳадаги мустамлакавий — империяча муносабатларнинг янги шакли таянч асосларини яратишнинг белгиловчи омили хусусий мулкни мустабид-часига давлат мулкига айлантириш сиёсати, ишлаб чиқариш воситаларини кенг миқёсда жадаллик билан умумийлаштириш бўлди. «Ижтимоий адолат»ни тъминлаш ниқоби остида амалга оширилган мазкур ҳаракатлар ҳақиқатда ҳукмрон марказ томонидан қаттиқ назорат ўрнатишнинг моддий мұхитини ва халқ ҳўжалигини бошқаришнинг мустамлакачилик тизимини шакллантиришга ёрдам берди.

Октябрдан кейинги дастлабки йилларда кўзга ташланган бошқа сабабларни ҳам айтиб ўтиш мұхимдир. Унинг ёрқин ифодаси ленинча коммунистик раҳбариятнинг совет ҳокимиятини зўрлик билан сингдиришда мамлакат иқтисодий салоҳиятидан зўр бериб фойдаланишга интилишидан иборат бўлди. Халқнинг ёт социалистик давлатчиликни куч билан жорий этишга қаршилик кўрсатиши ортиб бориши туфайли бу сабаб айниқса кучайди.

Маълумки, октябрь тўнтаришидан кейин дарҳол сайлашган Россия империясининг бутун ҳудудида фуқароларнинг қаршилик кўрсатиши ва миллий-озодлик курашининг қудратли тўлқини авж олди. Туркистанда ҳам исёнчилик ҳаракати кенг ёйлди. Коммунист мағкурачилар халқнинг ижтимоий норозилигини «халқаро империализм» билан ички контрреволюциянинг бирга қўшилиши, деб ниқобланган ҳолда тушунтирилар, улар гўё совет давлатига «энг кескин синфий кураш шакли — фуқаролар уруши»ни тиқиширган эмиш. Ҳақиқатда эса марксча таълимот стратегиясининг ўзи «пролетариат диктатураси»ни қарор топтириш ва «социалистик инқилоб»ни амалга оширишнинг мұхим воситаси сифатида «Фуқаролар уруши»ни кенг миқёсда авж олдириш зарурлигига таянарди.

Фуқароларнинг кескин қарши курашини келтириб чиқарган Москвадаги раҳбарият мамлакатнинг бутун ҳўжалик ва сиёсий ҳаётини ҳарбий йўсинда қайта куришни талаб қилди. Марказий совет ҳукумати бошлиғи В. И. Ленин ўша вақтда кўп марта «ҳамонки аҳвол урушгача бориб етган экан... мамлакатнинг бутун ички ҳаёти урушга бўйсундирилиши лозим... бу соҳада заррача ҳам иккиланишга йўл кўйиб бўлмайди», деб тъкидлаган эди.

Иқтисодий сиёсатта келганды, бундай ёндашув ишлаб чиқариш ва хом ашё ресурсларини «ички ва ташқи контреволюция устидан ғалаба қозониш» манфаатлари йўлида ҳар тарафлама марказлаштириши тараба қиларди. Бошқача айтганда, совет тузумининг ғалабаси учун шундай қилиш лозим эди. Бу жиҳатдан ҳам чоризмнинг аввалги мустамлакачилик иқтисодий сиёсати октябрдан кейинги шароитда янги омил билан тўлдирилди. Бу омил: инқилобни «экспорт қилиш», ўлкага коммунизмни ёйишнинг стратегик вазифаларини таъминлаш, шу жумладан, Россия коммунистик иштирокининг бош раҳнамоси сифатида намоён бўлаётган империя куролли кучларини ресурслар билан таъминлаш учун Туркистоннинг иқтисодий салоҳиятини жалб қилишдан иборат эди.

Куролли қаршилик ниқоби остида фавқулодда иқтисодий чоралар кўриш большевик раҳбарларга тобора авж олиб ялпи норозилик ва иқтисодиётнинг инқизига сабаб бўлаётган «ҳарбий коммунизм» деган тарқоқ атамани ишга солишларига баҳона бўлди. Кейинчалик «ҳарбий коммунизм» сиёсатининг Кремль раҳбарлари талаби билан расмий равишда «вақтингча чора» сифатида баҳоланиши, унга «инқилоб душманларига қарши кураш олиб бориш зарурлиги» сабаб бўлаёттир, дейилиши бежиз эмас эди. Бироқ ҳақиқат шундан иборат эдики, «ҳарбий коммунизм» мафкурасининг ўзи «коммунизмга сакраш» деган телбанамо марксча лойиҳага асосланганди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати куйидагиларни назарда тутарди: саноатни кенг миқёсда давлат мулкига айлантириш, унга раҳбарлик қилишни совет давлати кўлида марказлаштириш (бундан мақсад саноат салоҳиятини қурол-яроф ва армияни моддий таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар этиш эди); ғалла монополиясини ўрнатиш, хусусий савдони таъқиқлаш ва озиқ-овқат развёрсткасини кўллаш; «ишимаган-тишламайди» деган синфий қоида асосида мажбурий ва ялпи меҳнат мажбуриятини жорий этиш.

Асосан келгинди муҳожирлардан ташкил топган ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжларидан йироқ бўлган туркистонлик коммунистлар Лениннинг «қаттиқ ҳужум қилиш ва сиқувга олиш»га асосланган назариясини сўзсиз кўллаб-кувватладилар. Маҳаллий большевиклар Кремлда тузилган хаёлий лойиҳаларнинг нафақат мазмуни, балки ҳар бир ҳарфига ҳам қатъий амал қили-

шарди. Агар ижодий фикр учқунлари намоён этилгудай бўлса, ҳукмрон буюк давлатчилик шовинизмининг қаттиқ таъқибига дучор бўларди. Ўлкамизнинг миллий-диний ва иқтисодий хусусиятлари мутлақо назар-писанд қилинмасди.

Туркистон саноатини ялпи давлат мулкига айлантириш кампанияси 1917 йил охиридан — ҳали миллий-озодлик кураши оммавий равишда юксалишидан олдин авж олдирила бошлади. Лекин у марказий Россияядагига нисбатан анча жадал суръатлар билан ўтказилди. Хусусан, агар 1918 йил ўрталарига қадар советлар Россиясида барча корхоналарнинг 11%и давлат мулкига айлантирилган бўлса, Туркистонда бу кўрсаткич 45%ни ташкил этган эди¹. «Социалистик янгилашиш» жабҳасидаги шиддатли ҳужумдан руҳланган ўлка большевиклар Халқ комиссарлари кенгаши раиси Ф. И. Колесов 1918 йил баҳоридаёқ Москвага телеграф орқали «Хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш кенг кўламда олиб борилмоқда, натижалар яққол кўзга ташланиб турибди»², деб кувонч билан маълум қилган эди.

Ошкора мусодара қилиш — таъқиб этиш ҳаракатлари билан ажralиб турувчи биринчи босқичда ўлка саноатининг етакчи тармоқларидаги корхоналар совет давлати мулкига айлантирила бошлади. Бунда империяча тафаккур мантиғидан келиб чиқиб, биринчи галда марказнинг тўқимачилик ишлаб чиқарини пахта хом ашёси билан таъминлаши лозим бўлган тармоқларни умумлаштиришга алоҳида эътибор берилди. 1918 йил бошларидаёқ марказ талаби билан пахтачилик мажмуига кирадиган корхоналар жадаллик билан давлат мулкига айлантирила бошлади. Масалан, 1918 йил 28 февралда Туркистон Халқ комиссарлари кенгаши пахтани мусодара қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўша йилнинг 5 марта да эълон қилинган «Пахтачилик саноати, ёғ ва момиқ пахта ишлаб чиқариш ҳамда чала маҳсулотларни харид қилиш ва сотиш корхоналарини давлат мулкига айлантириш тўғрисида»ги қарор юқоридаги қарорнинг сиёсий давоми бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ 273 та пахта тозалаш ва 38 та ёғ-мой-совун пишириш

¹ История народного хозяйства Узбекистана. Т. I.—Т., 1962. С. 30.

² ГАРФ, ф. 130, оп. 2, д. 374, л. 92—93.

заводи, ўнлаб пахта фирмалари, 40 га яқин майда корхона коммунистик давлат ихтиёрига ўтди¹.

Пахтачилик саноатини умумлаштириш соҳасидаги «муваффақиятлар» Ф. И. Колесовнинг 1919 йил 5 майдада В. И. Ленинга: «Пахтачилик саноати бутун Россия учун муҳим аҳамиятга эгадир — уни янада ривожлантириш йўллари таъминланди... ҳозирги вақтда биз Сизнинг ихтиёрингизга 1 млрд. 700 миллион сўмлик пахта юбориш имкониятига эгамиз», деб хурсандчилик билан маълум қилишига имкон берди.

Туркистон Халқ комиссарлари кенгаши 1918 йилнинг баҳори мобайнида пахта мажмуидан кейин Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган нефть, кўмир, полиграфия саноати корхоналарини давлат мулки деб зълон қилди. Банклар, темир йўллар, савдо мажмуи ҳам зўрлик билан умумийлаштирилди.

«Сармояга қарши қизил гвардияча ҳужум» усула-рининг татбиқ этилиши натижасида 1918 йилнинг ёз фаслида ёқ ялпи маҳсулотнинг 80%дан кўпроғи давлат мулкига айлантирилган корхоналар удушига тўғри келди². Биринчи навбатда ҳом ашё етказиб бериш ва ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришда стратегик аҳамиятга эга бўлган таянч иқтисодий тузилмалар ва саноат корхоналари совет ҳокимиияти назорати остига олинди.

Мустабид тузумнинг маъмуриятга бўйсунувчи иқти-содиётини шакллантиришга қаратилган хусусий мулкни кенг кўламда давлат мулкига айлантириш тўғридан-тўғри Марказнинг олий сиёсий арбобларига бориб тақаладиган халқ хўжалигини бошқаришнинг марказлашган тизимига асос солиш билан қўшиб олиб борилди. Масалан, 1917 йил 2 декабрда РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши ҳузурида Олий Халқ хўжалиги Кенгаши (ОХХК) ташкил топди, у жойлардаги, шу жумладан, Туркистондаги хўжалик фаолиятини назо-рат қилиши лозим эди. Кейинчалик марказий ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини шафқатсизлик билан амалга оширадиган Давлат режа қўмитаси, бошқа тегишли халқ комиссарликлари ва маҳкамалари ташкил этилди.

Бошлангич босқичда ўлканинг хўжалик жиҳатидан марказлашувини амалга оширадиган ҳокимиият орган-

¹ ГАРФ. ф. 3969, оп. 1, д. 5, л. 251.

² Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 284-варақ.

³ История народного хозяйства. Т. I. С. 30.

лари билан бир қаторда, ОХХКга бўйсунадиган Туркестон республикаси Марказий халқ хўжалиги кенгаши фаолият кўрсатди. Бу кенгаш 1918 йил 18 декабрда таъсис этилди. Шундан кейин минтақавий даражада Халқ хўжалик кенгашлари ташкил этилди. 1919 йил охирларига бориб халқ хўжалик кенгашлари ТАССР-нинг 37 та шахри ва барча вилоятларида фаолият кўрса-та бошлади¹.

Халқ хўжалик кенгашлари марказнинг сўзсиз амал қилинадиган кўрсатмаларига мувофиқ саноат корхоналарини ҳарбий йўналишга ўтказиш билан шуғулландилар. Улар ҳарбий маҳсулот, хом ашё, ёқилғи, материаллар тайёрлашга буортмалар қабул қилиб, уларни корхоналарга тақсимлар, бажарилишини назорат қиласар, тайёр маҳсулотни исёнчиларга қарши кураш жабдаси-га жўнатар эдилар.

Ўлканинг бутун халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш Марказий халқ хўжалик кенгашида унинг ўзига юкландиган ваколатлар доирасида амалга ошириларди. Кенгаш озиқ-овқат, меҳнат, ер ишлари, темир йўл, почта ва телеграф, молия комиссарликлари, шунингдек, депутатлар кенгашлари ва жойлардаги халқ хўжалик кенгашлари фаолиятини бирлаштирас ва йўналтириб турарди².

Саноатнинг совет давлати қўлида марказлашувини унинг фаолиятини аниқ мақсад билан биринчи навбатда коммунистик давлат тузумининг асосий кучи бўлган «қизил армия» эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш имконини берарди. Масалан, фақат Тошкент шаҳрининг ўзида 228 та корхона «мудофаа» мақсадларига ишлар эди³. Республиkaning саноат мажмууни ёппасига ҳарбийлаштириш натижасида 1919 йилга келиб хукumat қўшинларини узлуксиз ресурслар билан таъминлашга муваффақ бўлинди. Бу даврда Туркестон саноати қизил армия бўлимларини кийим-бош ва курол-аслаҳа билан деярли тўлиқ таъминлай бошлади. Йилги марказий Россиядан келтириладиган ҳарбий маҳсулотларнинг айрим турларини шу ерда кенг кўламда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди⁴.

Бироқ коммунистик давлатнинг бу «ютуғи» халқни икки ҳисса талашга сабаб бўлди. Чунки ўлканинг иқтисодий ресурсларидан миллий жамиятнинг илфор куч-

¹ Очерки хозяйственной жизни Туркестанской Республики. — Т., 1921. С. 143.

² Узбекистон МДА, 27-фонд, I-рўйхат, 16-иш, 156-варақ.

³ Рашидов Г. История социалистического Ташкента. Т. I. — Т., 1965.

⁴ Узбекистон МДА, 27-фонд, I-рўйхат, 346-иш, 13—20-варақлар.

ларига қарши ғайрихуқуқий кураш олиб боришда кенг миқёсда фойдаланиш билан бир қаторда, халқ хўжалигининг ҳарбий соҳага йўналтирилиши кенг истеъмол молларининг шиддат билан камайиб кетишига сабаб бўлди. Республика аҳолисини энг зарур саноат моллари билан таъминлаш имкониятлари ҳаддан ташқари камайди.

Туркистон МИҚ марказнинг қўллаб-куватлашига умил қилиб, 1918 йил декабрнинг бошларида Москвага ташвишли телеграмма юборди: «Туркистон кеининг 6 ой мобайнида қамал қилинган қалъа ҳолатига тушиб қолди. Ташиб келтириладиган барча товарлар тўлиқ равища тугаб-битди»¹. Бироқ Кремлдаги йўлбошчиларни халқнинг зарур эҳтиёжларини қондириш деярли қизиқтирмасди. Россиядан истеъмол буюмларини ташиб келтириш ҳажми тобора қисқариб борди ва 1920 йилнинг кузидаги 1914 йилга нисбатан бор-йўғи 1,8%ни ташкил этди².

Давлат ихтиёрига ўтказилган саноат ишлаб чиқарishi бутунлай «фронт»ни таъминлашга йўналтирилган бир шароитда бирдан-бир «нажот» умумийлаштирилмаган косибчилик-хунармандчилик устахоналари бўлди. Ҳақиқатан ҳам жойларда товар қашшоқлигидан бир қадар қутулиш йўлларини қидириб, айрим ярим хунармандчилик ва косибчилик устахоналари очила бошлади, улар пойафзал, кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаради. Бироқ тез орада бу буюмлар ҳам биринчى галда қизил армия қисмларини таъминлашга топшириладиган бўлди. Масалан, 1918 йил 1 ноябрда «Голос Самарканда» газетаси косиблар ва хунармандларга расман мурожаат этиб, хукумат барча пайта ва этикдўзлик устахоналарига «армия учун кийим-кечак тайёрлашни топширади», деб маълум қилди.

Туркистонлик 150 минг кишидан иборат косиблар ва хунармандлар гуруҳини янги ҳокимият мавқенини мустаҳкамлашдан иборат стратегик вазифани ҳал қилишга жалб этиш мақсадида Марказ уларни жадал равища кооперация атрофида уюштиришни тавсия этди. Марказнинг империяча иродасини ифодалаб, Туркистон компартиясининг III съездидан қисқа муддат ичida эркин косиблар ва хунармандларни кооперативларга бирлаштиришни талаб қилди, уларни «мамлакатни

¹ Хроника гражданской войны в Узбекистане. — Т., 1991, с. 95.

² История народного хозяйства Узбекистана. Т. I... с. 99.

таъминлашнинг умумий режаси»га кўшди¹. Мазкур кўрсатманинг амалий ижроси сифатида 1918 йил июль ойида Туркестоннинг саноат Халқ комиссарлиги хузурида косибчилик саноати маҳсус шўбаси ташкил этилди², у косибларни «қизил Россия»нинг моддий ресурсларини қўллаб-кувватлаш умумий режасига жалб қилиш билан шугууланди. Натижада барча тармоқларнинг давлатта қарамлигига асосланган сиқиқ бир майдонга ҳайдаб киритилган, хом ашё ва тайёр маҳсулотни хусусий равишда сотишдан маҳрум этилган косиблар бутунлай давлатга тобе бўлиб қолдилар. Улар хом ашё ва материалларни ҳам давлатдан оладиган, ўз маҳсулотларини ҳам унга топширадиган бўлдилар. Бундай шароитда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки миллий қаршилик кўрсатиш кучларига қарши кураш олиб бораётган «фронт»ни ресурслар билан қўллаб-кувватлашга бутунлай бўйсундирилди.

Хужжатли манбаларнинг гувоҳлик беришича, Туркестондаги совет қуролли кучларини таъминлаш турли-туман воситалар орқали амалга оширила бошланди. Масалан, «армияни» узлуксиз таъминлаш мақсадида Марказдан келган буйруқ асосида энг зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат ва ҳунармандчилик корхоналарининг муайян қисми 1919 йилнинг нояброда бевосита Марказий ҳарбий тайёрлов бўлимига бўйсундирилди, Туркестондаги кўшинлар учун буюмлар ишлаб чиқариш ёппасига унинг ихтиёрига ўтказилди. Хусусан Туркестон ўлкаси Марказий ҳарбий тайёрлов бўлимига тахминан 3,5 минг ишчига эга бўлган 30 дан ортиқ корхона бўйсундирилди³. Уларнинг маҳсулоти фақат ҳарбий эҳтиёжларни қондиришга ишлатилар эди.

Айни вақтда, бошқа корхоналар ҳам «фронт» учун хизмат қиласиди. Мисол учун, ўша вақтда Самарқандда фаолият кўрсатган 6 та пойафзал устахонасининг иккитаси совет кўшинларини таъминлаш вилоят ҳайъатига, тўрттаси вилоят озиқ-овқат бўлимига бўйсундирилган эди. Лекин улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 80% босқинчи армияга мўлжалланган бўлиб, бор-йўғи 20% «фуқаролар ва турли ташкилотлар эҳтиёжлари»

¹ Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. — Т., 1988. С. 43.

² Ўзбекистон МДА, 27-фонд, 1-рўйхат, 20, 60, 79-ишлилар; 130-иш, 19-варак.

³ Ўша жойда, 346-иш, 13—14-вараклар.

учун ахратиларди¹. Кент истеъмол маҳсулотларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш соҳасида ҳам шундай ахволни кузатиш мумкин эди.

Ҳокимият органлари марказлашган меъёрий тақсимот усулидан фойдаланиб, бусиз ҳам тақчил бўлган саноат моллари захираларидан аҳолига арзимас улуш ахратардилар. Масалан, 1919 йил июлда республика аҳолисига ўша вақтда тақсимланган бутун маҳсулотнинг 20%дан камроғи тегди². Юз минглаб кишиларнинг ёстигини қутирган оммавий очлик кескин товар танқислигига қўшилиб кетди.

Шундай қилиб, марказлашган бошқарув тизими билан бирга қўшиб олиб борилган хусусий мулкни ёппасига давлат иختиёрига ўтказиш Туркистон ҳалқини ўз моддий фаровонлигини таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиёт салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларидан маҳрум этибина қолмай, у совет ҳокимияти томонидан ҳалқни мустамлакачилик асосида эзиш қуролига айланди. Туркистон Советларининг VII қурултойида (1919 йил март) нутқ сўзлаган «халқ ичидан чиққан» делегат Низомбоев ўринли таъкидлаб ўтганидек, аҳоли дастлаб октябрь ўзгаришидан демократик янгилишларни кутган эди, кейин эса совет ва подшо идора усулини «уларга хос бошқаришнинг бир хил усуllibар» бўйича тобора тез-тез таққослай бошлади³.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг муҳим таркибий қисми меҳнатнинг ҳарбийлаштирилиши бўлди, у ўша йиллардаги большевикларнинг бошқа ҳаракатлари сингари ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини социалистик давлатчиликни зўрлик билан сингдириш ва совет ҳокимиятининг тутган йўлини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида сафарбар қилиши лозим эди. Унинг амалий ифодаси меҳнат жараёнини ташкил этишини ёппасига давлат назоратига олиш, жазолашга асосланган ишлаб чиқариш зўравонлигини ва умумий меҳнат мажбуриятини қарор топтиришдан иборат бўлди. Бошқарув ва хўжалик юритиш усуllibарини ҳарбийлаштиришга қаратилган йўл 1918 йилнинг куиздан эътиборан, хусусан ТАССР советларининг VI қурултойи (1918 йил октябрь) Туркистон республикасини ҳарбий лагерь деб эълон қилгандан кейин фа-

¹ Ўша жойда, 7-варақининг орқаси.

² История народного хозяйства Узбекистана. Т. I... С. 102.

³ Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 39-иши, 44-варақ.

оллик билан олиб борилди. Бу йўл аҳолининг барча қатламларига мислсиз зўравонлик тўлқини ёғилишига сабаб бўлди.

Ўлка ҳарбий изга ўтказилгандан кейин қўпгина объектлар ва бутун-бутун тармоқлар ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинди, «темир интизом» жорий этилди. Озгина айбордor бўлган кишилар судга берилиши, «ҳарбий трибуналлар» томонидан жавобгарликка тортилиши, «саботажчилар», «мехнат жабхаси қочоқлари», деб эълон қилиниши ва ҳарбий давр қонунлари бўйича қаттиқ жазоланиши мумкин эди.

Аҳолини ҳақ тўланмайдиган мажбурий ишларга зўравонлик билан жалб қилиш тажрибаси кенг кулоч ёзди. Масалан, Туркистон республикаси Халқ комиссарлари кенгаши қарорига мувофиқ 1918 йил сентябрнинг биринчи ярмиданоқ С. Н. Шумилов бошчилигига ёқилғи бўйича Директория таъсис этилган эди¹. Унга кенг ваколатлар юклangan бўлиб, у аҳолининг турли гурухларини ёқилғи тайёрлашга сафарбар қилиши мумкин эди, бунда нефть ва кўмир қазиб чиқаришдан тортиб саксовул ва бошқа ўтинлар тайёрлашгача бўлган ишлар бажариларди. Натижада йилнинг охирига бориб 70 млн. пуд саксовул тайёрлашга муваффақ бўлинди².

Расмий даражада тасдиқланишича, «эксплуатация қилувчи» ва «мехнат билан шугулланмайдиган» унсурлар мажбурий тартибда жамоат ишларига жалб қилинган. Ҳақиқатда суриштириб ўтирамай, ҳаммага нисбатан бир хилда чора кўрилган. Лекин мажбурий ишлар факат айтиб ўтилган Директория йўли билан эмас, шу билан бирга, бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилган. Масалан, 1918 йил декабрда Туркистон МИҚ «бўш иш кучи»ни темир йўллардаги қор ўюмларини тозалашга сафарбар этиш тўгрисида буйруқ чиқарди». Қишлоқ аҳолиси оммавий равишда сув хўжалиги ишларига, от-олов мажбуриятига жалб қилинди.

Мажбурий равишда мэҳнат қилиш мафкураси марказий ҳукумат томонидан 1918 йил декабрда амалга жорий этилган «Мехнат тўгрисидаги кодекс»да ўз ифодасини топди. Мазкур кодексга мувофиқ 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган мэҳнат қилишга лаёқатли барча фуқаролар мэҳнат мажбуриятини бажарилари шарт эди. «Буржуазия», шунингдек, коммунистик мезонларга кўра «ижтимоий фойдали мэҳнат»

¹ Народное хозяйство Туркестана. 1919. № 4. С. 5.

² Советский Туркестан, 1918. 17 сентября.

билин банд бўлмаган шахслар маъмурий тартибда ишга жалб қилинарди¹.

«Инқилоб қиличи», айниқса, аҳолининг совет тузумига ижтимоий жиҳатдан ёт бўлган гуруҳига, яъни аввалги амалдорлар, хизматчилар, «буржуа зиёлилари», савдогарларга шафқатсизлик билан хужум қилди. «Меҳнат билан шуғулланмайдиган унсурлар» исталган вақтда партия-совет, ҳарбий ва хўжалик органларининг қарори билан кутилмагандан шошилинч равишда чиқарилган буйруқ билан қишлоқ экинларини йиғибтериб олишга, таъмирлаш ишларига, темир йўл вагонларига юк ортиш-тушириш ишларига, ёқилғи тайёрлаш ва шу каби ишларга жўнатилиши мумкин эди. Меҳнат ресурсларини сафарбар қилишнинг бу воситасидан фаоллик билан фойдаланилди. Фақат 1919 йилнинг ўзида меҳнат мажбурияти тўғрисидаги қонун асосида Фарғона вилоятида 12602 киши, Самарқанд вилоятида 7481 киши сафарбар қилинган². «Сафарбар қилинганлар» жамоат ишларидан бўйин торғанлик ёки ўзбошимчалик билан кетиб қолганлик учун ҳибсга олинар, хукм қилинар, жарима тўлашга, молмulkини мусодара қилишга дучор этилар эди. Саноат ишлаб чиқаришидаги ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнатидан, айниқса, шафқатсизлик билан фойдаланиларди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, большевизмнинг бош ташаббускори В. И. Ленин Октябрь тўнтариши арафасида ва ундан кейинги дастлабки вақтларда ижтимоий мулкнинг жорий этилиши ва «буржуа эксплуатацияси»нинг тугатилиши билан меҳнат унумдорлиги ўз-ўзидан мисли кўрилмаган равишда юксалишга эришади, деб катта умид қилган эди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришни коммунистичасига ташкил этиш «онгли меҳнат фаоллиги»ни вужудга келтирарди, унинг асосида иқтисодий манфаат эмас, балки «инқилобий гайрат-шижоат» ётарди. Бошқача айтганда, большевиклар стратеги «якка ҳолдаги эксплуататор»ни давлат тимсолидаги никобланган мулк эгаси билан алмаштириб, товар ишлаб чиқарувчиларни ҳатто ўзларига тўланадиган ҳақдан ҳам маҳрум этишни ният қилган эди.

¹ Ўзбекистон МДА, 233-фонд, I-рўйхат, 39-иш, 4—5-вараклар.

² Правда. 25 декабря 1918 г.

³ Самарқанд вилоят давлат архиви. 74-фона, I-рўйхат, 5-иш, 97—98-вараклар.

Ҳақиқатда бу ғоя совет тарихида маълум даражада ўз ифодасини топди. Совет ҳокимияти ҳукм сурган бутун давр мобайнида оддий меҳнаткашлар қилган меҳнатларига яраша иш ҳақини тўлиқ олмаганлар. Совет давлати бу жиҳатдан энг қаттиқ эксплуататор бўлиб чиқди. Бироқ, айниқса, инқилобдан кейинги дастлабки йилларда омманинг «инқилобий ғайрат-шижоат»-ига таянишга уриниш кенг авж олган эди, бу даврда ишчиларга тўлақонли иш ҳақи ўрнига меъёрланган арзимас паёк бериларди. Бунинг натижасида жуда тез вақт ичида социалистик курилишнинг жонли амалиёти ленинча сийқалаштирилган ёндашувнинг яроқсизлигини кўрсатди. «Озод меҳнат» байрами содир бўлмади. Одамлар белул ишлаб беришни истамадилар. Бундай шароитда олий сиёсий раҳбариятнинг ҳокимият поғоналарида Л. Д. Троцкий инсон ўз табиатига кўра «анча дангаса маҳлук бўлиб, уни қайта тарбиялашнинг бирдан-бир самарали воситаси қамчи бўлиши мумкин»¹, деб тўла-тўкис ифодалаб берган нуқтаи назар ўз тасдигини топа бошлади.

«Қамчи билан қайта тарбиялаш» мантиғидан келиб чиқиб, меҳнат жамоалари ва ҳар бир ижтимоий ишлаб чиқариш ходимининг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида марказий ҳокимият органлари ва шахсан В. И. Ленин ишлаб чиқаришда «темир» интизом ўрнатишга ва интизомни бузувчиларни шафқатсизлик билан жазолашга кўп марта даъват қилиб чиқдилар. Бироқ дўқ-пўписалар ва қизғин «инқилобий чақириқлар»га қарамай, бутун мамлакатда бўлгани каби Туркистонда ҳам меҳнат унумдорлиги кун сайин пасайиб борди. Чунки ишчиларга тўланадиган иш ҳақи ниҳоятда оз эди. У мутлақо маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни меҳнат фоллигини оширишга рағбатлантирумасди. Бунинг устига, ёпирилиб келган пулнинг қадрсизланиши бусиз ҳам ниҳояда паст бўлган маош ва ставкаларни ҳеч нарсага арзимайдиган қилиб қўйган эди, уларга амалда ҳеч нарса ҳарид қилиб бўлмасди. Мисол учун, расмий маълумотларга қараганда, 1919 йил январдан 1920 йил июлгача нархлар ўрта ҳисобда 48 баравар ошган. 1918 йилдан 1920 йилга қадар республикада муомалага чиқарилган пул массаси 120 баравар кўпайган². Бун-

¹ Троцкий Л. Д. Сочинения в 20 тт. Т. 15. М., 1927. С. 129.

² История народного хозяйства Узбекистана. Т. I... С. 105.

дан мазкур «пул массаси»нинг қиймати нимадан иборат эканлиги яққол кўриниб турибди.

Рублнинг шиддат билан қадрсизланиб бориши билан бир қаторда, кўп ойлар мобайнида иш ҳақини тўламаслик ҳоллари одатдаги воқеага айланиб қолган эди. Масалан, Самарқанддаги металл заводидан (собиқ Горенберг заводи) 1918 йил май ойида хабар қилишларича, кўпинча кассада «бир тийин ҳам пул қолмаган», «заводнинг пул билан таъминланиши ачинарли аҳволда эди¹. Бошқа кўпгина корхоналар ҳам худди шундай аҳволда бўлган.

Ишчилар, хизматчилар, ҳунармандлар тирик қолиш учун нархларнинг тўхтосиз ортиб бориши ўрнини гарчи қисман бўлса ҳам қоплаш мақсадида четдан кўшимча даромад манбаларини топишга интилишарди. Бунинг учун уларга «юлғичлар», «ўз манфаатини кўзловчилар» деган таҳқирловчи ёрликлар ёпиштирилар, таъқиб қилувчи жазо чоралари кўлланиларди. Бунинг ташаббускорлари партия мафкурачилари ҳисобланарди. Масалан, Туркистон компартиясининг I съездиёқ (1918 йил июн) «ишчиларнинг бир қисми унумли меҳнат манфаатларига зарар етказган ҳолда, иш ҳақини кўпайтириш ортидан қувишни авж олдирган», дея таъна қилиб, бу ҳолатни «ута кетган ахлоқий бузилиш» деб баҳолаган. Съезд ишлаб чиқариш нормасини бажармайдиган кишиларга «ишчилар орасидаги извогар ва ашаддий аксилинқилобчи» деб қаралишини эълон қилган².

Партия анжуманидан кейин 1918 йил ёз фаслида бўлиб ўтган Туркистоннинг советлашган касаба уюшмалари I қурултойи ишлаб чиқариш топширигини бажармаганларни «саботажчилар» сифатида ўртоқлик судига беришга чақирган³. Бу кўрсатмалар оғишмай амалга ошириларди. Меҳнат нормаларини бажармаган ишчилар учун энг енгил жазо бу — солиқ жарималари эди. Лекин кўпинча ўйлаб чиқарилган «меҳнат дезертирги»да айблаб, судга беришади. Бундан ташқари, ишчилар юқори даражадаги меҳнат нормаларини хом ашё, материаллар, ёқилғи етишмаётган шароитда, эскириб кетган асбоб-ускуналарда бажаришларига тўғри келарди.

¹ Узбекистон МДА, 37-фонд, 1-рўйхат, 45-иш, 13-варак.

² КПГ в резолюциях... С. 10.

³ Хроника событий гражданской войны в Узбекистане. Т., 1991. С. 6.

Асосан «фронт» эҳтиёжлари учун юбориладиган за-
тур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақ-
садида «юқоридан» бўлган ташаббус асосида иш куни
муддати чўзиларди. Масалан, Ҳарбий ишлар комис-
сарлиги «Туркистон меҳнаткашларига» қилган муро-
жаатларидан бирида «янадағайрат билан ишлашни ва
меҳнат кодексида белгилаб қўйилганидек, факат 8 со-
атлик иш куни билан чекланиб қолмаслиқ»ни, «балки
шароит қанча талаб қиласа шунча ишлашни» талаб қил-
ди¹. Бошқача айтганда, иш кунини чекламасдан меҳ-
нат қилиш керак эди, ҳолбуки, иш куни амалда 10
соат ва ундан кўпроқни ташкил этарди. Ана шундай
ёндашув мантиғидан келиб чиқиб, Туркистон шўрола-
рининг VII қурултойи ишчилар ва хизматчиларнинг
таътиларини бекор қилиді². Бироқ мавъумурӣ зўравон-
лик ва таъқиблар ишлаб чиқаришдаги жўшқинликни
пасайтириб юборди. Оғир меҳнатдан силласи қуриган
кишилар оёқда зўрга туришарди.

Бундай шароитда Ленин инқилобий гайрат-шико-
атнинг жуда катта имкониятини бутун чоралар билан
ишга солишга, сўниб бораётган «меҳнат жўшқинли-
гини» рағбатлантириш шаклларини излаб топишга ин-
тилди. Бу воқеа 1919 йил баҳорида рўй берди, ўша
вақтда Москва — Қозон темир йўлида шанбалик ўтка-
зилди. Ленин бу уччалик кўзга ташланмайдиган воқеада
ҳозирга қадар инсоният тарихида меҳнаткашлар ом-
масининг мисли кўрилмаган ҳаракатини, коммунистик
меҳнатни ташкил этишдаги «буюк ташаббус»ни
кўрди.

Одамлар гурухининг кўнгилли равища текинга меҳ-
нат қилиш фактини холисона олиб қарайдиган бўлсак,
уларнинг қандайдир хўжалик вазифасини биргаликда
ҳал этишида ҳеч қандай гайритабии нарса йўқ эди.
Одамлар орасида азалдан муҳтоҳ бўлиб қолганларга
безараҳ ёрдам кўрсатиш анъанаси давом этиб келарди.
Шарқда инсонпарварлик ёрдамишининг бундай шакли
анъанавий «ҳашар»да ўз ифодасини топган. Бироқ Лен-
inin азалий урф-одатларни «инқилобий гайрат-шикоат»-
нинг кудратли воситасига айлантиришга, бу ҳалқнинг
олижаноб саҳовати кўринишини мағкуралаштиришга
уринди. Коммунистик шанбаликлар «ишчилар синфи
меҳнат қаҳрамонлиги»нинг юксак чўққиси, «меҳнатга

¹ Туркестанский коммунист. 3 октября 1919 г.

² Известия. (Ташкент). 24 апреля 1919 г.

коммунистик муносабатни тарбиялаш мактаби», «коммунизм куртаклари» деб эълон қилинди.

Ленинча таърифдан эътиборан «шанбаликлар», «якшанбаликлар» совет ҳокимиятининг бутун тарихи давомида «совет ҳалқи меҳнат солномаси»нинг ажралмас қисми бўлиб келди. Лекин кекса авлод кишилари ўз тажрибаларидан билишадики, «жамоа тарзидаги шанбалик»нинг бундай ягона фактини барқарор тизимга айлантириб қўйиш кишининг ғашига тегади, холос. «Халқ ижоди»нинг сиртдан кўзга ташланган олижаноб усули ортида коммунист ҳукмдорларнинг кишиларнинг инсонпарварлик хусусиятлари ва меҳнат ғайратидан оддий тарзда фойдаланиши яширган эди. «Шанбаликлар», аслини олганда, маъмурларнинг манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни сафарбар қилишнинг кўшимча шаклидан бошқа нарса эмас эди.

Доҳийнинг ташаббуси билан 1919 йилнинг баҳоридан эътиборан партия-совет органлари москвалик темирйўлчиларнинг «буюк ташаббуси»ни бутун ҳалқнинг кўллаб-кувватлашидан иборат қурдатли таргитотчилик кампаниясига айлантириб юбордилар. «Коммунизм куртаклари» Туркистонда империяча Турккомиссия етиб келгандан кейин фаоллик билан сингдирила бошлади.

Ўлқадаги дастлабки шанбалик 1919 йил 11 октябрда Тошкентдаги товар станцияси ҳовлисида ўтказилди. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин иккинчи шанбалик бўлиб ўтди. Ўнда 500 га қин киши иштирок этди¹. Тошкентдаги шанбаликни ўтказишга шаҳар партия кўмитаси раҳбарлик қилди, унинг ҳузурида махсус «шанбаликлар бюроси» таъсис этилган эди. ТКП шаҳар кўмитаси ўзининг пойтахт меҳнаткашларига мурожаатида: «Тошкент ишчилари коммунистик шанбаликларга қўшилишлари лозим, иш соатларининг шиддатини ошириш билан меҳнат унумдорлигини кўпайтириш зарур»², деб кўрсатиб ўтди. «Йлғор ишчилар»нинг шанбаликларда иштирок этиши мажбурий деб эълон қилинди. Уларни ўтказишдан тушган маблағлар шаҳар партия кўмитаси ихтиёрига ўтар ва «фронт» эҳтиёжларига ишлатиларди. Тошкентда мунтазам равищда шан-

¹ Туркестанский коммунист. 11 и 25 октября 1920 г.

² Тошкент вилоят давлат архиви, 18-фонд, 28-рўйхат, 35-нш, 1—2-вараклар.

баликлар ўтказиладиган бўлиб қолди. Фақат 1919 йил октябрдан декабргача бўлган даврда 22 марта шанбалик ўтказилди¹, бу ана шу уч ой ичидаги шанба кунларидан деярли икки баравар кўп эди.

Тошкент ишчиларининг «ташаббуси»ни ўлка партия қўмитаси бутун республикага ёйишга «қарор қилди». Натижада 1919 йил охирларидан эътиборан шанбаликлар Фарғонада ҳам ўтказила бошлади. 1920 йил январидан бошлаб Самарқанд, Андижон, Бухоро, Наманган ва ўлканинг қолган шаҳарларида шанбаликлар бўлиб ўтди².

1920 йилнинг охирларидан бошлаб Туркистонда шўро ҳокимияти назоратидаги худудларда шанбаликлар ва якшанбаликлар ўтказилмайдиган бирорта ҳам шаҳар ва посёлка қолмаган эди. Уларнинг қатнашчилари ишлаб чиқаришда иштирок этиш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалик ишларида қатнашиш, қизил армия учун кийим-кечак ва озиқ-овқат тўплаш, темирйўл станцияларида юк ортиш ва тушириш ишларини бажариш; йўлларни таъмирлаш, вагонлар, техника ва ҳоказоларни созлашда давлатга «ёрдам» кўрсатиш билан шугулландилар.

«Коммунистик шанбаликлар»ни ўтказиш, айниқса, инқилобий байрам кунларида оммавий тус оларди. Масалан, РКП(б) IX съездининг биринчи май шанбалигини ўтказиш тўгрисидаги қарори билан факат Тошкентнинг ўзида 32 мингдан ортиқ киши йигилиш пунктларига келишди³. Янги Бухорода биринчи май шанбалигига 6 соат мобайнида маршрут поезди учун марказга жўнатиладиган 736 т жун ортилди, 272 т уруғлик чигит, 6 вагон саксовул туширилди⁴.

Шанбаликлар билан бир қаторда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг бошқа усулларидан ҳам фаоллик билан фойдаланилди. Масалан, РКП(б) IX съезди қарорларидан кейин «ҳафтаталик»лар номи билан машҳур бўлган хўжалик кампанияларини ўтказиш вақтида муайян давр мобайнида ишчилар синфи ва меҳнаткашлар бошқа тоифаларининг меҳнат файрати жуда зарур, кечикириб бўлмайдиган ишларни бажаришта сафарбар этилар, ёки, ўша

¹ Известия (Ташкент). 1920. 6 март.

² Ўзбекистон Президенти Девони Архиви, 60-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 57-варак.

³ ГАРФ, ф. 130, оп. 4, д. 301, л. 61.

⁴ Ўзбекистон ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 761-иш, 14-варак.

давр ибораси билан айтганда, «вайронгарчиликка қарши кураш ва фронтга ёрдам беришдан иборат энг зарбдор соҳалар»га йўналтириларди.

Туркистонда «ҳафталиклар» 1920 йил январдан ўтказила бошлади. Масалан, Тошкент шаҳар партия қўмитасининг 1920 йил 2 январда бўлиб ўтган пленуми қарорида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган эди: «Барча ишчилар 1920 йил 21—28 январь кунлари иш кунини 10 соатга етказишлари керак. «Фронт ҳафталиги» мобайнида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар қизил армия фойдасига жўнатилиши зарур. Бутун кучни ана шу тадбирларни ўтказишга сафарбар этиш лозим»¹.

«Фронт ҳафталиклари»га багишлиб варақалар, газеталарда мақолалар чоп этиларди. Уларни маҳаллий тилларда нашр қилишга алоҳида эътибор бериларди. Хусусан, улардан бирида бундай дейилган эди: «Ҳар бир сиқим буғдой, маҳорка, ҳар битта кўйлак, кўлқоп, пиджак, шинель, пальто фронтга жуда катта ёрдам бўлади. Душманни узил-кесил йўқ қилиш учун ялпи кудратли куч — бақувват зарба даркор. «Фронт ҳафталиги» ана шундай кучли зарба бўлади. Кимда ким ҳеч нарса бера олмаса, ўз меҳнатини сарфласин ва совфасаломлар тўплашда иштирок этсин»².

1920 йил баҳоридан эътиборан «фронт ҳафталиклари» билан бир қаторда, зарбдор хўжалик «ҳафталиклари» ҳам тобора кўпроқ тарқала бошлади. Хусусан, транспортни тезроқ тиклаш мақсадида 19 апрелда «транспорт ҳафталиги», октябрда — «таъмиrlаш ҳафталиги» эълон қилинди. Шунингдек, «ёқилғи», «вайронгарчиликка қарши кураш» ва ҳоказо ҳафталиклар ҳам ташкил этилди.

Бу ҳафталикларнинг моҳияти анъанавий равища иш кунини 3—4 соатга узайтиришдан иборат бўлиб, бунда меҳнаткашлар ишдан ташқари вақтда ҳеч қандай ҳақ олмасдан, лекин зарбдорларча ишлаб беришлари шарт эди. Бу хилдаги маъмурий-хўжалик ҳаракатларидан муайян иқтисодий самара олинарди, леб айтиш мумкин. Масалан, архив маълумотларига қаранганд, биргина Кизилқия шахталарида ўтказилган якшанбаликларнинг ўзида давлатга 100 минг пуд кўмир

¹ Тошкент вилоят давлат архиви, 18-фонд, 20-рўйхат, 86-иш, 58-варак.

² «Правда» — орган исполкома Самаркандинского Совета депутатов. 5 февраля 1920 г.

берилди¹. Лекин умумий хўжалик натижалари аянчли эди. Бўйруқбозлик билан бақириб-чақириш, маъмур сикувга олиш, «инқилобий ғайрат-шижоат» тизими бой ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланишга имкон бермади.

Совет империясининг бутун ҳудудидаги мафкуралашган иқтисодиёт аввал бошдан ўзининг яроқсизлигини кўрсатди. Кремль доҳийлари «октябрь ғалабаси»дан бошлаб мамлакатни иқтисодий бемаъниликтининг боши берк кўчасига йўналтириди. Туркистон халқ хўжалиги ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолди. Шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши ўта тушкун аҳволда эди. Статистиканинг гувоҳлик беришича, ўлка саноати ялпи маҳсулотининг умумий ҳажми 1920 йилда 1914 йилдагига нисбатан 80%га камайиб кетди², 249 та пахта тозалаш заводидан фақат 16 таси ишлаб турарди.³ 1913 йилга нисбатан пахта толаси ишлаб чиқариш 23 баравар, пахта ёғи 50 бараварга камайиб кетди⁴. Ёқилғи-хом ашё ресурсларини қазиб чиқариш ҳам тобора камайиб борди. Ҳусусан, Қизилқия, Сулукта, Шўроб ва бошқа кўмир конлари шахталаридан тошкўмир қазиб олиш 1916 йилдаги 122 млн. пуддан 1921 йилда 7 млн. пудга тушиб қолди. Челекенда тоғ муми ва нефть қазиб чиқариш деярли тўхтаб қолди, Санто ва Чимён конларида уларни қазиб олиш ҳажми кескин камайиб кетди⁵.

Транспорт ғоят оғир аҳволда эди. Паровозлар етишмас, йўл хўжалиги ўта эскириб кетган, кўпгина темирйўл кўприклари ва излари бузилган, ёқилғи камчил эди. Натижада Туркистон республикаси темир йўлларининг юқ обороти 1920 йилда «урушдан» олдинги даврга нисбатан 40% дан камроқни ташкил этади⁶. ОХХК Раёсати аъзоси В. П. Ногиннинг Давлат режа қўмитасига йўллаган маълумотномаси ўша йиллардаги темирйўл транспортининг аҳволи тўғрисида яқъол тасаввур беради. Унда кўрсатиб ўтилишича, «Тошкент темир йўли... бугунги кунда фақат ўзи учун нефть ташиб келтириш билан шуғулланади. Бошқа ҳеч қандай товар поездлари йўқ, Туркистон билан Федерация-

¹ Узбекистон ПДА. 25-фона. 1-рўйхат, 145-иш, 21—22-вараклар.

² Узбекистон МДА. 27-фонд, 1-рўйхат, 496-иш, 35-варап.

³ Хлопковое дело. 1922. № 3—4. С. 4—5.

⁴ История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2... С. 226.

⁵ Н е п о м и н В. Я. Очерки к истории социалистического строительства в Узбекистане (1917—1937 гг.). Т., 1957. С. 84.

⁶ Отчет деятельности Турк ЭКОСО за февраль-октябрь 1921 г. — Т., 1922. С. 229.

нинг бошқа қисмлари ўртасида ҳеч қандай юк обороти йўқ. Ҳар қандай товар ҳаракати тўхтатиб қўйилган, шу билан бирга, барча поездлар бўшатиб қўйилган, товарлар станцияларга ташлаб қўйилган, вагонлар оч қолган қочоқларга ва эшелонлар демобилизация қилингандарга берилган... Темир йўл хизматчиларининг 90%и терлама билан оғриган. Бирорта ҳам ишчиси йўқ станциялар бор»¹.

Ўлка иқтисодиётининг инқирозга учраганлиги, саноат ишлаб чиқаришининг ҳаддан ташқари пасайиб кетганини марказнинг Туркистон фойдали қазилмаларини тортиб олиш имкониятларини объектив раҳбарияти 20-йилларда қишлоқ хўжалик, айниқса пахтачилик маҳсулотларини империя ихтиёрига ўтказишга кўпроқ эътибор қаратди. Шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг коммунистик метрополия билан фақат аграр соҳада эмас, шу билақ бирга, саноат соҳасида ҳам хўжалик алоқаларини кучайтиришнинг моддий шарт-шароитларини яратишга муҳим аҳамият берилди.

1919 йилда «Оренбург тўсифи» тутатилгач, республиканинг Россия билан «қайта қўшилиши» тиклангандан кейин дарҳол Туркистон иқтисодиётини эксплуатация қилиш, унинг марказни бойитищдаги ролини кучайтириш йўли яққол кўзга ташланди. Айни ўша вақтда В. И. Ленин бевосита ўлқада иш олиб бораётган ҳалқقا қарши ҳукумат қўшинларини ресурслар билан таъминлаш билан бир қаторда, Туркистоннинг марказий минтақалар саноатини қимматбаҳо хом ашё билан таъминлашда «ҳиссаси»ни кўпайтириш юзасидан фаол чоралар кўришни қаттиқ туриб талаб қилди.

Мазкур вазифани ҳал этиш маълум даражада транспорт йўлларини тиклаш билан боғлиқ эди. Чунки Темир йўл транспортининг ўта инқирозга учраганлиги ўлканинг хўжалик ҳаётида ҳам оғир из қолдириши билан бирга марказнинг республика табиий бойликларини сўриб олиш соҳасидаги имкониятини қисқартира, Марказнинг нотинч «миллий чекка ўлка»ни ҳар томонлама назорат қилишини чеклаб қўярди. Ленинча раҳбариятни айниқса Туркистон заводларининг омборларида ва темирйўл станцияларида марказий Россия саноатига ниҳоятда зарур бўлган кўп миқдордаги хом

¹ Хлонковое дело. 1922. № 1—2. С. 20—21.

ашё ҳаракатсиз ётганлиги ҳаддан ташқари ташвишга соларди. Мисол учун, 1920 йил бошларида бу ерда 6,5 млн. пуд пахта толаси, 0,5 млн. пуд жун, 1,5 млн. донага яқин тери йиғилиб қолган эди¹. Буларнинг ҳаммасини «қизил империя»нинг саноатлашган туманларига ташиб кетиш керак эди. Янги қизил аскар қисмларини, Кремлнинг назоратчиларини келтириш ҳам қийинчилик түгдираётган эди ва доказо.

Шунинг учун ҳам темирйўл транспортини тиклаш ленинча маъмурият учун стратегик аҳамиятга эга эди. Қарор топган амалиётга мувофиқ транспорт йўлларини қайта тиклашнинг муҳим омили «инқилобий гайрат-шижоат» ҳаракатлари бўлди. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш билан бир қаторда, юқорида айтиб ўтилганидек, шанбаликлар ва «транспорт ҳафталиклари» ташкил этишда ўз ифодасини топди. Масалан, 1920 йил 20 апрелда ўtkазилган шанбалиқда Бош темирйўл устахоналарининг ишчилари кўшимча равища 3 та паровозни таъмирлаб бердилар. Самарқанд темирйўлчилари 1920 йил апрелнинг охирида эълон қилинган «транспорт ҳафталиги» вақтида 27 та паровоз ва 61 та вагонни таъмирдан чиқардилар, ишдан ташқари вақтда ишлаб 3 та темирйўл кўпригини тузатдилар. Янги Бухорода шундай усул билан 100 та вагон ва бир нечта паровоз муддатидан олдин таъмирланди².

Туркистон республикасида апрелда ўtkазилган «транспорт ҳафталиги»да ҳаммаси бўлиб 12,6 мингдан ортиқ темирйўлчи иштирок этди.

Ҳафталик жараёнида 100 та паровоз ва 128 та вагон таъмирдан чиқарилди, 144 та вагонга юқ ортилди³. 1920 йил ноябрда ўлка темирйўлларида «коммунистик меҳнат байрами»да 16 мингдан ортиқ киши қатнашди. Ана шундай ҳаракатларнинг кўпайиши натижасида темирйўл транспорти ҳарбий ва товар юкларни ташишни мунтазам таъминлаб турди. Агар 1920 йил январда 1660 вагон ҳар хил юклар ташилган бўлса, ўша йилнинг май ойида 2117, августда 5412 вагон юқ ташилди⁴. Шу тарзда 1920 йил мобайнида Туркистондан марказга 6730 вагондан кўпроқ пахта, 1100 вагон-

¹ ГАРФ, ф. 3969, оп. I, д. 30, л. 5.

² Набат революции. б., 8, 10 мая 1920 г.

³ К а л ы м б е т о в Ж. От коммунистических субботников к ударным бригадам. – Т., 1957. С. 18.

⁴ Н а б и е в Ф. Х. Кўрсатиб ўтилган асар. 55-бет.

дан кўпроқ жун, 662 минг донадан ортиқ хом тери ва бошқа нарсалар жўнатилди¹.

Кишлоқ хўжалик хом ашёсини ташиб кетиш йўлга қўйилиши билан бирга, большевиклар ҳокимияти раҳбарияти табиий қазилма бойликлардан фойдаланишга ҳам эътиборни кучайтирди. Ўша вақтда марказий Россияга нефть жўнатишга алоҳида эътибор берилши, чунки бу вақтда у Боку нефтидан вақтинча маҳрум бўлиб қолган ва бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи ниҳоятда катта эди. «Россия йўқсиллари» доҳийси республика ҳукуматидан, Турккомиссиядан, РКП (б) МҚ Туркбюро-сидан тобора кўпроқ нефть қазиб олиш ва «советлар мамлакати»нинг марказий минтақаларига юборишини астойдил талаб қилди. Масалан, 1920 йил май ойида Ленин Турккомиссия аъзоси ва Туркистон фронти кўмандони М. В. Фрунзега маҳсус шошилинчнома юборади, унда қуйидагилар кўрсатилган эди: «Жуда шошилинч равища дарҳол Москвага иккита маршрут поездни ташкил этиб, уларнинг ярмига нефть, ярмига бензин ортилсин. Поездларни соқчилар назоратида навбатдан ташқари ҳаракат билан шошилинч равища Москвага жўнатиш учун қатъий чоралар кўринг. Топшириқнинг ижро этилганлигини, нефть масаласи умуман қандайлигини, унинг қандай захиралари борлигини, ишлаб чиқариш миқдори қандайлигини, уни кўпайтириш учун қандай чоралар кўрилганлигини телеграф орқали маълум қилинг».²

Доҳийнинг кўрсатмаси шошилинч равища бажарилди: тезда Москвага Туркистондан нефть ва бензин ортилган цистерналардан иборат икки темирйўл поездни жўнатилди³. Бу ўринда шу нарсага эътибор беринг: совет давлати бошлиғи империяча тафаккур анъанарага амал қилиб, ҳатто республика ҳукуматига мурожаат қилишни, ҳеч бўлмаганда кўнгил учун ўлкада ёнилғи соҳасидаги аҳвол қандайлиги билан қизиқиб кўришни ҳам ўзига эп кўрмаган. Ҳолбуки, ўлкада ёнилғи соҳасидаги аҳвол ўта оғир эди. Республика раҳбарияти бир неча йил мобайнида ўзи танқис бўлган энергия ресурсларини қаттиқ тежаш соҳасида фавқулодда чоралар кўриб келаётган эди. Нефть ва кўмир асосан электр станцияларга, темирйўлга ва армия учун ишла-

¹ В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. Т., 1960. 121—122-бетлар.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2... С. 187.

³ Узбекистон МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 522-иш, 49, 55—56-варажлар.

ётган корхоналарга юбориларди. Аҳолини керосин билан таъминлаш амалда тұхтатиб қўйилган эди. Фақат саксовул ажратиларди, у ҳам етишмасди.

Холбуки, совет солномачилари ўн йиллар мобайнида «қизил империя» асосчисининг қалбаки портретини ва совет ҳокимиятининг сиёсатини тасвираш учун ёрқин бүёкларни аямай ишлатиб келдилар, кўриниб турганидек, бу сиёсат ўлка ҳалқларини талашдан иборат буюк давлатчилик амалиётини «ўзаро иқтисодий ёрдам» ва «тengҳукуқли ҳамкорлик» тарзида кўрсатишга қаратилган эди. Буни исботлаш учун, хусусан, шундай факт келтирилган: 1920—1921 йилларда Туркистон ва Бухоро республикасига доҳийнинг фармойиши билан Россиянинг саноат туманларидан пиллакашлик, тўқимачилик, ёзув қоғозлари фабрикалари учун асбоб-ускуналар мажмуи, цеплулоид, кастор, тери ва совун пишириш заводлари учун жиҳозлар келтирилган. Айни вақтда, уларнинг ишини йўлга кўйиш учун ўлкага З мингдан ортиқ ишчи ва мутахассис юборилган¹, улар, совет тарих адабиётларида таъкидланишича, «маҳаллий саноатни тиклашда, миллий кадрлар тайёрлашда жуда катта ёрдам кўрсатганлар»².

Албатта, марказий ҳукумат Туркистоннинг саноат билан боғлиқ имкониятларини кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўрмади, дейиш нотўғри бўлур эди. Тиклаш даврида ҳам, кейинчалиқ миллий-худудий чегараланиши ўтказилиб (1924 й.), Ўзбекистон республикаси ташкил топгандан кейин ҳам ўлкада саноат ишлаб чиқаришига мўлжалланган муайян корхоналар ташкил этиб борилди, бюджетдан маблағлар ажратилди, шу жумладан, марказ саноат туманларининг ёрдами билан ишчилар синфини таркиб топтириш ҳаракатлари амалга оширилди. Лекин буларнинг ҳаммаси хукмрон марказ, кейин эса Иттифоқ доираларининг империяча манфаатларига йўналтирилган эди. Ўзбек ҳалқининг миллий табиий бойликлари, унинг меҳнати муттасил равицда мустабид-империяча режимга хизмат қилишга бўйсундирилди. Худди шунингдек, пиллачилик ва ип газлама саноати ускуналари ва 1920 йилда юборилган тери заводи хом ашёга биринчи ишлов беришни таъминлаши лозим эди, сўнгра бу хом ашё «Совет мамлакати»нинг марказий саноат туманларида чукур

¹ Ўзбекистон МДА, 25-фонд. 2-рўйхат, 479-иш, 6-вараж.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. С. 187.

қайта ишловдан ўтказилиб, тайёр маҳсулотга айлантириларди.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг советча янги мустамлакачилик андозасини мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич «социалистик саноатлаштириш»дан иборат бўлиб, у СССРда саноат ишлаб чиқаришини кенг миқёсда ривожлантиришга йўналтирилган эди.

Социалистик саноатлаштириш йўли 1925 йилда иттифоқ сиёсий раҳбарияти томонидан эълон қилинган эди. Уни амалга ошириш янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ислоҳотларини ўтказишни тұхтатиш ва бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик тизимини мустаҳкамлаш билан боелиқ равиша олиб борилди.

Саноат имкониятларини кенгайтириш вазифаси, объектив равищда олганда, ҳали пишиб етилмаган эди. Чунки «советлар мамлакати» ҳақиқатда аграр мамлакатлигича қолаётган эди. Кўп тармоқли саноатта хос ривожланиш бизнинг ўлкамиз учун янада долзарброқ вазифа бўлиб майдонга чиқди. Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўша вақтга келиб ташкил топган Ўзбекистон республикаси ҳалқ хўжалигига қишлоқ хўжалигининг саломғи 70%дан кўпроқни ташкил этарди. Республиканинг аграр ишлаб чиқаришида аҳолининг 85 фоизидан кўпроғи банд эди. Ниҳоятда чекланган саноат соҳаси техника билан етарли таъминланган бўлиб, унинг 90%и қишлоқ хўжалик хом ашёсини бирламчи қайта ишлашга мўлжалланган эди¹.

Мамлакат иқтисодиётининг кўпроқ аграр хусусиятга эга эканлиги хўжаликнинг ривожланиш имкониятларига жiddий тўсиқ бўлиб, етарли даражада ижтимоий-иқтисодий юксалишга имкон бермасди. Кенг тармоқ ёйган индустрисал инфратузилмани яратмай туриб олға томон ҳаракат қилишни таъминлаб бўлмаслиги аниқ эди. Афсуски, совет тузумининг табиити, хом хаёлдан иборат коммунистик таълимотнинг моҳияти, янги иқтисодий сиёсатдан воз кечиш ва мустабид — қатагон режимини мустаҳкамлаш саноатлаштириш вазифаларини аввал бошдан нуқсонлар билан амалга ошириш механизмига асос солган, унинг пировард натижалари ҳам зиддиятли бўлишини белгилаб берган эди.

¹ Ўзбекистон ПДА, 5-рўйхат, 15-иш. З-варак; Четыркина В. М. Узбекистан, состояние и развитие его народного хозяйства. — Самарканд. 1926. С. 241.

Замон масофасидан туриб назар ташлаганда, шу нарса яққол кўринадики, социалистик саноатлаштиришнинг моҳияти сиёсий жиҳатдан олганда, биринчи галда социализмнинг моддий-техникавий негизини яратишга, унитар совет давлатининг яхлит ҳалқ хўжалик мажмунини таркиб топтиришга қаратилган эди, у миллий республикалар иқтисодиётини мустаҳкам «байналминал асос» бутунлай чирмаб олишни мақсад қилиб кўйган эди.

Саноатлаштиришни Ўзбекистонга татбиқ этишнинг қўшимча сабаблари ҳам бор эди. Биринчидан, республикада саноат қурилишини кенг авж олдириш совет миллий сиёсатининг таңтанасини намойиш этиши лозим эди. Иттифоқ раҳбариятига социалистик ўзгаришлар натижасида «бир вақтлар Россия империясининг қолоқ мустамлака чекка ўлкаси» «ижтимоий-иқтисодий тараққиёт чўққиларига» «жаҳоншумул сакраш» қилганинги намойиш қилиш муҳим эди. Шу билан бирга, «совет Ўзбекистони» Ўрта Осиё республикаларидан энг иириги бўлиб, «халқаро империализм томонидан эзиз келинган» ҳалқлар учун «жозибали намуна», «социализмнинг Шарқдаги машъали» бўлиши лозим эди. Иккинчидан, сталинча маъмурият айниқса иккинчи жаҳон урушининг хавф-хатари ортиб бораётган бир шароитда совет давлатининг шарқий минтақасида саноат ишлаб чиқаришининг захира базасини вужудга келтиришга интилар, у қисқа муддат ичидан уруш эҳтиёжларига мослаша олишга қодир бўлиши керак эди. Бироқ яширин мустамлакачилик мантиғидаги энг асосий нарса — марказга гоят бой табиий бойликлар ва қиммат баҳо хом ашё ресурсларини ташиб кетиш учун энг мақбул шарт-шароитларни таъминлашдан иборат эди.

Большевистик раҳбарият бу даврда империяча нијатларини мафкуравий жиҳатдан ниқоблаш мақсадида «ўзбек ҳалқининг ҳақиқий хотенглигига барҳам бериш» деган яққол кўзга ташланувчи шиорни илгари сурди. Бу шиорни амалга ошириш ташқи томондан ўлканинг «иқтисодий қолоқлигини индустрисал ривожланишнинг жадал суръатлари», «замонавий саноат ўчоқларини кенг суратда авж олдириш» йўли билан амалга ошириш мўлжалланган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти Марказнинг тарғиботчилик ваъдаларига ишониб, ўз ҳалқининг туб манфаатларидан келиб чиқиб, дарҳол республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантириш мақ-

садга мувофиқлиги, аввалги мустамлакачилик тузил-
масини ҳамда шаҳар ва қишлоқдаги бутун ижтимоий
ишлаб чиқаришнинг техникавий асосини тубдан қайта
ўзгартиришга қодир бўлган балансли индустрисл база-
ни яратиш масаласини кўйди. Хусусан, маҳаллий хом
ашёни, аввало пахтани қайта ишлашга мўлжалланган
тармоқларни вужудга келтиришнинг муҳимлиги таъ-
кидланди. Бу жиҳатдан ўлка иқтисодиётининг хом ашё
йўналишига барҳам бериш чораси сифатида биринчи
гафда ривожланган тўқимачилик саноатини вужудга кел-
тириш таклиф этилди.

Республикада ҳукм сурган некбин кайфиятлар
Ўзбекистон ССР ташкил топгандан кейин бўлиб ўтган
Ўзбекистон компартияси II съезди (1925 йил ноябрь)
қарорларида ўз ифодасини топди. Республика раҳбарияти
съезд минбаридан фойдаланиб, ўз саноатини,
биринчи навбатда, тўқимачилик саноатини тиклаш
зарурлигини ошкора маълум қилди, бу «маҳаллий
аҳолининг тўқимачилик маҳсулотларига бўлган эҳти-
ёжларини қондиришга, шунингдек, уларни кейинчалик
қўшни мамлакатларга ҳам етказиб бериш»га
мўлжалланган эди¹.

Ёш республиканинг Ф. Ҳўжаев бошчилигидағи ҳуку-
мати асосли равишда ўйлаганидек, тегишли иқтисодий
ёрдам кўрсатилган тақдирда Ўзбекистон ўзида
стиширилган хом ашёни мустақил равишда қайта иш-
лаб, ундан тўлақонли тайёр маҳсулот тайёрлашга, бе-
восита ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатишга қодир
бўларди. Бироқ ўзининг иқтисодий ва ижтимоий тақ-
дирини ўзи белгилашга, ишлаб чиқариш тармоқлари,
турларининг мувозанати ва нисбатларини тартибга со-
лиш муаммоларини мустақил ҳал этишга бундай ин-
тилиш иттифоқ раҳбариятининг империяча манфаат-
ларига бутунлай зид келарди. Иттифоқ раҳбарияти шиор
даражасида эмас, балки реал ҳаётда ўлгадаги ишлаб
чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг мустамлака-
чилик тизимини мустаҳкамлашга асосланарди.

СССР ҳалқ ҳўjalигини ривожлантиришнинг би-
ринчи беш йиллик (1928—1932 йиллар) дастурини му-
ҳокама қилган ВКП(б) XV съезди (1927 йил) Ўзбекистон
ва бошқа миллий республикаларнинг иқтисодий
соҳадаги «айирмачилик»ка интилишларини барҳам топ-

¹ Компартия Узбекистана в резолюциях и постановлениях съездов. — Т., 1968. С. 58.

тириш мақсадида хўжаликни қайта қуришга доир амалга ошириладиган барча ҳаракатлар «Иттифоқ эҳтиёжлари билан мустаҳкам боғлаб олиб борилиши» лозим, деб маҳсус тъкидлаб ўтди¹. Натижада марказнинг тазиёни остида Ўзбекистон компартияси III съездида (1927 йил ноябрь) Ўзбекистон индустрiali ривожланишининг истиқболларини белгилашга доир асосий қарашлар кескин ўзгартирилган ҳолда баён қилинди. Съезд қарорида аввалги қарорларга қарама-қарши ўлароқ, республика нинг иқтисодий юксалиши фақат «халқ хўжалик ҳаётини байналмиллаштириш» умумиттифоқ жараённида миллий иқтисодиётни Советлар Иттифоқининг халқ хўжалиги ва унинг бутун ижтимоий-иқтисодий тузилиши билан «узвий боғлиқ» равишда амалга ошиши мумкин, деган фикр олга сурилди². Бундай боғлиқликнинг асосий моҳияти «ВКП(б) томонидан раҳбарлик қилиниши» ва иқтисодий ўзгаришлар «қатъий иттифоқ режасига мувофиқ» амалга оширилишидан, яъни империяча сценарий асосида ўтказилишидан иборат эди.

Большевик Марказ эса «чоризмнинг мустамлака-чилик меросини тутатиш» сифатида эълон қилинаётган тамойилларни қуруқ баёнот сифатида улоқтириб ташлаб, биринчи навбатда «СССРнинг жаҳон бозорига боғлиқлиги анча кучлироқ сезиладиган», шунингдек, марказни зарур ҳом ашё билан барқарор тъминлаши лозим бўлган тармоқларни ривожлантиришни қаттиқ туриб талаб қилди. Бу хилдаги империяча ёндашувда иттифоқ ҳукумати асосий диққат-эътиборни пахтачилик ва илакчилик саноатини юксалтиришга қаратиш, экспортга мўлжалланган қоракўл тери, жун ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш вазифасини қатъий қилиб кўиди.

Оғир саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аграр соҳага, айниқса, пахтачиликка хизмат кўрсатиш соҳасидаги қишлоқ хўжалик машинасозлигини ривожлантириш, қурилиш материаллари, ёқилғи, қазилма саноати ва кимё саноатини ривожлантиришни, кенг миқёсдаги геология-қидирув ишларини авж олдиришни назарда тутарди³.

Қишлоқ хўжалик ҳом ашёсига ишлов бериш соҳасидаги корхоналар каби оғир саноат тармоқлари ҳам

¹ КПСС в резолюциях. Т. 4. С. 287.

² Компартия Узбекистана в резолюциях., С. 207, 216.

³ Ўзбекистон МДА, 53-фонд, 9-рўйхат, 187-иш, 2-варак.

тўғридан-тўғри марказнинг сиёсий ва иқтисадий манфаатлари билан боғлиқ эди. Мисол учун, Ўзбекистон кимё саноатини ташкил этиш зарурлиги совет давлати азотли ва бошқа ўрит турларини хорижий мамлакатлардан харид қилишга «Қимматбаҳо валюта» сарфлашга мажбур бўлмоқда, деган фикр билан далилланди¹. Республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича йирик саноат корхоналарининг ташкил этилиши валюта ресурсларининг салмоқли қисмини тежаб қолишга, ҳаҳтачиликни жадаллик билан ривожлантиришга ёрдам берарди. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ҳам ана шу мақсадга хизмат қилиши лозим эди.

Кон саноатни ривожлантириш ва кенг геология-қидирув ишларини йўлга кўйиш сиёсати ҳам яққол ифодаланган мустамлакачилик-истеъмолчилик йўналишига эга эди. Ўлканинг табиий бойликларини метрополияга хизмат қилдириш соҳасидаги чор мустабид ҳокимияти анъаналарини давом эттирган бу сиёсат бутунлай марказ эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган эди. Масалан, ВКП(б) XVII конференцияси қарорида очиқ-оидин Ўзбекистонда фаол қидирув ишларини ташкил этишнинг асосий вазифаси «умумитти-фоқни саноатлаштириш учун зарур бўлган қимматбаҳо рангли металларни четдан келтиришдан воз кечиш имконияти»ни яратишдан иборатdir, деб кўрсатиб ўтилган эди.²

Шуни айтиш керакки, РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши 1922 йил ноябрдаёқ Россия саноатига геология-қидирув хизмати кўрсатиш самарадорлитини ошириш мақсадида минерал ҳом ашёни ўрганиш, қазиб олиш ва ишлов беришга катта аҳамият бериб қабул қилган ўз қарори билан «қизил империя»даги барча геология-қидирув ишларини Россия Геология кўмитасида марказлаштирди. Унинг бўлинмаси Тошкент шахарида ҳам очилди.

СССР ташкил топганидан кейин иттифоқ миёсисида ҳам ана шундай қўмита таъсис этилди. Саноатлаштириш бошлангандан кейин геология қўмитаси ўзининг Ўзбекистондаги фаолиятини эски конларни тиклаш ва янгиларини ўрганишга қаратди. Ана шу мақсадда

¹ Ўша жода, 186-ни. 2-4-вараклар.

² Карапп: Осуществление ленинских идей социалистического интернационализма в Узбекистане. — Т., 1984. С. 78.

республикага мунтазам равишида геология-қидириув экспедициялари юбориб турилди. Натижада 1926 йилда В. Н. Панов ва В. Э. Полярков томонидан Ҳайдаркон симоб кони топилди. Сўнгра В. Н. Наследов томонидан Қорамозор тоғлиқ туманида Қалмоққир мис кони, кўрошин-рух кони ва бошқа бир қатор конлар очилди.¹

Республикада йирик рух, кўрошин, олтингугурт, мис ва бошқа фойдали қазилмалар конларининг аниқланиши Марказий раҳбариятга «умумиттифоқ меҳнат тақсимоти»да Ўзбекистоннинг «социалистик ихтисослашуви»ни жиддий равишида кенгайтириш имконини берди. Хусусан, республика рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича иттифоқ аҳамиятига эга бўлган база, деб белгиланди. Натижада 1935 йилдан вольфрам-молибден, 1941 йилдан флюорит маъданлари қазиб олиш йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг «умумиттифоқ ихтисослашуви»даги аҳамияти ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб ва империяча тафаккур анъаналаридан келиб чиқиб, марказий ҳукумат республиканинг бутун мажмууни назорат қилишни амалда ўз кўлига олди. 30-йилларнинг бошларида ёқ саноат корхоналарининг мансублик нисбати қуидагича бўлди: Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар — 14,5%, маҳаллий корхоналар — 3,8%².

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш мақонини марказнинг ўз отамерос мулкига айлантиришида бюджет сиёсати таъсирчан восита бўлди. Иттифоқ раҳбарияти молиявий маблағларнинг яккаю-ягона тасарруфчиси бўлиб, фақат коммунистик метрополиянинг эҳтиёжларига хизмат қиласидиган тармоқларгагина маблағ ажратарди. Масалан, 30-йилларда асосан пахтачилик, нефть, кимё, қазилма саноатига, рангли металлургияга сармоя ажратилди. Айни вақтда маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бөғлиқ саноат ишлаб чиқариши бюджетдан арзимас маблағ ажратиладиган соҳага айланиб қолди. Масалан, ўша давр ҳужжатларида таъкидланишича, кўпдан-кўп ваъдаларга қарамасдан, «енгил саноат етарли даражада ривожлантирилмади».³ Бунинг устига давлат монополияси ва марказлаштириш таъсирида миллий-анъанавий тармоқларга меҳнат сарфлашни тўхтатиб қўйишдан ибо-

¹ И ш м у х а м е д о в А. Экономические проблемы развития добывающей промышленности.—Т., 1974. С. 31—32.

² Ҳ о д ж а е в Ф. Избранные труды. В 3-х томах. Т. 2.—Т., 1972.— С. 242.

³ Ўзбекистон МДА, 337-фонд, 32-рўйхат, 448-иши, 37—38-варақлар.

рат жадал жараён кўзга ташланди. Булар орасида ко-сибчилик-хунармандчилик, чарм-тикувчилик, трикотаж, тўқимачилик саноати, майда металл ва ёёчга ишлов бериш корхоналари бор бўлиб, улар маҳаллий бозорни энг зарур моллар билан таъминларди. Шуни айтиш керакки, ўлканинг косибчилик-хунармандчилик корхоналари 1928 йилда саноат маҳсулотининг 45,7%ини берган эди². Бу корхоналарнинг асоссиз ра-вишда тугатилиши миллий иқтисодиётнинг анъана-вий негизларига путур етказиш билан бир қаторда товар-иқтисодий жиҳатдан марказга боғлиқликни ҳам кучайтирди.

20—30-йиллар чегарасида сталинча раҳбарият то-монидан саноатлаштириш суръатларининг ўзбошим-чалик билан авж олдирилиши таркибий жараёнларнинг бузилишига сезиларли туртки берди. Иттифоқ ҳокимиятида мустаҳкамланиб олган И. В. Сталин би-ринчи беш йилликнинг белгиланган дастлабки топши-риқларидан воз кечиб, 1929 йилдаёқ саноат тараққиётининг «зарбдор суръатлари»ни таъминлашни қаттиқ туриб талаб қилди.

Натижада 1930 йилдан бошлаб совет империясида, шу жумладан, Ўзбекистонда саноат курилиши «ашад-дий ҳужумкорлик» усули билан амалга оширила бош-лади. Бундай усулга мурожаат қилиш қишлоқ аҳолиси-ни саноат обьектлари курилишига мажбурий равища жалб қилиш тизимини қайта тиклаш ва сиёсий ма-буслар армиясининг турма-лагерь меҳнатини оммавий равища қўлланиш билан олиб борилди.

Ҳайбаракаллачилик ва маъмурий сикувга асослан-ган жадал саноатлаштиришга ўтилиши қишлоқнинг меҳнат ресурсларидан зўр бериб фойдаланиш билан бир қаторда, сиёсий зўравонликдан иборат гайриин-соний ҳаракатларни авж олдирди, саноат курилиши сифатига салбий таъсир кўрсатди. Ҳусусан, корхона-ларнинг кўпчилиги технологик жиҳатдан эскириб кет-ган асбоб-ускуналардан фойдаланарди. Завод ва фаб-рикаларнинг муддатидан олдин ишга туширилганлиги тўғрисидаги маълумотномалар кўпинча ҳақиқий аҳволга тўғри келмасди. Улар факат қоғоздагина ишлаётган ҳисобланар, агар ишласа ҳам тегишли хавфсизлик тех-никасисиз, экологик тозаликни сақламаган, зарур иш-

² Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы советской власти. — Т., 1984. С. 45.

лаб чиқариш-маиший шарт-шароитлар билан таъмин этилмаган ҳолда фаолият кўрсатарди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самаралорлигининг паст бўлишига, ишчилар саломатлигининг ёмонлашувига олиб келарди. Бунинг устига, жадал саноатлаштириш нуқсонларини яшириш мақсадида сталинча маъмурият ўзига «ёқмайдиганларнинг изига тушиш пайида» бўларди. Саноат маҳсулоти сифатининг пастлиги, яроқсиз маҳсулотнинг ортиб бориши, сон-саноқсиз авариялар ва бекор туриб қолишлар «синфий душманнинг иғвогарлиги», «социализм душманларининг кўпорувчилик иши» деб тушунтириларди. Натижада кўпгина саноат ходимлари узоқ муддатга ҳукм қилинарди.

Марказнинг империяча сиёсати билан бирга қўшиб олиб борилган ярамас маъмурий ўзбошимчалик амалиёти саноатнинг тўла қонли ривожланиш имкониятларини жиддий равища чеклаб кўйди. Саноатлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳаддан ташқари аянчли бўлди. Буларни ўйлаганда совет тарихчилари ва маъмурларининг 30-йилларда Ўзбекистоннинг саноатлаштириш соҳасидаги «муҳим» ютуқлари ҳақида берган аввалги баҳолари соҳта бўлиб туюлади.

Тўгри, республика бутунлай аграр ўлқадан аграр-саноатлашган ўлкага айланиш борасида муҳим қадам қўйганлигини таъкидламаслик мумкин эмас. Масалан, агар 1927 йилда Ўзбекистон ҳудудида 191 та нисбатан йирикроқ саноат корхоналари мавжуд бўлса, совет-герман уруши бошланиш вақтига келиб улар 1445 тага етди. Республика ҳалқ хўжалиги умумий маҳсулотлари ҳажмида саноатнинг салмоғи 1940 йилга келиб қарийб 50%ни ташкил этди¹. Ана шу даврда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, Тошкент тўқимачилик комбинати, Фарғонадаги йигириув-тўкув фабрикаси, Чирчик-электр техника комбинати, Кўқон суперфосфат заводи ва бошқа корхоналар курилди. Жанубий Ўзбекистон (Хаурдоғ ва Учқизил) янги конларидан нефть, Ангрендаги кўмир конларидан тошкўмир қазиб чиқарила бошлади. Олтингугурт ва тоғ мумига бой конлар очилди, мис, вольфрам, молибден, кўп металли маъданларнинг 38 та истиқболли қатламлари топилди.

Жадаллик билан олиб борилаётган саноат қурилиши чоризмдан мерос бўлиб қолган мишлий иқтисоди-

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 448-иш, 44—45-варақлар.

ётнинг ошкора мустамлакачилик қиёфасини шак-шуб-ҳасиз ўзгартириди. Саноатлаштириш бир қатор янги саноат тармоқларини, шу жумладан, фақат қишлоқ хўжалик хом ашёсини бирламчи қайта ишлашга эмас, шу билан бирга, қисман тайёр маҳсулот ҳам ишлаб чиқаришга қаратилган тармоқларни вужудга келтиришга ёрдам берди. Масалан, агар 1913 йилда оғир саноат улуши 2%ни ташкил этган бўлса (машинасозлик йўқ бўлган шароитда), 1940 йилда 13,3%ни ташкил этди. Пахтачилик ва ё-мой тармоқларининг салмоғи 80,7% дан 38% гача тушиб қолди¹. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик хом ашёсини иккиласми ишлаш бўйича тармоқларнинг салмоғи бирмунча кўпайди. Масалан, озиқовқат саноатида янги тармоқлар — ун-ёрма, мева-консерва, сут, совутиш тармоқлари, енгил саноатда — ил газлами, пиллага ишлов бериш ва ҳоказо тармоқлар вужудга келди. Шунингдек, ишлаб чиқариш восита-лари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар ўргасидаги нисбат ўзгарди. Йирик саноатнинг умумий маҳсулотида (пахта тозалашдан ташқари) «А» гурӯҳининг салмоғи 1940 йилда 32,8% га етди, ҳолбуки, 1928 йилда у 16,3% ни ташкил этган эди².

Шунга қарамасдан, марказ билан республика ўтасидаги империяча муносабатлар тизими, юқоридан тазиик ўtkазиш амалиёти, буйруқбозлик-расмиятчиликка асосланган раҳбарлик усуслари Ўзбекистоннинг шаклланиб келаётган янги саноатлашган қиёфасида из қолдирди.

Бугунги кунда шу нарса аниқки, саноатлаштириш сиёсатининг жадаллик билан амалга оширилиши миллий иқтисодиётнинг мустамлакачилик хусусиятини фақат ташки томонидангина янгилади. У никобланган шаклга эга бўлди, бунда саноат умумий тарзда ўсган ва мамлакат саноатининг тармоқлари кенгайтган бўлса ҳам ўзбек ҳалқини ваҳшиёна талаш ички томондан кучайди. Ўзбекистон жадал саноатлаштириш жараёнида йирик саноат-хом ашё минтақасига айланди, бу ерда метрополияни рангли ва нодир металлар, олтингугурт, тоф муми, вольфрам, молибден, пахта толаси, хом ипак билан самарали таъминлашга асос яратиљди, булар совет давлатини хорижий мамлакатларга хом ашё жиҳатидан қарам бўлишдан қутқарар эди.

¹ Социально-экономическое развитие Узбекистана... С. 48.

² Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 32-рўйхат, 448-иш, 44-варақ.

Бироқ Ўзбекистон сабиқ СССРни саноатлаштиришга ва унинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашгага муҳим ҳисса қўшиш билан бирга аслида хом ашё республикаси бўлиб қолаётган эди. Иттифоқнинг умумий ҳалқ хўжалик мажмуида ўлқамизнинг ихтисослашуви ўзгармади. У «инқилобдан олдинги» даврда қандай бўлса, яъни «қизил империя» марказий минтақаларининг саноат жиҳатидан ривожланиш имкониятларини қондиришга қаратилган бўлса, худди шундай аҳволда қолаверди, республиканинг иқтисодий манфаатлари билан мутлақо ҳисоблашилмади.

Ортиб бораётган саноат ишлаб чиқаришини кадрлар билан таъминлаш жараёни зиддиятли тарзда давом этди. Бир томондан, саноатлаштиришнинг шиддатли суръатлари ишчилар ва муҳандис-техник ҳодимларнинг сон жиҳатидан жадал ўсишига имкон берди. Масалан, йирик саноатда ишчилар синфининг сон жиҳатидан ўсиши биринчи беш йилликда 17,9 минг кишидан 62,4 минг кишига етиб, деярли 3,5 баравар ўсади. 1937 йилга келиб саноат ишчиларининг умумий миқдори 181 минг кишидан иборат бўлди¹.

Мутахассис кадрларнинг кўпайишида ҳам сезиларли силжиш кўзга ташланди. Агар 1929 йилда республиканинг саноат соҳасида ҳаммаси бўлиб 232 муҳандис-техник ҳодим ишлаган бўлса, 1937 йилга келиб улар 6 минг кишидан ошиб кетди².

Шу билан бирга, Ўзбекистонда саноат кадрларини шакллантириш жараёнлари буюк давлатчилик қусурлари билан нотўғри йўлдан борди. Совет давлатининг кадрлар сиёсати ва унинг миллий жиҳатлари марказнинг мустамлакачилик интилишларини яққол акс эттиради. У аввал бошдан биринчи галда миллий кадрлар тайёрлашни эмас, балки келгинди иш кучини тайёрлашга қаратилган эди. Бу жиҳатдан СССР давлат режа қўмитасининг саноат бўйича биринчи беш йиллик режасини ишлаб чиқиш комиссиясининг қарори (1927 йил) ажralиб туради, унда «Ўрта Осиё каби мамлакатларда йирик саноатни четдан келтирилган иш кучи асосида дарҳол вужудга келтириш маъқулроқдир»³, деб айтиб ўтилган эди.

¹ Ўзбекистон МДА, 380-фона. I-рўйхат, 637-иш, 12—13-варақлар.

² Ўзбекистан за 15 лет. Статсборник. — Т., 1939. С. 71.

³ Каранг. Гентшке В. Л., Таджibaев А. А. Формирование рабочего класса Средней Азии (20—30 гг.). — Т., 1992. С. 24.

Ишчи кадрлар асосан марказий минтақалардан келтириларди. Совет вақтида бу жараён ўзбек халқига «байналмилал ёрдам кўрсатиш»нинг намоён бўлиши деб баҳоланди. Бироқ реал ҳаётда аҳвол бундай эмасди.

Тўғри, дастлабки вақтларда рус ишчилари ва мутахассисларининг келтирилиши Ўзбекистоннинг иқтисадий манфаатларига ҳақиқатан мос келарди, чунки бу ерда саноат кадрларини вужудга келтиришнинг моддий негизи ниҳоятда заиф эди. Республикага келган малакали ходимлар саноатнинг янги тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, маҳаллий ишчи кадрлар тайёрлашда иштирок этдилар. Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон шаҳарларига келувчилар оқими дастлаб унчалик кўп эмасди. Масалан, 1933—1935 йилларда республика корхоналари ва қурилишларига қарийб 10 минг киши келган бўлиб, улар кадрлар танқислигига барҳам бериши лозим эди¹. Бироқ шундан кейинги йилларда атайлаб кўчириб келтирилганлар сони ортиб борди. Келгинидилар сони эндилиқда хўжалик эҳтиёжларига мувофиқ эмасди, чунки Ўзбекистон ўзининг йирик ресурсларига эга эди. Кўчириб келтириш оммавий тус олди. Лекин юз минглаб янги келганлар орасида тажрибали ходимлар билан бир қаторда, малакасиз ходимлар ва боқимандалар тобора кўпайиб борди. Аслида улар ортиқча иш кучи эди. У бусиз ҳам республикада керагидан ортиқча мавжуд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланишда юзага келган қийинчиликларни янада чукурлаштириди.

Бугунги кунда маълум бўлишича, марказий минтақалардан аҳолининг оммавий равишда кўчириб келтирилиши фактат халқ хўжалик мақсадларини эмас, кўпроқ сиёсий мақсадларни назарда тутар эди. Иттифоқ ҳукумати «миллий чекка ўлкалар»ни руслаштиришдан иборат империяча сабабларга амал қилиб, Ўзбекистонда, хусусан, бу ердаги таянч тармоқларда таркиб топаётган ва «пролетариат диктатураси» давлатининг ижтимоий таянчи деб қаралаётган ишчилар синфи таркибида рус ишчилари салмоғи кўпроқ бўлишига онгли равишда интиларди. Натижада гарчи ишчилар синфининг миллий кадрларини таркиб топтириш йўлида муайян қадамлар қўйилган бўлса-да, улар сон жи-

¹ Рабич Р. Г. Формирование и развитие социально-классовой структуры Узбекистана. — Т., 1991, С. 79.

ҳатидан ўсгани ҳолда фоиз жиҳатидан уларнинг салмоғи түшиб кетди. Масалан, 1926 йилда Ўзбекистон ишчилари орасида ўзбеклар 50,4%ни ташкил этган бўлса, 1936 йилда — 36,5% ни ташкил этди¹. Бутунлай Йиттифоққа бўйсунувчи йирик саноат тармоқларида бу тафовут янада яққол кўзга ташланарди. Бу ерда маҳаллий миллат ишчилари улуши 30-йиллар охирларида 17,2% дан ошмасди². Техник зиёлилар орасида мазкур кўрсаткич 20% дан камроқни ташкил этарди³.

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистоннинг саноат борасидаги тараққиётida ўзига хос омил бўлди. Фашистлар Германиясининг СССРга тўсатдан ҳужум қилиши, мамлакатдаги катта ҳудудларнинг босиб олиниши республикамизнинг фронт учун таянч аслаҳаҳонага айланнишига олиб келди. Бу ерда қисқа муддат ичида гарбий туманлардан кўчириб келтирилган 100 дан ортиқ йирик саноат корхоналари жойлаштирилди ва ҳалқнинг матонатли меҳнати туфайли қисқа фурсатда ишлаб турган корхоналар қаторига қўшилди. Улар орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, «Ростсельмаш», Москвадаги «Электрокабель» ва «Подъемник» заводлари, Чкалов номли Авиация заводи, Киевнинг «Транссигнал», Сталинград кимё комбинати ва бошқа корхоналар бор эди. Булар тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга объектив равишда кўмаклашувчи бир қатор сифат жиҳатидан янги саноатлашган тармоқларга асос солинишига олиб келди. Улар жумласига авиация, электр кабель, кимё ва тўқимачилик асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш корхоналарини киритиш мумкин. Йиңдустириал ишлаб чиқариш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, оғир саноатнинг салмоғи 1940 йилдаги 13,3% дан 1944 йилда 52,2% га етди⁴.

Бироқ уруш ғалаба билан якунланиб, Ўзбекистоннинг алоҳида ҳарбий-индустрисал ривожланишига эҳтиёж қолмагач, республика иқтисодиётининг бир томонлами ривожланиш йўли яна тикланди. Натижада ватанимиз саноатининг ҳажм кўрсаткичларини кўпайтиришда ташки томондан ижобий ўзгаришлар соదир бўлишига қарамасдан, хом ашё йўналишига қаратилган йўл жиддий равишда чукурлашди. Урушдан

¹ Гентшке В. Л., Таджибаев А. А. Кўрсатиб ўтилган асар., 45-бет.

² Зиядуллаев С., Манохин И. Социалистическая промышленность советского Узбекистана. — Т., 1958. С. 166.

³ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 25, д. 6041, л. 24.

⁴ Ўзбекистон МДА, 58-фонд, 1/43-рўйхат, 455-иши, 10—11-варажлар.

кейинги шароитда хом ашёга бирламчи ишлов бериш билан банд бўлган тармоқлар айниқса ривожлантирила бошлади. Ўзбекистон мустақилликни кўлга кириши арафасида мамлакат саноатида тайёр маҳсулот улуши умумий ҳажмнинг фақат 25%ни ташкил этганилиги ҳам ана шундан яққол далолат беради.

60—80-йилларда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ҳам халқ хўжалиги тузилишига ҳалокатли таъсир қилғанлиги кўзга ташланди, бу даврда республика саноат ишлаб чиқаришининг кўпайиши деярли тўлаттўқис фақат пахта тозалаш, ёқилғи саноати, қора ва рангли металургиянинг хом ашё ва ресурс тармоқлари ҳисобига таъминланди. Натижада уларнинг улуши 60—65%га етди, ҳолбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш салмоғи бор-йўғи 2 банд юқори кўтарилиди ва кўпи билан 16%ни ташкил этди¹.

Асоссиз ва иқтисодий жиҳатдан номақбул ички иттифоқ алоқалари республика танасига ёмон ўсимта сингари ёпишиб олган бўлиб, бундай шароитда Ўзбекистондан асосан хом ашё ва чала маҳсулотлар ташиб кетиларди, республикага эса асбоб-ускуналар ва тайёр маҳсулотлар келтириларди. Хусусан, давлат мустақиллиги арафасида республикадан ташиб кетилган маҳсулотларнинг учдан икки қисмини хом ашё ва материаллар ташкил этган бўлса, бу ерга келтирилган маҳсулотларнинг 60%ни машиналар, асбоб-ускуналар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидан иборат эди².

Ватан иқтисодиётининг ҳаддан ташқари ихтисослашуви натижасида бутун совет тарихи мобайнида ўлкамиз халқ хўжалигига қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, хом ашёга бирламчи ишлов бериш тармоқлари устунлик қилиб келди, тайёр маҳсулотлар, биринчи ғавбатда, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқардиган тармоқлар унчалик салмоқли ўрин эгалламади. Масалан, тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж ишлаб чиқариши маълум даражада ривожланган бўлишига қарамай, уларда ўз хом ашёмидан тайёр буюмлар чиқариш 2% дан ошмасди. 80-йилларда Ўзбекистонда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг фақат 40%ига етган эди. Бундай маҳсулотларни аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришда рес-

¹ Экономика и жизнь. 1990. № 5. С. 3.

² Правда Востока. 9 декабря 1992 г.

публика Болтиқ бўйидан 4—5 баравар, Россиядан 2,5 баравар орқада эди. Фарбий Европа ва Шимолий Американинг саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларидан орқада қолиш эса бундан ҳам кўпроқ даражада кўзга ташланарди.¹ Бунинг устига ўлка аҳолиси табиий ва механик равишда юқори суръатлар билан ортиб бораётган бир шароитда 70—80-йилларда кенг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжнинг қондирилмай қолиши ҳар йили 8—9 млрд. сўмни ташкил этарди ва йилига 600—800 млн. сўм кўпайиб бораради².

Республикада урушдан кейинги даврда рўй берган бундай хавфли номутаносибликка ҳеч ким эътибор бермаган, деб айтиб бўлмайди. Кўпгина соғ виждонли ва тадбиркор кишилар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ўша йиллардаги обрўли сиёсий раҳбари Ш. Р. Рашидов бир неча марта бу масалага эътиборни тортган эдилар. Бироқ ўлканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир йўналишларни ишлаб чиқишга асосли равища ёндашишга уринишлар Марказ томонидан ҳар доим маҳаллийчилик, «умумиттифоқ устивор йўналишлари»дан чекиниш деб қабул қилинди ва тўғридан-тўғри сиқувларга, марказлашган ҳолда ажратиладиган моддий ресурслар ва маблағларни чеклаб кўйишга, маъмурий-сиёсий таъқибларга сабаб бўлди.

Иттифоқнинг ҳукмфармо ва режалаштириш органдарни Ўзбекистонга белгиланган умумиттифоқ ихтисослашуви йўналишлари доирасида тегишли топшириқларни ҳадеб тиқишираверарди. Республикага ажратилган бюджет маблағлари эса одатда ана шу топшириқларни бажаришгагина етарди, холос. Ўлка ҳудудини комплекс ривожлантиришга, аввало ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир бошқа муаммолар зарур маблағлар ва ресурслар билан таъмин этилмасди. Бу бора-да ортиб қолган пулдан фойдаланиш принципи ҳукмронлик қиласди.

Марказнинг 50—80-йилларда Ўзбекистонга нисбатан ўтказган иқтисодий сиёсатининг моҳияти аввалгидек унинг табиий бойликларини ваҳшиёна талон-тарож қилишга интилишдан иборат бўлди. Лекин агар аввалиги босқичларда асосий дикқат-эътибор қишлоқ хўжалик хом ашёсини тинимсиз тортиб олишга қаратилган бўлса, эндиликда, яъни тегиш-

¹ Узбекистан в мировой экономике. Т., 1993. С. 53.

² Совет Узбекистони. 1990 йил. 31 октябрь.

ли моддий-техникавий шарт-шароитлар яратилгандан кейин эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан бир қаторда, табиий фойдали қазилмаларни тортиб олишнинг мустамлакачилик амалиёти айниқса кенг кулоч ёзди.

Маълумки, чор мустамлакачилиги даврида ёқ Туркистоннинг ер ости бойликларини ўзлаштиришнинг империяча стратегиясидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳудудида 20 хилга яқин фойдали қазилмалар топилган эди. Совет ҳукмронлиги шароитида айтиб ўтилган та-мойиллар бўйича авж олдириб юборилган кенг миқёсдаги геология-қидирав ишлари жараёнида 70-йилларнинг ўрталарига келиб минерал хом ашёларнинг 90 дан ортиқ тури аниқланди, улар 700 дан ортиқ конларда мавжуд эди¹. Амалда республикада Менделеев жадвалидаги барча элементлар, шу жумладан, нефть, газ, олтин, кумуш, уран, рангли ва нодир металлар, каолин, плавикили шпат, мармар, боксит, фосфорит ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмалар топилди. 80-йилларнинг охирларига келиб, республикада 370 та мъдан конлари мавжуд бўлиб, улар йилига 200 млн. тоннадан ортиқ ҳажмдаги минерал хом ашё қазиб олиш имконини берарди.

Бироқ ўзбек халқи қимматли рангли ва нодир металлар, ёқилғи-минерал ресурсларнинг ноёб ҳазинасига эга бўлгани ҳолда, ўз ҳудудидаги ана шу конларнинг бойликларидан мустақил равишда фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган эди. Чор режимидан кейин Ўзбекистоннинг табиий ҳазинасини марказни бойитишга тўла-тўқис хизмат қилдиришга интилган иттифоқ раҳбарияти кон саноатини жадал ривожлантиришга онгли равишда эътиборни кучайтирди. Ишлов бериш саноати корхоналари ташкил этилса ҳам, уларнинг аксарият кўпчилиги ишлаб чиқаришнинг технологик даврийлиги туталланмаган корхоналардан иборат бўларди. Бу даврийлик бирламчӣ ишлов бериш босқичидан нарига ўтмасди. Натижада ўлкада қазиб чиқариладиган минерал хом ашёнинг асосий қисми чала маҳсулотлар (масалан, концентрат ёки бирламчи металл) тарзида ташиб кетиларди².

Ўлкамиз ер ости бойликларини коммунистик метрополиянинг империяча ҳазинасига айлантиришнинг

¹ Ишмуроҳедов А. Кўрсатиб ўтилган асар... 32-бет.

² Узбекистан в мировой экономике... С. 17—19.

етакчи йўналишларидан бири қараб чиқилаётган даврда Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика ресурсларидан, биринчى галда газдан фойдаланиш доирасини шиддат билан кенгайтириш бўлди. Масалан, агар 1960 йилдан 1975 йилгача республикадаги органик ёқилғини ишлаб чиқариш умуман 9,8 баравар ошган бўлса, газ қазиб олиш 72 баравар оширилди.

Газ тармоғига дикқат-эътиборнинг кучайганлигига сабаб шу эдикни, умумиттифоқ ишлаб чиқаришида Ўзбекистон кўмири ва нефтининг салмоғи ўша даврда қидириб топилган захиралари бўйича уччалик кўп эмасди. Бу салмоқ 1970 йилда кўмир бўйича 0,42, нефть бўйича 0,5% ни ташкил этарди¹. Бунинг оқибатида нефть ва кўмир саноати ички республика аҳамиятига эга бўлиб қолган эди. Аксинча, газ саноати умумиттифоқ аҳамиятидаги ихтисослашувга эга бўлган эди. Бунга сабаб республикада табиий газнинг фоят бой конлари очилган эди.

Ўзбекистоннинг газ мавжуд бўлган туманларидаги фаол геология-қидириув ишлари олиб боришга 50-йилларнинг бошларидан ёқ киришилган эди. Ўша даврда Жарқўрон, Қоровулбозор, Сариқтош, Сеталянтепа газ конлари очилди. Лекин 1959 йилгача аслида республикадаги газ саноати анча заиф ривожланган эди. «Зангори олов»нинг қидириб топилган саноат захиралари 1958 йилда ҳаммаси бўлиб 24 млрд. куб метрни ташкил этган эди².

Бухоро — Хива геология минтақасида (Газли, 1956), Когон худудида (1955—1956), Шимолий ва Жанубий Муборакда (1958), Учқир (1962), Ўртабулоқ ва Култакда (1962—1963) йирик табиий газ конларининг, шунингдек, Ҳисор тоғларининг Жанубий-ғарбий тизмаларида Одамтош конденсат конининг (1962), Устюарт ясси тоғи истиқболли газ қатламларининг топилиши билан аҳвол ўзгарді.

Фоят бой табиий газ конларининг очилиши Ўзбекистонни собиқ СССРнинг газга бой етакчи туманлари қаторига олиб чиқди. 60-йилларнинг ўрталаридан ёқ табиий газ захиралари бўйича республикамиз иттифоқда бешинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистоннинг умумий табиий газ потенциали ресурслари 1966 йил 1 январга бўлган аҳволга кўра 3,1 триллион куб метр ёки итти-

¹ Производительные силы Узбекистана... С. 14.

² Газовая промышленность. 1967, № 7. С. 12—13.

фокдаги барча газ захираларининг 4,8%ига тенг деб баҳоланди¹.

Қимматли минерал хом ашё ҳисобланган табиий газнинг улкан истиқболли ресурслари мавжудлиги марказнинг бу газни қазиб олишга бўлган қизиқишини ошириб юборди. Натижада 1960 йилдан 1975 йилгача бўлган даврда газ қазиб олиш 446,6 млн. куб метрдан 33700 млн. куб метрга етди. Умумиттифоқ газ қазиб чиқаришида республиканинг улуши 1960 йилдаги 1% дан 1971 йилда 15,3% га кўтарилиди.²

Объектив жиҳатдан олганда, улкан табиий газ захираларининг мавжудлиги Ўзбекистон олдида республиканинг кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва майший турмуш даражасини ошириш учун кенг имкониятлар очиб берган эди. Бироқ империяча муносабатларнинг таҳқирловчи тизимида бўлган Ўзбекистон ўзининг ниҳоятда бой табиий хазинасини мустақил равишда тасарруф қила олмасди. Аввал бошдан ўзбек пахтаси каби ўзбек гази ҳам марказ томонидан тортиб олинадиган умумиттифоқ ишлаб чиқариш ихтисослашувининг янги тармоғига киритилди. Масалан, 1958 йилдаёқ КПСС МК ва СССР Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ Бухоро — Урал газ қувуруни жадал барпо этиш вазифаси қўйилган бўлиб, бу магистрал собиқ иттифоқнинг мазкур мұхим ҳарбий-саноат мінтақасини барқарор ёқилғи базаси билан тъминлаши лозим эди³.

«Дўстлик» газ қувури 4500 км. га чўзилган эди. Унинг 60-йиллардаги газ ўтказиш қобилияти суткасига 68 млн. куб метрни ташкил этарди⁴. Шундан кейинги даврда Ўрта Осиё-Марказ газ магистралини барпо этиш авж олдириб юборилди, бу эса фақат собиқ мамлакатнинг марказий туманларини газ билан тъминлаб қолмасдан, шу билан бирга уни четта чиқариш имкониятини ҳам берган эди. 80-йилларнинг бошларига келиб Ўрта Осиё-Марказтранс континентал газ қувурунинг куввати йилига 50,7 млрд. куб метрга етди.

Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши арафасида Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш умумий ҳажми

¹ Ўша жойда, 15-бет.

² Производительные силы Узбекистана... С. 169.

³ Правда. 30 апреля 1958 г.

⁴ Правда Востока. 17 ноября 1963 г.

бўйича (40 млрд. куб метрдан ортиқ) жаҳоннинг газ қазиб олувчи 50 дан ортиқ мамлакатлари орасида 8-ўринни эгаллади. Республика аҳоли жон бошига газ қазиб чиқаришда АҚШ билан 12—13-ўринларни бўлиб олишди, бунда киши бошига 2 минг куб метр газ тўғри келарди¹. Саноат соҳаси ва ўй-жойларни газлаштириш даражаси бўйича биринчи ўринлардан бирини эгаллайдиган Кўшма Штаглардан фарқи ўлароқ, Ўзбекистон заиф ривожланган мамлакат даражасида қолаверади. Хусусан, 70-йилларда ҳам, 80-йилларда ҳам республикада халқ ҳўжалик эҳтиёжлари учун қазиб олинган газнинг чорак қисмидан камроғи, шу жумладан қишлоқ ҳўжалигида 1% дан кўпроғи ишлатиларди. Уй-жой фондини газлаштириш салмоғи ниҳоятда паст эди, бу ҳол айниқса қишлоқ жойларида яққол кўзга ташланарди, дарвоҷе қишлоқда аҳолининг аксарият қисми яшарди. Мисол учун, 1989 йилда газдан фойдаланадиган қишлоқ аҳолиси улуши Андижон вилоятида 23,7 ва Наманган вилоятида — 37,1% ни ташкил этарди². Ҳатто иттифоқнинг Европа қисмига ва чет элларга газ етказиб берадиган Бухоро вилоятининг ўзида аҳвол ниҳоятда ачинарли эди. Ўзбекистон гази асосан республикадан ташқарига юбориларди. Фақат 1966—1970 йилларнинг ўзида марказий минтақаларга 100 млрд. куб метрдан кўпроқ газ ёки бутун қазиб олинган газнинг 75,5%и юборилди³. Бу нисбат кейинчалик ҳам сақлаб қолинди.

Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмай, газ етказиб беришни жадаллик билан кўпайтириб боришни қаттиқ туриб талаб қиларди. Режа топшириқлари тўхтовсиз ортиб бораради. 80-йилларда бу топшириқлар 250 млрд. куб метрдан ошиб кетди⁴. Бундай ваҳшиёна ёндашув шунга олиб келдик, 70-йилларнинг ўрталарида ёқ Фаргона водийсидаги кўлгина газ конларида, кейинроқ эса машхур Газли конида ҳам газ тутаб қолди.

Марказий ҳукумат Ўзбекистоннинг иттифоқ ихти-
сослашувида ҳом ашё базаси бўлиб қолишига алоҳида
аҳамият бериб, рангли ва нодир металлар конларини

¹ Узбекистан в мировой экономике. С. 27.

² Жилищные условия населения Республики Узбекистан. Статсборник. — Т., 1991. С. 47.

³ Производительные силы Узбекистана. С. 165.

⁴ Кўйидаги китоб бўйича ҳисобланган.: Народное хоз-во УзССР в 1990 г. Статежегодник. — Т., 1991. С. 187.

ўзлаштиришни фаоллик билан режалаштируди. Бу металларга қизиқиш шунинг учун катта эдики, урушдан кейинги йилларда собиқ Иттифоқ саноати етакчи тармоқлари — радиоэлектроника, машинасозлик, атом ва реактив техника ва шу кабиларнинг жадал ривожланиши рангли металларнинг қўлланиши билан боғлиқ эди. Иккинчи томондан, рангли ва нодир metallar мажмуй совет давлати экспорт потенциалининг алоҳида моддасини ташкил этарди.

Ўзбекистоннинг рангли ва нодир metallar етказиб бериш бўйича таянч минтақа сифатидаги роли уруш вақтидаёқ маълум бўлган эди, ўша вақтда республикада топилган захиралар ва бу ерга кўчириб келтирилган қайта ишловчи заводларнинг асбоб-ускуналари асосида бир қатор рангли металлургия заводлари ташкил этилди, улар мудофаа саноатининг бу қимматбаҳо хом ашёга бўлган эҳтиёжини қоплаши лозим эди.

Урушдан кейинги даврда иттифоқ ҳукумати марказнинг худбинлик манфаатларига амал қилиб, маъдан конларини жадаллик билан аниқлаш ва уларни саноат жиҳатидан ўзлаштириш йўлини кучайтируди. Бу жиҳатдан Ангрен-Олмалиқ кон-саноат туманига ва Қизилқум саҳросининг ажойиб маъдан минтақасига айниқса катта эътибор берилди, улар ўз бағрида амалда барча турдаги рангли, ноёб ва асл metallarni сақлар эди.

50-йилларда рангли металлургия соҳасида асосан кон қазиш саноати мавжуд эди. Лекин бу стратегик жиҳатдан муҳим бўлган мазкур қимматбаҳо маҳсулотларни марказга кенг кўламда ташиб кетиш борасида жиддий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Айни жиҳатдан совет давлатига маъдан қайта эритиб, бирламчи metallga қодир саноат ишлаб чиқаришини Ўзбекистоннинг ўзида йўлга кўйиш фойдалироқ эди. Шу сабабли 60-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда қазиб олинадиган полиметалл маъданларга металлургия ишлови берадиган корхоналарга асос солина бошлади. Натижада рангли металлургия кон-қазиб олиш соҳасидан кон-металлургия соҳасига айланади. 70-йилларнинг ўрталарида бу саноат Олмалиқ ва Мурунтов кон-металлургия комбинатларини, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли metallar комбинати, Ингичка, Кўйтош руда бошқармаси ва «Ўзбеколтин» комбинатини ўз ичига оларди. Рангли металлургия оғир саноатининг йирик тармоғига айлантирилди. Республиkaning маъдан конлари ва очик конлари-

дан ҳар йили 40 млн. куб метрдан зиёдроқ кон массаси қазиб олинарди¹.

Кон-металлургия ишлаб чиқаришининг кенг миқёсда авж олдирилиши Ўзбекистоннинг индустрисал қиёфасини ўзгартиришга сабаб бўлди. Масалан, марказий Қизилкум саҳро туманларининг саноат жиҳатидан ўзлаштирилиши олтин ва уран қазиб олиш саноатининг пайдо бўлишини тақозо этди, у ерда Навоий кон-металлургия комбинатининг қурилиши мис ва кўргошин-рух саноатининг ривожланишига туртки берди. Чирчиқда қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг қурилиши вольфрам-молибден саноатининг тараққий этишига сабаб бўлди. 70—80-йилларда кобальт, никель, висмут, магний, рений, палладий, шунингдек, бошқа нодир ва асл металлар қазиб чиқариш сезиларли равишда ривожланди.

Умуман, 80-йилларнинг ўрталарига келиб асосий рангли металларнинг ялпи эритилган миқдори Ўзбекистонда 180 минг тоннадан кўпроқни ташкил этди. Улар ичидаги етакчи ўринни мис ишлаб чиқариш эгаллади. Мустақиллик кўлга киритилган вақтга келиб республикамиз ҳиссасига ҳар йили СССРда эритиладиган тахминан 1,3 млн. тонна миснинг 7 % и тўғри келарди. Бу қарийб 90 минг тонна тозаланган мис дегани эди. Рух, кўргошин, молибден, вольфрамнинг ишлаб чиқарилган умумий миқдори йилига 50 минг тоннани ташкил этарди².

Ўзбекистон олтин қазиб олишда етакчи ўринлардан бирини эгалларди. Унинг биринчи қўймаси 1969 йил июнь ойидаги Зарафшон олтин чиқариш заводида олинган эди³. 80-йилларнинг охирига келиб республикада ҳар йили 50 тоннага етказиб «сарик металл» эритиларди. Республика олтин етказиб бериш бўйича СССРда асосий ўринга чиқиб олган бўлиб, умумиттифоқ олтинининг қарийб 50% ни етказиб берарди⁴. 70—80-йилларда уран ишлаб чиқариш кенгайди, унинг захиралари бўйича ўлкамиз дунёда 7—8-ўринни эгалларди. Энг сўнгти тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар йили Ўзбекистон ер ости конларидан тахминан 5,5 млрд. доллар миқдорида фойдали қазилмалар олинган. Бирорқ «олтин, қиммабаҳо ва рангли металлар, стратегик

¹ Производительные силы Узбекистана... С. 179.

² Узбекистан в мировой экономике... С. 34—35.

³ Правда Востока. 23 января 1999 г.

⁴ Известия. 7 декабря 1991 г.

материаллар жаҳон бозорида харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромад, — И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, — Ўзбекистон газнасига келиб тушмасди¹. Республика табиий, хом ашё ресурслари ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот қаерга кетаётганидан, уни экспорт қилишдан олинган даромад кимнинг чўнтағига келиб тушаётганидан бутунлай хабарсиз эди.

Мустабид-империяча тузум ўзбек халқини ўз миллий бойлигини тасарруф қилиш ҳуқуқидан маҳрум этган эди. Ҳатто Ўзбекистон ҳукумати Марказнинг империяча иродаси билан кон саноати мажмунини бошқариш ва унинг ноёб маҳсулотидан халқ манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятидан «темир парда» билан тўсиб кўйилган эди. Ўзбекистон ярим мустамлака ҳолатида бўлганлиги сабабли қимматли металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ барча корхоналар, иттифоқ аҳамиятига эга бўлган бошқа тармоқлар, шу жумладан, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, нефть-кимё комбинатлари, газни қайта ишловчи заводлар бевосита Марказга бўйсунарди. Улар иттифоқ Ҳукуматининг мулки бўлиб, бу корхоналарни республикада ўтра машинасозлик вазирлиги (у собиқ СССРнинг ракета-ядро мажмунини бошқаради), рангли металлар, газ ва кимё саноати вазирликлари, бошқа марказий идоралар унинг номидан бошқаради. Ислом Каримов бу таҳқирловчи ҳолатни кўрсатиб ўтар экан, куйидагиларни қайд қилган эди: «Республика ҳудудида жойлашган кўпгина корхоналарнинг асосий қисми республика ички бозори учун эмас, балки ташиб кетиш учун товарлар ишлаб чиқарди. Бизга кўпинча ҳатто республика ҳудудида нималар, қандай ҳажмда ишлаб чиқарилишини, қанчаси ташиб кетилишини, кимга қандай баҳода сотилишини билиш имкони берилмасди. Буларнинг ҳаммаси қатъиyan сир сақланарди. Республиканинг улкан табиий потенциалидан фойдаланиларди-ю, лекин даромадлар унинг чегараларидан анча узокда қолиб кетарди»².

Ўзбекистоннинг ер ости бойликларидан қимматбаҳо ресурсларни сўриб олган иттифоқ корхоналари нари борса, олинган фойданинг бор-йўги 1%ини ма-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳамфисозликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1999, 4-бет.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллӣ истиқдол, иқтисад, сиёсат, мағфору... 271-бет.

ҳаллий бюджеттага ўтказишарди¹. Бу талончилик механизми миллий иқтисодиётни таг-туғи билан куритиб, ўзбек ҳалқини хонавайрон қиласарди. Олтин, нодир рангли металлар, уран ва бошқа стратегик ҳом ашё фавқулодда маҳфийлик ниқоби остида ўлкамиздан ташқариға амалда текинга олиб кетиларди. Масалан, Навоий кон-металлургия комбинати директори Николай Кучерскийнинг эслашича, «... ўрта машинасозликнинг ... арзандаси бўлган Навоий кон-металлургия комбинати сунъий равищда назардан йирокда сақданарди. Оммавий ахборот воситаларида унинг ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг ҳақиқий миқдорлари ҳақида шаъма қилишга ҳам йўл қўйилмасди. Жазира маҳсулотининг ҳақиқий миқдорлари ҳақида шаъма қилишга ҳам йўл қўйилмасди. Жазира маҳсулотининг ҳақиқий миқдорлари ҳақида шаъма қилишга ҳам йўл қўйилмасди. Комбинат раҳбарлари олдига АҚШда уран қазиб олиш ҳақидаги маълумотлар қўйилганда, улар ажабланган ҳолда илжайиб қўя қолишиарди. Чунки комбинат шунчак миқдордаги маҳсулотни атиги уч ой мобайнида ишлаб чиқарарди...».²

Олтин қазиб чиқариш алоҳида қаторда қайд этиларди. Мамлакат Мурунтовда кўп миқдорда олтин майдани борлигини биларди, машҳур Сибирь ва Узоқ Шарқ олтин ҳонлари унинг олдида рангизизроқ бўлиб кўринарди. Бироқ Мурунтовдаги олтин қазиб олиш саноати Навоий кон-металлургия комбинати ишлаб чиқариш мажмуининг факат бир қисми эканлигини камдан-кам кишилар билишарди. Н. Кучерскийнинг сўзларига қаранганд, «комбинат кончилари қайноқ қумлар остидан қазиб оладиган бойликлар йилига миллиард долларлаб фойда келтиради. Унинг қийматини бутун Ўзбекистон воҳасида етиштирилайдиган жами пахта толаси билан қиёсласа бўларди»³.

Ўзбек ҳалқининг миллий бойликларини текинга ташиб кетиш механизми ўта сир сақланардики, бу республиканинг умумиттироқ иқтисодий қозонига қўшаётган ўз ҳиссасидан мутлақо хабарсиз қолишини кўзда тутар эди. Бу маҳфийлик ҳатто совет ҳокимияти йилларида республикадан қанча олтин ташиб кетилганлиги ва Ўзбекистон унинг қанча қисмини иттироқ хукума-

¹ Х и д о я т о в Г. А. Национальный вопрос в СССР. — Т., 1991. С. 215.

² К у ч е р с к и й Н. Концерн в пустыне // Звезда Востока. 1992. № 4. С. 6—7.

³ Ўша ерда.

тидан қайтариб олганлигини ҳатто таҳминан қиёслаб кўришга ҳам имкон бермасди. У мисли кўрилмаган даражада кўп эди. И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, фақат совет ҳокимиётининг сўнгти 15 йили мобайнида «марказ эҳтиёжлари учун энг кам деганда 35 миллиард долларлик миқдорда пахта ва олтин олиб кетилган¹. Умуман олганда эса, ана шу даврда марказий минтақаларга олиб кетилган табиий қазилма бойликлар қиймати 75 миллиард доллардан ортиқ эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик хом ашёсини етказиб бериш ва уни қайта ишлашдан совет давлатининг олган даромади, камтарона ҳисоб-китобларга қараганда, қарийб 600 млрд. сўмни ташкил этган. Фақат 80-йилларда Ўзбекистондан ташқарига ҳар йили 9 млрд. сўмлик миқдорда маҳсулот юбориб турилган. Республика давлат бюджетига берилган Иттифоқ дотациялари миқдори эса ўрга ҳисобда 1,5 млрд. сўмни ташкил этган².

Ўзбекистоннинг табиий муҳитига жиддий зарар етказища қишлоқ хўжалигини ёппасига кимёлаштириш йўли алоҳида роль ўйнайди. Шу билан бирга, саноат қурилишидаги сон-саноқсиз нуқсоnlар ҳам экологик вазиятнинг кескин ёмонлашувига таъсир кўрсатди.

Иттифоқ вазирликлари ва идоралари республикада хукмдорлик билан иш кўрган даврда ўз фаолиятлари қанчалик узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши билан ҳисоблашиб ўтирумадилар. Масалан, директив кўрсатмаларга мувофиқ совет ҳокимиётининг сўнгги ўн йилликларида Ўзбекистонда кимё ва нефт-кимё тармоқлари жадал суръатлар билан ривожлантирилди. 17 йил мобайнида — 1970 йилдан 1987 йилга қадар бу тармоқлар маҳсулотининг умумий ҳажми 4,5 баравар ортди³. Кимё саноати корхоналари минерал ўғитлар, заҳарли кимёвий моддалар, кир ювадиган синтетик воситаларни, яъни объектив жиҳатдан табиий муҳитга ва кишилар саломатлигига хавф тудирадиган ҳамма нарсани ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди.

Маълумки, саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларда кимё корхоналари одатда шаҳар чегарасидан

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқтол, иқтисод, сиёсат, мағкура... 271-бет.

² Правда Востока. 30 сентября 1989 года; Экономика и жизнь. 1990. № 5. С. 10.

³ Хидоятов Г. А. Кўрсатиб ўтилган асар ... 213-бет.

ташқарида ва синчиклаб экологик экспертиза ўтка-зилгандан кейин барпо этилади. Бироқ совет воқелиги шароитида марказий ҳокимият экологик хавфсизлик ҳақида (айниқса, «миллий чекка ўлкалар»да) бош қотириб ўтиради. Бунинг натижасида Ўзбекистондаги кимёвий обьектлар бевосита шаҳарларда курилди. Шу билан бирга маблағларни тежаш, саноат маҳсулотини тезроқ ишлаб чиқариш зарурлигини баҳона қилиб, ҳукмрон органлар кимё корхоналарини тозалаш иншоотларисиз, экологик ҳимоя цикли ту-галланмасдан туриб ишга туширилишига эътиборсиз қарадилар.

Иттифоқ раҳбарияти томонидан табиатдан фойдаланишга беписандлик билан қарашнинг сингдирилиши, экология муаммоларига жиддий эътибор берилмаслиги кимё корхоналарини Ўзбекистон аҳолиси яшайдиган мұхитни заҳарлашнинг хавфли ўчигига айлантириш имконини берди. Масалан, зарур тозалаш иншоотларининг йўқлиги натижасида Чирчиқдаги «Электропром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар йили Чирчик дарёсига деярли 230 млн. куб метр ифлосланган сувни ташлаб келган, ҳолбуки, бу дарё Тошкентни ичимлик сув билан таъминлайди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳам атмосферани кучли ифлослантирувчи корхона бўлиб келди. Фақат унинг битта трубаси йилига таркибида 150 минг куб метр олтингугурт бўлган заарли газни ҳавога чиқариб ташларди. Умуман, экологларнинг маълумотларига қаранды, саноат корхоналари тўпланган туманларда атмосфера ҳавоси 70—80-йиллар чегарасида азот оксиди, аммиак, молибден ва вольфрам чанглари, кўргошин, мис, рух, маргимуш, органик кислоталар, эфир мойлари билан ҳалокатли тарзда зарарланган эди. Ҳусусан, 1985 йилда Олмалиқ ва Ангренда йўл қўйиладиган энг кам концентрация миқдори 12 баравар, Навоий, Самарқанд, Тошкентда — 13, Чирчикда 21 баравар ошиб кетган эди¹. Шаҳарларда табиатга етказилган хавфли зарбалар республика қишлоқ хўжалигини ёппасига кимёлаштириш билан қўшилиб, халқ ҳаётига реал ҳавф туғдирди.

Саноат корхоналарини кадрлар билан таъминлаш сиёсатида кўпол камчиликларга йўл қўйилди. Ишлаб

¹ Ахмедбаев А. Г., Турсункулов Р. Х. Состояние и перспективы охраны природы в Узбекистане. — Т., 1989. С. 10.

чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг мустамлака-
чилик андозаси билан боғлиқ бўлган бу сиёсат мар-
казнинг ўзбек халқи миллий манфаатларини назар-
писанд қилмаслигини яққол кўрсатди.

Қараб чиқилаётган даврда (аввалги даврларда бўлга-
ни каби) маҳаллий аҳолининг асосан техникавий жи-
ҳатидан мукаммал бўлмаган, механизация ва авто-
матлаштириш даражаси паст бўлган ижтимоий ишлаб
чиқаришнинг анъанавий тармоқларида тўпланганлиги
ва фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган со-
ҳаларида кам сонли эканлиги Марказ амалга ошириб
келган кадрлар сиёсатининг яроқсизлигини яққол на-
моён этди. Хусусан, ишчилар синфининг индустрисал
миллий кадрлари асосан енгил (67,5%) ва озиқ-овқат
(59%) саноатида тўпланган эди. Ўзбек ишчилари оғир
саноат тармоқларида анча кам топиларди. Масалан,
рангли металлургияда улар 31,4%ни, машинасозлик
ва металга ишлов бериш тармоқларида 32,3, кимё ва
нефтькимё тармоқларида 35,2%ни ташкил этарди¹.
Кўпгина корхоналарда, айниқса иттифоқка бўйсунув-
чи корхоналарда бу кўрсаткичлар тагин ҳам настроқ
эди. Чунончи, «Подъёмник» заводида 80-йилларда ма-
ҳаллий миллат вакиллари бўлган шахсларнинг салмоғи
умумий ишловчилар сонининг 10%ига, Олмалиқ кон-
металлургия комбинатида — 12,8, Тошкент трактор
бирлашмасида 17,8%, «Технолог» илмий-ишлаб чиқа-
риш бирлашмасида 13,1%га тeng эди². Умуман, 1989
йилда халқ хўжалигида банд бўлган 5,3 млн. кишидан
ўзбеклар саноат ишлаб чиқаришида атиги 0,7 млн. ки-
шини ташкил этарди³.

Иттифоқ мағкурачилари мазкур кўрсаткични шун-
дай соҳта назарий уйдирма сифатида «тушунтириш»
мақсадида маҳаллий аҳоли, хусусан, ўзбеклар гўё, —
Ислом Каримов кўрсатиб ўтганидек, — йирик инду-
стриал ишлаб чиқариш шароитида меҳнат қилишга
ўрганмаган ва меҳнат қила олмас эмишлар, улар қайта
ишловчи тармоқлардаги, хизмат кўрсатиш соҳасидаги
ишларга кўпроқ мойил эмишлар⁴. Бу нуқсонларнинг
сабаблари совет ҳокимиятининг империяча хусусияти-
да, марказнинг республикага мустамлакачилик-истеъ-

¹ Х а з р а т қ у л о в А. Социальные проблемы Узбекистана и пути их
решения. — Т., 1999. С. 58.

² Правда Востока. 25 ноября 1989 года.

³ Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 г. Ч. IV. — Т., 1990. С. 42.

⁴ Народ и демократия. 1992. № 2. С. 30.

молчилик муносабатида бўлганилигида, ўлкани мунтазам равишда руслаштириб бориш сиёсатида эди.

Бутунги кунца шу нарса аниқки, ўнларча йиллар мобайнида маҳаллий аҳоли йирик саноат ишлаб чиқаришидан бегоналаштириб келинди; бутун-бутун саноатлашган туманлар атайлаб маҳаллий аҳолининг жуда кам иштироки билан, асосан собиқ СССРнинг марказий минтақаларидан ишчилар жалб қилиш ҳисобига ташкил этилди ва ривожлантирилди.

Хали 20—30-йиллардаги «буюк бурилиш» жараёнидаёт сталинча саноатлаштириш ва оммавий жамоалаштириш пайтидаёт республика саноати ҳудудий жойлаштиришнинг тайримиллий, аслида мустамлакачилик андозасига асос солинган эди. У маҳаллий аҳоли билан келгинди европалик аҳоли ўртасидаги ўзига хос меҳнат тақсимотини белгилаб берди. Маҳаллий аҳоли пахта яккаҳомлиги ва деҳқонларни эксплуатация қилишнинг ортиб бораётганидан азоб чекаётган қишлоқ ҳўжалигида кўпчиликни ташкил этарди. Кўчириб келинган европаликлар эса шаҳарларда, аввало оғир саноатнинг муҳим тармоқларида ва ақлий меҳнат соҳасида, яъни анча яхши ҳақ тўланадиган соҳаца меҳнат қилишарди.

Шундан кейнги босқичларда бу ёндашув сезиларли равишда кучайтирилди. Натижада илгари яширин равишда ташланган мустамлакачилик уруғлари авж олиб «ўса бошлади». Масалан, кўп йиллик сунъий ташқи миграция оқибатида йирик шаҳарларда маҳаллий аҳолининг салмоғи 30—35%дан ошмасди. Республика саноати ҳаддан ташқари ҳудудий марказлашган эди. 80-йилларда республиканинг 5% ҳудудида бутун ватан саноат салоҳиятининг 65%дан кўпроғи тўплантган эди¹. Одатда саноат обьектлари йирик шаҳарларда куриларди. Масалан, Тошкентда ва Тошкент вилоятида мустақиллик арафасида Ўзбекистон саноат базасининг деярли ярми тўплантган эди². Бундай сиёсатта марказнинг ўлгадаги ижтимоий-демографик вазиятни эътиборга олмаганилиги сабаб бўлганди.

Саноат корхоналарини бутун республика бўйича оқилона жойлаштириш ижтимоий-ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, миллий кадрлар тайёрлашга қўшимча равишда сармоялар ажратилишини талаб қиларди. Йирик шаҳарларда эса бундай муаммо-

¹ Ташкентская правда. 2 февраля 1990 года.

² Человек и политика. 1991. № 9. С. 20.

ларни ҳал қилиш бирмунча осонроқ кечарди. Бу шаҳарларда аввалдан зарур коммуникациялар, ҳом ашё келтириш ва маҳсулотни жўнатиш учун транспорт қатнайдиган йўллар мавжуд эди. Таклиф этилган ишчи кадрлар ва мутахассисларни тегишили майший шартшароитлар билан таъминлаш масаласи ҳам осонроқ ҳал этиларди.

Биринчи қараашда саноат обьектларини йирик шаҳарларда барпо этишнинг муайян иқтисодий фойдаси бор эди. Бироқ улар қисқа муддатли хусусиятга эга эди. Узоқ муддатли оқибатлар эса ниҳоятда нохуш бўларди. Улар мамлакат иқтисодиётининг мустамлакачилик йўналишини чуқурлашириарди. Оқилона нуқтаи назардан олганда иш кучини четдан келтиришнинг кенг миёс касб этишини тушунтириш айниқса қийин эди. Чунки республикада ортиқча меҳнат кучлари мавжуд эди. Шу билан бирга, меҳнат ресурсларининг жадал ўсиши маҳаллий аҳоли ҳисобига тўғри келарди. 80-йилларнинг ўрталарида ўлкамиз маҳаллий аҳолиси орасидаги ишсизларнинг ўртacha йиллик миқдори 1 млн. кишидан ортиқ бўлди. Улар орасида 50%дан ортигини ёшлар ташкил қиласди¹. Қишлоқ туманларida бу кўрсаткич бундан ҳам юқори эди. Ишсизлар сони ана шундай кўп бўлган бир шароитда иш кучини тўхтовсиз четдан келтириш давом этарди. Масалан, 1981—1985 йилларда Тошкентда иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли ўртacha 200 мингдан ортиқ киши бор бўлгани ҳолда, янги ишга туширилган корхоналарга 125 мингга яқин ишчи ва мутахассислар РСФСР, Белоруссия ва Украинадан жалб қилинди².

Айниқса иттифоққа бўйсунувчи ва «ёпиқ шаҳарлар» деб аталувчи Навоий, Зарафшон. Учқудуқ каби шаҳарларга бошқа минтақалардан ишчи кучи жадаллик билан олиб келинди. Ёпиқ шаҳарлар мустабид империяча тузумнинг меваси бўлиб, улар амалда маҳаллий ҳокимиятта бўйсунмасди. Бу жойларда маҳфий корхоналар жойлашган бўлиб, улар фақат Марказга ҳисоб берарди. У корхоналарга маҳаллий аҳолининг ишга кириши ниҳоятда қийин эди. Ишлаб чиқаришда банд бўлган бутун контингент одатда келгинлилардан ташкил топарди. Бунинг устига, маҳаллий аҳоли ёпиқ ша-

¹ Правда Востока. 13 декабря 1989 года.

² Абдурахмонова К., Бое в Х. Развитие форм собственности в условиях рыночной экономики. — Т., 1992. С. 43—44.

ҳарлардан турли баҳоналар билан чиқариб юбориларди. Бошқа нарса ҳам характерлидир. Ташқаридан жалб қилинган кадрлар қисқа муддат ичидаги уй-жой ва имтиёзлар билан таъмин этиларди. Ҳолбуки, маҳаллий кишилар уй-жойга эга бўлиш учун энг малакасиз ишларни бажаришга мажбур бўлишар ва кўп йиллар мобайнида уй-жой олиш учун навбатда туришарди. Ижтимоий адолат тамойилларининг бузилишини ёпик шаҳарлар мисолида яққол кузатиш мумкин эди. Улар маҳаллий аҳоли яшайдиган миллий қишлоқлар, посёлкалар ва кичик шаҳарларга қараганда қиёс қилиб бўлмас даражада яхшироқ қилиб куриларди. Бу ерларда келгиндишлар учун замонавий турар жой бинолари барпо этиларди, уларда анча юқори даражадаги қулайликлар яратиларди. Бу шаҳарлар кенг истеъмол қилинадиган камёб маҳсулотлар билан марказлашган ҳолда таъмин этиларди ва республиканинг умумий камбағалиги олдида бамисоли эришиб бўлмайдиган орзулардаги сароблар бўлиб туоларди. Бу колониал «воҳалар» халқнинг миллий қадр-қимматини ерга урар, маҳаллий аҳолида асосли равишда ўз ерида ўзини бегонадек ҳис қилиш туйгусини уйғотарди.

Совет даврида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш мустамлакачилик андозасининг қарор топганини, табиий бойликларнинг назоратесиз равишида тинимсиз ташиб кетилиши, мамлакат иқтисодиётининг хом ашё йўналишида бўлиб қолиши республиканинг зарур даражада тараққий этишига салбий таъсир кўрсатди. Совет ҳокимияти томонидан эълон қилинган ўзбек халқнинг ҳақиқатдаги тенгсизлигини тугатишга қаратилган ваъдаларга амал қилинмади. Аксинча, мустабид-империяча тузум янги хавфли касалликлар ва иллатларни, кескин ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Фоят бой минерал хом ашё манбаларига, ўзининг меҳнатсевар халқига эга бўлган Ўзбекистон аҳолининг турмуш даражаси жиҳатидан со-биқ СССРда энг охирги ўринлардан бирида турарди.

3-§. Совет даврида шахта яккаҳокимлигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари

Совет империя тузумининг ваҳшиёна табиати, Ўзбекистоннинг табиий-хом ашё бойликларини тўхтовсиз ўзлаштиришдан иборат чор ҳукумати сиёсатининг да-

вом эттирилиши хусусан аграр соҳада яққол намоён бўлди. Большевиклар раҳбарияти ҳукмронлик манфатлардан келиб чиқиб, октябрь тўнтаришидан кейинги дастлабки кунлардан бошлаб ватан қишлоқ ҳўжалигига нисбатан қўлланган аввалги истеъмолчилик муносабатини сақлаб қолиш учун саъй-ҳаракатини аямади ва маҳаллий деҳқонлар кучидан шафқатсиз фойдаланишга кенг имкониятлар яратиб берган «социалистик аграр ишлаб чиқариш»нинг марксча андозасини зўравонлик билан жорий қилиш чораларини кўрди.

Бутун диққат-эътибор аввало ҳалқнинг асосий бойлиги бўлган ерни қўлга киритишга қаратилди.

Бугунги кунда маълум бўлишича, давлатнинг ерга эгалик қилишини қарор топтиришнинг советларга хос шакли аслида чор ҳукуматининг бу борадаги сиёсатини бошқача кўринишида такрорлашдан иборат эди. Бироқ большевиклар империяча асосларни чуқурлаштириб ва кенгайтириб, ундан ҳам ўзига хос хусусиятларни инкор қилди. Совет Россиясининг, кейинроқ эса СССРнинг коммунистик раҳнамолари нуқул марксизмнинг назарий йўл-йўриқлари ва буюк давлатчилик тафаккури фалсафасига амал қилиб, Ўзбекистонни миллий камситиш ва мустамлака асоратида сақлашдан иборат умумий стратегия руҳидаги аграр йўлни қатъий амалга ошириб келдилар.

Ўзбек қишлоқларини қайта қуришдан иборат мустамлака-мустабидча андозанинг советларга хос шаклини вужудга келтириш соҳасидаги дастлабки ҳаракатлардан бири — ерни умумийлаштириш чоралари бўлди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, бу ҳаракат хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш воситасида амалга оширилди, лекин у ҳўжалик юритишинг щундай тизими билан тўлдирилди, бу тизим марказнинг аграр соҳани танҳо ўзи бошқаришини осонлаштиради.

Ҳалқа қарши қаратилган ҳаракатларни «халқ тўғрисида муттасил ғамхўрлик» деган дабдабали сафсата пардаси билан ниқоблаш тактикасига содик қолган большевик ҳукмдорлар ер-мulkни социалистик давлатлаштириш дастурини жадал жорий этиш учун «жамият мулкига айлантириш» атамасидан фойдаландилар. Бу нарса ерни мажбуран ўзлаштиришни тақозо этар эди.

Шу билан бирга, агар 1917—1918 йиллар оралиғида асосан чор мустамлакачилариға, мустамлакачи амалдорларига, шунингдек машхур бойлар ва шаҳарларданғи маҳаллий савдоғарларга тегиши үзігінде ер-мұлклар мусодара қилинган бўлса, кейинроқ ер-мұлкни мусодара қилиш жараёнлари синфий ёндашувларга муофіқ қишлоқ аҳолисининг ўзига тұқроқ қатламларига ҳам тобора фаолроқ даҳидор бўлиб борди. 1919 йил бошларига келиб бир неча минг «мехнаткаш бўлмаган хўжаликлар»нинг умумий майдони 100 минг десятина надан иборат ерлари мусодара қилинди¹.

1918 йил баҳоридан бошлаб вақф мулки кенг рационалда мусодарага учради, бу мулкка ер, савдо-саноат корхоналари ва шу кабилар киради. Мазкур мулк асрлар мобайніда қавмлар, маҳаллий ҳукмдорларнинг қилинган хайр-эҳсонлари йўли билан вужудга келган эди. У турли диний ва анъанавий маданий-маърифий ташкилотларни таъминлаб туриш учун мўлжалланганди. Бошқача айттанды, вақф ҳалқ эҳтиёжлари учун хизмат қиласында билан қилинди. Вақфларнинг давлат мулкига айлантирилиши нафакат мусулмон руҳонийлари, балки мачитларнинг қавмлари, мадрасаса ва мактаб ўқувчилари, яъни ҳақиқатда бутун маҳаллий аҳоли манбаатларига катта зарба бўлиб тушибди, чунки диний муассасалар кун кўриш учун иқтисодий асосдан маҳрум бўлгач, ёпилишга мажбур бўлдилар.

1918 йил охирларидан бошлаб, үзігінде ер-мұлклар ва вақф мулкини давлат мулкига айлантириш билан бир қаторда, деҳқонларнинг кўпгина тоифалари ҳам ерга хусусий эгалик қилиш ҳукуқидан маҳрум этила бошлади. Ер социалистик давлатнинг якка ўзига тегиши мулк деб эълон қилинди. Тарғиботчилик мақсадларида ер «умумхалқ мулки» деб эълон қилинди. Бироқ реал ҳаётда ҳалқ «умумхалқ мулки»дан четлаштирилган бўлиб чиқди. Большевиклар ҳокимияти ҳалқнинг табиий-хом ашё бойликларини мустақил тасаруф қилиш ҳукуқини ҳам қайтариб бермади. РСФСР Марказий Ижроия Кўмитасининг 1919 йил 14 февралдаги декретига муофіқ Россия, шу билан бирга Туркестондаги мавжуд барча ерлар, «улардан ким фойдаланишидан қатъий назар», «ягона давлат мулки» деб эълон қилинди, уни Россия ҳукумати Ер ишлари ҳалқ комиссарлиги орқали бошқарарди. Айни вақтда декрет

¹ Ўзбекистон МДА, 29-фонд, 3-рўйхат, 1067-иш, 12—13-варажлар.

«Йирик совет хўжаликлари, коммуналар, ерга умумий ишлов бериш»ни ердан фойдаланишнинг асосий шакли деб эълон қилди, ердан якка-ёлғиз фойдаланиш эса «ўткинчи ва умрини яшаб бўлган нарса»¹, сифатида таърифланди. Ердан фойдаланиш ҳукуки эса дехқонга, чорикорга ёки мардикорга унга фақат «шахсий меҳнати билан ишлов бериш» шарти билан² бериладиган бўлди. Ёлланма меҳнат, хусусий секторда ерни ижарага олиб ишлаш қатъиян тақиқланди, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етишириш сезиларли даражада камайиб кетди.

Хўжатларнинг гувоҳлик беришича, большевиклар томонидан ўйламасдан ўтказилган иқтисодий сиёсат «ҳарбий коммунизм» шароитида қишлоқ хўжалигини ҳалокатли инқизозга дучор қилди. Бироқ марказий ҳукумат Туркистон қишлоқларининг ишлаб чиқарувчи кучларига путур етишини тўхтатишга уриниб ҳам кўрмасди. Уни ўзининг империяча манфаатлари: иложи борича кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик ҳом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини марказий Россия эҳтиёлари учун олиб кетиш қизиқтиради.

Чоризмнинг мустамлакачилик анъаналарига таянган ленинча раҳбарият аввало кўпроқ пахтани тортиб олишга асосий эътиборини қаратди. Вақт масофасидан туриб қараганда, шу нарса яққол кўринидики, ўлка иқтисодиётининг мустамлакачилик йўналишида бўлиши тўнтаришдан кейинги йилларда ҳам, сўнг эса Ўзбекистондаги бутун совет ҳокимияти мобайннида ҳам биринчи навбатда айнан пахтачилик мажмууда сақланиб қолганилиги яққол кўзга ташланади. Бундай сиёсат «ўзбек ҳалқининг фаҳрий бурчи, унинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги алоҳида миссияси, иқтисодий мустақиллик учун кураш зарурияти» тўғрисидаги шиорлар билан ниқбланди. Бироқ тарғиботчилик сафсатаси орқасида ўлкамизнинг табиий бойликларини ваҳшийларча талон-тарож қилиш нияти яширинган эди.

Ленин бошчилигидаги Россия большевиклар маъмурияти «октябр»нинг дастлабки кунларидан бошлаб империяча интилишларга асосланиб, «пахта масаласи»га алоҳида эътибор берди. Пахтачилик тармоғи дарҳол РСФСР Олий Халқ хўжалик кенгаши (ОҲҲК)

¹ Голова и о в А. А. Крестьянство Узбекистана: эволюция национального положения. 1917—1937 гг. —Т., 1992. С. 36.

² Ўзбекистон ПДА, 122-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 53—54-вараклар.

тизимига киритилди. «Пахта таъминот» қўмитаси (Пахтачилик маркази) пахтачиликдаги барча тезкор-ташкилий ишларни ўз зиммасига олган бошқарув механизмининг муҳим бўйини бўлди. У РСФСР тўқимачилик саноати марказий қўмитаси (Тўқимачилик маркази) нинг таъминот бўлими — ОХХК Бош қўмитаси таркибига кирди¹.

Пахтачилик маркази ўз сиёсатини ОХХКнинг 1918 йил 12 январдаги «Пахтачилик ишларини монополиялаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этди. Бу қарорда алоҳида таъкидланишича, пахтачилик ва пахта савдоси билан боғлиқ барча масалалар фақат давлат монополияси ҳисобланарди. Ўша вақтда мамлакатда мавжуд бўлган пахта захираларининг давлат мулкига айлантирилганлиги эълон қилинди².

Пахтачилик мажмуидаги давлат монополияси механизмини амалий равишда йўлга кўйиш учун йўқсиллар доҳийси Туркистонга Пахтачилик марказидан «айгоқчилар» юборишга қарор қилди, бу «айгоқчилар»га кенг ваколатлар берилган эди. 1918 йил 24 марта Лениннинг раислигида ўтган алоҳида комиссия йифилишида расмий «пахта дастури» тасдиқланди ва Туркистон республикасига юбориладиган масъуль ходимлар «гуруҳи» таркиби аниқланди³. Унга синалган большевиклардан В. С. Смирнов, Н. И. Сундатов, А. И. Лацис, В. Г. Гофмайстер, И. А. Севастьянов киритилди⁴. Ленинча «десант» Тошкентга 1918 йилнинг иккинчи ярмида етиб келди, бу вақтда пахтачилик саноатини давлат мулкига айлантириш соҳасидаги асосий ишлар замалга оширилган эди. Шу сабабли пахта захираларини аниқлашга ва уларни Россияга ташиб кетишга асосий эътибор берилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Лениннинг Туркистон раҳбариятига қилган «совет Россияси»нинг марказий минтақалари тўқимачилик саноатини пахта билан таъминлаш тўғрисидаги астойдил даъватларини ҳисобга олиб ва РСФСР ОХХКнинг «Пахтачилик ишларини монополиялаштириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқиб, 1918 йил 26 февралда Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши «Ўлқадаги пахтани мусо-

¹ Известия ВЦИК. 26 июля 1918 года.

² РГАЭ, ф. 3429, оп. 2, д. 1129, л.3.

³ ГАРФ, ф. 130, оп. 2, д. 250, л.2.

⁴ Ўзбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 21—23-варажлар.

дара қилиш тўғрисида» декрет қабул қилди. Ф. И. Колесов имзолаган бу ҳужжатда қўйидагилар кўрсатиб ўтилди: «Туркистон ўлкасида мавжуд бўлган барча пахта захираси ҳозирги вақтда қандай кўринишда, қаерда турган бўлмасин, мусодара қилинди ва Туркистон ўлкаси ишчи-дехқон ҳукуматининг мулки деб эълон қилинади. Ўлканинг барча Советлари... ва инқилобий темир йўл қўмиталари ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу декретни дарҳол ҳаётга татбиқ этиш, бутун пахтани поезд бекатларига яқин жойга келтириш ва тезда «Тошкент» бекатига йўл олиш учун ўз вакилларини ажратмоқда». «Борди-ю, эгалари қаршилик кўрсатадиган бўлса, — дейилган эди сўнгра, — отиб ташлашгача бўлган барча чоралар кўрилсин!».

«Ўлкадаги пахтани мусодара қилиш тўғрисида» ги декретни сўзсиз бажариш ва пахтачилик мажмуидаги давлат монополиясини қарор топтириш сөҳасидаги ленинча йўл-йўриқларни амалга ошириш учун Туркистон республикасининг қўғирчоқ ХҚК ҳузурида 1918 йил 2 марта маҳсус Пахтачилик қўмитаси ташкил этилди. Унинг комиссари қилиб Шмидт тайинланди, у дарҳол маҳаллий ҳукумат таркибига киритилди.

Ўлка Пахтакўми пахтачилик тармоғини давлат тасарруфига олиш ва пахта хом ашёсини мусодара қилиш билан зўр бериб шуғулланди. Хусусан, пахта тозалаш заводлари ва савдо фирмаларини давлат мулкига айлантириш жараёнида 2 миллион 657 минг пуд пахта толаси ва 41300900 пуд пахта чигити давлат ҳисобига ўtkазилди. Пахтанинг мусодара қилиниши туфайли пахта етиштирувчилардан пахта кенг равища оқиб кела бошлади. Натижада 1918 йил ўрталарига келиб қарийб 7 миллион пуд пахтани мусодара қилишга муваффақ бўлинди, бу пахта дарҳол Марказга юборила бошлади².

Шундай қилиб, метрополиянинг пахта хом ашёсими империяга етказиб беришининг янги коммунистик машинаси ишлай бошлади. Ўша вақтдан зътиборан Ўзбекистон пахтаси Марказнинг эҳтиёжларини тобора кўпроқ миқдорда таъминлайдиган бўлди.

Пахтани зўравонлик билан мусодара қилиш ва давлат пахта монополиясини мустаҳкамлашдан иборат

¹ Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917—1924 гг.) — Документы и материалы. — Т., 1986. С. 11.

² ГАРФ, ф. 3969, оп. 1, д. 5, л. 251—252.

жиноиӣ амалиёт кейинчалик ҳам давом эттирилди. Хусусан, Туркистон республикаси XKK нинг 1920 йил 9 декабрдаги декрети¹ билан ўлқадаги барча пахта бозорлари ёпилди, пахта ва унинг чигити билан боғлиқ бўлган ҳар қандай битишувлар (унинг барча кўринишлари) таъзиқландиди. Пахта тозаловчи машиналар, жинлар² ва линтерлар (агар улар хусусий шахслар қўлида бўлса) давлат пахта тозалаш заводлари ёки харид қилиш пунктларига топширилиши лозим эди.

Шу билан бирга, большевиклар раҳбарияти пахтани мусодара қилиш барibir вақтинча чора бўлиб, давлат назорати остида бўладиган кенг миқёсда пахта етиширишни йўлга кўйиш муҳимлигини тушунарди. Шу сабабли Туркистон республикасининг Пахтачилик қўмитаси «Совет пахта хўжалигиги»ни соф большевистик услубда йўлга кўйиш вазифасини ҳал этиш билан шуғулланди. Масалан, 1918 йил 10 марта Туркистон совет хукуматининг расмий жарчиси бўлган «Наша газета»да кенгайтирилган хабар босилган бўлиб, унда завод қўмиталари ва пахта тозалаш заводларининг оқсоқоллар кенгашига деҳқонларга уруғлик чигитлар ажратиш ва сотиш ҳақида кўрсатмалар берилди. Деҳқонлар бу уруғлик чигитларни Пахтачилик бўлими белгилаган монопол нархда сотиб олишлари, шунингдек, топширилган пахталарига айирбошлишлари мумкин эди. Бироқ мазкур чора совет ҳокимияти мавжуд бўлиб турган барча даврларда давлат муассасалари учун фоят хос бўлган расмиятчилик тўлқинларига дуч келди. Хусусан, деҳқонлар ўзларининг ҳақиқатан ҳам «мехнаткаш» пахтакор эканликларини, ёлланма меҳнатдан фойдаланмасдан, ўзлари шахсан ишлов беришга қодир бўлган ер майдонларига чигит экишларини тасдиқловчи маҳсус маълумотномалар тақдим этишлари лозим эди.

«Социалистик инқилоб»нинг фоявий тамойиллари нуқтаи назаридан батамом мантиқий ва асосланган ёндашув объектив иқтисодий қонунларга, айниқса, жуда кўп меҳнатни талаб қиласидиган ва бир қатор мавсумий ишларни амалга оширишда (масалан, ҳосил йигим-теримида) кўшимча иш кучидан фойдаланмаслик мумкин бўлмаган пахта тармоғига зид келарди. Шунга қарамасдан, янги ҳокимият мустабид иқтисодиётнинг

¹ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 16, д. 1185, л. 45—46.

² Жин — чигитдан пахтани ажратадиган машина.

ярамас усулларини зўр бериб сингдиришга интиларди. Натижада деҳқонлар совет ҳокимияти билан ҳамкорлик қилишга рағбат билдиришмасди. 1918 йил декабрда Н. И. Сундатов Туркистондаги ишлар ҳақида РСФСР ОХХК Раёсатига ахборот берар экан, «пахта иши ниҳоятда ёмон»¹, деб эътироф қилишга мажбур бўлганлиги бежиз эмас эди. Чунки 1918 йил пахта мавсуми бутуnlай барбод бўлганди. Бундан ташвишга тушган марказий хукумат бошлиғи Туркистонга янги айғоқчилар юборади. 1919 йил 2 февралда Москвадан Тошкентга Тўқимачилик маркази (Центртекстиль) томонидан ташкил этилган навбатдаги экспедиция жўнатилади. Унга Шварц бошчилик қиласди².

1919 йилги пахта сиёsatининг ўзига хос хусусияти ихтисослаштирилган пахтачилик кооперативлари сонининг кескин ошганлиги бўлди, бу эса ҳокимият тузилмаларига якка хўжаликлар билан ҳамкорлик қилишга нисбатан пахтакорлар устидан анча таъсирчан назорат ўрнатиш имконини берди. 1919 йилда Туркистонда жами 42 та пахтачилик кооперативи ташкил этилган бўлиб, улар 73 минг деҳқонни бирлаштириди. 1920 йилда бундай кооперативлар сони 56 тага етди ва ўзида 112 минг кишини бирлаштириди³.

Амалга оширилган чоралар «совет Туркистони» хукумати қўлида марказга юбориш учун пахта захиралари тўпланишига имкон берди. Шунингдек, саноат хом ашёсининг бошка турларини тайёрлаш ҳам кучайтирилди. Бироқ 1918—1919 йиллардаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос томони шундан иборат бўллики, кенг қўламда олиб борилаётган ва бутун совет давлатига тарқалиб кетган большевиклар келтириб чиқарган фуқаролар урушининг ҳарбий ҳаракатлари натижасида Туркистон республикаси бирон-бир муддат Россиядан ажратиб кўйилди. Натижада заводларнинг омборларида ва темирйўл бекатларида катта миқдордаги хом ашё: 6,5 млн. пуд пахта толаси, 0,5 млн. пуд жун, 1,5 млн. дона тери ва ҳоказолар тўпланиб қолдикли, буларни марказий хукумат зўр бериб кутаётган эди⁴.

1919 йил кузда «Оренбург тиқини»нинг тугатилиши Россия саноати эҳтиёж сезаётган қимматбаҳо қиши-

¹ Экономическая жизнь. 6 февраля 1918 года.

² Экономическая жизнь. 5 февраля 1919 года.

³ РГАЭ, ф. 7990, оп. 1, л. 8, 286—287.

⁴ История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. —Т., 1970, С. 185.

лоқ хўжалик хом ашёсини кенг равишда етказиб беришни йўлга қўйиш имконини яратди. Большевиклар раҳбари ўша кунлари «олий ҳукмдорга хос қувонч билан» бундай деб ёзган эди: «Биз энди Украина ва Тошкент билан ўрнатилган алоқа бизни хом ашё но-чорлиги ва етишмаслигининг асосий ва туб сабабла-ридан халос этади, деб ҳисоблаш учун жиддий асос-ларга эгамиз»¹. Ҳақиқатан ҳам 1920 йил мобайнидаёқ Россиянинг марказий туманларига ТАССР дан 6730 вагондан кўпроқ пахта², 1100 вагондан кўпроқ хом тери ва бошқа нарсалар ортиб юборилди³.

Бироқ Туркистон республикасининг марказга са-ноат хом ашёси, айниқса, пахта етказиб бериш имко-ниятлари тобора сезиларли равишда чекланиб борди. Мъымурларнинг меҳнатни «социалистик» асосда таш-кил этиш воситасида пахта етиштиришни жадал кўпай-тиришга бўлган умидлари рўёбга чиқмади. Большевикларнинг амалга оширган бемаъни иқтисодий сиёсати воқеликка ўз таъсирини кўрсатиб, шундай аҳволга олиб келдики, 1919 йилда умуман Туркистоннинг аграр сек-тори бўйича барча экин экиладиган майдонлар ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги 1915 йил даражасининг ярмидан камроғини ташкил этди⁴. Пахта етиштириш ҳам ночор аҳволга тушиб қолди. Лекин бу ўринда умумий салбий омиллар билан бир қаторда, қўшимча сабаблар ҳам кўзга ташланди. Улардан бири шундан иборат эдики, озиқ-овқат танглиги жадал ортиб бориши оқибатида дехқонлар чигит экиладиган майдонларни қисқартириб, ғалла экинлари — маккажӯхори, шоли, оқ жӯхори, тарик, бугдой экишга ўтишга мажбур бўлдилар.

Чигит экишдан ғалла экинлари етиштиришга ўтишга совет раҳбариятининг нарх сиёсати ҳам имкон берди, бу сиёсат империя маркази манфаатларини таъминлашга қаратилган эди. Масалан, пахта ва ёф ишлаб чиқариш саноатини давлат мулкига айлантириш тўғрисидаги декрет эълон қилингандан сўнг четдан келтириладиган энг яхши ғалладан З баровар қиммат турадиган пахта ниҳоятда қадрсизланди, чунки пахтага белгиланган қатъий давлат нархи тез ортиб бораётган ғалла нархига сира тўғри келмасди.

¹ Ленин В. И. Тұла асарлар тұплами, 37-т., 466-бет.

² Очерки хозяйственной жизни Туркестанской Республики. — Т., 1921. С. 446—447.

³ Ўзбекистан МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 522-иш, 49,-55—56-варақлар.

⁴ ГАРФ, ф. 3969, оп. 1, д. 30, л. 5.

Ленинча маъмурият бу аҳволдан қутулишнинг анъанавий марксча йўлидан нажот топди. 1920 йил 2 ноябрда РСФСР ХҚҚ директив қарор қабул қилди, бу қарорга мувофиқ пахтачилик хўжалигини тиклаш ва пахта етказиб беришни кўпайтириш соҳасидаги барча ишларни ҳарбийлаштирилган деб эълон қилди. Бошқача айтганда, ошкора мажбурлаш йўлига ўтиб олди¹.

Жазолаш-мажбураш усусларидан фойдаланиш натижасида 1921 йил январь ойига келиб марказга юбориши учун 7 млн. пуд пахта толаси, 327 минг пуд линтер, 103 минг пуд чахбута (пахта чиқиндилари) тайёр ҳолга келтирилди². Бироқ пахта етишириш тизимидағи иқтисодий вазият фавқулодда тус олди.

Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш соҳасидаги аҳвол тагин ҳам аянчлироқ эди. Социализмнинг зўравонлик билан ўрнатилиши, дехқонларни «ёрқин келажакка» мажбуран олиб киришга интилиш қишлоқ хўжалигини боши берк йўлларга дучор қилди, ҳалқнинг озиқ-овқат билан таъминланишини ночор ҳолга келтириб қўйди. Республикага оммавий очарчилик бўрони ёпирилди.

Очликка маълум даражада большевиклар, уларнинг ҳалокатли синфий қарши кураш, ҳарбий жанжаллар оловини авж олдириш сиёсати, яроқсиз иқтисодий стратегияси, жамиятни тўғри келмайдиган зўрма-зўраки хаёлий андозаларга асосланган ҳолда барпо этишга интилиши сабаб бўлди.

Даҳшатли очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган Туркистон ўлкасидан Россия марказига энг аввало озиқ-овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди. Архив ҳужжатларининг далолат бериича, 1920 йилда ташиб кетилаётган ғалла маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат турларининг миқдори 4,5 марта кўпайди. Туркистон чоризм томонидан босиб олингач, ўлгадаги бугдойзорлар ҳисобидан пахта экиласидиган майдонлар кенгайтирилган бўлиб, ғалла Россиянинг марказий губернияларидан бу ерга ташиб келинарди. Маълумки, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Россиядаги фуқаролар уруши натижасида ўлкага ғалла келтириш деярли тўхтаб қолган эди.

Халқ очарчиликдан қирилаётган бир маҳалда Туркистондаги айрим озиқ-овқат захиралари большевик-

¹ Правда. 5 ноября 1920 года.

² Ўзбекистон МДА. 41-фонд, 1-рўйхат, 1033-иш, 69-варажнинг орқаси.

лар томонидан фронтда ҳарбий мақсадлар учун фойдаланилди. Масалан, 1919 йилнинг биринчи ярмида фақат Закаспий фронтида 198 цистерна ўсимлик мойи (ёғи) ва 305 цистерна нефть ёнилғи сифатида ишлатилди. Туркистон темир йўлларида паровозларда 53 цистерна ўсимлик ёғи ва 223 цистерна нефть ёқилди. Айрим завод ва корхоналарда 118 цистерна ўсимлик ёғи ва 156 цистерна нефть ҳам ёқиб юборилди¹. Бу даврда аҳоли эҳтиёжлари учун атиги 63 цистерна ўсимлик ёғи ажратилди².

Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашининг нашри бўлган «Туркистон халқ хўжалиги» журналида ўсимлик ёғининг фронтда ишлатилиши тўғрисида қўйидаги маълумотлар келтирилади: «Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг деярли ҳаммаси ва захирадаги ёғ темир йўлларда суюқ ёқилғи сифатида ишлатилмоқда. Ҳозирги пайтгача (1919 йил сентябрь — К. Р.) бозор нархи 2000000000 сўм бўлган 500000 пуд ўсимлик ёғи ёқилди. Ёғнинг ёқилиши кўпайиб бормоқда, уни ишлаб чиқариш миқдори эса аввалгидек (суткасида 3800 пуд) қолмоқда. Агар кескин чоралар кўрилмаса, биз аҳолини ягона ёғ маҳсулотидан маҳрум қиласиз...»³

Лекин ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймаган бўлса ҳам, ундан ёқилғи сифатида фойдаланиш кескин даражада ошиб кетди. Мазкур журналнинг ёзичи, 1920 йил феврал ойига келиб, 600000 пуд ўсимлик ёғи паровозларда ёнилғи сифатида ишлатилган⁴. Кўмир ва ўтин йўқлигидан бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам (Туркистонда одамлар очарчиликдан юз минглаб қирилаётган бир пайтда!) ёқилғи сифатида ишлатилар эди. Орол денгизи участкасида паровозлар куритилган балиқ ёқиб юргизилган. Шунингдек, паровозларга кунжара ёқишга уриниб кўрилган. Энг даҳшатли ҳодиса шундан иборатки, ҳамма нарсани курбон қилиш эвазига етиштирилган пахта ёқилғи сифатида ишлатилган.⁵

Турккомиссия аъзолари В. В. Куйбишев ва Ф.И. Голошчекиннинг тазиикى билан 1920 йил августида Тур-

¹ Народное хозяйство Туркестана, № 22, 7 сентября 1919г., с. 8.

² Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 68-варак.

³ Народное хозяйство Туркестана, № 26, 5 октября 1919г., с. 13.

⁴ Народное хозяйство Туркестана, № 3, 15 февраля 1920г., с. 20.

⁵ Народное хозяйство Туркестана, № 3, 13 апреля 1919 г., с. 2.

кистон республикаси худудида озиқ-овқат тақсимоти (продразвёрсткаси)ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) аҳолини очикдан-очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтириб юборди. «1920 йил охирида фақат ишчилардан 42 та озиқ-овқат тўпловчи отрядлар тузилди, бу отрядларда 3.000 киши бор эди».¹

Туркистон республикасидаги озиқ-овқат тўпловчи отрядлар фақат 1920—21 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қўлидан 9708703 пуд ғалла, 6358114 пуд ем-хашак, 1606210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олди.² Тортиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари зудлик билан Марказга жўнатилар эди.

1921 йил 18 июлда бўлган Озиқ-овқат комиссарлиги ҳайъати мажлисига комиссар Малютин маъруза қилиб, «ун кунлик муддат ичига 250000 пуд озиқ-овқат Марказга юборилсин, деган Лениннинг жанговор буйругини ўқиб эшигтириди».

Совет режимининг асосчиси ва большевиклар «дохийси» В. И. Лениннинг буйруги келмасдан бир неча кун олдин Туркистон ХКС Оренбургга 20 вагон ғалла, 2 вагон гуруч, куруқ мевалар (шунингдек, Самарқанд ва Полторацк гарнизонлари учун 16 вагон) ва Орол денгизи балиғидан бир неча вагон юбориш тўғрисида қарор қабул қилиган эди.³ «Ўлганнинг устига тепган» қилиб, Марказга жўнатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари «Лениннинг жанговар буйруги» билан янада кўпайтирилди.

Натижада Еттисув вилоятида 70 вагон, Сирдарё вилоятида 50 вагон, Самарқанд вилоятида 30 вагон озиқ-овқат, ўлка балиқ тайёрлаш қўмитаси (Крайрыба) томонидан 6 вагон балиқ қўшимча равища аҳолидаң тортиб олиниб, Оренбург орқали Марказий Россияга жўнатилиши керак эди. Большевик раҳбарларининг бу буйругини ҳам озиқ-овқат тўпловчи отрядлар қисқа муддат ичига ортифи билан бажаришди.

Шундай қилиб, Туркистонда ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) натижасида маҳаллий аҳоли қўлидан:

¹ Н у р у л л и н Р. А. Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Ташкент, Фан, 1965. С. 130.

² Н у р у л л и н Р. А. Кўрсатилган асар, 221-бет.

³ Қарант: И с о қ о в И. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди? // Шарқ юлдузи, 1992, № 5, 159-бет.

- а) 1918—1919 йилларда зўрлик ва товар айирбошлаш (аслида деҳқонларга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4500000 пуд;
- б) 1919—1920 йилларда товар монополияси ва товар айирбошлаш йўли билан 5250000 пуд;
- в) 1920—1921 йилларда озиқ-овқат развёрсткаси во-ситасида белгиланган 22500000 пуд ўрнига 9700000 пуд;
- г) 1921—1922 йилларда озиқ-овқат солифи ҳисобланган 12500000 пуд ўрнига 4000000 пуд фалла тортиб олинди¹.

Шунингдек, Туркистондан Россияга кўплаб миқдорда пахта, қоракўл тери, дон ва бошқа ҳом ашё маҳсулотлари олиб кетилган. Марказнинг кўрсатмаси билан Тошкентда тузилган Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ХХМК)нинг асосий вазифаси Марказни ҳом ашё билан таъминлаш эди. Ўша даврга оид ҳужжатларнинг бирида ёзилишича, Туркистон ХХМК омборларида Марказга жўнатиш учун тубандаги миқдорда ҳом ашё тайёрлаб қўйилган ва маҳсулотга куя тушмаслиги учун Москвадан нафталин (куя дори) зарурлиги сўралган:

«Тери ва тери маҳсулотлари — 5000000 дона; от ёли — 10000 пуд, кўй ичаклари — 1000000 дона; қора-мол ичаклари — 500000 дона. Туркистонда нафталиннинг бутунлай йўқлиги ҳом ашёни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, шунинг учун шошилинч равишда 3000 пуд нафталин зарур»².

1918—1920 йилларда Туркистондан Россияга 7433000 пуд пахта толаси (қиймати — 89196000 тилла сўм), 5500 пуд пилла (1375000 тилла сўм), 1200 дона турли терилар (720000 тилла сўм), 1800000 дона ҳай-вон ичаклари (360000 тилла сўм), умумий қиймати 91651000 тилла сўмлик ҳом ашё олиб кетилган³. Совет тарихчилари дъаволарига зид равишда шуни таъкидлаш керакки, ушбу даврда Марказдан бу ерга келтирилган бутун маҳсулотларнинг умумий қиймати ташиб кетилган ёлғиз пахтанинг қийматидан 6,5 марта кам бўлган. Марказ доимий равишда бирни бериб, ўнни юлиб кетган. Фикримизни асослаш учун қуйидаги архив ҳужжатини келтириб ўтамиш:

¹ Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 45-иши, 221-варақ.

² Народное хозяйство Туркестана, № 4, 4 мая 1919 г., С. 16.

³ Узбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 190-иши, 16-варақ.

«1918 – 1920 йилларда Марказдан Туркистонга 15000000 аршин мануфактура (қиймати – 4500000 сўм), 100000 пуд темир ва чўян, 10.000 пуд рангли металлар (2100000 сўм), ёғоч (2000000 сўм), машина ва ишлаб чиқариш воситалари (700000 сўм), идишлар (500000 сўм), 100000 пуд шакар (500000 сўм), 6000 пуд чой (360000 сўм), 3000 яшик гутурт (60000 сўм), 3000000 сўм миқдорда РСФСР валютаси, ҳаммаси бўлиб, умумий қиймати 13720000 сўмлик маҳсулот келтирилган»¹.

Туркистондан Россиянинг Марказий губернияларига хом ашё захираларининг ташиб кетилиши ўлка-даги иқтисодий инқизорни янада чукурлаштириб юборди. Бу ҳолат ҳатто Туркистон Иқтисодий Кенгашининг 1921 йил 12 июлдаги ҳисоботида ҳам равшан кўзга ташланади: «Барча пахта, жун, тери, мўйна маҳсулотлари ҳарбий соҳа эҳтиёжлари таъминланишини ҳам ҳисобга олсан, ўлгадаги барча етишмовчилик яққол кўринади ва Туркистонда маҳсулот танқислиги вужудга келиши тушунарли бўлади»².

Архив ҳужжатларидан бирида келтирилишича, Пахта бўлими 1921 йил 1 январигача 3311728 пуд пахтани қайта ишлаб чиқарган, шундан 905954 пуд тола, 21752 пуд линтер пахтаси, 2190031 пуд чигит олинди ва Марказга 6415 вагон пахта толаси жўнатилди. 1921 йил январда 6500 вагон тола жўнатишга тайёрлаб кўйилди. Транспорт-материал бўлими Марказга 6 ой ичida 2909 вагон пахта жўнатди, бир суткада 121 вагон пахта жўнатилган. Марказга 450701 пуд жун жўнатилган, ўлгадаги хўжалик ташкилотларига 14802 пуд жун тарқатилган³.

Тери маҳсулотлари 1920 йил Марказга 562040 дона жўнатилган бўлса, 1921 йил 1071117 дона жўнатиш мўлжалланди⁴.

Совет режими Туркистон қишлоқ хўжалигининг пахта яккаҳомлигига асослаш ва ўлканинг хом ашё базасига айлантириш учун бутун кучини сарфлади. Бунда аввалги тузумнинг сиёсати янгича асосда давом эттирилди.

Туркистонда национализация қилинган пахта ишлаб чиқариш саноатида катта миқдордаги хом ашё ва

¹ Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 190-иш, 16-варак.

² Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 2-рўйхат, 7-иш, 8-варак.

³ Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1701-иш, 177 – 178-вараклар.

⁴ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 85-варакнинг орқаси.

товар тўпланиб қолган эди. Ҳужжатларда келтирилишича, 1917 йил Туркистон ўлкасида қўйидағи миқдорда захирадаги хом ашё мавжуд бўлган:

1. Пахта тозалаш заводлари — 259 та.
2. Пахта хом ашёси — 3000000 пудга яқин.
3. Пахта толаси — 4398000 пудга яқин.
4. Чигит — 2000000 пуд.
5. Линтер (чигитда қоладиган қисқа тола) — 265400 пуд.
6. Чахбута (дезинфекция қилинган эски чигитлар) — 103000 пуд.
7. Жут — 15000000 аршинга яқин¹.

Туркистонда пахта етишириш ва уни Россияга ташиб кетиш кучли марказлашган орган орқали амалга оширилди. Туркистон ХХМКининг Пахта бўлими ўзининг эътиборини пахта ишлаб чиқаришни марказлаширишга қаратди. Бўлим амалда олий орган сифатида 1920 йил охиригача шу соҳани бошқарди².

Пахта толаси маҳаллий саноат эҳтиёжларига ишлатилмасдан фақат Марказдаги тўқимачилик корхоналари учун жўнатилар эди. Туркистон Советларининг VII фавқулодда съездиде (1919 йил март) таъкидланишича, пахтачилик национализация қилингандан кейин қисқа муддат ичидаги ўлқадан РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши (ХХОК) ихтиёрига Оренбург йўналишида 723 вагон, Красноводск йўналишида 668 вагон, жами 1391 вагон пахта толаси жўнатилди³.

Бошқа бир маълумотда келтирилишича, 1918—1919 йилларда Туркистондан Марказга жами 2151 вагон пахта толаси жўнатилган. Бу пахта толасининг 1310 вагони 1918 йилда (Оренбург йўналишида 596 вагон, Красноводск йўналишида 714 вагон), қолган 841 вагон 1919 йилда Оренбург тиқини бўлмасдан аввал Марказга жўнатилган⁴.

Оренбург тиқини тугатилгандан кейин Туркистондан Марказга қўйидағи миқдорда пахта толаси жўнатилди:

¹ Очерки хозяйственной жизни Туркестанской Республики. Т., 1920. С. 513—516.

² Народное хозяйство Туркестана, № 4, 4 мая 1919 г., с. 4.

³ Народное хозяйство Туркестана, № 5, 11 мая 1919 г., с. 9.

⁴ Очерки хозяйственной жизни Туркестанской Республики. С. 517.

Ойлар	Красноводск йўналиши бўйича	Оренбург йўналиши бўйича
1919 йил январ-май	—	443 вагон
Июн	131 вагон	549
Июл	389	1.149
Август	405	814
Сентябрь	197	795
Октябрь	389	189
Жами:	1.504	3.939 ¹

Демак, факат 1919 йилнинг иккинчи ярмида Туркестондан Россияга 5.443 вагон пахта толаси олиб кеттилди.

Архив хужжатларида келтирилишича, 1920 йил Туркестондан Марказдаги тўқимачилик фабрикаларига 8565 вагондан иборат 4283000 пуд пахта толаси жўнатилган². Бундан ташқари Россияга 1919 йил 3150000 пуд ва 1920 йил 2728000 пуд хом пахта ҳам жўнатилди³.

Туркестонда ишлаб чиқарилган хом ашёни сотиб олишнинг барчаси тўлиқ Марказда ишлаб чиқилган низом асосида йўлга кўйилар эди. Пахта хом ашёсини сотиб олиш ҳам белгиланган қатъий нарх ва қатъий режа асосида амалга оширилдики, бундай қаттиқўллик билан марказлаштириш сиёсати ўша 20-йиллар совет рублиниг мислсиз қадрсизланиши — пулнинг суперинфляцияси шароитида бор-йўғидан ажralган дехқонни яна ҳам хонавайрон бўлишига олиб келди.

«Харбий коммунизм» сиёсати, қишлоқни жадал коммунизмлаштириш йўли бутун Россия империяси сингари Туркестонни ҳам иқтисодий фалажлик ҳолатига келтириб қўйди. Инқилобдан кейинги курилиш йилларида шаҳар билан қишлоқ ўртасида қарор топган кўпгина алоқалар издан чиқди, улар ўртасидаги мутаносиб айирбошлашга путур етди. Натижада ҳамма жойда жамиятнинг парокандалиги, истиқлолчилик ҳаракатининг ортиши ва, айниқса, бозорсиз социа-

¹ Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. С. 520.

² Узбекистон МДА, 111-фонд, 1-рўйхат, 940-иш, 123-варак.

³ Узбекистон МДА, 111-фонд, 1-рўйхат, 940-иш, 123-варак.

лизм аңдозасини жорий этишга уриниш натижасида саноат сўнди. У қишлоқ билан товар айирбошлиш учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятини йўқотди. Қишлоқларда экин экиладиган майдонлар кескин қисқарди. Масалан, Туркистонда 1918 йилда экин экиладиган майдонлар 1915 йилга нисбатан камайиб кетди ва 3266 минг десятинадан 1300 минг десятинага тушив қолди¹. Ирригация иншоотлари шиддат билан ишдан чиқа бошлади, ўн минглаб дехқон хўжаликлари хонавайрон бўлди. Уларнинг аксариятида ҳатто оддий қишлоқ хўжалик ассоблари ҳам йўқ эди. Кўп жойларда қишлоқ аҳлининг ўзи омоч ҳайдашга мажбур бўлди. Чорвачилик тўла инқирозга учради, бунга умумий салбий жараёнлардан ташқари, отларнинг қизил армия учун сафарбар этилиши, армияга гўшт тайёрлашга ишлатилиши, ёт тузумнинг ўрнатилиши, чорва молларнинг сон-саноқсиз мусодара қилиниши ва қийматини тўлаш шарти билан мажбуран давлат ихтиёрига ўтказилиши сабаб бўлди. Бу нарса чорвачилик маҳсулотлари, биринчи навбатда, гўштнинг танқислиги, тўғрироғи, ўша йиллардаги хужжатларда қайд қилинишича, «деярли тўла-тўқис барҳам топиши»га сабаб бўлди².

Фалла етишмаслиги сезиларли равища кучайди. 1919 йилда унинг етишмаслиги деярли 100 млн. пудга етди. Бунга Туркистонда фалла экиладиган майдонларнинг қисқариб бораётганилиги, шунингдек, пахта ўрнига Россиядан фалла етказиб беришнинг тобора камайиб кетаётганилиги сабаб бўлди. Масалан, 1916 йилда Россия метрополиясидан Туркистонга 22 млн. пуд дон келтирилган бўлса, 1918 йилда 1,9 млн. пуд дон келтирилди, 1919 йилда эса деярли ҳеч нарса келтирилмади. Республиkanинг ўзида 1919 йилда фақат 5,2 млн. пуд фалла тайёрланди. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблагандада бир йилда бор-йўғи бир неча килограммдан тўғри келарди³.

Шундай энг оғир вақтда ҳам Ленин ҳукумати ТАССРнинг большевиклар раҳбариятидан пахта ва бошқа саноат хом ашёси билан бир қаторда, Россияга озиқ-овқат ресурслари ташиб келтиришни энг кўп даражада таъминлашни талаб қилди. Совет тарихчилари бундай қарорни большевистик марказни Туркистонга

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 223—224-вараклар.

² Ўша жойда, 224-варақ.

³ История народного хозяйства Узбекистана. Т. 1. — Т., 1962, с. 50—51.

ўлканинг «моддий-техникавий таъминоти»га кўрсатаётган «фаол ёрдами» деб оқладилар. Масалан, мустабид ўтмишда яратилган кўпгина тадқиқотларда қайта-қайта таъкидланишича, 1920 йил февраль-декабрь ойларида Туркистон республикасига «Марказий Россиядан 614 вагондан иборат 33 эшелон, шу жумладан, бир эшелон газмол, 4 вагон шакар, 58 вагон гугурт, 78 вагон идиш-товоқ, 8 вагон қоғоз, кўпгина саноат ускуналари келтирилди»¹.

ТАССРга «совет Россияси»дан маълум миқдорда саноат ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари, кенг истеъмол товарлари етказиб берилганлигини инкор қилиш нотўри бўлур эди, албатта. Лекин совет вақтида лом-мим дейилмайдиган асосий нарса бошқа эди. Россия билан Туркистон ўртасидаги товар айирбошлиш ўз моҳият эътибори билан ўлка манфаатларига зид бўлиб, империяча хусусиятта эга эди. Хусусан, очарчилик авж олган Туркистон республикасига келтирилган бугдой ҳажми ташиб кетилганидан 2 баровар кам эди. 1920 йилда Туркистондан Марказга тегишли равишда бошқа озиқ-овқат турлари 3, чорвачилик маҳсулотлари 5, тўқимачилик хом ашёси — 10 баровар кўп ташиб кетилди².

Туркистонга ташиб келтирилган тайёр маҳсулот ҳажми билан «совет Россияси»га жўнатилган қиммат баҳо хом ашё ҳажми ўртасидаги фарқ сезиларли даражада эди. Масалан, 1918—1920 йилларда Туркистон республикасига 13720 минг сўмлик товарлар келтирилган бўлса, марказга 31651 минг сўмлик миқдорида хом ашё юборилди. Шу жумладан, газмол учун пахта толаси 20 баровар, тери хом ашёси 3 баровар кўп жўнатилган³. Агар пахта, тери хом ашёси, чорва моллари ичаклари ва қуруқ мевалар қатъий нархларда сотиб олинганини, бу нархлар тижорат нархларидан анча пастлиги ҳисобга олинса, олинадиган фойданинг энг кўп қисми РСФСРнинг марказий минтақаларида қолиб кетганлиги маълум бўлади.

Туркистондан, кейинчалик Ўзбекистон ССРдан Марказга олиб кетилган хом ашё ва бошқа маҳсулотлар СССРнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишда муҳим рол ўйнади. Жаҳондаги йирик иқтисодичи

¹ Карап: История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. С. 186.

² Труды ЦСУ. Статежегодник. 1921 г. Т. 8. вып. 4. — М., 1923. С. 156.

³ Узбекистон МДА, 18-фона, 2-рўйхат, 190-иш, 16-варак.

олимлар томонидан 1970 йилда тайёрланган маҳсус ҳисоботда кўрсатилишича, совет режими даврида ҳар йили Туркистон минтақасидан Россияга 40 миллиард долларлик моддий бойликлар ташиб кетилган¹.

Туркистондан Марказий Россияга озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетиш 1921 йилда ҳам тўхтамади. «Волга бўйи губернияларида очлик», деган важ билан аслида очарчилик давом этаётган Туркистондан 1921 йилнинг кузида Москва ва бошқа шаҳарларга 300000 пуддан кўп фалла юборилди. Марказий Россия ва Волга бўйи районларидан 310000 киши «нон шахри» — Тошкентга келтириб жойлаштирилди. Бу эса Тошкент шаҳридаги демографик вазиятга салбий таъсир кўрсатди, минтақа менталитетидаги кучлар нисбатини ўзгартиришга уринди.

Ўша таҳликали даврнинг аянчли манзарасини кўз ўнгимизга келтириб, шуни айтишимиз керакки, большевиклар раҳбариятининг ўйламасдан ўтказган иқтисодий сиёсати туфайли ғоят кескин озиқ-овқат танглиги ўшанда фақат Туркистонда эмас, балки совет давлатининг бутун худудида ҳам намоён бўлди. Бунга жавобан Лениннинг: «Илгор ишчиларнинг фалла етиштирадиган ҳар бир пунктга оммавий салиб юриши ўтказилиши керак» деган чақириғи янгради. Бошқача айтганда деҳқонларга қарши «салиб юриши» бошланди: «Фаллангни бермасанг — куч билан тортиб оламиз!» Фалла савдоси ўрнига уни мусодара қилиш жорий этилди.

Мамлакатдаги озиқ-овқат соҳасида рўй берган оғир аҳволни бартараф этиш бўйича большевиклар дастурининг муҳим омили асосий озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва тақсимлашга давлат монополиясининг, озиқ-овқат диктатурасининг ўрнатилиши бўлди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эмас, балки уни тақсимлашга ва қишлоқлардан «тортиб олиш»га асосий эътибор қаратилди. Озиқ-овқат танглиги ортиб бораётган шароитда большевиклар ўзларининг назарий қарашларига содик қолиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг гайрииқтисодий усулларига умид боғладилар. Табиийки, ҳар қандай диктатура сингари озиқ-овқат диктатураси ҳам зўравонликка таяна бошлади. Уни амалга оширувчилар сифатида қишлоқларда озиқ-овқат отрядлари пайдо бўлди.

¹ К а р а н г: Ш а ҳ о б и д д и н Я с с а в и й И с м о и л ш а й х ўғли. Turkistan Ačħħičiq haqiqatları. 2-нашри. Истанбул, 1984. 67-саҳифа.

Ўша йилларнинг маҳфий ҳужжатлари мазкур отрядларнинг қандай усуллар билан фаолият кўрсатганини хусусида яққол гувоҳлик беради. Чунончи, Туркистон Йиқилобий-ҳарбий кенгаши ҳузуридаги фавқулодда қомиссия маҳсус бўлимининг хабарномасида очик-ойдин бундай деб кўрсатилган эди: «Посёлкалар ва қишлоқларда ... мавжуд бўлган барча ғалла тортиб олини, ҳатто бир ҳафтага ҳам етмайдиган ғалла қолдирилди..., шунда деҳқонлар озиқ-овқат развёрсткасини бажариш учун ғалла сотиб олишга мажбур бўлдилар... Озиқ-овқат отрядлари ходимлари айш-ишрат билан шуғулланадилар... Кўпинча посёлкаларга келиб, ғалла ва бошқа маҳсулотларни тортиб олишади, олган нарсаларига тилхат ҳам, уларнинг ҳақини ҳам беришмайди... Развёрстка ҳисобига олиб кетилган ғалла уни асраш учун мослаштирилмаган биноларга тўкилади, бунинг оқибатида ғалла чирийди. Буни кўрган деҳқонлар кўпинча развёрсткани бажаришдан бош тортадилар»¹.

Таъкидлаш керакки, озиқ-овқат развёрсткаси «ҳарбий коммунизм» чора-тадбирлари тизимида муҳим ўрин тутди. Уни бажариш учун жамоанинг бир-бирига кафиллиги, қишлоқдаги барча озиқ-овқат захираларининг ҳисобга олиниши, уларнинг ялпи мусодара қилиниши назарда тутилди. Озиқ-овқат танглигидан кутилишнинг большевикларга хос усулини амалий жиҳатдан таъминаш мақсадида 1918 йилнинг ёзидаётк Туркистон республикаси Озиқ-овқат Халқ Комиссарлиги ҳузурида озиқ-овқат отрядларидан ташкил топган озиқ-овқат маҳсулотларини қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш билан шуғулланадиган маҳсус гурӯҳ тузилди. Унга асосан ўлкага чор ҳукмронлиги йилларида кўчириб келтирилган ишчилар ва камбағал рус деҳқонлари киритилди.

Бироқ большевиклар раҳбарияти хulosасига кўра дастлабки пайтларда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш етарли даражада амалга оширилмади. Шу сабабли ТКПнинг III съездида (1919 йил, июнь) озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ишларининг «самарадорлигиги»ни ошириш масаласи кўйилди. РСФСРнинг Туркистон республикаси бўйича Озиқ-овқат комиссари П. А. Кобозев Туркистонда тўлалигича давлат озиқ-овқат монополияси ўрнатилишини талаб этди. Шу билан бирга, у буюк давлатчилик тафаккури мантифидан келиб

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 17—18-варажлар.

чиқиб, «РСФСР ерни барча мәҳнаткашларга фойдаланиш учун берган экан, ер рентасини натура — қишлоқ хұжалик маҳсулотлари шаклида йиғиб олиш ҳукуқига эга ва шундай қилиши шарт»¹, деб гапирди. Башқача айттанды, коммунистик марказ ерни «мәһнаткаш» деңқонларга бериш түгрисидаги афсонавий үйдірмалар билан ниқобланиб, Туркистан қишлоқла-ридан озиқ-овқат маҳсулотларини ёнпасига «тортиб олиш»га бўлган империяча ҳукуқни эълон қилди.

Съезд қарорларига мувофиқ Туркистан МИҚ 1919 йил 4 июнда ғалла монополияси түгрисида декрет чиқарди, унга мувофиқ барча ғалла маҳсулотларининг «ортиқча» қисми озиқ-овқат директорияси ихтиёрига келиб тушиши лозим эди, донни «яшириш»да айбор бўлғанларга қаттиқ фавқулодда жазо чоралари кўрилиши назарда тутилди; хусусий савдо эркинлиги бекор қилинди².

Шу ўринда таъкидлаш керакки, «ортиқча» ибораси шунчаки ниқоблаш эди. Юқорида айтиб ўтилганидек, аслида ҳамма нарса таг-туғи билан тортиб олинарди. Зўравонлик куюни маҳаллий деңқонларга даҳшатли куч билан ёпирилди. «Ғалла тайёрлаш»га озиқ-овқат отрядларидан ташқари, армия бўлинмалари ҳам қўшилди. Ҳукумат зўравонлик билан мажбур қилиш тамойилини асос қилиб олиб, ҳамма жойларга директив кўрсатмалар юборди, уларда тўғридан-тўғри «куролли куч ишлатиш зарурлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ем-хашак тайёрлаш ҳажмининг кўпайиши ана шунга боғлиқлиги»³ айтиб ўтилган эди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг салмоқли қисми марказга юбориларди. Масалан, фақат 1920 йилнинг бошларидан Андижондан Марказга 20 вагон гуруч жўнатилган. Айни вақтда республикадан 20 вагон Орол балифи, 5 вагон узум виноси ва ҳоказолар ташиб кетилган⁴.

Тўғри, озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми республика эҳтиёжларини қондириш учун қолдирилган. Бироқ бу ўринда ҳам буюк давлатчилик экстремизми тантана қиласиди, у ярамас синфий ёндашув билан бирга қўшиб олиб бориларди. Туркистанда ленинча

¹ Материалы III съезда КП Туркестанской Республики. — Т., 1919. — с. 23.

² Наша газета. 5 июня 1919 года.

³ Қаранг: К р и ц и а н Л. Героический период Великой русской революции. (Опыт анализа так называемого «военного коммунизма»). — М., 1925. С. 177.

⁴ Известия ТуркЦИКА. 17 февраля, 10 июля 1920 года.

хукумат услубиёти бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари тақ-симотининг «синфий паёклари» жорий қилинди. Бу тизим қизил армия, темирйўл ва саноат ишчилари каби асосан европалик аҳоли вакильларидан иборат устувор гуруҳларни таъминлашни назарда тутарди. Фақат 1920 йилнинг ўзида ТАССР Озиқ-овқат халқ комисарлиги ўлкада турган большевистик ҳокимиятнинг мунтазам қизил армиясини таъминлашга 2359875 пуд буғдой, 589969 пуд ёрма, 884953 пуд гўшт, 6282500 пуд дағал ем-хашак, 4711925 пуд донли ем-хашак ва ҳоказолар ажратди¹. 1920 йил ёзда маҳсус равишда Фарбий фронт учун 2 та маршрут поездни жўнатилди, уларга озиқ-овқат маҳсулотларидан куритилган балиқ, ўсимлик ёғи, гуруч, куруқ мева ортилган эди².

Бундай йўл тутиш ўлканинг кент аҳоли оммаси ўртасида совет тақсимот тизими европаликлар ва уларнинг мустамлакачилик ҳукмронлигини қўллаб-куватловчи Россия ҳарбий бўлинмалари фойдасини кўзлаб амалга ошириляпти, деган асосли сезгини вужудга келтирди. Бунинг устига, ана шундай хулоса чиқариш учун етарли асослар бор эди. Мана бир мисол: Советларнинг IV қурултойида (1918 йил апрель) озиқ-овқат масаласи юзасидан мъруза қилган Туркистон республикаси ХҚК раиси Ф. И. Колесов «янги шаҳарлар»ни, асосан Тошкент шаҳрини таъминлаш истиқболларини таҳлил этиш билан чекланди, холос. Аҳолининг «мусулмон» қисмларини қутқариб қолиш ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмади³. Бу эса хукуматнинг амалий фаолиятида ўз ифодасини топди. Шунинг учун ҳам Туркистон Советларининг VIII қурултойида (1919 йил сентябрь-октябрь) «миллий» делегатларнинг кўплари ошкора равишида: «Озиқ-овқат бўлимига келиб тушаётган маҳсулотлар европалик аҳоли орасида тақсимланмоқда. Маҳаллий аҳоли эса ҳеч нарсадан фойдаланмаяпти», деб маълум қилдилар.

Ўша йиллардаги таникли сиёсий арбоб ва Октябрдан кейинги ўзгаришларнинг фожиали оқибатларини бевосита ўз кўзи билан кўрган Г. Сафаров совет раҳбарияти озиқ-овқат сиёсатининг гайримиллий жиҳатларига аниқ-равшан баҳо берди. У ўзининг «Мустамлака инқилоби» китобида куйинниб ёзишича, «тўпланган гал-

¹ История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. С. 193.

² Узбекистон МДА. 25-фонд, 1-рўйхат, 353-иш, 222-варак.

³ Наша газета, 28 апреля 1918 г.

⁴ Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 24 «а»-варак.

ла юкларининг ҳаммаси... фақат рус аҳолиси ўртасида тақсимлаш учун ишлатиларди... Янги шаҳардан оч қолган эски шаҳар ва қишлоқларга реквизиция ва мусодаралар дўлтдай ёлирилар, маҳаллий аҳоли эса очликка қарши курашиш учун ўзи ожиз бўлганидан қирилиб борарди. Янги рус шаҳрида истиқомат қилаётганлар ва совет ҳокимияти билан кенг маҳаллий аҳоли оммаси ўртасида ўтиб бўймас жарлик пайдо бўлганди»¹.

Мазкур баҳо узоқ вақт яшириб келинган ҳақиқатни тўлиқ акс эттиради. Туркистондаги очарчилик ҳало-катли тус олди. Унинг кўлами ҳақида 1918 йил 19 майда ТАССР озиқ-овқат комиссари А. А. Казаков им-золаган телеграммага қараб хуноса чиқариш мумкин. Телеграммада бундай дейилган эди: «Туркистондаги очарчиликнинг даҳшатлари Марказий Россиянинг ҳар қандай шахридагидан ўтиб тушади... Кўлгина шаҳар ва қишлоқларда... очикдан ўлганларнинг чириёттан жасаларини йигиб оладиган одамнинг ўзи йўқ»².

Үлка аҳолисига ёпирилган очарчилик оғатининг фожиавий манзарасини Фаргона вилоят очарчиликка қарши кураш комиссиясининг маълумотномаси тўлдиради. Унда хусусан, қуйидагилар таъкидланган эди: «Очарчилик йилларида... очларнинг кўпчилиги турли сунъий маҳсулотлар, ўтлар билан тирикчилик қилишар, бунинг оқибатида айниқса болалар ўртасида қасаллик ва ўлим ҳоллари кучаярди... Шаҳарлар очлар билан тўлиб кетган бўлиб, уларнинг бир қисми қабристонлардаги мачитларда туришарди, шунингдек, кўчаларда ётишарди. Буларнинг ҳаммаси очлик ва хонавайронликдан қочиб келган... маҳаллий аҳоли эди»³.

Очарчилик Туркистон қишлоқлари бўйлаб ёйилди. Озиқ-овқат развёрсткасидан азоб чекаётган дехқонлар охирги нарсаларини ҳам топширишарди. 1918 йил январдаёқ дехқонлар IV Үлка фавкулодда қурутойида қуйидагиларни куйиниб маълум қилди: «Фалокат кун сайин ортиб бормоқда ва қишлоқ аҳолисининг ялпи қирилиб кетиш хавфини тудирмоқда. Галла йўқ, чорва моллари учун ем-хашак йўқ, экиш учун уруғлик дон йўқ»⁴. Булар шунчаки сўзлар эмас. Улар ортида ўша фожиали йилларнинг даҳшатли ҳақиқати ётарди.

¹ С а ф а р о в Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). — М., 1921. (По репринтному изданию. — Оксфорд. 1985 г.) — С. 126, 127, 167.

² Узбекистон МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 72-варак.

³ Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1187-иш, 18—19-вараклар.

⁴ Узбекистон МДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 89—90-вараклар.

Фақат Самарқанд вилоятининг Жиззах уездиде аҳолининг 70%¹, Самарқанд уездиде 70 мингдан ортиқ киши очликдан қирилиб кетди².

Очарчилик натижасида эпидемиялар бошланди, ичак, кўз, ошқозон хасталиклари авж олди, безгак тарқала бошлади. Қишлоқ ва овулларнинг аҳолисига амалий ёрдам деярли кўрсатилмади. Аксинча, Туркистон республикасининг ҳокимият органлари Марказнинг директив топшириқларига мувофиқ оғир озиқовқат разверсткасини тобора кучлироқ авж олдирди. Хусусан, 1920 йил августдан — 1921 йил июлга қадар озиқ-овқат разверсткаси йўли билан 970870 пуд дон, 6338144 пуд ўтли хашак, 1606201 пуд гүшт, 465889 пуд сабзавот, 584977 пуд куруқ мева тўпланди³.

Большевиклар ўзбошимчалиги Туркистон қишлоқларини қирилиб битиш хавфи ёқасига олиб келиб кўйди. Ўша вақтдаги маҳфий маълумотномаларда қайд қилинишича, кўпгина қишлоқ манзилгоҳларида «бутун аҳоли қирилиб кетган, иморатлар вайрон бўлиб, ер билан яксон бўлган, кўчаларни қамишлар қоплаган эди»⁴. Бундай воқеалар масалан, Фарғона вилоятининг Кўқон, Марғилон уездларида, шунингдек, ўлканинг бошқа минтақаларида ҳам кўзга ташланарди.

Умуман, Туркистон бўйича очарчилик қурбонларининг аянчли рўйхати юз минглаб кишиларни қамраб олган эди. Хусусан, Сирдарё, Еттисув вилоятлари, Фарғона водийси, Ўрта Осиёнинг тоғлиқ ва чўл туманлари қишлоқлари айниқса кўп зарар кўрди. Фақат Фарғона водийсининг ўзида 1917—1923 йилларда бир миллионга яқин киши очлик туфайли ҳалок бўлди⁵. Республика бўйича эса, Т. Рисқулов куйиниб қайд қилганидек, очликдан аҳолининг деярли ярми—тахминан 2,5 миллион киши азият чекди⁶. Бу рақамнинг тўғрилиги ўлка аҳолисини рўйхатга олиш маълумотлари билан тасдиқланади. Масалан, агар 1915 йилда Туркистонда 7 млн. 149 минг киши яшаган бўлса, 1922 йилга келиб, уларнинг сони 4 млн. 835 минг кишига тушди⁷.

¹ Ўша жойда, 17-фонд, 1-рўйхат, 17-иш, 15-варак.

² Ўша жойда, 88-варак.

³ Ўша жойда, 31-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 1-варак.

⁴ Ўша жойда, 17-фонд, 1-рўйхат, 1197-иш, 18-19-вараклар.

⁵ Р а ж а б о в К. К. Кўрсатилган асар, 19-б.; Ўша жойда, 947-иш, 201-варак.

⁶ Р и с қ у л о в Т., Очерки хозяйственной жизни Туркестанской Республики: — М., 1924. — С. 21.

⁷ Ўзбекистон МДА, 9-фонд, 3-рўйхат, 64-иш, 60—61-вараклар.

Қишлоқ хўжалиги айниқса оғир аҳволда эди. Саноат ишлаб чиқаришидан кейин мишлий иқтисодиётнинг аграр сектори 20-йиллар бошларида ҳақиқатда барбод бўлиш даражасига келиб қолган эди. Бу ўринда экин майдонларининг 1921 йилга келиб 1913 йилга нисбатан 40% га, Туркистоннинг сугориладиган дехқончилиги учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган ирригация шоҳобчалари икки бараварга қисқарганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти «уруш»дан олдинги даврга нисбатан учдан бир қисмдан камроқ, шу жумладан, далачилик бўйича фақат 24,8%ни ташкил этди¹. Чорвачиликка жиддий зарар етказилди. Чорва моллари сони ўлкада 1920 йилга келиб 1915 йилга нисбатан тахминан 3 баровар камайиб кетди. Мавжуд 24 млн. бош молдан фақат 8112 минг бош сақланиб қолди. 1921 йилда бу тенденция янада кучайди. Бошқача айтганда, ўзининг табиий бойликлари жиҳатидан фоят бадавлат бўлган бу ўлка большевикларнинг ярамас идора усули натижасида дехқон хўжаликларининг охиригача хонавайрон бўлиши туфайли ўта Қашшоқ, оч, мол-мулкдан мосуво бир кафандо даражасига тушиб қолди.

Фақат янги иқтисодий сиёсатгина (НЭП) юзага келган вазиятда муайян бурилиш ясади. НЭПга ўтилиши муносабати билан аграр ишлаб чиқаришни юксалтиришга қаратилган хўжалик чора-тадбирлари занжираша «ҳарбий коммунизм»дан иборат ярамас амалиётдан фарқли ўлароқ мустақил иш юритувчи товар ишлаб чиқарувчи бўлган якка дехқон хўжалигининг манфаати биринчи ўринга чиқарилди. Майда товар ишлаб чиқарувчи иқтисодий тизимнинг мустақил ҳаракат қилувчи субъекти бўлиши учун уни ер билан таъминлаш, имтиёзли солиқ солиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпайиши учун иқтисодий рағбатлантирувчи омил жорий этиш мўлжалланди. Ана шу мақсадда озиқ-овқат развёрсткаси озиқ-овқат солиғи билан алмаштирилди, ишчи кучи ёллаш, ерни ижарага бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини эркин сотиш ва хариц қилиш хукуқи қайта тикланди.

Бугунги кунда маълум бўлишича НЭП йўли анчамунча мафкуравий чекланишларига қарамасдан, аграр ишлаб чиқаришнинг жонланишига, қишлоқ хўжалик

¹ Ўша жойда, 17-фонд. 1-рўйхат, 45-иш; 101, 479-вараклар; 56-иш, 457-варак.

маҳсулотлари ҳажмининг ўсишига имкон яратди. Аммо товар муносабатларининг қисман тикланишига ўтиш империяча тафаккур қоидаларининг ўзгариши билан бирга олиб борилмади. Марказнинг ўлка иқтисодиётига истеъмолчилик талаблари нуқтаи назаридан ёндашуви аввалгидек қолаверди.

Пахтачилик анъанавий равишда ленинча раҳбариятнинг алоҳида диққат марказида турди, бу борада кескин танглик ҳолатлари анча яққол намоён бўлди. 1915 йилда Туркистонда 669 минг десятина ерда пахта етиширилиб, йифиб-териб олинган пахта хом ашёси 813 минг тоннани ташкил этди. 1921 йилда эса ҳосилдорлик энг қуий нуқтагача пасайиб, гектаридан 1,9 ц ҳосил олинди, ялпи терилган пахта бор-йўғи 15 минг тоннани ташкил этди, пахта толаси олиш 1913 йилга нисбатан 23 бараварга қисқарди¹. Бу ҳол Марказнинг манфаатларига сира тўғри келмасди. Чунки 1920 йил охирларида ўлқада ишлаб чиқарилган пахта толаси захиралари Россия Федерацияси энг кам эҳтиёжларининг учдан бир қисмини қондиради, холос².

Тўғри, Бухоро ва Хивага «инқилоб» қуролли равишида экспорт қилингандан кейин «совет Россияси»-нинг захира имкониятлари ошган эди. Масалан, 1920 йил сентябрь тўнтаришининг дастлабки кунлари Бухоро республикасидаги 200 минг пуд пахта давлат ихтиёрига ўтказилиб РСФСРга юборишга мўлжалланган эди. Бундан ташқари, бу ерда 1921 йил бошларига келиб 700 вагон ётиб қолган пахта тўпланиб қолди. Бироқ бевосита Россия Федерацияси таркибиға кирган Туркистондан фарқли ўлароқ, БХСР ва ХХСР да руслар иштироқи кучайган бўлишига қарамай, улар 1924 йилга қадар мустақил давлатлар бўлиб қолаверди. Шу билан бирга, маҳаллий жадид ҳукуматлари большевистик Россиянинг сикувига қарамай, миллий манфаатни ҳимоя қилиб, ўзаро муқобиллик шартларига тўғри келмайдиган маҳсулот айирбошлишга қаршилик кўрсатиб келдилар. Масалан, Бухоро Республикаси Ҳалқ Нозирлар Кенгashi раисининг биринчи ўринбосари Ота Хўжаев 1920 йилда расман «ҳарид қилинган» 132 минг тонна пахтани РСФСР Давлат пахта қўмитасига топширишга икки йил мобайнида қатъян қаршилик

¹ Советский Узбекистан в борьбе за развитие хлопководства. — Т., 1949. С. 14.

² Хлопководство в СССР и его перспективы. — М., 1926. С. 120.

кўрсатиб келди¹. Шунинг учун ҳам миллий-худудий че-
гараланишга қадар РСФСРнинг, кейин эса СССРнинг
асосий пахта майдони Туркистон республикаси бўлиб
қолган эди.

Россия иқтисодиётида пахта жуда муҳим ўрин ту-
тишини ҳисобга олиб, марказий ҳукумат иқтисодий
соҳага бирмунча эркинлик берилгандиги кўзга ташла-
наётган шароитда пахтачилик тармоғига давлатнинг
етарли назорат қилишини таъминлаш мақсадида 1921
йил сентябрда РСФСР ОҲҲК ҳузуридаги Пахтачилик
маркази (Центрхлопок)ни Боз пахтачилик қўмитасига
(Главхлопком) айлантириди, пахта етиштирувчи рес-
публикаларда ҳам унга бўйсунувчи пахтачилик қўми-
талари тузилди. Утказилган қайта қуришга мувофиқ
Туркистон республикасидаги барча ҳайдаладиган май-
донлар, селекция станциялари, ирригация ишоотла-
ри, пахтачилик саноати Туркистон пахтачилик қўми-
таси ихтиёрига ўтказилди.

Боз пахтачилик қўмитаси пахта етиштиришда дав-
лат монополиясини асосий амалга оширувчи бўлиб
қолиши лозим эди. Бу иш иккита асосий шаклда амалга
oshiриларди. Аввало у бошқа қишлоқ хўжалик экинла-
ри ҳисобига чигит экиладиган майдонларни муттасил
равищда кенгайтиришни ўз ичига оларди. Бу сиёsat чор
Россияси томонидан фаол амалга оширилган бўлиб,
совет ҳокимияти йилларида ҳам давом эттирилди. Би-
роқ, юкорида қайд этилганидек, октябрдан кейин-
ги очарчилик йиллари деҳқонлар омон қолиш учун
чигит экишни кескин қисқартирган эдилар. Эндиликда
НЭПга ўтилиши муносабати билан Кремлдаги юқори
сиёсий табақа аввалги мустамлакачилик тажрибасини
қайта тиклашни мумкин деб ҳисоблади. Масалан, Мар-
каздан ТАССРга юборилган ва республиканинг ўша
йиллардаги раҳбарларидан бири бўлган И. Е. Любимов
очиқ-ойдин бундай деди: «Туркистон ёппасига пахта
майдонига айлантирилиши лозим, бунинг учун ғалла
экиладиган майдонлар ниҳоятда қисқартирилиши за-
рур»². Мазкур стратегик йўлга совет тарихининг барча
босқичларида қатъян амал қилиб келинди.

Иккинчи йўналиш пахта харид қилиш ва тақсим-
лашга давлат монополиясининг ўрнатилиши, ҳокими-

¹ И ш а н о в А. И. Бухарская Народная Советская Республика. — Т., 1969. — С. 354.

² РГАЭ, ф. 484, оп. 2, д. 49, л. 19.

ят тузилмаларининг пахта харид нархларини метрополияга фойдали равишда ўзбошимчалик билан белгилашлари бўлди. Бундай амалиёт «ҳарбий коммунизм» даврида маҳаллий тўқимачилик ишлаб чиқаришини, бир қатор анъанавий ҳунармандчилик турларини инцирозга учраши ва тутатишга олиб келди, пахтакорларнинг пахта етиштиришга қизиқиши пасайишига сабаб бўлди. Унинг салбий оқибатлари янги иқтисодий сиёсатни ислоҳ қилиш шароитида ҳам кескин кўзга ташланди. Шунга қарамасдан, совет давлати бошлиғи давлат пахта монополиясини авж олдириш йўлени қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Ленин империяча тафаккур тамойилларига амал қилиб, 1921 йил 13 сентябрда «Пахтачиликни, пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисида»ги маҳсус низомни имзолади, бу низом пахта етиштириш соҳасида давлат монополиясини янги иқтисодий шароитда мустаҳкамлади. Мазкур ҳаракат «пахтакор деҳқонларни эксплуатация қилиш ҳисобига бойлик орттираётган олиб сотарлар»га¹ қарши кураш ниқоби остида ўтказилди. Ҳақиқатда эса марказий ҳукумат, бир томондан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини социалистик давлат кўлида сақлашга интилди, бу тармоқларга биринчи навбатда пахта мажмуй киради; иккинчи томондан эса, у Россия тўқимачилик саноатини қимматли ҳом ашё билан узлуксиз таъминлаш кафолатларини яратиш ҳақида ўйларди.

Бош пахтачилик қўмитаси ўзи ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб давлат пахта монополиясини амалда жорий этиш ва ҳукмрон марказ манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ишларни авж олдириди. Шу билан бирга, у янги иқтисодий сиёсат шароитини ҳам ҳисобга олишга мажбур эди. Бунинг оқибатида советлар мамлакатининг бутун сиёсий раҳбариятида ҳам аввалги «ҳарбий коммунистик» ва янги иқтисодий сиёсат даври ёндашувларининг зиддиятли равишда қўшилиб кетиши содир бўлди.

1921 йил Марказдаги Бош Пахта қўмитаси (Главхлопком)га 1.048.240 пуд пахта толаси жўнатилган эди². Бироқ Марказдаги корчалонларга бу микдордаги тола

¹ Уша жойда, 20—23-варажлар.

² Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. Т., ТЭС, 1922. С. 333.

жуда кам туюлди ва улар Туркистондан қўшимча развишда яна пахта жўнатишни талаб қилишди.

Ишчи-Деҳқон Йииспекцияси комиссари Климов томонидан ХХМК фаолияти таҳдил қилинган ҳисоботида кўрсатилишича, 1921 йил январ ойида Марказга жўнатиш учун 7000000 пуд пахта толаси, 327.000 пуд линтер, 103000 чахбута тайёрлаб қўйилган¹. Ҳатто ХХОК Туркистондан Марказга кўпроқ хом ашё келтириш учун Еттисув темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йилнинг бошларида Туркистондан марказга Красноводск йўналиши бўйича 1150 вагон (63470 та той пахта), Оренбург йўналиши бўйича 1547 вагон (85030 та той пахта), ҳаммаси бўлиб, 2724 вагон (148500 та той пахта) пахта толаси жўнатилди. Фақат шу йилнинг июн ойида Оренбург ва Красноводск йўналишлари бўйича 2180 вагон пахта толаси Марказга юборилди.

1922 йил 16 майда Главхлопком ва Темир йўллар комиссарлиги ўртасида ўша йил мобайнида Туркистондан пахта ташиб келтириш ва у ердаги корхоналарга зарур маҳсулотлар етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра, Темир йўллар комиссарлиги бутун йил давомида ҳар уч кунда иккита маҳсус эшелонда пахта толаси ташиб бериш мажбуриятини олди². Демак, Туркистондан деярли ҳар куни пахта толаси ортилган маҳсус поездлар эшелони Марказга жўнатилган.

Совет режими раҳбарлари Туркистонда пахтачиликни юксалтириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлди. Бунинг натижасида юргимизда пахта яккаҳокимлиги қарор топиб, ўлкамиз астасекин собиқ иттилоғнинг хом ашё базасига айланабошлади.

Бироқ ишлаб чиқаришнинг иқтисодий омилларидан бир қадар фойдаланиш ижобий жиҳат сифатида ҳам кўзга ташланди. Ҳусусан, деҳқонларнинг пахта етиштиришни кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш маҳсадида қишлоқ хўжалик ишларига бюджетдан маблағ ажратиш, қишлоқ хўжалик техникасини етказиб бериш, камқувватли хўжаликларни ишҳайвонлари билан таъминлаш чоралари кўрилди. Бу

¹ Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1033-иш, 69-варажнинг орғаси.

² Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1245-иш, 60—63-варажлар.

ларнинг ҳаммаси пахтачиликнинг жонланишига таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, ирригацияни тиклаш, сурориш тармоқларини таъмирлаш масалаларида эски иқтисодиётга хос мажбур қилиш тамойиллари яққол ўз ифодасини топди. Масалан, ўлкада кенг ирригация дастурини амалга ошириш ҳақида баландпарвоз ваъдалар берилганига қарамасдан, марказ реал ҳаётда бу дастурни таъминлашга маблағ ажратишни ўз зиммасидан соқит қилишга интилди. Чунончи, ТАССРдаги ирригация ишларига давлат ажратган маблағ 1921 йилда 351,9 минг рублни, 1922 йилда эса 400 минг рублни ташкил этди¹. Бундай кулгили даражадаги маблағ арзимас эҳтиёжларни ҳам қондиролмасди.

Ҳокимият органлари сув хўжалиги ишларига дехқонлар оммасини мажбурий равишда жалб қилишга, инсон захираларини империяча тарзда эксплуатация қилишга асосий эътиборни қаратди. 1921 йил 11 майда Туркистон республикаси ХҚҚ Марказнинг талаби билан ўлкадаги ирригация ишларини ҳарбийлаштиришни жорий этиш тўғрисида декрет қабул қилди². Айни вақтда янги иқтисодий сиёsat даври ислоҳотлари мантиғига зид ўлароқ, 1923 йилга қадар меҳнат ва от-улов мажбурияти сақлаб қолинди, тўғри, унинг номи даврга ҳамоҳангроқ тарзда «натура мажбурияти» деб аталган эди. Ана шу мажбурият ҳисобига дехқонлар 1921 йилда ирригация тизимларидаги тиклаш ишларида 2 млн. киши-кунидан ортиқ ишлаб бердилар, бу пул билан ифодалаганда 2390 минг тилла рублни ташкил этарди³.

Туркистон дехқонларининг текин меҳнати ирригация тармоқларини таъмирлаш масаласини қисман ҳал этишга кўмаклашди. Бироқ давлат маблағининг этишмаслиги, курилиш материаллари ва муҳандис-техник ходимларнинг йўқлиги шароитида фақат аҳолининг кучи билан таъмирлаш ва сувдан фойдаланишини тартибга солиш борасидаги катта ишларни амалга ошириб бўлмасди. Шу сабабли сурориладиган ерларнинг қисқарип бориш тамойили сақланиб қолди.

Иирик капитал маблағларсиз Россия саноатига Туркистон хом ашёси, айниқса, пахта етказиб беришни

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 9-рўйхат, 399-иш, 57-варак.

² Съезд Советов в документах. Т. I. — М., 1959. С. 482—483.

³ Ўзбекистон МДА, 397-фонд, 3-рўйхат, 390-иш, 25-варак.

кескин кўпайтириш вазифасини таъминлаб бўлмасди, бу Россия иқтисодиётини ҳам ўз ичига оларди. Буни тушуниб етган Ленин ҳукумати анча кўпроқ бюджет маблағлари ажратишга қарор қилди. 1923 йилда бу маблағлар 5567 минг, 1924 йилда эса 6260 минг тилла рублни ташкил этди¹. Шунга қарамасдан, деҳқоннинг текин кучидан самарали фойдаланиш йўли сақланиб қолди. 1923 йилда қишлоқ аҳолиси натура мажбурияти ҳисобига қарийб 3,6 млн. киши-куни ишлаб берди, унинг умумий миқдори 3,5 млн. сўм эди².

Социалистик типдаги деҳқон хўжаликларини ташкил этиш йўли давом эттирилди. Масалан, 1921 йил ўрталарига келиб фақат Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятлари худудида 275 жамоа хўжалиги ташкил этилди, уларга 8743 хўжалик бирлашган эди. Совет хўжаликлари тармоғи ҳам кенгайди. Хусусан 1921—1923 йилларда уларнинг сони 74 тадан 161 тага етказилди³.

Бу даврда марказнинг маҳаллий хўжалик ташкилотларига нисбатан буйруқбозлик сиёсати заррача ўзгаргани йўқ. Масалан, янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан Туркистон пахтачилик кўмитаси республика манфаатларини кўзлаб, тайёрланган пахтанинг бир қисмини мустақил равишда тасарруф қилишга уриниб кўрди. Бироқ бу Марказга маъқул келмас эди. Шундан кейин Туркистон пахтачилик кўмитаси таркиби бутунлай тозаланди ва россиялик вакиллар билан «мустаҳкамланди». Бунинг устига, ОХХК Туркистондан марказга иложи борича кўпроқ пахта ва бошқа саноат хом ашёсини ортиб жўнатиш мақсадида ҳатто кўшимча равишда Еттисув темир йўлини қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Кўрилган бу чора-тадбирлар пахта етиштиришни кўпайтиришнинг бошқа омиллари билан бир қаторда, марказга пахта етказиб беришни фаол авж олдириш имконини берди. Хусусан, 1921 йилда Бош пахтачилик кўмитаси номига 1048240 пуд пахта төласи⁴ жўнатилган бўлса, 1924 йилга келиб 4250 минг пуд пахта толаси юборилди⁵.

Бош пахтачилик кўмитасининг пахта етиштириши кўпайтириш жараёнинг таъсир кўрсатишдаги ус-

¹ РЦХИДНИ, ф. 122, оп. 1, д. 34, л. 27.

² Ўзбекистон МДА, 215-фонд, 4-рўйхат, 473-иш, 41—47-варажлар.

³ Отчёт деятельности Турк ЭКОСО, февраль-октябрь 1921 г. — Т., 1922. С. 166, 180.

⁴ Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1033-иш, 69-вараж.

⁵ Ю ф е р о в В. Ю. Хлопководство в Туркестане. — Л., 1925. — С. 125.

тубор воситаларидан бири пахтачилик кооперативларининг фаоллик билан ташкил этилиши бўлди. 1924 йилга келиб уларнинг сони 611 тага етказилди. Кооперативлар аъзолари томонидан умумий пахта майдонининг 92,6%ига чигит экилди¹.

Шуни айтиш керакки, кооперативлар якка ва жамоа манфаатларини узвий равишда ўзларида бирлаштирган бўлиб, катта иқтисодий имкониятларга эга эдилар. Бу ҳол нафақат жаҳон, балки мамлакатда кооператив ҳаракатининг ривожланган шаклларини равнақ топтириш соҳасида тажрибаларни ишонарли тарзда намойиш этди. Афсуски, ҳатто янги иқтисодий сиёсатга ўтишда ҳам уларнинг имкониятларидан етарли фойдаланилмади. Кооперативларнинг қудратли бунёдкорлик имкониятларини намоён қилиш йўлидаги асосий тўсиқ — кооперация масалаларини тартибга солувчи давлат муассасаларининг ўзбошимча монстрларга айланиш жараёни бўлди, улар орасида етакчи ўринни Бош пахтачилик кўмитаси эгаллади.

Бош пахтачилик кўмитаси кўп сонли қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятига якка ўзи бошчилик қилди, уларга оператив равишда раҳбарлик қилиш мақсадида уларни пахтачилик ширкатларига бирлаштирди. У социалистик давлат қудратига таяниб, рақобатчилар: ҳам майда «эркин олиб сотарлар», якка тартибда иш юритувчиларнинг, ҳам ўз фаолиятининг бошлангич босқичида мустақил равишда чигит экиб, унга ишлов бериш, пахтани териб олиш ва сотишга интилган ва бу соҳада фаоллик кўрсатган пахтачилик кооперативларининг имкониятларини қатъян чеклаб кўйди.

Бош пахтачилик кўмитаси соғ иқтисодий тадбир бўлган чигит экишга контрактация (маҳсулот тайёрлаш юзасидан олдиндан шартнома тузиш тизими) тузишни ҳам ниҳоятда қаттиқўллик билан амалга ошириди. Контрактация шартномаси одатда чигит экиш олдидан тузиларди. Дехқон хўжаликларининг пахтачиликдаги бутун иш даврида давлат муассасалари билан яқиндан алоқада бўлишини йўлга кўйиши лозим эди. Шартнома пахтани топширувчи билан тайёрловчи ўртасидаги муносабатларга тааллуқли барча масалаларни аванс бериш, асбоб-ускуналар, уруғлик, саноат ва озиқ-овқат товарлари етказиб беришни ўз ичига оларди.

¹ РГАЭ, ф. 484, оп. 2. Д. 46, л. 13—14.

Контрактация билан қамраб олинган дәхқон хўжаликлари сони йилдан-йилга ортиб борди. Хусусан, агар 1922 йилда тузилган контрактация шартномалари 5200 тани ташкил этган бўлса, 1924 йилда уларнинг сони 190438 тага етди¹. Тўғри, бундай шартномалар тузишда маъмуриятчилик кўринишлари содир этилган ҳоллар ҳам учраб турарди. Паҳтачилик қўмитаси паҳтакор дәхқонлар билан асосан кооперативлар орқали шартнома тузарди. 1924 йилда кооперативлар орқали тузилган шартномалар умумий шартномаларнинг 92%ини ташкил этди². Шу билан бирга, Паҳтачилик қўмитаси ҳам, кооператив органлар ҳам синфий тамойилга қатъий амал қилилар. Масалан, Андикон, Кўқон, Наманган уездларида контрактация шартномалари камида 1,3 десятина ерга, Самарқанд ва Каттакўрғон уездларида 1—1,3 десятина ерга эга бўлган дәхқонлар томонидан имзоланди³. Камбағал ва ўртаҳол хўжаликларга маълум даражада ёрдам кўрсатилди, лекин масала олинган мажбуриятларни бажаришга келганда, Паҳтачилик қўмитаси «синфий бирдамлик»ни унутиб қўйди. Қўмита дәхқонларга ссуда берар экан, ҳеч нарса билан ҳисоблашмай уни тўла-тўкис узишни талаб қилди. Тўлов муддатини чўзиб юборгандарга, ҳатто табиий оғатлар ёки ҳосилсизликдан зарап кўргандарга ҳам ҳеч қандай шафқат кўрсатилмади. Натижада қишлоқ меҳнаткашлари қарзни тўлаш учун уруғликка олиб кўйган захираларини топширишга мажбур бўлишар, ўзлари эса келгуси йилга уруғликсиз қолишарди ёки қарзлари ҳисобига чорва молларини топширилар эдилар, ўзларини очлик чангалига ташлардилар. Дәхқонлар томонидан паҳта топшириш жараёнида уларни деярли очиқдан-очиқ талаш ҳоллари ҳам содир бўларди, чунки дәхқонлар топшираётган паҳталарининг тўғри қабул қилинишини назорат қилиш имкониятидан маҳрум этилган эди.

Ўша йиллардаги хўжалик сиёсатининг мураккаб муаммоларидан бири — паҳтага ягона нарх белгиланиши эди. «Инқилобдан олдинги» даврда нархларни бозор белгиларди, барча хўжаликлар, шу жумладан, кооперативлар ҳам бозор шароитига амал қилишарди. Октябрь тўнташидан кейин давлат паҳта нархларини монопо-

¹ РЦХИДНИ, ф. 62, оп. 1, д. 108, л. 95.

² ГАРФ, ф. 1235, оп. 118, д. 11, л. 58.

³ Хлопковое дело. 1924. № 7—8, с. 37—38.

лиялаштируди. Янги иқтисодий сиёсатга ўтилгандан сўнг ҳам вазият амалда ўзгармади. Бош пахтачилик кўмитаси нарх белгилаш масалаларини якка ўзи ҳал қиласди. Бунда фақат якка деҳқон хўжаликлари у ёқда турсин, кооператив уюшмалари манфаатлари ҳам ҳисобга олинмади. Пахтачилик кўмитаси пахтачилик кооперациясига оддий кафиллик вазифасини топшируди. Ҳатто Туркистон пахта иттифоқи ҳам (бошланғич кооперативлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) воситачилик ёки мол сотиш операцияларини олиб боролмасди.

Давлат монополияси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, шу жумладан пахта етиштиришни кўпайтиришга тўсқинлик қиласди. Янги иқтисодий сиёсат йўли зълон қилингандан кейин буни тушунган кўпгина ақл-идрок билан фикр юритувчи олимлар, хўжалик раҳбарлари, иқтисодчилар давлат монополиясини, айниқса пахтачиликда рақобат ва соёлом товар-бозор муносабатларининг намоён бўлишига жиддий халақит берувчи омил сифатида тутатиш зарур деган фикрни бир неча марта ўртага ташладилар. Масалан, Туркистонда пахтага бўлган давлат монополиясини тутатиш масаласини ер ишлари халқ комиссари С. Асфандиёров фаоллик билан кўтариб чиқди.

Бироқ партия-давлат аппарати ходимларининг кўпчилик қисми мутаассиблик нуқтаи назарида туради. Чунончи, ТКП VI съезді (1921 йил август) резолюциясида республика пахтачилигини тиклаш «давлат монополиясини (жун ва тери хом ашёларида бўлгани каби... пахтани сотиш соҳасида ҳам) сақлаб қолган ҳолда»¹ амалга оширилиши керак, деб аниқ-равшан кўрсатиб ўтилди.

Бош пахтачилик кўмитаси ўзининг монопол мавқеидан фойдаланиб, пахтанинг харид нархларини ўта паст қилиб белгиладики, улар пахтакорларнинг сарф-харатларига асло тўғри келмасди. Ҳақиқатда Туркистон пахтаси жаҳон бозоридаги нархдан 2,5 баробар паст баҳоланарди².

Деҳқонларнинг пахтага белгиланган нархлардан норозилиги уни етиштиришнинг камайиб боришига олиб келди. Масалан, 1922 йилда пахта етиштириладиган майдон жами 51421 десятинани ташкил этди, ҳолбуки, 1921 йилда у 87659 десятинадан иборат эди. Шунга

¹ КЛТ в резолюциях... с. 141.

² ГАРФ, ф. 1066, оп. 2, л. 52, л. 89—90.

мурофиқ равищда йигиб-териб олинган пахта миқдори ҳам 1920—1921 хўжалиқ йилларига нисбатан 1900 минг пуддан 1312544 пудга тушиб қолди¹.

Пахта етиширишнинг кескин қисқариб кетганлиги РСФСР ҳукуматини чет элдан 2 млн. пуд пахта сотиб олишга мажбур қилди, бунинг учун 30 минг тилла рублдан ортиқ пул тўлади².

Катъий нархларда валютага пахта сотиб олиш фойда келтирмасди, Туркистон пахтасини анча қулагай нархларда сотиб олиш мақбул эди. Шунинг учун ҳам Бош пахтачилик қўмитасининг норозилик билдиришларига қарамасдан, Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг қарори билан 1923 йил январда пахта харид қилиш давлат монополияси бекор қилинди. Бу ҳол тезда пахта етиширишнинг кўпайишига ўз таъсирини кўрсатди. 1924 йилда чигит экиладиган майдонлар кўпайтирилиб, 315168 десятинага етказилди. Йигиб-териб олинган пахта миқдори 4250 минг пудни ташкил этди³. Амалда унинг ҳаммаси марказга жўнатилди. Лекин иттифоқ ҳукумати пахтага бўлган давлат монополиясининг бекор қилинишини вақтинча ҳаракат деб ҳисобларди. 1926 йилга келиб бу монополия яна тикланди.

Янги иқтисодий сиёsat йўли эълон қилингандан кейин пахтачилик билан бир қаторда, бошқа деҳқончилик тармоқларида ҳам жонланиш белгилари кўзга ташланди. Хусусан, озиқ-овқат экинлари майдони муттасил кенгайтириб борилди. 1921 йилда ёқ 4 млн. пуд фалла йигишириб олинди⁴. Деҳқонлардан сотиб олинган фалла билан биргаликда, товар дон ҳажми 10—11 млн. пудга етди, бу 1921 йилги развёрстка миқдоридан анча кўп эди⁵. 1924 йилда дон экинлари 831,6 минг десятина ерга экилди. Полиз ва сабзвот экинлари 50,6 минг десятинага етказилди⁶. Пилла етишириш 1920 йилга нисбатан 3 баровар ортиб, 125 минг пудни ташкил этди⁷.

Чорвачилик жараёнлари ҳам ривожлана бошлади, бу ҳол чорва моллари туёғининг кўпайишда ўз ифода-

¹ ГАРФ, ф. 3429, оп. 75, д. 449, л. 35—40.

² ГАРФ, д. 419, л. 44.

³ А м и н о в а Р. Х. Аграрные преобразования в Узбекистане в годы перехода советского государства к НЭПу. — Т., 1965. С. 295.

⁴ ГАРФ, ф. 226. Оп. 1, д. 192, л. 85.

⁵ Отчет о деятельности Главхлопкома за время с 1 октября 1924 г. по 1 октября 1925 г. — М. — Л., 1926. — с. 31.

⁶ История народного хозяйства Узбекистана. Т. I. С. 157.

⁷ Н о в и к о в М. П. Борьба Компартии Туркестана за разрешение земельного вопроса и восстановление хлопководства. (1921—1929 гг.) — Т., 1966. С. 138.

сими топди. Масалан, 1920 йилда республикада 771 минг бош от мавжуд бўлган бўлса, 1924 йилда улар 827 минг бошга, қўй ва эчкилар тегишли равища 5797 ва 7550 минг бошга етказилди¹. Республикада мавжуд бўлган умумий чорва моллар сони 1924 йилда 8666455 бошни ташкил этди².

Афуски, озиқ-овқат захиралари, шунингдек, пахтачилик маҳсулотларининг анчагина қисмини марказга юбориш давом этди. Бу тадбир ҳам бевосита, ҳам билвосита амалга ошириларди. Бевосита маҳсулот етказиб бериш Россия қизил армиясининг бўлинмаларини аввалгидек озиқ-овқат билан таъминлаб туришда яққол ўз ифодасини топди, мазкур бўлинмалар совет режимига қарши кўтарилигдан истиқлолчилик ҳаракатини «Ут ва Қилич» билан босдириб турарди.

Билвосита маҳсулот етказиб беришни бирга қўшиб олиб бориш галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ҳаддан ташқари арzon тайёрлов нархларида сотишида ёки «байнамилал ёрдам» кўрсатишда намоён бўлди. Айниқса, бу тадбир 20-йиллар бошларида яққол кўзга ташланди. Гап шундаки, 1920—1921 йилларда Россиянинг кўпгина марказий минтақаларида фоят қаттиқ курсоғчилик рўй берди. Ҳосилсизлик Россия Федерациясининг, айниқса, Волга бўйи деҳқончилиги ва чорвачилигига катта зарар етказди. Натижада оммавий очарчилик бошланди. Оч қолганларнинг умумий сони 33,5 млн. кишига етди³.

Туркистондаги аҳвол ҳам ниҳоятда оғир эди. Лекин Марказнинг назарида бу ердаги вазият Россияга нисбатан ҳар ҳолда яхши эди. Шунинг учун ҳам, бир томондан, Россия Федерациясининг марказий минтақалари даги очарчиликка қарши курашиш учун Туркистондаги озиқ-овқат захираларининг анчагина қисмидан фойдаланишга, иккинчи томондан, оч қолганларнинг бир қисмини ўлкага жойлаштиришга қарор қилинди⁴.

Биринчи устувор вазифанинг бажарилишини таъминлаш учун РСФСР раҳбарияти Тўркистон республикаси ҳукумати олдига аниқ режалаштирилган вазифалар қўйди: 1921 йилда фақат галланинг ўзидан 22,1 млн. пуд етказиб бериш керак эди. Иккинчи вазифа — камида «икки юз минг деҳқон, ишчи ва уларнинг хо-

¹ Народное хозяйство Средней Азии. 1924 г. № 5. С. 72—75.

² Узбекистон МДА. 25-фонд. 1-рўйхат, 1848-иш. 98-варақ.

³ История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. С. 259.

⁴ Узбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1309-иш. 64-варақ.

тин бола-чақалари¹ни қабул қилиб олиш ва жойлаштиришни назарда тутарди.

Ўша йиллардаги ҳужжатларда таъкидланишича, 1921 йил баҳоридан эътиборан очларнинг улқан оқими тезда «Оренбург чўлларини тўлдириб, Туркистоннинг марказий қисмига оқиб кела бошлиди, уларнинг катта гурухлари Тошкентда қолдирилди»². 1921 йил октябрь ойигача республикага 320 минг киши етиб келди³. Уларнинг аксарият қисми қишлоқ туманларига юборилди. Дэхқонлар анъанавий юксак инсонпарварлик хислатларини намойиш этиб, қочоқларни хурсандчилик билан қабул қилдилар, охириги бурда ноңларини ҳам улар билан баҳам кўрдилар. Бироқ бу ҳол бусиз ҳам хона-вайрон бўлган Туркистон қишлоқларига оғир юк бўлиб тушган эди.

Россиядаги очларга юбориш учун қўшимча равишда озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаш зарурлиги аҳволни янада оғирлаштириди. Марказий совет ҳукумати Туркистон республикасига ўз вақтида «ғалла билан катта ёрдам» кўрсатилганлигини писандга қилиб, «пролетар бирдамлиги» кўрсатишни сўраб ўлка аҳолисига бир неча марта мурожаат этди. Шу билан бирга, юқори ҳокимиёт тузилмаларидан Туркистоннинг озиқ-овқат захира-ларини максимал даражада сафарбар этиш ҳақида даҳшатли буйруқлар юбориларди. Жумладан, 1921 йил 12 июнда Ленин Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарига «сиёсий аҳамиятга эга бўлган жанговар тезликлда» Москвага 250 минг пуд ғалла юбориш ҳақида қатъий топшириқ берди⁴. Худди шу кунларда «Волга бўйидаги очларга ёрдам» кўрсатиш оммавий кампанияси бошланди, у пул, пойабзал, кийим, озиқ-овқат тўплашни ўз ичига оларди⁵.

Ўлка аҳолиси россияликлар бошига тушган фало-катга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлди. Масалан, Сулукта кўмир кони ишчилари нон паёкларини, Кизилқия кўмир разрези ишчилари ойлик иш ҳақларининг 10%ини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар⁶. Июлнинг охирларида Оренбургга 10 вагон ғалла

¹ Известия. Орган ТуркЦИКа. 11 октября 1921 года.

² Узбекистон МДА. 17-фонд, 1-рўйхат, 96-иш, 262—265-вараклар.

³ Ўша жода, 22-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 15-варак.

⁴ В. И. Ленин Ўрта Осиё ва Қозогистон тўғрисида. — Т., 1960. — 558-бет.

⁵ Известия (Ташкент), 14 июля 1921 года.

⁶ Красная Фергана. 5 августа 1921 года.

ва 6 вагон балиқ жўнатилди, уларни Тошкент шаҳри ва уезди аҳолиси тўплаган эди¹.

Ўша давр матбуоти Туркистон, Бухоро, Хоразм аҳолисининг инсонпарварлик ва хайриҳоҳлик намуналарини кўрсатганлиги ҳақидаги кўплаб фактларни ҳар куни эълон қилиб борарди, улар пул маблағлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаш бўйича фаол кампанияни авж олдириб юборган эди.

Бироқ амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг суръатлари мамлакат сиёсий раҳбариятига етарли даражада эмасдай туюларди. 1921 йил 27 июлда Ленин «Туркистон озиқ-овқат органларининг ишини кучайтириш тўғрисида» телеграф билан маҳсус фармойиш юборади, унда ТАССР МИҚдан «Туркистондаги озиқ-овқат ишини марказий ўринга қўйиш, бу ишга барча совет, касаба ўюшмалар ва бошқа ташкилотларнинг диққат-эътибори ва кучини қаратишни, озиқ-овқат органларига максимал даражада кўмак беришни тъминлашни² қаттиқ туриб талаб қилди.

Шу муносабат билан Туркистонда озиқ-овқат солифи Россияга нисбатан бирмунча кейинроқ жорий этилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Озиқ-овқат развёрткаси асосида 1920/21 йилда аввалги икки хўжалик йилига нисбатан анча кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди³. Шундай бўлса ҳам совет давлати раҳбари кескин норозилик билдириди. У барча янги захиралардан фойдаланишни талаб қилди.

«Доҳий»нинг раҳбарона йўл-йўриклиарига мувофиқ Туркистон республикасида «озиқ-овқат фронти» ташкил этилганлиги эълон қилинди. 1921—1922 йил якунида озиқ-овқат солири бўйича 7026566 пуд буғдой бирлиги келиб тушди⁴. Айни вақтда очлар жамғармасига хайр-эҳсон тўплаш кампанияси кучайтириди. 1921 йил 21 июлда ТуркМИҚ хузурида очларга ёрдам кўрсатиш маҳсус Марказий комиссияси таъсис этилди. Унинг олдига «қайтадан моддий, озиқ-овқат маҳсулотлари ва буюмлар тўплаш»ни ўютириш, «тўпланган нарсаларни Россиянинг оч қолган губерналарига» жўнатиш вазифаси қўйилди.

31 июлда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси Еттисув вилоятидан 24 вагондан иборат биринчи марш-

¹ Рашидов Г. История социалистического Ташкента. Т. I.—Т., 1965. С. 137.

² В. И. Ленин Урта Осиё ва Қозогистон тўғрисида.— Т., 1960. 559—560-бет.

³ Ўзбекистон МДА, 31-фонд, 1-рўйхат, 232-иш, 1-варақ.

⁴ ГАРФ, ф. 1064, оп. 2, д. 50, л. 17.

рут поездини, 1 августда эса ўша вилоятдан яна қўшимча равишда 25 вагонни жўнатди, ўлканинг асосий галлакор туманларидан бўлган Еттисувдан 2 августда яна бир маршрут сафарбар қилинди¹. Кейинчалик озиқовқат ва нарса-буомлар жўнатиш яна ҳам жадал суръатлар билан олиб борилди. Масалан, Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисми ахолиси Очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси ихтиёрига 17—25 сентябрда 613 пуд ун, 7,5 пуд гуруч, 10 пуд олма, 376 бўлак совун, 5399 аршин газлама, 1493 фалтак ип жўнатди². Самарқанднинг Темирийл тумани 1921 йил 15—21 ноябрда «очларга ёрдам кўрсатиш ҳафталиги»ни ўтказди, бу ҳафталик мобайнида 3 млн. сўм маблағ тўпланди³. Орол балиқчилари Россиянинг очарчилик рўй берган губерналарига 14 вагон балиқ юбориши. Умуман, 1921 йил куз бошларида ўлка ахолиси ёрдами билан очларга ёрдам кўрсатиш жамғармасига фақат ғалланинг ўзидан 600 минг пуддан ортиқроқ жўнатилди⁴.

Барибир «Мамлакатнинг бош коммунисти» хурсанд эмасди. Маҳаллий ҳокимият органларининг ТАССР озиқовқат захираларини сафарбар қилиш соҳасидаги фаолиятини янада кўпроқ жадаллаштириш мақсадида республикага «империя назоратчиси» сифатида ўша йиллардаги таникли партия арбоби, Петроград озиқовқат комиссари А. Е. Бадаев юборилди. Айни вақтда Туркистоннинг ўзида озиқовқат органларини қатъий равища мустаҳкамлаш тўғрисидаги ленинча йўл-йўриқларга мувофиқ РКП(б) МҚ Туркистон бюроси қарори билан озиқовқат тайёрлаш аппаратининг турли бўғинларига 700 га яқин «қатъиятли» коммунист юборилди⁵. Натижада 1922 йилнинг биринчи ярмидаётк матлубот кооперацияси жамиятлари тизими орқали Россиянинг очарчилик рўй берган губерналари учун 1,5 млн. пуд фалла тайёрланди⁶.

Ленин Волга бўйидаги очларга ошкора равища ғамхўрлик кўрсатар экан, айни вақтда юқори партия-давлат тузилмаларини биринчи навбатда озиқовқат билан таъминлашни унутмади. Масалан, 1921 йил 7 ав-

¹ Ўзбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 17-варак.

² Рашидо в F. Кўрсатиб ўтилган асар. 139-бет.

³ Известия. (Ташкент). 15 ноября 1922 года.

⁴ История коммунистических организаций Средней Азии. — Т., 1967. С. 555—556.

⁵ РЦХИДНИ, ф. 17, Оп. 1, д. 417, л. 95.

⁶ Хлопковое дело. 1923. № 3—4. С. 12—13.

густда у Туркистон бюросига маҳсус хат юбориб, унда «биринчи навбатда Москвага ғалла ва гўшт» жўнатишни таклиф қилди¹.

1922 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган «очлик солиги» ўлка аҳолисига, айниқса, унинг қишлоқдаги қисмига оғир юк бўлиб тушди². Бу солиқ асосан «ҳарбий коммунизм» анъаналари негизида, қишлоқ ва шаҳарлардаги қашшоқлашиб қолган аҳолининг моддий аҳволини ҳисобга олмасдан туриб фавқулодда усувлар билан амалга ошириларди. Ҳатто Фарғона вилоятининг очликдан ниҳоятда тинка-мадори куриган аҳолисидан ҳам 6600 пуд турли озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланди³.

Хилма-хил ташкилий воситалардан, давлатнинг мажбур этиш усувларидан ва ўлка аҳолисининг раҳмдиллиги, саҳоватпешалигидан фойдаланиш натижасида 1922 йил 1 январдан 1 декабргача Туркистон республикаси Очларга ёрдам кўрсатиш Марказий комиссияси жамғармасига 24,5 млн. сўм пул ва хайрэҳсонлар, 69 млн. пудга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари, 14,4 минг дона кийим-бош топширилди. Улардан бир қисми Туркистонга келган қочоқларга берилди. Кўпроқ қисми эса Россиянинг марказий губерналарига жўнатилди⁴.

Албатта, амалга оширилган сайд-ҳаракатларнинг инсонпарварлик жиҳатларини пайқамаслик нотўғри бўлур эди. Шундай бўлса ҳам, Туркистон қишлоқларининг озиқ-овқат захиралари чекланган эканлигини қайд этиб ўтиш керак. Тасвир этилаётган вақтга келиб бу захиралар ниҳоятда камайиб кетган эди. Бу аянчли фактини ҳатто ҳокимият органлари ҳам эътироф этишга мажбур бўлган эдилар. Масалан, Очларга ёрдам кўрсатиш Марказий комиссияси ҳисоботида қайд қилинишича, Волга бўйидаги очарчилик ўлканинг «нафақат очлик тарқалган жойлари, шу билан бирга, аҳволи бир мунча яхши бўлган жойларига ҳам» ҳалокатли таъсир кўрсатди, ҳатто бадавлат хўжаликларга ҳам путур етказди⁵.

Ҳақиқатан ҳам ўлка аҳолисига юклangan бу оғир солиқ кўп сонли қочоқлар оқимини ҳам қўшиб ҳисоб-

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 35-т., 442-бет.

² РЦХИДНИ, ф. 1064, д. 52, л. 3.

³ Ўзбекистон ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1818-иш, 1-варак.

⁴ Ўзбекистон МДА, 22-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 15—16-вараклар.

⁵ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 1, д. 417, л. 213—214.

лаганда, 1922—1923 йилларда Туркистанда, айниқса, Фарғонада (бу ерда 500 мингга яқин очлар бор эди) оммавий очлик янгидан бошланишига олиб келди. Ҳатто 1924 йилда Фарғона қишлоқ аҳолисининг аҳволини тасвирловчи хужжатларда кўрсатилишича, батамом «хонавайрон бўлган ва ярим оч қолган» аҳоли «моддий муҳтожлик исканжасида қалтирамоқда эди»¹.

Самарқанд вилоят ижроқўмининг мазкур вилоятдағи 1924 йил июнь ойигача бўлган аҳвол ҳақидаги маълумотномасида ҳам худди шунга ўхшашиболат тасвирланган. Маълумотномани тузувчилар қишлоқда қишлоқ хўжалик солиғи ва у бўйича боқимандаларни йиғиш заминида келиб чиқаётган «ихтилофлар»нинг ортиб бораётганлигини ташвиш билан қайд этганлар. Шу билан бирга, дехқон хўжаликлари ҳосилига фақат солиқ ва озиқ-овқат органлари эмас, шу билан бирга ҳарбий ташкилотлар ҳам «қўл урушлари», олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига «фақат қуруқ тилхат» қолдириб кетишлиари кўрсатиб ўтилган².

Совет тарихи адабиётларида 20-йилларнинг биринчи ярмидағи иқтисодий ҳаётнинг ана шу томонлари ҳақида лом-мим дейилмаган. Асосий эътибор аввалгидек марказий ҳокимиётнинг Туркистон хўжалик эҳтиёжларини қондиришга, қишлоқ хўжалигини тиклашга кўрсатган «ёрдами»га қаратилган. Шунингдек, янги иқтисодий сиёsat Туркистон республикаси билан марказ ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тизимини «тижорат негизи»га, «ўзаро манфаатли шериклик» асосига ўтказиш имконини берди, деб таъкидланган.

Ҳақиқатан марказдан саноат моллари юбориб турилиши бор гап. Масалан, 1921 йилдан 1923 йилгача РСФСР ҳукумати ТАССР га 40 вагон қишлоқ хўжалик техникаси юборган³. Шу билан бирга, ўлкага 1922—1923 йилларда 18379683 метр газлама, 73908 пуд темир, 21352 пуд чинни идиш, 35227 пуд ойна ва шиша идиш, 443514 пуд керосин ва ҳоказолар юборилган⁴.

¹ Фарғона вилоят давлат архиви, 121-фонд, 1-рўйхат, 122-иш, 1—4-варакълар.

² Самарқанд вилоят давлат архиви, 1685-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 96—97-варакълар.

³ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской на 1 октября 1923 г. — Т., 1924. С. 327.

⁴ Статистический ежегодник. 1917—1923 гг. — Т., 1924. С. 77.

Янги иқтисодий сиёсатга ўтилиши муносабати билан қишлоқ хўжалик хом ашёсини тижорат асосида тайёрлаш ва сотиш билан шугулланадиган савдо-иктисодий тузилмалари ташкил этила бошлади, деган гапга ҳам кўшилса бўлади. Бундай савдо-иктисодий тузилмалар орасида Туркистон матлубот жамиятлари иттифоқи (Турксоюз), Туркистон пахтачилик иттифоқи, Россиядаги РосСредаз идораси ва бошқалар бор эди. Улар йўл қўйиладиган имкониятлар доирасида бозор механизмларидан фойдаланиб товар айирбошлашни амалга ошириди. Масалан, Туркистон республикаси ХҚнинг 1921 йил 19 октябрдаги қарорига мувофиқ Турксоюзга республика ичидаги ҳам, Россия минтақалари билан ҳам: 1) натурал айирбошлаш; 2) аралаш айирбошлаш; 3) товарларни пул билан олди-сотди қилиш каби айирбошлаш шаклларидан исталган биттасидан фойдаланган ҳолда товар айирбошлашни амалга ошириш ҳукуқи берилди¹. Бир йил ичидаги — 1921 йил сентябрдан 1922 йил октябргача Турксоюз режасига кўра 750 минг пуд ғалла тайёрланди². Шу билан бирга, тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини товар билан қоплаш мақсадида Турксоюз фақат 1922 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Нижегород ярмаркасидан 100 минг метр митқал (хом сурп); 560 яшик идиштоворқ, 2500 пуд темир; 569 дона самовар; 195 яшик дераза ойнаси; 60 пуд алюмин идиш сотиб олди³.

Шунга қарамасдан, Туркистон билан марказнинг ўзаро муносабатларига империяча хусусият, совет тузумининг социалистик табиити ўз таъсирини ўтказаётган эди. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилган салбий кўринишлардан ташқари, марказий ҳукумат ажратиляётган товарлар ва техникикий воситалар аввало пахта хом ашёси тайёрлашнинг кўпайишини таъмин этишга хизмат қилишини қатъий кузатиб борди.

Совет режими Туркистоннинг қазилма бойликлари ва барча хом ашё маҳсулотларидан унумли фойдаланишга интилди. Туркистон республикасидан Марказга пахта хом ашёсидан ташқари доимий равишда қоракўлтери ва тери маҳсулотлари, мўйна, жун; пилла, куруқ мева ва бошқалар ташиб кетилди. Марказнинг бу сиёсатини ўзича оқлаб, Туркистон Советларининг X съездидан

¹ Ўзбекистон МДА, 293-фонд, 1-рўйхат, 124-иш, 391-варак.

² Ўша жойда, 156-иш, 13-варак.

³ Ўша жойда, 14-варак.

да Туркистон Иқтисодий Кенгаши (Турк ЭКОСО) раиси ўринбосари А. Асаткин шундай деган эди. «Биз қачонки Туркистон қишлоқ хўжалиги тўғрисида гапирар эканмиз, уни фақат Туркистон учунгина эмас, балки федерациянинг (Марказнинг — Қ. Р.) хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини назардан қочирмаслик лозим. Биз Туркистон пахта ватани ва тери хом ашё базаси эканлигини унутмаслигимиз керак»¹.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Туркистонни хом ашё базасига айлантиришдаги асосий босқич Оренбург тиқини тугатилгач, йўлга қўйилган эди.

Турккомиссия раисининг ўринбосари В. В. Куйбашев ҳам 1920 йил июл ойидаёқ Ташқи савдо бўлими ваколатига шу соҳа билан боғлиқ барча фаолият ҳисобкитобларини марказлаштириш, амалга ошириладиган операцияларни молиявий таъминлаш ва бошқа вазифаларни юклади². Демак, Туркистондаги бутун савдосотиқ ишлари Турккомиссия қиёфасида Марказ қўлида тўпланди.

Дастлабки йилларда Туркистондаги тижорат ишларини давлатнинг нуфузли ташкилотлари «Центрокож», «Центршерст», «Главхлопком», «Турктекстил», «Туркхлопком» ва бошқалар олиб борган бўлса, кейинчалик хом ашё тайёрлаш, уни ташиб кетиш ва сотиш маълум бир тизимга эга бўлди.

Туркистонга тайёр маҳсулотлар келтириб, хом ашёни ташиб кетиш механизми қарор топди. Туркистондаги давлат ва кооператив ташкилотлар 1922—1923 йилларда 24159882 тилла рубллик, 1923—24 хўжалик йилининг фақат I-ярмида 39316421 тилла рубллик товар жўнатиш ва келтириш операцияларини бажарганлар³. Бу ҳолни Марказдан олиб келинган ва Туркистондан ташиб кетилган маҳсулотларнинг куйидаги нисбати ҳам тасдиқлайди.

1922—23 хўжалик йили ва 1923—24 хўжалик йилининг дастлабки 6 ойи учун давлат органлари ва кооперацияларга олиб келинган асосий товарлар миқдори⁴:

¹ Стенографический отчёт X-Всестуркестанского съезда Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов 21—25 августа 1921 г. Т., Туркгосиздат, 1921. С. 163.

² Ўзбекистон МДА, 41-рўйхат, 963-иш, 8—9-вараклар.

³ РСФСР ЦСУ Туркестанской. Статистический ежегодник 1917—1923 гг. Т. II., Т. ТЭС, 1924. с. 69—70.

⁴ Ўша китоб, 77-бет.

3 - жадвал

№	Товарларнинг номлари	Ўлчов бирлиги	1922—23 хўжалик йилида олиб келинган	1923—24 хўжалик йилининг дастлабки 6 ойида олиб келинган	1923—24 хўжалик йилида ўтган 1922—23 хўжалик йилига нисбатан % ҳисобида
1	Буғдой ва ун	пуд	1943680	2907217	143,6
2	Шакар	пуд	180647	298652	165,3
3	Мануфактура	метр	18379683	15742758	85,6
4	Темир	пуд	73908	113024	152,9
5	Чинни идишлар	пуд	21352	44800	209,8
6	Шиша ва шиша идишлар	пуд	35227	59200	165,2
7	Зигир ашёлари	фут	216803	677837	312,6
8	Керосин	пуд	443514	840682	189,5

1922—23 хўжалик йили ва 1923—24 хўжалик йилининг дастлабки 6 ойи учун давлат органлари ва кооперациялар томонидан олиб кетилган асосий товарлар миқдори¹:

4 - жадвал

№	Товарларнинг номлари	Ўлчов бирлиги	1922—23 хўжалик йилида ташиб кетилган	1923—24 хўжалик йилининг дастлабки 6 ойида ташиб кетилган	1923—24 хўжалик йилида ўтган 1922—23 хўжалик йилига нисбатан % ҳисобида
1	Пахта	пуд	1164989	1606368	137,9
2	Жун	пуд	159838	216531	135,5
3	Буғдой	пуд	234744	406291	173,1
4	Куруқ каноп	дона	2031	5194	255,1
5	Пилла	пуд	410	387	80,6
6	Куруқ мевалар	пуд	132263	89726	67,08

¹ Ўша китоб, 77-бет.

Туркистондан ташиб кетиладиган хом ашё маҳсулотлари ичиди тери хом ашёси асосий ўрин тутади. Қоракўл тери, қўй, эчки, от, тия терилари ҳамда барча турдаги қимматбаҳо мўйна маҳсулотлари: тулки, бўрсик, бўри терилари ва турли хил жунлар Марказга жўнатилган. 1920 йилда тери ишлаб чиқариш ва хом ашёга тўлиқ давлат монополияси жорий қилинди¹.

ХХМКида тери ишлаб чиқаришни назорат қўлиувчи «Центрокож» — «Марказтери» ва «Туркглавкож» — «Туркбоштери» мавжуд эди. «Марказтери»нинг жойлардаги шохобчалари (пунктлари) терига давлат монополияси жорий қилингандага аҳолининг қўлидаги терини мажбурий равишда тортиб олдилар. 1918—1920 йилларда йиғилган тери хом ашёсининг асосий қисми 1920 йил охирида Марказга жўнатилди².

1921 йилга келиб Туркистон республикасидаги барча тери ошловчи заводлар «Марказтери» ва унинг органлари ихтиёрига берилди³. Тери маҳсулотларини Москвага жўнатиш сезиларли даражада кўпайди. 1921 йилда Туркистондан Россияга зудлик билан жўнатиш учун 1997998 дона турли хил тери хом ашёси тайёрлаб кўйилди. Аслида эса Самарқанд, Фарғона, Каспий бўйи, Сирдарё, Еттисув вилоятларидан 1921 йил Марказга 2035442 дона тери олиб кетилди⁴.

Хом ашёни тайёрлаш ва жўнатиш Марказдаги «Хом ашё тайёрлаш бошқармаси» ташкилотининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. 1922 йилга келганда бу ташкилотнинг 19 та бўлими бўлиб, улар Туркистоннинг куйидаги шаҳарларида очилган эди: Жаркент, Гавриловка, Лепинск, Олмаота, Қармоқчи, Марки, Казалинск, Туркистон, Полторацк (Ашхобод), Пахтаобод, Авлиёта, Фарғона, Тўрткўл. Бошқарманинг ҳисобот режасида хом ашё тайёрлаш ва йиғиш асосий ўринни ташкил қилиб, тўпланган маҳсулотлар Москва, Петроград, Ботуми каби шаҳарларга ва Нижний Новгород ярмаркасига жўнатилди⁵.

Хом ашё тайёрлаш бошқармаси фақат 1923 йил 1 октябрдан 1924 йил 1 октябригача, яъни 1923—24 хўжалик йилида турли хил тери маҳсулотларидан жами

¹ Очерки хозяйственной жизни Туркестанской. С. 201.

² Очерки хозяйственной жизни Туркестанской. С. 301—309.

³ Очерки хозяйственной жизни Туркестанской. С. 310.

⁴ Ўзбекистон МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 1109-иш, 96—98-вараклар.

⁵ Отчет о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской республики на 1 октября 1922 г. С. 320.

137140 дона, қимматбаҳо мўйна терисидан 346952 дона, ҳатто чорва моллари ичакларидан 1009441 дона тайёрлади ва Россия марказига жўнатди¹.

Туркистон минтақасидан моддий бойликларни олиб чиқиб кетишида марказ кўрсатмаси асосида ташкил қилинган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши машъум роль ўйнади.

1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. 1922 йил 9 марта РКП(б) МК Туркбюронинг 18-сонли мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини тайёрлаш учун С. И. Гусев раислигида комиссия тузилди. Бу конференция Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш ва РСФСРдан юборилган фармойишлар асосида уни бошқариш режасини белгилаши керак эди².

1923 йил 5—9 марта Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё республикалари — Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг 1-иқтисодий конференцияси чақирилди³. Унга Турккомиссия номидан⁴ И. Е. Любимов раҳбарлик қилди. Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги асосий маъruzаларни Туркистон иқтисодий кенгаши (Турк ЭКОСО) раиси С. Паскуцкий⁵, Бухоро Нозирлар кенгаши раиси Ф. Хўжаев⁶, Хоразм республикаси номидан Отажонов⁷ қилишди. Шунингдек, конференцияда молиявий аҳвол бўйича Иевлев ва И. Е. Любимов⁸ маъруза қилишди.

С. Паскуцкий ўз маъruzасида марказ манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонни пахта етиштирувчи хом ашё манбаига айлантириш тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилди: «Хозирги куннинг навбатдаги вазифаси бу федерация (бу ерда СССР кўзда тутилмоқда — К. Р.) бизга берган ўша имкониятидан кенг

¹ Ўзбекистон МДА, 18-фонд, 1-рўйхат, 199-иш, 55—57-вараклар.

² Қаранг: Отчёт о деятельности СНК и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 г. С. 36—38.

³ Первая Экономическая конференция Средне-Азиатских республик — Туркестана, Бухары и Хорезма. 5—9 марта 1923 г. Стенографический отчёт. Т., 1923, 86 с.

⁴ Бюллетень Первой Экономической Конференции Средне-Азиатских Республик (Туркестанской, Бухарской и Хорезмской). № 1, 6 марта 1923 г. С. 2.

⁵ Бюллетень №1, 6 марта 1923, С. 6—10.

⁶ Бюллетень №1, 6 марта 1923, С. 1—4.

⁷ Бюллетень №1, 6 марта 1923, С. 4—7.

⁸ Бюллетень №1, 6 марта 1923, С. 7—12.

фойдаланиб, хом ашё етиштиришни ва биринчи ўринда пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хом ашё имкониятлари билан белгиланади), балки бизнинг (бу ерда Марказ кўзда тутилаяпти) тўқимачилик саноатимизни гуллаб-яшнаши ва шунингдек, биз хорижий мамлакатларга чопиб борамизми ёки республикамизнинг ички кучларидан фойдаланиш эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни тиклаймизми, шунинг устида боради»¹.

Бу ўринда Туркистондаги большевикча режим раҳбарларининг устамонликлариға қойил қолмасдан иложйўқ. Улар марказдаги ҳамтовоқлари сингари ўз режаларини ошкора баён қилишдан чўчишмаган. С. Паскуцкий, Туркистоннинг келажаги узоқ вақт давомида хом ашё етказиб берувчи ўлка даражасида сақланиб қолади, деб мустабид совет тузуми сиёсатининг бутун мөхиятини ошкора намойиш қилди.

Файзулла Хўжаев ўз маъруzasида қатнашчиларни Бухоро Ҳалқ Республикасидаги иқтисодий аҳвол билан батафсил таништиради. Нотиқ Бухоро мамлакатининг иқтисодий даромади ва бойлиги 1-жаҳон уруши ва инқилобгача асосан тижоратдан келганлигини таъкидлайди. Ўзи кучли иқтисодчи бўлган Ф. Хўжаевнинг айтишича, Ўрга Осиёдаги савдо-сотиқнинг маркази бўлган Бухоро бир томондан Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой билан, иккинчи томондан, Туркистон ўлкаси ва Хива хонлиги билан, учинчи томондан, Россия ва у орқали Фарбий Европа давлатлари билан савдо-сотиқ қилган. Бухоронинг ўша пайтдаги йиллик савдо обороти 45–50 млн. тиљла сўмни ташкил қилган, у ҳар йили четга 2 млн. дона қоракўл тери, 2 млн. пуд пахта, 400000 пуд ишак ва бошқа товарларни чиқарган. Лекин, 1-жаҳон уруши ва феврал инқилобидан кейин Россиядаги юз берган воқеалар натижасида (чунки сўнгти ярим асрда Бухоронинг асосий савдо-сотиғи Россия ва у орқали хорижий давлатлар билан бўлган эди) Бухоронинг ташки савдоси 1917–1921 йиллар давомида деярли тўхтаб қолди. Бухородан 1914 йил 30000 дона, 1920 йил 50000 дона, 1922 йил 250000–300000 дона қоракўл тери, 1918

¹ Бюллетень №1, 6 марта 1923, С. 10.

йил 200000 пуд, 1922 йил 400000 пуд пахта четга сотилди, холос¹.

Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни бошида Ф. Хўжаев кўллаб-куватламаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Чунки у иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истиқболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган ишлар Марказ қўлига ўтаётганлигини энг аввало сезган ва бу маккор сиёсат оқибатларини чукур тушунган давлат арбоби эди. Шунинг учун ҳам Ф. Хўжаев конференцияда сўзлаган бошқа нутқида Бухоро томонидан Россия ва Туркистонга етказиб бериладиган молларга аниқ товар эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида ташвишланиб гапиради. У РСФСР вакили И. Е. Любимовнинг уч республикадаги молия тизими ни бутунлай Марказ қўлига топшириш керак, деган фикрини асосли равишда кескин танқид қиласди². Шундай бўлишига қарамасдан, уч республикада ягона пул системасини жорий қилиш ва уни РСФСР Давлат Банкига тобе қилиб қўйиш масаласи конференцияда кўриб чиқилди.

Конференцияда Туркистон ХКС раиси Турор Рискулов ташкилий масала бўйича маъруза қилиб, уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни асослашга ҳаракат қиласди³. Марказ вакили С. Любимов ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Р. Э. Рудзутак конференцияда бу хусусда сўзлашни айнан маҳаллий миллат вакили Т. Рискуловга топширгани харакатерли ҳолдир. Чунки Т. Рискуловнинг нуфузи ўша пайтда туркестонликлар ўртасида жуда баланд эди.

Ниҳоят, конференциянинг 1923 йил 9 марта бўлган охирги мажлисида Туркистон ССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средаз ЭКОСО) ташкил қилинди. Конференцияда 10 кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (И. Е. Любимов), Туркистондан 4 вакил (И. Хидиралиев, С. Паскуцкий, Прибытов, Т. Рискулов), Бухородан 3 вакил (Ота Хўжаев ва бошқалар), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сарсонбоев) сай-

¹ Бюллетень №2, 6 марта 1923, С.1—2.

² Қаранг: Бюллетень №2, 6 марта 1923, С. 12—13.

³ Бюллетень №3—4, 7 марта 1923, С. 1

ланди¹. Иқтисодий кенгаш раиси қилиб Туркистон ЭКОСОнинг бошлиғи С. Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашиning ихтиёрига уч республиканинг хўжалик режаларини кўриб чиқиши ва уйғунлаштириш, барча Ўрта Осиё республикалари учун умумий қонун шаклларини ишлаб чиқиши, савдо ва молия сиёсатига умумий йўналиш бериш масалалари кирав эди. Кенгаш транспорт, алоқа, мелиорацияни яхшилашга оид ишларнинг умумий йўналишини белгилаб берар, шунингдек, хом ашё ва ёқилғи ресурсларини ҳисобга олиб, уларни Марказга жўнатиш учун тайёрлаб қўяр эди. Бир сўз билан айтганда, бу кенгаш вазифасида Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари халқ хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни мувофиқлаштириш юклатилган эди.

Конференция қабул қиласанда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ҳақидаги низомда Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши жорий қиласанда асосида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу кенгаш СССРнинг Мехнат ва мудофаа кенгаши ташкилий структурасига кириши ва унинг умумий директивалари асосида фаолият кўрсатиши алоҳида таъкидланди².

1923 йилда маҳаллий пул системаси ўрнига уч республикада ягона валюта — червон сўм жорий қилинди. Шу билан бир қаторда республикаларнинг банк системаси РСФСР банк системасининг бир қисмига айланди.

Чор Империяси томонидан бошланган минтақа бозорларини эгаллаб олиш сиёсати, ниҳоят, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашиning тузилиши билан совет даврига келиб, ўзининг машъум ниҳоясига етди. Шунингдек, Марказ ўзининг хом ашёга бўлган чексиз эҳтиёжини Туркистонда етиштирилган маҳсулотлар билан бир қадар қондириди. Туркистондан Марказга доимий равишда пахта толаси, пилла, ипак, жун, қуруқ мевалар, қоракўл тери ва бошқа моллар олиб кетилар эди.

Туркистондан Россияга фақат 1920 йил 2728000 пуд, 1922 йил 1600000 пуд, 1922—23 хўжалик йилида 7362000 пуд пахта олиб кетилди³.

¹ Бюллетень №2, 6 марта 1923, С. 4.

² Ўзбекистон МДА. 20-фонд, 1-рўйхат, 249-иш, 26—29-варақлар.

³ Ўзбекистон МДА. 18-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 17-варақ.

Марказдан юбориладиган саноат маҳсулотлари кўпинча сифатининг пастилиги билан ажralиб турарди. Натижада қишлоқ меҳнаткашларининг давлат учун маҳсулот тайёрлаши лозим бўлган матлубот кооперацияси йўли билан етиштирган қимматбаҳо қишлоқ хўжалик хом ашёсининг озиқ-овқат солигини бажаргандан кейин ўзларидаги қолган қисми эвазигина ҳеч нарсага арзимайдиган товарлар бериларди. Қишлоқ аҳли бу товарларни олишга мажбур эдилар, чунки олдиндан шартномалар имзоланган эди. Бундай йўл тутиш оқибатида 1922 йил июль ойида бўлиб ўтган Туркистон МИК пленуми қатнашчиларининг асосли баҳосига кўра «дехқон матлубот жамиятига маҳсулотларни тортиб оладиган, унинг меҳнатидан фойдаланадиган ташкилот сифатида қаради¹».

Нарх-навонинг «номувофиқлиги» дехқонлар манфаатини жиддий равишда оёқ ости қиласди. Ҳужжатли манбаларнинг гувоҳлик беришича, тадқиқ этилаётган даврда Туркистондаги бозор нархлари кўрсаткичи марказга нисбатан 70% пастроқ эди². Бунинг натижасида маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўлка сотиб оладиган саноат маҳсулотига нисбатан қадрсизланиб қоларди. Масалан, агар 1919 йилда 1 пуд пахтани сотищдан келган пулга 36 аршин чит олиш мумкин бўлса, 1923 йилда бу пул 10 аршин читта етарди, 88 фунт темир ўрнига фақат 39 фунт темир харид қилиш мумкин эди³. Ана шу ҳолатдан коммунистик метрополия яхшигина фойдаланиб қолди, қўшимча равишда сезиларли иқтисодий самарага эга бўлди.

Туркистон дехқонларини товар-пул жиҳатидан эксплуатация қилиш озиқ-овқат солигидан ташқари, бошқа йиғимлар ундириб олиш сиёсати билан ҳам кучайтирилди, ўша йиллардаги ҳужжатларда таъкидланишича, бундай йиғимлар «қонунда кўзда тутилмаган» бўлса ҳам, лекин марказий ҳукумат томонидан ўйлаб чиқарилган эди⁴. Улар орасида сув йиғими, ишчи отулов солиги, хонадон-пуд йиғими, қишлоқ хўжалигини тиклаш, мактабларни таъминлаш бўйича «мустақил солиқ» йиғиши ва ҳоказолар бор эди.

Фақат 1923 йилдагина Туркистон республикаси ҳукумати қишлоқ аҳолисининг ғазаб-нафрати ортиб

¹ Ўзбекистон МДА, 17-фонд. I-рўйхат. 88-иш, 161-варак.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т. 2. С. 252.

³ В а х а б о в М. Формирование узбекской социалистической нации. — Т., 1961. С. 362.

⁴ ГАРФ. ф. 130, оп. 6, д. 181, л. 157, 165.

бораётганини ҳисобга олиб, барча турдаги солиқларни ҳам натура шаклида, ҳам пул шаклида тұласа бұлады-
ган «ягона қишлоқ хұжалик солиғи»га бирлаштириш тұғрисидаги қарор қабул қилди¹. Бироқ бу солиқ маф-
курачилари синфий-империяча ёндашув устунлигини сақлаб қолдилар. Қишлоқ хұжалиги солиғининг асосий оғирлиги ахолининг бирмунча үзиге тұқ қатламлари зымасига тушарди, тузумга содик фаолларға, синфий бирлашмалар («Құшчи», «Чорва» типидаги иттифоқ-
лар) аъзоларига, «социалистик» жамоа хұжаликларига мұхим имтиёзлар бериларди. Лекин солиқ хизмати күпинча ҳеч нарса билан ҳисоблашмасдан, фақат күлоқ-
лар ва бойлардан эмас, балқи ўртақол ва камқұвватли хұжаликлардан ҳам катта миқдорда солиқ ундиради, ҳатто деҳқонлар ҳали етиштирилган ҳосилини сотиб ултурмаган ҳолларда ҳам ёки уларнинг чорва моллари нобуд бүлганды ҳам солиқ ундирилаверарди. Масалан, худди шу сабабли Самарқанд уездининг иккита қишлоқ-
лар деҳқонлари солиқ тұлаш учун иш ва мақсулдор чорва молларининг асосий қысмини, турлы қишлоқ хұжалик асбобларини арzon-гаровга сотиб юборишга мажбур бүлгандар. Натижада күрсатыб ўтилған қишлоқтар ахолисидан 24%и «жонли» ва «жонсиз» асбоб-
уловлари бүлмаганидан баҳорги әкиш компаниясида қатнаша олмаган².

Табиийки, бундай ахвол қишлоқда ижтимоий кес-
кинликнинг авж олишига, «экин ва чорва молларни ҳисобга олишдан» яширишга олиб келған. Ижтимоий норозилик ҳаракатлари «авж» олишига барҳам бериш мақсадида ТКП МҚ Ижроия бюроси 1923 йил 18 ав-
густда уездларда фавқулодда ваколатларға эга бүлған «алоҳида учлик»лар ташкил этиш тұғрисида қарор қабул қилди. Улар ҳокимият тузилмалари, солиқ хизмати, «Құшчи» иттифоқи аъзолари ёрдамида кенг миқёсли ҳисобга олиш-солиқ кампаниясини авж олдириб юбордилар, бу жараёнда «синфий саботаж» фактла-
рини аниқлаш ва уларға барҳам беришта катта эъти-
бор қаратылди. Мисол учун, Фарғона вилоятіда «Құшчи» иттифоқи фаоллари күмагида «яширилған» 54793 десятина экин, 63314 бөш қора ва майда мол аниқланди³, бутун республика бўйича 1923 йил 15

¹ Декреты и инструкции по обложению единых сельскохозяйственных налогов в 1923—24 гг. Т., 1923.

² Ўзбекистан ПДА, 60-фонд, I рўйхат, 3777-иш, 74-варақ.

³ Ўша жойда, 2708-иш, 18-варақ.

ноябрғача 86129 десятина экин қўшимча равища ҳисобга олинди¹.

Аралаш ёндашувлардан фойдаланиш аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ йигиб олишга ёрдам берди. Фақат 1923 йил октябрь-ноябрь ойларида қишлоқ хўжалик солиги ҳисобига қарийб 10 млн. пуд фалла келиб тушди². Лекин совет даври манбаларида таъкидланишича, дон экинлари ҳосили кўпайишига қарамай, ўлкада фалла етишмасди, шу сабабли совет ҳукумати «байнамилал ёрдам» тариқасида ўлкага буғдой ва буғдой уни, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари юборган. Тўгри, бундай маҳсулотлар юборилганини инкор қилиб бўлмайди. Ҳақиқатда 1922—1923 йиллар мобайнида ўлкага марказий минтақалардан 194368 пуд буғдой ва ун, шунингдек 180647 пуд шакар юборилган³. Бироқ республикадан юборилган маҳсулотлар эса марказдан келтирилган маҳсулотлар ҳажмидан анча кўп эди. Масалан, 1923 йилда Тошкент темир йўли орқали 831105 пуд буғдой келтирилган бўлса, ташиб кетилган буғдой 2274285 пудни ташкил этган⁴.

1924 йилда қишлоқ хўжалик солиги пул билан йиғила бошлади. Шунга қарамай, пул тўплашдан ташқари саноат тармоқлари учун қишлоқ хўжалик хом ашёси тайёрлаш ҳам давом эттирилди. Хусусан, 1923/24 хўжалик йилида ТАССРда солик хизматлари орқали 740 минг дона мўйна, 235 минг пуд жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди⁵.

Ўлкага қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтириш ҳисобига бу ердан марказга олиб кетиладиган маҳсулотларнинг ортиши талаб қилинарди. Масалан, 1924 йилда Туркпахтакўм орқали СССРнинг марказий туманларига 4250 минг пуд пахта толаси юборилди⁶. Шу билан бир қаторда, пахтчиликка доир қўшимча маҳсулотлар, аввало пахта ёғи ташиб кучайтирилди.

Шуни айтиш керакки, пахта ёғи Россияга олиб кетиладиган қимматли маҳсулотларнинг анъанавий тури бўлиб, ундан бир томондан, лак-бўёқ ишлаб чиқаришда саноат хом ашёси сифатида, иккинчидан, озиқ-

¹ Ўша жойда, 3777-иш, 74-варак.

² Узбекистон МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 1662-иш, 104-варак.

³ Статистический ежегодник 1917—1923 гг. С. 77.

⁴ Краткий обзор коммерческой деятельности Ташкентской железной дороги за 1922—1923 гг. — Т.; 1924. С. 72.

⁵ Туркестанская правда, 5 ноября 1924 г.

⁶ Юфро в В. И. Хлопководство в Туркестане. — Л., 1935. С. 125

овқат тармоғида фойдаланиларди. Чунончи, октябрь тұнтарышига қадар Туркистан өф ишлаб чиқариш заводлари таҳминан 3 млн. пудга яқын өф берарди. Унинг фақат 20—25%и шу ерда қолар, 75—80%и Россияяга «экспорт қилинарды». «Инқилоб»дан кейинги дастлабки йилларда пахта етиштириш кескін камайиб кетгандылық сабабли пахта ёғи Россияяга деярли юборилмай құйди. Фақат 1923 йилнинг ўзіда Иваново-Вознесенскка бир цистерна өф юборилған. Шу сабабли 1924 йилда олинған 385495 пуд тозаланған ёғнинг 300 минг пудини ёки салкам 100%-ини марказий иттифоқ ҳукумати марказий мінтақаларға ташиб кетишін белгилади¹.

Мустамлака тарзіда етказиб берилдігін аньана-вий турдаги маҳсулотлар орасыда хом-тери ва жун ҳам бор эди. Бу соҳада ҳам совет ҳокимиятінің дастлабки босқычыда чорва моллар сони кескін қысқарып кетгандылық натижасыда олиб кетилдігін маҳсулотлар «инқилобгача» бұлған даврга нисбатан анча камайды. Бирок қишлоқ хұжалиғи тикланиб борған сары бундай маҳсулотлар ҳажми секин-аста ортиб борди. 1922/23 хұжалик йилида марказға 221 минг донадан ортиқ майда ва 24,8 минг дона йирик тери; 82,2 минг дона мүйна; 532462 ичак, 414 пуд қыл олиб кетилди. 1923—1924 йилларда бу күрсаткышлар тегишли равища 438,5; 49,0; 335,7 минг дона ва 956 пудни ташкил этди². 1922/23 йили марказий тұманларға 330673 пуд жун юборилди. Шундан кейинги хұжалик йилида Туркистондан жун етказиб бериш 25%-дан күпроққа ортди. Фақат Тошкент темир йўли орқали 495845 пуд жун ташилди³.

Пиллачилик маҳсулотларига муҳим аҳамият берилді. 1919 йилдаётқ хусусий қурт уруғи ишлаб чиқариши давлат ихтиёрига ўтказилди. Янги иқтисодий сиёсатта ўтилғандан кейин пахтачилик сингари пиллачилик тармоғи ҳам давлат монополияси мақомини сақлаб қолди. 1922/23 йилда марказий тұманларға «Турkipak» йўли билан 410 пуд пилла, 1923/24 йилнинг фақат 6 ойи мобайнида 387 пуд пилла юборилди⁴.

Марказни «витамины маҳсулотлар» билан таъминлашга катта эътибор берилди. Масалан, 1922/23 йилда Туркистон худудидан 1,5 млн. пуд янги мева ва узум

¹ Краткий обзор коммерческой деятельности. С. 55.

² Статистический ежегодник 1917—1923 гг... С. 81.

³ Краткий обзор коммерческой деятельности... С. 58—59.

⁴ Статистический ежегодник 1917—1923 гг... С. 77.

ташиб кетилди¹. Ана шу даврда марказий минтақаларга юборилган қуруқ мевалар 132263 пудни ташкил этди². Балиқ маҳсулотлари етказиб бериш ҳам кўпайди. Хусусан, 1923 йилда балиқ маҳсулотларини ташиб кетиш 26405 пудни ташкил этди³.

Туркистондаги маҳаллий давлат арбоблари ва миллий зиёлилар пахта яккаҳоқимлигига қарши имкониятлари доирасида кураш олиб борар эдилар. 1923 йил июн ойида Москвада бўлиб ўтган РКП(б) МК миллий республикалар ва областлар маъсул ходимлари иштирокидаги 4-кенгашда Туркистон ва Бухоро республикаларининг раҳбарлари Турор Рискулов, Файзулла Хўжаев, Иномжон Хидиралиев, Акмал Икромов, Султонбек Хўжанов ва бошқалар Россияйнинг совет ҳокимиyати йилларидаги сиёсати босқинчилигидан иборат эканлигини, унинг моҳияти чор Россиясининг шовинистик мустамлакачилик сиёсатидан ҳеч қандай фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг ҳаққоний равиша кўрсатишларича, Россия 1917 йилгача ва ундан кейин ҳам фақат бир нарса учун — пахта ва бошқа бойликларни Туркистондан Марказга тезроқ ва кўпроқ ташиб кетиш учун курашди. Большевиклар «доҳийси» Ленин Россия қил устида турган 1918 йилдаётк бежиз қуидагиларни ёзмаган эди: «пахта — бу сиёсат». С. Хўжанов ва А. Икромов кенгашда сўзлаган нутқларида, «ҳозирги Туркистон билан чор Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат вивескаси ўзгарди, холос», деб таъкидлаган эдилар. Кенгашда 10 июнда нутқ сўзлаган РКП(б) МК Бош котиби, большевикларнинг бошқа «доҳийси» И. В. Сталин уларнинг ушбу ҳаққоний эътиrozларини коммунистик чўрткесарлик билан қаттиқ қоралайди⁴. Сталин кенгашда Бухоро республикасининг раҳбари Ф. Хўжаев фаолиятини ҳам асоссиз равиша кескин танқид қиласиди⁵.

Марказнинг мустамлакачилик сиёсатига ва Туркистоннинг хом ашё манбаи даражасида тутиб туриш учун кўраётган чора-тадбирларига қарши курашган миллий етакчилар орасида Файзулла Хўжаев алоҳида ўрин ту-

¹ Краткий обзор коммерческой деятельности... С. 98.

² Первый Всеузбекский съезд Советов рабочих, лехканских и красноармейских депутатов Узбекской ССР. Стенографический отчёт. — Т., 1925. С. 27,35.

³ Краткий обзор коммерческой деятельности... С. 98.

⁴ Карант: Сталин И. Асарлар. Том 5. Т., Ўздавнашр. 1949. 351—352-бетлар.

⁵ Тайны национальной политики ЦК РКП: Стенографический отчёт секретного IV совещания ЦК РКП, 1923 г. М., Инсан, 1992, С. 80—85, 260—263.

тади. Бу пайтда Бухоро Ҳалқ Нозирлар Кенгашининг раиси (1920—1924 й.) лавозимида ишлаган Ф. Ҳўжаев Ўзбекистон ССР тузилгач, унинг биринчи ҳукуматини қарийб 13 йил бошқарди. Сал олдинроққа кетиб шуни маълум қиласизки, Ф. Ҳўжаев 1925 йил ноябрда Самарқанд шаҳрида бўлган Ўзбекистон Компартияси II съездиде қилган «Иқтисодий қурилишнинг вазифалари тўғрисида» номли маъруzasida айтишича, пахтачиликнинг жадал суръатлар билан кенгайтирилиши деҳқонларни иттифоқдан фалла ва саноат моллари келтирилишига қарам қилиб қўйди, мабодо, иттифоқда курбоқчилик бўлса ёки темир йўл ишида камчилик рўй берса, унда жиддий ҳалокат келиб чиқади. У ўз сўзида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тўла-тўқис пахта харид нархига, иттифоқдаги саноат моллари ва унда етиштирилган фалла ҳосилига боғлиқ бўлиб қолмаслиги керак¹, деган дадил фикрни айтган эди. Ф. Ҳўжаев Ўзбекистондаги пахта монокультурасига қарши курашган дастлабки давлат арбоби ҳисобланади.

Миллий-худудий чегараланиш ўтказилиб, Ўзбекистон ССР ташкил топганидан кейин ўзбек ҳалқини ва унинг миллий бойликларини бегоналаштириш ва ресурсларини эксплуатация қилиш сиёсати анча чукурлаши.

Ўзбекистон «социалистик» республикаси эълон қилинган вақтга келиб, қишлоқ хўжалиги унинг ҳалқ хўжалигига асосий тармоқ ҳисобланарди. 1924—25 йилларда қишлоқ хўжалигига ўлка аҳолисининг 85% банд эди. Агар соҳа маҳсулотининг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг 80%га яқинини ташкил этарди. Саноатнинг 90%и қишлоқ хўжалик хом ашёсига бирламчи ишлов бериш билан шуғулланарди².

Ўша даврни таҳлил қилганда шуни таъкидлаш муҳимки, Иттифоқ ҳукумати аввал бошданоқ ёш Ўзбекистон республикаси раҳбарияти олдига «Совет Ўзбекистони»ни СССРнинг асосий пахта базасига айлантириш стратегик вазифасини қўйди. ВКП(б) МК империяча манфаатларни яққоя ифодалаб, 20-йилларнинг иккинчи ярмида бир нечта кенгайтирилган қарорлар қабул қилди, уларда тўқимачилик саноати хом

¹ Қаранг: Ҳўжаев Файзулла. Таинланган асарлар. Т. II., Т., Фан, 1978, 657-бет.

² Первый Всеузбекский съезд Советов рабочих, дехканских и красноармейских депутатов Узбекской ССР. Стенографический отчет. — Т., 1925. С. 27—35.

ашё базасини яратиш ва Иттифоқнинг пахта соҳасида хорижта қарамлигини тугатишида пахтачилик ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди¹. Натижада 1928 йилда ялпи териб олинган пахта хом ашёси 543,7 минг тоннани ташкил этди. Умуман 1924—1929 йилларда республика дехқонлари 1961,1 минг тонна пахта териб топширдилар ёки бу ўрта ҳисобда йилига 392,2 минг тоннани ташкил этди².

«Оқ олтин»нинг аксарият қисми, яъни 90%дан кўпроғи «советлар мамлакати»нинг тўқимачилик марказларига юборилди. Лекин сталинча маъмуриятнинг бундан кўнгли тўлмаган кўринарди. 1929 йил 18 июнда ВКП(б) МҚ қабул қиласан «Бош пахтачилик кўмитасининг иши тўғрисида»ги қарорида³ очиқдан-очиқ бундай дейилган эди: «МҚ пахта етишириш учун яроқли бўлган ерлардан шоли, оқ жўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинлар етишириш учун фойдаланишга мутлақо йўл кўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди». Тўгри, ҳали янги иқтисодий сиёsat узил-кесил барҳам топмаган шароитда Иттифоқ раҳбарияти ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам қарорда «пахтадан бошқа экинларни сиқиб чиқариш»нинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш, бунинг учун пахтакорларга солиқ имтиёзлари бериш, биринчи галда «чигит экилган майдонларни сув билан таъминлаш, пахтакорларга бутун йил мобайнида галла, саноат маҳсулотлари ва чорва моллари учун ем-хашак етказиб бериш» тавсия этилди.

Пахтачиликка сезиларли эътибор бериш 20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида анча кучайтирилди, бу вақтда янги иқтисодий сиёsat йўлини тўхтатиб, оммавий равища жамоатлаштиришга ўтиш сиёсати авж олдирилди, у Марказнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини қаттиқ ва қулай назорат қилишни таъминлаши лозим эди.

Жамоатлаштиришнинг бошларидан эътиборан ҳокимият органлари зўравонлик усулларини ишлатишга эътибор бердилар. Қишлоқда иқтисодий муносабатларни барбод қилишга қаратилган тадбирлар авж олди-

¹ Решения партии и правительства по хозяйственным вопросам. — М., 1967. Т. 2 С. 85—97; Узбекистанская правда. 7 августа 1929 г.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 103.

³ Деятельность компартии и советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (1925—1937 гг.). Документы и материалы. — Т., 1990. — С. 115—118.

рилди. Давлат қишлоқ мөхнаткашларига қанча ерга экин экиш ва етиштирилган маҳсулотни қандай нарх билан топширишни белгилаб берди. Қишлоқ аҳолисининг бадавлатроқ қатламларига нисбатан мисли кўрилмаган қувғинлар қўлланилди, қишлоқ мөхнаткашлари жамоа хўжаликларига мажбурлаб киритила бошлади.

Ўзбекистондаги «аграр инқилоб» оғир оқибатларга олиб келди. ВКП(б) МҚ нинг 1930 йил 5 январдаги «Жамоалаштириш суръатлари ва давлат жамоа хўжаликлари курилишига ёрдам кўрсатиш чора-тадбири тўғрисида»ги¹ қарорининг дастлабки таҳририда Ўзбекистон республикасида жамоатлаштириш 1933—1937 йиллар мобайнида тугалланиши белгиланган бўлишига қарамай, «буюк йўлбошчи»нинг бевосита сикуви билан бу ҳаракатни анча олдинроқ тугаллаш мумкин, деган мунофиқона фикр устунлик қилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, республикамизнинг айрим раҳбарлари бундай ўзбошимча усусларга қарши туришга интилдилар, рақамларга тузатиш киритиш фикрини билдиридилар. Хусусан, Ф. Хўжаев ва А. Икромов шундай йўл тутдилар. Бироқ уларнинг таклифлари етарли қўллаб-куватланмади. Натижада ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси кўпчилик аъзоларининг қарори билан 1932 йилнинг бошларидаёқ дехқон хўжаликларининг камиди 68%ини жамоа хўжаликларига бирлаштириш йўл-йўриги қабул қилинди².

Лекин реал ҳаётда бу йўл-йўриққа ҳам амал қилинмади. Коммунистик партия йўлбошчиларининг ташаббуси билан жамоалаштириш суръатлари кун сайин жадаллаштириб борилди. 1930 йил март ойига келиб дехқон хўжаликларининг 42%и жамоалаштирилди, ҳолбукি 1929 йил 10 октябргача жамоа хўжаликлари борйғи 3,4% хўжаликларни қамраб олган эди³.

«Кулоқ қилиш» кампанияси кўплаб кишиларни қонли қатағонлар гирдобига ташлади. Бунда «кулоқлар» ва «бойлар» тоифасига асосан янги иқтисодий сиёsat шароитида ўз хўжаликларини оёққа турғазиб олган ўртаҳол дехқонлар киритилди. Чунки бирмунча бадавлатроқ қатламлар олдинги йилларда тутатилган эди. Биргина 1930 йилда республикада мол-мулки тўлиқ

¹ Правда, 7 января 1930 г.

² РЦХИДНИ. Ф. 62, оп. 1, д. 2449, л. 74.

³ Ўзбекистон ПДА. 58-фонд, I-рўйхат, 4400-иш, 136-варақ.

мусодара қилинган ҳолда 2648 та ўртақол дәхқон хўжаликлари «кулоқ қилинди»¹.

Маъмурий сиқувга олиш, ошкора зўравонлик, «инқилобий» террор қишлоқ меҳнаткашларини жамоа хўжаликларига ҳайдаб киритиш чогида расмий «колхоз курилиши» режалари йўл-йўриқларининг сезиларли равища ошириб бажарилишини назарда тутарди. Масалан, Иттифоқ ҳукуматини айниқса қизиқтирадиган Ўзбекистоннинг пахта етиштириладиган туманларида ялпи жамоалаштириш 1932 йилнинг охирларига бориб асосан тугалланди. Умуман эса республика бўйича жамоат сектори бу вақтга келиб барча дәхқон хонадонларининг 81,7%ини бирлаштирган эди. 880 минг дәхқон хўжалиги негизида 9734 та жамоа ва 94 та давлат хўжалиги ташкил этилди². 1937 йилга келиб жамоалаштирилган хўжаликлар даражаси 95%га етказилди, экин майдонлари бўйича эса 99,4%ни ташкил этди. 1939 йилда бу кўрсаткичлар 99,2 ва 99,6%дан иборат бўлди³.

Совет мустабид-империя тузумининг таянч тузилмасини ташкил этган жамоа хўжаликларига асосланган социалистик тузумнинг таркиб топиши узоқ муддатли ҳалокатли оқибатларга олиб келди.

Сталинча жадал жамоалаштириш сиёсати ўзбек қишлоқлари соғлом тарихий тараққиёти жараёнларига тўқсинглик қилди. У дәхқонларнинг давлат томонидан асоратта солинишига олиб келди, қишлоқдаги одам ва моддий захиралардан тўхтовсиз фойдаланишга асосий замин яратди, миллий аграр ишлаб чиқаришни «қизил империя»нинг кенг кўламли хом ашё манбаига айлантириш имконини берди.

Ялпи жамоалацтириш ўзбек қишлоқларининг ишлаб чиқарувчи кучларига ҳаддан ташқари катта зарар етказди. Республикада навбатдаги очарчилик юз берди (1933 йил). Фалла етиштириш кескин қисқартирилди, чорвачилик яна барбод бўлди. Масалан, агар 1928 йилда қорамоллар сони 1718,6 минг бошдан иборат бўлган бўлса, жамоалаштириш тугалланган пайтга келиб 1003,9 минг бошга тушиб қолди, кўйлар тегишли равища 6001,2 ва 2199 минг бошни ташкил этди⁴.

¹ РГАЭ, ф. 7995, оп. 1, д. 228, л. 73.

² Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 1-рўйхат, 6377-иши, 25-вараклар.

³ Ўша жойда, 25-варак; 1-рўйхат, 414-иши, 15–16-вараклар.

⁴ Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. 1939. № 11–12. С. 97–98.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш таж-рибаси деҳқонларнинг аҳволига фожиали таъсир кўрсатди. Сталинча раҳбарият томонидан белгиланган норе-ал топшириқларни қандай қилиб бўлса ҳам бажаришга интилган маҳаллий маъмурлар жамоа хўжаликлари-дан ҳам, ҳали оз бўлса ҳам сақланиб қолган якка деҳ-қон хўжаликларидан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотла-рини «супурги солиб» ҳаммасини йиғишитириб оли-шарди. Бу айниқса ғаллага тааллуқли эди. Жамоа хўжа-ликларининг кўпчилигидан айниқса 1930—1932 йил-ларда барча ғалла, шу жумладан уруғлик фонди ҳам тортиб олинган эди. Гўшт тайёрлаш ҳам шу йўл билан амалга ошириларди. Бу соҳада ҳам реал имкониятларга мос келмайдиган «режа»лар белгиланаарди, улар шаф-қатсизлик билан тортиб олиш асосида бажариларди. Масалан, Қашқадарё вилоятининг кўргина туманла-рида аҳоли 1932 йилда биргина тайёрлов кампанияси вақтида қўйларнинг деярли ярмини (умумийлаштирил-ган қисмини ҳам ҳисобга олганда) топшириши лозим эди. Бундан газабга келган қишлоқ аҳолиси кўнгилли равищда мол топширишдан воз кечди ва қаршилик кўрсатди. Шунда маҳаллий партия совет ҳодимлари шун-дай йўл тутишган: колхозчининг уйига фаоллардан 7—8 киши келиб, уй эгаси ва хотинининг қўллари-ни боғлаб қўйишган ёки қўлларидан ушлаб туришган, қолган «харидорлар» эса қулфни бузиб, молхонага киришган ва «харид қилинган» чорва молларни ҳайдаб кетишган¹.

Шу тариқа жамоа хўжаликларини аслида ўз корхоналари филиалига айлантириб, улардаги деярли барча кооператив нарсаларни тортиб олиб, совет давлати озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни илгари синаб кўрилган озиқ-овқат развёрсткаси тамойили асосида амалга ошира бошлади, ночоргина қишлоқ омборла-ридан деярли барча ҳосилни шаҳар фойдасига ва экспорт қилиш учун супуриб кетадиган бўлди.

Давлат режаси қиёфасига кирган озиқ-овқат раз-вёрсткаси қишлоқ аҳолисининг муқаррар равищда қаш-шоқлашувига олиб келди. Чунки колхозчилар зўр бе-риб меҳнат қилишларига қарамай, амалда ҳеч қандай ҳақ олишмасди. Уларга фақат рамзий меҳнат кунлари ёзиларди. Бундай аҳволга биринчи навбатда шу нарса сабаб бўлдики, сталинча маъмурият жадал саноатлаш-

¹ РГАЭ. ф. 7737, оп. 8. д. 112. л. 144

тиришни маблаг билан таъминлаш ва советлар мамлакати»ни қуролланган қалъага айлантириш манбаларини излаб, молиявий оғирликни онгли равища қишлоқ хўжалигига юклаб кўйди. Ўзбекистон туб жой аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда яшашини ҳисобга олганда, мазкур тадбир ўзбек халқини қўшимча равища талаш шаклидан иборат эди. Сталинча раҳбарият молиявий захираларни қишлоқлардан тортиб олиш мақсадида саноат маҳсулотларининг бусиз ҳам баланд бўлган нархини сунъий равища оширди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини эса ҳаддан ташқари пасайтириди. Айни вақтда қишлоқ меҳнаткашлари ҳақиқатда давлат ижтимоий таъминоти соҳасидан бебаҳра қолдилар. Хусусан, жамоа хўжаликлари тўлаб бўлмас соликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришдан ташқари, ижтимоий ободончилик масалаларини ўзлари мустақил ҳал этишлари, мактаблар, даволаш муассасаларини барпо этиб, уларни таъминлашлари, ўй-жой қурилишини авж олдиришлари лозим эди.

Натижада жамоа хўжаликларининг кўпчилиги қарзга ботарди, меҳнат қунлари бўйича пул ва натура тўловларини таъминлай олмасди, чунки иш ҳақи жамғармаси йиллик ҳақни тўлашга улгурмасдан тугаб қоларди. Борди-ю, қарзлар тўлагандан кейин жамоа хўжаликларида маблаг қолса, одатда у шу қадар оз бўлардики, бир меҳнат кунига 40 тийин ва ундан ҳам камроқдан тўғри келарди.

Бундай шароитда қишлоқ аҳолиси фақат ўзининг ёрдамчи хўжаликларига умид қилиши мумкин эди. Бироқ бу соҳада ҳам сон-саноқсиз тўсиқлар бор эди. Ҳар бир туп дараҳт, чорва моли, паррандага номутаносиб соликлар солинганди. Мол боқиладиган яйловлар қатъий чекланган эди. Бунинг устига, 1935 йилгача, яъни қишлоқ хўжалик артели низом қабул қилинишига қадар шахсий ёрдамчи хўжалик қишлоқ аҳолининг хусусий мулкчилик ҳис-туйғуларини қарор топтиришнинг моддий асоси деб қараларди. Шу сабабли қишлоқ меҳнаткашларига ёрдамчи томорқа ерлари ажратиш рағбатлантирилмасди.

Буларнинг ҳаммаси, табиийки, умуман мамлакат деҳқонлари, хусусан ўзбек деҳқонлари турмуш дараҷасининг ҳалокатли тарзда пасайиб кетишига сабаб бўлди. Уларнинг аҳволи қандай бўлганилиги хусусида ўша йиллари партия-совет идораларига юборилиб тур-

ган сон-саноқсиз ташвишли хатларга қараб хулоса чи-қариш мумкин. Масалан, бу хатлардан бирида «Қизил дәхқон» жамоа хўжалиги аъзолари «одамлар нону сув билан тирикчилик қўлмоқдалар, бошқа ҳеч нарса йўқ, нон ҳам ҳар доим бўлавермайди»¹, деб ёзган эдилар.

1935 йил февраль ойида жорий этилган янги қишлоқ хўжалик низоми колхозчиларга ёрдамчи хўжаликка эга бўлишга рухсат этди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистонда ажратиладиган ер участкаси миқдори марказий минтақалардагига нисбатан 2 баробар камроқ эди. Бунинг устига, кўпгина колхозчиларга ер участкаси ажратиб берилмаганди. Масалан, 1937 йилда республикадаги 66 минг колхозчи хонадони (28,37%) томорқа участкасига эга эмасди, 140 минг хонадоннинг ери белгиланган энгоз месъердан ҳам камроқ эди².

Бироқ марказлик большевик амалдорлари ҳатто шундай чекланган миқдордаги бир парча ер, шахсий ҳовли-жой қишлоқнинг меҳнат захираларини жамоат ишлаб чиқаришидан ёки, бошқача қилиб айтганда, давлатга текин ишлаб беришдан чалгитиши мумкин, деб чўчир эдилар. Шунинг учун ҳам орадан кўп ўтмай юқори партия раҳбарияти колхозчиларнинг жамоат ва шахсий манфаатлари нотўри уйғуллаштириб борилмоқда, деган шиор ниқоби остида Низом қишлоқ меҳнаткашларига томорқа участкалари ажратиб берилишига доир муҳим қоидаларини тафтиш қилишга уринди. Мазкур йўл ВКП(б) МҚ ва СССР ХҚКнинг 1939 йил 27 майдаги «Колхозларнинг жамоа ерларини талон-тарож қилишдан сақлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида³ ўз ифодасини топди. Унда кўпгина жамоа хўжаликларида томорқа участкаси амалда хусусий мулкка айлантириб юборилаётгани кўрсатиб ўтилган эди. Шу муносабат билан хусусий мулкчилик ҳиссиятларига қарши курашни кучайтириш тавсия этилди. Кундалик ҳаётда эса мазкур тавсиялар дәхқонларнинг томорқа участкаларига янгидан ҳужум қилинишига айлантириб юборилди.

Жамоалаштириш тадбирлари республика қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мустамлакачилик йўналишини кучайтиришга, унинг бир томонлама, пахтачилик ҳом ашёси соҳаси бўйича ривожланишига

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 4-рўйхат, 471-иш, 17-варақ.

² Ризаев Г. Кўрсатиб ўтилган асар. 128-бет.

³ РГАЭ, ф. 7446, оп. 5, л. 178, л. 13—14.

таъсир кўрсатди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг мустаҳкамланиши фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш борасида давлат монополиясини кучайтириб қолмасдан, шу билан бирга, пахта якка ҳокимлигининг ёппасига авж олишига ҳам олиб келди. 1930 йил баҳоридаёқ Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши марказнинг империяча иродасини ифодалаб, республика ҳукуматидан ялпи жамоалаштирилган туманларда республика раҳбарияти пахтачиликнинг ялпи ёйилишидан иборат ҳалокатли жараённи иложи борича тўхташибга уриниб кўрди. Булар орасида Ф. Хўжаев, А. Икрамов, Ўз ССР Давлат режа кўмитаси раиси А. Шурбор эди. Улар пахта билан бир қаторда галла, сабзавот етишириш, чорвачиликни юксалтириш учун мустаҳкам асос яратишнинг мақсадга мувофиқлигини тъкидлашди. Бироқ марказдаги юқори сиёсий табака «жойлар»дан келган далилларга қулоқ солишини истамасди. Сталин пахта мустақиллигига эришиш шиори остида республикамизни пахта яккаҳокимлигига зўр бериб рағбатлантиради. Кўп жиҳатдан унинг қаттиқ сикуви билан 1933 йилдаёқ Ўзбекистоннинг тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари орасида пахта 81,5%ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 1937 йилга келиб 93,4%га етказилди¹.

Ялпи жамоалаштириш тараққиётда орқага кетиш механизмини мустаҳкамлашга олиб келди. Хўжалик юритишнинг қарор топган истиқболли шаклларига пуртурсиз етказди, янги шакллар эса аввалбошдан барқарор тараққиётни таъминлай олмасди. Яроқсиз усуllibарга асосланган хўжалик юритиш шакллари қишлоқ меҳнаткашларининг бунёдкорлик имкониятларини чеклаб кўярди. Зўрлик билан сингдирилган жамоалаштириш туфайли мулк ва ердан бегоналашиб, тўлиқ сиёсий ҳуқуқсизлик, энг тадбиркор ходимларни аниқ мақсадни кўзлаб жисмоний йўқ қилиш сиёсати қишлоқ хўжалик меҳнатини рағбатлантириш воситаларини ниҳоятда заифлаштириб кўйди. «Социалистик агрофабрикалар»га куч билан ҳайдаб киритилган деҳқонларнинг асосий оммаси жамоат ишлаб чиқаришида фаол иштирок этишдан манфаатдор эмасдилар.

Ўша даврдан бошлаб колхоз қишлоқларидан одам ва моддий захираларни давлат эҳтиёжларига мунтазам

¹ Голованов А. А., Инатов М. Н. Трагедия форсированной коллективизации в Узбекистане. — Т., 1997. — С. 101

равишида сафарбар қилиб туриш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги айирбошлишнинг номувофиқлиги доимий амал қиласидиган омилга айланиб борди. Чунки шундан кейинги бутун совет даври тарихи мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилик қисмига қишлоқ жойларига юбориладиган саноат буюмларига нисбатан 10—15 баробар кам нархлар белгиланган эди.

Жадал жамоалашибтириш агар қишлоқдаги тиклаш жараёнларига жиддий тўсиқ бўлди. Биринчи беш йиллик (1928—1932 йиллар) охирига келиб сталинча маъмурият фикрича, мисли кўрилмаган иқтисодий сакрашга муваффақ бўладиган қишлоқ хўжалиги ҳақиқатда хароб ахволда бўлиб қолди. Ўзбекистон жамоа ва совет хўжаликлари асосий пахта етиштирувчи (улар 1932 йилда пахта маҳсулотининг 85%ини берди) хўжаликлар бўлиб, республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли даражада таъминлашга кучгайратларини қарата олмадилар. Шу билан бирга, режа топшириқлари ҳам бажарилмай қолди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тикланиши фақат 30-йилларнинг ўрталаридан бошланди. Чунончи, пахта етиштириш 1932—1939 йилларда 314 минг тоннадан 1582 минг тоннага етди, бунда ҳосилдорлик 8,2 ц/гадан 17,8 ц/га кўтарилиди. Фалла экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 1932 йилдаги 5,7 ц/га дан 1938 йилда 7,4 ц/га кўтарилиди. Йигиб-териб олинган ялпи фалла ҳосили тегишли равишида 1008 ва 4627,9 минг тоннани ташкил этди¹.

Шоли, арпа, маккаждӯхори етиштириш нисбатан кўпайди. Бофлар ва токзорлар майдони кенгайтирилди. Йиккинчи жаҳон уруши бошланган даврга келиб бу майдонлар 34,5 минг гектарга етди. Шу билан бирга, мева ва узум ҳосилдорлиги пастлигича қолаётган эди.

Чорвачиликда бирмунча жонланиш сезилди. Масалан, жамоа хўжаликларидаги қора моллар сони 1,5 баробардан кўпроқ ортди ва 501,9 минг бошни ташкил этди².

30-йилларнинг ўрталарида, биринчидан, колхоз-совхоз тизими умумий тарзда барқарорлашиб, агар танглик ҳолатидан чиқаётганлиги омилини қайд этиб ўтиш керак. Қишлоқлар энди оммавий жамоалашибтиришнинг бошланғич босқичидаги каби қишлоқ хўжалигига ёпирлган ҳалокатли ларзага тушмаётган эди. Уларнинг

¹ Узбекистан за 15 лет. Статсборник. — Т., 1939. С. 52—55.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет.

ҳаммаси жамоа ишлаб чиқариши деб аталган умумий қозонга ташланган эди.

Иккинчидан, Сталин қишлоқда «буюк бурилиш»-ни амалга ошириб, қишлоқ меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиширишдан иқтисодий манбаатдорлигининг айрим элементларини тиклашни мақсадтга мувофиқ, деб ҳисоблади. Бироқ, қишлоқ хўжалигида вужудга келган маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг моҳияти ўзгармади. Аввалгидек унинг асосий вазифаси ташқи иқтисодий, кўпинча эса фавқулодда усуллардан фойдаланиб, қишлоқдан шаҳарга озиқ-овқат маҳсулотларини ва хом ашёни ташиб кетишдан, одам захираларидан шафқатсизлик билан фойдаланишдан иборат бўлиб қолди. Бу усуллардан мажбурий равишда чекиниш, товар-пул муносабатларининг айрим элементлари (масалан, галла, пахта харид қилиш, уларнинг нархини аҳён-аҳёнда ошириб туриш) бу тизимни анча мослашувчан қилиб қўйди, унинг ўзи қишлоқда ўрнатган «ўйин қоидалари»га риоя қилиш, қишлоқ аҳолиси томонидан ошкора норозилик билдиришнинг олдини олиш имконини берди. Ниҳоятда чекланган тарзда иқтисодий омилларнинг жалб этилиши, пул билан ҳақ тўлаш ролининг оширилиши агарар секторнинг ривожланишини маълум даражада рафбатлантириди ва қишлоқ аҳолиси моддий аҳволининг бирмунча яхшиланишига таъсир кўрсатди. Масалан, 1938 йилда ҳар бир меҳнат кунига республика бўйича ўрта ҳисобда тўланган ҳақ 3 сўм 84 тийинни ташкил этди¹. У колхозчиларнинг кун кечириш учун зарур бўлган микардордан анча кам бўлса ҳам, лекин амаллаб тирикчилигини ўтказишига етар эди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланиши меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсата бошлади. 1940 йилга келиб жамоат хўжалигида ишлатиладиган тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникиси миқдори бир неча баробар кўпайди. Ирригация соҳасида катта ишлар мажмуи амалга оширилди. Лекин бунда биринчи навбатда, колхозчиларнинг текин меҳнатидан фойдаланилди. Масалан, 1939 йилда бошланган Катта Фарғона канали курилишини таъминлаш учун қишлоқ аҳолисидан 165 минг киши сафарбар этилди. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан 344 километрлик сув шаҳобчаси курдилар. Катта Фарғона

¹ Изменения классовой структуры общества в Узбекистане за годы советской власти. — Т., 1984.

каналининг ишга туширилиши объектив равища 50 минг гектардан ортиқ сугориладиган ерни сув билан таъминлаш ва кўшимча равища 60 минг гектардан ортиқ янги майдонларни ўзлаштириш имконини берди. Умуман, 1937—1940 йилларда «социалистик ҳашар» усули билан ирригация курилишининг авж олдирилиши натижасида Ўзбекистондаги сугориладиган ер майдонлари 260 минг гектарга кўтайди¹.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, республикадаги аграр ишлаб чиқаришни юксалтириш соҳасида иттифоқ томонидан кўрилган барча чора-тадбирлар фақат империяча манфаатларни кўзда тутган ҳолда амалга оширилди, ўзбек халқининг эҳтиёж ва талаблари тўла-тўкис инкор қилинди, жамоалаштириш ўзбек қишлоғининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг аввалги мустамлакачилик схемасини фақат тиклаш эмас, балки «совет Ўзбекистони»ни ёппасига пахта майдонига айлантириш имконини берди. Совет давлати томонидан асосатта солинган қишлоқ меҳнаткашлари ва уларнинг оила аъзолари ҳаддан ташқари ошириб юборилган режа топшириқларини бажариш учун кунни тунга, тунни кунга улаб жамоа ва совет хўжаликлари далаларида меҳнат қилишга мажбур бўлдилар. Пахта йиғим-терими мавсуми айниқса фожиона тус оларди. Ана шу даврда қўлларда «қамчи ушлаганлар» — партия совет вакилларининг сонсаноқсиз десантлари қишлоқ жойларига юбориларди, улар ҳосил йиғим-теримини қаттиқ назорат остига олишарди. Шу билан бирга, Сталин кўрсатмаси билан колхозчилар ва совет хўжаликлари ишчиларини назорат қилишга «сиёсий қидирив» органлари — Бош сиёсий бошқарма ва Ички ишлар халқ комиссарлигининг машҳур жаллодлари қўшилишарди. Уларнинг имзоси бўлмаса, бирорта ҳам ҳосили йиғиб-териб олинган дала қабул қилиб олинмасди. Пахта териш графигини қандайдир тарзда бузиш, хужжат билан асосланган сабабсиз ишга чиқмай кўйиш, ишга кеч қолиш ёки эҳтиётсизлик оқибатида терилаётган пахтага озроқ бўлса-да, шикаст етказишга сабаб бўлган кишилар «синфий заарар етказиши»да сиёсий жиҳатдан айбланиб, узоқ муддатга сталинча «ахлоқ тузатиш — меҳнат лагерлари»га қамалар эдилар.

¹ Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 75-рўйхат, 9-иш, 19—37-варақлар; 87-рўйхат, 351-иш, 8-варақ.

Масаланинг бошқа жиҳати ҳам ўзига хос эди — пахта йифим-терими туталланганлиги ҳақидаги қарор фақат Москвада қабул қилинарди. Агар бирор сабаб билан режа барбод қилинган бўлса, қишлоқ меҳнаткашлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам, дала-ларда амалда пахта тугаб, ёпласига лойгарчилик бошланган бўлса ҳам, то кейинги йил январгача, ҳатто февраль ойигача «пахта йифим-терими»ни давом эттиришга мажбур бўлардилар. Бу ҳол қишлоқ аҳолисининг саломатлигига зарар етказар, янги экиш мавсумига яхши ҳозирлик кўришга халақит берар, пахта ҳосилдорлигининг пасайиб кетишига олиб келарди.

Сталинча раҳбарият «штурм ва сикувга олиш» усуллари билан ҳаракат қилиб, Ўзбекистондан охирги пахта толаларигача йиғиштириб олиб кетарди. Натижада давлатга пахта етказиб бериш куйидагича бўлди: 1929—1932 йилларда — 2879 минг тонна, 1933—1937 йилларда — 5933,4 ва 1938—1941 йилларда — 6225 минг тонна. «Советлар мамлакати»га пахта етказиб беришда республиканинг салмоғи 1940 йилда 63%га етди¹. Буларнинг ҳаммаси, ўша йиллардаги хукумат хужжатларида расман эътироф қилинишича, «... Совет Иттифоқининг четдан пахта келтиришдан озод бўлишида ва СССР тўқимачилик саноатининг пахта ҳом ашёси билан тўлаттўқис таъминланишида ҳал қилувчи роль ўйнади². Ҳақиқатан ҳам, агар 1925 йилда СССРга четдан 103,1 минг тонна, 1930 йилда — 57,9 минг тонна пахта келтирилган бўлса, 1933 йилда бор-йўри 24,3 минг тонна пахта келтирилди³. Бундан ташқари, ўзбек пахтакорларининг маşaқатли меҳнати туфайли совет давлати пахта соҳасидаги аввалги қарамликни тутатибгина қолмасдан, шу билан бирга, пахта етиштириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринга чиқишига муваффақ бўлди.

Пахта толасининг аксарият қисми аввалгидек марказга иттифоқ енгил ва мудофаа саноатларининг эҳтиёжини қондириш, шунингдек экспортга жўнатиш учун юбориларди. Хусусан, 30-йилларнинг бошларида Ўзбекистон «экспорти»нинг таҳминан 80%и пахта ҳиссасига тўғри келарди, бу экспорт собиқ Иттифоқининг ташки иқтисодий каналлари орқали амалга ошириларди. Унинг

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 105.

² Итоги выполнения второго пятилетнего плана развития народного хозяйства СССР. Т., 1939. С. 54.

³ Социалистическое сельское хозяйство СССР. Сборн. статматериалов. — М., 1937, С. 66.

қиймати қатъий валютада юз миллионлаб сўмни ташкил этарди. Бироқ мустақил бўлмаган Ўзбекистон экспортдан олинган даромаддан халқ фаровонлигини оширишда, миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашда фойдалана олмасди.

Ўзбекистоннинг пахта билан бир қаторда экспортга мўлжалланган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришдаги роли ҳам кучайди. Хусусан, республика пилла етказиб беришда ҳам асосий ўрин тутарди, унинг стратегик аҳамияти ўша вақтда кенг миқёсда парашют ишлаб чиқарилиши муносабати билан янада кучайди. Урушдан олдинги йилларда Ўзбекистон республикаси СССР да ишлаб чиқариладиган пилланинг 52%ини етказиб берарди. Ипакчилик тармоғининг ривожланиши анча жадаллик билан борди. Агар 1928 йилда 4900 тонна ипак қурти пилласи тайёрланган бўлса, 1932 йилда тайёрланган пилла 8680 тонна, 1937 йилда 11416 тонна, 1938 йилда эса 12405 тоннани ташкил этди¹. Тайёрланган маҳсулотнинг ҳаммаси давлатга топширилди, унга марказнинг ёлғиз ўзи эгалик қилди.

Қоракўл терини асосий етказиб берувчи ҳам Ўзбекистон эди. Республика 30-йилларнинг охирига келиб юқори сифатли қоракўл тери ишлаб чиқаришда жаҳонда биринчи ўринни эгаллади ва бу маҳсулотнинг учдан бир қисмини етказиб берарди. Валюта тушумларининг кўпайишидан манбаатдор бўлган марказий ҳукumat Ўзбекистон раҳбариятидан қоракўл кўйлар подасини бутун чоралар билан кўпайтиришни, ана шу мақсадда жамоат сектори имкониятларидан фойдаланишни қаттиқ туриб талаб қилди. Натижада 1937 йилда чорвачиликка ихтисослашган жамоа ва шўро хўжаликларида қоракўл кўйларининг 74% парвариш қилинадиган бўлди. Бу кўйлар сони 1940 йилда 1932 йилга нисбатан таҳминан 3 баробар ортди: 953,7 минг бошдан 2872,9 минг бошга етди. Ўзбекистон бу вақтга келиб Иттифоқда етишириладиган юқори сифатли қоракўл териларнинг 40%ини берарди².

Умумиттироқ ихтисослашувида Ўзбекистоннинг шоли етиширишдаги роли ҳам изчил ортиб борд. Иттифоқ ҳукумати бу қимматбаҳо қишлоқ хўжалик экими экиладиган майдонларни кенгайтириш зарурлиги-

¹ Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет. — Т., 1939. С. 146—147.

² Ўзбекистон ПДА, 58-фонд, 75-рўйхат, 56-иц, 106—107-ваққлар; Социалистическое строительство в Средней Азии. 1934. № I.

ни режали тарзда белгилаб берди. Натижада шоли эквалидиган умумий майдон республикада 1932—1938 йилларда 45,3 минг гектардан 80,4 минг гектарга етди. Шолидан олинадиган ялпи маҳсулот 1932 йилдаги 77,7 минг тоннадан 1939 йилда 190 минг тоннага кўтарилди. 1940 йилда Ўзбекистон Иттифоқда етиштириладиган шолининг ярмини етказиб бераётган эди¹.

Марказий ҳукумат айни вақтда совет давлатининг иқтисодий мустақиллиги учун курашда Ўзбекистон раҳбарияти олдига каноп етиштиришни жадал усуслар билан йўлга кўйишдан иборат директив мақсадни кўйди, бу маҳсулот чет элдан келтириладиган жут ўрнини қоплашга қодир эди.

Каноп экини Иттифоқда айниқса 1924 йилдан эътиборан тез ривожлана бошлади. 1929 йилдан бошлаб СССР ХҚҚ қарорига мувофиқ асосан Ўрта Осиё республикаларида жут етиштириши жорий этиш авж олдирилди. Бу вазифани амалга ошириш жараёнида 20—30-йиллар чегарасида Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида каноп ва жут республикада биринчи марта кенг миқёсида етиштирила бошлади. Шундан кейинги йилларда бу экинлар Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам оммалаштирилди. Натижада Ўзбекистон умумиттифоқ миқёсида тайёрланадиган канопнинг деярли 35%ини етиштира бошлади². 1940 йилда республика давлатга етказиб берган каноп ва жут 32,9 минг тоннани ташкил этди³.

Импортнинг ўрнини қопладиган ва экспорт қилинадиган маҳсулотларни кўпайтиришнинг бошқа соҳаси маҳаллий мойли ўсимликлар (софлор, кунжут, ерёнгоқ, канакунжут) етиштиришнинг кенгайиши бўлди. Ўзбекистон кунжут етиштиришда Иттифоқда биринчи ўринни згаллади. 1939 йилда кунжут мойли ўсимликлар экилидиган умумий майдоннинг 44,7%ини қамраб олди⁴.

Шундай қилиб, ўзбек қишлоқларида марказлашган бошқарувнинг ва хўжалик юритишининг қаттиқ тизими ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон аграр ишлаб чиқаришининг империяча ихтисослашуви юз берди, у биринчи навбатда марказни саноат ва экспортга мўлжалланган қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлашга қаратилди.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... — С. 119.

² РГАЭ, Ф. 7446, оп. 1, д. 240, л. 95—96.

³ Сельское хозяйство Узбекистана за 15 лет... С. 135—136.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 128.

Бу ихтисослашув урушдан кейинги даврда янада кенг миқёсда ривожлантирилди, Иттифоқ ҳукумати коммунистик тажрибалар ўтказишдан иборат яроқсиз дастурни яна зўр бериб амалга ошира бошлади.

Гарчи уруш Ўзбекистон ҳудудидан ўтмаган бўлса ҳам, унинг бузгунчилик гирдоби республика иқтисодиётига улкан зиён-заҳмат етказди. Қишлоқ ҳўжалиги айниқса оғир аҳволни бошдан кечирди. Фронтга ва мамлакат ичкарисига озиқ-овқат маҳсулотлари, одам ва моддий ресурслар етказиб берилиши ўзбек қишлоқлари ишлаб чиқарувчи кучларига жиддий путур етказди. Масалан, жамоа, совет хўжаликлари, МТСларнинг моддий-техникавий базаси сезиларли равишда заифлашди, қишлоқда оғир жисмоний меҳнат ҳукм сурди, меҳнатни ташкил этишининг эски шакллари тикланди, чунончи фалла ўроқ билан йигиштириб олинарди, янчиш ҳайвонлар туёғи билан бажариларди, бир қатор туманларда ҳатто тошлар ёрдамида амалга оширилди. Бундай шароитда қишлоқларни талашнинг яхши йўлга кўйилган тизими совет давлати томонидан асоратга солинган ўзбек дехқонларини тобора кўпроқ эксплуатация қилиш билан тўлдирилди.

Қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш учун сармоя сарфлаш талаб қилинарди. Бироқ бундай сармоя амалда йўқ эди. Ўзбекистонда урушдан кейинги давр аграр ишлаб чиқариш эҳтиёжларига умумий ажратилган маблагларнинг 7%дан кўпроғи сарфланарди. Давлатнинг жамоа ҳўжаликларига «ёрдами» асосан техника етказиб беришдан иборат бўлиб, у машина-трактор станцияларида тўпланган эди. Лекин қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига давлат белгилаган харид нархлари урушдан олдин қандай бўлса, ўша ҳолича сақданиб қолган бўлиб, у вақтда қишлоқ аграр ҳўжаликлари сотиб оладиган саноат маҳсулотлари нархи 20 баравар кўпайтирилган эди¹. Натижада давлат аввалгидек қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини деярли текинга олар, жамоа ҳўжаликлари эса колхозчиларга уларнинг қылган меҳнатлари ҳакини тўлай олмасди.

Дехқонларнинг жамоат ишлаб чиқаришида давлат томонидан таланиш тизими қишлоқ меҳнаткашлари гарданига юклangan оғир солиқлар юки, томорқа участкаларининг тобора сиқиб кўйилаётгани билан боғлаб олиб бориларди. Вужудга келган совет анъanasига кўра

¹ РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 8, д. 708, л. 64.

томорқа участкаларининг ҳажми қатъий чекланган ва мунтазам равиша қисқариб борарди. Масалан, агар 1950 йилга қадар томорқа участкаларининг ҳажми 0,15—0,25га қилиб белгиланган бўлса, 1950 йил январдан эътиборан улар қисқартирилиб, 0,12—0,15га микдорига келтирилди. Дехқонлардан кесиб олинган сугориладиган ерлар, боғлар, узумзорлар жамоа ва совет хўжаликларига берилди. Қишлоқ фуқароси ўз хона-донида бир бошдан ортиқ сигир ушлашга ҳуқуқсиз эди. Ҳар бир мевали дарахт тупига солиқ солинган эди, томорқа участкалари ҳақиқатда қишлоқ аҳли учун маҳсулот етиштириладиган асосий манбага айланиб қолганди.

Урушдан олдинги даврдаги мажбурий тартиблар сақлаб қолинган бўлиб, колхозчиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориш эркинлиги чекланган эди. Улар аввалгидек аслида паспортга эга бўлиш имкониятидан маҳрум этилганди, уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси, пенсия таъминоти татбиқ этилмаган эди. Ўзбек қишлоғининг ижтимоний соҳаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Кўпгина қишлоқ меҳнаткашлари ярим хароба биноларда, ертўлаларда истикомат қилишарди. Маший ва тиббий хизмат кўрсатиш тизими ниҳоятда паст даражада қолаётган эди.

Бундай муносабат қишлоқ хўжалигининг хатарли тарзда издан чиқиши, қишлоқ меҳнаткашларининг яна-да қашшоқлашиб бориши, улар меҳнат унумдорлигининг кескин пасайиб кетиши хавфини түғдирарди. Чунончи пахта етиштиришининг кўпайишига қатағон таъқибларини кенг татбиқ этиш, озиқ-овқат экинлари етиштиришни ҳамма жойдан сиқиб чиқариш йўли билан эришилган эди. Коммунистик империя раҳбарияти бундан муқаррар равища манбаатдор эди.

Шуни таъкидлаш керакки, уруш тамом бўлгандан кейин марказнинг пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги сиёсати ниҳоятда тажовузкорлик тусини олди. Мустабид-империяча тузумнинг пахта маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида иттифоқ директив органлари 1946 йил февралда маҳсус қарор қабул қилдилар, унда Ўзбекистонда беш йил мобайнида пахта етиштириш 2,5 баравар кўпайтирилиши¹ талаб қилинган эди.

¹ КПСС и советское правительство об Узбекистане. Сборн. документов (1924—1970 гг.). — Т., 1972. — 478—488.

Марказнинг ҳукмфармо раҳбарияти бу қарорнинг бажарилишини доимий назорат қилиб турди. Режа топшириқларидан четта чиқиш жиной жавобгарликка тортилишга қадар жиддий жазоловчи ҳаракатларга сабаб бўларди. Қарор топган тажрибага кўра пахта йигимтерими даврида аграр хўжаликларга партия-совет назоратчилари-вакиллари — Л. П. Бериянинг даҳшатли «маҳкамаси» ходимлари юбориларди.

У. Юсупов бошчилигидаги Ўзбекистон раҳбарияти, миллий етакчилар марказ томонидан ўтказилаётган оғир қатағонлар тазиёки шароитида ҳалқни навбатдаги жазолаш зарбаларидан ҳимоя қилиш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрдилар. Республикада барча ташкилий ва моддий ресурслардан пахтачиликни ривожлантириш учун фойдаланилди. Ҳусусан, оммавий ахборот воситалари кенг ишга солинди, қишлоқ хўжалик ходимлари йигинлари чакириб турилди. Пахта етиштириш соҳасидаги илгор тажрибаларни кенг ёйиш чоралари кўрилди, ер участкалари муайян звенолар ва бригадаларга аниқ биринтириб кўйилди.

Аграр соҳани техника билан таъминлаш, пахтачилик тармоғини механизациялаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. 1949 йилда «СХМ-48» пахта териш комбайнлари биринчи марта далаларга чиқарилди. 1953 йилга келиб пахта териш машиналари паркида 13813 та машина бор эди¹. Айни вақтда кўрак чувийдиган, кўрак терадиган машиналар ва бошқа техника турларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга кўйилди.

Тиклаш даврининг кўп қиррали вазифаларини ҳал этишда ирригация ва мелиорация ҳам катта роль ўйнарди. Урушдан кейинги даврда кенг миқёсдаги сув хўжалиги қурилиши авж олдириб юборилди. Тўғри, иттифоқ ҳукумати томонидан лозим даражада маблағ билан таъминланмаслиги туфайли бу қурилиш синалган «социалистик ҳашар» йўли билан бажариларди. Минглаб колхозчилар чўкич, белкурак, кетмон ва аравачалар билан қуролланиб, каналлар ва суғориш иншоотлари қурилишида машаққатли меҳнат қилдилар. 1949 йил апрелда республика ҳукумати томонидан «Мирзачўлни ўзлаштиришнинг навбатдаги тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилингандан кейин сув хўжалиги қурилиши муаммосига эътибор бериш айниқса

¹ Ўзбекистон МДА, 88-фонд, 9-рўйхат, 436-нш, 22, 31—варажлар.

ошди. 1950 йилга келиб ўзлаштирилган ер майдонлари 381,4 минг гектарга етди¹. Янги ерларнинг кўпчилик қисми чигит экишга ажратиленди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантиришдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон раҳбарияти пахта етиштириш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини, хусусан республика аҳолисининг моддий аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган озиқ-овқат экинлари етиштириши озмикўпми миқдорда ресурслар билан таъминлашни йўлга қўйишга интилди. Бироқ бу марказнинг пахта яккаҳо-кимлигини кенгайтиришдан иборат империяча йўлига зид келарди. 1947 йилда Ўзбекистоннинг масъул ходимлари марказ томонидан «маҳаллий вазифаларни деб умумдавлат манфаатларини унутиб қўйишида» айланди². Марказнинг директив кўрсатмаларига биноан фақат пахтачиликка асосий эътибор қаратилиши таъкидланди. Шунингдек, миллий раҳбарларга нисбатан ҳам, бусиз ҳам пахта далаларida азоб-уқубатли меҳнат қилаётган қишлоқ меҳнаткашларига нисбатан ҳам яна таъқибловчи тазиқ кўрсатиш кучайтирилди. Натижада 1952 йилда Ўзбекистон давлатга 2 млн. 367 минг тонна пахта толширди — бу 1940 йилга нисбатан деярли икки баравар кўп эди. Бироқ бу ўсиш аграр ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив соғлом жараёнлари натижаси эмас, балки ўзбек дехқонларини шафқатсиз эксплуатация қилиш натижаси бўлди, дейилса хато бўлмайди.

Ялпи ташки иқтисодий мажбурлаш билан боғлиқ бўлган пахта яккаҳо-кимлигини мустаҳкамлашдан иборат империяча сиёsat мамлакат қишлоқ хўжалиги аҳволига оғир таъсир кўрсатди. Масалан, 50-йиллар бошларидаги республика экин майдонлари соҳасида урушдан олдинги давр даражасига эриша олмади. Фалла экинлари умумий ҳосили 1940 йилга нисбатан 615,5 минг тоннадан 443 минг тоннага; сабзавотлар 315,2 минг тоннадан 164,3 минг тоннага; узум 1302 минг тоннадан 840,2 минг тоннага; полиз маҳсулотлари 331,9 минг тоннадан 153,4 минг тоннага тушиб қолди. Айни вақтда сабзавот ҳосилдорлиги гектар ҳисобига 125 центнердан 73 центнерга, полиз маҳсулотлари 84 центнердан 66

¹ Ризаев Р. Социалистическое сельское хозяйство Узбекистана. Т., 1978, С. 155, 169.

² РЦХИДНИ, ф. 17, оп. 8, л. 1204, л. 18—19.

центнерга, каноп 30,9 центнердан 30,4 ц/га тушиб қолди ва ҳоказо¹.

Чорвачилик ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бу соҳада меҳнатни ташкил этишнинг ибтидой усуллари хукмрон эди. Чорвачиликдаги оғир ишларни механизациялаш амалда йўқ эди. Фермаларнинг аксарият қисми нафақат механизациялаширилган, балки ниҳоятда но-чор аҳволда эди. Масалан, «Савай» совет хўжалигига 571 бош қорамолга мўлжалланган битта молхона бор эди, холос. Қолган сигир ва бузоқлар вақтинча мослашган биноларга кўйилган бўлиб, уларнинг эшиклиари, ромлари йўқ эди². Кўпгина хўжаликларда аҳвол бундан ҳам ёмон эди. Республикада сурункасига ем-хашак етишмасди, пахта яккаҳомлиги тазиикӣ туфайли яйловлар ҳаддан ташқари қисқариб кетганди.

Табиийки, бундай аҳвол чорва моллар сони ва маҳсулдорлигининг камайиб кетишига олиб келди. Шуни таъкидлаш керакки, чорва моллари сони 50-йиллар бошларига келиб, урушдан аввалги даражага етолмади. 1953 йилда республикада барча турдаги хўжаликларда жами 1321 минг бош қорамол бор эди, 1940 йилда эса улар 169,1 минг бошни ташкил этганди. 1952 йилда ҳар бош сигирдан йилига атиги 277 литрдан сут соғиб олинди, ҳар бир қўйдан 2,5 кг жун қирқиб олинди. Айниқса, мол гўшти сезиларли равишда камайиб кетди. Агар 1945 йилда ялпи гўшт етишириш 73,5 минг тоннага етган бўлса, 50-йиллар бошларига келиб фақат 57 минг тоннани ташкил этди. Сут етишириш 316,2 минг тоннадан 300,2 минг тоннага тушиб қолди³. Бундай хавфли аҳвол бутун совет қишлоқ хўжалиги соҳасида кўзга ташланди.

Сталин вафотидан кейин ҳокимият жиловини ўз кўлига олган совет метрополиясининг янги сиёсий раҳбарияти аграр соҳадаги кескин танглик ҳолатларининг жадал авж олишини қишлоқдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни жиддий равишда ўзгартириш зарурияти билан боғлиқ қилиб қўйди. 50—60 йилларда уни яхшилашга уриниб кўрилди. Бунга дастлаб Хрущёв маъмуряти, кейин эса Брежнев маъмуряти ҳаракат қилиб кўрди. Улар қишлоқ хўжалигига мамлакатнинг миллий даромадидан анчагина қисмини қайта тақсимлашни,

¹ Ўзбекистон МДА, 1619-фонд, 10-рўйхат, 4112-иш, 110—115-вараклар.

² Ўша жойда, 737-фонд, 3-рўйхат, 5224-иш, 13-варак.

³ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет.... С. 17.

қишлоқнинг ижтимоий муаммоларини янада кенгрок ҳал қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш нархларини оширишни, агарар тармоқда замонавий фан-техника ютуқларини фаолроқ жорий этишини таклиф этдилар. Бироқ ўйланган нарсаларнинг кўпчилик қисми қофзда қолиб кетди. Кўрилган чоралар зиддиятлилиги ва ноизчиллиги билан ажралиб турарди. Чунки марказий ҳукуматнинг янгиланган агарар сиёсати аслида бюрократик ижод маҳсули бўлиб қолаверди, мустабид-империяча тузумнинг мафкураси ва руҳини акс эттиради, ердан фойдаланиш ва бошқаришнинг буйруқбозлиқ-мажбурлаш тизими негизларига дахл қилмасди. Бошқарув механизмлари, қишлоқдан ресурсларни тортиб олиш усуллари янада нозиклашди. Натижада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажми ошган бўлса ҳам, ислоҳотларнинг бошланишида бирмунча бўғиб кўйилган салбий ҳолатлар яна ортиб борди. 80-йиллар бошларига келиб собиқ СССР-нинг қишлоқ хўжалиги навбатдаги марта танглик ҳолатига тушиб қолди.

Иттифоқ раҳбарияти амалга оширган агарар йўлнинг зиддиятлари Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг ўзгариши характерида яққол ифодасини топди. Қараб чиқилаётган даврдаги амалга оширилган янгиликларнинг ижобий жиҳати капитал сармояларнинг сезиларли равишда кўпайганлиги бўлди. Масалан, 1966—1985 йилларда республика агарар секторига 46976 млн. сўм маблағ сарфланди¹.

Лекин шуни таъкидлаш муҳимки, мамлакат агарар мажмуини молиявий-маблағ ва зарур манбалар билан таъминлашда, шунингдек, ўша йиллардаги хўжалик-маданий қурилишнинг бошқа йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг сиёсий етакчиси Ш. Р. Рашидов сезиларли роль ўйнади. У Марказ сиёсати оқимида боришига мажбур бўлишига қарамасдан, йўл кўйилган имкониятлар даражасида халқнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси, дехқоннинг миллий манбаатларини ҳимоя қилишга интилди; умумий турмуш даражасини кўтариш, қишлоққа ёрдам кўрсатиш, республикани соғ агарар ўлқадан саноатлашган-агарар ўлкага айлантириш учун зарур маблағларни ва моддий манбаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. Стат-сборник. — Т., 1987. С. 152.

Ўзбекистондаги, шу жумладан, қишлоқлардаги кўпгина муҳим обьектларнинг курилиши Шароф Рашидов номи билан боғлиқдир. Унинг бевосита иштироки билан қишлоқ хўжалигининг моддий-техника негизи, унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилди. Бироқ миллий раҳбарнинг имкониятлари чекланган эди. Марказ аграр курилиш мағкураси ва стратегиясини белгилаб берарди, унинг моҳияти аввалгидек биринчи навбатда пахтачиликни жадал ривожлантиришдан иборат бўларди.

50—80-йилларда Ўзбекистон олдига директив тарзда давлатнинг умумиттифоқ ихтисослашувида республика нинг ролини кескин кучайтиришдан иборат устувор вазифа кўйилди. Бу вазифани таъминлашда бюджетдан маблағ билан таъминлаш схемаси, ресурсларни мақсадли тарзда ажратиш белгиланди, республикани иқтисодий ривожлантириш умумий дастури назарда тутилди. Натижада кўпгина обьектив жиҳатдан илғор ташаббуслар жиддий нуқсонлар билан амалга оширилди.

Хусусан, марказ тазиёки билан пахтачилик тизимида фан-техника тараққиётини авж олдиришга эътибор кучайтирилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари кейинги ўринга суриб кўйилди. Бунинг устига, республика аграр хўжаликлари марказдан фондлар бўйича ажратилган техникани йилдан-йилга камроқ олишарди. Масалан, 1976—1982 йилларда Ўзбекистонга 3973 та трактор, 4983 та культиватор, 1387 та чанглагич, пуркагич ва бошқа техника кам берилди¹.

Бироқ Ўзбекистон аграр секторида қўлга киритилган айrim ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, бир жойда депсиниб туриш жараёнлари ҳам яққол кўзга ташланди, танглик ҳолатлари ортиб борди. Айниқса, бундай ҳолатлар 70-йилларнинг охириларидан бошлаб рўй берди. Масалан, пахтанинг ялпи ҳосили 1985 йилда 1980 йилдаги 5579,0 минг тоннадан 5381,8 минг тоннага, ғалла 2518,3 минг тоннадан, 1541,2 минг тоннага, шоли 504,6 минг тоннадан 481,7 минг тоннага, сабзавотлар 2459,1 минг тоннадан 2385,6 минг тоннага, полиз ва озиқ-овқат экинлари маҳсулотлари 1046,3 минг тоннадан 790,9 минг тоннага тушиб қолди². Ана

¹ Ўзбекистон МДА. 58-фонд, 355-рўйхат, 20-иш, 96—97-варақлар.

² Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. — Т., 1987. С. 90, 120, 125.

шундай тантлик жараёнлари чорвачилик соҳасида ҳам содир бўлди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши суръатининг хавфли тарзда пасайиб кетиши фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун собиқ Иттифоқда ҳам рўй берди. Натижада 80-йилларнинг ўрталарига келиб бутун Иттифоқда бўлгани каби республикада ҳам бир қатор маҳсулот турлари бўйича меъёrlанган таъминот жорий этилди, яна карточкалар пайдо бўлди.

Иттифоқ раҳбарияти совет қишлоқ хўжалиги самардорлигининг пасайиб кетганлиги сабабларини бу гал КПСС МҚнинг 1982 йил май плениумида таҳлил қилиб кўришга уринди, плениум маҳсус «Озиқ-овқат дастури»ни тасдиқтади. Бироқ бу дастур туб иқтисодий ислоҳотларга асосланмаган эди. Илгари бўлганидек, бу дастур ҳам бошқарувнинг эскириб кетган тизими доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, ўзида турғунылик даври изларини сақлаб қолган, чала-ярим ҳолда эди.

«Қайта қуриш» меъморлари томонидан 1985—1986 йилларда таклиф этилган «аграр янгиланиш» дастури ҳам худди шундай ёндашувлардан холи эмасди. У қишлоқ хўжалигидаги асосий бўғин — қишлоқ меҳнаткашлари манфаатларига, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуришга, хўжалик ва бошқарув механизмини тубдан қайта қуришга даҳл қилмади. Масалан, «ишлаб чиқариш фаолиятини чукурлаштириш» зарурлиги тўғрисидаги жозибадор гап-сўзларга қарамасдан, хўжаликларнинг майда-чўйда ишларига аралашиш амалиётидан воз кечилмади, қишлоқ меҳнаткашларининг аграр ишлаб чиқаришни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш ваъда қилинган бўлса ҳам, реал ҳаётда ҳамма нарса аввалги маъмурий-бўйруқбозлилк йўлидан бораверди.

Ўзбекистондаги аҳвол марказнинг ўлкамиз табиий ва одам ресурсларига истеъмолчилик билан қарashi, кўп йиллик пахта яккаҳокимлигини давом эттириши билан янада чукурлашди.

1989 йилга қадар республикани бошқаришда Ф. Хўжаев, У. Юсупов, Ш. Р. Рацидов сингари қобилиятли, иродали миллий раҳбарнинг ўқлиги ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу раҳбарлар ҳатто мустабид тузумнинг ҳар қандай кескин шароитида ҳам ўзбек халқининг манфаатларини иложи борича ҳимоя қилиб қолган ва имкон тонган жойда марказнинг империяча тажовузини юмшатишга муваффақ бўлган эдилар. Аксинча, юқорида

қайд этиб ўтилганидек, И. Б. Усмонхўжаев ва Р. Н. Нишоновлар бўлса, Москванинг халқа қарши қаратилган барча кўрсатмаларини сўзсиз қабул қылганлар ва уларни хушомадгўйлик билан амалга оширганлар.

«Қайта қуриш» йиллари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янада пасайиш, танглик ҳолатларининг кучайиш даври бўлди.

Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, «қайта қуриш» даврида кўпчилик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш топшириқлари барбод бўлди, аграр мажмуя маҳсулотларининг ялпи ўсишига эришилмади, меҳнат унумдорлиги жиддий равишда қисқарди.

Яна бир хавфли кўрсаткич хўжаликларнинг фойда бериш ва рентабеллиги пасайиб кетганлиги бўлди. Фақат 1989 йилда аввалги йилга нисбатан жамоа ва совет хўжаликларининг олган фойдаси 6,7 млн. сўм миқдорида қисқарди. Уларнинг зарар кўриши 8,6 млн. сўмни ташкил этди. Жамоа ва совет хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши рентабеллиги фақат 22%ни ташкил этди¹.

Шу муносабат билан умуман республика хўжаликлири учун ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпгина турлари зарар келтирадиган бўлиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш жоизdir. Масалан, совет хўжаликлари сектори бўйича ғалла экинларини сотишдаги рентабеллик кўрсаткичи 1980 йилда 1% манфий бўлса, 1986 йилда 3,9%ни, сут ва сут маҳсулотларида — 10,0 ва 5,3%; чўчқаларда — 11,7 ва 5,9%; қўй ва эчкиларда — 3,0 ва 21,6%, жун етиштиришда — 0,3 ва 15,4%, қорамоллар соҳасида — 7,2 ва 27,3%ни ташкил этди. Масалан, 1980 йилда жамоа хўжаликлари секторида картошка етиштириш бўйича рентабелликнинг манфий даражаси 23,8%, 1990 йилда эса — 14,5%, қорамоллар сотиш бўйича тегишли равищда — 9,5 ва 5,5%, чўчқалар бўйича — 41,4 ва 29,7%; парранда бўйича — 21,8 ва 18,4%; жун бўйича — 0,1 ва 6,7%; тухум бўйича — 32,6 ва 44,3% бўлган².

Умуман эса, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси 1970 йилдан бошлиб қиёсий кўрсаткичларда 80-йиллар охирига келиб 35,6% қисқарди³. Бунга маълум даражада маҳсу-

¹ Т у х л и е в Н. Региональный агропромышленный комплекс Узбекистана. — Т.: Фан, 1990. — С. 39.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. С. 294—295, 300—301.

³ Т у х л и е в Н. Кўрсатиб ўтилган асар ... 46-бет.

лот ишлаб чиқаришнинг ўсиши фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурслари самарадорлигини ошириш ҳисобига эмас, балки жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлашни кўпайтириш йўли билан олиб борилганлиги сабаб бўлди. Бироқ қишлоқ хўжалигида тангликнинг илдизлари анча чукурроқ эди. Рўй берган аҳволнинг муҳим сабаблари мустабид империяча ҳокимиятнинг иллатларида, жамият тараққиёти коммунистича андозасининг хом хаёлдан иборат эканлигига, мамлакат иқтисадиёти ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришнинг мустамлакачилик схемасида, итифоқ раҳбариятининг республикадаги асосий бойлик бўлган ер ва ҳалқни шафқатсиз эксплуатация қилишга интилганлигига яширган эди.

Совет тарихининг якунловчи босқичида ҳам давлатга хос талончилик шакллари аслида ўзгармай қолганлиги яққол кўзга ташланди. Барча даврларда СССРда шундай механизм амал қилдики, марказ унинг ёрдамида Ўзбекистоннинг аграр соҳасидан ўзига керак бўлган воситалар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотини ҳеч қандай қаршиликсиз, бемалол тортиб оларди. Бироқ 60-йилларнинг иккинчи ярми 80-йилларга келиб бу механизм ниқобланиб, бамисоли кўзга кўринмас бўлиб қолди. Хўжаликларни «талаш» аграр соҳага капитал маблағлар, кредитлар, техника ва бошқа воситалар оқиб келаётган бир вазиятда амалга оширилди.

Жамоа ва совет хўжаликлари пул маблағларини тортиб олишнинг асосий воситаси аввалгидек қишлоқ хўжалигига ишлаётган саноат ишлаб чиқариши маҳсулотлари нархининг тобора қимматлашиб бораётгани эди. Масалан, техника, ўғитлар, аралаш ем ва бошқа саноат маҳсулоти турлари нархи 1965 йилдан 1985 йилгacha 5 баравар кўтарилиди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархи эса бор-йўғи 2 баравар ошди. Нархларнинг ўсиши жадаллик билан борди. Бунинг натижасида фақат 1980 йилнинг ўзида 1970 йилга нисбатан ҳайдов ва экиш агрегатларининг қиймати деярли 3 баравар, бир гектар ерни сурориш учун техника воситалари нархи 2,8 баравар ортди¹.

Ҳужжатли манбаларни ўтмиш нуқтаи назаридан таҳдил қилиш саноат маҳсулотларининг нархлари бутунлай чиқимли хусусиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Саноат ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўзларининг

¹ Вопросы истории. 1989. № 9. С. 77–83.

харажатларини аграр хўжаликлар ҳисобидан қоллар эдилар. Бундан ташқари, нархларнинг яширин оширилиши ҳам қўшимча равишда мавжуд эди. Бундай доимий нарх орқасида маҳсулот сифатини пасайтириш яширган бўларди. Нархлар механизми амал қилишининг салбий томонлари АСМнинг бир қатор тармоқларида монополиячиликнинг намоён бўлиши билан чукурлашарди, бунда у ёки бу қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш битта корхона кўлида жамланарди. Бу ҳол машиналар нархларини ижтимоий зарур харажатлар даражасида эмас, балки якка тартибдаги харажатлар даражасида белгилаш имконини берарди. Рақобат бўлмаганлиги сабабли, табиийки, заводлар сифати паст техникани ҳеч бир тўсиқсиз етказиб беришарди, эҳтиёт қисмлар билан таъмин этишмас, искеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олишмас, шу билан бирга, асосланмаган юқори нархларни сақлаб қолишар, жамоа ва совет хўжаликлиридан катта маблағларни шилиб олишарди.

Амалга оширилаётган илмий-технология сиёсатидаги зиддиятлар ва иллатлар аграр корхоналарнинг иқтисодий ахволига сезиларли таъсир ўтказарди. Чунки собиқ СССРнинг умумий технологик қолоқлиги туфайли қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари ўн йиллар мобайнида айни бир хил андозадаги тракторлар ва механизmlарни ишлаб чиқараверарди. Қишлоқ хўжалик техникасининг бутунлай янги ишланмалари амалда кўзга ташланмади. Иттифоқ хокимият органлари эса технология инқилобида ривожланишни авж олдириш учун шарт-шароитларни таъминлаш ўрнига, мажбурий тартибда бу маънавий жиҳатдан эскириб қолган паст сифатли техникани сотиб олишга зўларди. Шундай қилиб, катта маблағлар бекорга сарф этиларди. Бунинг устига, техникани давлат устахоналарида таъмирлашга тўғри келарди, бу ерда капитал таъмирлаш кўпинча янги машинадан қўмматга тушарди. Натижада аграр хўжаликларнинг таъмирлаш ишларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлари ҳаддан ташқари ортиб борарди. Буларнинг ҳаммаси жамоа ва совет хўжаликларининг иқтисодиётига оғир молиявий юқ бўлиб тушарди, ўзбек қишлоқларининг ижтимоий ривожланиш имкониятларига тўсиқ бўларди.

Нархлар воситасида талашнинг нозиклашган механизми индивидуал секторда ҳам амал қиласарди. Тадқиқот материалларининг кўрсатишича, Ўзбекистондаги

пахта яккақомлигининг зўравонлиги натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ва бошқа қимматбаҳо хом ашё турларини ишлаб чиқариш республикада 60—80-йиллар даврида аввалгидек қишлоқ меҳнаткашларининг шахсий томорқалари ҳисобидан ўсиши маълум даражада кўзга ташланди. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин¹.

Қишлоқ хўжалигининг умумий ишлаб чиқаришида айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг салмоғи (% ҳисобида)

Йиллар	1960	1970	1980	1985	1986
Фалла	85	90	95	95	94
Пахта	100	100	100	100	100
Каноп пояси	100	100	100	100	100
Картошка	65	46	64	65	72
Сабзавотлар	55	64	51	51	53
Полиз маҳсулотлари	55	29	48	51	56
Гўшт	71	46	55	50	52
Сут	39	29	39	34	36
Тухум	13	34	63	61	65
Жун	74	62	47	36	35
Қоракўл тери	100	77	84	62	65

Жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриниб туришича, картошка, сабзавотлар, полиз экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирища индивидуал секторнинг улуши учдан бир қисм ва ундан ҳам юқорироқни ташкил этган. Шу билан бирга, бу маҳсулотларнинг аксарият қисми қишлоқ аҳолисининг истеъмол қилиши ёки эркин савдога эмас, балки энг кам тайёрлов нархлари билан давлатнинг ҳаддан тащқари ошириб юборилган режа топшириқларини бажариш учун мажбурий равишда топширилган. Қишлоқларга келтирилган саноат маҳсулотлари эса нархи жиҳатидан мутлақо номутаносиблигича қолар эди.

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет... С. 90.

Бошқа бир ҳолат ҳам эътиборга моликдир. Қишлоқ аҳолиси харид қиласиган кенг истеъмол моллари давлат матлубот кооперацияси («Ўзбекбирлашув») орқали харид қилинарди ва уларнинг нархи шаҳар жойладидагига нисбатан қўшимча равишда 15—20% юқори қилиб белгиланаарди. Аксинча, матлубот дўконлари орқали воситачилик асосида сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари колхозчиларнинг маҳсулотларига нисбатан анча арzon нархларда сотиларди. Мисол учун Қарши шахрида ва Қашқадарё вилоятида 80-йилларнинг бошларига келиб бу фарқ сабзавотлар бўйича 33—38%ни, мол гўшти бўйича 18—20%ни, сут бўйича 22—26% ни ташкил этарди¹. Бундай аҳвол бошқа вилоятлар бўйича ҳам кўзга ташланарди. Шундай қилиб, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларининг оғир меҳнати сунъий равишда қадрсизлантирилиб, нархлардаги кескин тафовут орқали давлатга салмоқли фойда келтириш имконини берарди.

Нархларнинг давлат монополияси бирлашган совет давлатининг чекка ҳом ашё ўлкаси бўлиб қолища давом этаётган Ўзбекистон ресурсларидан империяча тарзда фойдаланишнинг муҳим воситаси бўлиб қолаётган эди. Чунки иттифоқ маркази «тengлик ва ижтимоий адолат» тўғрисидаги кўпдан-кўп баёнотларига қарамасдан, 60—80-йилларда республиканинг пахта, қоракўл тери, ипак ва бошқа қимматбаҳо қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий базаси сифатидаги ролини сақлаб қолиш ва кучайтиришдан иборат мустамлакачилик сиёсатини ўтказиши давом эттириб келди. Бундай империяча ёндашув мантифи асосида Ўзбекистонда аввалгидек республика даражасида республикага бўйсунадиган ва тайёр буюмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган илмий ва меҳнат тармоқлари ташкил этилмади. Натижада шундай бўлиб чиқдики, 4.5—5 млн. тонна пахта етиштирилгани ҳолда, республика корхоналари фақат 150 минг тонна пахтани тўлиқ цикл билан қайта ишларди, бу бутун пахтанинг 8—10%ни ташкил этарди². Ишлов бериш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясининг қолган бўғинлари республикадан ташқарида бажариларди. Ўзбекистоннинг умумиттифоқ пахта етиштириш соҳа-

¹ Узаков Н., Канатов Б. Потребительская кооперация сегодня. — Т., 1980. С. 46.

² Карапов З. иядуллаев С. К. Региональные проблемы экономики Узбекистана. — Т., 1987. С. 11—12.

сидаги салмоғи 80-йилларнинг иккинчи ярмида 61%дан күпроқни ташкил этарди.

Бошқа йўналишлар бўйича ҳам маҳсулотлар етказиб бериш ортиб борди. Масалан, давлат томонидан ипак курти пилласини харид қилиш 1971—1990 йилларда 563,6 минг тоннага етди. Мазкур кўрсаткич бўйича республиканинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришидаги салмоғи 67% га етган эди. Давлат йўли билан жун харид қилиш соғ толага қайта айлантириб ҳисобланганда, кўрсатиб ўтилган даврда қарийб 314,5 минг тоннани, қоракўл териларнинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришидаги салмоғи 40% ни ташкил этди.¹ Шунингдек, бу ерда етиштириладиган мевалар, узум ва сабзавот-полиз маҳсулотларининг қарийб 60%и республикадан ташқарига ташиб кетиларди. Хусусан, умумиттифоқ фондига картошка етказиб бериш 1980 йилда 10,4 минг т., 1985—1986 йилларда — 80,6 минг т., сабзавотлар тегишли равишда — 420,9 ва 3661,8 минг т., полиз экинлари — 391,0 ва 2284,0 минг т., мева ва резаворлар — 59,0 ва 418,9 минг т., узум — 41,8 ва 959,7 минг т.ни ташкил этди².

Ўзбекистонда етиштириладиган ва марказий минтақаларга ташиб кетиладиган саноат ҳом ашёси ва озиқовқат маҳсулотларининг тайёрлов нархлари паст бўлганини сабабли республика учун зарарли ҳисобланарди. Масалан, жун етиштириш жуда паст рентабеллиги билан ажralиб туради. 1970—1987 йилларда жамоа ва совет хўжаликларида жун етиштиришга сарфланган харажатлар 2,5 баравар кўпайди, ҳолбуки, унинг сотилиш нархи бор-йўғи 80% оширилди³. Бошқача айтганда, давлат деҳқонлар қилган оғир меҳнат учун етарли ҳақ тўламаслик орқали амалда уларни талар эди.

Бироқ совет давлатининг Узбекистон билан ўзаро муносабатлари тизимининг империяча-жиноий хусусияти бу билан тугамаган эди. Республиkaning пахтаси, ипаги, жуни, қоракўл тери ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини амалда арzon баҳода собиқ Иттифоқнинг саноат марказларига етказиб бериш совет ҳокимияти учун фойдали эди. Масалан, литвалик тўқимачилик заводлари жуннинг ҳар килограм-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет... С. 142; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. — Т., 1991. С. 270—272; Экономика сельского хозяйства. — М., 1990. С. 326—333, 454—472.

² Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. С. 282.

³ Экономика сельского хозяйства. — М., 1990. — С. 454.

мини 6 сўмдан олишарди. Улар икки килограмм жундан пировард натижада қиймати 200 сўм турадиган костюм чиқаришарди. Бу маблағнинг қандайdir арзимаган миқдори Ўзбекистонга таҳқирловчи дотация тарзида келарди. Литванинг ўзида ҳам қанчадир маблағ қоларди. Лекин асосий фойданинг катта қисмини марказ ўзига олиб қоларди.

Пахта, ипак, қоракўлдан олинидиган фойда анча юқори бўларди. Мисол учун, 1 тонна пахтани саноат йўли билан қайта ишланганда 3000 м ҳар хил газлама, 100—110 кг ёғ, 200—250 кг кунжара, ўнларча килограмм тоза пахта ва бошқа жами 200 дан ортиқ турлитуман буюмлар олинарди. Ана шу пахта ва ипакдан марказнинг тўқимачилик фабрикалари газлама, кийимлар тайёрларди; қоракўл теридан қимматбаҳо шубалар, пальто ёқалари, бош кийимлар тайёрланарди. Кейин буларнинг ҳаммаси юқори нархларда сотиларди. Ўзбекистонда фақат пахтанинг ўзини тўлиқ қайта ишлаш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш республиканинг ўзига ҳар йили 6—7 млрд. сўмлик қўшимча даромад олиш имконини бераркан¹.

Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ўрганилаётган даврда, аввал бўлганидек, совет давлати валюта тушумларининг муҳим даромадли қисмини ташкил этарди. Марказ республикамизга хом ашё базаси вазифасини раво кўриб, ўлкадан деярли текинга оладиган пахта толаси, ипак, қоракўл тери ва бошқа қимматбаҳо хом ашёни мунтазам равишда экспортга чиқариб турарди. Масалан, Ўзбекистон 60—80-йилларда бутун собиқ Иттифоқ бўйича сарф этиладиган пахта толасининг 60% дан ортигини қоплагани ҳолда, айни вақтда умумиттироқ йўли билан экспорт қилинидиган пахтанинг 80% дан кўпроғини етказиб берарди. Буларнинг ҳаммаси умумий қиймати 25—30 млрд. сўмдан иборат бўлган товар ресурслари ишлаб чиқариш ва сотишни таъминларди².

Жаҳон бозорида Ўзбекистон қоракўли, айниқса, тўқ-кулранг рангли, шунингдек, Бухоро «Антика»си, тилласимон товланувчи «Камбар» нави ва ноёб брилиант ва «Сурхон сури» навли пуштиранг қоракўл териларнинг нархи юқори бўларди. Шундай экан, Иттифоқ ҳукумати республикада қоракўл терилар ишлаб

¹ Правда Востока, 16 июля 1988 г.

² Тўхлие в Н. Кўрасатилган асар, 74-бет.

чиқаришни кўпайтириш бўйича бир неча марта қарорлар қабул қўлганлиги бежиз эмасди. Натижада уларнинг ҳажми ва давлат йўли билан етказиб берилши муттасил ортиб бораради. Масалан, агар 1940 йилда барча тоифадаги хўжаликлар бўйича умумиттифоқ фондига 1002,1 минг дона қоракўл тери етказиб берилган бўлса, 1960 йилда — 1892,0 минг дона; 1970 йилда — 1946,8 минг дона; 1980 йилда — 2645,3 минг дона; 1984 йилда 1393,0 минг дона қоракўл тери етказиб берилди. Умуман, 1971—1990 йиллар оралиғидаги йигирма йилликда иттифоқ хукумати ихтиёрига 40 млн. донадан ортиқ қоракўл тери юборилган¹. Бу териларнинг аксарият қисми экспортга чиқарилган. Уларни жаҳон бозорида сотишдан совет давлати юз миллионларча доллар ишлаб олди. Умуман олганда, республикадан иттифоқнинг ташқи иқтисодий каналлари орқали экспорт қилинган пахта, жун, ипак ва бошқа маҳсулотларни сотишдан марказ олган даромад қатъий валютада жуда катта миқдордаги маблағни ташкил этади. Бироқ Ўзбекистон империяча муносабатлар тутқунида бўлиб, агар импорт товарларнинг қандайдир қисмини олган бўлса ҳам, бу унинг эҳтиёжларини мутлақо қондирмасди.

Шундай қилиб, ўзбек халқи фақат давлатга маҳсулот етказиб бериш механизмининг ўзи орқали юз миллионлаб сўм маблағидан ажralиб қоларди. Шуни таъкидлаш кифояки, Ўзбекистондан қишлоқ хўжалик хом ашёсини ташиб кетиш ва уни қайта ишлаш ҳисобига собиқ СССРнинг бошқа минтақалари 70—80-йилларда ҳар йили миллий даромаднинг 40 млрд. сўмигача фойда олишарди².

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида 60—80-йилларда мисли кўрилмаган куч тўплаган пахта яккаҳокимлигининг узоқ муддатли салбий оқибатлари иттифоқ хукмрон табақасининг республикамизга нисбатан амалга оширган мустамлакачилик сиёсати фалсафасини ўзида акс эттирди.

«Етук социализм» деб аталган социализм шароитида республика раҳбарияти пахта бўйича режани қисқартириш масаласини иттифоқ раҳбарияти олдига мунтазам равишда қўйиб келганига қарамасдан, марказ-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет... С. 143; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г... С. 272.

² Правда Востока. 30 сентября 1989 г.

нинг иштаҳаси йилдан-йилга ортиб, уни қондириш имкониятларидан кўп марта ошиб кетди. Режалаштиришни эришилган натижага қараб белгилаш, биринчи навбатда пахта етиштиришни кўпайтириш ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларга маблағ ажратилиши ҳақиқий пахта ортидан қувишга олиб келди. Ўша йилларда республикадаги бутун ташкилий ва сиёсий ишлар бевосита пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги давлат топшириқларини бажаришга қаратилди. Партия амалдорлари фаолиятига бериладиган энг юқори баҳо пахта соҳасидаги режаларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат эди.

Ялпи ҳосил ортидан тўхтовсиз қувиш шунга олиб келдик, сугориладиган ерларга нисбатан чигит экиш тезроқ ортиб борди. Пахта етиштириш суръатлари сунъий равишда оширилди. Натижада унинг ялпи ҳосили 1946—1985 йилларда 5,5 баравар ортди, чигит экиладиган майдонлар эса 841 минг га дан 1989,8 минг гектарга етди¹. Ёки бир миллион гектардан ортиқ кўпайди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб пахтанинг салмоғи 75%, бир қатор вилоятлар бўйича эса ундан ҳам ошиб кетди². Ҳолбуки, жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, чигит экиладиган майдонлар 60% дан ошмаслиги лозим бўлиб, акс ҳолда, ерларнинг ҳосилдорлигини нормал қайта тикишга жиҳдий равишда путур етар экан. Бироқ бу нарса иттифоқ ҳукуматини кам ташвишлантиради. Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг оғир зулмидан тинкаси куриб, пахта етиштиришнинг барча имкониятлари тугаган ва режа топшириқлари нореал тус олган бир шароитда марказ ҳар йили пахта топширишни доимий равишда оширишни ўйларди. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистон давлатта 5 млн. 850 минг т., 1981 йилда 6 млн. т. пахта топшириши лозим бўлгани ҳолда, 1982 йилда Брежнев 6 млн. 300 минг т. топширишни таъминлаш вазифасини қўйди, 2000 йилга бориб эса ялпи пахта ҳосилини 8 млн. тоннага етказиш дастури ишлаб чиқилган эди.

Республика раҳбарияти Марказдаги доҳийларга белгиланган режаларнинг хаёлий эканлигини тушунтирмоқчи бўлишганда, уларнинг сўзлари кўполлик билан бўлиб қўйиларди. Бу жиҳатдан В. П. Есиннинг хотира-

¹ Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет... С. 102; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1985 г... С. 103.

² Р и з а е в С. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. — Т., 1992. С. 273.

ларида келтирилган бир лавҳа диққатта сазовор. Есин 80-йилларнинг бошларида Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринbosари бўлиб ишлаган, кейин эса «пахта иши» бўйича «қайта қуриш» даврининг тутқуни бўлган эди. У, жумладан, шундай ёзади: 1983 йил кузида И.Б. Усмонхўжаев республикага бошлиқ бўлган пайтда телефон орқали ўша вақтда КПСС МҚ сиёсий бюроси аъзоси, МҚнинг қишлоқ хўжалиги масалаларини бошқарувчи котиби бўлиб ишлаётган, кейин «қайта қуриш» раҳнамоси бўлган М. С. Горбачевга оширилган пахта тайёрлаш режасини амалда бажариб бўлмайди, далаларда ҳосил тугаган, деб тушунтирмоқчи бўлганда, Горбачев ғазабга тўлиб: «Ўзбекистонда қанча аҳоли яшайди?» — деб сўраган. — «17 миллион». — «Агар режани бажариш учун керак бўлса, демак бутун 17 миллион аҳолини пахта теримида чиқариш керак!», деган.

Совет ўн йилликларининг бутун бориши мобайнида Москвадан келиб турадиган бу хилдаги қўрсатмалар дарҳол жойларга етказилар ва ҳақиқатан ҳам бутун ҳалқ, ҳатто кичик мактаб ўқувчиларигача далага ҳайдаб чиқиларди. Шу билан бирга, бундай аҳвол 60—80-йилларда кўпинча янги йилгача давом этарди. Ҳатто минг-минглаб кишиларнинг саломатлигига птур етса ҳам, бундай вазиятда муқаррар равишда қўшиб ёзишларга йўл қўйилса ҳам, шундай бўлар эди.

Пахтачиликка ихтисослашув шунга олиб келдики, 70—80-йилларда Ўзбекистон Үмумиттифоқ фондига собық СССРда етишириладиган умумий пахта миқдорининг деярли 2/3 қисмини етказиб берарди. Фақат 1976—1985 йилларда давлатга етказиб бериш йўли билан республикамидан 15345 минг тоннадан ортиқ пахта толаси олиб кетилди².

Пахта етиширишнинг жадал кўпайтирилиши Ўзбекистонни фақат собиқ советлар Иттилоқининг асосий пахта базасига эмас, шу билан бирга, «социалистик ҳамдўстлик» мамлакатларининг, биринчи навбатда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатларнинг ҳам пахта базасига айлантириб қўйишини тақозо этди. Хусусан, 50—60-йилларда собиқ социалистик мамлакатларнинг иқтисодий интеграциялашуви асосида умумиттифоқ каналлари орқали шартли

¹ Е с и н В. П. Исповедь узника перестройки//Позиция. 1992. № 2. С. 23.

² Экономика сельского хозяйства... С. 328.

равишида «Ўзбекистон экспорти» деб аталган экспорт умумий ҳажмининг 70% дан кўпроғи юборилди. 70—80-йилларда Болгария ва Венгрия тўқимачилик корхоналарининг 80%, Польша тўқимачилик корхоналарининг 70%и, бошқа «социализм мамлакатлари»нинг аксарият кўпчилиги ўзбек пахтаси асосида ишлади¹.

Пахта яккаҳоқимлигининг зўравонлигини оқлаш ва ҳалқни мафкуравий жиҳатдан караҳт қилиб қўйиш мақсадида Марказ собиқ СССРнинг ҳалқ хўжалик мажмудида ва «социалистик ҳамдўстлик» мамлакатлари иқтисодиётида Ўзбекистоннинг алоҳида роли тўғрисидаги тезисни зўр бериб тарғиб қиласди. Иттифоқнинг юқори сиёсий табақаси мафкуравий таъсир кўрсатишнинг хилма-хил воситаларидан фойдаланиб, жамоатчиликнинг онгига «пахта — ўзбек ҳалқининг миллий ифтихори», «пахта — Ўзбекистоннинг байналмилал бурчи» деган фикрни тўхтовсиз сингдириб борди. Л. И. Брежневнинг «Оқ олтинни олтин кўллар яратади» деган сўзлари кўп қаватли ўйларнинг пештоқларида неонли чироқларда ёниб турар, минг-минглаб улкан панно ва плакатларда ўз аксини топган эди.

Бироқ ташки томондан яққол кўзга ташланадиган шиорлар орқасида ўзбек ҳалқининг олижаноб ҳис-туйгулари ва меҳнатсеварлигидан шафқатсизларча фойдаланиб қолишига империяча интилиш яширган, ҳалқнинг энг зарур эҳтиёжлари бутунлай унутилган эди.

Замон масофасидан яққол кўриниб туришича, сунъий равишида шакллантирилган пахта яккаҳоқимлиги объектив равишида Ўзбекистоннинг камбағаллиги ва унинг экологик фалокатларини олдиндан белгилаб берган эди.

Аввало, мамлакат қишлоқ хўжалигининг ўтакетган худбинлик билан ихтисослаштирилиши уни иқтисодий жиҳатдан паст самарадорликка, аграр соҳага сарфланадиган салмоқли капитал маблағлардан кам самара олишга маҳкум этган эди. Айтайлик, 1971—1985 йилларда республика аграр секторини ривожлантиришга 32,2 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлса, шундан 2063 млн. сўми ерларни мелиорациялаш ишига ажратилди². Бироқ қилинган умидларга зид ўлароқ, ўртacha ҳар 100 га ер майдонидан (қиймат билан

¹ Великая сила дружбы народов. — Т., 1973. С. 333; Известия. 15 октября 1985 г.

² Б а б а д ж а н о в а Д. Б. Социально-экономические аспекты межнациональных отношений в Узбекистане (70-е — середина 80-х гг.). Автореф. дис. докт. ист. наук. Т., 1997. С. 26.

ифодалаганда) Украина дагига нисбатан 3 баравар кам, Белоруссия дагига нисбатан деярли 4 баравар ва Молдавия дагига нисбатан 5 баравар камроқ маҳсулот олинган. Ҳолбуки, Ўзбекистондаги бор-роғлар худди шу миқдор майдонидаги гўзаларга нисбатан 15—16 баравар, узумзорлар — 6 баравар кўпроқ даромад берган¹. Бу хилдаги иқтисодий иллатнинг ички механизми марказнинг пахта етиштиришга нисбатан адолатсиз нарх белгилаш сиёсатида яширинган эди: қайта ишловчиларга ён босиб, пахта етиштиришда сарфланган машиқатли меҳнат ҳисобга олинмасди, бу эса бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатларини назар-писанд қиласликка олиб келарди. Республика ҳукуматининг пахтани харид қилиш нархларини қайта кўриб чиқиш ҳақида қилган таклифлари, бу нархлар мазкур экиннинг сермеҳнатлигидан келиб чиқиши зарурлигини таъкидлашига қарамасдан, улар ўзгармасдан, пастлигича қолаверди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари нархлари умуман паст эди. Бу жиҳатдан қўйидаги фактта эътибор берайлик.

Бир тонна пахта етиштиришга 340 киши-соат сарфлангани ҳолда, бир тонна ғаллага бор-йўғи 12 киши-соат сарф этиларди. Бошқача айтганда, харажатлардаги фарқ қарийб 30 бараварни ташкил этарди. Бироқ маҳсулотни сотишдаги нархлар факат 4—5 баравар фарқ қиласларди, холос².

Меҳнат сарфи ва харид нархига нисбатан бундай номутаносиб нарх ёндашуви Ўзбекистонда меҳнат унумдорлиги паст экан, деган таассурот уйғотарди. Ахир, ғаллани баҳорда ҳам, кузда ҳам экса бўлади, ҳосилни комбайнлар билан тўла-тўқис йигиб-териб олиш мумкин. Фўзанинг ҳар бир тури устида эса кечую-кундуз, деярли ярим йил ишлаш лозим бўлади. Фўзани 6—8 марта сугориш, ҳар бир сувдан кейин тупроқни юмшатиш, кузда ва қишида тупроқнинг шўрини ювиш, бунда жуда кўп қўл меҳнати сарфлаш талаб қилинади.

Қишлоқ меҳнаткашларининг «дангаса»лиги эмас, айнан марказнинг нарх белгилаш соҳасидаги ҳукмронлиги, миллий иқтисодиётнинг пахтага бир томонлама мувофиқлаштирилганлиги республикада, хусусан, пах-

¹ Тўхлие в Н. Иқтисодиётни интенсив ривожланиш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик// Ўзбекистон коммунисти. 1990. 6-сон, 13-бет.

² Азимов Р. Минтакавий ҳўжалик ҳисоби ва миллиатлараро муаммоларни ҳал этиш//Ўзбекистон коммунисти. 1990. 5-сон, 50-бет.

тачиликда зарар келтириб ишлайдиган хўжаликларнинг сони ортишига сабаб бўлди. Чунончи, 80-йилларнинг бошларида ёқ ялпи совет ва жамоа хўжаликларининг учдан бир қисми ана шундай зарар билан ишлайдиган бўлиб чиқди¹.

Пахтанинг нархи онгли равишда пасайтириларди. Бунда иш кучининг тўлиқ қиймати ҳам, истеъмол қилинган табиий ресурсларнинг қиймати ҳам ўз аксими топмаган эди. Тўғри, ҳар йили Ўзбекистонга иттифоқ бюджетидан 1,5—2 млрд. сўм маблағ дотация тарзила қайтариларди, бу ҳалқ учун таҳқирил бўлиб, республиканинг «умумиттифоқ жамгармаси»га қўшган ҳиссасига тўғри келмасди.

Бироқ бундай тажриба Кремлдаги доҳийларга, бир томондан, Ўзбекистонга нисбатан марказнинг империяча сиёсатини «кatta оғанинг кичик инига» «тинимизиз ғамхўрлик қилиши» сифатида олижаноб тарзда кўрсатиш имконини берса, иккинчи томондан, ўзининг бутун мағлубиятлари, камчиликларини республика устига ағдариш, уни ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлашга лаёқатсиз, аҳолиси меҳнатини эса унумсиз, деб камситиш имконини берарди. Ўзбек ҳалқи пахта далаларида ҳолдан тойиб оғир меҳнат қилаётган бир пайтда юқори партия минбарларидан туриб ва марказий матбуотда Ўзбекистон аҳолиси боқимандалик билан кун кўриб, «совет давлати учун оғир бўлган катта дотациялар»ни гўё ноҳақ олмоқда, деган фикр фаоллик билан тарқатилганлиги бежиз эмас.

Ҳолбуки, Ўзбекистон ҳалқи иттифоқ бюджетини мунтазам равищда улкан маблағлар билан бойитиб, ўзи турмуш кечириш сифати бўйича умумиттифоқ кўрсаткичларидан тобора сезиларли равищда орқада қолаётган эди. Марказий ҳукumat томонидан ўтказиб келинаётган ва ўз моҳиятига кўра мустамлакачиликдан иборат бўлган молиявий-иқтисодий сиёsat республика иқтисодиётининг танглигини кучайтириб, ўлкамиз аҳолисининг бусиз ҳам унчалик юқори бўлмаган турмуш даражаси муттасил пасайиб боришига сабаб бўлди. Масалан, 70—80-йилларда миллий даромад Ўзбекистон аҳолиси жон бошига ҳисоблаганда собиқ СССР бўйича ўртacha даражадан 3 баравар кам бўлиб чиқди².

¹ Ўзбекистон МДА, 90-фонд, 10-рўйхат, 476-иш, 97—98-вараклар.

² А м и н о в а Р. Х. Актуальные проблемы социального развития в Узбекистане в условиях перестройки. — Т., 1991. С. 16.

Республика иқтисодиётининг пахтачилик соҳасига бир томонлама мувофиқлаштирилганлиги ўша йиллардаги Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларидағи оғриқли жараёнларни кескинлаштириди. Ўзбекистоннинг бойлиги бўлган пахта унинг учун оғир мусибатга айланди.

Пахта яккаҳокимлиги ва ҳалокатли «социалистик хўжалик юритиш» тажрибасининг салбий оқибатлари мелиорация ва ирригация соҳасида ҳам намоён бўлди. Улар ерларнинг иккиласмчи шўрланиши, сугориладиган гектарлар унумдорлигининг пасайиб кетиши, қилинган харажатларнинг олинган пировард натижаларга мос келмаслигида ўз ифодасини топди. Жумладан, фақат 1975—1983 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгандиги оқибатида фойдаланилмаган ҳайдов ерлар миқдори 4 минг гектардан 67 минг гектарга етди¹. Иккиласмчи шўрланган ерларнинг умумий миқдори қарийб 2 млн. гектарни ташкил этди². 1985 йилда 2,3 млн. га майдонда комплекс қайта тузиш ва тубдан яхшилаш ишларини амалга ошириш талаб қилинди³.

Бундай аҳволнинг содир бўлишига кўп жиҳатдан шу факт ҳам сабаб бўлди, 1965—1985 йиллар оралиғидаги Йигирма йилда Ўзбекистонда 1,6 млн. гектар сугориладиган ерлар ишга туширилди, аграр корхоналарнинг асосий фонdlари б баравар ўсгани ҳолда, ялпи маҳсулот фақат 78% ошди⁴.

«Қайта қуриш» йилларида орқага кетиш жараёнлари сезиларли равища кучайди. Бош-кети йўқ «қайта қуриш» ислоҳотлари шароитида кўпгина ер массивларида шўр босиши, ботқоқлашиш авж олди, сув эррозияси кучайди, тупроқнинг жадал камбағаллашиш жараёни борди. Натижада республикада мустақиллик арафасида мавжуд тўрт миллион гектар ҳайдов ерларидан икки миллион гектаридан ортиғида чиринди 1% дан кам бўлиб чиқди, ҳолбуки, чиринди икки-уч фоиз бўлиши лозим эди.

Рўй берган вазиятнинг сабаблари орасида ўзлаштириладиган ерларни муҳандислик-техникавий жиҳатдан таъминлашга юзаки ёндашиш, дренаж тизимини таш-

¹ Ўзбекистон ПДА. 58-фонд, 336-рўйхат, 106-иш. 25-вараж.

² XXI съезд Компартии Узбекистана. Стенографический отчет. — Т., 1987. С. 101.

³ Насыров Р. А. Социальное развитие сел Узбекистана (1965—1985 гг.). Автореф. дис... докт. ист. наук. — Т., 1994. С. 21.

⁴ Ўзбекистон коммунисти. 1988. 5-сон. 25-бет.

кил этишдаги хатоликлар, сув хўжалиги қурилишига комплекс ёндашувнинг тобора бузилиб бориши, ялпи кўрсаткичларни ҳисобга олиш, фўзларни назоратсиз сув бостириб суғориш, қишлоқ хўжалиги ва илм-фани бошқаришдаги ўзбошимчаликни кўрсатиб ўтиш мумкин эди. Лекин айниқса ҳалокатли таъсир кўрсатган жиҳат Ўзбекистоннинг ёппасига пахта майдонига айлантирилганини эди.

Қишлоқ хўжалик, ирригация-мелиорация ва пахтачилик сиёсатидаги иллатлар Орол фожиасида янада тўлароқ ўз ифодасини топди. Янги ерларни ўзлаштиришнинг экстенсив усулларига, пахта майдонларини муттасил кенгайтириб боришга амал қилиниши натижасида Орол денгизи сатҳи 80-йиллар ўргаларига келиб 13,8 метр пасайиб кетди, сув ҳажми 390 млн. куб метр камайди, майдони 40 минг кв. метр қисқарди, сувнинг минераллашуви бир метр ҳисобига 21 граммга етди. Натижада Амударё ва Сирдарёнинг қўйи оқимида дарё сувлари йўл қўйиб бўлмас даражада камайиб кетди, бу сув амалда ичиш учун яроқсиз бўлиб қолди, бу эса юкумли касалликларнинг кўпайишига имкон яратди.

Орол муаммоси фақат сув танқислигидан иборат эмас эди. Денгиз сувининг шиддат билан камайиб бориши қайтариб бўлмас иклим ўзгаришларига сабаб бўлди, айниқса Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари, шунингдек Қорақалпоғистон аҳолисининг ҳаёт кечириш муҳити кескин ёмонлашувига олиб келди. Оролнинг куриб бориши 2,6 млн. гектар куриган денгиз тубини саҳрога айлантириди. Ана шу ҳудуддан шамол 90—100 млн. тонна заҳарли шўр чангни юзлаб километр масофага учириб кетиб, тупроқ ва ҳавони заҳарлади¹.

Сув хўжалиги қурилишидаги нуқсонлар аграр ишлаб чиқаришни кимёлаштириш дастурини амалга оширишдаги камчиликлар билан янада чуқурлашди. Шуни айтиш керакки, кимёлаштиришни иттифоқ сиёсий раҳбарияти қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг муҳим шарти, дехқончилик соҳасида юқори ва барқарор ҳосил олишнинг самарали воситаси деб ҳисобларди. Натижада кимёлаштириши йўли ёппасига татбиқ этилди.

Кимёвий моддалар айниқса пахтачиликда фаоллик билан қўлланилди. Масалан, 1965 йилда Ўзбекистон

¹ О б л а м у р а д о в Н. Развитие аграрного производства Узбекистана в 1971—1990 гг. Опыт, уроки и проблемы. Автореф. дис... докт. ист. наук. — Т., 1994. С. 26.

жамоа хўжаликларида фойдаланилган 1463,4 минг тонна минерал ўғитлардан тахминан 1324,7 минг тоннаси ўза парваришида ишлатилган. Ўша даврдаёқ экинларга солинаётган минерал ўғитлар даражаси илмий асосланган нормаларга тўғри келмасди. Хусусан, иқтисодиёти тараққий этган ва қишлоқ хўжалиги самарали ривожланган мамлакатларда ҳар гектар майдонга кўпич билан ўрта ҳисобда 100 кг минерал ўғит тўғри келган бўлса, Ўзбекистонда 60-йилларнинг ўрталарида бу рақам 268 кг ни ташкил этган¹. Кимёвий ўғитлар ва заҳарли воситалар ишлатиш йил сайин ортиб борди. Фақат 1970—1975 йилларда заҳарли моддалар ишлатиш аввалги беш йилликка нисбатан 1,5 баравар кўпайди. Ўша даврда ишлатилган энг хавфли заҳарли моддалар орасида бутифос алоҳида ўрин эгалларди, у кучли таъсир қиливчи ўта заҳарли дефолиант ҳисобланарди.

Бошқа жиҳат ҳам ташвишли эди — заҳарли кимёвий моддаларни авиация воситасида ўзаларга пуркаш кўрсаткичлари жадаллик билан ортиб борди. Фақат 60-йилларнинг иккинчи ярмидаги беш йил мобайнида авиация ёрдамида бажариладиган кимёвий ишлар ҳажми 34,3% кўпайди². Буларнинг ҳаммаси табиий муҳитта ҳалокатли тарзда таъсир кўрсатди, хавфли касалликларни ва ўлим даражасини кучайтириди, ирсият дараҷасида хавфли ўзгаришлар келтириб чиқарди.

Республиканинг машхур олимлари, миллий зиёлилар вакиллари Иттифоқ органларига яна ва яна мурожаат қилиб, ўз ҳалқининг тақдири учун чукур ташвиш билан сугорилган фикрлар баён қилгандар. Масалан, 1969 йил 17 ноябрда Республика Фанлар академияси Раёсати раҳбар органларга мълумотнома йўллаган, унда пестицидлар ва заҳарли кимёвий моддаларнинг қишлоқ хўжалигида оммавий равишда татбиқ этилиши инсон саломатлигига ва атроф муҳитга ҳалокатли таъсир кўрсатиши таъкидланган³. Ўз навбатида, республика раҳбарияти Иттифоқ ҳукумати олдига авиация воситасида бажариладиган кимёвий ишларни қисқартириш, хавфли заҳарли кимёвий моддаларни камроқ заҳарли моддалар билан алмаштириш масаласини бир неча марта кўйди. Бироқ марказ бу огоҳлантиришлар ва илтимосларни рад этди, ўзининг рад қилишини

¹ Ўзбекистон МДА, 90-фонд, 10-рўйхат, 62-иш, 1—2-вараклар.

² Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 39-рўйхат, 1424-иш, 20-варак.

³ Ўша жойда, 41-рўйхат, 1680-иш, 33—36-вараклар.

пахта етиштиришнинг мұхимлиги, чет элдан камроқ заҳарли дориларни харид қилишга валюта маблағларининг йўқлигини баҳона қилиб кўрсатди¹, ҳолбуки, марказнинг ўзбек пахтасини чет эл мамлакатлариға экспорт қилиши ҳисобига салмоқли миқдорда валюта тушарди.

Иттифоқ маъмурлари томонидан қўллаб-куватланмаган республика директив органлари Ш. Р. Рашидов ташаббуси билан заҳарли кимёвий моддалар ишлатиш ҳажмини камайтириш юзасидан ўзларига боғлик чоратадбириларни мустақил равищда белгилашга интилдилар. Масалан, 1970 йил 21 майдан Узбекистон Олий Кенгаши раёсати қабул қилган қарорда «экинларга ишлов беришда кимёвий кураш усусларини қатъий тартибга солниш, иложи борича ёппасига ишлов беришни барҳам топтириш, авиация ёрдамида бажариладиган кимёвий ишларни қисқартиришга, заҳарли кимёвий моддалар сарфлашни камайтиришга эришиш² қатъий зарурлиги қайд қилинган эди.

Республикада ёппасига кимёлаштиришнинг хавфли оқибатлари га барҳам бериш мақсадида 70-йилларнинг бошларидагу заларга кимёвий ишлов бериш ҳажми қисқартирила бошланди, заҳари кучли бўлган дорилардан фақат заарланган майдонларда ва иложи борича ерда ишлов бериш усулидан фойдаланиш, шунингдек қишлоқ хўжалик экинларига авиация воситасида ишлов бериш миқёсларини қисқартириш чоралари кўрилди.

Бироқ бу «ўзбошимчалик» Иттифоқнинг хукмрон доиралари томонидан газабли акс-садо билан кўтиб олинди. Орадан кўп ўтмай республика раҳбариятининг барча илғор ташаббусларига марказ тўсқинлик қила бошлади. Марказнинг тазиёки билан заҳарли кимёвий моддалар ишлатиш қисқартирилиши у ёқда турсин, ҳатто уларни ишлатиш жиддий равищда кўпайтирилди. Натижада гўза майдонлари хавфли кимёвий моддалар билан деярли тўлдириб юборилди. Агрокимёвий ишларда бундай моддаларни ишлатиш миқёслари тез суръатлар билан ортиб борди.

Экологик танглик чўққиси 80-йилларда бошланди. Мустақиллик арафасида ҳар бир гектар гўза майдонига 24,5 кг дан заҳари кучли бўлган кимёвий моддалар тўғри келди, ҳолбуки иқтисодиёти ривожланган мам-

¹ Ўша жойла, 77—78-варажлар, 1684-иши, 186-варак.

² Узбекистон МДА, 2454-фонд, 6-рўйхат. 1866-иши, 61—62-варажлар.

лакатларда бундай моддалар гектариға фақат 0,5 кг дан түгри келарди¹. Бошқа кимёвий моддаларни ишлатиш ҳам ҳаддан ташқари кенг кўлам касб этди. Масалан, агар 80-йилларда бутун дунёда бир гектар ерга 300 г пестицид ишлатилган бўлса, Ўзбекистонда фақат гўзанинг ўзига 54 кг дан ортиқроқ, яъни йўл қўйиладиган нормадан деярли 50 марта кўп ишлатилган².

Марказнинг буюк давлатчилик манфаатлари халқ манфаатлари ва саломатлигидан юқори қўйилган пайтда бундай файриинсоний ёндашув Ўзбекистондаги экологик вазият фожиавий шакллар касб этишига олиб келди. Хусусан, республикада 60-йилларнинг охирларида ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, очиқ сув ҳавзаларида юқори даражада заҳарли инсектицилар (ДДТ, метил-меркаптофос ва бошқалар) таркиби йўл қўйиладиган концентрациядан 20—50 баравар кўп, айрим ҳолларда эса 100 баравардан ҳам кўплиги маълум бўлган. Ҳолбуки бу вақтда Ўзбекистон аҳолиси нинг 45% и ичиш учун каналлар ва ариқларнинг сувидан, 18% и дарё сувидан, 10% и ҳовузларнинг сувидан фойдаланган. Маҳаллий аҳолининг аксарият кўпчилиги истиқомат қиласидан қишлоқ жойларида эса водопровод деярли йўқ эди³.

Заҳарли кимёвий моддаларнинг бундай тўпланиши хавфли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлувчи сурункали заҳарланишга олиб келди. Масалан, 60-йилларнинг ўзида айниқса аёллар ва болалар орасида эндокрин касалликлар ва камқонлик (анемия) кескин ортганлиги кўзга ташланди. Хусусан, 1965 йилда Фарғона вилояти бўйича эндокрин паталогиясига йўлиқ-қан 17 нафар бола, 1968 йилда 346 бола, неврология хасталигига йўлиқ-қан 1190 бола рўйхатта олинган⁴. Йулк ҳолда ва чала туғилган гўдаклар сони йил сайин кўпайиб борди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон аҳолиси истиқомат қиласидан ташқи муҳит, шу жумладан тупроқ, сув, ўсимликлар, атмосфера ҳавоси 60-йилларда ёк ҳаёт учун йўл қўйиб бўлмайдиган даражада заҳарланганлигидан далолат берарди. Шундан кейинги даврда эса бу ҳалокатли ҳодисалар жуда кенг қамровли хавфли тус олди.

¹ Дружба народов. 1990. № 2. С. 193.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1987 йилги жорий архиви, 17-иш, 52—53-варақлар.

³ Ўзбекистон МДА, 837-фонд, 41-рўйхат, 1854-иш, 269-варақ.

⁴ Ўша жойда, 1859-иш, 288—289-варақлар.

Республика мустақиллиги араfasида, айниқса қишлоқ жойларida фавқулодда эпидемик вазият вужудга келган эди. Мисол учун, тиббий текширишлар маълумотларига кўра, 80-йилларнинг ўрталарида Хоразм, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистондан катта ёшдаги аҳолининг 70% дан кўпроғи ва болаларнинг 80% дан зиёдроғи битта ёки бир нечта хасталиклар билан оғриганилиги аниқланган¹.

Умуман, бутун республикада бўлгани каби қишлоқларимизда ҳам иҷбуруғ, сил, сариқ касаллиги, ич терлама, сарамас касалликлари кенг тарқалди. Масалан, фақат 1980—1989 йилларда ҳар 100 минг аҳоли ҳисобига ўлқада хавфли ўсимта касалликлари билан оғриганилар 204 кишидан 276 кишига, хавфли сил билан оғриганилар қишлоқ жойларida 6,6 минг кишини ташкил этди, республика бўйича эса бу кўрсаткич ҳар 100 минг нафар аҳоли ҳисобига 45,6 дан 50,4 нафарга етган².

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш жиддий муаммолигича қолаётган эди. Мустақиллик араfasида ҳомиладор ҳар минг аёлдан 254 нафари камқонлик билан оғриган эди, бу рақам ўша вақтда Иттифоқ бўйича 84 нафарни ташкил этарди³. Касалликдан вафот этган ҳомиладор, туқдан ва болали аёллар сони ҳар 1000 тугилгандар ҳисобига 48,6 нафарни ташкил этган. Қиёслаш учун шуни айтиш керакки, мазкур кўрсаткич Грузияда — 22,5, Литвада — 22,4, Белоруссияда — 17,0 нафарни ташкил этган⁴.

Болалар ўлимининг ортиши ўта ачинарли факт эди. Бир ёшга ҳам етмай вафот этган гўдаклар сони ҳар 1000 тугилган болага нисбатан Қорақалпоғистонда — 68,8, Сурхондарё вилоятида — 57,7, Фарғона вилоятида — 56,6 нафарни ташкил этган. Баҳористон, Учқудук, Нукус ва Бўзатов сингари туманларда 80 дан 118 нафаргача бўлган⁵. Агар умуман Иттифоқ бўйича бу кўрсаткич ҳар 1000 тугилган бола ҳисобига 26, ГФР, Канада, Финляндия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатларда — 5,5 нафарни ташкил этганлитини ҳисобга оладиган бўлсақ, юқоридаги рақамларнинг фожиавий тусда эканлиги янада яққолроқ кўринади⁶.

¹ Қаранг: Васильев А., Кранс А. Арап: варианты решений. // Коммунист. 1990. № 2. С. 56.

² Охрана здоровья в СССР. Статсборник.— М., 1990. С. 37, 39.

³ Колхозное крестьянство Узбекистана. — Т., 1990. С. 94.

⁴ Охрана здоровья в СССР. Статсборник. — М., 1990. С. 16.

⁵ Ўзбекистон коммунисти. 1987. № 7, 10, 14-бетлар.

⁶ Социальное развитие СССР в 1989 г. Статсборник. — М., 1996. С. 316, 318.

Шундай қилиб, совет даврида экология соҳасидаги «кимёвий зарбалар»нинг хавфли оқибатлари соғлиқни сақлашнинг умумий тарзда паст ҳолатда бўлишига олиб келди, ҳалқ соғлиғини сақлаш муаммоси миллатнинг омон қолицидан иборат оламшумул масалага айланаб кетганлигини кўрсатди. Пахта яккаҳокимлиги ва Ўзбекистоннинг ярим мустамлака ҳолатида эканлиги билан боғлиқ салбий жараёнлар бу вақтга келиб ўзбек ҳалқининг насл-насаби негизларига хатарли таъсир кўрсатиб, унинг генотипида хатарли ўзгаришлар вужудга келишига сабаб бўла бошлаган эди.

Пахта яккаҳокимлиги, иқтисодиётнинг хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги, харид нархларининг пастлиги қишлоқ аҳолисининг моддий аҳволига ва ўзбекистонликларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этилишига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳужжатли манбаларнинг гувоҳлик беришича, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини айирбошлишдаги номутаносиблиқ, марказнинг пахта етиштириш ниҳоятда сермеҳнат эканлигини инкор қилиши туфайли республика аграр соҳасидаги иш кучининг қиймати собиқ СССРдаги энг паст қийматлардан бири ҳисобланарди. Масалан, Ўзбекистон колхозчиси ишлаган бир иш кунига 80-йилларнинг ўрталарида 5 сўм 88 тийин, Тожикистон колхозчиси — 6 сўм 04 тийин, Киргизистон колхозчиси — 6 сўм 90 тийин, Туркманистон колхозчиси — 7 сўм 03 тийин, РСФСР колхозчиси — 8 сўм 03 тийин, Литва колхозчиси — 9 сўм 90 тийин, Эстония колхозчиси — 14 сўм 04 тийин оларди¹. Бу биринчи навбатда пахтакорлар меҳнатига ниҳоятда кам ҳақ тўланиши билан боғлиқ эди. Шуни айтиш керакки, агар ғаллакорнинг 1 соатлик меҳнатига 62,5 тийин тўланса, пахтакорнига атиги 16 тийин тўланарди².

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг пастлиги ва унга мувофиқ келадиган турмуш даражаси майший эҳтиёжларни қондириш даражаси ҳам паст бўлишига олиб келарди, товарлар ва хизматларнинг оммавий ва пухта равишда ишлаб чиқарилишига, ички бозорнинг ривожланишига, майший хизмат кўрсатиш соҳасининг сифат тизимини шакллантиришга имкон бермасди.

¹ Социологические исследования. 1989. № 1. С. 14.

² ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазириятига жорий архиви. Бош бошқарманнинг 1985 йилги материаллари. 14-сонли папка, 17-варак.

Холисона айтганда, Иттифоқ директив органлари Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалардан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан орқада қолаётганлигини эътироф этиб, уни жадал ривожлантириш зарурлигини таъкидлар эдилар. Бироқ бу билан ўлкамиз иқтисодиётининг хом ашё йўналиши ҳам, бу ерда ишлаб чиқарилган миллий бойликни баҳолаш амалиёти ҳам, республика аҳолисининг тез ортиб бораётган ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга, минтақанинг кескин экологик муаммоларини ҳал этишга бюджет маблағлари ажратиш мезонлари ҳам ўзгармасди.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон аҳолиси реал даромадларининг собиқ Иттифоқ бўйича ўртacha тегишли кўрсаткичлардан тобора орқада қолишига сабаб бўларди. Масалан, Ўзбекистонда оиласининг ўртacha ҳажми 5,9—6 кишини ташкил этиб, шундан 3—4 киши қарамоқда эди, аҳолининг 45%и оладиган ўртacha даромад 75 сўмдан кам эди, умуман СССР бўйича эса фақат 12% аҳоли шундай даромад оларди¹. Агар республикада қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақи саноат меҳнаткашлари иш ҳақидан анча паст эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ўша йилларда аҳолининг аксарият кўпчилик қисмининг турмуш даражаси паст эди, деб асосли равишда гапириш мумкин. Кам таъминланган аҳоли (1 киши ҳисобига тўғри келадиган даромад 50 сўмдан кам бўлган аҳоли) улуши Ўзбекистонда РСФСРга нисбатан 32 баравар кўп² эканлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Пахта яккаҳокимлигининг ҳалокатли оқибати сабзавот-полиз экинлари экиладиган майдонлар миқдори доимий равищда қисқарип боришида ҳам намоён бўлди. Совет ҳокимиятининг сўнгги ўн йиллигида, аввалги даврларда бўлгани каби, пахта етиштиришнинг оғир режалари кўп жиҳатдан чигит экиладиган майдонларнинг кенгайиши ҳисобига бажариларди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб экин экиладиган майдонларнинг 90%и пахтага ажратилган бўлиб, сабзавот ва картошка экиладиган майдонлар бор-йўғи 5% ни ташкил этарди.³

Республиканинг пахтачиликка ҳаддан ташқари ихтинослаштирилганлиги оқибатида ғалла ва гўштнинг қарийб 70%, картошканинг 60%, қанд-шакарнинг,

¹ Народное хозяйство СССР в 1988 г. Статежегодник. — М., 1989.

² Аргументы и факты. 1990. № 20.

³ Тўхлис Н. Кўрсатилган асар. 42-бет.

Куристилган сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммаси четдан келтириларди¹. Бу эса Узбекистонни марказлашган тақсимотга боғлиқлигини кучайтириб, республика дастурхонининг анча камбағаллашувига таъсир кўрсатди. Пахта яккаҳокимлиги миллий иқтисодиётни ва ҳалқ саломатлигини зарарли ўсимта каби шикастлантираётган бир пайтда марказ озиқ-овқат етказиб бериш шартномаларини тобора барбод қилишда давом этди. Бунинг устига, Иттифоқ раҳбарияти республикани ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин этишини астойдил талаб қиласади. Бу эса пахта этишириш диктатураси сақланиб қолган ҳолда ихтинослашув тамойилини тўхтатмасликни билдиради. Бошқача айтганда, «сувга чўкаётгандарни» кутқариш «чўкаётгандар»нинг ўзига топширилган эди.

Бундай ёндашув шунга олиб келдики, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси бўйича ўзбекистонликлар Иттифоқда энг охирги ўринлардан бирини эгалладилар. Совет империяси тарқалиб кетиш пайтига келиб Ўзбекистоннинг ўртача фуқароси собиқ СССР бўйича деярли 2 баравар кам гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва тухум истеъмол қиласади. Хусусан, Иттифоқ бўйича аҳоли жон бошига физиологик норма бўйича гўшт 82 кг ўрнига 60 кг истеъмол қилинган бўлса, республикада фақат 30 кг гўшт истеъмол қилинган; сут тегишли равищда 405 ва 196 кг; тухум — 141 ва 107 дона тўғри келган².

Ўзбек қишлоқларидаги аҳвол тағин ҳам ачинарли эди. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида гўшт истеъмол қилиш СССР бўйича ўртача миқдордан 5—6 баравар кам; творог, сут маҳсулотлари 3 баравар, тухум — 3,5, картошка — 4,7, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 21,6 баравар кам истеъмол қилинган³. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг нисбатида ҳам сезиларли тенгисзлик хукм сурарди. Қишлоқ аҳолиси республиканинг шаҳар аҳолисига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотларини кам истеъмол қилган. Масалан, 80-йилларнинг ўрталарида колхозчилар ишчиларга нисбатан 2,5 баравар кам ёрма ва дуккакли маҳсулотларни, картошкани тахминан 3 марта, сут ва

¹ Зиядуллаев С. Экономическая реформа в Узбекистане в действии. — Т., 1994, С. 10.

² Народное хозяйство Республики Узбекистан в 1993 г., — Т., 1994. С. 106.

³ Правда Востока. 12 марта 1988 г.

сутли маҳсулотларни 3 марта кам истеъмол қилганлар. Ҳатто сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам қишлоқ кишисига шаҳарликка нисбатан 25 кг кам тӯғри келган¹. Ҳолбуки Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилик қисми — 65%и қишлоқ жойларида истиқомат қиласди. Деҳқонлар асосан нон билан тирикчилик қилишган. Гўшт, тухум, балиқ, сабзавот ва мевалар уларнинг дастурхонида фақат катта тантаналар вақтидагина пайдо бўларди, бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўзбек қишлоқлари турмуш даражаси муҳим кўрсаткич бўлган уй-жой масаласида ҳам анча орқада қолган эди. Масалан, аҳоли жон бошига уй-жой майдони жиҳатидан бошқа ривожланган мамлакатлардан 8—9 баравар орқада эди². Ободончилик, коммунал хизмат кўрсатиш, майший хизмат даражаси бўйича умуман таққослаб бўлмасди. 80—90-йиллар чегарасида қишлоқ аҳоли пунктларининг 80% дан ортиқроғи водопровод сувидан маҳрум эди ва фақат ташиб келтириладиган сувдан ёки очик манбалар сувидан фойдаланарди; улардан фақат 1%и да канализация мавжуд эди. Қишлоқда оқава сувларни тозалаш иншоотлари кувватидан 40% дан камроқ фойдаланиларди. Бу ҳол тозаланмаган сувлар, майший чиқиндиларнинг асосий қисми очик ҳавзаларга, ер ости чукурларига ёки ер устига ташлашига олиб келарди³. Ўзбек қишлоқларини газлаштириш ҳам амалда бошланғич даражада эди.

Қишлоқ аҳолиси соғлигини сақлаш соҳаси ниҳоятда танглик ҳолатида эди. Хусусан, 80-йилларнинг охирида касалхона муассасалари фақат қишлоқларнинг 20%ида мавжуд эди, холос. Лекин улар ҳам асосан мослаштирилмаган биноларга жойлаштирилган бўлиб, тиббиёт ходимлари ва зарур асбоб-ускуналар билан етарли таъмин этилмаганди.

Ўзбек ҳалқи пахта яккаҳокимлиги зулмидан деярли тинка-мадори қуриган ана шундай қийин шароитда ҳам, империяча марказ республикага қаттиқ қатағонлар зулмини ёғдирди. «Қайта қуриш» ташаббускорлари бўлган М. С. Горбачев, Е. К. Лигачёв ва бошқалар буюк давлатчилик тафаккурига амал қилиб ва ўз сиёсий ман-

¹ Основные показатели выполнения продовольственной программы Узбекской ССР. — Т., 1990. 5—6.

² Сборник экономических докладов. — Т., 1989. Т. 3. — С. 6,7.

³ Каранг: В а с и л ь е в А., К р а н с А. Арап: варианты решений. // Коммунист. 1990. №. 2. С. 56.

фаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг бошига тушган фалокатни унинг ўз айби қилиб кўрсатдилар. Халқ хотирасида ўчмас доғ бўлиб қолган шовқин-суронли «пахта иши» сунъий равишда ўйлаб чиқарилди.

Зўравонликнинг дастлабки хавфли аломатлари 1984 йилдаёқ пайдо бўлиб, улар Ўзбекистон компартияси МҚнинг 23 июнда бўлиб ўтган XVI пленуми қарорлари билан боғлиқ бўлди. Пленумда республика иқтисодиётини ва маданиятини ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар, ижтимоий-сиёсий ҳаётни соғломлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалалар ташқи томондан асосли тарзда қўйилгандай эди. Бироқ Ўзбекистонда бошланган «тозалаш» иши мутлақо халққа қарши қаратилган тусда авж олдирилди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг чиқишлирида ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилганидек, XVI пленумда бошланган йўл чукур бузиб кўрсатилган ва нотўғри талқин қилинган эди. Бу ишнинг раҳнамоси биринчи навбатда иттифоқ раҳбарияти эди. Республиканинг оғриқлари ва эҳтиёжларига гирт тескари ҳолда Ўзбекистон империяча кучларнинг яширин кураш олиб бориши майдонига айлантирилган эди.

СССР сиёсий раҳбариятининг фаразгўйлик нуқтаи назаридан келтириб чиқарилган бу навбатдаги кампаниянинг асосий мақсади марказнинг устунлигини мустаҳкамлашга, таҳқирланган Ўзбекистон мисолида «мускулларни ишга солиб кўриш» ва бу билан жон талвасасидаги Иттифоқнинг империяча тизгинини қаттиқроқ тортиб кўйишга интилишдан иборат эди. Иккинчи томондан, ҳокимият тепасига келган москвалик раҳбарларнинг янги бўғини ўз салафларини «большевик-часига» «фош этиш» йўли билан салмоқли сиёсий капиталга эга бўлиб олишга уринди. Бу жиҳатдан қулай нишон ана шу вақтга келиб Ш. Р. Рашидовнинг вафот этганлиги бўлди. Орадан кўп ўтмай, шошилинч равишда «шароф рашидовчилик» деган сиёсий ёрлиқ тўқиб чиқарилганлиги ҳам тасодифий эмас, бу ёрлиққа беҳад коррупция, сунистъемоллар, кенг миқёсдаги ёлғончилик ва кўзбўямачилик тиркалди.

Шундай йўл тутилишининг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Улар жумласига марказнинг анъанавий руҳда ўзининг барча нуқсонларини, гоят қўпол равишдаги бузилишларни айрим иттифоқдош республикалар, биринчи навбатда Ўзбекистон раҳбариятининг «ғайрихукуқий» фаолиятига тўнкашни киритиш мумкин. Бу жи-

ҳатдан «қайта куриш» етакчиси М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съездидаги маърузаси характеридир. У мазкур маърузасида республиканизнинг «айби»ни алоҳила кўрсатиб ўтди. «...Салбий жараёнлар Ўзбекистонда жуда кескин намоён бўлди, десак хато қилмаймиз, — деди Горбачёв партия анжуманида. — Республиканинг собиқ раҳбарлари ҳаётдан ажralиб қолиб, фақат ютуқлар ҳақида гапириб, камчиликлар тўғрисида лом-мим демасликни одат қилиб олди, ҳар қандай танқидий мулоҳазалардан эса асабийлашадиган бўлиб қолди. Республика партия ташкилотида интизом бўшашиб кетди, принципсизликни, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлашни ва амалпарастликни бирдан-бир принцип қилиб олган шахслар ҳурмат кўра борди. Лаганбардорлик, «мартабаси улуғ кишиларни» беҳад мақташ кенг ёйилди. Буларнинг ҳаммаси ишга зарар келтириши турган гап эди. Иқтисодда ва ижтимоий соҳада аҳвол кескин ёмонлашди, турли фирибгарлик, ўгрилик, пораҳўрлик авж олди, ...қонунчилик кўпол равишда бузилди»¹.

Марказнинг «оқартириб» кўрсатиш тактикаси бутун совет давлати миқёсида намоён бўлган тантлик ҳолатларининг ҳақиқий сабабларини очиб бера олмади. Аксинча у боши берк кўчаларга олиб кириб қўйди. Бироқ бундай тактикадан москвалик ҳукмрон раҳбари ят манфаатдор эди, чунки ҳалқнинг дикқат-эътиборини ижтимоий-иқтисодий ривожланишга доир муҳим муаммолардан чалғитарди, қуйи табакаларда тўпланиб қолган ижтимоий кескиниликни душманнинг муайян тимсолига нисбатан газаб-нафротни тўкиб-солишга имкон берарди. Афсуски, юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистоннинг раҳбар доиралари орасида Марказдаги стратегларнинг бу хилдаги сиёсати етарли зарбага учрамади.

«Келгиндилар»нинг фаолияти оммавий ахборот во-ситалари орқали ўзбек ҳалқига қарши зўр бериб таҳ-қирловчи сўзлар ёғдириш билан мустаҳкамланди. Ўзбекистон кенг тус олдирилган йирик миқёсдаги ашаддий баразгўйлик кампаниясига дуч келдики, у касбий ҳалоллик ва андишлилик чегарасидан чиқиб кетган эди. Улар очиқдан-очиқ туҳмат қилиш, ошкора равишда ёлғон гапиришдан ҳам тоймадилар.

Ана шундай шароитда республика учун марказдан тикиштирилган «ўзбеклар иши» ёки «пахта иши» деган

¹ КПСС XXVII съездининг материаллари. — Т., 1986, 91—92-бетлар.

иш қонунсизлик ва оммавий қатағонларнинг авжга чиқишига сабаб бўлди. У юз минглаб ўзбекистонликлар тақдирига даҳл қилди, шу жумладан, кўплаб қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Фақатгина 1983 йилдан 1989 йилгacha бўлган даврда Ўзбекистондаги хукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўшиб ёзиш, порахўрлик, ўғриликлар ҳақидаги 800 дан ортиқ жинойи иш текширилди. Мазкур ишлар бўйича 5 мингдан ортиқ киши жазога хукм қилинганлиги маълум бўлди, улардан 600 нафари раҳбар ходимлар, ўн нафари меҳнат қаҳрамонлари эди¹.

Гдлян ва Иванов бошчилигидаги машъум гуруҳ «пахтачилик соҳасидаги коррупция»га қарши «кураш» қуроли бўлиб майдонга чиқди. Бу гуруҳнинг «иш» усули дастлабки қадамлариданоқ қонунчиликни ўоят кўполлик билан бузиш, тергов қилинувчилар ва уларнинг қариндош-уруғларига нисбатан очиқдан-очиқ зўравонлик қилиш билан ажралиб турди. Бу ҳақда кейинчалик СССР Олий Кенгаши Комиссияси томонидан ўтказилган текшириш материаллари яққол далолат беради. Бу материалларда дастлабки терговнинг бориши жараёнидаёқ йўл қўйилган кўлдан-кўп сунистъемолиарга доир фактлар келтириб ўтилган. Кўлга олиш ва қамашлар далил-исботлар йўқ бўлгани ҳолда амалга оширилди, Кенгашларнинг депутатлари Кенгашнинг дастлабки розилиги бўлмагани ҳолда ҳибсга олинган ва тинтуб қилинган, айланувчиларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ҳам қамоққа олинган. Шу жумладан, беморлар, қарилар, кўпболали оналар ҳам аяб ўтирилмаган. «Вактинча» қамоқда сақлаш йиллаб давом этган. Қамоққа олинганларнинг айримлари таҳқирларга бардош беролмай, ўз жонларига қасд қилганлар.

Зўравонлик зулми ўзбек қишлоғининг кадрлар салоҳиятига жуда оғир зарба берди. Сунъий равишда ўйлаб чиқарилган «пахта иши» натижасида жамоа хўжалиги раислари ва совет хўжалиги директорларининг 60% лавозимларидан олиб ташланди, қишлоқ хўжалиги етакчи мутахассисларининг таҳминан 45%, пахтачилик бригадалари бошлиқларининг ҳар учинчиси вазифасидан узоқлаштирилди. Уларнинг кўпчилиги тергов изоляторларига ташланди. Турма ва лагерларга жўнатилди. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги йирик агросаноат бирлашмасининг раҳбари, ажойиб фазилатлар эгаси

¹ Ҳидоятов Г. Кўрсатилган асар. 212-бет.

Бобомурод Омонов шулар жумласидандир. У 15 минг сўмни ўзлаштиришда айбланган. Ваҳоланки, кейин маълум бўлишича, унинг «ўзлаштирган» нарсалари майдада-чўйда нарсалар бўлиб чиқди. Бироқ тергов гурухи «тергов қилинувчи»дан онгли равишда «ўгрилик қилгани»ни эътироф этишга зўр бериб «интилди». Бундай шармандалилка чидай олмаган Бобомурод ака суддан олдин турма касалхонасида вафот этди¹. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республика раҳбариятига иродали ва талабчан миллий етакчи, ўзбек халқининг содик фарзанди Ислом Каримов бош бўлгандан кейингина республика ҳаётида умидбахш ўзгаришлар содир бўлди. КПСС «генераллари»нинг жуда қаттиқ тазийқ ўтказишига қарамасдан, у аввал бошданоқ ўзининг сиёсий фаолиятида ҳукмрон марказнинг талабларига эмас, балки устувор миллий манфаатларга, халқ эҳтиёжларига амал қилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг бўлғуси биринчи Президенти ҳаммадан аввал террорчиликнинг авж олишига, республикани қуршаб олган бузғунчилик гирдобига мардонавор қарши турди. 1989 йил 24 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон компартияси МҚнинг XVIII пленумида Марказнинг «тозаловчи»ликдан иборат ҳатти-ҳаракатларидаги асоссиз кампаниябозликка хос айболовчилик ёндашувини ошкора равишида қоралади². Шундан кейин ҳам давлат мустақиллиги арафасида сунъий равишида ўйлаб чиқарилган «пахта иши» курбонларини оқлаш юзасидан янги сиёсий раҳбариятнинг ташаббуси билан фаол ҳатти-ҳаракатлар амалга оширила бошлади. Афсуски, бу курбонларнинг кўплари ўлимидан кейин оқланди.

Империя марказига сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарамлик ришталарини заифлаштириш юзасидан дадил қадамлар қўйилди. И. А. Каримов миллат ва халқ манфаатларидан келиб чиқиб, 80—90-йиллар чегарасида ёкиттилоқ ҳукуматининг ўта салбий акс-садосига қарамасдан, энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини, миллий тикланиш муаммоларини мустақил равишида ҳал этиш йўлига изчиллик билан амал қилди. Жумладан, у илгари сурган иттилоқ маркази билан ўзаро иқтисодий муносабатлар янги андозасининг бошлан-

¹ Правда Востока. 6 августа 1989 г.

² Правда Востока. 25 ноября 1989 г.

ғич қоидаси — бу нарса республикага манфаат келтирадими ёки йўқ, деган қоида бўлди. Бундай йўл тутиш, ўша вақтда Ислом Каримов бир неча марта таъкидлаб ўтганидек, «бизнинг хўжалик ҳаётимиз нормаси, ягона халқ хўжалик мажмунининг барча бўғинларидаги ўзаро муносабатлар нормаси» бўлиб қолиши лозим эди¹.

Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти миллий манфаатлар мафкурасига, ўзаро манфаатли ҳамкорлик таъмийларига таянган ҳолда, бутун аграр сиёсатдаги марказий масала аввалгицек пахтачиликка муносабат масаласи бўлиб қолишини эълон қилди. Бироқ олдинги тажрибадан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон раҳбарияти бундан буёғига пахта яккаҳокимлигига қарши астойдил кураш олиб боришини очиқдан-очиқ эълон қилди. «Пахта яккаҳокимлиги республикага марказнинг зууми билан тикиштирildи ва Ўзбекистонга, унинг аҳолисига сонсаноқсиз зарар келтирди»² — деб ачиниш билан таъкидлади И. А. Каримов.

Пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш мақсадида пахта тайёрлашни муайян меъёрга солиш, чигит экиладиган майдонларни камайтириш чора-тадбирлари кўрилди. Масалан, 1990 йилда пахта толаси ҳарид қилиш режаси 1988 йилга нисбатан 1710 минг тоннадан 1500 минг тоннага келтирилди ёки 210 минг тоннага камайтирилди³. Чигит экиладиган майдонлар тегишли равищда 2016,7 минг гектардан 1830,1 минг гектарга туширилди⁴. Бу ҳол пахтанинг бошқа экин майдонлари умумий таркибидаги салмогини 63,9% га келтириш имконини берди⁵.

Ўзбекистонда пахтадан бўшаган ерларнинг бир қисми дехқонларга якка тартибда фойдаланиш учун ажратилишига алоҳида аҳамият берилди. Социалистик тузумнинг табиатига аввал бошданоқ хос бўлган нарса — хавфли ўсимта сингари ёпишиб олган пахта монополияси туфайли республика мустақилликни қўлга киритган пайтта келиб дехқонларнинг томорқа участкалари миқдори ҳаддан зиёд чекланган бўлиб, борйўғи 7—12 сотихни ташкил этганлиги ҳисобга олинса, бу масаланинг нақадар долзарблиги яққол намоён бўла-

¹ Каранг: Ўзбекистон коммунисти. 1990. 8-сон, 25-бет.

² Ўша жойда, 19-бет.

³ Правда Востока. 25 ноября 1989 г.

⁴ Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Статежегодник. — Т., 1991.

С. 237.

⁵ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 1992. 1-сон, 56-бет.

ди. Бундан ташқари, қишлоқда яшовчи 240 минг оила мутлақо шахсий томорқага эга эмасди. Бунга ажаблан-маса ҳам бўлади, чунки шахсий хўжаликлар учун ажратилган майдонлар умумий ҳайдов ерларининг 5%дан ҳам камроғини ташкил этарди¹.

Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг яна бир муаммоси шундан иборат эдики, қишлоқ хонадоңларининг 41%и сигирларга эга эмасди. Қишлоқ оиласарининг бешдан бир қисмида ҳеч қандай чорва моллари, ярмидан кўпроғида қўй йўқ эди². Бундай аҳвол чорвачилик маҳсулотлари етишмаётган, дехқонлар ўзининг хусусий хўжалигига боғланиб қолган шароитда рўй бераётган эди. Бироқ бундай вазият қишлоқ меҳнаткашларининг ишёқмаслиги туфайли вужудга келди, деб айтиб бўлмайди. Қишлоқ аҳолисининг чорва моллари боқмаслигига сабаб ем-хашакнинг йўқлиги эди. Давлат эса уларга зарур ёрдам кўрсатмаеди.

Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбарияти мол-ҳоллари йўқ дехқонларни қўллаб-куватлаш учун шахсий ёрдамчи хўжаликлар майдонини кўпайтириш чораларини кўрди. 1990 йилдаёқ шахсий ёрдамчи хўжаликлар ихтиёрига берилган ер майдонлари 1989 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпайтирилди³.

1989—1990 йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг муҳим йўналиши иқтисодий шаклларни нисбатан хилма-хиллаштириш, жамоа ва совет хўжаликлари секторида эскириб кетган ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришга интилишдан иборат бўлди. Бу хўжаликларда норасмий ижара муносабатларини жорий этиш, уларни цивилизацияли кооперация тамойиллари асосида янгилаш йўлларини излашда яққол ўз аксини топди. Чунончи, жамоа пудратига ўтиш шакли сифатида оиласавий ва индивидуал ижарадан иборат ички хўжалик ижараси татбиқ этила бошлади. Фермерлик ҳаракатининг дастлабки ташаббускорлари пайдо бўлди.

Бироқ иқтисодий янгиланишлар йўлида қурдатли расмиятчилик тўсиқлари, кўпгина умумиттифоқ расмий йўриқномалари, совет мустабид тизимининг бўғувчи механизми гов бўлиб турарди. Совет давлатига хос хўжалик юритиш тажрибаси қарор топган ижтимоий

¹ Коммунист. 1989. № 10. С. 10.

² Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жорий архиви. АСМнинг 1989 йилги ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳисобот. 2-т. — 10-бет.

³ Экономика и статистика. 1997. № 10. С. 15.

тузум ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, мустамла-
качилик қарамлигини бартараф этишга доир лишиб
етилган муаммоларни лозим даражада ҳал этишга қодир
эмасди. Тўсикларни дадиличик билан ёриб ўтиш учун
бутун ҳокимият тузилмаларини, ишлаб чиқариш-иқти-
садий муносабатларни сифат жиҳатидан янгилаш, мус-
табид-империяча тузумни барҳам топтириш лозим эди.
Фақат Ўзбекистон сиёсий мустақиликни қўлга кири-
тиб, миллий давлатчилик тиклангандан кейингина маз-
кур стратегик вазифани ҳал қилишнинг чинакам шарт-
шароитлари вужудга келди.

III б о б. Ўзбек халқининг маънавий куч-кудратини заифлаштириш сиёсати. Икки тузум усуулларининг моҳиятган бирлиги

1-§. Ўзбек халқи маданияти тарихига қисқача шарҳ

Маданиятимиз тарихи мамлакатимизда, хонадонимизда асрлар давомида яшаб келаётган қадимий қадриятларда ўз аксини топган. Улар гўзалликни ҳис қилиш муҳитини яратган, халқимизнинг буюк тарихини ўзида акс эттирган бўлиб, ўсиб келаётган авлод онгига тарихий идрок уруғларини қадаб, қалбига эса Ватанга муҳаббат ғояларини сингдириб, уларни юксак маънавий руҳда тарбиялаб келган. Шунинг учун ҳам кейинги 130 йилдан ортиқ давр мобайнида маданиятимиз бошдан кечирган фожиаларни бутун теранлиги билан тасаввур қилиш қийин. Бу тубсиз жарликка ўхшайди. Лекин бу фожиалар ўз тарихчиларини даъват этмоқда, ўз тарихининг ёзилишини талаб қилмоқда. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, халқимиз уни билиши лозим. Шундай экан, бу тарихни ҳозирги кунда яратиш керак. Ахир, гап миллий фожиа ҳақида, миллий бойликларимизнинг кўпчилик қисмидан маҳрум бўлиб қолганимиз ҳақида, талайгина маданий бойликларимиз ташиб кетилгани, чор тузуми даврида ҳам, совет даврида ҳам улар ўз заминидан ажратиб қўйилгани, бу эса ўз ортидан нафақат моддий, балки жуда катта маънавий йўқотишларни бошлаб келганлиги ҳақида бормоқда.

Тарихдан шу нарса маълумки, мустамлакачилар энг аввало босиб олинган халқ, миллатни маънавий қашшоқликка дучор этиш йўлидан борганлар. Бундай йўл истилочиларнинг тарих синовидан ўтган, синалган, айни пайтда уларнинг машъум сиёsatларини яшириб турувчи йўлдир.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг куйидаги мулоҳазалари диққатга сазовор: «Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёsatни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқининг маънавий, ма-

даний, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

Совет даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрса-тишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, баъзи саҳифа-ларни умуман кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали шундай деб ёзган эди: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъятини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди». Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини халқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгига эски тузум асоратлари маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир — мустақиллик шароитида ҳам кимдандир кўрқиб, чўчиб гапирадилар¹!

Назаримизда, ниқобланган мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятини бундан аниқ ва лўнда қилиб тушунириб беришнинг имкони бўлмаса керак.

Россия мустамлакачилари ва коммунистик мафкура «аллома»ларининг бой ўзбек маданиятини кишилар ижтимоий онгидан, шууридан сиқиб чиқаришга ундан-ган нарса нимада? Нима учун улар ўзбек миллий-маданий бойликларини юртимиздан зўравонларча олиб кетишига ҳаракат қилдилар? Буни тушуниш учун тарихга назар ташлаб, китобхоннинг зътиборини қўйидаги муҳим нуқталарга қаратайлик:

Маълумки, Турон, Туркистон ўлкаси қадимдан жаҳон цивилизациясининг асосий бешикларидан бўлган, бунга қадимшунос олимларимизнинг илмий изланишлари, улар кўлга киритган натижалар гувоҳлик беради. Дарҳақиқат, Афросиёб, Варахша, Болаликепа, Фаёзтепа, Сополлитепа, Айритом саройларининг ҳашаматли девор безаклари ва уларнинг бетакрорлиги ўтмиш меъморларининг нозик диди, юксак билимини намоён этиш баробарида, ўлкамиз хукмдорларининг қадимги даврлардаги ҳаёт ва турмуш тарзи жуда дабдабали бўлиб, улар беҳисоб бойликка эга бўлганларини кўрсатади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, Марказий Осиё қадим-қадимдан Урарту, Миср, Юнонистон, Бобил, Рим каби Яқин Шарқ ва Фарб давлатлари билан ўзаро савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Турондан ўтган «Буюк ипак йўли» эса Шарқий Осиё ва Ҳиндистонни Ўрга Ер денгизи мамлакатлари билан боғлар

¹ Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т. «Шарқ», 1998, — 24-бет.

эди. Бу йўл устида Сиан, Дунхуан, Еркент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв каби жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса кўшган шаҳарлар жойлашган бўлиб, савдогарлар сотиладиган моллар қаторида турли маданият, санъат ва фан соҳалари бўйича янгиликларни ҳам келтирганлар. Чунончи, Хитойга Сўедиёнадан газлама, гилам, безак буюмлари ва қимматбаҳо тошлар, Бақтриядан туялар, Фарғонадан аргумоқ отлар, Бадахшондан лаъл, Ҳиндистондан Хитойга кумуш ва фил сиягидан ишланган буюмлар, зираворлар ва бошқа маҳсулотлар олиб борилган.

Албатта, худудимиздан миллий-маданий бойликларнинг ташиб кетилиши турли босқинчилик, истилочилик юришлари даврида жуда авж олди. Бироқ эътироф этиш жойизки, турли савдо-сотиқ жараёнлари, маданий алоқалар даврида ҳам кўплаб маданий бойликларимиз begona юртларда қолиб кетган.

Ўзбек халқи миллий-маданий бойликларининг талон-тарож қилиниши, хусусан, араб истилоси даврида авжга чиқди. Ушбу худудда азалдан яшаб келган халқлар мафкураси ва унинг асосини ташкил этган диний ақидаларнинг бекор қилиниши ва улар ўрнига янги дин — исломнинг мажбуран жорий этилиши ўлгадаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Босқинчилар ўлқада амалда бўлиб келган маҳаллий ёзувларни, хусусан, хоразмий ёзувини бекор қилиганлар, Хоразмдаги илм тарғиботи билан шуғулланадиган зиёлиларни қаттиқ таъкиб остига олганлар. Чунончи, Кутайба хаттотларни йўқотган, руҳонийларни қатл эттириб, уларнинг китоблари ва ўрама хат ёзувларини ўтда ёндирган, натижада хоразмликлар ялпи саводсизликка маҳкум этилганлар.

Беруний ва Наршахий каби алломаларнинг гувоҳлик беришларича, араб истилочилари халқа ҳам мөддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта зарар етказди, маҳаллий ҳокимият тутатилди, шаҳарлар, қадимги маданият ёдгорликлари, мавжуд ёзувлар, китоблар ёндирилиб, муҳташам меъморий ва санъат намуналари яксон қилинди.

IX асрнинг иккинчи ярмидан аҳвол бирмунча яхшилана борди. Сомонийлардан сўнг кейинги асрларда ўлқада Корахонийлар, Фазнавийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари вужудга келди. Шу билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқда шаклланган ёш мусулмон давлатлари ўртасида иқтисодий-маданий алоқалар жонланди, маданият на-

муналарини айирбоцлаш, ўзаро маънавий таъсир ку-чайди. Қадимги форс, ҳинд, араб, юнон маданий қадриятлари негизида адабиётларда «мусулмон маданияти» деб ном олган янги маданий қатлам вужудга келди.

Мазкур маданий давр юксалишининг ёркин сиймолари бўлмиш Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Рудакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб каби даҳолар Марказий Осиё маданиятининг ривожланишида жуда катта ва сезиларли роль ўйнадилар. Араб халифаси Мъемун ўз вақтида марказий осиёлик олимларни халифалик маркази бўлган Бағдоддаги машхур академиясига олиб кетганида, улар бу илм-фан ва маданият олий даргоҳининг кўрки бўлган эдилар. Қайд этиш лозимки, бу улуғ маънавият дарғалари орасида Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Ибн Мансур Марваридий каби йирик алломалар ҳам бор эди. Ўрта Осиё ҳалқлари, хусусан, ўзбеклар орасидан этишиб чиқсан бу мутафаккирларнинг номлари жаҳон маданияти тарихи саҳифаларига олтин сатрлар билан битилгандир. Бу ерда араб, форс ва туркий тилларда муайян тизимга солинган ижодий жараён йўлга кўйилди. Бу давр маданияти ўзининг кучли инсонпарварлик руҳи, одамларни дўстлик ва аҳилликка даъват этиши, ақл-заковатни эъзозлаши билан умуминсоний қадриятлар юксаклигига кўтарила олди. Ватанимиз маданияти тарихидаги бу ўйғониш даври, биринчи навбатда, қарамликдан кутилиш, мустақил мафкура, мустақил ижод, мустақил маънавият самараси бўлди¹.

Шуни қайд этиш лозимки, ўйғониш даврининг илк босқичи — IX—XII асрларда ўзбек миллий маданияти жуда гуркираб ривож топди, ўша давр алломаларининг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси чексиз бўлди. Бироқ, XIII аср бошларида Ўрта Осиёга мўғул истилочиларининг бостириб келиши ўлканинг бой маданий меросини яксон қўлди, бошланган ўйғониш даври маданияти ривожини издан чиқарди.

Босқинчилар маҳаллий аҳолининг қаршилик кўрса-тишга бўлган иродасини синдиришга уриниб, унинг бошига даҳшатли қирғин солдилар, шаҳарларни вайрон қилдилар, у ердаги уйларни ёндириб, қишлоқларни сувга бостиридилар, гўзал меъморчилик иншоотларини култепага айлантиридилар, аёллар ва болаларни

¹ Х а й р у л а е в М. Ўрта Осиёда илк ўйғониш даври маданияти. — Тошкент, 1996, 12-бет.

хўрладилар, қаршилик кўрсатиб жанг қилганларни ҳам, хукмдор марҳаматидан умид қилиб таслим бўлганларни ҳам аямадилар.

Бошқа барча истилочилар каби, мўгул босқинчилари ҳам ўлка маданий ва маънавий ҳаёти бошига битган бало бўлди. Кутубхоналар таланиб, китоблар оёқости қилинди. Муқаддас китоблар сақланган сандиқлар отлар учун охур хизматини ўтайдиган бўлди. Илм юлдузлари бўлмиш муллолар, шайхлар куллар қатори нуфузли мўгул ҳарбийларига хизматкор қилиб берилди. Кўпгина мътабар қозилар эшак ва хачир бокишига мажбур қилинди. Мусулмон дунёсининг марказларидан бири бўлган Бухоро босқинчи мўғулларнинг дастлабки ҳамласидан сўнг кўп даҳшатларни бошдан кечирди.

Маданият ва санъатнинг барча турлари истилочилик даврида катта зарбага учради. Яксон этилган обидалар, маданий иншоотлар, талаб кетилган заргарлик буюмлари, йўқ қилинган ёзма маданиятимиз — буларнинг бариси халқимиз маънавий ҳаётининг кейинги босқичларида ўзининг аянчли таъсирини кўрсатди. «Ўзларининг санъатлари, илм-маърифатлари, нозик табиатлари ва ахлоқлари билан донг таратган Мовароуннаҳр аҳолиси баҳтсизликка учраб, масхара этилди. Буюк бир эл шамолдай тарқаб кетди». Ҳусусан, қочоқ бухороликлардан бири Ҳурсонга келиб, ўз ватанининг аҳволи ҳақида қўйидаги байтни айтган эди: «Омаданду кунданду сухтанду күштанду бурданду рафтанд (келдилару емирдилару, ёндирилару ўлдирилару, таладилару кетдилару)»¹.

Марказий Осиё Амир Темур ҳокимияти остида бирлаштирилиб, мўгул истилочилари ўлқадан ҳайдаб чиқарилганидан сўнг, XIV асрнинг ўрталаридан эътиборан бу ерда маданият янада юксала бошлади. Темур олимлар, санъаткорлар, илм фидоийларини ўзига яқин тутарди. У уламо ва фозилларга иззат-икром кўрсатиб, уларни ҳар қандай кишилардан кўра муқаддас биларди. Улардан ҳар бирини ўз мартабасига кўйиб, ҳаммаларига ҳурмат-эҳтиромини изҳор этар, муруввати бисотини кенг очарди.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрда кутубхоначилик ишини ривожлантиришга, дунёдаги энг яхши, қимматли қўллэзмаларни мамлакат кутубхоналарида сақлаш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари, айниқса дикқатга сазовор-

¹ Х е р м а н В а м б е р и . Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Тошкент, 1990. 23—24-бетлар.

дир. Хусусан, унинг шахсан ўзи Самарқандда кутубхона ташкил қилиш ишига бош-қош бўлди. Кўлёзмаларни кўчириш ва китоб тайёрлаш устахоналарида миллий китоб санъатининг энг яхши усталарини тўплаган.

Темурий шаҳзодалардан Шоҳруҳ, Бойсункур ва Ҳусайн Бойқароларнинг кутубхоналари ҳам ноёб ва ранг-бараг адабий-бадиий, илмий китобларга бойлиги жиҳатидан Темурнинг Самарқанддаги сулолавий кутубхонасидан қолишмас эди. Биргина Улуғбек расадхонаси қошида бой кутубхона ташкил этилиб, унда фаннинг деярли барча соҳаларига тегишли қарийб 15 минг китоб сақланган¹. «Аммо, афсуски, Улуғбекнинг ўлдирилишидан сўнг Темурийларнинг сулолавий кутубхонаси ўзаро феодал урушлар натижасида аста-секин талонтарож қилинди ва дунё бўйлаб» сочилиб кетди.

Ўзбекистоннинг Темурийлар давридан кейинги тарихи анча таҳликали кечди, ўлка ижтимоий-сиёсий вазиятидаги бекарорлик, иқтисодий турмушдаги ноҷорлик бу ерда яшаган халқлар ҳётининг белгиловчи хусусиятига айланди. XV аср охири — XVI аср бошлирида Марказий Осиё ҳудудида бир неча мустақил давлат тузилмалари пайдо бўлди. Бундан илгари вужудга келган хўжалик механизми ишдан чиқиб, ўзаро иқтисодий алоқалар бузила бошлади. Бу даврда давом этган ўзаро урушлар, ҳокимлар ўргасидаги душманликнинг авж олиши Ўзбекистон ҳудудида маданият ва илм-фанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Ўйғониш даврида ривожланган буюк анъаналар занжири узилиб қолди. Бу борада вужудга келган сунъий тўсиклар эса Ўйғониш даври маънавий-илмий мулкининг ижтимоий кучини, юксак даражада ривож топган маънавий-маърифий, мафкуравий тараққиётнинг жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилишини сусайтирди.

Бироқ, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бундай қийинчиликларга қарамасдан, ўзбек миллий маданияти ривож топди, унинг янгидан-янги йўналишлари пайдо бўла бошлади, ўзбек тилида яратилган асарлар кўпая борди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳий, Турди, Абулғозизхон, Мушфикӣ, Сайидо Насафий каби адаб ва шоирлар, Ибн Бобо Самарқандий, Муҳаммад Амир ал-Мунажжим ал-Бухорий, Абу Ёкуб ибн Наср Дониш

¹ Мұхаммаджонов А. Темур ва Темурийлар салтанати. — Тошкент. 1994. — 118-бет.

Бухорий каби мунажжимларнинг фаолият кўрсатганлиги Ўзбекистон ҳудудида илм-фан ва маданият тараққий этганилигидан далолат беради¹. Бундан ташқари, Марказий Осиёдаги хонликларда нодир қўлёзмалар, миниатюралар коллекцияларини тўплаш, сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиш азалий анъана бўлиб келганлиги маълум. Чунки, Шайбонийхоннинг ўзи ҳам шеърият билан қизиққан ва катта сарой кутубхонасини ташкил этган. Унинг меросхўри Убайдуллахон (1533—1539) катта шоир бўлиб, бу кутубхонани янада бойитган.

Нодир қўлёзмаларни тўплаб, кутубхоналар бойлигини янада оширишда XVII асрда яшаган Бухоро хонлари — Аштархонийлар сулоласидан Абдулазизхон (1645—1680) ва унинг укаси Субҳонқулихон (хонлик даври 1690—1702) муҳим ишлар қилишди. Мазкур даврда тибиёт, кимё ва бошқа фанларга оид кўплаб қўлёзмалар тўпланган². Айни пайтда, Бухоро, Самарқанд, Қарши каби шаҳарларда ҳам кутубхоналар ташкил этилган.

Бу борада Хива хонлигига олиб борилган ишлар ҳам диққатга сазовор эди. Жумладан, Хива хони Абулғози (1603—1664) даврида жуда кўплаб ижтимоий-сёссий тарихга, маънавий меросимизга даҳлдор қўлёзмалар йигилган бўлиб, ажойиб китоблар коллекцияси тўпланган эди³.

Хива хони Оллоқулихон (вафоти 1843) жуда катта ва бой сарой кутубхонасига эга бўлиб, 1843 йили уни ўзи қурдирган Хивадаги мадрасага ҳадя этади. Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) (хонлик даври 1865—1910) даврида ҳам Хивада жуда машҳур кутубхона ташкил этилади. Кутубхонани у дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган нодир қўлёзмалар билан муттасил бойитиб боради. Ўрта Осиёда биринчи марта Хивада литография ташкил қилиб, ноширилик ишларини йўлга кўяди. Бу ҳол маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда, ўлка миллий-маданий меросини бойитишида катта аҳамиятга эга бўлди. Шу ўринда, Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи ҳам шоир ва бастакор бўлиб, шеърларини «Феруз» тахаллуси билан нашр этиргани, шулар қаторида замондош адibu олимлар асарла-

¹ Хамидов X. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. — Ташкент, 1996. 78-бет.

² Семенов А. А. Среднеазиатские рукописные фонды и важность их изучения. Куйидаги китобда: «Материалы I союзной конференции востоковедов в Ташкенте». М., 1957. С. 21.

³ Абуль-Гази-Багадур-хан. Родословное древо тюрков. Москва—Ташкент—Бишкек. 1996.

рини ҳам чоп қилдирганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг Ҳоразм шоирлари асарларидан тузилган «Мажмуат ушшуаро» тазкираси жуда машхур эди.

Хивага келган шарқшунос олим А. Н. Самойлович хон кутубхонасини кўришга мусассар бўлган. Рус олимида кутубхонанинг бойлиги ва ундаги китобларниң муайян тартиб ва табақалар билан сақланиши жуда катта таассурот қолдиради. А. Н. Самойлович ўзининг «Хива сарой кутубхонаси ва китоб чоп этиш» номли асарида бу кутубхонага катта баҳо беради¹.

Хива ҳонлиги ўзининг бой маданий мероси билан ҳамиша ўзга юрт истилочиларини ўзига ром қилиб келган. Улар ичида айниқса китоб хазиналари ўзига хос ўрин эгаллаган. Бу кутубхоналарда нафақат Ўрта Осиёда ёзилган, айни пайтда хорижий мамлакатларда нашр этилган кўплаб китоблар сақланар эди. Бу ерда араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар ҳам мўл бўлиб, шоҳнинг ўзи саройга шоир ва олимларни тўплаб, кутубхонани муттасил бойитиб борган. Кутубхона қошида хаттотлар ва мусавиirlардан иборат катта гуруҳ фаолият кўрсатган.

Марказий Осиё маънавий маданиятида Кўқон ҳонлиги алоҳида ўринга эга бўлган. Кўқон адабий-бадний муҳити жуда ривож топган бўлиб, у ўзбек миллий маданиятининг қиёфасини ўзида акс эттиради. Хусусан, Фарғона, Кўқон, Тошкентда китоб ихлосмандлари кўп бўлиб, улар жуда катта маблағ сарфлаб, бутун умр нодир қўлёзмалар йикқанлар. Масалан, Тошкентда Жўрабекнинг шахсий қўлёзмалар коллекцияси жуда машхур эди (Жўрабек 1906 йилда ўлдирилган).

Иирик бойлар, қози калонларнинг кўлида ҳам шахсий қўлёзмалар коллекцияси мавжуд эди. Айниқса, Андижондаги Дукчи Эшон шахсий кутубхонаси, Бухорода яшаган қози Шарифжон Маҳдум (Садр Зиё)нинг кутубхонаси ва ундаги қўлёзмалар ўзининг нодирлиги ва қадимийлиги билан машхур бўлган.

Келтирилган факт ва рақамлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистондаги моддий ва маънавий бойликларнинг ҳадду ҳисоби йўқ эди. Айни пайтда бу ерда китоб, қўлёзмаларни тўплаш ҳамда уларни маънавий-миллий бойлик сифатида сақлаб, келажак авладга етказиб бериш анъана ва одатга айланган.

¹ Самойлович А. Н. О Хивинской придворной библиотеке и книгопечатании. // Туркестанские ведомости, 1880, № 24.

Миллий давлатчилик тарихини ўрганиш шундан да-
лолат берадики, ўлкамизнинг кўпгина хукмлорлари ҳар
доим ҳам илм-маърифат, маданият ва санъат, илм-
фанинг у ёки бу тури билан мунтазам ва жиддий
шугулланганларни, айрим ҳолларда эса қомусий би-
лим эгалари эканликлари билан ўзгалардан акралиб
турганлар. Шунинг учун бўлса керак, барпо этилган
сарой кутубхоналари бой ва бетакрор қўлёзмалар хази-
насига айланган. Масалан, дунёга машҳур Амир Темур
ва Мирзо Улуғбек, Темурийлардан Бойсункур Мирзо,
Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзо, Шайбонийлардан шоир
Убайдуллахон, Аштархонийлардан олим Субхонкули-
хон, Хива хонларидан тарихчи олим Абулғози, шоир
Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), Кўкон хонларидан
Умархон ва унинг рафиқаси, таниқли шоира Нодира-
бегим ва бошқалар бой кутубхоналар ташкил этибгина
қолмай, балки ўзларининг ўлмас асарлари билан дунё
маданиятини ҳам бойитганлар.

Шундай қилиб, ўзбек ҳалқи узоқ тарихий жараён-
лар силсиласида бой маънавий бойлик яратди, жаҳон
цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўши.

Истилочилар ҳамиша ҳалқнинг ана шу бебаҳо маъ-
навий бойлигидан қўрқсанлар, зеро бундай муқаддас
бойлик миллий ўзликнинг ривожланишига кўмак бе-
рувчи, миллатнинг фурурини ўйғотувчи, унинг кўксиги-
ни кўтарувчи омил эканлигини яхши тушунганлар.
Шунинг учун ҳам улар мустамлакачиликнинг илк давр-
лариданоқ босиб олинган ҳалқ миллий маданиятини
йўқ қилишни ўзларининг босқинчилик сиёсатидаги ус-
тувор йўналиш деб билдилар. Рус босқинчилиги дав-
рида эса бу нарса айниқса кучли тарзда намоён бўлди.

Ўрта Осиё чор Россияси томонидан забт этилгани-
дан кейин ажнабий сиёсатдоилар асосий эътиборни
ўлка моддий бойликларини ташиб кетишга ва мил-
лий-маданий бойликларни йўқ қилишга, шу аснода
миллатнинг миллий фурурини сўндиришга ҳаракат қил-
дилар. Бу масалалар тарих фанида ҳали ёритилмаган.

Бундай тарихни яратиш тарих юзидағи сирли пар-
далардан бирини олиб ташлайди ва бу фанинг муай-
ян соҳасига асос солади, тарихга холисона баҳо бе-
риш услубиётига катта ҳисса бўлиб қўшилади. Бу ҳол,
шак-шубҳасиз, маданиятимиз тараққиёти учун хизмат
қиласи, шу сабабли ҳам бу муҳим ҳолатларни чуқур
билиш маданият арбоблари учун ҳам, қолаверса, ёшлар
ва бутун ҳалқимиз учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Тарих-

чиларимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар йўқотишларнинг «оқ саҳифалари»ни тўлдириш ва ташиб кўтилган маданиятимиз хазинасининг ҳеч бўлмаганда бир қисмини қайтариб олиш ишини бошлашга ёрдам беради. Албатта бу ишни амалга ошириш осон кечмайди, лекин ватанимиз маданиятини қадрловчи ҳамма кишилар бир жойга тўпланишлари ва бу ҳақда бош қотиришлари керак.

2-§. Миллий-маданий бойликларнинг ҳудуддан зўравонлик билан олиб кетилиши

Чор империяси ҳали Ўрта Осиёни босиб олмасдан олдин бу ўлканинг барча қимматбаҳо нарсаларини қўлга киритишининг стратегик режаси, миллий бойликларни талаш ва олиб кетиш режаси мавжуд бўлган. 1908—1909 йилларда Туркистон ўлкасида тафтиш ўтказган сенатор-граф К. К. Пален ҳисоботида ўзи бу ҳақда очик-оидин ёзади: «Туркистонни забт этиш вақтидаги сиёсий аҳамиятга эга бўлган сабабларни ҳисобга олмагандан ҳам, бу ўлка Россияга кўшиб олинган дастлабки кунлардан бошлаб рус ҳукумати учун икки томонлама: 1) молиявий сиёсат нуқтаи назаридан давлат даромадлари манбай (таяқид бизники — Д. А.) ва ички ишлаб чиқариш маҳсулотлари учун янги бозор сифатида ҳамда 2) мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан марказий вилоятларнинг ортиқча аҳолисини жойлаштириш учун янги ҳудуд сифатида қизиқиш уйғотган»¹.

Туркистон шу тариқа XIX ва XX асрлар оралигига Россия давлат даромадларининг мустаҳкам манбай ва унинг ортиқча фуқароларининг бокувчисига айланиб қолган эди.

Россия жамоатчилигининг кайфияти баланд, матбуот эса рус қўшинларининг Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз учун олиб борилган жанглардаги муваффақиятини бири олиб, бири қўйиб кўкларга кўтариб мақтар, Россия куролини, солдат ва зобитларининг мардлиги ва матонатини мадҳ этарди. Ўша вақтдаги газеталардан бири қўйидагича ёзган эди: «Бу ёввойи қабилалар ғалаён кўтариб, ўзларининг тўда-тўда бўлиб ҳужум ўюштиришларини тўхтатмас эканлар, Ўрта Осиё чўлларида

¹ Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. VI, отд. IV. — С-Пб. 1911. С. 496.

Россия учун тинч-тотув ҳаёт ва мустаҳкам чегара бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли бизнинг ғалабаларимиз тўла муввафқият билан якун топиши, Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигимизга узил-кесил мустаҳкам асос яратиши мақсадга мувофиқдир»¹.

«Ёввойи қабилаларнинг ғалаёнлари» ва «тўда-тўда бўлиб ҳужум уюштиришлари» деганда, албатта, уч минг йиллик тарихга эга бўлган ҳалқнинг мустамлакачиларга қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракати на- зарда тутиларди. Бироқ, реал воқеликни кўриб турган кишилар бутунлай бошқа нарсаларни ёзишарди. Таниқли рус шарқшуноси Н. И. Веселовский «Туркистонга илмий сафар кундалиги»да қуйидагиларни қайд қилган эди: «Биз цивилизация келтирдик..., деб ўйлаймиз, биз ўзимиз забт этган осиёликларга тинчлик, осойишталик, хавфсизлик... келтирдик, деб ўйлаймиз... Лекин буларнинг ҳаммасидан ҳам юқори бўлган яна бир олий неъмат, нарса бор. Бу миллат, миллий туйфу... Забт этилган мусулмонлар ахволини тушунмоқ учун уларнинг ҳолатига кириш керак. Сиёсий маҳв этиш оғир, миллий маҳв этиш эса ундан ҳам оғирроқ. Биз ҳукмронлик қилган даврда эса улар айнан ўз мустақилларини йўқотдилар. Миллатни бирон-бир ҳузур-ҳаловаттга алмаштириш мумкинми, ахир? Бинобарин, бизнинг ҳукмронлигимизга қарши исёnlар бўлиб туришига таажжубаниш керакми?... Миллий манфаатлар деган тушунча ҳам борки, улар ҳалқнинг қорни тўқ ва усти бут бўлишига ёки ўта мұхтожликда яшашига қарамай, сиртга ёриб чиқади»². Худди шундай бўлди ҳам, тўқнашув муқаррар бўлиб чиқди. Бироқ, даромадларнинг ёқимли таъмигагина эмас, балки ўлканнинг ўзига ҳам мазахўрак бўлиб қолган империянинг жиловни кўлидан бергиси келмасди.

Мустамлакачи маъмурият арбобларидан бири 1882 йилда бундай ёзган эди: «Биз Бухоро яқинидаги турибмиз, ҳадемай Самарқандни эга лаймиз, Помир тоғларигача забт этиб, Эронга яқинлашамиз, Амударё бўйлаб то Хивагача сузуб борамиз ва Иссиққўл соҳилларида Швейцариядан ҳам чиройлироқ жойларга эга бўламиз. Янги ўлка, янги ҳалқлар, янгича динлар, урф-одатлар, янги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа нар-

¹ Новости из Центральной Азии. // Биржевые ведомости. 1868. № 71.

² Карапт: Л у н и н Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. Ташкент: Фан, 1965. С. 34—35.

салар — буларнинг барчаси зиммамизга мажбурият юклайди». Бироқ, у буларни итоатда тутиб туриш ниҳоятда қийинлигини аңглаган ҳолда, ҳамма жойда халқ қўзғолонлари бўлаётгани, хусусан, 1882 йили Тошкентда бўлган «Вабо» исёни ҳақида гапирав экан, куйидагиларни ёзди «Албатта, бунга кўп жиҳатдан ўзимиз айбормиз: биз уларнинг хукуқ ва қонунлари ни ўрганишни истамадик ва ҳозиргача ҳам ўрганмаяпмиз, биз танлаб ўтирамай, тўғри келган кишини уларга бошлиқ қилиб қўймоқдамиз, балки танлайдиган кишининг ўзи йўқдир. Бу ерда биргина вабонинг ўзи айбдор эмас, бу... паймонани тўлдирган сўнгги томчи... Норозилик аллақачон ортиб, тўпланиб борган эди...»¹.

Бу ҳақда кўплаб бошқа маълумотларни ҳам келтириш мумкин. Бироқ, биз мамлакатдан метрополияга миллий-маданий бойликларимизнинг ташиб кетилганини масаласи хусусидагина тўхталиб ўтамиз.

Россия шарқшуносларининг қўлёзма манбалар ва моддий ёдгорликларни ўрганиш соҳасида амалга оширган барча фойдали ишларини инкор этмаган ҳолда, улардан кўплари давлатнинг мустамлакачилик манфатларига хизмат қилиб, ижтимоий буюртмани бажарганликларини айтмасдан иложимиз йўқ. Акс ҳолда миллий-маданий бойликларнинг: қўлёзмалар, археологик топилмалар, қадимий тангалар, архивлар ва бошқа қимматбаҳо ашёларнинг улар қадимдан мансуб бўлган мамлакатдан ўйламай-нетмай мақсадли равишда ташиб кетилишини қандай қилиб бошқача изоҳлаш мумкин? Айни жиҳатдан Россия шарқшунослари чор армияси зобитлари ва генералларидан нимаси билан фарқ қилишган? Агар улар ўз асарлари билан «жаҳон шарқшунослиги солномалари»га кирмоқчи эканлар, нега жойларда хужжатгоҳлар, институтлар ташкил этмадилар, нима сабабдан бу масалалар билан ҳукуматга му рожаат қилмадилар?

Хивага юришда Кауфманга ҳамроҳлик қилган шарқшунос А. Л. Кун шарқ қўлёзмалари ва хужжатларидан иборат ниҳоятда ноёб коллекция (шарҳ қўлёзмаларидан иборат 300 китоб, шулардан 129 таси 140 жилдан иборат тарихий асарлар, 20 муаллифнинг 30 жиллик асарлари, хукуқшунослик ва илоҳиёт масалалари бўйича 50 жилдан иборат 40 асар, 18 нусха Куръон

¹ Ўша жойда, 35-бет.

ва 50 дарслик¹) тўплаган ҳамда уни 1873 йилда Император халқ кутубхонасига топширган. А. Л. Кун ва унинг гуруҳи Ҳивадан танга зарб қилишга мўлжалланган 200 нусха штампни, муҳрлар боғламини, хон тахтини, 172 нусха Жўчи тангалирини, Кўнғирот сулоласидан бўлган Ҳива хонларининг 3 нусха тангаси ва бир қатор этнографик ашёларни, хусусан, аёллар ва болалар кийим-бошлари, кўплаб тилла ва кумуш безакларини² олиб кетган.

20 та асар орасида Низомий қўлёзмалари, «Тарихи Восифий», «Искандарнома», Мавлавий Румийнинг «Маснавий»си, Навоийнинг «Хамса»си, Рабгузийнинг «Қисса ул-анбиё», «Тафсири Куръон», «Равзат уссафо», «Достони Қосим ва Гўрўғли», Абулғозининг «Шажарайи турк» ҳамда араб, форс ва ўзбек тиллари-даги бошқа асарлар бор эди.

Мазкур рўйхатда Кўхна Урганчдан олиб кетилган кошинлар қайд этилган бўлиб, улар қайси ёдгорликлардан кўчириб олингани номаълум эди. Малумки, 1871 йилдаётк А. Л. Кун Петербургга Самарқанд архитектура ёдгорликлари парчалари солинган 15 қутини, Шаҳрисабздан олинган китоблар солинган иккита кутини ва Тошкентдаги архитектура топилмалари солинган битта кутини юборади. Албатта, булар энг қимматбаҳо топилмалар бўлган, лекин ҳаммадан ҳам таҳқирловчи томони шундан иборат эдики, бу нарсалар ёдгорликлардан кўчириб олинган парчалар эди. Шунингдек, Ҳива хонлари архивининг бир қисми ҳам олиб кетилган бўлиб, у узоқ вақт мобайнида йўқолган, деб ҳисоблаб келинган эди. Москва ва Петербургнинг турли фондларида чанг босиб ётган бу архив фақат 50—60-йиллардагина М. Й. Йўлдошев ва П. П. Иванов томонидан топилган.

Албатта, бундай қизиқиши ўлка тарихига доир чукур билим ва унинг қадимги маданияти ривожланган жаҳон цивилизациясининг бир қисми эканлигини тушунишга асосланган эди. А. Л. Кун бекорга бундай деб ёзмаган эди: «Бу ердаги цивилизацияни Тигр ва Ефрат соҳилларидаги цивилизациядан кейин вужудга келган деб бўлмайди. Ҳива воҳаси қадим замонлардан бўён бутун жанубни шимол ва Европанинг шимоли-шарқи

¹ Кун томонидан тузилган рўйхат Россия ФА Археология институти Санкт-Петербург бўлими архивида сақланади, 33-фонд, 1-рўйхат, 179-иш, 1-вараж.

² Садыкова Н. С. Музейное дело в Узбекистане. Т., Фан, 1975, С. 31.

билан савдо-сотиқ орқали боғлайдиган минтақа бўлиб хизмат қилган». Кун бу ердаги маҳаллий маданиятга араблар истилоси — биринчи, мўгуллар босқини иккинчи зарба бўлиб тушганлигини таъкидлар экан,¹ олим сифатида у Россиянинг босқинчилиги улардан кам бўлмаган учинчи оғир зарба эканлиги хусусида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган. Шунинг учун ҳам у Хива юришида «жонкуярлиги билан ажralиб турганлиги» учун фахрий унвонларга сазовор бўлган ва 1874 йилда Туркистон генерал-губернатори ҳузуридаги ўкув ишлари билан боғлиқ алоҳида топшириқлар бўйича катта масла-ҳатчи қилиб тайинланган².

У Кўкон юришида иштирок этганда ҳам худди шундай фаолиятни амалга оширган эди. Кўконни забт этиш вақтида тарих, тиббиёт, ҳуқуқ ва илоҳиётта доир 130 та қўлёзма китоблар тортиб олинган бўлиб, улар ҳам Россияга олиб кетилган ва Император ҳалқ кутубхонасида топширилган³. Улар орасида «Таворихи Шоҳрухий», «Тарихи Муқимхоний», «Жаҳоннома», «Рашаҳот», «Рашонах ул-фунун» ва бошқа кўплаб ноёб қўлёзма асарлар бор эди. Кўкон архиви ҳам, худди Хива хонлари архиви каби зўравонлик билан олиб кетилиб, Петербургдаги Император ҳалқ кутубхонасида қандай аҳволда келтирилган бўлса (қопларда, тугуларда, кутиларда), ҳеч қандай ишлов берилмай 80 йилдан кўпроқ вақт мобайнида шу ҳолда қаровсиз ётган. Бу архивни тортиб олиш ва жўнатиш жараённида у билан ҳеч ким танишиб чиқмаган, барча ҳужжатлар тартибсиз ҳолатда бўлиб, кўплари йўқолиб кетган. Факат 1957 йилдагина уни А. Л. Троицкая шарҳлашга муваффақ бўлган⁴. Бундай ваҳшийлик деярли ҳар бир йирик шаҳарда содир бўлган.

Масалан, Китоб беклиги босиб олингандан кейин Жўрабек саройидаги шарқ қўлёзма асарларидан иборат кутубхона тўлиқлигича қўлга олинганилиги ҳақида Зарафшон округи бошлиги генерал-майор Абрамов 1870 йил 3 сентябрда Туркистон генерал-губернаторига ха-

¹ Кун А. Я. Научные работы во время Хивинского похода // Туркестанские ведомости. 1873. № 50.

² Лунин Б. В. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. С. 116.

³ Чабров Г. Н. Накопление сокровищ и культурных ценностей в государствах Средней Азии с древнейших времен до падения феодальной деспотии. 1957—1963 гг. С. 126.

⁴ Карап: Архив Кокандских ханов XIX века. Предварительный обзор. Труды Гос. Публ. Библиотеки им. М. Е. Салтыкова-Щедрина. Т. II. (V). Л. 1957.

бар қилган. Туркистон генерал-губернатори Кауфман бу қимматли қўлёзмалар ҳақидаги хабардан воқиф бўлган заҳотиёқ уларни Санкт-Петербургга — Император халқ кутубхонасига жўнатиш мақсадида 1870 йил 23 сентябрда Абрамовга қўлёзма китобларни Тошкентга, генерал-губернаторлик ицорасига юборишни буоради. Хатда жумладан шундай дейилган: «...Сиз жанобларидан барча китобларнинг фехристини тузиб, менинг идорамга юборишингизни сўрайман. Мабодо жаноб А. Л. Кун қўлёзма асарларнинг ҳеч бўлмаса энг муҳим нусхаларни қисқача баён қилиб берса, жуда фойдали бўлар эди. Кейин бу китобларнинг ўзи қисқача баёни билан халқ кутубхонасига жўнатилади»¹.

Генерал Абрамов генерал Кауфманнинг талабини ортиғи билан бажаради. У Жўрабек саройи забт этилганда фақат ўзи тортиб олган қўлёзма китобларидан ташқари, А. Л. Кун томонидан Шахрисабзда йиғилган қўлёзма асарларни ҳам қўшиб жўнатади. Абрамов Туркистон генерал-губернаторига 1870 йил 7 октябрда ёзган жавоб хатида шундай деган: «Сизнинг кўрсатмангизга жавобан ушбу хат билан Китобдан топилган ва қисман жаноб А. Л. Кун йиққан 100 нусха китобларни топшираман. Шу билан бирга, жаноб Кун Сармарқандда бўлмаганлиги туфайли китобларнинг қисқача баёнини тайёрлаш имкони бўлмаганлигини маълум қиласман»².

Хали Россиянинг Ўрта Осиёга бостириб киришдан 30 йил муқаддам, яъни 1834 йилда шарқшунос Х. Д. Френ ўз тахминига кўра мазкур асарлар Ўрта Осиёда мавжуд бўлган, шарқ муаллифлари Қаламига мансуб «Юз асарнинг тадрижий рўйхати»ни тузиб чиққан. Молия вазирлиги Оренбург божхонасига уларни савдогарлар орқали сотиб олиш ҳақида кўрсатма берган³.

30 йил давом этган Ўрта Осиёни забт қилиш 1853 йилда Оқмачит қалъасини босиб олишдан бошланиб, 1882 йилда туркманларнинг ер-сувларини эгаллаш билан тутаган ва фақат аҳолини талаш билан чекланиб қолмай, қўлёзмаларни тортиб олиш, архивларни ташиб кетиш ва маданият ёдгорликларини хароб қилиш билан бирга содир этилган. Бироқ чор маъмурияти

¹ Ўзбекистон МДА, I-Ф. 15-рўйхат, 69-иши, 66-вараж.

² Ўзбекистон МДА, I-Ф. 15-рўйхат, 69-иши, 67-вараж.

³ Садыкова Н. А. Музейное дело в Узбекистане. Т., Фан. 1975, С. 30.

урушнинг бошланишида маданият бойликларини излаш ва ташиб кетишни ўз назоратига ололмаган.

Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларнинг забт этилиши факат тўғридан-тўғри талон-тарож қилиш билан кифояланаб қолмасдан, чор армияси зобитлари ва генералларининг маданият ёдгорликларини тартибсиз равишда тортиб олишлари билан бирга борган. Улар қимматбаҳо бўлиб «туюлган» ҳамма нарсани харид қилиб ва куйи амалдорлардан тортиб олиб, турли нарса-буюмларнинг коллекцияларини тўплаганлар, лекин уларга сана қўйиш ва таснифлаш қийинчилик туғдирган. Масалан, воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг сўзларига қараганда, Самарқанд гарнizonи бошлиғига қарашли уйнинг барча хоналарини, «ерни ҳам, деворни ҳам гилам босиб кеттан эди. Айниқса, катта, баланд ва кенг бўлган меҳмонхона гиламлар билан тўлиб ётарди. Деворлар, токчалар, йигма табуреткалар, дераза рафлари, полда — ҳамма жойда гиламлар ва ҳамма жойга маҳаллий кошин, қиличлар, дубулға, совут, кўзачалар, хитой чинниси ва бошқа майда-чуйда буюмлар жуда чиройли қилиб қоқиб ва териб қўйилган¹». Хуллас, улар санаси кўрсатилмаган музейнинг ўзгинаси эди.

Чор амалдорлари, зобитлари ва савдогарлари орасида бойлик ортириш мақсадида осори атиқаларни қидиришга бўлган носоғлом қизиқиши маданиятининг ҳеч қандай расмий фармойишлари билан чегаралаб бўлмасди. А. Л. Кун ўзининг генерал Абрамовга ёзган хатларидан бирида подполковник Серов устидан шикоят қилган. У Бухородан қадимги тилла тангаларни сотиб олиб, уларни анча юқори баҳода пулламоқчи бўлган эди. Бироқ Абрамов амалдорларнинг хусусий мол-мулки дахлсиз эканлигини баҳона қилиб, бу ишга аралашишни узил-кесил рад этди². Чунки, Абрамовнинг ўзи ҳам бундай кусурдан холи эмасди, шу сабабли, бу масалаларда холис бўлиши гумон эди.

Туркистон генерал-губернаторларининг ўзлари Туркистондаги бойликларнинг энг биринчи қароқчилари ва шахсий коллекцияларнинг тузувчилари эдилар. Генерал М. Г. Черняев бошқа ҳамма нарсалардан ташқари, кўпгина курол-яроғлар коллекциясининг соҳиби

¹ Чабров Г. Н. История музеиного дела в Средней Азии (дореволюционный период). Рукопись ЦГА РУз, ф. 2681, оп. 1, д. 42, л. 18.

² Узбекистон МДА, 5-фонд 1-рўйхат, 54-иши, 11-варақ.

эди, улар орасида Тошкентни босиб олиш вақтида ҳалок бўлган Қўқон хони қўшини қўмандони Алим-кулнинг куроли фаҳрли ўрин эгаллади. Дамашқ ва Хуросоннинг филофли қимматбаҳо ханжарлари зийнатли тошлар ва олтин билан безатилган бўлиб, коллекцияга алоҳида жозиба багишларди. Генераллардан Абрамов, Головачев, Колпаковскийлар ҳам қадимий шарқ куроли коллекциялари билан мақтанишлари мумкин эди. Биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек, генерал-губернатор Кауфман маданий бойликларни ўзлаштириш ишида ўзининг олғирлиги билан айниқса ажралиб турарди. Кауфман музейлар ва кутубхоналарни таъминлаш билан бирга, ўзини ҳам унутмасди. Генерал-губернатор идорасининг 1880 йилги бир ўзига хос ҳужжати сақланиб қолган бўлиб, уни Г. Н. Чабров ўрганиб чиққан. Бу ҳужжатга кўра, Еттисув вилояти губернатори вафот этган сulton буюмларини музейлар учун сотиб олиш мақсадида уларнинг рўйхатини юборган эди. Бу буюмлар орасида сultonнинг қимматбаҳо байрам киймлари, эгар-жабдуқ, куроли, шу жумладан «тилла безакли пўлат дубулға» ва «тошлар қадалган тилла жига», тошдан ясалган тамакидон ва бошқа нарсалар бор эди. Кауфман танлаб олган еттига буюм комиссия томонидан 1710 сўмга баҳоланган бўлса, Кауфман бу қийматни 750 сўмга ўзгартирган ва нарсаларни ўзига олиб қолтан. Музейларга эса ҳеч нарса берилмаган¹.

Чор маъмуриятининг эътиборсизлиги ва бефарқлиги археологик қазилмалар ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган «хизматдаги кишилар»нинг Самарқанд қадимий Афросиёбидаги талончиликдан иборат қазиш ишлари олиб боришига имкон берган. «Сын отечества» журнали ўз мақолаларидан бирида князь Трубецкой-нинг бу хилдаги «қаҳрамонлиги» ҳақида қувонч билан маълум қилган эди. Князь ўзига бахт кулиб боқишини синамоқчи бўлиб, арзимаган ҳақ эвазига мардикорларни Афросиёбдаги биринчи дуч келган жойни кавлашга мажбур қилган ва ярим соат ўтар-ўтмас шерни ушлаб турган қадимги аёл ҳайкалчасига эга бўлган². Бундай бебошларча талончилик қилиш Жек Лондон ўз асарларида яққол тасвиirlаб берган Америка Қўшма Штатларидағи XIX асрдаги олгин излаш жараёнига ўшшаб кетарди. Чор маъмурияти, албатта, Туркистонга

¹ Ўша жойда, 34-бет.

² Берлимуродов А. Топталган мерос // Фитна санъати. 2-китоб. Т., 1993, 139-бет.

юборган расмий хатлари билан бу талончиликни тўхтатишига ва бойликларни «қазиб олиш»ни ўз кўлига олишга уриниб кўрган¹. Масалан, Зарафшон округининг бошлиги А. Абрамов 1874 йилда майор Борзековга Афросиёб топилмаларини Эрмитажга юборишни буюрган.

1883 йилда генерал-губернаторнинг буйруғи билан подполковник В. Крестовский қадимий шаҳарчада қазиш ишларини бошлаган ва энг қимматли топилмаларни Петербургдаги Археология ҳайъатига юборган. Бироқ укувсиз ҳарбийлар томонидан олиб борилган қазилма ишлари ёдгорликни вайронага айлантиради, холос. Петербургга юборилган топилмалар эса текшириб кўрилиб, комиссиянинг фикрига кўра унчалик муҳим қимматга эга эмас, деб топилган нарсалардан қимматбаҳо металлар қайта эритилиб, хазинага топширилган².

Миллий бойликларга шафқатсизларча, кўпол муносабатда бўлиш ўрта асрлардаги ер усти обидаларига нисбатан ҳам содир этилган. 1895 йилда Н. Веселовский раҳбарлигидаги экспедиция Амир Темур мақбарасидан ўйма эшикни кўчириб олиб Петербургга юборган. Мақбаранинг гарб томонидаги эшиги номаълум шахслар томонидан жойидан кўчириб олинниб, кимгандир сотиб юборилган. Ҳозир у Лондондаги Виктория ва Альберт музейида сақланмоқда. 1903 йилда марказнинг буйруғи билан император Александр III музейи учун Амир Темур мақбарасининг дераза ойнаси жойидан кўчириб олинган ва Петербургга жўнатилган. 1905 йилда мақбараага ўрнини тўлдириб бўлмайдиган яна бир зарар етказилади — «Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоний қабри, Худо уни раҳмат қилсин ва жойи абадий жаннатда бўлсин» деган ёзувли пештоқнинг бир қисми ўғирлаб кетилди ва Истанбулга юборилди. Бу ерда уни Берлиндаги «Фридрих — музейум» музейи директори 10 минг франкка сотиб олади. Ҳозир бу ноёб пештоқ қисми Эрмитажда сақланмоқда. Ҳалқнинг миллий қадр-қимматини бундай таҳқирлаш, унинг бой тарихини заррача бўлса ҳам хурмат қилмаслик мисоллари кўп бўлган. Мустамлакачилар халқ ва унинг маданий бойликларига хўжайинлик қилиб, уларга путур етказганлар, тортиб олганлар, йўқ қилганлар ва ўғирлаганлар. Унинг ўтмишига бундай қизиқиши ва мадани-

¹ Ўзбекистон МДА, 5-фонд, 1-рўйхат, 54-иш. II-вараж.

² Бердимуродов А. Ўша асар, 140-бет.

ят обидаларига бундай юқори муносабат инсонпарварлик ҳиссиятларига эмас, балки бойиш ва текин даромад излаш мақсадларига хизмат қилган. Бу нарса ана шу бойникларни яратган халққа нафрат кўзи ила қараш билан бирга борган. Маданият ёдгорникларини қадрлаш, лекин уларни яратган халқни назарга илмаслик — бу мустамлакачиликка хос одат ва зиддият эди.

Хивани забт этишда ва унинг бойникларига эга бўлишда бошқача усул қўлланди. Ҳарбий босқин Хива хонлигини ўрганишнинг улкан дастурини ишлаб чиқишига асосланди. Чор армиясининг аскар ва зобитларига кўллэзмалар, архивлар ва тангаларни тортиб олишга доир йўл-йўриқлар тарқатилган эди¹.

Рус география жамияти томонидан тузилгани дастурнинг «Кўллэзмалар ва тангалар тўплами» номли IV бўлими (хусусан илгари Ўрта Осиёда бўлиб кетган шарқшунос П. И. Лерх тузиб чиқсан бўлим) да шундай кўллэзмалар кўрсатилган эдики, уларни излаш муҳим аҳамиятга эга эди. Масалан, Алишер Навоий тўла асарлари тўпламининг эски кўллэзмалари, Абулғозийнинг «Шажарайи турк», Хубби Кули ҳожи таржимасидаги «Бадоев ул-вақоевъ», Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарлари ва бошқа кўллэзмалар бор эди. Машхур Абу Райхон Берунийнинг «у ёки бу асарини кўлга киритиш» катта баҳт бўлур эди. «Россияда Беруний асарларидан бирортаси ҳам йўқ», — дейилганди дастурда.

Ана шу мақсадларда олимлар гуруҳлари ҳарбийларга бириктириларди. Масалан, шундай гуруҳлардан Красноводск ва Оренбург, Манғишлоқ, Туркистон ва бошқа отрядларга юборилган². Шарқшунос А. Л. Кун 1868 йилда Туркистон генерал-губернатори ихтиёрида турган ва 1870 йилги Искандаркўл экспедициясида иштирок этган. Уч йилдан кейин у бу ҳақда мақола зълон қилган³.

Хива юриши тўғрисидаги расмий ҳисботдан маълум бўлишича, «талон-торож» ҳақидаги йўриқнома аниқ ва қатъий бажарилган. Кўнгиротнинг забт этилиши вактида хон хазинаси ва хон амалдорлари мол-мулкини аниқлаш учун маҳсус ҳайъат тузилган. Ҳазораспдаги кўргондан 4 та тўп олиб кетилган, уларнинг 2 таси — «энг нозик қуюлмадан» ясалганлари буюк князь Ни-

¹ Садыкова Н. С. Музейное дело в Узбекистане. Т., Фан, 1975, С. 30.

² Лунин Б. В. Кўрсатилган асар. 112-бет.

³ Кун А. Л. Научные работы во время Хивинского похода // Туркестанские ведомости. 1873. № 50.

колай Констаниновичга ва князь Евгений Максимилиановичга «биринчи артиллерия ўти» хотираси шарифига совға қилинган; бу юриш қатнашчилари мазкур ўтга машқ вақтида дучор бўлган эди. Хивадан анча миқдордаги бойликлар тортиб олинди ва бу ерда ҳам хон саройи ва девонбеги Матмуроднинг уйидаги молмулкларни текшириш ва рўйхатга олиш ҳайъати тузилди¹. Саройдан Хива хонларининг тахти тортиб олиниб, 1874 йилда Курол-яроғ палатасига топширилди. Матмуроднинг уйидан 48 минг сўмлик мис ва кумуш тангалар ҳамда «тилла буюмлар ва осиёлик хотин-қизларнинг қадим зеб-зийнат ашёлари солинган сандик»² ташиб кетилди.

Америкалик журналист Мак Гахан воқеаларни ўз кўзи билан кўрган бўлиб, Хива саройи хазиналарини батафсил тасвиirlаб берган. Унинг сўзларига қараганда, хон саройининг бир-бирига туташ икки хонасида у хилма-хил қурол-яроғларнинг ва ҳарбий аслаҳаларнинг катта уюмини кўрган, улар орасида уни «нилуфар гули тасвири туширилган рицарлар қалқони», безакдор қадимги шарқ қуроллари, «Хуросон қиличлари, Эрон шамширлари ва тошлар қадалган қимматбаҳо филофли афғон ханжарлари» ҳайратга солган. Иккинчи хонада асосан китоблар, шунингдек, ўқ-ёйлар ва «кўпгина эски идишлар» (афтидан, қадимий идишлар бўлса кепрак. — Д. А.) мавжуд бўлган. Ҳарам хоналарида у 1000 та буюмдан иборат хитой ва рус чинни идишлари коллекциясини кўрган³. Хон саройидан олинган кўп миқдордаги қимматбаҳо гиламлар аскарларни рағбатлантириш харажатларини қоплаш учун номаълум кишиларга сотилган. Г. Н. Чабровнинг фикрича, қимматбаҳо нарсаларнинг анчагина қисми юриш қатнашчилари томонидан ўғирланган, бу қимматбаҳо буюмлар сўраб-суриштириб ўтирасдан сотиб юборилган. Масалан, аёлларнинг ғоят қимматбаҳо, қадимий безаклари вазнига қараб, ҳар бир қадоги 25 кумуш сўмдан пулланган⁴. Биз келтириб ўтган бу мисоллар Ўрта Осиёдан ташиб кетилган барча маданий бойликларнинг денгиздан бир томчисидир, холос.

¹ Чабров Г. Н. История музеиного дела в Средней Азии (дореволюционный период). Рукопись ЦГА РУз, ф. 2681, оп. 1, д. 42, л. 18.

² Стасов В. В. Трон хивинских ханов // Вестник изящных искусств, т. IV. Вып. V. С.-Пб. 1886.

³ Чабров Г. Н. Кўрсатилган асар. 30-бет.

⁴ Уша жойда, 31-бет.

Хива забт этилгандан кейин туркманларга қарши жазо экспедицияси ўтказилган. Бу ердан кўплаб миқдорда гиламлар, шойи газламалар, кийимбошлар, бе-заклар тортиб олинган. Олиб кетишнинг иложини қилолмаган барча нарсалар ёқиб юборилган. Кўплаб қадимий гиламлар ёниб кул бўлган.

Маданий бойликларни тўғридан-тўғри тортиб олишдан ташқари, Чор Россияси маъмурияти айrim шахслар томонидан ер кавлаш, канал, ариқ қазиши ва бошқа ишлар натижасида топилган танга хазиналари, осори атиқаларнинг Археология ҳайъатига жўнатилишини талаб қилган. Бу тўғрида ҳукумат томонидан маҳсус фармойиш ҳам чиқарилган эди.

Археология ҳайъатининг кўрсатмаларидан бирида топилган хазина ва бошқа тарихий осори атиқаларни қисм-бўлакларга бўлмасдан тўла, қандай бўлса шундайлигича жўнатилиши талаб қилинган. Ер остидан топилган хазиналарни ва бошқа ёдгорликларни Археология ҳайъатига топшириш тўгрисидаги тартиб қондадар маҳаллий аҳолига миллий тилда етказилган, тарқатилган эди¹.

1882 йил 9 августда Туркистон генерал-губернатори девонхонаси ўлка бош бошлигининг топшириғи билан Чимкент уездининг Сайрам қишлоғида топилган Шарқ кумуш тангалари хазинасини Петербургдаги Археология ҳайъатига юборди. Ҳайъат бу тангаларни ўрганиб чиқиб, уларни ноёб деб топди ва хазинани топган одамга ўша давр ҳисобида 113 сўм 70 тийин беришга қарор қилди. Археология ҳайъати раиси 1882 йил 14 декабрда Туркистон генерал-губернатори М. Г. Черняевга ёзган хатида хазинани топган кишига тегишли пулни жўнатганлигини хабар қилиб яна шундай деган: «Сизга ишониб топширилган ўлкада тасодифан топилган тангалар хазиналари ва осори атиқаларини бундан кейин ҳам Ҳайъатга юбориб туришингизни Сиз жанобларидан ўтиниб сўрайман»².

Археология ҳайъати илтимосини, айни вақтда чор ҳукумати топшириғини бажара бориб, Туркистондаги чор маъмурлари мунтазам равишда топилган тарихий ёдгорликларни Россияга жўнатиб турди. 1885 йилда Самарқандда Шоҳи Зинда масжиди олдидаги ерни хиёбон қилиш учун текислаётib, Кўк Яшир номли киши

¹ Ўзбекистон МДА, 1-ф, 15-рўйхат, 389-иш, 17-варақ.

² Ўша жойда.

276 та қадимги мис тангалар хазинасини топиб олди. Бу тангалар Зарафшон округи бошлиғига топширилди. Ўша вақтда Самарқандда илмий сафарда бўлган профессор Н. И. Веселовский 220 та тангани сўраб олиб, ўрганиб чиқди. Унинг холосасига кўра, бу тангалар Шайбонийлар сулоласи даврида — жижрий 923 йил (1517—1518 йилларда) зарб қилинганд¹.

Бу тангаларни Зарафшон округи бошлиғи Туркистон генерал-губернаторига, у ўз навбатида Археология ҳайъатига юборди. Хазинани топган одамга 10 сўм мукофот берган.

1887 йилда Фарғона вилояти, Наманган уезди, Янги Кўрғон қишлоғига яқин жойда — Нурмуҳаммадбой-нинг ерида Ислом Қаландар ва Темурбойлар ишлаётib, хумда 1 та кумуш ва 1 пуду 8 қадоқдан иборат мис тангалар хазинасини топиб олдилар. Бу тангалар Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилди. У топилган тангаларни 1887 йил 16 октябрда Туркистон генерал-губернаторига жўнатди. Туркистон генерал-губернатори бу тангаларнинг аҳамиятини аниқлаш учун Археология ҳайъатига юборди². Тангаларнинг эгаси Нурмуҳаммадбойга Туркистон генерал-губернатори 10 сўм мукофот берди.

Чор ҳукумати фақат Туркистондагина эмас, Бухоро амирлигига, Хива ҳонлигига топилган хазиналарни ҳам, энг нодир ёдгорликларни ҳам Россияга олиб кетиш чораларини кўрди. 1888 йил ноябрда Бухоро амирлигига қимматли хазина топилганилигидан хабар топиб, Туркистон генерал-губернатори Бухородаги Россия сиёсий вакилига танга ва буюмларни Археология ҳайъатига юбориш учун Тошкентга Туркистон генерал-губернаторлиги идорасига жўнатишни илтимос қилган эди. Бухородаги Россия сиёсий вакили 1889 йил 29 апрелда Туркистон генерал-губернаторига хат билан айтилган танга, буюмларни Тошкентга юборди. Сиёсий вакил ўз мактубида кўйидагиларни хабар қилган:

Канцеляриянинг 1888 йил 28 ноябрдаги 5525-рақамли хатига асосан илова қилинганд рўйхатда кўрсатилган танга ва буюмларни жўнатмоқдаман. Кўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, мазкур буюмлар 1888 йил баҳорида Амударёнинг Каркидан кечиб ўтиш жойида — Бухоронинг Карки шаҳри яқинида жойлашган

¹ Узбекистон МДА. I-Ф. 15-рўйхат, 389-иш. 37-варақ.

² Узбекистон МДА. I-Ф. 15-рўйхат, 389-иш. 90-варақ.

тепаликда муҳандислик ишлари олиб бориш жараёнида ер остидан топилди. Бу буюмларни менга Самарқанд муҳандислик участкаси бошлиғи полковник Павлов Петербургга — Император Археология ҳайъатига совға қилиш учун топширди¹. Петербургга юборилган хазина таркибида қадимги 2 дона олтин ва 31 дона кумуш танга, сопол идиш, металдан тайёрланган кели, келидаста, қозон, жомлар бор эди².

Туркистон генерал-губернатори идораси 1891 йил 11 сентябрда Археология ҳайъатига Самарқанд уезди Ишим-Оқсой волости Тутин қишлоғида Холмирза Мұхаммад Солихов топған қирқ, етти дона олтин танғани етказиб берди. Бу танталар Бухоро танғалари бўлиб, 1745—1780 йилларга оид бўлган. Ҳайъат уларни текшириб 4 дона нумизматикага аҳамияти бор олтин танғаларни танлаб олди ва Эрмитажга топширди. Археология ҳайъати олиб қолған танғалар учун уни топған одамга 31 сўм 44 тийин юборди³. Бундай «катта бойликка» (10 сўмдан — 31 сўмгача) эга бўлган инсонлар Ватанининг улкан йўқотишиларига сабабчи бўлғанликларини билғанимидилар? Афсуски, йўқ!

Энди энг қимматбаҳо бойликлар бўлмиш қўлёзмаларга қайтайлик. Қўлёзмаларни тўплашда турли даврларда Н. В. Хаников, П. И. Лерх, В. В. Григорьев, В. В. Вельяминов-Зернов, К. Г. Залеман, В. В. Радлов, В. Р. Розен, Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, А. Н. Самойлович, А. Л. Кун, Е. Ф. Каль ва бошқа кўплаб таникли рус шарқшунослари иштирок этгандар. Улар кўплаб маълум ва номаълум қўлёзма обидаларнинг илмий феҳристини тузиш, тартибга солиш, таржима қилиш, тавсифлаш ва нашр этиш ишларини амалга оширганларки, бу шак-шубҳасиз уларнинг шарқшунослик фани олдидағи буюк хизматидир. Уларнинг кўпчилиги мустамлакачилик сиёсатининг салбий томонларини англаб етгандар. Масалан, шарқшунос Е. Ф. Каль В. Р. Розенга ёзган хатида бундай деган эди: «Менинг назаримда, бу ерда (Туркистонда — Д. А.) баъзи бир арзимас истисноларни ҳисобга олмаганда, тарихий ва тилшунослик нуқтаи назаридан ўлкани ўрганиш борасида бутунлай бепарволик ҳукм сурмоқда ва жуда камдан-кам кишилар мазкур фанлар

¹ Узбекистон МДА, 1-Ф, 15-рўйхат, 389-иш, 145-варақ.

² Уша жойда.

³ Узбекистон МДА, 15—15-рўйхат, 389-иш, 206-варақ.

юзасидан бирон-бир муҳим маълумотлар беришга қодирдир. Ниҳоят, бу ердаги рус жамиятининг кўпчилиги маҳаллий аҳолига, уларнинг ҳёти, кундалик турмуши, тарихи, тили ва шу кабиларга таалуқли барча нарсаларга шу қадар эътиборсизлик билан муносабатда бўлиши ҳақиқатан ҳам кишининг ғазабини қайнатади. Ўз вазифаларига кўра аҳоли билан доимий муносабатда бўлиб турадиган маҳаллий аҳолининг маъмурий раҳбарлари, яъни уезд бошликлари, уларнинг ёрдамчилари ва бошқа шахслар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади»¹.

Бироқ шуниси ҳам ҳақиқатки, Россия олимлари ўз давлати манфаати йўлида ҳаракат қилганлар ва Қўлёзма ҳамда архив фондларини бойитганлар.

Петербург Осиё музейи, Эрмитаж ва Император халқ кутубхонаси рус шарқшунос олимлари олдида таъзим қилиши керак. Чунки улар шундай ноёб ва қимматли илмий манбалар, маънавий-моддий ёдгорликларни Туркистондан марказга ташиб кетдиларки, натижада Петербург ва Москва музейлари ҳамда кутубхоналари дунёдаги энг Йирик қадимий, нодир қўлёзмалар, ноёб ёдгорликлар хазиналарига айландилар.

Ўзбекистонлик тарихшунос Б. В. Луниннинг ҳисобкитобларига кўра, Россия хазиналарига 1865 йилдан 1917 йилгача Урта Осиёдан 3000 шарқ қўлёзмаси тушган². Агар 1865 йилга қадар тушган қўлёзмаларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг миқдори келтирилган ушбу рақамдан эҳтимол бир ярим баробар ошиб кетса керак. Россиянинг биргина Осиё музейига 1874—1916 йилларда В. В. Бартольд — (20), В. В. Вельяминов-Зернов — (19), Н. Н. Веселовский — (3), В. В. Вяткин — (6), Д. М. Граменицкий — (18), И. И. Десницкий — (7), К. Г. Залеман — (105), И. И. Зарубин — (11), В. И. Игнатьев — (8), А. Д. Кальников — (4), Карташов — (1), К. П. Кауфман — (18), В. О. Клемм — (1), Д. Корен — (1), А. Л. Кун — (85), С. А. Лапин — (1), П. И. Лерх — (32), Поспелов — (8), Скайлер — (1), С. М. Смирнов — (3), Мезонов — (1), А. Миллер — (1), Мишутушкин — (1), Н. Н. Пантусов — (1) ва бошқа кўпгина кишилар Туркистондан олиб кетган қўлёзмаларини топширганлар. Энг кўп миқдордаги

¹ Карап: Л у в и н Б. И. Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении. С. 196.

² Ўша жойда.

қўлёзмалар В. А. Иванов томонидан (605 та) олиб кетилган¹. Осиё музейида (ҳозир у Россия ФАсининг Осиё ва Африка институтидир) штатдан ташқари ишлаган бу шахсни И. Ю. Крачковский қўлёзмаларнинг «омади овчиси» деб тавсифлаган. В. А. Иванов ана шу мақсадда Ўрта Осиёга икки марта юборилган² ва унинг коллекцияси «Бухоро коллекцияси» номи билан машхур бўлиб; музейнинг энг қимматли коллекцияларидан бири ҳисобланарди. Бу қўлёзмалар орасида — ал-Ғаззолий, аз-Замахшарий, ас-Самарқандий, ибн Жинна, ибн Мискавейх, ал-Бухорий, ибн ал-Хайсам, ал-Мажусий ва бошқаларнинг асарлари мавжуд бўлғанлигини айтиш кифоя. Ана шу коллекциядаги энг қадими қўлёзмалар VI асрга мансуб бўлиб, улардан кўплари Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халфаси, Нақшбандия тариқатининг пешвоси Муҳаммад Порсо кутубхонасининг таркибиға кирган эди. 1915 йилда В. А. Иванов китоб бозорларидан ва Бухоро мадрасалари вақф кутубхоналаридан араб, форс ва ўзбек тилларида битилган 1057 та қўлёзмани сотиб олган. Кейинги йили у 68 та қўлёзмани, икки йил мобайнида эса жами 1125 та қўлёзмани олиб кеттан³.

Яна бир мисол К. Г. Залеман номи билан боғлик. Унинг 1897 йили Марказий Осиёга келиши Кўқондаги Худоёрхон кутубхонасини излаш билан боғлик бўлди. Залеман хон кутубхонасининг собиқ сақловчиси мулла Саримсоқхожа билан учрашиб, 3—4 қўлёзма олади. Ўшга бориб уезд судъяси Д. М. Граменицкий билан яқиндан танишади. Граменицкий Залеманга Осиё музейи учун ўзининг Шарқ қўлёзмалари коллекциясини топширади. Яна маҳаллий рус олимлари — Наливкин ва Вяткиндан ҳам қўлёзмалар коллекциясини олади. Ўзи эса булардан ташқари яна 96 қадими қўлёзмани қўлга киритади.

Сафари пайтида у шундай хulosага келади: «Ўрта Осиё қадими нодир қўлёзмалар макони экан. Бундан қейин олимлар иштирокида кўплаб илмий сафарлар уюштириб, қўлёзмаларни Петербург музей ва кутубхоналарига йигиб олиш зарур».

Залеман 1908 йили Ўрта Осиёга иккинчи марта келади ва маҳаллий археолог В.Л. Вяткин қўлёзмалар кол-

¹ Ақимушкин О. Ф., Кушев В. В., Салахетдинова М. А. Персидские и таджикские рукописи института народов Азии АН СССР. Краткий алфавитный каталог. — М., Наука, 1964. С. 134—143.

² Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. I. М.—Л., 1955. С. 64.

³ Лунин Б. В. Кўрсатилган асар. 153-бет.

лекциясининг феҳристини тузади. Бухородан 42 ноёб кўлёзмани кўлга киритади. Залеман Андикон, Кўқон, Тошкент ва Ўща ҳам бўлиб, маҳаллий халқларнинг ҳаёт тарзини кўрсатувчи этнографик буомларни Осиё музейи учун олиб кетади¹.

Агар бу маълумотлар эътиборга олинадиган бўлса, Осиё музейидаги Ўрта Осиё кўлёзмаларининг умумий миқдори ҳақидағи маълумотларга шубҳа билан қарашига тўғри келади. Ёки кўлёзмаларнинг муайян қисми бошқа фонdlарга топширилган ёхуд ўша олимларнинг хусусий коллекцияларида қолиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Бироз олдинилаб кетиб шуни ҳам тъкидлаймизки, совет даврида (1949 йилга қадар) Ўрта Осиёдан СССР ФА Осиё халқлари институтига (собиқ Осиё музейига) фақат форс-тожик тилларидағи 170 дан кўпроқ кўлёзма тушган².

Уларнинг энг кўп қисми В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, Н. Ф. Пасхин, А. Х. Маргулан, А. Ю. Якубовский томонидан топширилган. Қимматли кўлёзмаларни ёки нодир ёзма ёдгорликларни зўравонлик усули билан тортиб олишга мисол тариқасида VII асрга тааллукли машхур Усмон Куръонининг тарихи ёрқин мисол бўла олади.

1869 йили 30 майда Зарафшон округи бошлиғи генерал-майор Абрамов Туркистон генерал-губернаторига Усмон Куръонини Самарқанддаги Ҳўжа Аҳрор масжидидан олганлиги тўғрисида хабар беради. У Кауфманга бу ноёб кўлёзмани қандай қилиб кўлга киритганлигини батафсил баён этган. Унинг ёзишича, Самарқанд босиб олинганда руҳонийлар Бухорога олиб кетиш мақсадида бу кўлёзмани яширишган. Бу ҳолат ҳақида генерал Абрамовга унинг айғоқчилари хабар қилишган. «Бу ажойиб ва фан учун эҳтимол қимматли қадимги кўлёзма кўлдан чиқиб кетмаслиги тўғрисида ташвишланиб», Самарқанд уезди бошлиғи подполковник Серовга кўлёзмани кўлга олиш йўлларини қидириб топишни буюрдим, дейди Абрамов Кауфманга ёзган маълумотида. Абрамов Кауфманга яна қўйидагиларни ёзган: «Серов менга хабар қилди: 1) Бу Куръон

¹ Историография общественных наук в Узбекистане. Составитель Б. В. Лунин. Т. V. Т., 1974, С. 175–177.

² Шу каталогдан саналган: Ақимушкин О. Ф., Кушев В. В., Миклухо-Маклай, Мушков Н. Д., Салахетдинова М. А. Персидские и таджикские рукописи института народов Азии АН СССР. Краткий алфавитный каталог. М., Наука, 1964. Ч. II.

доим Хўжа Аҳрор масжидида сақланишига қарамай, унинг мулки бўлиб ҳисобланмайди. У давлат мулки бўлиб, амирнинг китоби ҳисобланади; 2) Бу Куръонни мусулмонлар учун ҳам, масжид учун ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бир вақтлар мусулмонлар бу китобга сажда қилганлар, охирги йилларда эса фақат амирлар Самарқандга келганда зиёрат этади, холос; 3) Бу Куръонни ҳеч ким ўқий олмайди ва у неча юз йиллардан бери масжидда бутунлай фойдаланмай ётибди; 4) Хўжа Аҳрор масжиди уламоларининг ўzlари унга (Серовга) Сизларга керак бўлса, Куръонни олаберинглар, деб таклиф қилибди.

Бир томондан, шу ҳолатни ҳисобга олиб, бошқа томондан бу қўлэzmани олиш бутун илмий жамоатчилик учун ҳар эҳтимолга кўра катта ютуқ бўлали, деб Серовга бу Куръонни менга олиб келишини топширдим ва у бу топшириқни бажарди. Бу Куръонни олиб келган имомлар Серовга нима деган бўлса, менга ҳам шахсан ўzlари тақрорлаб ўшани айтдилар, яъни улар бу Куръонни бажонидил беришга рози, чунки, биринчидан улар буни давлат мулки деб ҳисоблади ва, иккинчидан у уларга бутунлай керак эмас ва уларда бутунлай фойдасиз ва ишлатилмай ётибди.

Хўжа Аҳрор масжидига бир йўла 500 Кўқон тангаси (100 рубль) хайр-эҳсон қилиб, бу ишни охирига етказдим¹. Агар хатда айтилишича, уламолар хайри-хоҳлик билан Куръонни топширган бўлсалар, нимага уни яшириб, Бухорога олиб кетмоқчи бўлганлар? Кўриниб турибдики, Абрамов бу қимматбаҳо қўлэzmани олиш ҳақида Самарқанд уезди бошлиғига бўйруқ беради ва у уламоларга тазиик ўtkазиб, уни «ўз ихтиёrlари» билан топширишга зўрлади.

Маълумки, шариат қоида-қонунлари бўйича вақф мулкини сотиш, совға қилиш ёки давлат томонидан мусодара қилиш ман этилган. Буни яхши билган масжид уламолари бир неча ой илгари Самарқандни босиб олища шафқатсизлик билан тинч аҳолининг қонини тўккан ҳарбийлардан қўрқиб, уларнинг айтганини қилишга, бутун ўлка мусулмон руҳонийларининг муқаддас китоби — Усмон Куръонини Самарқанддаги чор маъмурларига топширишга мажбур бўлдилар.

Туркистон генерал-губернаторининг 1869 йил 24 октябрдаги хати билан Усмон Куръони Самарқанддан

¹ Ўзбекистон МДА, I-фонд, 29-рўйхат, 23-иш, 7—8-варақлар.

Петербургга олиб кетилган. Халқ маорифи вазирлиги 1870 йил 17 авгуустдаги генерал К. П. Кауфман номига ёзган миннатдорчилик хатида пергамент (кийик тери-си)га куфий хатида ёзилган Усмон Куръонини ва бу кўлёзма ҳақидаги маълумотномани олганинги ва унинг талаби бўйича Император халқ кутубхонасига топширганлигини маълум қилиган¹.

Бу энг қадимги кўлёзма Куръонинг ёзилиш тарихи қуйидагича бўлган: Муҳаммад ҳаёт бўлган вақтда унинг тарғиботлари ёзиб олиниб, бир тизимга солинмаган, улар омма орасида оғзаки тарқалган, баъзи гаплари турли материаллар (сопол тахтакач, пергамент ва бошқалар)га ёзилиб келинган. Муҳаммад вафотидан кейин халифа Абу Бакр унинг сўнгги миrzаларидан бири Зайд Ибн Собитга Муҳаммад тарғиботларини ёзиб тўплашни топширган. У ўзи ва Муҳаммаднинг саҳобалари ёддан билган сураларни, айрим материалларга ёзилган матнларни тўплаб 632 йилда биринчи Куръон матнини тайёрлади. Орадан бир оз вақт ўтгач, бошқа тўпламлар ҳам вужудга келди. Улар ўргасида маълум тафовутлар пайдо бўлди. Халифа Усмон Зайд ибн Собитга Куръон матнини тўплаган баъзи шахслар билан бирга мавжуд тўпламларни таққослаб чиқиш ва ягона тўплам тузишни буюрган. 651 йилда буйруқ бажарилган, бу тўплам Усмон Куръони деб юритилган ва Куръонинг бошқа нусхалари йўқ қилинган. Бу янги тўпламнинг асл нусхаси Мадинада қолдирилган, ундан кўчирилган 3 нусха эса Куфа, Басра, Дамашқ шаҳарларига юборилган². Ўша кўлёзмалардан бири Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжидида сақланган эди. Бу кўлёзма совет даврида Петрограддан Қозонга, кейин Тошкентга олиб келинган. Ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари диний бошқармасида сақланади.

Туркистон генерал-губернатори топшириги билан унинг маслаҳатчиси, шарқшунос А. Кун Усмон Куръони тўғрисида қўшимча маълумотлар тўлади. У бу нодир кўлёзманинг ташки кўринишини баён этди. Усмон Куръонининг ташки кўриниши тўғрисида қуйидагилар ёзилган: «Ташки кўриниши 68x53 сантиметр, 353 варакдан иборат, ёзув матнлари 50x44 см.ни эгаллайди. Қалин, ялтироқ, текис мустаҳкам пергаментдан тайёрланган материалга куфий ёзувида ёзилган. Материални

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 29-рўйхат, 23-иш, 29-варақ.

² Ислом. Справочник. Ташкент. 1989. 298-бет.

қисман буришиб қолган, айниқса (287-вараги). Биринчи вараги сариқ, иккинчиси оқ рангда, Куръоннинг сарғиши рангда ёзилган матни яхши сақланган. Қора ва қорамтири рангда ёзилган ҳарфлари пергаментта ёйилиб кетган. Ёзувда сўзларнинг марказий қисми яхши сақланган. Кўпчилик сўзларнинг ранги учуб, оқариб кетган бўлиб, ўқишни жуда ҳам қийинлаштиради. Бир варакнинг ўзида яхши ва ёмон сақланган сўзларни учратамиз, бу эса қачонлардир сўзларнинг қайта тикланганлигидан дарак беради. Пергамент ва вараклар намлиқданми ёки қон тўкилганлиги туфайлими, бирбиридан қисман фарқ қиласи. Яроқсиз бўлиб қолган 69-вараги қофоз варакқа алмаштирилган. Бу варак ҳам пергаментга ўхшаш пишиқ ва юмшоқ қофоздан тайёрланган. Варакларнинг айрим қисмлари ёйилиб кетганлиги туфайли ширачланган. Куръон вараклари кўпчилигининг пастки бурчак қисми йиртилиб, кемтик бўлиб қолган. 60—63-вараклари қофоз ёпиштирилиб яマルган. Езув матнларининг айримлари қайта тикланган, таъмирланган қисмлари матни қирқилиб, бир шаклга келтирилган. Айрим жойларида, ҳаттоқи, Куръон суралари ҳам қайта тикланган.

353 варакли китобдан фақаттинга ўн беш вараги ҳеч қандай таъмирсиз бутун сақланган. Булар 210—214, 215—218, 219—220, 232, 233, 234, 235, 237, 238, 240, 243 ва 246-варакларидир. Китобда қалин сурп ёпиштирилиб яマルган қисми бор. Варакларининг пастки қисми бу кланганлиги сабабли қофоз ёпиштирилган, кичкина дафтарчали қисми эса ҳар хил ҳажмларда яшил ип билан яхшилаб тикилган¹.

Сурп ёпиштирилган, тикилган, суралари, сўзлари қайта тикланган, қофоз билан таъмирланган Куръон Серовнинг юқоридаги уни «ҳеч ким ўқий олмайди ва у неча юз йиллардан бери масжидда бутунлай истеъмолсиз ётибди» деган сўзларини мутлақо инкор этади. Аксинча, бу Муқаддас китобнинг севиб ўқиб, авайлаб, саклаб қолишига уринишлиар бўлганлигидан далолат беради.

Усмон Куръони энг қадимги қўлёзмасининг Самарқандга келиб қолиши ҳақида турли ривоятлар бор. Бу ривоятларнинг биринчиси Самарқанддаги Хўжа Аҳрор масжиди уламолари Мула Абдулжалил ва Мула Мухиний муфтийга тегишли. Улар Туркистон генерал-гу-

¹ Ислом. Справочник. Ташкент, 1989, 298-бет.

бернатори топшириги билан ёзилган Усмон Куръони тўғрисидаги маърузада шундай дейишган: «Хўжа Ахрор ҳамма томонидан авлиё деб тан олингандан кейин унинг бир гуруҳ муридлари ҳаж сафарига чиқадилар. Қабул қилинган халқ таомилига кўра ҳар бир зиёратчи ҳажга жўнаш олдидан ўз ватанидан туморлар, доривор ўсимликлар, йўлда одамларга тухфа қилиш учун ҳар хил совға-саломларни ўzlари билан бирга олардилар. Муридларга, шунингдек, пирининг дуойи саломларни етказиш ҳукуқи ҳам бериларди. Хўжа Ахрор муридларидан бири ҳаждан қайтишда йўл-йўлакай Рум (Константинопол)га қўноқ бўлади. Рум халифаси оғир бедаво дардга мубтало бўлиб, табиблардан ҳеч ким унинг касалига даво тополмай турган экан. Муриднинг табибликтан ҳам хабари бўлиб, халифанинг таклифига биноан Хўжа Ахрорнинг дуойи саломини етказиб, уни илоҳий куф-суфлару доривор ўсимликлар билан даволашга киришибди. Халифа ўлим чангалидан қутулиб шифо топгандан сўнг муридга тухфа-эҳсон қилмоқчи бўлиб, унинг истагини сўрабди.

Бу Усмон Куръони Рум халифаси хазинасида сақланиши тўғрисида билган мурид шу китобни совға қилишни илтимос қилган. Халифа бу китобдан маҳрум бўлишни сира хоҳламаган ва бундай илтимосдан ранжиган. Унинг ўзига қолса китобни эҳтимол бермас эди ҳам. Аммо унинг ёнида ҳозир бўлган вазири ва яқин кишилари халифага: «Сиз ўзингиз муридга ҳадя танлаш ҳукуқини бердингиз. Сизга ўз сўзингиздан қайтиш ярамайди. Бизнинг фикримизча, китобни бугун унга бериш керак. Уч кундан кейин уни яна олтинларга сотиб оламиз» — деб маслаҳат беришибди. Бу фикрга кўшилган халифа китобни муридга бериш тўғрисида фармон беришибди. Мурид ҳеч кимга билдиrmай ошигич равищда ўз ватандошларидан бири орқали Усмон Куръонини Хўжа Ахрорга юборишибди. Бундан бехабар халифанинг вазири эса муридни ҳар куни меҳмон қилиб меҳрибонлик кўрсатишибди. Уч кун ўтгандан кейин вазир муридга катта миқдордаги қимматбаҳо дуру гавҳарларга китобни алмаштиришни таклиф қилишибди. Бунга жавобан мурид унинг илтимосини бажара олмаслигини, чунки уч кун бурун китобни ватанига жўнатиб юборганини айтишибди.

Бу хабар халифани жуда хафа қилишибди. Олиб кетилган китобни қайтариб келиш учун ҳар тарафга чопарлар юборишибди. Аммо ҳамма ҳаракат зое кетишибди. Уч

кун ичида китоб узоқ жойларга олиб кетилган эди. Унинг изини ҳам топиб бўлмади. Халифа дастлаб бу воқеадан жуда қайғурди, лекин кейин ўз айбини тушуниб, худонинг амрига бўйсунди¹.

Хўжа Аҳрор мадрасаси ва масжиди ўламолари сўзлари асосида ёзилган маълумотдан кейин Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман Бухоро амири элчиси Яхё хўжани қабул қилиб, унга машҳур Усмон Куръонини кўрсатади. У бу Куръоннинг Туркистонга келиб қолиши тўғрисида бошқа ривоятни, яни уни Амур Темур олиб келган деган ривоятни айтади. Кауфман 1869 йил 24 октябрда шундай ёзади: «У бу қадимий қўлёzmани кўриб чиқиб, унинг Усмон томонидан ёзилган, Халифанинг қони томган асл нусхаси, Усмон Куръони деб эътироф қилди. Хўжа қўлёzmани кўриб изоҳлади, бу энг дастлабки Куръон, ундан мусулмон дунёсида тарқалган Куръоннинг нусхалари тайёрланган. Кейин у айтдики, бу машҳур қадимий қўлёzма Амир Темурнинг Самарқандда йиққан китобларидан ташкил қилинган бой кутубхонасидан сақланиб қолган. Бу Куръон Темур кутубхонасининг энг қимматли безаги ҳисобланарди ва унинг ўзи олиб келган эди. Бу кутубхонанинг бошқа китоблари, Хўжанинг айтишича Темур меросхўрлари даврида амирларнинг ўзаро урушлари натижасида йўқ бўлиб кетган»².

Бундай тушунтиришдан кейин, албатта, Кауфманнинг назарида қўлёzmанинг баҳоси янада ошган ва бундай ёдгорликларни Туркистондан олиб чиқиб кетиш истаги кучайган.

Бундай чексиз адолатсизлик, маданий ўғрилик ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат архивида кўплаб учрайди. Шундай ҳужжатлардан яна биридан маълум бўлишича, 1872 йил бошларида Тошкентда чор маъмурлари Абулқосим Фирдавсийнинг миниатюра билан безатилган «Шоҳнома» асарининг қадимги қўлёzма нусхаларидан бири мавжудлигини аниқлаб, эгасига арзимаган пул эвазига уни тортиб оладилар. Бу қўлёzmанинг ниҳоятда ноёб эканлигини ҳисобга олиб, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман уни Санкт-Петербургдаги Император халқ кутубхонасига юборишга шошилди. Фон Кауфман 1872 йил 31 марта ги хати билан «Шоҳнома» -

¹ Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 29-рўйхат, 23-иш, 15, 17—18-варақлар.

² Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 29-рўйхат, 23-иш, 18-варақ.

ни Император халқ кутубхонаси директори И.Д. Деляновга юборди. Хатда у шундай деган эди: «Мұхтарам жаноб Иван Давидович! Тошкентда «Шоҳнома» номли форс тилида ёзилган, суратлар ва безаклар билан зийнатланган Фирдавсийнинг машҳур шеърий қўлёзма асарини сотиб олдим. Унда форс эпик қаҳрамонлари Рустам ва Суҳроб (матнда — Зараб) ҳақида ҳикоя қилинади. У ўзини шоҳ Маҳмуд ҳузуридаги шоирлар кенгашининг раиси деб ёзди. «Шоҳнома» 947 йилда ёзилган. Асар милоддан аввалги 3630 йилдан эрамизнинг 570 йилигача, Ануширвондан олдин бўлган даврни ўз ичига олган. Ушбу қўлёзма китобни Император халқ кутубхонасига совға сифатида юбораяпман. Ва сиз жанбларига чексиз ҳурматимни ва содиқлигимни изҳор этаман¹. «Шоҳнома»нинг ёзилган йили, мазмуни ҳақидаги маълумотлар аниқ бўлмаса ҳам ҳужжатни қандай ёзилган бўлса шундай бердик.

Император халқ кутубхонаси директори 1872 йил 15 майда фон Кауфманга хат ёзиб, кутубхонага совға қилган Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари қўлёзмасини олганлигини хабар қылган ва миннатдорчилик билдирган². Шундай қилиб, Туркистондаги чор амалдорларининг зўравонлиги билан Тошкентдаги «Шоҳнома»нинг қадимги ноёб қўлёзмаларидан бири Санкт-Петербургга бориб қолди. Ҳозирда у Салтиков-Шедрин номли Давлат халқ кутубхонасида сақланмоқда.

Бу ҳол Ватанимиз тарих фанига қанчалик катта зиён етказганилигини айтиб ўтириш ортиқча бўлса керак. Оламшумул маънавий ўқотишлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Ўрта Осиёни ўрганиш соҳасида тарих фанининг таниқли тадқиқотчиси бўлган В. В. Бартольднинг ўзи таъкидлаганидек, шарқ тарихчиси учун жиддий қийинчилик туғдирадиган нарса — ўрганилаётган мамлакатлар ички ҳаётига доир ҳужжатли манбалардан тўлатўкис фойдаланиб бўлмаслиги эди. Ҳўш, ҳозирги замон тарихчинини қизиқтираётган ҳужжатларнинг анчагина қисми хорижда сақлананаётган бир пайтда, у нима қилисин? Бу саволга жавоб топиш оғир масала.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан эътиборан Туркистонга бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам турли маданий бойликларни тўплаш мақсади билан кириб кела бошладилар. Улар орасида инглиз Е. Скайлер,

¹ Ўзбекистон, МДА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6516-ниш, 2-варақ.

² Ўзбекистон, МДА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6516-ниш, 3-варақ.

французлар Ш. Уйфальви, Ж. Кастаньени кўрсатиб ўтиш мумкин. Уйфальви ўз коллекциясини Трокадо саройининг этнография музейига топширган. Үнга ҳамроҳлик қылган хотини Мари Уйфальви Бурдон 1880 йилда Парижда саёҳат тафсилотини нашр этирган. У орқали биз коллекциялар тўплашнинг кўпол, мунофиқона усулларидан хабардор бўламиз. Бу хонимнинг гапларига қараганда, улар Туркистон шаҳрида Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг мутасаддилари бўлган муллаларни пора билан кўлга олиб, деворлардан нақшларни кўчириб олганлар. Самарқандда улар ҳеч нарсага ақли етмайдиган ёш бир болага пул бериб, девор қоплама нақшларини «болта ёрдамида» ваҳшийларча кўчиртириб оладилар, шу тариқа қоплама нақшлар 7 та катта кутига жойланади¹. Бу саёҳатчиларнинг кўплаб шаҳарларда бўлганликларини назарда тутсак, улар етказган заарнинг қанчалик катталигини тасаввур этиш мумкин. 1894—1895 йилларда Лион тижоратчилари Манжини томонидан маблағ билан таъминланган француз Шаффенжон Самарқандга саёҳат қилиб, қизиқарли буюмларни кўлга киритиш мақсадида Афросиёбда ваҳшиёна усул билан қазишишлари олиб борган. Саёҳатчининг сўзларига қараганда, у ўзи тўплаган коллекцияни Париждаги Осиё этнография музейига топширган². Ҳаваскор-археолог Ж. Кастаньенинг коллекция тўплаши ҳам эътиборни тортади. М. Е. Массон уни шунчаки ҳаваскор эмас, балки «Ўрта Осиёнинг қадимги обидалари тарихидан мутглақо бехабар» деб таърифлаган. У кўп йиллар ўлка бўйлаб саёҳат қилас экан, муайян вақт мобайнида ёдгорликларни муҳофаза қилиш, музей ва кутубхоналар билан боғлиқ турли хизматларда ишлаган, катта миқдордаги археологик топилмаларни тўплаган. Кастанье 1920 йилда совет маъмурлари томонидан разведка иши олиб боришида шубҳа остига олинниб, Францияга жўнаб кетган. У ўзи тўплаган буюмларнинг бир қисмини Эрмитажга, 500 та буюмни Туркистон музейига топширган. Кўпгина олимлар, шу жумладан, М. Е. Массон ва Г. Н. Чабровнинг гувоҳлик беришларича, Кастанье ўз коллекциясининг энг катта ва энг яхши қисмини Парижга олиб кетган.³

¹ Чабров Г. Н. Кўрсатилган асар. 36-бет.

² Шишкян В. А. К истории археологического музея Самарканда и его окрестностей//Афрасиаб. Вып. I, Т. 1969. С. 39—40.

³ Горшенина С. Странный археолог Кастанье//Звезда Востока, 1996. № 3. С. 156.

1890 йилларнинг охири — 1900 йилларнинг бошларида Россиянинг Ўрта Осиёдаги маданий бойликларни қўлга киритиш тобора режали тус олиб, давлат аҳамиятига эта бўла борди. Чунончи, бундай бойликларни бевосита тўплаш билан музейлар шуғулланадиган бўлди. Айни вақтда, халқаро аҳамият касб эта борган осори-атиқалар бозори кенгайди. Бу ҳол Ўрта Осиё бадиий ва осори-атиқа буюмларини жаҳон осори-атиқалар бозори учун харид қиласидиган эскифурӯшларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топади. Мазкур бозор ўғирланган қадимги меъморчилик обидалари қопламлари ва қадимги буюмлар ҳисобига тобора кенгайиб борарди. Аҳмонийлар давридаги олгин ва кумуш буюмлардан иборат машхур Амударё ҳазинасининг Британия музейига бориб қолганилиги фикримизнинг ёрқин исботидир.

Метрополиянинг йирик музейлари Ўрта Осиёга мутахассислар ва хусусий шахсларни қадимий ашёлар қаерда мавжудлигини билиш учун юборади. Чунончи, 1895 йилда Россия академиясининг антропология ва этнография музейи «Туркестанские ведомости» газетасида музей сотиб олиши мумкин бўлган нарсалар рўйхатини эълон қиласиди, унда нафис-саноат буюмларидан тортиб қўлёзмалар, китоблар ва китоб муқоваларигача бор эди¹.

Рус музейи эса Туркистон маъмурларидан Самарқанддаги «Гўри Амир мақбарасининг қўшалоқ эшиги қирқмасини» ва Андижондаги зилзиладан гўёки вайрон бўлган мачитнинг ўймакор эшигини юборишини сўрайди². Бунга қандай баҳо бериш мумкин? Наҳотки, ўзининг қадимийлиги билан қимматли бўлган нарса ўзи мансуб бўлган заминдан ажратиб олинган ҳолда янада қимматлироқ бўлса? Буни тушуниш қийин.

Ўрта Осиёнинг қимматбаҳо нарсаларини тўплаш ишида Дашковскийнинг этнографик музейи ҳам фоллик кўрсатади. Музей ўз маблағи ҳисобидан Шарқий Бухорога мутахассис А. А. Бобринскийни юборади. У Бухородан катта миқдордаги археологик ва этнографик бойликларни, шу жумладан, кашталар ва жундан тўқилган буюмларни олиб кетади³. XIX аср охи-

¹ Туркестанские ведомости. 1895, № 64.

² Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Архив бўлими, 18-фонд, Самарқанд вилоят архив бошқармаси, № 6040 хужжат.

³ Б о б р и н с к и й А. Орнамент горных таджиков Дарваза. С-Пб. 1900.

рида Москвада ташкил этилган Ҳунармандчилик музейи ва ҳатто Петербургдаги барон Штиглицининг расм солиши билим юрти ҳузуридаги музей ҳам коллекциялар тўплаш учун Ўрта Осиёга ўз вакилларини юборадилар, натижада охиргиси XIV—XV асрларга оид Ўрта Осиё нақшлари ва ганч ўймакорлиги намуналарига эга бўладилар¹.

Айниқса, Россия Фанлар академиясининг Осиё музейи ва Эрмитаж бу ишда фаоллик кўрсатади.

Туркистон маъмурияти ва илмий жамиятлар хонликлардан ва ўлка бекларидан қимматбаҳо нодир буюмларни тортиб олишининг яна бир янги услубини ўйлаб топдиларки, бу ҳам бўлса ҳар хил доирада хилма-хил кўргазмалар ташкил қилиш эди.

Кўргазма жиiddий тайёргарликлар билан ўтарди. Генерал-губернатор ўзи бош-қош бўлиб, хонликларга ва жойларга ўз амалдорларидан вакиллар жўнатиб, хон хазиналаридан нодир, қимматбаҳо буюмларни танлар эдилар. 1874 йилда шу музей фондига Хивадан олинган 329 та нодир ёдгорликлар генерал-губернатор К. П. Кауфман томонидан совға қилинди.

1891 йили Бухоро ва Хива хонлиги нодир ёдгорликлари Умумrossия кўргазмасида иштирок этган.

1900 йилда хонликлар Париждаги жаҳон кўргазмасида катта коллекция билан қатнашдилар. Бухоро амирининг хазинасидан 300 дан ортиқ нодир буюмлар олинадики, булар Бухоро ҳунармандларининг юксак диди ва нозик санъатларини намойиш қилувчи маҳсулотлар эди. Оврўпа муҳлисларини экспонатларнинг гўзаллиги ва қимматбаҳолиги ҳайратга солди, чунки, бу ерда тилла ва қимматбаҳо тошлар билан ясалган куроллар, от эгар-жабдуқлари, заргарлик буюмлари, тилла иплар билан тикилган зарбоф чопонлар ва Бухоро, Шаҳрисабз, Китоб, Самарқандда тикилган кашта палак ва чойшаблар мавжуд эди.

Бухоро ва Хива 1909 йилда Тошкентда ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги кўргазмасида қатнашдилар. Бу кўргазмада «Амир хазинаси» бўлими эътиборни тортди.

Албатта, кўргазма экспонатларининг ҳаммаси Туркистон генерал-губернатори ихтиёрига ўтар эди.

¹ Полков А. Заметки о мусульманском искусстве (по произведениям в музее Штиглица) //Старые годы. 1913. Октябрь.

Шундай қилиб, 1876—1878 йиллар мобайнида ўл-ка миқёсда 5 та, 1878 йилдан 1888 йилгача 2 та кўргазма ташкил этилди. Энг иирик кўргазма, юқорида айтилганидек, 1909 йили Тошкентда «Туркистон фани, саноати, қишлоқ хўжалигининг 25 йиллик юбилейи кўргазмаси» номи билан очилди. Тошкентда 1911 йили — 13 та, 1912 йили — 2 та, 1915 йили — 2 та бадиий кўргазма ва 1916 йили — 1 та бадиий кўргазма уюштирилди. Булардан ташқари, 7 марта Умурросия (1870—1913 йилтар) ва 10 марта Жаҳон (1873—1914 йиллар) кўргазмаларида Бухоро ва Хива ҳонликлари Туркистон ўлқасининг ажралмас тобе қисми сифатида қатнашдилар¹.

Табиийки, уларда намойиш этилган экспонатлар Петербург ва Москвага жўнатилиб, подшо саройлари ва марказ музей фондларига берилар эди. Ҳонликка келган элчилар, албатта, ноёб совғалар олиб кетардилар. Чет эл сайёҳларидан Анри Мозер ҳоннинг амакиси Иброҳим Ҳожадан анча совғалар ундиради, булар ичиди Маҳтумкули шеърлар тўпламининг кўлёзмаси ҳам бор эди. X. Вамберининг айтишича, бу Маҳтумкули шеърларининг Оврупага биринчи марта келтирилиши экан. Юқорида қайд этилганидек, Хива ҳони Муҳаммад Раҳим II (Феруз) руслар олиб кетган кутубхонасини қайтадан тиклайди, янги кўлёзмалар ва босма китоблар билан бойитади.

Хива ҳонлигига ҳам тўхтовсиз чор амалдорлари ва олимлари келиб нодир моддий, маданий, маънавий бойликларни Петербургга ташиб кетардилар. 1900 йили Саид Асфандиёр тўра Петергоф саройи учун Хива усталари махсус ишлаган қилич, кумушдан ясалиб, ўйма нақшлар ишланган катта қумғон, ҳажми 10 метрдан зиёд ёвмут гилами, беҳисоб ипаклик газламалар совға қиласди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Туркистон ноёб ёдгорликлари ва буюмлари қаерда турмасин, ёқтириб қолган юқори табақали амалдорларга совға сифатида тортиқ қилинган. Ажабланарлиси шундаки, кўргазмадаги буюмлар ҳам бемалол олиниб, ҳадя этилган. 1870 йилда Петербургда Бутунrossия Мануфактура кўргазмаси таркибида Туркистон бўлими ҳам ташкил қилинган эди. Кўргазмани император хотини ҳам томоша қилди. Туркистон бўлимидағи айрим нодир буюмлар унга маъкул бўлиб қолди ва хизматчила-

¹ Ч а б р о в Г. Н. Выставочная работа в Туркестанском крае (1869—1916).

рига шу буюмларни олиб беришини буюрди. Бу буюмлар қимматбаҳо маржон, Самарқандда ишланган олтин, феруза, марварид билан безатилган бош кийим ва Ҳўжандда тайёрланган 40 дона гилдан ясалган шишалар эди. Бу тўғрида кўргазма бошлиғи томонидан Туркистон генерал-губернаторига хабар қилинган эди. У, ўз навбатида, Петербургга хизмат сафари билан кетаётган Туркистон генерал-губернатори идораси бошлиғи генерал-майор А. И. Гомзинга бу буюмларни император хотинига тортиқ қилишни буюрди.

А. И. Гомзин Петербургга етиб келиб кўргазмадан император хотини айтган буюмларни олиб, бу ҳақда Император саройи ходими П. А. Морицга 1870 йил 4 декабрда хабар қиласди ва қачон, қандай тартибда бу нарсаларни топширишни билдиришни илтимос қиласди. Олдиндан келишилганига асосан А. И. Гомзин император хотинига буюрган нодир буюмларини 1870 йил 8 декабря тақдим этди ва унинг маҳрамига топширди¹.

Маданий бойликлар ана шундай тарзда талон-тарож қилинарди.

Архитектура ёдгорликлари эса йилдан-йилга путурдан кетиб борар, таъмирлаш ишлари олиб борилмасди. Чунки бундан ҳеч ким манфаатдор эмасди. 1909 йилда мустамлакачи маъмуриятнинг юқори амалдорлари Самарқанднинг архитектура ёдгорликларини кўздан кечиришаётган вақтда В. Л. Вяткин бу ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлашга маблағ зарурлигини айтганда, Туркистон генерал-губернатори А. В. Самсоновнинг адъютанти бундай деган: «Энг яххиси тўрт артиллерия взводини кўйиб, бу барча эски лаш-лушларни отиб ташлаш керак.² Кейинчалик Самсоновнинг ўзи ҳам бу хилдаги илтимосларга: «Буларнинг ҳаммаси қанчалик тезроқ вайрон бўлса, давлат учун (албатта, Россия империяси давлати учун — муҳарр.) шунчалик яхшироқ бўлади»,³ — деб жавоб қайтарган.

Туркистон ўлкасида Н. И. Веселовский томонидан ўтказилган дастлабки қазилма ишлари пала-партиш олиб борилди ва улар В. В. Бартольд, Л. Ю. Якубовский, кейин эса В. А. Шишкиннинг гувоҳлик бериши-

¹ Ўзбекистон МДА. I-фонд, 20-рўйхат, 2952-иш, 4—5-вараклар.

² М а с с о н М. Е. Три эпизода, связанные с самаркандскими памятниками старинны. Т., 1972. С. 20.

³ Г а р т в е л ь д В. Н. Путевые очерки Туркестана. М., 1914. С. 131.

ча, илмий аҳамиятдан кўра, кўпроқ ҳазина қидириш аҳамиятига эга бўлди¹.

1905 йили Н. И. Веселовскийнинг «Гўри Амир» альбоми Петербургда чоп этилди. Веселовскийнинг Самарқанддаги экспедициялари оқибатида қўлга киритилган осори атиқаларининг энг саралари Эрмитажга олиб кетилди. Буларнинг ичидаги қабр тошлари устидаги битиклар, Йшратхона, Бибихоним масжиди, Улугбек мадрасасининг деворларидан кўчириб олинган нақшинкор парчинлар, лавҳалар, кошинлар (ҳаммаси 9 кутидан ортиқ), Амир Темур ва Яссавий мақбаралари ичидаги тилла, кумуш аралашмасидан ясалган юлдузсимон шаклда ишланган қандиллар, курол-аслаҳалар ҳам олиб кетилди². Эрмитаж ўз захирасининг бойлиги учун Николай Иванович Веселовскийдан абадий миннатдор бўлиши керак. Чунки унинг ёрдамида Эрмитажнинг нумизматика ва бошқа фонdlари Ўрта Осиёдан борган беҳисоб ёдгорликлар билан бойиди.

1883 йили Эрмитажга жўнатилган буюмлар ичидаги 1168 дона қадимий олтин, кумуш танглар бўлиб, булар Ўрта Осиёning 30 дан ортиқ хукмрон сулолаларига тегишлидир (Бақтрия давридан XVII асргача)³. Н. И. Веселовский самарқандлик маҳаллий ҳаваскор-коллекционер Мирзо Бухорий томонидан тўпланган қўйматбаҳо қадимий буюмлар коллекциясини сотиб олди. Сотиб олинган бу нарсалар 1202 та буюмдан: танга ва муҳрлардан иборат эди, уларнинг 10 таси грек-бақтрия танглари бўлиб, еттитаси Афросиёдан топилган эди. Бироқ Н. И. Веселовский императорнинг маъмурий маҳкамасига фақат 43 та буюмни топширган.

Бухорийнинг коллекцияси 5700 та буюмдан иборат бўлиб, унинг асосий қисми Археология ҳайъатига сотилган⁴.

Веселовский томонидан Туркистандан йифиб кетилган қадимий антиқа ёдгорликлар рўйхатида Тўйтипа, Фарғона, Афросиёб, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд ва Аҳси шаҳарларидан олинган қадимий нарсалар кўрсатилган. Рўйхатта кирган буюмлар орасида Юну-

¹ Шишкян В. А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей //Афрасиаб. Вып. I. Т. 1969. С. 33—35.

² Бердимуродов А. Топталган мерос. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990 йил 3 август.

³ Осиё институти Санкт-Петербург бўйминини архиви. I-фона. I-рўйхат. 20-иши. 140—152-варажлар.

⁴ Уша жойда. 36-вараж.

сов, Хўжа заргар, Мирзо Бухорий, Акрам Асқаров ва бошқаларнинг колекциялари бор. Иккинчи рўйхатда эса Туркистонда Веселовскийга берилган совғалар қайд этилган. Бу кўрсатилган буюмларнинг ҳаммасига илмий изоҳ берилган. Ленинград музейининг илмий ходими С. М. Дудин бир неча марта Туркистонга келиб, меморий ёдгорликларни суратга туширди ва кўп чинни кошинларни олиб кетди. Ҳозир Эрмитажда Дудин томонидан олиб кетилган Самарқанднинг қадимий кулолчилик санъатига оид 3000 дан ортиқ ёдгорликлар сақланмоқда. Бунда 300 дан ортиқ қадимий сопол буюм нусхалари мавжуд¹.

Капитан Л. С. Баршчевскийнинг ҳам катта қийматга эга бўлган коллекцияси Ҳофиз исмли бир кишининг меросхўрларидан сотиб олинган эди. Ўзининг гувоҳлик берищича, ундаги қадимий нарсалар «Исо тугилишидан олдинги ва кейинги тарихий даврларга таалуқли бўлиб, Искандар Зулқарнайндан кейинги грек-шарқ даврига, кўпчилик қисми эса мўғул-турк, асосан Темур даврига мансубдир»². Шу ўринда Баршчевский ўз коллекцияси Самарқандда қолишини истаб, тегишли идораларга уни Самарқанд музейи учун 1800 сўмга сотиш ҳақида мурожаат қилганлигини айтиб ўтмаслик нотўри бўлур эди. Бироқ, генерал-губернатор барон Вревский бунга рад жавобини берган. Шундан кейин Баршчевский ўз ватанпарварлигини унутиб, коллекцияни юқорида тилга олиб ўтилган лионлик жаноб Манжинига сотиб юборган³.

ХХ аср бошида маданий бойликларни номаълум шахслар томонидан ўғирлаш ҳам анча тез-тез содир бўлиб турди. Масалан, Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидан қопламаларнинг икки марта ўғирлаб кетилиши ўзининг ўтакетган мунофиқоналиги билан ажralиб турган. «Туркестаңские ведомости» газетаси 1901 йилда хабар қилишича, «Берлинер Тагеблатт» немис газетасига кўшиб чиқариладиган суратли иловада «Темурланг сағанаси таланишидан олдин» деган ёзув билан бир сурат босиб чиқарилган, унга доир тушунтириш матнида сағана вайрон қилинган ва талаб кетилганилиги кўрсатилган эди. Бу ҳақиқатан ҳам рўй берган

¹ Историография общественных наук в Узбекистане. С. 169, 170—172.

² Ўзбекистон Ички ишлар Вазирлиги архив бўлими. КТКГ фонд. З-бўлим. Архив № 1060. 52-иш, 1894—1895 йиллар.

³ Уша жойда.

воқеа эди. Газета Улугбекнинг сағанасидан «бир аршин келадиган» тош ўғирлаб кетилганлигини ҳам ҳабар қилган. Бу тошни қидириш бехуда кетган, лекин унинг Германияга олиб кетилганлиги ҳақида ҳамма асослар бўлган. 1905 йилда мақбаранинг сиртқи томонидан қоплама мармартахтанинг бир бўлаги синдириб олинган. Бу ҳақда газеталарда хабар босилмаган, бироқ ана шу воқеадан далолат берувчи архив ҳужжати сақланиб қолган¹. Орадан бир неча йил ўтгандан кейин бу мармартахта парчаси Германиядан топилган ва Археология ҳайъатининг саъй-ҳаракатлари билан ватанимиз Туркистонга эмас, балки Россияга қайтарилган. Ўша йилнинг ўзида Туркистон шаҳридаги Ҳазрат Яссавий мақбарасидан мачитта бир вақтлар Темур совға қылан шамдонлардан бири ўғирлаб кетилган. Угрилар фақат шамдоннинг устки қисмини олиб чиқиб кетганлар. Орадан 5 йил ўтгандан кейин ўғирлаб кетилган қисм яна хорижий музейларнинг биридан топилган².

Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг чор Россияси мустамлакачилиги давридаги тарихи бу мамлакат талон-тарожлик сиёсатининг яққол намунаси бўлиши мумкин. Шунинг учун унга батафсил тўхгаламиз.

Мақбаранинг қадимий бойликларини тортиб олишга қаратилган ҳар хил ифлос усуллар ва ҳийлалар билан ниқобланган уринишлар 10 йил мобайнида давом этди.

Китобхонга шуни эслатиб ўтиш лозимки, Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси Амир Темур бўйруғи билан XIV аср охири – XV аср бошларида курилган, Ўрга Осиёдаги машхур меъморчилик ёдгорликларидан биридир. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида бу мақбаранинг курилиши ҳақида қўйидагилар ёзилган: «Соҳибқирон Яссига бориб, Шайх Аҳмад Яссавий мозорига бориб тавоғ қилди. Деди: «Бу азиз Мұҳаммад Ҳанифа ўғлонларидин турур, алайҳа ва ала алиҳи вассалом». Буюрдиким, ул мозори устига иморати олий солдилар ва бир улуғ түғ боғладилар, ким кўк била сўзлашур эрди. Ва бир гунбази мураббабаъ, бирёни ўттуз қари боғладилар ва ўзга ҳужралар солдилар. Ва фармон бўлдиким, томларини рангин кошин била музайян қилсунлар. Ва Ҳожанинг қабрини оқ тош била йасадилар. Ва мавлоно Убайдуллоҳ Садрни ул иморат устига кўйдурдиким, иҳтимом қилғай. Йикки йилдин сўнг ул

¹ Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига архив бўлими. 17-фонд. Архив № 6218.

² Түркестанские ведомости. 1910. № 162.

иморат туганди. Ул иморат туганганидин сўнг андоғ фақиру мискинларга кўб садақалар бердилар».¹ «За-фарнома»даги маълумотларга қараганда, Аҳмад Яссавий мақбараси қурилиши Темурнинг фармони билан 1397 йил декабрида бошланиб, икки йилдан сўнг 1399 йил охирида асосан битган. Мақбаранинг узунлиги — 65, эни — 46 ярим метр бўлиб, бир неча гумбазлидир.

Амир Темур мақбарага атрофдаги экин ерларни, боғ ва анҳорларни, шунингдек, 2 тоннали дошқозон, 6 та шамдон (чироқдон) ва эшик тутқичини ясатиб, вакф қилган. Дошқозондаги нақш шаклидаги ёзувлардан бирида қўйидаги сўзлар битилган: «Қозонни 801 (ҳижрий) йили Амир Темурнинг буйруги билан Аллоҳ таолонинг ҳалол қули моҳир уста Абдул Азиз ясаган». Бу нақшдор шамдон (чироқдон)лар ва бошқа буюмларни тайёрлашда олтин, кумуш, мис, рух, кўрғошин ва бронза ишлатилган. Темур тухфа қилган шамдонлар ва бошқалар санъат асарларидир. Шамдонлар жуда гўзал шаклда, санъаткорона, нозик ишланган, бир қисми олтин суви билан безалган. Шунинг учун бу қиммат баҳо санъат асарларини Россия императори Эрмитажга олиб келишни Император археология ҳайъати раисига маслаҳат берган эди.

Император Археология ҳайъатининг раиси граф А. Бобринский Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчиси Н. И. Гродековга 1906 йил 14 декабрда ёзган хатида шундай деган: «Шу йил августда Россия археология ишининг аҳволи тўғрисида Император жаноби олийларига ўзим шахсан ахборот берганимда Аҳмад Яссавий масжидига шу йил февралда ўғри тушганлиги ва масжидга Амир Темур совға қилган бронзали шамдонлардан бирининг бир қисми ўғирланганлигини ва қўшимча қилиб, чет элликларнинг шамдонларнинг хорижий давлатлар музейларига олиб кетиш ҳаракатида бўлганлигини хабар қилишга тўғри келди. Жаноби олийлари илтифот қилиб бу ёдгорликлар рус музейлари ва биринчи галда Император Эрмитажининг безаги бўлсин деган фикрни билдириди»².

Императорнинг бу таклифини амалга ошириш мақсадида Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчисига 11 декабрда хат йўллаб, қўйидагиларни ёзган эди: «Собиқ Туркистон

¹ Шарофулдин Али Язди. Зафарнома. — Тошкент, 1997. 190-бет.

² Ўзбекистон МДА. I-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 27-варақ.

генерал-губернатори 1906 йил 18 майда Туркистон шаҳрида жойлашган Аҳмад Яссавий масжидини таъмирлаш учун зарур маблағ ажратишга ёрдам беришни сўраб. Император археология ҳайъатига мурожаат қилган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра бу иш учун 40—50 минг сўм талаб қилинади. Ўз бюджетида қадимги буюмларни таъмирлаш учун етарли маблағ бўлмаганилиги сабабли Император археология ҳайъати бадиий академия, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа бу масалага манфаатдор ташкилотлар билан бирга илмий асосда таъмирлаш масаласини муҳокама қилиши мумкин, лекин масжидни таъмирлашга моддий ёрдам кўрсата олмайди. Албатта, ҳайъат таъмирлаши учун зарур миқдордаги пулни сўраб ҳукуматга мурожаат қилиши мумкин, аммо ҳозирги вақтда бундай илтиноснинг муваффакиятли ҳал бўлишига ҳеч қандай умид йўқ.

Сизга куйидагиларни таклиф қилмоқчиман, бу шамдонларни пул мукофоти бериш ҳисобига бизга бериш масаласини кўтаришни сиз мумкин деб ҳисоблайсизми? Мусулмон қонунларига кўра вақф мусодара қилинмайди. Шамдонлар ҳам вақф ҳисобланади. Лекин шариат алмаштиришни таъқиқламайди ва бундай ишлар Туркистон ўлкасида амалда кўп учрайди. Бу ҳолатда алмаштириш шундан иборат бўладики, шамдонлар, ҳеч бўлмаганда унинг энг зарур қисмлари бепул таъмирланади, ёки таъмирлаш учун зарур бўлган пулини олади. Шамдонлар масжидда жами бешта бўлиб, улар икки хил: а) каттакон, оғир кумуш ва олтин билан қопланган, уч нусхада, улардан биттасини шу йил февралда ўғрилар синдириб бир қисмини олиб кетишган. Буларнинг ҳар бир бутунига 2000 сўм бериш мумкин; б) баланд, нозик ишланган, олтин қопланмаган, булар икки нусхада ва ҳар бирига 1000 сўм таклиф қилиш мумкин. Мабодо шайхлар ўзида ҳар икки хил шамдондан бир нусхадан қолдиришни исташса, бу буюмларни бирорларга ва чет элга сотмаслик шарти билан, бунга розилик бериш мумкин.

Ушбу таклифларни сизнинг ихтиёргизга ҳавола қилиш билан бирга, Император олий жанобларига кўрсатиш учун айтилган шамдонларни Император археология ҳайъатига олиб беришга ёрдам қилишингизни сўрайман»!

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 31—32-варақлар.

Археология ҳайъатининг Туркистон ўлкасининг бебаҳо маданий ёдгорликларини Петербургга ташиб кетиш тўғрисидаги таклифи генерал-губернаторга ҳам жуда маъкул тушди. Генерал-губернатор ўз девонхонаси бошлиғига обрўли маҳаллий руҳонийлардан бирини воситачи қилиб, Аҳмад Яссавий масжидидаги шамдонларни сотиб олиш масаласини ҳал қилишини топширди. Туркистон генерал-губернаторининг девонхонаси бошлиғи 1907 йил 31 январда махфий хат билан Тошкент шаҳар ҳокимига Петербургнинг топшириғини тушунтириб, масжид шайхлари билан шамдонларни Эрмитажга бериш тўғрисида музокара олиб борадиган эътиборли ва ишончли туб жойли руҳоний одамни тавсия этишни сўради¹. Шу билан бирга, огоҳлантирдики, музокара жуда эҳтиёткорлик билан олиб борилиши керак, шайхлар шамдонларни бериш ҳокимиятнинг тазиёки билан бўляпти, деб ўйламасинлар.

Бу масала билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг топшириғига кўра шаҳар полицияси бошлиғи шугулланди. Унинг 1907 йил 16 февралда берган маълумотига кўра Аҳмад Яссавий масжидидаги шамдонларни сотиб олиш бўйича музокара олиб боришга Шайхонтоҳур қозилиғига номзод Эшонхон Маҳмудхўжаев рози бўлган. У Тошкентдаги чор маъмурларининг топшириғи билан келганлигини яшириш учун Туркистонда 27 февралда бўладиган бир йигилишга бориб, шунда шамдонларни сотиб олиш масаласи билан шугулланишини айтган. Туркистон шаҳри қозиси унинг шогирди бўлганлиги учун у бу масалада ёрдам беришга ва ўз бўйнига олган вазифани ижобий ҳал қилишга умид билдирган. Шаҳар полицияси бошлиғи Туркистонга бориш-келишига ва бошқа сарф-харажатлари учун Эшонхонга зарур миқдорда пул беришни шаҳар ҳокимидан сўраган². Лекин Эшонхоннинг ҳаракатлари зое кетди. Шайхлар шамдонларни сотиш мумкин эмаслигини айтганлар.

Бу кўрилган чора натижা бермагандан, кейин Туркистон ўлкасининг раҳбарияти маъмурий йўл билан шайхларга тазиёқ ўtkазиб, шамдонларни олишга ҳаракат қилди. 1907 йил 6 марта Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бошлиғи Чимкент уезди бошлиғига хат йўллаб, бу масала билан шахсан унинг ўзи

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 31–32-вараклар.

² Уша жойда.

шугулланишини топширди. У Темур совға қилған шамдонларни Эрмитажга мукофот эвазига бериш түғриси-ла Ҳазрат Султон масжиди шайхлари билан музокара олиб борди. Шайхлар Чимкент уезди бошлиғига мас-жидга әгалик құлувчи барча хұжалар маслағатлашмас-дан бирор нарса қила олмаймиз, уларнинг күпчилиги ҳозир Туркистанда йўқ деб, улар қайтиши билан қать-ий жавоб юборишга ватъда бердилар.

1907 йил 28 майда уезд бошлиғи юмиға Ҳазрат Султон масжиди шайхлари Жунайдулла ҳожи, нақиб Раҳматилла Хожинов, Иззатилла ҳожи, мутавалли Нас-рулла ҳожи, Шайх Рекланов, Отахон Азизларов ва Соли ҳожи, мутавалли Дониёр Хоринов ариза ёзиб, қуидагиларни хабар қилдилар: «Шамдонларни музейга со-тиш масаласи бўйича Туркистан шаҳри руҳонийлари ва бошқа эътиборли шахсларнинг умумий мажлиси бўлди. Мажлис шундай қарор қилди: Масжиддаги шам-донлар давлатнинг, жамиятнинг хусусий мулки эмас, қадим вақтлардан бўён «Ҳазрат Султон» масжидининг вақфи бўлиб кетган ва унда сақланади ва шариат қонун-қондаларига кўра масжиддан бошқа ҳеч ким унга қонун ёки бошқа йўл билан әгалик қилиши мумкин эмас, деб ҳисоблайди»¹.

Шайхлар ўз фикрини асослаш учун вақф ҳақидаги шариат қонунларини, ривоятларини келтирганлар.

«Ҳидоя» китобида муаллиф қуидаги ривоятни кел-тиради: «Имом Муҳаммад ва Имом Абдуосуфлар фик-рича, вақф қилинган буюмлар, мол-мulk худонинг мулкига айланади ва бу мулкка хайр-эҳсон қилған шахс ҳам ҳуқуқини йўқотади. Шунга асосан вақф мулкини сотиш, совға қилиш, мерос қилиб олиш мумкин эмас ва унинг даромадидан у кимга вақф қилинган бўлса, ўша ташкилот фойдаланади».

Аҳмад Яссавий масжидининг шайхлари ўз фикрларини тасдиқлаш учун яна қуидаги далилни келтири-шади: «Жаброил-Хоккам» китобининг вақф бўлими-да, вақф мулки унинг аввалги эгасининг ҳам, бошқа шахсларнинг мулки ҳам бўлиши мумкин эмас, олди-сотди ва бошқа йўл билан тортиб олиб бўлмайди, шунингдек, уни гаровга кўйиш ва бошқа одамларга вақтинча фойдаланишга бериш манъ этилади², — деб ёзилган.

¹ Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш. 44—45-вараклар.

² Ўзбекистон МДА. 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш. 46-варак.

Аҳмад Яссавий масжиди шайхлари шариат қонун-қоидалари асосида Темур вақф қилган шамдонларни Эрмитажга совға қилиш ёки сотиш мумкин эмаслигини асослаб бердилар. Лекин, чор ҳукумати маъмурлари шариат қонун-қоидалари, мусулмончилик одатлари билан ҳисоблашмадилар ва, аксинча, бизнинг бу масала-да чекинишимиз чор ҳокимиятининг ожизлиги деб тушуниши мумкин, деб шамдонларни олиш учун қатъ-ийроқ маъмурий чоралар қўришга ҳаракат қилдилар.

Туркистон генерал-губернатори 1907 йил 30 июня Археология ҳайъати раисига хат ёзиб, шайхларнинг шариат кўрсатмаларига асосан шамдонларни бериш имкони йўқлигини айтганликларини хабар қилган эди. Лекин, Археология Ҳайъати 1908 йил 24 январда қайта хат ёзиб, генерал-губернаторга шамдонларни Аҳмад Яссавий масжидидан тортиб олишнинг зарурлиги, бу ишнинг муҳимлигини тушунтиришга ва буни амалга ошириш учун зарур бўлса, мажбурий жазо чоралари қўриш тўғрисида таклифлар беради¹.

Хатда кўрсатиладики, 1907 йилда Археология ҳайъати Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий масжидидаги нодир мис шамдонларнинг ўғирланиши ва чет элларга олиб кетилишидан сақлаб қолиш учун бу қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш масаласини қўтарган, Айтиш керакки, ўғирлаш учун ҳаракат қилинган, битта шамдон ўғирланган ҳам, ва эҳтимол чет эллардан бирида яшириниб ётган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозир Берлиндаги Фридрих музейида сақланадётган 1904 йилда Гўри Амир мақбарасидан бузиб чиқариб олиб кетилган тоштахта бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Шуларни назарда тутиб, биз Туркистон қадимий ёлгорликларининг чет элга — Европа музейларини безатиш учун олиб кетилишини бепарво совуққонлик билан кузатиб туришимиз мумкин эмас. Иккинчи томондан, чор ҳукуматининг обрўсини сақламоқ учун ҳам шамдонларни ўғирланишдан асраш фикридан қайтиб бўлмайди. Бундай чекиниш мусулмон руҳонийларининг «бизни алдаган экан ва рус ҳокимияти заиф экан» деган фикрга келишига сабаб бўлади.

«Юқорида баён этилганларни назарда тутиб, Археология комиссияси сиз жаноби олийларидан ожизона илтимос қиладики, мазкур шамдонларни вақтингча сақлаш учун Тошкентга ёки Санкт-Петербургга олиб ке-

¹ Узбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иши, 71—72-варажлар.

лишни маъкул деб ҳисоблайсизми? Бунинг фойдали томони шундаки, Петербургда бу ёдгорликларни ўрганиш ва нашр қилиш билан шуғулланиш имконияти бўлади.

Мабодо Туркистон шаҳри шайхларига чора кўриш зарур бўлиб қолса, Археология ҳайъати фикри бўйича чор ҳокимияти талабини бажармагунча масжидни вақтинча ёпиш керак, деб ҳисоблайди. Агар сиз жаноби олийлари бирор сабабга кўра масжиддан ҳамма шамдонларни олиш ноқулай деб ҳисобласангиз, у ҳолда ҳеч бўлмагандан улардан иккитасини, яъни ҳар биридан биттадан нусха (битта энли ва битта энсиз узун) олиш билан чекланиш мумкин»,¹ — деб таклиф қилали, Археология ҳайъати раиси А. Бобринский.

Шуни айтиш керакки, Аҳмад Яссавий масжиди хўжалари, шайхларининг маҳаллий аҳолига таъсири кучли эди. Халқ орасида эътиборли руҳоний шахслардан бири Дукчи эшон томонидан Андижон қўзғолонининг ташкил қилинганилиги Туркистондаги чор маъмурлари, халқ хотирасидан кўтарилгани йўқ эди. Шунинг учун ўлкада тинчликни сақлаш, маҳаллий аҳолининг русларга қарши ғалаёнлари олдини олиш мақсадида Туркистон генерал-губернатори Аҳмад Яссавий масжиди шайхлари билан муносабатни кескинлаштиришни истамади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, Туркистон генерал-губернатори Н. И. Гродеков Археология ҳайъати раиси А. Бобринскийга Туркистондаги Аҳмад Яссавий масжидидаги қадимги ноёб шамдонларни тортиб олиш масаласидаги хатига 1908 йил 15 февралда жавоб ёзган. Бу хатда — Бобринскийга хабар қиласиди, маҳаллий маъмурият қонун доирасида бу шамдонларни олиш учун барчаchorаларни кўрди. Лекин мен сизга олдин хабар қилганимдек, шайхлар диний ақидаларга асосланиб, шамдонларни бирорларга бериш мумкин эмас, деб жавоб қилдилар.

«Шамдонларни олиш учун жазо чораларини кўриш яхши эмас, деб ҳисоблайман, чунки бу маҳаллий мусулмон аҳолисини айниқса ҳозирги ташвишли кунларда ўринсиз бўлган ғалаён кўтаришга мажбур қилиши мумкин»², дейди ўз жавоб хатида Н. И. Гродеков.

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 71-варақ.

² Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 72-варақ.

1912 йил 3 апрелда Император Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернаторига хат йўллаб, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий масжидида сақданаётган илмий-тариҳий аҳамиятга эга бўлган санъат асарлари ҳисобланган, Темур совға қилган шамдонларни ўрганиш, баён қилиш ва тадқиқ қилиш мақсади борлигини хабар қиласди. Шунинг учун Туркистон генерал-губернаторидан қўйидаги таклифни амалга оширишга ёрдам беришни илтимос қиласди: «Шайхларга шамдонларни тадқиқ қилиш учун Археология ҳайъатига кетма-кет, яъни олдин битта шамдонни, уни қайтарилгандан кейин — бошқасини ва ҳоказо жўнатишни таклиф қиласангиз. Шамдонларни жўнатиш билан боғлиқ бўлган ҳамма харажатларни Император Археология ҳайъати ўз бўйнига олади»¹.

Туркистон генерал-губернатори А. В. Самсонов Марказнинг топширигини бажаришни 1912 йил 27 апрелда Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига буоради. У 26 июля A. V. Самсоновга ёзган хатида унинг топшириги бажарилгани ва 7 июня Чимкент уездининг Туркистон участка пристави Аҳмад Яссавий масжидидаги шамдонни Петербургга, Археология ҳайъатига жўнатганингини хабар қиласди².

Шундай қилиб, ниҳоят Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернатори А. В. Самсоновнинг ёрдами билан ўрганиш ва нашр қилиш учун шамдонларни ола бошлиди. Комиссия 1913 йилда бешта шамдондан иккитасини нашрга тайёрлади. Бу иш жуда секинлик билан амалга ошиди. Айниқса, шамдонларни жўнатиш ва уларни ўрганиш кўп вақт олди. 1914—1915 йилларда яна иккита шамдонни Археология ҳайъати қўлга киритди ва нашрга тайёрлади. Айтилган шамдонлардан биттаси бошка хиллардагидан ажralиб турадиган нисбатан катта бўлмаган шамдон Петербургга юборилмали. Археология ҳайъати охирги шамдонни юборишни сўраганда Туркистон участка пристави 1915 йил 30 октябрда айтилган шамдон жойида мутлақо йўқ деб хабар қиласди.

Археология ҳайъати Туркистон генерал-губернаторидан айтилган шамдон масаласида қатъий текшириш олиб бориш тўғрисида фармойиш беришни илтимос қилди³.

¹ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш. 187-варак.

² Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш. 189-варак.

³ Ўзбекистон МДА, 1-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 212-варак.

Туркистон генерал-губернатори 1916 йил 31 майдада Археология ҳайъатига хат ёзиб, йўқолган шамдонни қидириш ишларидан хабардор қилди. Хатда кўрсатилалики, ҳайъат томонидан Аҳмад Яссавий масжидидаги шамдоннинг йўқолганлиги тўғрисидаги кўрсатмасига асосан Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори фармойиши билан Туркистон участка пристави масжид шайхларини чақирди ва улар приставга қатъий жавоб қилдиларки, «Император Археология ҳайъатига жўнатилганилардан бошқа шамдонлар уларда йўқ. Ҳайъатда бўлмаган битта шамдон бор, лекин у талаб қилинаётган, ҳайъат таърифлаган шамдонга бутунлай ўхшамайди». Бу шамдонни шайхлар приставга олиб келиб беришди. Ҳайъат талаб қилса, бу шамдон дарҳол жўнатилиши мумкин. Тошкентдаги археология ҳаваскорлари тўғараги қидиришни давом эттироқда¹.

Йўқолган шамдоннинг топилганилиги тўғрисида маълумот йўқ. Маълумки, шамдонни қидирив ишлари олиб борилмоқда, деб ёзилган охирги хабарномадан кейин тўқиз ой ўтгандан сўнг 1917 йилда февраль инқиlobи, октябрь воқеалари бўлиб ўтди. Афтидан, бу алғовдалғов, ағдар-тўнтарлар туфайли шамдонни ахтариш тўхтаган ва унүтилган бўлиши мумкин.

Баён қилинган ҳужжатлар Аҳмад Яссавий мақбараси шамдонларини тортиб олиш масаласи атрофида юз берган воқеаларни — бу ноёб ёдгорликларни Россияга олиб кетиш учун Археология ҳайъати ва Туркистон генерал-губернаторлари жазолаш ва алдаш, юқори идоралар, ҳарбий, полиция органларининг тазиики ва машхур руҳонийларни ишга солиш каби барча ошкора ва маҳфий усуllibарни қўллаганликларини кўрсатади.

Лекин, чор амалдорлари зўрлик ишлатиб, мажбур қилиб шайхлардан шамдонларни олдилар. Улар шариат қонун-қоидаларини менсимадилар, мақбара хўжалари, шайхларининг фикрлари билан ҳисоблашмадилар. Туркистон генерал-губернатори Сирдарё ҳарбий губернатори орқали, полиция ёрдамида мақбара шайхларидан шамдонларни тортиб олди ва Петербургга Археология ҳайъатига юборди. Туркистон генерал-губернаторлари ва уларнинг амалдорлари жойлардаги бошқа маданий ёдгорликларни тортиб олишда ҳам шунга ўхшаш усуllibардан фойдаланган.

¹ Ўзбекистон МДА, I-фонд, 12-рўйхат, 828-иш, 217—218-варажлар.

Совет даврида Аҳмад Яссавий мақбара-масжиди-нинг шайхлари қувғин қилинди, тарихий ёдгорлик ҳисобланган мақбара қаровсиз қолдирилиб, вайронага айлантирилди, санъат асрлари бўлган дошқозон, шамдон ва бошқа буюмлар эътиборсиз қолдирилди. Лекин Совет давлати ўз манфаати учун керак бўлгандан бу бутун дунё санъатсеварлари эъзозлаган ва машҳур ёдгорликлардан фойдаланди.

Амир Темур Аҳмад Яссавий масжидига вакф қилган улкан дошқозон ва бир жуфт шамдон 1936 йили Ленинградда ўтказилган Эрон ҳунармандчилиги ва археологик изланишларига бағишлиган учинчи халқаро анжуманда намойиш қилиш учун ҳукумат қарори билан вақтинча олиб кетилган эди. Вақтинча деб тортиб олиб, Эрмитаж мулкига айлантирмоқчи бўлдилар. Бироқ маҳаллий халқларнинг талаби билан 1989 йил июнда дошқозон Аҳмад Яссавий мақбарасига қайтариб берилди. Бу улкан қозоннинг оғирлиги 2 тонна бўлиб, 600 челак сув сифимига эга ва кўндаланг кесими 2,45 метрга teng эди. У илгари мақбара марказидаги жамоатхонада турарди. Бу хона қозон турганлиги учун қозонхона деб ҳам аталар эди. Қозонга қанд қўшилган сув тўлдирилиб масжид хизматкорлари жума намозидан сўнг шифобаҳш ва табарруқ обиҳаёт сифатида намоз ўқиган кишиларга тарқатганлар. Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилгани келган зиёратчилар қозонга тангалар ташлаб, шайхларга хайр-эҳсон берганлар.

Дошқозон Ленинграддан қайтариб олиб келингандан кейин яна ўз ўрнига — жамоатхонага ўрнатилди. Қозон бронздан ишланган. Унинг сиртида узум барглари миллий нақш асосида тасвирланган. Бундан ташқари, узум барги шаклида 10 та катта ва 30 та чўзинчоқ кичик кулоқ қилинган. Шунинг учун уни 40 кулоқни қозон деб ҳам айтилади. Қозон сиртига гулли қилиб уч қатор ёзув битилган. Биринчи қаторда «Дошқозон сув кўйиш учун ясалган. Темурдан маҳобатли мақбараға совға» деган сўзлар ёзилган. Иккинчи қаторда: «Бандаи мўминни парвардигорнинг ўзи ёрлақасин» ёзувлари ва қозон қайси жойда ва ким томонидан ясалгани битилган. Охири қаторда қозон қачон ва кимнинг фармони билан тайёрланганлиги тўғрисида ёзув бор.

Дошқозон асл ўрнини топди. Лекин вақтинчага олиб кетилган ҳашаматли ва гўзал иккита шамдон

қозон билан бирга Эрмитаждан қайтариб берилмади. Амир Темур фармони билан қурдирилган салобатли Аҳмад Яссавий мақбараси ва уни безаш учун ясалган нафис осори-атиқалар соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолияти, халқимиз маданиятини ривожлантиришга кўшган улкан ҳиссасини кўрсатувчи яққол бир мисол бўла олади.

Шундай қилиб, чор ҳукуматининг кўрсатмаси билан Туркистон ўлкасидағи чор маъмурлари Россияга, унинг машхур музейлари — Эрмитаж, Фанлар академиясининг Осиё музейи ва бошқа илмий марказлари га хилма-хил маданият, санъат асарларини, тарихий ёдгорликларни доимий равишда йигиб, тўплаб, жўнатиб турди. Улар қуйидагилардан иборат эди.

1. Туркистон генерал-губернаторининг топшириғи билан рус шарқшунос олимлари Ўрта Осиё халқлари нинг дунёга машхур архитектура ёдгорликларидан энг қимматли сирли, нафис, гўзал қилиб ишланган кошинларини шилиб олиб, Петербургга, Эрмитаж ва бошқа музейларга юборган.

2. Уларни янада кўпроқ қизиқтирган нарса — археологик топилдиқлар, ер остидан топилган танга ҳазиналари, сопол, бронза, металл буюмлар бўлган. Туркистон шаҳар ва қишлоқларидан ер ковлаш ишлари вақтида тасодифан топилган қадимий олтин, кумуш, мис тангалар ва бошқа буюмлар давлат қонун-қоидаларига асосан Петербургдаги Археология ҳайъатига юборилар эди. Ҳайъат уларнинг илмий-тарихий аҳамиятини аниқлаб, нодир танга ва буюмларни Петербургда олиб қоларди ва тегиншли музейларга тарқатар эди.

3. Шунингдек, маҳаллий аҳоли оиласидаги қадимдан — авлоддан-авлодга сакланиб келган, оила ёдгорликлари ҳисобланган, халқ усталари мис ва бошқа рангли металлардан безаб ишланган санъат асарлари бўлган офтоба, чилопчин, кумғон, қозон, жом ва бошқа буюмларни ҳам йигиб ташиб кетганлар.

4. Маҳаллий аҳоли орасидаги коллекционерлар, қадимги буюмлар ҳаваскорлари йиққан коллекциялардан ҳам энг ноёбларини рус шарқшунослари, Археология ҳайъати арзимаган мукофот эвазига Петербургга ташиб кетишган.

5. Россия босқини жараёнида хон ва бекларнинг саройлари босиб олиниб, талон-тарож қилинганда

ҳам олтин, бойликларидан ташқари, музейлар учун қимматли нарсаларни — санъат асарлари ҳисобланган хон хотинларининг зеб-зийнатлари, безаклари, хонлар тахти ва бошқа нарсаларни ташиб кетгандар.

6. Россия музейлари учун олиб кетилган яна бир қимматбаҳо нарса бу — этнографик материаллар эди. Рус шарқшунослари музейлар учун муҳим безак ҳисобланган шарқ ҳалқлари кийимлари — эркаклар, аёллар ҳалатларини, костюм, нимча, кўйлак, оёқ кийимлари ва бошқа нарсаларни Петербург музейларига олиб кетгандар.

Бундай қимматбаҳо тарихий ёдгорликларни, нодир осори-атиқаларни Туркистон ҳалқларидан тортиб олиб кетиш чор империяси маъмурлари учун осон бўлмаган. Ўзбек ва бошқа маҳаллий ҳалқлар маданий-маънавий ёдгорликларини қадрлаган ва ўз ихтиёри билан бермаган. Туркистон генерал-губернаторлари, уларнинг амалдорлари бу нарсаларни маҳбурлаш, тазийк ўтказиш йўли билан тортиб олганлар. У ёки бу ташкилотда, бирор-бир шахсада тарихий ёдгорлик намуналари борлигидан хабар топган Туркистон генерал-губернатори вилоят ҳарбий губернаторига бу қадимий нарсаларни олиш тўғрисида кўрсатма берар эди. Ҳарбий губернаторлар айтилган осори-атиқаларни полиция ёрдамида вилоят фуқароларидан шароитга қараб ҳар ҳыл усусларни қўллаб, тазийк ўтказиш йўли билан тортиб олар эди. Денгиздан бир томчи бўлган бу мисоллардан кўриниб турибдики, маҳаллий аҳолининг шарт-шароитлари, қандай яшashi ва истаклари билан ҳисоблашмай ҳар қандай йўл билан бўлмасин бойлик ортириш чор маъмурияти сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этар эди. Бироқ булар большевиклар диктатураси сиёсатига нисбатан бир қанча юмшоқ — «маданиятли» усуllар эди. Янги замонлар, улар билан бирга эса янги вайронгарчиликлар даври бошланди, чунки мамлакат остонасида большевиклар коммунизми ниқоби билан кириб келган янада даҳшатлироқ қизил мустамлакачилик турарди.

Октябрь тўнаришидан сўнг Туркистондаги бойликлар — Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларининг хазиналари, амалдорлар ва беклар, бой ва савдо-гарларнинг барча мол-мулклари мусодара қилиниб, вагонлар Москва, Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларига жўнатилди. Бу беҳисоб бойликлар сараланиб, тарихий-бадиий аҳамиятта молик буюмлар Москва ва Пе-

тербургдаги давлат фондига¹ топширилди. Кўйма олтинлар, қимматбаҳо тошлар ва бошқалар Волга бўйи очарчилик фондига топширилди. Яна бир қисми нодир тошлар, санъат дурданалари хорижий давлатларга сотилди.

Қизиги шундаки, большевиклар Ўрта Осиё ҳонлари ва амирлари маблағларини мамлакат манфаатларига, қурилишларига сарфлашдан кўра, хазинада олтин шаклида сақлаб, мунтазам равишда кўпайтириб боришини ўйлаганлар. Айниқса Бухоро амири хазинасининг олтинлари РСФСР ҳукуматининг алоҳида дикқат марказида бўлган. Ҳукумат кўрсатмасига асосан Турк-Фронт кўмандони М. В. Фрунзе 1920 йил 9 сентябрда қўйидаги буйруқни эълон қилди: «Кўлга киритилган Эски Бухоро ҳукумати хазинасининг барча бойликлари қаттиқ назорат остида сақланиши керак, сандиқлар ва бўғчалар очилмасдан, улардаги олтин ва кумуш буюмлар, пуллар ва бошқалар Бухоро ревкомининг вакили иштирокида муҳрлаб кўйилсан». Муҳрланган бойликлар, амир хазинаси Бухоро босиб олинган куннинг эртасидаёқ тонгда Петербургга 13 та юк вагонида жўнатилди. Хазина бойликлари: тилла тангалар, олтин буюмлар, тарихий ва бошқа бадиий аҳамиятга эга қимматбаҳо ашёлар эди.

Биз ўлқадан тортиб олиб кетилган бойликлар, ноёб санъат, маданият ва тарихий ёдгорликлари миқёсини тасаввур қилиш учун биргина Бухоро амири хазинаси ҳақида маълумот бермоқчимиз. 1917 йил Амир Олимхоннинг бош вазири Мирза Насрулло күшбеги махфий ҳолда хазина бойликларини рўйхатга олишга эришган. Улар орасида, жумладан:

Бухоро тилласи — 1118380 дона;

Рус тилласи — 4365100 сўм;

Ёмби ҳолидаги Гамбург тилласи 1108 (17 тонна 728 кг);

Ёмби ҳолидаги Гамбург кумуши (45 тонна 404 кг);

Тилла кукуни — 16 пуд (1 тонна 56 кг) ва бошқа жами 34 номдаги қимматбаҳо ашёлар рўйхати бўлган.

Амир ва унинг оиласига тегишли бойликлар: Йирик бриллиантлар — 3482 карат. Шунингдек, буюм-

¹ Давлат музейлар фонди 1918 йилда ташкил қилиниб, узоқ вақт давом этиди (ЦГАОР, 2307-фонд, 3-рўйхат, 53-иш, 6-варак). 1917 йилдан 1923 йилгacha — 5 йил ичida давлат музейлар фонди 120.000 экспонатни Москва, Петербург музейларига 170 марта бўлиб берган. Натижада Эрмитаж, Оружейная палата, Рус музейи, давлат тарих музейи, Этнография музейлари ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги Йирик музейларининг фондлари тўлиб-тошиб, бўйиб кетди.

ларга тикилган бриллиантлар 968 карат, қимматбаҳо тошлар 86671 карат ва ҳоказо¹.

1920 йил 5 сентябрда Бухоро инқилобий хукумати Фрунзени босқинчилик маҳорати учун Амир Саид Олимхоннинг олтин қиличи ва ханжари билан мукофотлайди.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг етакчи илмий ходими М. Султонов Иваново сафаридан қелтирган хабарига кўра, 1920 йилда совет армияси Бухорни эгаллаган даврида армия қўмондони М. В. Фрунзе ўйла олинган «Бухоро амири карвони» («Обоз Бухарского эмира») даги қимматбаҳо буюмлардан катта қисмини Иваново шаҳридаги «Биринчи Советлар музейи»га юборган ва улар ҳозирда алоҳида коллекция сифатида музей захирасида сақданмоқда.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳалқларининг миллий мулки: маънавий, маданий ёдгорликларини талаш инқилобнинг биринчи кунидан бошланган эди. Юртимиздан олиб кетилган саноқсиз бойликлар Россия музейлари ва кутубхоналарини тўлдириб юборди. Булар нималар эди? Кўлёзмалар, ёрлиқлар, Бухоро, Хива, Кўқон хонликларининг ҳужжатлари ва беҳисоб моддий бойликлари: санъат асарлари, нодир заргарлик буюмлари, каштачиликнинг ноёб нусхалари, хилма-хил гиламлар, чиннилар, кандалкорлик маҳсулотлари ва бошқалар эди.

Шуни қайд қилиш керакки, чоризм даврида тортиб олинган тарихий, маданий-моддий ва санъат ёдгорликлари марказдаги музейларга жўнатилганда уларнинг рўйхатлари, илмий изоҳлари ҳақида нашр қилинган адабиётларда илмий маълумотлар қелтирган. Совет даврида мусодара қилинган ва бошқа хилма-хил йўллар билан олиб кетилган саноқсиз бойликлар, тарих, санъат ёдгорликлари эса рўйхатга олинмаган, уларга илмий тавсиф ҳам берилмаган: уларни мустабидлар махфий хода ўзлари билганиларича талон-тарож қилганлар. Бундан ташқари, тез орада моддий ва маданий ёдгорликларни марказга тўплашнинг янги усули — илмий экспедиция деб аталмиш юришлар бошланиб кетди. 1926—1929 йилларда шарқшунос олимлар В. В. Бар-

¹ Ўзбекистон миллий ҳаффиёзлик хизмати архивида Оф. 243 — иш ҳужжатлари бўлиб, унинг «Товар» қисмидаги Амир Олимхоннинг олтин хазинаси рўйхати кўрсатилган. Бу масала X. Узоков, С. Ҳолбоевнинг «Бухоро амирининг олтинлари» мақоласида эълон қилинган. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 14 август; 1992 йил 22 ноябрь.

тольд, И. И. Зарубинлар бошчилигига этнография экспедицияси уюштирилиб, Ленинград Этнография ва антропология музейи учун Зарафшон водийиси ва Тошкентда илмий қидируг ишларини олиб бордилар. Махаллий корчалонларнинг фаол ёрдамида улар ўзбек ва тожиклар ҳаёт тарзини кўрсатувчи 2000 дан ортиқ ноизик, қадимий, нодир этнографик экспонатларни олиб кетдилар. Ўлканинг моддий ва маънавий бойликларини ташиб кетишда, хусусан марказдан ташкил қилинган археологик экспедициялар алоҳида файрат кўрсатдилар. 30-йилларда Термиз мавзесидаги Айритом кошинлари, Самарқанд атрофидаги Талибарзу, Афросиёб, Бухоро теварагидаги Пойкент топилмалари, Кофир қалья, кўхна Варахша теварагидан топилган ноёб қадимий бебаҳо ёдгорликлар Эрмитажга олиб кетилди. Хоразмдан эса С. П. Толстов раҳбарлигига олиб борилган қазиши ишлари даврида топилган, илмий аҳамиятга молик экспонатларнинг барчаси ёзилмаган қонун бўйича марказга олиб кетилган, Республика бойликларини шу тариқа ўзбошимчалик билан ташиб кетиш одатий тусга кирган эди. Ўзбекистон Советлар ўлкаси бўлиб, марказ бўйруғи билан яшар эди. Марказдан келган ҳар бир кўрсатма ёки вакиллар топшириги зътиrozга ўрин қолдирмай, аъло даражада бажарилар эди. Келгандардан бирон ҳужжат ёки идораларнинг руҳсати сўралмагани каби олиб кетилган ёдгорликлар ҳақида ҳам бирон ҳужжат қолдирилмас ва унинг бойликларини олиб кетиш, ўлкани талаш сиёсати мунгозам равишда жуда пухта ўйланган икки йўл: а) археология, этнография ва бошқа соҳалар бўйича экспедициялар уюштириш; б) чет эл ва иттифоқ миқёсида доимий кўргазмалар ташкил қилиш йўллари билан олиб борилар эди. Бугина эмас, бош раҳбариятга ёқмаган музейлар тугатилиб, унинг экспонатлари танланиб, марказга олиб кетилар эди. Бундан ташқари, Республика пойтахти ва вилоятлардаги музейларнинг мисқоллаб йиққан ночор захиралари юқоридан ўзбошимчалик билан берилган номаъкул бўйруқлар туфайли тобора сийраклашиб, марказга оқа бошлади.

1927–1928 йилларда Бухоро музейидан Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каштачилигининг энг моҳир усталири ироқи услубида тиккан 20 дан ортиқ чойшаблар, палаклар, гулкўрпалар, сандалпўш, болишпўш, тоқиялар олиб кетилди.

1934 йили Тошкент Ҳалқ Ҳўжалик музейи тугатилиши муносабати билан Бухоро ва Хива хонликларига оид 108 та қимматбаҳо ва нодир қадимий буюмлар: тўнлар, заргарлик буюмлари, кандакорлик ёдгорликлари ҳам Марказга олиб кетилди ва ҳозир Санкт-Петербург этнография музейида сақланмоқда.

Москва ва Петербург музейларининг Ўрта Осиё фондлари асосан совет даврида шаклланган ва бойиб кетган. Масалан, собиқ СССР Фанлар Академиясига қарашли Антропология ва Этнография музейи Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон Республикаси ҳалқларининг ҳаёт тарзига (этнографиясига) оид қимматбаҳо экспонатларга эга. Бу музей фонди 1918 йилдан то 1941 йилгача, яъни уруш бошлангунича тўлдириб борилган.

1924 йилда музейга 514 хилдаги ноёб шойи ва ярим шойи газламалар, ўзбек ҳунарманд усталари тўқиган хонатлас, духоба, адреслар тўти билан келтирилган. 1927 йилда 203 буюмдан иборат ўзбек ҳалқи ҳаёт тарзига оид нодир этнография ёдгорликлари олинган. Булар эркаклар, аёллар кийимлари, болалар буюмлари, бош ва оёқ кийимлари, нодир қўзалар ва қашталардан иборат. Улар орасида отни безайдиган қимматбаҳо эгаржабдуқлар, ёпингичлар ҳам бор эди. 1929 йилда шу музей учун Ўзбекистондан аёлларнинг тиллақошлари ва бошқа тақинчоқ безаклари, паранжи-чачвоnlар келтирилган. 1934 йили Самарқанд, Тошкент шаҳарларидан эркаклар, аёллар кийимлари, гиламлар олиниб, музейнинг 5222-рақамли коллекцияси тузилди.

Яна музей учун 300 га яқин нодир экспонатлар этнограф А. К. Писарчик бош-қошлигида Кўкон, Наманганд, Марғилон, Андижон ва Тошкентдан йигиб олинади ва музейнинг 4984, 4985, 4987, 4989-рақамли коллекциялари барпо қилинади. 1929 йили эса бу ерга Сурхондарё аҳолисининг кийим-кечаклари, пичоқ, носковоқ ва ўтовлари олиб келинди.

Петербургдаги иккинчи катта музей «СССР ҳалқлари этнографияси» музейи бўлиб, у совет даврида ташкил қилинган. Унинг захиралари ва экспозицияси Иттифоқ республика музейлари ҳисобидан ташкил топди. Унинг Ўрта Осиё бўлимидаги Ўзбекистон қисми алоҳида аҳамият касб этади. Чунки у минглаб қимматбаҳо экспонатларга бой ва илмий асосда ишланган. Музей фондини тўлдиришда мутахассис ғолим С. М. Дудин катта жонбозлик кўрсатган. У 8 йил даво-

мида Ўрта Осиёга ҳар йили сафар қилиб, 4000 дан ортиқ асори-атиқаларни олиб кетган. 1500 дан ортиқ суратлар олиб, коллекцияларни янада тўлдириди. Ҳозирги вақтда Дудин коллекцияси дунё мутахассисларининг дикқат-эътиборида туради.

Бу экспонатлар 1925 йилдан 1929 йилгача рассом С. М. Дудин томонидан Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Фарғона, Наманган, Марғилон, Кўқон, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларидан йигиб келтирилган. Улар хилма-хил бўлиб, ўзбек халқининг ҳаёт тарзи ва маънавиятини, дид ва қобилиятини намоён қилувчи ёдгорликлардан иборат. 50 тадан ортиқ коллекциядан иборат бу буюмлар 100 минглаб ёдгорликларни ўз ичига олади. Булар шойи, духоба ва ип газламалар, сукнолар, аёллар, эркаклар ва болалар кийимлари, аёлларнинг қимматбаҳо тошлар қадалган олтин ва кумуш тақинчоқлари, эркакларнинг олтин камарлари, қимматбаҳо тошлар билан безатилган ханжарлар, қиличлар, отларнинг эгар-жабдуқлари, паранжилар, кўлда тўқилган саноқсиз ипак гиламлар, хон саройи учун маҳорат билан маҳсус тикилган палаклар, чойшаблар, кашталар, дастурхонлар, чинни ва мис асбоблардан иборат эди.

1937 йилда Тошкентдан 157 тадан ортиқ ноёб буюмлар, 1938 йилда Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва Андижон музейларидан 381 та ноёб этнографик ёдгорликлар олиб қўйилган.

Туркистон дурдоналарининг энг катта қисми Россиянинг энг йирик маданий хазинаси бўлмиш Эрмитажга келтирилган. Эрмитажнинг «Ўрта Осиё» бўлими ҳам совет даврида барпо бўлган.

1924 йилда Хива хони саройининг хазиналари Эрмитажга берилди. Булар жуда қимматли, олтиндан ясалган заргарлик буюмлари, эркак ва аёллар кийимлари, гиламлар, шойи ва кимхоб матолар ҳамда чинни гулдонлардан иборат бўлиб, уларга яна Бухоро амири хазинасининг олтинлари ва ноёб буюмлари, олтин тангалар, медаллари ва қимматбаҳо тошлар қадалган эркак ва аёллар кийимлари қўшилди. Эрмитаж хазинасидаги дурдоналар ноёблиги, қадимийлиги ва қимматбаҳо металл ва тошлардан ясалгани билан ажralиб туради. У ерда кўплаб олтин камарлар, олтин бриллиант қадалган жигалар, қилич ва ханжарлар, беҳисоб зарбофи тўнлар, отларни безатадиган қимматбаҳо эгар-жабдуқлар, муҳрлар, аёллар учун маҳсус тўқилган ду-

хобалар, кимхоб ва хонатгласларнинг ноёб нусхалари, ҳар хил услубда тикилган катта ҳажмдаги кашталар ва сон-саноқсиз олтин тангалар ва бетакрор нодир заргарлик намунаси бўлмиш аёлларнинг тақинчоқлари бор эди. Биргина Хоразм хонлигига хос аёллар тақинчоқларининг ўзидан юзлаб мавжуд эди.

Москвадаги Шарқ маданияти музеи ҳам 1918 йилда Ўрта Осиёдан олиб кетилган ёдгорликлар асосида тузилган. Бу музей фонди доимий равища тўлдириб турилди ва 1000 дан ортиқ экспонатларга эга бўлиб, кўпি заргарлик буюмларидан иборат эди. Москвадаги Тарих Давлат музейи ҳам Ўрта Осиёдан келтирилган 1000 га яқин экспонатларга эга.

Шундай қилиб, Москва, Петербург, Иваново ва Россиянинг бошқа шаҳарларидағи музейлар Ўрта Осиёдан олиб кетилган жавоҳирлар ва қумматбаҳо ноёб буюмларга тўлиб кетди. Уруш вақтида Москва, Ленинград музейларининг экспонатлари эҳтиётлик билан бошқа шаҳарларга кўчирилаётган бир вақтда ҳам Ўзбекистон музейларидан моддий ва маданий ёдгорликлар олиб кетиш тўхтамаган.

1941 йил 2 октябрда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондидан Ўрта Осиё хонликлари сулоласига оид 100 га яқин олтин, кумуш тангалар, тилладан ясалган заргарлик буюмлари, кумушдан ясалган 40 га яқин ноёб ёдгорликлар — ҳаммаси бўлиб 5—6 кг тилла ва кумуш буюмлар Эрмитаж ходимиининг иштирокида олиб кетилган.

Бундай талон-тарожлик Ўзбекистоннинг марказий музейларидагина эмас, балки жумҳуриятимизнинг Сармарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Кўқон музейларида ҳам авжига чиқди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказга жўнатилган барча маънавий ва моддий бойликлар ўзбекнинг муқаддас мулкидир. Бу ёдгорликларнинг ҳаммаси тортиб олинган ёки совға сифатида қўлга киритилиб, Марказга топширилган, уларга ҳеч кимнинг бир сўм ҳам пули сарфланмаган. Бинобарин, Россия кутубхона ва музейларида Ўзбекистон ёдгорликларини фан учун сақлаб берганликлари учун рус олимларига миннатдорчилик билдириб, уларни энди ўз эгаларига қайта-риш вақти келганлигини таъкидламоқчимиз.

3-§. Мустабид тузумнинг ўзбек халқининг маданий-маънавий меросига бўлган ҳукуқини чеклаш сиёсати

Маданий ва маънавий бойликларнинг Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилиш тарихи хусусида сўз борар экан, ўз-ўзидан мустабид тузумнинг бу борадаги сиёсати билан боғлиқ мулоҳазаларни давом эттиришга тўғри келади. Чор Россиясининг Туркистон маданий бойликларини талаш сиёсати фақаттина ёдгорликлар, қўлёзмалар ва тарихий хужжатларни олиб чиқиб кетиш билан чекланган эмас. Маъмурлар Туркистоннинг маҳаллий халқлари маданий бойлиги ва маънавий ҳаётига нисбатан тутган ўз сиёсатлари мақсадини яшириш у ёқда турсин, аксинча, ўлка мустамлакага айлантирилган дастлабки даврларданоқ ҳатто ошкора намойиш қилиб келдилар. Масалан, ўлкани иқтисодий жиҳатдан эксплуатация қилиш, унинг маҳаллий аҳолисини ижтимоий эзишдан ташқари, чоризм учун маҳаллий халқлар маданиятини паст даражада ушлаб туриш, уларни тарихий илдизларидан маҳрум этиш муҳим эди. Империя олий табақаларининг фикрича, давлат мағкурасининг улуғ давлатчилик табиати томонидан олдиндан белгилаб берилган ана шу режа амалга оширилган тақдирдагина империянинг Туркистондаги ҳукмронлиги кафолатланиши мумкин эди. Улар чоризмнинг Туркистондаги ҳақиқий ҳукмронлигини қарор топтириш учун уни фақат забт этиш, бу ерда 50 минг кишидан ортиқ армияни сақлаш ва ўлкани бошқариш, буюк давлатчилик-шовинистик тизимини вужудга келтиришнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблардилар. Шунинг учун ҳам чоризм ва, айниқса, ўлка ва унинг вилоятларининг дастлабки мустамлакачи бошлиқлари, аввало, кўп асрлар мобайнида мусулмон халқларини жипслаштиришнинг қудратли негизи ва уларнинг ижтимоий онги, маданияти, таълим, оиласвий-маиший анъаналари ва шариат воситасида ҳуқуқий, ахлоқий нормаларини белгиловчи муҳим омил бўлиб келган ислом динининг роли ва таъсирини заифлаштириш зарур, деб билдилар.

Россия ва Туркистоннинг юқори лавозимлардаги амалдорлари орасида ислом динига, мусулмон муассасалари ва руҳонийларининг итоатсиз қисмига қарши куч ишлатиш воситасида кураш олиб бориш, мусулмонларни, аввало ўлқанинг кўчманчи аҳолисини ҳатто мажбурий тарзда (Волгабўйи татарларини чўқинтириш-

нинг тажрибаси асосида) православ динига киритиш тарафдорлари оз эмасди. Оренбургнинг 1864—1876 йиллардаги генерал-губернатори Крижановский, Қозон диний православ академиясининг профессори, империя маориф вазирлигининг нуфузли маслаҳатчиси Н. И. Ильминский ва мазкур академиянинг Туркистонга юборилган битиувчиларидан Н. П. Остроумов, М. А. Миропиев, М. А. Воскресенский, И. М. Софийскийларни исломга ва мусулмонларга салбий муносабатда бўлувчиларнинг энг фаоллари жумласига киритиш мумкин. Крижановский Туркистон вилояти ҳали Оренбург генерал-губернаторлиги таркибига киришидан фойдаланиб, 1867 йил январда империя Ички ишлар вазири Валуевга йўллаган маълумотномасида минтақадаги мусулмонлар сонини ошириб кўрсатган ва умуман исломнинг хавфли эканлигини таъкидлаган ҳолда, бундай деб ёзган эди: «Ҳозирги вақтда биз Ўрта Осиёнинг ичкарисига кириб борганимиз ва Туркистон империяга кўшилгандан кейин Қозондан тортиб то Тянь-Шань тоғ тизмаларигача чўзилиб кетган кўз илғамас бутун маконда бир неча ўн миллиондан ортиқ мусулмон аҳоли истиқомат қиласди. Бундай яхлит кишилар оммасининг кўриниши шубҳасиз ҳукumatнинг диққатини ўзига қартиши лозим. Бу кишилар шундай динга эътиқод қиласдиларки, унинг асосий ақидаларига кўра, биз, насронийлар, диндорларнинг табиий ва муросасиз душманлари деб эътироф қилинамиз»¹.

Вилоятлар ҳарбий губернаторлари ва уезд бошлиқларининг мусулмон руҳонийлари ва мусулмон ўкув юртлари — мактаблар, мадрасалар ва шу қабиларга нисбатан ниҳоятда менсимай муносабатда бўлишлари мусулмонларнинг аксарият қисмида норозилик уйғтарди. Лекин хушёр ва уста сиёсатчи, Самарқанднинг шафқатсиз истилочиси ва Туркистон ҳарбий-мустамлакачилик маъмуриятининг ташкилотчиси, ўлканинг биринчи генерал-губернатори бўлган К. П. Кауфман мусулмон аҳолининг ривожланиш даражаси, маданий мероси ва маънавий олами фақат ислом шариатига эмас, шу билан бирга, бой дунёвий билимларга ҳам асосланганлиги, бу билимлар пойdevорини шу заминда етишиб чиққан Форобий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий, Улугбек, ал-Фарғоний ва бошқа кўплаб мұ-

¹ Кўчирма қўйилдаги китобдан олинди: Аграрные вопросы крестьянского движения 50—70-годов XIX века. — М. Л.: Изд. АН СССР. 1936. С. 88—89.

тафаккир олимлар яратиб кеттанилигини империянинг бошқа кўпгина амалдорларидан яхшироқ тушунар эди. Шунингдек, Туркистондаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятини ҳам XVI—XVII асрлардаги Волга бўйи маҳаллий аҳолисининг ислом динига кириши ва ижтиёмий ривожланиши даражаси билан мутлақо қиёслаб бўлмасди. К. Кауфман ислом динига эътиқод қилувчи аҳолини мажбуран христианликка киритишга қарши эътиrozларини ўзига хос тарзда асослаб берди. 1868 йил январь ойида у рус православ миссионерлари бошлиғига: «Туркистон ўлкасининг аҳолиси христианликни қабул қилиш учун... ҳали етилган эмас. Христиан динини ҳозирги вақтда тарғиб қилиш яхши натижалар бермайди, аксинча, маҳаллий халқни биздан узоқлаштирадиган бу тадбир ишимизга бутунлай зарар келтириб, эплаш қийин бўлган мушкулликларни вужудга келтириши мумкин, холос»¹, деб ёзган эди. Шунинг учун ҳам ҳатто кўшни давлатларга уруш эълон қилишгача чекланмаган ваколатларга эга бўлган генерал-губернатор фон Кауфман исломга қарши нуқтаи назарда турган бўлса ҳам, мусулмон диний таълимоти ва шариатнинг, мусулмон руҳонийларининг, анъанавий ўқув юртларининг маҳаллий аҳоли ҳаётидаги аҳамиятини тушуниб етган ҳолда, империя вазирлари ва мафкурачиларнинг қараашларига зид ўлароқ, исломнинг ролини секин-аста заифлаштириб бориц, айни вақтда, ўлкадаги мусулмон халқларни тарихий-маданий мерос ва маданий мулкка эгалик хуқуқидан маҳрум этишининг бошқача — сиёсий, маъмурий усууларини ишлаб чиқди. Бу усуулар асосида унинг ўзи ва кейинги барча генерал-губернаторлар жуда хилма-хил мустамлакачилик ва шовинистик чора-тадбирларни амалга оширидилар. Масалан, «генерал-адъютант К.П. Кауфман диний бошқарув тизимини ўзгартириш (Йирик шаҳарларда шайхулислом ва қозикалон лавозимларини тугатиш) ва шариат судлари — қозиларнинг (ўтроқ аҳоли ва кўчманчи аҳоли ўртасида бийларнинг) ваколатларни чеклаш»² амалиётига асос солди, лекин уезд бошлиқлари, вилоят ҳарбий губернаторлари ва мустамлака

¹ Куйидаги китобга қаранг: К открытию памятника генерал-адъютанта К. П. фон Кауфман как устроителя Туркестанского края. Ташкент. 1913 г. С. 67—71.

² Ўзбекистон МДА. 450-фонд, 1-рўйхат, 16-иш, 30—31-вараклар; 11-иш. 1—8 вараклар.

судларининг суд-маъмурӣ ҳукуқлари яққол шовинистик руҳини сақлаган ҳолда устун бўлиб қолаверди.

Олий суд ваколатларидан генерал-губернаторларги на фойдаланарди. Чор империясидан кўчиб келганларни қабул қилиб олиш ва жойлаштириш учун чинакам шарт-шароитлар яратилганлиги туфайли мустамлакачи маъмурлар уларнинг маҳаллий аҳолига нисбатан устун даражадаги иқтисодий, ижтимоий ва фуқаролик аҳволини таъминлаб бердилар. Шунга мувофиқ, маъмурлар ўлкада православ черковига эътиборни кучайтириб, унинг мавқенини ҳар томонлама мустаҳкамлашга интилдилар.

Кауфмандан бошлиб барча генерал-губернаторлар ва вилоят, уездларнинг бошликлари мусулмон руҳонийларининг итоатсиз вакилларини қаттиқ жазога тортиб келдилар (1876 йилда генерал Скобелев ва унинг шаҳардаги зобитлари хатти-ҳаракатларидан газабланган Кўқондаги икки қозикалоннинг Сибирга сургун қилиниши, Тошкент, Андижон кўзғолонлари ва 1916 йил кўзғолони иштироқчилари бўлган руҳонийларга нисбатан қамоқ ва бошқа жазоchorаларининг кўлланилиши ва ҳоказолар), муросасозлик кайфиятидаги муфтийлар, қозилар, бийлар, оқсоқоллар ва, умуман, маҳаллий амалдорларни ўз томонларига жалб этишга интилдилар, улар иштироқида ислом динига, миллатга қарши ҳаракатларни амалга оширдилар. Ўлканинг ва бутун Ўрта Осиё маҳаллий аҳолисининг таълими ва маданий, маънавий ҳаётида миллий зиёлилар — мадрасаларнинг мударрислари, мактаб ўқитувчилари, китоббурушлар, китоб кўчирувчи хаттотлар, таржимонлар ва шу кабилар муҳим роль ўйнашини эътиборга олиб, мустамлакачи маъмурлар уларнинг фаолияти устидан қундалик назорат ўрнатдилар.

К. Кауфман бошчилигидаги мустамлакачи маъмурият ўз ваколатлари ва бериб кўйилган катта имкониятларидан, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасидан чиққан бир қатор балавлат қатламлар йирик вакилларининг кўллаб-куватлашидан фойдаланиб, сўзда мусулмон муассасаларини кўллаб-куватлаш сиёсатини эълон қылган бўлса ҳам ҳақиқатда мусулмон ўкув юртлари ва руҳонийларга тазиик қилиш, уларнинг моддий негизига путур етказишдан иборат ғайримиллий буюк давлатчилик амалиётини авж олдирди. Кейинчалик К. Кауфман мусулмон ўкув юртлари тизимига, хусусан, мадрасаларга кўйидагича баҳо берган эди:

«Мадрасалар мусулмон диний зодагонлари кучи ва имтиёзларини муҳофаза қилувчи муассасалар сифатидаги муҳим сиёсий вазифадан ташқари, бугунги кунда ҳам мусулмон тарғиботининг маркази ва ўчори сифатидаги бошқа асосий ролини бажарип келмоқдалар»¹, шунингдек, «ҳозирга қадар улар бутун мусулмон аҳолини халқ руҳи ва ахлоқига муҳим таъсир ўтказувчи имомлар, ўқитувчилар, қонуншунослар билан таъминлайдиган фаол семинариялар ҳисобланадилар»². Худди шунинг учун ҳам анъанавий ўкув юртларининг аҳамиятини йўққа чиқариш зарур, авж олиб кетган амалий ишларни мөхирона ва самарали амалга ошириш учун уларга «қонуний» тус бериш лозим эди. Шу муносабат билан 1870 йил марта «Россияда истиқомат қилувчи файритабаа»^{*} кишиларига таълим бериш чора-тадбирлари тўғрисида империя қонуни қабул қилинди. Унда бундай деб кўрсатиб ўтилган эди: «Ватанимиз доирасида яшовчи барча файритабаа кишиларга таълим беришнинг пировард мақсади, шак-шубҳасиз, уларни руслаштиришдан ва рус халқи билан қўшиб юборищдан изборат бўлиши лозим»³.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг маданияти ва таълим соҳасидаги мустамлакачилик амалиёти, аввало, вақф мулкини мусодара қилиш (мусулмон мактаблари, мадрасалар, кўпгина мачитлар ва мозорлар вақф мулки даромадлари ҳисобидан таъминланар эди), шунингдек, йирик мадрасаларни, асосан шаҳарлардаги мадрасаларни ўз ўкув режаларига рус тилини ва Россия тарихи, географияси фанларини киритишга, бир қатор мадрасаларда ўзбек тилини ўрганишни қозоқ тили билан алмаштиришга мажбур қилиш, рус ва рус-тузем мактабларини ташкил этиш билан ажралиб туради. Маъмурлар болаларнинг ота-оналарини пул билан рагбатлантириш воситасида бу мактабларга ўқувчиларни жалб қиласидилар. К. П. Кауфманнинг фикрича (унга ҳарбий вазир Д. Милютин ҳам, ашаддий файриисломчи, империя маориф вазири Д. Толстой ҳам эътиroz билдирилган эди), маҳаллий аҳоли орасидаги катта авлод кишилари дунёқарашини, фуқаролик нуқтаи на-

¹ Ўзбекистон МДА. I-фонд. 19-рўйхат, 3-иш. 9—11-вараклар.

² Ўша жода. 12-варак.

^{*} Файритабаа — чор Россиясизда руслардан бошқа халқларга, хусусан Шарқ халқларига берилган ном.

³ Ўзбекистон МДА. 47-фонд. I-рўйхат, 382-иш, 3—4-вараклар.

зарини юқори табақалар учун зарур бўладиган йўналишда жиддий ўзгартириб бўлмайди. Аммо болаларни, ёш авлодни россияпаастлик руҳида тарбиялаш мумкин, «чунки биргаликда таълим олиш бошқа миллатга мансуб аҳоли болалари тушунчаларидағи тафовутларини йўқотишга таъсир кўрсатади, қўлга киритилган ўлканинг ассимиляциялашуви ишида муҳим наф келтиради»¹.

Ўз-ўзидан тушунарлики, иш муваффакиятли боргандага ёш авлоднинг ассимиляциялашуви жараёнида уларнинг муайян қисми ўз халқининг тарихий, маданий, маънавий ва ҳатто этник илдизларидан бегоналашиб қолган бўларди. Шунинг учун ҳам маъмурлар шиддат ва зўравонлик билан ҳаракат қилиб, барча воситалар ва усууллардан мустамлакачилик манфаатлари йўлида фойдаландилар. Туркистон маъмурлари то 1884 йилга қадар асосан ислом таълимоти бўйича «ишончли» ўқитувчиларни, шунингдек, болаларни кириллча ўқиш ва ёзишга ўргатадиган ўқитувчиларни танлашга эътибор бердилар. Бироқ ҳақиқатда рус мактаблари маҳаллий аҳолининг кутилган миқдордаги болаларини жалб қилишга муваффақ бўлмади. Масалан, Каттакўрғонда б йил мобайнида, яъни 1872—1878 йилларда рус мактабида факат икки нафар ўзбек бола ўқиди, уларнинг бири — афғонистонлик, иккинчиси — ҳиндистонлик савдогарнинг ўғли эди².

1884 йилдан эътиборан маъмурлар шундай рус-тузем мактабларини ташкил этишга киришдиларки, уларда маҳаллий миллатларнинг фарзандлари рус тилидан ташқари, Россиянинг «Эй Худо, подшоҳни ўз паноҳингда асрар!» деган мадҳиясини, «Подшоҳ учун» ва «Узоқ умр тилаш» дуоларини ўрганишлари лозим эди. «Узоқ умр тилаш» дуосининг матни ҳатто ўзбек тилида ҳам нашр этилган эди³. Мазкур мактаблар маҳаллий аҳолига кўпроқ маъкул келиши учун мустамлакачи маъмурият миллий синфларда ўқитувчи бўлиб ишлаш учун зиёлиларнинг таниқли вакилларини, мактабларнинг ҳомийлари сифатида эса йирик тижоратчиларни, саноатчиларни тайинлашга интилди. Саидрасул Саидазизовнинг ҳар йили қайта нашр этилиб турган «Усто-

¹ Ўзбекистон МДА. I-фонд, I-рўйхат, I-иш. 5—6 варажлар.

² Карап: Б е н д р и к о в К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924 гг.). — М., Изд-во Академии пед. наук. 1960. С. 175.

³ Ўзбекистон МДА. 47-фонд, I-рўйхат, 944-иш, 3—4-варажлар.

ди аввал» деган ҳақиқатан ҳам яхши дарслиги билан бир қаторда, 1900—1916 йилларда рус-тузем мактаблари учун В. П. Наливкин томонидан ўзбек тилида ёзилган «Россиянинг қисқача тарихи» китоби чоп қилиб келинди. Тўғри, 1885 йилда мазкур дарсликни нашр этиш чоғида кўпроқ ишончли бўлиши учун унинг муаллифи наманганлик Жаҳонгир Тўра — деб кўрсатилган эди¹. Мактаблар учун пул йиғиб олинадиган йирик ва ўрта шаҳарларнинг маҳаллий аҳолиси болаларини рус-тузем мактабларида ўқитиш ва тарбиялаш (бундай мактаблар қишлоқларда ташкил этилмаган эди) бити-рувчиларни ота-оналаридан, миллат ва Ватанидан бегоналаштиришга олиб келишини яхши биларди. Худди шунинг учун ҳатто мустамлакачи маъмуриятнинг кўп йиллик куч-ғайрат сарфлашидан кейин ҳам ва миллий зодагонлар бир қисмининг хайриҳоҳлигига қарамай, 1916 йил 1 январга келиб Туркистонда қарийб 160 та рус-тузем мактаби мавжуд бўлиб, уларда рус ва маҳаллий аҳоли болаларидан 4000 дан камроғи таълим оларди. Шу билан бирга, маҳаллий миллатлар ўқувчиларидан 5% дан озроғи бу мактабларни битириб чиқди, холос². Бунинг устига, маъмурларнинг рус-тузем мактаблари тармоғини ташкил этиш соҳасида энг фаол иш олиб борган даври миллий зиёлиларнинг маърифатчилик-ватанпарварлик ҳаракати авж олиши билан бир даврга тўғри келади.

Маълумки, миллий зиёлиларнинг илғор фикрловчи қисми И. Гаспиралининг кўмагида 80-йилларнинг охиридан бошлаб янги усул мактабларини ташкил этишга киришди. Бу мактаблар рус-тузем мактабларига шунчаки муқобил бўлиб қолмасдан, айни пайтда, миллий онгни ошириш ва мустамлакачиликка қарши кайфиятларни кучайтириш, шунингдек, анъанавий мактаблар ва мадрасаларнинг кўпчилигини замонавийлаштириш омили ҳам бўлди.

«...Маданиятли маҳаллий аҳоли ҳозирги замон шароити уларнинг фарзандлари олдига қандай талабларни кўйганлигини тўла-тўқис англаб етдилар. Бугунги рус-тузем мактабларининг қониқарли эмаслигидан, улар ўз фарзандларини билимли қилишнинг бошқача йўлларини қидира бошладилар. Бунинг натижасида янги усул мактаблари пайдо бўлди» — деб ёзган эди «Тур-

¹ Ўша жода. 821-иш, 7—15-варажлар.

² Ўзбекистон МДА. 47-фона, I-рўйхат, 4531-иш, 9—11-варажлар.

кестанский голос» газетаси¹. Чоризм ва мустамлакачи маъмурлар миллий зиёлиларнинг илғор қисми олиб бораётган маърифатчилик ҳаракати, улар тузатган жадидча усулдаги мактаблар чоризмнинг Туркистондаги ҳукмронлигига нафақат потенциал, балки ҳақиқий хавф туғедиришини дарҳол англаб етдилар. Анъанавий мактаблар ва мадрасаларга ўз таъсирларини ўтказишдан маҳрум бўлиб қолицдан кўрқкан мусулмон руҳонийларнинг мутаассиб қаноти вакиллари — ҳалқ таълимиминг мавжуд тизимини ҳимоя қилувчи қадимчилар ҳам мактаб ва мадрасаларни замонавийлаштиришга ва янги усул мактабларига қарши кайфиятда бўлдилар.

Мустамлакачи маъмурият рус аҳолисининг, айниқса, қишлоқдаги аҳолининг ўқишига уччалик интилмаётганидан ва «Европа православ марказларидан ажраблиб қолиб ён-атрофдаги мусулмон мухитининг айrim «нохуш» таъсирларига дуч келиб, маълум даражада православ дини ва рус элатчилигидан узоқлашиб, мусулмонлашиб бораётгани ва унинг соғлигига птурт етётганидан² жиддий ташвишга туша бошлади. Шу туфайли у рус болаларини мактаб ва гимназияларга жалб қилиш, вакф мулкини мусодара қилиш ва рус-тузем мактаблари сонини кўпайтириш соҳасидаги ташкилий чора-тадбирлар билан чекланиб қолмай, янги усул мактабларини мажбурий равишда ёпиб кўйди. Шундай оғир шароитда жадидлар маҳаллий пахта тозалаш заводи ходимлари, фабрикантлар, тоҷирлар, савдогарлар ёрдамида 1917 йилда 100 дан ортиқ янги усул мактабларини³ очишга муваффақ бўлдилар. Бир қатор йирик мадрасалар замонавийлаштирилди. Тошкентдаги Эшонқул (Шайхонтахур), Самарқанддаги Улуғбек мадрасалари ва бошқалар шулар жумласидандир. Айнан замонавийлаштирилган мадрасалар янги усул мактаблари учун ўқитувчи кадрлар тайёрлади ва ўз битирувчилари билан миллий тараққийпарварлар ҳаракати сафларини тўлдирди. Янги усул мактаблари тармогини кенгайтириш, уларни оригинал дарсликлар, илғор методика ва дунёвий миллий-ватанпарварлик мағкураси билан қуроллантиришда мазкур ҳаракатнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Абдушукуров (Шакурий), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Эшонхўжа Хонхўжаев,

¹ Туркестанский голос. 12 ноября 1916 г.

² Туркестанские ведомости. 1898 г. № 30.

³ Наука и просвещение. — Ташкент, 1922. № 2. С. 32

Собиржон Раҳимов каби Туркистондаги ташаббускорлари айниқса катта роль ўйнайдилар. Янги усул мактабларининг рус-тузем мактаблари ва анъанавий мактаблардан афзалиги аён бўлди. Масалан, Кўқонда ва Эски Марғилонда ҳатто қозиларнинг шахсан ўзлари тўртта янги типдаги мактаб ташкил этишга кўмаклашдилар¹.

Гарчи мустамлакачилик сиёсати иқтисодиёт соҳасида маҳаллий аҳоли муайян қисмининг моддий аҳволи заифлашуви ва хўжалик мустақилигининг чекланишига олиб келган бўлса ҳам минтақада ерга, бошқа кўчмас мулкка хусусий мулкчиликнинг сақданиб Қолиниши кўплаб тижоратчилар, савдогарларнинг пахта тозалаш заводлари, пиллақашлик фабрикалари, йирик ёғ-мой корхоналарининг эгалари бўлишларига имкон яратди. Улардан кўплари миллий тараққийпарварлар ҳаракатида бевосита иштирок этмаган бўлсалар ҳам, лекин уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали бу ҳаракатга ўз хайриҳоҳликларини кўрсатдилар. Фақат янги усул мактаблари эмас, балки сиёсий, мустамлакачиликка қарши ғоялар, саъй-ҳаракатлар ҳам халқ орасида, хусусан, йирик ва ўрта шаҳарлардаги омма орасида анча сезиларли равишда қўллаб-қувватланди.

Миллий тараққийпарварлар мустабид тузумнинг халқни эзиш сиёсатидан воқиф бўлиб, ниҳоятда қайғурганлар: юрт қайғуси мавзуи ҳамиша жадид газеталарининг долзарб мавзуларидан бўлган. Чунончи, шу ном билан аталган Фитратнинг мақолоси ниҳоятда чукур изтироб ва алам билан сугорилган. Унга қўшилиб Ҳожи Муин ва Мирмуҳсин Шермуҳамедовлар ўз мақолаларида чор ҳукуматининг халқ маданиятини оёқ ости қилиб, ҳукуқини поймол қилаётганилиги ҳақида қайғуриб ёзганлар. М. Шермуҳамедов мақолаларидан бирида ўз ҳис-туйгуларини қуидагича акс эттиради: «Форобий ва Ибн Сино каби доҳийлар, файласуфлар, ҳукамолар сенинг буюқ, муқаддас мадрасаларингдан етишиб чиқиб, курраи заминга табииётдан, риёзиёт илмларидан сочган эмасми эдилар? Минораси кўк сари узайган улуғ мадрасаларингдан муфассирлар, муҳадислар, мужтаҳидлар, фақиҳлар тарқалиб, олами исломга мисли йўқ хизматлар эткан эмасми эдилар?... Сени шу ҳолга туширган, золимларга асир этган, чараге каби ёниб турган илмларингни сўндириган қайси жоҳиллар? Қандай малъунлар?.. Улуғ мадрасаларининг

¹ Ўзбекистон МДА. 47-фона, 955-иши, 138–139-вараклар.

вақфини ўз кафига гисб этиб олган хонлар, шояд сенинг хотирангдин асло чиқмаслар...

...Сени шу ҳолга тушуриб, азиз авлодингни Сибирнинг совуқ минтақаларинда саргардон этиб қўйганларга лаънатлар ўлсин! Аммо сени деб, сенинг истиқболинг деб чет элларда таҳсил илм этиб юрган ёш йигитларинг, иншооллоҳ, мақсадларига етишурлар. Шул болаларинг соясинда сенинг истиқболинг шояд умидли бўлур...»¹.

Лекин миллий тараққийпарварлар фақатгина куюниб, эзилиб ўтирганилар, ҳалқни, айниқса, ёшларни қўзгалишга, курашга, ҳаракатга унданганлар. Улар ўзларининг ҳалқ таълимими янгилаш соҳасидаги фаолиятларини чоризм минтақадаги ўз хукмронлиги учун жиддий хавф сифатида баҳолашини яхши англағанлар. Шунинг учун улар маъмурларнинг маъмурий-полициячилик тазиикини ҳам, қадимчиларнинг қаршилик кўрсатишини ҳам мардлик билан енгиб бордилар. Бундан ташқари, шаҳарлардаги маҳаллий аҳолининг аксарият қисми, мусулмон руҳонийларининг ҳам кўпчилиги янги усуздаги ва замонавийлашган мактабларни маъқул кўриши, миллий ёшларнинг ўзи малрасаларда янги усувлар ва дастурларни жорий этишга ижодий муносабатда бўлаётганларига ишонч ҳосил қилиб, шунингдек, 1892 ва 1898 йиллардаги ҳалқ қўзғолонлари тажрибасини ҳисобга олиб, Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, У. Асадуллахўжев, А. Авлоний каби кўпгина етакчи тараққийпарварлар XX асрнинг бошларида, айниқса, Япония билан бўлган урушда Россия мағлуб бўлганидан кейин ва 1905—1907 йиллардаги инқилоб даврида маҳаллий аҳолини мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик курашига ошкора, оммавий равишда тайёрлашни бошлашга аҳд қилдилар. Бироқ ўзлари ҳали тарқоқ ҳолда иш олиб борганиларни, бор-йўғи Самарқанд, Тошкент, Кўкон, Андижон, Хўжанд, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги оз сонли гуруҳларни эндиғина жипслаштираётганларни сабабли улар ҳали бирон-бир вилоят ёки ўлка ташкилотини тузишга тайёр эмас эдилар. Ана шундай шароитда айрим таникли миллий тараққийпарварлар ўз маблағлари ва йирик савдогарлар, саноатчилар ва ер згалари (улар орасида фақат Туркистондан эмас, балки Бухоро амирлигидан ҳам зиёлилар, чунончи, Усмонхўжа, Отахўжа Пўлатхўжаев, Файзулла Хўжаев бор эди)

¹ Шермуҳамедов М. Юрт қайғуси. Эй Туркистон // Ҳуррият. 1917. З ноъбр.

кўрсатган моддий ёрдамдан фойдаланган ҳолда, 1906—1907 йиллардаёқ «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат» газеталарининг чоп этилишини йўлга кўйдилар.

Цензуранинг шафқатсиз ва адолатсиз назоратига қарамасдан, ушбу нашрларнинг дастлабки сонларидаёқ М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов каби миллат фидойилари ўз мақолаларида Туркистондаги бошқарув муаммоларини, хусусан, маҳаллий аҳолининг фуқаролик аҳволи ва унга таълим бериш ишидаги адолатсизликларни кескин танқидий руҳда ёритиб бердилар.

Кейинроқ Туркистон миллий тараққийпарварлари фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бундай ўзгаришлар сирасига, биринчи навбатда, фақат Туркистонда эмас, шу билан бирга, Бухоро, Хивада ҳам миллий тараққийпарварлар ҳаракати қатнашчилари ва тарафдорлари сони кўпайиб боргандилиги ва улар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланганлигини киритиш керак. Бунинг натижасида ҳаракат катта уюшқоқлик касб этди, бу эса янги миллий ватанпарварлик газеталари — «Самарқанд» (1913 йил), «Садойи Туркистон» (1914), «Садойи Фарғона» (1914) ва «Ойна» журналини (1913 йил) чиқариш ишида ҳаракат фаоллари куч-ғайратини бирлаштириш имконини берди. Бу ишга М. Беҳбудий, М. Абдурашидхонов, О. Маҳмудов, А. Авлоний, Усмонхўжа ва бошқа кўлгина таниқли ҳалқ арбоблари ҳам моддий, ҳам сиёсий ҳисса кўшдилар. Биринчи жаҳон уруши йилларида мустамлакачи маъмурлар томонидан маҳаллий аҳолига нисбатан вақти-вақти билан турли фуқаролик чеклашлари жорий этилишига қарамай, улар янги усул мактаблари ташкил этиш, оғзаки ва ёзма равищда озодлик ғояларини тарғиб этиш, маҳаллий миллатлар аҳолисининг фуқаролик ва сиёсий онгини ўйғотишни давом эттирдилар.

Үлкада миллий тараққийпарварлар ҳаракатининг ривожланиши шу қадар жадал бордики, чоризмнинг қулаш пайтига келиб бу ҳаракат замирида «Тараққийпарвар» (1913—1914 йилларда У. Асадуллахўжаев томонидан ташкил этилди), «Исломия клуби» (Самарқандда), «Мирвож ул-ислом» (Қўқонда), «Озод ҳалқ» (Андижонда), «Равнақ ул-ислом» (Каттакўрғонда), «Муаййин ат-толибин» (Хўжандда) каби сиёсий ташкилотлар пайдо бўлди¹.

¹ А г з а м х о д ж а с в С. Туркистон Мухторияти: боръба за свободу и независимость (1917—1918 гг.) — Автореф. дисс... докт. ист. наук. Ташкент, 1996 г. С. 29.

Бу вактга келиб (1917 йил февраль) янги газеталар — М. Беҳбудий муҳарриргидаги «Самарқанд», М. Абдурашидхонов муҳарриргидаги «Кенгаш», А. Авлоний муҳарриргидаги «Хуршид» ва «Турон», шунингдек, бизнинг назаримизда, жадидларнинг асосий минбари бўлиб қолган «Улуг Туркистон» газетасининг пайдо бўлиши мазкур ҳаракатнинг маърифий ҳаракатдан ошкора сиёсий ҳаракатга айланганлигининг муҳим далили эди.

1917 йилдаги Октябрь тўнтариши мустабид тузум томонидан халқнинг маданий-маънавий меросга бўлган ҳукуқини топташ сиёсатини давом этиришнинг янги босқичи сифатида майдонга чиқди. Шу йил ноябрь ойида миллий демократлар томонидан Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Мувакқат ҳукумат ҳайъатига съезд 8 кишини сайдади: Муҳаммаджон Танишбоев — бош вазир ва ички ишлар вазири, Ислом Шоаҳмединов — бош вазир ўринбосари, Мустафо Чўқаев — ташқи ишлар вазири; Убайдулла Ҳўжаев — ҳарбий вазир. Қолган тўртта жой оврўпали халқдан сайланган вакилларнинг эгаллаши учун қолдирилди.

Мувакқат ҳукумат аъзолари 1 декабрь куни халққа маҳсус мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатнома Туркистон Мухториятининг ўлкада яшаб турган барча миллатларнинг фаровонлиги, маданий тараққиёти ва яқин ҳамдустлигини таъминлаш йўлида демократик эркинликларга ҳамда байнамилаллик принципларига содиқлигини маълум қилди. Мухторият эълон қилинишини Туркистон халқлари кўпдан бери орзу қилинган ўз миллий давлатига эта бўлиш деб билдилар. Бироқ совет ҳокимияти мухториятни ҳарбий йўл билан туташдан олдин фақат маҳаллий ва европалик аҳоли давлат қатламларининг мол-мулкини эмас, шу билан бирга, маҳаллий аҳоли орасидаги камбағал қатламларнинг ихтиёрида бўлган оз миқдордаги мол-мулкини ҳам мусодара қилиш чора-тадбирларини амалга ошира бошлади. Бу иш мустамлакачи маъмурлар томонидан қўлланган сиёsatдан ҳам шафқатсиз ва кенгроқ тусда эди. «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декретни бажариш баҳонасида 1918 йилнинг февралидаёқ, яъни Туркистон Республикасининг сиёсий тизими расмий равишда ташкил этилмасдан олдин асосан европалик миллатлар вакилларидан иборат ва улар бошчилик қилган советлар ҳамда большевиклар ташкилотлари вақф ерларини мусодара

қилиш бўйича мустамлака даврида бошланган ишни охирга етказдилар. Бу билан, аввало, мадрасаларни ва анъанавий мактабларни оғир аҳволга солиб қўйдилар, уларнинг кўпчилиги бу вақтга келиб замонавийлашган бўлиб, алоҳида диний аҳамиятга эга эмас эди. Маймурлар мутлақо асоссиз мезонларга амал қилган ҳолда ҳамма жойларда янги усул мактабларини ҳам зўрлик билан таъқидашга киришилар. Ҳолбуки, 20-йиллар охирларигача маҳаллий аҳолининг мавжуд ҳалқ таълими тизимини совет ўкув юртлари билан алмаштириш учун янги ҳокимиятнинг ҳаттоқи маблағи ҳам, ўкув-услубий имкониятлари ҳам, ўқитувчи кадрлари ҳам мавжуд эмас эди. Албатта, Туркистон республикасининг дастлабки хукуматлари таркибида ҳалқ таълими, кўпмиллатли маҳаллий аҳоли маданияти муаммоларининг ўзига хос томонларини яхши биладиган ва олий маълумотга эга бўлган ходимлар деярли йўқ эди. Шунга қарамай, большевик раҳбарият мадрасалар, янги усулдаги ва анъанавий мактаблар тугатилган тақдирда дарслар асосан рус тилида олиб бориладиган мактаблар ва гимназиялардан бўлак ўкув юртлари бўлмаган шароитда ўз болаларини она тилидаги мактабларда ўқитиш имкониятидан маҳрум бўлган аҳоли уларни аралаш типдаги ёки рус тилидаги мактабларга беришга мажбур бўлишларини тушунмаслиги мумкин эмас эди. Бироқ большевикча ёндашувлар янги арбобларнинг маълумот ва маданият даражасининг пастилигига боғлиқ бўлмай, улар давлатчилик-шовинистик нуқтаи назари асосида олдиндан белгилаб берилган эди. Бу нарсани улар ҳатто яширмас эдилар. Масалан, Советларнинг 1917 йил ноябрда бўлиб ўтган III Ўлка курутойи қабул қилган резолюциясида: «Ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлканинг юкори ҳокимият органлари га жалб қилиш мақбул иш ҳисобланмайди», деб очиқ-часига кўрсатиб ўтилган эди.

Табиийки, Туркистон Мухторияти куч билан тугатилгандан кейин советларга қарши қуролли кураш авж олиб кетди. Лекин, 1922 йилнинг охирида у ҳам Қизил армия ёрдамида ваҳшиёна бостирилди. Шундан кейин большевистик хукумат Туркистонда маданият соҳасида ҳам ғайримиллий сиёsat ўtkаза бошлади. Бу даврда сиёsatга зид бўлган рус тилидаги нашрлар ва миллий ватанпарварлик руҳидаги барча ўзбекча адабиётлар, мил-

¹ Наша газета. 13 декабря 1917 г.

лий сиёсий ташкилотлар, ижтимоий ҳаракатларнинг фаолияти зўрлик билан таъқиқланди. Масалан, 1917—1918 йилларда русча «Туркестанский вестник»¹, «Туркестанский курьер»², «Новый Туркестан»³ газеталари ёпиб қўйилди; ўзбек тилида чиқадиган «Хуррият»⁴, «Улуғ Туркистон» газеталари шўро нашрларига айлантирилди. 1918 йил апрелда «Улуғ Туркистон» газетаси «Иштирокион» деб янгидан номланиб, таниқли ватанпарвар олим ва журналист А. Авлоний унинг муҳаррири бўлишга атайлаб мажбур қилинди. Маъмурлар «Қўқон мухторияти» раҳбарларини қонундан ташқари деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармойишига асосланиб, маҳаллий аҳолининг ватанпарвар қисмига, биринчи навбатда, зиёлиларга нисбатан нафақат сиёсий, балки шовинистик қатагонларни авж олдирдилар⁵. Уша даврда ёқ маҳаллий миллатларнинг сиёсий ва фуқаровий жиҳатдан фаол вакилларини жисмонан маҳв этиш, сургун қилиш, қамоқца тиқиш, Ватандан чиқариб юбориш кенг кулоч ёзди. Туркистон ва РСФСРнинг большевистик раҳбарияти Туркистонда янги ҳокимиятни барпо этиш, Бухоро ва Хоразмда большевизмни тадбиқ қилиш билан бирга, эгоцентрик⁶, социалистик (синфий-партияви) маданият ва адабиётни яратиш вазифасини ҳам қўйганди.

Маъмурларнинг фикрича, кўнгилчаник қилиб ўтирилмаса, бу жараён бирмунча тез поёнига этиши мумкин эди. Шу билан бирга, миллий зиёлиларнинг тутган йўлига халақит бериш маҳаллий аҳолининг мўлжалла-наётган ер-сув ислоҳоти, «маданий инқилоб», саноатлаштириш, жамоалаштириш, ўлка иқтисодиётини марказ манфаатларига бўйсундиришга ташкилий равишда қаршилик кўрсатишни баргарраф этишга имкон бериши ҳисобга олинди. Шунингдек, бу вақтта келиб миллий тараққий парварликнинг кўпгина таниқли арбоблари ва, умуман, миллий зиёлиларнинг вакиллари советлар томонига ўтишга мажбур қилингандиги маълум. Тўғри, улардан кўплари, масалан, Фитрат, Ф. Хўжаев, М. Абдурашидхонов, А. Сулаймонов (Чўлпон), А. Қодирӣ (Жулқунбой), А. Авлоний ва бошқалар хорижга

¹ Наша газета. 13 декабря 1917 г.

² Наша газета. 20 декабря 1917 г.

³ Каранг: Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сб. док., Т. II. — Т. Фан, 1972. С. 224.

⁴ Голос Самарканда, 13 апреля 1918 г.

⁵ Шит народа. 22 марта 1918 г.

⁶ Эгоцентрик — ўтакеттан маниманлик, худбинлик, ўзини ҳаммадан устун қўйиш тамоҳили.

Кетиши имкониятига эга бўлганлари ҳолда, ўз Ватанла-рида қолишини ва ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлса-да, ўз халқининг миллий манфаатларига имкон қадар хизмат қилишни афзал кўрдилар. Масалан, 20 йиллар бошида, аниқроғи, 1921 йилда «Чигатой гурунги»нинг фаолияти манъ этилди. Бироқ ўзбек ёзуви алифбоси ҳақида гап кетганда, Фитрат ва А. Зоҳирий 1921 йилда тил ва орфография масалаларига багишланган ўлка қурултойида араб алифбосини сақлаб қолиш, лекин ислоҳ қилиш таафдорлари бўлдилар.Faqat Botu (Махмуд Ҳодиев) араб алифбосидан бутунлай воз кечиши ва ўзбек тилининг товуш хусусиятларига мослаштирилган лотин ёзувига ўтиш кераклигини ҳимоя қилди. Бироқ Фитрат раҳбарлигидаги «Тонг» журнали айнан ислоҳ қилинган, яъни анча ўзгартирилган араб алифбосида чиқа бошлаганини билган зиёлilarнинг кўпчилиги лотин алифбосини киритишга қарши бўлдилар¹. Мазкур журналда Фитрат, Олтой, Элбек ва бошқа мърифатпарварлар, шоирлар ўзларининг мақолалари билан чиқиб туришган эди².

Москвадаги сиёсий раҳбарият эса исломга қарши бир услуб сифатида ва Россия, Кавказорти, Туркистон ҳудудларида яшовчи мусулмон халқларни араб ёзувидаги бой маданий-маънавий меросидан ҳамда бутун мусулмон дунёсидан ажратиш мақсадида араб алифбосини кирилл ёки, ҳозирча иложи бўлмаса, лотин алифбоси билан алмаштиришга интилган. 1922 йилда Озарбайжонда шунга эришилгач, 1926 йилда Н. Тўракулов «Новый Восток» (Москва) журналининг 10—11-сонларида Ўрта Осиё, хусусан, Узбекистонда ҳам араб алифбоси ўрнига, ўзбек тилига мослаштирилган лотин алифбосига ўтиш таклифи билан чиқди. Ундан бироз илгари Е. Д. Поливанов ўз рисоласида араб алифбоси лотин ёзуви билан алмаштирилиши зарур, деган фикрни илгари сурган эди³. Бу ислоҳот якунига етмасдан туриб 1940 йилда халқларнинг хоҳиши билан ҳисоблашмай, СССР раҳбарияти лотин алифбосини кирилл алифбоси билан алмаштириш тўгрисида қарор қабул қилди. Шундай қилиб, 12—13 йил мобайнида бир қанча халқлар жуда қийин ахволга солиб қўйилди.

¹ «Аланга», 1928, № 1.

² З и ё С а и д. Ўзбек вакъти матбуоти тарихига онд материалилар. Тошкент—Самарқанд. 1927. 117—118-бетлар.

³ П о л и в а н о в Е. Д. Проекты латинизации турецких письменностей СССР. — Ташкент, 1926, С. 5—23.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан то 80-йилларнинг охирларигача халқнинг миллий маданияти, тили, тарихий, маданий ва маънавий қадриятларининг ўзига хослигини эъзозлаган миллий зиёлilarнинг илғор вакиллари большевик советлар ҳокимиятининг миллий манфаатлар учун зарарли бўлган хатти-ҳаракатларига фақат пинҳона қаршилик кўрсатиб келдилар. Ҳар қандай дараҷадаги ҳокимият ва бошқарув органлари Иттифоқ маркази томонидан юборилган «пролетардан кўтарилиган раҳбарлар» ихтиёрида бўлган шароитда улар шунга ҳам ҳамиша муваффақ бўлмаганлар. Масалан, кўпмиллатли аҳолининг умумий норозилигига қарамасдан, ТКПнинг I таъсис съездси (1918 йил июнь) томонидан гайриконуний равишда туркий тил билан бир қаторда «рус тилининг ҳам» давлат тили деб зълон қилиниши¹, 1918 йил сентябрда мажбурий меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши², Ўрта Осиёда «Бўлиб ол ва ҳукмронлик қил!» принципи асосида миллий-худудий чегараланишининг ўтказилиши, динга ва диндорларга қарши ўзбошимчалик билан гайриконуний кураш олиб борилиши, кулоқларни синф сифатида тугатиш, деҳқонларнинг иш ҳайвонлари ва меҳнат қуролларини умумийлаштириш асосида қишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш сиёсатининг амалга оширилиши каби буюк давлатчилик-шовинистик руҳдаги янгилик ва ўзгаришларга қарши айrim гурухларнинг танқидий чиқишлирини эътиборга олмаганда, бирон-бир оммавий-сиёсий қаршилик кўрсатишни ташкил этишга муваффақ бўлинмади.

Тўғри, миллий маданиятнинг айrim таникли арбоблари (М. Абдурашидхонов, Чўлпон, А. Қодирий, А. Авлоний ва бошқалар), шунингдек, баъзи бир раҳбар ходимлар (Р. Иноғомов, С. Қосимов, Ш. Бадриддинов, Р. Худойберганов) минтақада ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг ҳукмронлиги, маҳаллий халқлар ёзувини ислоҳ қилиш, пролетар маданиятининг маъмурӣ тарзда сингдирилиши, социалистик реализм методи ва ҳоказоларга қарши ошкора қарши чиқишига журъат қилдилар. Бироқ маъмурлар бунга жавобан «иноғомовчилик», «қосимовчилик», «бадриддиновчилик», «худойбергановчилик»³ каби советларга қарши, «мил-

¹ Қаранг: Коммунистическая партия Туркестана в резолюциях съездов и конференций. Ташкент, 1988. С. 11.

² Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 653-иш, 105-варак.

³ Қаранг: Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. Т., 1964, С. 210—211.

латчи» гурухлар ва оқимларни ўйлаб топдилар ҳамда уларни ғайриқонуний тарзда ўзбошимчалик билан қамоққа олишларига йўл кўйдилар. Чунончи, 1929 йилдаги ўз илмий маъruzасида А. Қодирий, М. Беҳбудий, А. Авлоний, М. Абдурашидхоновларнинг ижоди ва тутгани фуқаролик мавқеига юқори баҳо берганлиги учун шарқшунос олим Лазиз Азиззода, шунингдек, бошқа бир қатор миллий зиёлилар вакиллари билан шундай аҳвол содир бўлди: улар иш жойидан, тирикчилик ўтказадиган воситаларидан маҳрум этилди, сиёсий қатағонга дучор қилинди. Бундай қатағонлар 1937—1939 йилларда энг юқори чўққисига чиқди.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қатори, Ўзбекистондаги совет органлари ҳам маъмурий қатағон қилиш усусларини моддий хизмат, ижодий рағбатлантириш усуслари билан бирга кўшиб олиб бориб, миллий зиёлилар сафларини тарқоқ ҳолга келтирдилар ва ҳатто уларнинг бир қисмини бошқа қисмига қарама-қарши кўйдилар. Бу ўзбек адабий тили атрофида мунозараларда ҳам, бошқа масалаларда ҳам яққол на-моён бўлди. Далил сифатида Ўзбекистон ҳукуматининг куйидаги қарорларини кўрсатиш мумкин: «Муҳандистехник ва илмий ходимларнинг таъминоти тўғрисида» (1931 йил, 12 ноябрь)¹, «Юқори малакали рассомлар ва ёзувчиларнинг маиший шароитини яхшилаш ҳақида» (1932 йил 22 декабрь)², «Мутахассислар учун турар жойлар куриш тўғрисида» (1936 йил, 20 ноябрь)³, «Пушкиннинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан унинг асарлари таржимаси устида ишлаётган ёзувчиларга шароит яратиш тўғрисида» (1936 йил, 20 ноябрь)⁴ ва ҳоказолар.

Фақат урушдан кейинги йиллардагина Ўзбекистоннинг миллий маданият ва жамоат арбоблари орасида маҳаллий ҳалқлар, уларнинг тарихий ўтмиши ва келажаги олдида ўз бурчларини аниқ ҳис қилиш тамоили жонланди. Бунга, бир томондан, Иттифоқ олий ҳокимиият ва бошқарув органлари (вазирликлар идоралар)-нинг Ўзбекистон ҳукумати ва ҳалқига ҳар тарафлама тазийиқ ўтказа бошлиши, ижтимоий эҳтиёжларга бўлган давлат сарф-харажатларининг (аҳоли жон бошига ҳисоблагандан) изчиллик билан қисқартириб борилиши оқи-

¹ Ўзбекистон МДА, 837-фона, 9-рўйхат, 184-иш, 71—73-вараклар.

² Ўша жойда, 10-рўйхат, 42-иш, 151-варак.

³ Ўша жойда, 14-рўйхат, 608-иш, 132—133-вараклар.

⁴ Ўша жойда, 52-иш, 145—146-вараклар.

батида республикада ижтимоий аҳволнинг ёмонлашиши, илмий ходимлар (1/6 қисм), аспирантлар (1/3 қисмдан камроқ)¹ ва техника ихтисослиги бўйича олий ўкув юртлари талабаларининг умумий сонида туб миллатлар вакиллари салмоғининг номутаносиб равища озчиликни ташкил этиши сингари салбий, иккинчи томондан эса, миллый зиёлилар, хусусан, ўқитувчилар, шифокорлар, турли мутахассисликдаги олимлар сонининг маълум даражада кўпайганлиги (Улар орасида И. М. Мўминов, Я. Ф. Гуломов, Ҳ. Абдулаев, У. Орифов, Ҳ. З. Зарифов, Ҳ. Сулаймонов, Ҳ. Сулаймонова, С.А. Азимов, В. Й. Зоҳидов, И. О. Султонов ва бошқалар ўзларининг тутган юлмий ва фуқаролик йўллари билан ажралиб турад әдилар) каби ижобий омиллар сабаб бўлди. 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясини ташкил этиш гоясининг амалга оширилиши (бу foя 1932 йилда ёқ илгари суринган эди), ўзбек олимлари, ижодий ходимларининг республикага уруш даврида кўчиб келган академиклар Б. Д. Греков, В. В. Струве, мухбир аъзолар С. В. Вахрушин, А. Ю. Якубовский, А. А. Сателлен; Россия, Белоруссия ва Українанинг кўпгина ёзувчилари, шоирлари, кино усталари ва артистлари билан ҳамкорлик қилиши, бошланғич таълимдан етти йиллик таълимга, Тошкент, Самарқанд, Кўкон, Андижон, Фарғона, Наманган, Бухорода эса етти йиллик таълимдан ўрта таълимга ўтилиши шундай омиллар жумласига киради, (лекин бунда рус тилида ўқитадиган мактаблар анча устун мавқега эга бўлди).

Аммо урушдан кейинги дастлабки йилларда Иттифоқ раҳбарияти томонидан Ўрга Осиё республикалари, хусусан, минтақадаги энг катта республика бўлмиш Ўзбекистоннинг маҳаллий аҳолиси ижтимоий онги ва маънавий ҳаётини якка партиявилик ва руспарастлик руҳида мағкуралаштиришнинг кучайиши ҳаммадан аввал фан, маданият, ҳалқ таълими ва маънавиятни қатъий синфий (партиявиий) ва буюк давлатчилик йўсунинда ривожлантиришни назарда тутар эди. Шу билан бир қаторда, республика қишлоқ хўжалигида пахта якка-ҳокимлигини янада кўпроқ қарор топтириш мақсадида Ўз КП МҚ ва ҳукумати 1949 йил 25 июня «Кишлоқ хўжалик фанлари бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда,

¹ Қаранг: Валиев А. К. Октябрь, культура, интелигенция. Т., 1977, с. 128—129.

хусусан, куйидагилар кўрсатиб ўтилган эди: «Кишлоқ хўжалик фанлари, хусусан, пахтачилик бўйича юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш мақсадида... Москва ва Ленинград шаҳарларининг илмий-тадқиқот мусассасаларига фан номзодлари бўлган илмий ходимлар докторлик диссертацияларини туталлаш учун вақтинча хизмат сафарига юборилсан». Ўшанда фан номзодлари Полвон Азизов, Фулом Бобоҷонов, Акром Даҳабоев, Ачибой Алманиёзов, Юнус Қодиров, Мирқодир Каrimov, Замон Муродов, Ҳидоят Неъматов, Кашиф Мирпӯлатов, Олтой Салаҳутдинов, Сирож Сагабутдинов, Жўра Сайдовлар илмий сафарга жўнатилиди¹. 1949 йил июлда республика комсомоли МҚ ҳам ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дастлабки аспирантлар — Раҳима Аминова, Азиз Қаюмов, Динара Қориниёзова ва Матлуба Обидоваларни аспирантурага йўллади².

Уруш тутаганидан сўнг орадан кўп ўтмай Узбекистон бўйлаб яна бир ялли террор тўлқини бўлиб ўтди. Бу йиллардаги қатағонлар асосан ҳалқнинг маданий-маънавий меросга бўлган ҳуқуқини чеклашга қаратилганлигидан маданият ва илм-фан арбобларининг кўпчилиги ноҳақ айбландилар. Бу қатағонлар учун ВКП(б) МҚнинг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида» (1946), «Драма театрлари репертуари тўғрисида», «Катта ҳаёт» фильмни тўғрисида», «В. Мураделининг «Буюк дўстлик» операси ҳақида» (1948) каби қарорлари мағкуравий асос бўлиб хизмат қилди. Шу вақтдан бошлаб адабиёт ва санъат аҳлиниң ижоди узоқ йилларгача сусайиб қолди, жойларда ўзгача фикр қилишга имконият деярли йўқ қилинди. 1949 йилдаёқ тўқиб чиқарилган буржуа миллатчилиги ва ҳоказоларда айбланиб, ёзувчилардан Сайд Аҳмад, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло, Фулом Алимов (Шуҳрат), Мақсуд Шайхзода 25 йилга ҳукм қилинди. Улар 1954 йилдагина қамоқхонадан озод этилдилар. 50-йилларнинг бошларида ҳалқ эпослари ва мақомларини, республика олиму адабларининг Ватанимиз тарихий ўтмишига ижодий муносабатда бўлишларига доир фактларни мутлақо асоссиз равища қораловчи гайримиллий ва гайритарихий мақолалар чоп этилди. Айниқса, Ойбек, Ҳ. Зарифов, В. Зоҳидов, И. Султон, А. Каҳҳор, Ҳ. Сулаймонов, А. Бобоҳўжаев, Т. Тўла, С. Абдулла ва Миртемирларнинг тутган йўли ва асарлари таҳқирловчи танқидга дучор

¹ Узбекистон МДА, 837-фонд, 33-рўйхат, 5414-иш, 385-варақ.

² Уша жойда, 32-рўйхат, 6842-иш, 246-варақ.

қилинди; «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зуҳра» асарларининг театр постановкалари, шунингдек, «Тоҳир ва Зуҳра» бадиий фильмни таъқиқлаб кўйилди.

Буларнинг ҳаммаси тарих, фалсафа ва филология фанлари бўйича ўкув дастурларини буюк давлатчилик ва якка партиявийлик нуқтаи назаридан жиддий ра-вишда қайта кўриб чиқиши, газета-журнал мақолала-рининг марказга интилиш йўналишини кучайтириш билан бир қаторда, миллий зиёлилар муайян қисми-нинг миллий-ватанпарварлик кайфияти ва ижодий жўшқинлигини сезиларли равища заифлаштиришга олиб келди, маҳаллий аҳолининг миллий ўз-ўзини англаши жараёнини секинлаштириди. Айни жиҳатдан ижодий ўзгариш бўлган Хрушчёвнинг қисқа муддатли «илиқлик» даври мустабид тузум томонидан асоссиз равища қатагон қилингандарни оқлашдан нарига ўтмади. Ўша даврларда Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижти-моий соҳаси, ҳаётнинг бошқа жабҳалари бутунлай Мар-казнинг ихтиёрига ўтиб қолгани ҳамда республиканинг молиявий, ижтимоий жиҳатдан Иттифоқ органлари хо-шишига, сиёсатига қарамалиги янада кучайди.

Албатта, бундай шароитда маҳаллий халқларнинг маданий ва маънавий меросга бўлган ҳукуқи, улар-нинг миллий ва умуминсоний қадриятлардан мус-тақил фойдаланиш имкониятлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Айрим тарихий ҳодисалар ва шахсларни холисона ёритишга бўлган баъзи бир ури-нишлар кескин қораланди. Худди шундай воқеа, ма-салан, академик И. М. Мўминовнинг Амир Темурга бағишлиланган иши муносабати билан содир бўлди.

Шундай бўлса-да, тазиқ шунчалик кучли эдики, 60—70-йиллар ва 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврда Ўзбекистонда мустабид тузумга қарши ошкора кураш олиб бориш аломатлари кўзга ташланмади, ле-кин маҳсус хизматлар ва партия органлари маҳаллий аҳолининг тобора кўпроқ қисми орасида норозилик-нинг ортиб бориш ҳоллари кучайланлигини қайд қил-ланлар. Миллий зиёлиларнинг республикалар билан Иттифоқ маркази ўргасида, хусусан, иқтисодий ва иж-тимоий соҳаларда тенг ҳукуқли муносабатларга эри-шишга мойилларини ҳис қилган Иттифоқнинг юқори раҳбарияти, аввало, КПСС МҚ Сиёсий бюроси мар-каздан қочишга бўлган интилишларнинг ўсишини Ўзбе-кистон мисолида барҳам топтиришга қарор қилди. Шу сабабли 1985 йил апрелда Марказ партия-совет юқори

табақалари куч-ғайрати билан эълон қилинган қайта куриш Ўзбекистон учун маҳаллий аҳолига, биринчи навбатда, унинг ишлаб чиқариш-техника соҳасидаги ҳамда ҳокимият ва бошқарув органларида банд бўлган зиёлиларига нисбатан узоқ давом этган ва ошкора шо-винистик руҳдаги кампанияга, ҳукуқий ва сиёсий ўзбо-шимчаликка айланиб кетди. Атайлаб ўйлаб чиқарилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» ва ҳоказолар бўйича ом-мавий қамоққа олишлар, партия-совет ва ҳукуқни му-ҳофаза қилиш органларидағи раҳбарлик лавозимларига марказ вакилларидан иборат кўп сонли десантлар юбо-рилишидан ташқари, 1986 йил 18 декабрда Олмаотада содир бўлган фожеали воқеалардан тўғри хулосалар чи-қариб олмаган Иттифоқ маъмурлари 1989 йил 4–5 июняда Фарғонала, 1990 йил май ойида Қирғизистон-нинг Ўш шаҳрида миллатлараро низолар келтириб чи-қардилар. Бироқ Фарғона водийсидаги ўзбек аҳолиси-нинг тутган чинакам байналмилалчилик йўли ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари И. А. Каримов ва А. Ақаевларнинг биргалиқдаги баёнотлари туфайли Ўшдаги низога чек қўйилди ва вазият ўз изига тушди.

Ўзбек халқининг деярли 130 йил мобайнида оёқости қилиб келинган тарихий, маданий ва маънавий ме-росга бўлган табиий ҳукуқини қайта тиклаш нуқтаи назаридан 1990 йил 24 марта Ўзбекистон Президен-ти лавозимининг таъсис этилгани ва мазкур лавозимга И. А. Каримовнинг сайлангани миллий зиёлилар ва бутун ўзбек халқи учун катта аҳамиятта эга бўлди. Ай-нан И. А. Каримовнинг СССР халқ депутатлари съезд-лари ва Ново-Огарёводаги Иттифоқни янгилаш бўйи-ча музокараларда тутган миллий ватанпарварлик йўли, шунингдек, унинг республика халқлари манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёрлиги СССРни тарқатиб юбориш ҳақидаги Беловеж пушчесидан анча илгари, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши учун ҳал этувчи омиллар бўлиб хиз-мат қилди.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ўтган йиллар интеллектуал мулкка эгалик ҳукуки билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқ тарихий хотирасининг тикланиши давлатимиз, унинг кўпмиллатли аҳолиси-нинг нафақат маданий тараққиёти, шунинг баробарида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун ҳам катта аҳамиятта эга эканлигини намоён этди.

III бобга иловалар

1 - и л о в а

Хорижий мамлакатларда сақланып калған
темуршілар даврига оңд экспонатлар рүйхаты

АҚШ, Нью-Йорк
«Метрополитен» музейі

Медальон, мұхр, пичоқ, қанжар, олтин ва кумушдан ясалған, қымматбақо тошлар билан безатилған қилич дастаси, бронзадан ишланған күзачалар.

Олтніндан ясалған узуклар.

Билак узуклар.

Улугбек Курагоний деб ёзилған, нефритдан ишланған күзалар ва бошқа буюмлар.

Лавҳ.

Үймакор эшик.

Бостон музейі

Патнис, қадағлар, вазалар, күзалар, сиёхдонлар ва калит.

Буюк Британия (Англия)
Британия музейі

Инглиз қироли Генрих IV нине Амир Темурга ва Мироншохға юборған мактублари нұсхалари.

Улугбек ва Ҳусайн Бойқаро хұмронлігі (1497 й.) даврида металл ва нефритдан ишланған күза, қадақ, ваза ва бошқа буюмлар.

Кумуш қадаб ишланған бронза күза.

Қирол музейі, Эдинбург шаҳри

Сопол туфден, 1444 й.

Франция, Лувр

Амир Темурнинг Карл IV та йўллаган иккита мактуби.

Бронза шамдонлар. Уста — исфаҳонлик Иzzaиддин ибн Тожиддин (1397 й.).

Австрия

Амир Темурнинг Эрондаги Рум қызметчигида тошта ёзув ўйиб ишлаш ҳақидаги топшириги.

Италия, Рим
Милан санъат музейі

Сопол күзалар.

Португалия, Лиссабон
Лиссабон марказий музейі

Нефритдан ишланған нақшлы күзалар. Улугбек Курагоний деган ёзувлари бор.

**Эрон, Техрон
Техрон музейи**

Олтин сопли қылич, қалқон.
Қадағлар, қимматбақо күзалар ва ҳ.к. Ҳусайн Бойқаро хукм-
ронлик қылган давр ёдгорликлари.

**Туркия, Истанбул
Ислом нафис санъат музейи**

Олтин қадаб ишланган чарм мұковали құләсма. 1483 й.
Ҳусайн Бойқаро буюртмаси бүйича.

**Хиндиистон, Дехла
Амир Темур шахматлари.**

**Россия, Санкт-Петербург
Даалат Эрмитажи**

Темурнинг ўели Мироншохнинг номи ёзилган узук. СА-8481.
Шоҳрухнинг хотини, Улугбекнинг онаси Гавҳаршодбегим-
нинг мұхри. СА-13650.

Асад ибн Мұхаммаднинг номи ва шеърлари ёзилган мұхр.
Агат. УР-896.

Шеърлар битилған мұхр. XV аср. Нефрит. УР-884.

Мұхаммад ибн Муса ҳожи номи битилған мұхр. XV аср. Неф-
рит. УР-882.

Ахмад Али ибн Алишоқ номи битилған мұхр. XV аср. Нефрит.
УР-885.

Фуладбек ибн Рустам номи битилған мұхр. XV аср. Нефрит.
УР-992.

Мұхаммад Шамсiddин номи битилған мұхр. XV аср. Нефрит,
зардал. УР-888.

Сайд номи ва шеърлар битилған мұхр. XV аср. Сердолик. ИР-
1874.

Махмуд ибн Матьсуд номи ва шеърлар битилған мұхр. XV
аср — XVI аср бошлари. Сердолик. ИР-1873.

Араб ёзуви мұхр. XVI аср. Халисдон. СА-3463.

Имом Али номи улугланған арабча шеърли мұхр. XVI аср.
Сердолик. ИР-1879, СА-13655.

Амир Темур унвони бор ва арабча яхшилик тиловчи ёзуви
шамчироқ. 1397 й. Бронза. СА-9987.

Медальон ва арабча ёзуви лаган. XIV аср охири. Бронза
(Жез). ИР-1557.

Унвон. Шеърлар, арабча ёзув битилған лаган. XIV аср
охири — XV аср бошлари. Бронза. ИР-1540.

Ёзув битилған қозон. XIV аср охири — XV аср бошлари. Мис.
УС-1019.

Хофиз шеърлари битилған қадақ. 1908—1909 й. Мис. УС-420.
Форсий шеърлар битилған патнис. XV аср ўрталари. Мис. СА-
14925.

Форсий ва араб шеърлари ёзилған сув қуйиладиган идиш.
XV асрнинг II ярми. Мис. УС-436.

Жомий шеърлари ўйиб ёзилған тувакча. XV аср. Унвон ва
арабча ёзуви күзача. XV аср. Бронза. Мис. СА-12762. УС-866.

Шеърлар ўйиб ёзилган кўзача. XV аср. Олтин ва кумуш қадалган бронза. УС-975.

Арабча ёзувили сопли кўза. XIV—XV аср. Кумуш.

Арабча ёзувили катта шиша. XIV—XV аср. Кумуш, зарҳал. СК-586.

Шеърий ёзувили қинли ханжар. Қадимий асл пўлат, олтин, тош қадалган. XV аср. 3388.

Кимхоб бўлаги. XV аср. УТ-1175.

Арабча ёзувили лаган. XIV аср. УСР-1017.

Арабча ёзувили сопли декча. XIV аср. Мис. УС-22, УС-9.

Арабча ва форсча ёзувили патнис. XIV аср. УС-696.

Икки куш тасвирланган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-732.

Анор тасвири туширилган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-750.

Гуллар тасвири туширилган лаганча. XV аср. Сопол. УГ-741.

Гулдор коса. XV аср. Сопол. УГ-319.

Гулдор лаганча. XV аср. Сопол. УГ-220.

Чинни лаганча. XV аср. 2 та.

Этнография институти

Сопол кўза. Хоразм — Ўйтарак, XIV аср. № 59. Имл. 52/133.

Сопол коса. Хоразм — Ёрбекир қалья. XIV аср. № 58 Яр.б./512.

Зирак, бронза, дур. Хоразм — Кумқалья. XIV—XV аср. № 68 КМ-к2/1.

Иккита зирак, олтин, дур. Хоразм — Шеҳрлик. XIV—XV аср. № 65 ЛБт. 933/1,2.

Озарбойжон

Мустафоевномидаги санъат музейи

Феникс (қақнус) тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 1958.

Гул тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 692.

Иккита куш тасвирланган сопол лаганча. XV аср. № 835.

Грузия

Санъат музейи

Арабча ёзувили патнис. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1—48.

Арабча унвонли шамдон таглиги. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1—42.

Арабча ёзувили лаган. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. № 49.

Форсча шеърлар ўйиб ёзилган қадаҳ. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1—106.

Арабча ёзувили патнис. XIV аср. Бронза, кумуш қадалган. 1—47.

Арабча ёзувили кўза. XIV—XV аср. Бронза, кумуш қадалган. № 137 (эски фонд).

Ўзбекистон худудидан топилган ва Россия ҳамда бошқа МДХ мамлакатлари муассасаларнда сакланыётгам археологик топилмалар рўйхати*

№/ №	Номлари	Топилган жойин ва милли	Мик- дори	Топилма муаллифи	Топилма сакланыётгани жой	Топилмалар ҳақиқиятни адабийтар
1.	Амир Гемур даври бронза шарлари	Самарқанд		Юсупов Тошибирган	Давлат Эрмитажи (ДЭ)	С. П. Толстов. По древним дельтам Окса и Яксарта
2.	Тупроқ қалъа материаллари			Хоразм экспедицияси	ДЭ	

* Тупли ийнларда илмий экспедициялар ва айрим шахслар томонидан Ўзбекистондан олиб кетилган ҳамда республикамиз халисларининг маданий-тарихий мероси бўлган кимматбахо буюмлар ва топилмаларнинг улубу рўйхати. Ўзбекистон Республикаси Археология институтин тупли ийнларни томонидан асосан илмий маколалар ва архив материаллари бўйича тузиб чиқилиши. Бу топилмаларнинг кўплари хусусий шахсадан сотиб олинган, улардан айримлари инчо кўрининган.

Афуски, ташниб кетилган ҳамда Россия ва бошқа МДХ давлатларининг кенг тармоқ ёкган маърифий муассасаларида сакланыётгани барча нарса буюмларнинг тўлиқ чиқишнинг имкони РУХ. Бунинг учун топилмаларнинг тўлиқ каталоглари билан жойларнинг ўзига маҳдудий ходимлар ёрдамида танишиб чиқиш учун ани шу муассасаларга мутахассисларни хизмат сафарларига юбориш зерур. Бу вариант, бизнинг назаримизда, анча маҳсадга мувофиқидир. Каталогда асосан археология топилмалар баён этилиган.

Кўнида тарихий болликлар сакланыётгани ёки сакланышин мумкин бўлган муассасаларнинг рўйхати, шунингдек эммий ашабнейлар бўйича қабул қилинган кискартмалар рўйхати ишова қилинган:

3.	Веселовский коллекция си. Керамика	Тошкент вилояти, Фаргона, Самарқанд, 1874.	Н. И. Веселовский	Император Архив комиссияси фонди
4.	Шоҳруҳида А. Навоий асарларига ишланган миниатюра	1	С. Пбдаги Салтиков-Шчедрин номиди кутубхона	
	Нумизматика (калими чакка-тангалар)			
1.	I—XIX асрларга оид олтин, кумуш ва мис тангалар.	Ўрта Осиё, асосан Узбекистон худуди, XIX аср 2-ярми	Акрам Асқаров (харид қиливчи)	Давлат Эрмитажи, С. Пб.
2.	V—милодий XIX асрларга оид олтин, кумуш ва мис тангалар.	Бухоро, Кармана, Каттакурғон, Самарқанд, Тошкент, Наманган, Ахсикент, 1880 й.	Н. И. Веселовский	—»—
				Б. В. Лунин Средняя Азия в научном наследии отече- ственного восто- коведения. Ташкент. 1979. с. 172—174.

3.	V—XIX асрларга оид кумуш ва мис тангалар	Пойкент шаҳарчаси, 1935—1940 йй.	200 дан ортиқ	А. Ю. Якубовский ва унинг ходимлари	—»—
4.	Мил. ав. II аср—мил. XIX асрга оид кумуш ва мис тангалар	Пойкент, Варахша, Кум-Собган, 1987—1990 йй.	500 дан ортиқ	Г. В. Шишкан ва унинг экспедиция ходимлари	Шарқ халқлари санъати давлат музеини, Москва ш.
Сурхондарё					
1.	Илиш сиртидаги ётиштирма Герактнинг боши	Зартепа	1	Б. А. Завзялов	ЛЮИА КИДУ, 1993. С. 196.
2.	Бодисатва ҳайкалчаси	Зартепа	1	—»—	—»— С. 197.
3.	Аёл ҳайкалчаси (донатриса)	—»—	1	—»—	—»— С. 190.
4.	Ҳайкалча бўлғи	—»—	1	—»—	—»— С. 202.
5.	Кўза	—»—	1	—»—	—»— С. 394.
6.	Илиш дастаси	—»—	1	—»—	—»— С. 377.
7.	Ритон	—»—	1	—»—	—»— С. 378.

8.	Илиш сиртидаги ёпиштирма	→→	1	→→	→→	→→ C. 380.
9.	Кенг бўйинли идиш. Ёзувли парча	→→	1	→→	→→	→→ C. 381.
10.	Хайкалчалар тайёрлаш учун матрица	→→→	1	→→	→→	C. 382.
11.	Матрициали нусха	→→→	1	→→	→→	C. 383.
12.	Саднали плакетка	→→→	1	→→→	→→	C. 385.
13.	Медальон. Еронза	→→→	1	→→→	→→	C. 386.
14.	Шипилька, суюк, ўйма нақш	→→→	5	→→	→→	C. 387→391.
15.	Хайкал. Будданинг боши	→→	1	→→	→→	C. 392.
16.	Ганч. Ўйма нақш. Панно	Термиз бекети	1		ГМИНВ	C. 545.
17.	Графитги расмлар	Коратепа	1	Б. Я. Ставиский экспедицияси	→→	
18.	Ёзувли сопол парчалар а) күшон ёзувила б) брахма ва күшон ёзувила в) номалъум ёзувда	→→	1	→→	→→	

19.	Бактрия граffiti ёзувлари	Коратепа	—		C. 11.
20.	—»—	—»—	—»—	—»—	C-8
21.	—»—	—»—	—»—	—»—	C-7
22.	—»—	—»—	—»—	—»—	C-7
23.	—»—	—»—	—»—	—»—	C-5, 6—9
24.	—»—	—»—	—»—	—»—	C-4
25.	Терракоталар	—»—	6	—»—	—»—
26.	Тошдан ясалган барель- ефлар бўлаклари	—»—	16	—»—	—»—
27.	Тошдан ясалган аёл ҳайкагчалари бўлаклари	—»—	4	—»—	—»—
28.	Йулбарслар тасвирланган бўлаклар	—»—	2	—»—	—»—
29.	Хартум тасвирланган бўлаклар рельефининг бурчак кусми	—»—	3	—»—	—»—

30.	Одам қиёфаси тасвирланган арка қисми	1	—»—	—»—
31.	Одам қиёфаси тасвирланган арка қисми	1	—»—	—»—
32.	Декоратив тош пилиястра (устун) ва база қисми	1	—»—	—»—
33.	Декоратив пилиястра (устун) қоши	1	—»—	—»—
34.	Будданинг боши. Накш детали	1	—»—	—»—
35.	Донатр-чолнинг боши. Накш детали	1	—»—	—»—
36.	Мергелист. Оҳакдан ишланган буом*	1	—»—	—»—
37.	Зебу-хўкиз бошлари тасвирланган тош бўлаклари	3	—»—	—»—
38.	Зебу-хўкиз бошлари тасвирланган тош бўлаклари	6	—»—	—»—

39.	Одам бошлари тасвири-ланган тош бўлаклари	→ →	6	→ →	→ →
40.	Капител (устун қоши) кисми	→ →	1	→ →	→ →
41.	Тошдан ясалган барг шаклари бўлаклари	→ →	9	→ →	→ →
42.	Ганч нақшлари бўлаклари	→ →	4	→ →	→ →
43.	Тошдан ясалган ховонча макетлари бўлаклари	→ →	7	→ →	→ →
44.	Нилуфар гули тасвириланган копқон бўлаклари	→ →	3	→ →	→ →
45.	Ҳайвон шакллари бўлаклари идиш бўлаклари	→ →	2	→ →	→ →
46.	Сопол буомлар: бош шаклди ишиш, хўкиз ва маймун шакллари бор.	→ →	1	→ →	→ →
47.	Свастикали, нилуфар гули, ёзуви сопол парчалари.	→ →	11	Б. Я. Ставицкий экспедицияси	ГМИНВ

48.	Тохаристоннин хионит ва эфталит танталари	—»—	5	—»—	—»—
49.	Брахма ёзувли сопол идиш	—»—	1	—»—	—»—
50.	Бактрия ёзуви	—»—	1	—»—	—»—
51.	Графитли ёзув	—»—	3	—»—	—»—
52.	Сопол идишлар	—»—	7	—»—	—»—
53.	Хат ёзувли идиш бўлаклари	Kоратепа	29	—»—	—»—
54.	Мис танталар	—»—	5	—»—	—»—
55.	Иккى дастали кўза	—»—	1	—»—	—»—
56.	Бир дастали тор бўйинли кўза	—»—	1	—»—	—»—
57.	Сопол идиш	—»—	2	—»—	—»—
58.	Барельеф (лойли ганч)	—»—	1	—»—	—»—
59.	Будда персонажи хайкални бошининг бўлаклари	—»—	2	—»—	—»—
60.	Деват хайкални бошининг бўлаги	—»—	1	—»—	—»—

61.	Хайкалча. Утирган Будда киёфаси	—»...	1	—»—	—»—
62.	Реликварий. Төш	—»—	1	—»—	—»—
63.	Девор рангасвири бүлгиги. Будда ва рохидлар.	—»—	1	—»—	—»—
64.	Девор рангасвири бүлгиги. Утирган Будда киёфаси	—»—	1	—»—	—»—
	Төш асрни				
1.	Неандартал бола кўл- оёклари ва бош сунги	Тешиктош, Сур- хондарё, 1938 й.	Окладников	Антрополо- гия институ- ти, Москва	Тешик-Таш. МГУ, 1949.
2.	Төш куродлар			МДУ коши- даги антропо- логия музейи С-Пб. Эт- нография музейи.	—»—
3.	Селунтур горидан топилган одам (архантроп)нинг сукъ қолдиқлари	1984—1988 ий. Селунтур гори, Фаргона вилояти	10 та тиши, 2 та бош ча- ноғи	Ў. Исломов	Антрополо- гия инс- титути, Москва

Хоразм ва Қоракалпогистон					
1. Эрамизнинг I–III асрлари иддаги деворга ишланган рангтасвири	Тупрок қалъа	8	Е. Е. Нерзик, Хоразм Экспедицияси	ВНИИР, Москва ш.	Ю. А. Рапопорт, Е. Е. Нерзик, Тотроккала. М., 1984.
2. Ҳайкаллар. Эрамизнинг II–IV асрлари.	—»—	5	—»—	СССР ФА Этнография институти	Культура и ис- кусство древнего Узбекистана
3. Барельеф куйиш учун қолип	—»—	2	—»—	—»—	—»—
4. Мъморчилик безати деталини куйиш учун қолип	—»—	1	—»—	—»—	—»—
5. Эрамизнинг I–II асрларидаги сават типидағы осталон	Жонбошқалъа 1963–1964 йй.	1	—»—	ГМИИВ Москва ш.	—»—
6. Эрамизнинг I–II асрларига оңд үтирган аёл шакандагы осталон	—»—	1	—»—	—»—	Ю. А. Рапопорт, Из истории религии Древнего Хорезма

7.	Сопол никоб. Эрамиздан оидинги IV—III асрларга оид останон	Кўйкирилган калъя, 1953 й.	1	Хоразм экспедицияси	→→	→→
8.	Ўтирган эркак шашлидаги дафн этиш идиши	—»—	1	—»—	—»—	—»—
9.	Кизил бош	Гупрок калъя	1	Е. Е. Нерзик	→→	→→
10.	Хоразмлик ёйандоз	Кўйкирилган камба	1	С. П. Толстов	→→	→→
11.	Останон хайкалчаси	—»—	1	Е. Е. Нерзик	→→	—»—
12.	Сопол сувдон сиртидаги ёзув парчалари	—»—	1	С. П. Толстов	→→	—»—
13.	Хоразмшохлар танглари	Каваткала, 1956 й.	3	Н.И. Вактурсказ, О.А. Вишневская	Давлат тарих музей жамоаси	Материалы Хоразмск. экспед. М., 1959.
14.	VIII—IX асрлар ёзуви бор 12 та кумуш қадах	Бургуткала, Тўққалла	12	С. П. Толстов	Давлат Эрмитажи	В. П. Даркевич. Художественный музей Востока. М., 1976.
15.	Хайкал. Лой, агебастр. Накш.	Гавркала, 1951—1952 йй.	1	С. П. Толстов, Хоразм экспедицияси	ГМИИВ, Москва Ш.	—»—

16.	Терракотадан ишланган кампир боши	Кўйқирилган қалъа	1	С. П. Толстов, Хоразм экспедицияси	ГМИНВ Москва ш.	—»—
17.	Эрамиздан ав. IV—III асрларга оид ҳайкалч	—»—	1	—»—	—»—	—»—
18.	Ҳайкачалар	—»—	5	—»—	—»—	—»—
19.	Эрамиздан ав. I аср – эрамизнинг I асрига оид дөвр рангтасвири	—»—	1	—»—	—»—	—»—
20.	IV—III асрларга оид кўмиш маскаси	—»—	1	—»—	Этнография институти	Ю. А. Рапопорт. Из истории религии Древнего Хорезма. М., 1971.
21.	Эрамиздан ав. IV—III асрларига оид кўмиш маскаси	Канғир қалъа, 1952	1	Е. Е. Нерзик	—»—	—»—
22.	Эрамизнинг I асридаги ҳайкал шахлишаги лойдан ишланган суккагич	Айритом, 1932	1	М. Е. Массон	Давлат Эрмитажи	Б. Я. Ставский. Двалшат пять веков Среднеази- атской культуры. Л., 1963.
23.	III—IV асрлардаги аёл қиёфаси	Тупрок қалъа	1	—»—	—»—	—»—
24.	Ўспириннинг боши	—»—	1	—»—	—»—	—»—

Бужоро					
	VII—VIII асрлардаги девор рангасынан парчаси	Варахша	В. А. Шишкан	—»—	Эрмитаж Шарқ бүлими асарлари, IV т, В. А. Шишкан мақоласи.
2.	Ганчдан ишланган девор безаги парчаси, VII—VIII асрлар	—»—	—»—	—»—	—»—
3.	Араб ёзуви хум парчаси, VII аср	Пойкент, 1984.	Г. А. Семенов	—»—	ЎзР ФА АИ ар- хиви хисоботлари
4.	Ганчдан ишланган девор безаги бўлати. VII—VIII асрлар	Варахша	Г. В. Шишкина	ГМИНВ	Культура и искусство древ. Узбекистана. Каралор, т. 2, № 460, 461.
5.	Ганчдан ишланган девор безаги бўлаклари. IX—X асрлар.	Тали Пула	—»—	—»—	ЎзР ФА АИ ар- хиви хисоботлари
6.	Жездан ишланган бўлакузлар	Пойкент	2	А. И. Наймарк,	—»—

7.	Солол буомларга нақш ишилаш учун сопол штамплар. IX—X асрлар	Пойкент	2	А. И. Наймарк	ГМИНВ	Культура и искусство древ. Узбекистана. Каралог, т. 2. № 697, 698.
8.	Мусулмонлардан ошинги даврда Farbий Сүғизан топилган нумизматик топилмалар коллекцияси	Бухоро вожаси, Варахша, Пой- қент, Кум Собған ва бошк. 1982—1990		A. И. Наймарк, Г. В. Шишкова	—»—	Каралог, т. 1, № 233, 241.
	Фарғона				Давлат эрмитажи	
1.	Темир пичоқлар	Чунгепа 1966—1967	3			Арх. об. ГЭ. Вып. 28. Л., 1987.
2.	Камон ўқининг темир училини	—»—	2		—»—	—»—
3.	Алебастрии доира	—»—	1		—»—	—»—
4.	Бронза илмок	—»—	1		—»—	—»—
5.	Бронза танга		1		—»—	—»—
6.	Камон ўқининг учлиги	Миски кўрғон 1962—1967	1		—»—	Арх. об. ГЭ. Вып. 27. Л., 1987.
7.	Темир пичоқ	—»—	1		—»—	—»—

8.	Камон ўқининг темир учлиги	Поселение Sa. 1962—1967	3	—»— —»—	—»— —»—
9.	Безаклар	Хантиз кабри 1977—1978	1	—»—	CA, 1990, № 1
10.	Курол анжомлари	—»—		—»—	
11.	Газлама парчаси	—»—		—»—	
12.	Кўзлу	—»—	1	—»—	
13.	У-шу тангалари	—»—		—»—	
14.	Камон ўқининг учлиги	Наманган вилояти 1967.		—»—	The culture of ancient Fergana VI century B.C. VI century A.D. 1986.
15.	Гластинка зирхи	—»—		—»—	—»—
16.	Камон ўқининг учлиги	Виловур, Андикон вилояти, 1972, 1973, 1976, 1977.		—»—	КСИА, вып. 184, М., 1985.
17.	Гулдор коса	Эйлатан, 1921, 1926.	И. А. Айбосев	Давлат Эрмитажи	—» С. 186.

18.	Бронза буомлар	Далварзин тела Анджион вилояти	Ю. А. Заднеп- ровский	ИИМК РАН С-Пб.	Ю. А. Заднеп- ровский. Древне- земледельческая культура Ферга- ны. М. -Л., 1962.
19.	Ахсикентдаги бронза буомлар хазинаси	Аҳси, Наманган вилояти Тўракўғон тумани	С. Смирнов	Давлат Эрмитажи	КСИД, вып. 122, с. 101.
20.	Бронза буомлари	Фарғона вилояти	Б. А. Латинин Н. Г. Горбунова	—»—	Ю. А. Заднеп- ровский. Древне- земледельческая культура Ферга- ны. МИА,
21.	Сигир тасвири тўғончиқ	Хон хазинаси	1	Ю. А. Заднеп- ровский	—»—
22.	Кумути тўғончиқлар				118. М. -Л., 1962.
23.	Тўғончиқлар (бронза)		1	—»—	—»—
	Ахсикентдини бронза буомлари (А. И. Смирнов коллекциялари)		1	—»—	—»—
1.	Бронза кўза	Эски Аҳси (Ахси- кент) XI—XII асрлар		ГМИИВ, Иив. № 52— 71/III	

2.	Бронза кўзა	—»—		№ 5269/III
3.	Кўзанинг бронза дастаси	—»—		№ 5280 /III
4.	Шамчироқнинг бронза таглиги	—»—		№ 5279/III
5.	Бронза ликобча	—»—		№ 5284/III
6.	Бронза ликобча	—»—		№ 5283/III
7.	Бронза ликобча	—»—		№ 5282/III
8.	Бронза ликобча	—»—		№ 5285/III
Самарканд				
1.	V—VI асрларга оид танга	Куллортепа 1957	Б. Я. Ставиский	ДЭ. СА б/н О. И. Смирнова. Сводный каталог согдийских монет. М., 1981.
2.	Илк ўрга аср тангаси	Афросиёб	А. И. Терекож- кин	ДЭ Нумизма- тика бўлими —»—
3.	Иккى тилда зарб этилган тангалар	—»—	1 —»—	ДЭ НБ 583/ 1596 —»—

4.	Вузург тангаси	Куллортепа, 1957	1	Б. Я. Ставиский	ДЭ СА б/н	—»—
5.	Вархуман танталари	Кофирир калья, 1939	1	Г. В. Григорьев	ДЭ СА 7560	—»—
6.	Мастон тангаси	Афросиёб, 1949	1	А. И. Теренож- кин	ДЭ НБ 583/ 1596	—»—
7.	Танталар	Афросиёб, 1947	1	—»—	ДЭ НБ КП 583/1596	—»—
8.	Тукаспадаҳа тантаси	Афросиёб	—»—	—»—	581 595	—»—
9.	Тукаспадаҳа тантаси	—»—	—»—	—»—	583/1596	—»—
10.	Танга	Афросиёб, 1947	1	—»—	ДЭ НБ КП 583/1596	—»—
11.	Турек танталари	—	1	—	583/1595	—»—
12.	Тургар тангаси	Куллортепа	1	Б. Я. Ставиский	ДЭ СА б/н	—»—
13.	Тургар тангаси II тип	—»—	1	—»—	—»—	—»—
14.	Номалтум ихшид тантаси	Кофирир калья, 1939	1	Г. В. Григорьев	—»— 7559	—»—
15.	Танга	Кофирир калья, 1938	1	—»—	—»—	—»—

16.	Танга	Пойкент, 1940	1	А.Ю.Якубовский	11857	—»—
17.	Танга	—»—	1	—»—	11336	—»—
18.	Танга	—»—	1	—»—	ДЭ СА	—»—
19.	Сүфд-хитой танталари	Варахша	1	—»—	ДЭ НБ 34831	—»—
20.	Кушон тангаси		1	Е. В. Зеймаль	ДЭА, т. IX. Л., 1972	Кушанские монеты собрания ГЭ
21.	Танга		1	—»—	—»—	Начальный этап денежного обращения Трансоксиан. культуры Востока. Л., 1978 СГЭ, вып. XXXVII. л. 1973, с. 68—73.
22.	Танга		1			Древнесогдийские монеты с изобр. Геракла и Зевса.
23.	Кумуш танга	Дурмон (Р-5)	1	ГМИИВ Москва		

24.	Антиоха тангаси	Кулнофтган	1	→→→
25.	Антиоха драхмаси	—»—	1	→→→
26.	Геракл тангаси	—»—	1	→→→
27.	Гиркод тангаси	—»—	1	→→→
28.	Гиркоднинг мис тангаси	—»—	1	→→→
29.	Гиркоднинг мис тангаси	—»—	1	→→→
30.	Евтилем дафтарни намунаси бўйича зарб этилган сўфд тангаси, II аср	—»—	1	/
31.	Тиаре кумуш тангаси	—»—	1	→→→
32.	Кумуш танга	—»—	1	→→→
33.	Шиштирнинг мис тангаси	Дўрмонтепа	1	→→→
34.	Виртармукхнинг ўрок тангаси	—»—	1	→→→
35.	Тукаспадах мис тангаси	Мудла Эшқул	1	→→→

36.	Бухоро тангаси, VII аср	Варахша	1	—»—	
37.	Үзум боси, ганч билан ишланган девор безаги парчаси	—»—	Парча	—»—	
38.	Девор безаги. Ганч. 63х50 см.	Варахша VII—VIII асрлар	—»—	—»—	
39.	Копкокли осадон	Дўрмон, VII аср	—»—	—»—	
40.	Ўсимликлар фонида кетаёттан шерлар тасвирланинг пластина	—»—	—»—	—»—	
41.	Пластина. Парча. 85x36.		—»—	—»—	
42.	Пластина. Парча. 13,2x3,5—3,7. Араб ёзуви	—»—	—»—	—»—	
43.	Пластина. Канотли сфинкс ўсимлик орасидга тасвирланган нақш	Дўрмон, VII аср	Парча	—»—	
44.	Орқа томонида тик турган илоҳ тасвирланинг Гиркорд серияни тангалар. Эрамизнинг I—IV асрлари	—»—	—»—	—»—	ГМИИ Москва Ш.

45.	Хулагдорнинг боши. Кумуш.	—»—	—»—	—»—	ГМИИ 1319/319
46.	Тангалар	—»—	—»—	—»—	ГМИИ 1317/317
47.	Сўғ афсонаси тасвиirlанган танга. Кумуш.	—»—	—»—	—»—	ГМИИ 16312/3854
48.	Гир科尔 туркуми тангалари. Эрамизининг (I—IV асрлари	—»—	—»—	—»—	
49.	Хукмдорнинг боши				Зеймаль, 1978 ГМИИ 1322/322
50.	Танга. Кумуш	—»—	—»—	—»—	1321/321
51.	Пластина. Канотли сфинкс ўсимлик орасида тасвиirlанган нақш	—»—	—»—	—»—	
52.	Пластина. Ўсимлик— стилизация килинганд нилуфар	—»—	—»—	—»—	
53.	Пластина. Ўсимлик— стилизация килинганд нилуфар	—»—	—»—	—»—	

54.	Кўзгу. Кўйма бронза	Дўрмон қабристони	—»—	—»—
55.	Бош кийимдаги ёпиштирма безак	—»—	—»—	—»—
56.	Белбог тўплами. Кумуш. Боғланган, парчинланган.	—»—	7	—»—
57.	Тўкали қисқич	—»—	1	—»—
58.	Кўкрак нишони	—»—	1	—»—
59.	Портупея илгаги			
60.	Пластина. Осма қайиш			
61.	Тўкали осма қайиш пластинаси	Дўрмон қабристони		

62.	Сопол буюм учун штамп. Негатив штампдан олинган позитив нусха	Пойкент, IX–X асрлар	Е. В. Зеймаль. Начальный этап денежного обращения — Трансоксианы. — Сб. Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток. М., 1983, с. 61—80.
63.	Сопол буюм учун штамп	→—	Е. В. Зеймаль. Политическая история древней Трансоксианы по нумизмати- ческим данным. Культура Востока. Древность и раннее средневековье. Л., 1978.
64.	Хивадаги бесаклар хазинаси. 1873 й. олтин, кумуш	1873 йилги Хива юриши- дан кейин	ДЭ А. Ю. Якубовский. Пр. ОВ.

65.	Веселовский коллекцияси		Веселовский- нинг хусусий коллекцияси, 1885—1895 йи.	→— →—
66.	Мирзо Бухорий коллекцияси		Самарқандда 1888—1889 йилда собиб олинган.	→— →—
67.	В. В. Бартольдъ Афросиёбда ўтказган казилмаларидаи буюмлар	Самарқанд	В. В. Бартольд, 1904	→— →—
68.	Бухоро амирининг соягалари		Бухоро амири- нинг мулки. 1910—1911 йиллар	→— →—
69.	Штитлишниң собиқ музейидаги кошиллар, сопол идишлар, гыламлар, газлама ва бошқа буюмлар		Собиқ музейдан	→— →—
70.	Рус музейидаги кошиллар, сопол ва бошқа буюмлар		Рус музейи 1930 йилда тоширган	→— →—

71.	С. М. Дудин гыламлари коллекцияси		Дудин коллекцияси томонидан 1936 й. сотиб олинган	—»—	—»—
72.	Б. Н. Кастанский коллек- цияси (стелок ва б.)		1937 й. сотиб олинган	—»—	—»—
73.	Айритомдан топилган машшоқлар ўйма Фризи		Ўз ССР хукумати 1938 й. ҳадия этган	—»—	—»—
74.	Ургачч материаллари		1928—1929 йй. арх. эксп.	—»—	—»—
75.	Зарафшон экспедицияси 1934 й. материаллари		Зарафшон арх. экс. 1934 й.	—»—	—»—
76.	Варахшадаги археологик материаллар	Булордо яқинида	В. А. Шишкін- нинг 1937—1938 йй. арх. эксп.	—»—	—»—
77.	Тали-Борзу материалилари		Г. В. Григорьев (1935—1936 йй.)	—»—	—»—

78.	Сүфидлан топилган терракота			1939 й.	А. В. Якубовский. Тр. ОВ. Т. 2 Краткий полевой отчет о работах Зарафшан. Арх. эксп. ИИМК, 1939 г.
79.	Осталон, шу жумладанн, осталони Бинайман бўлаклари	Афросиёб	700 бў- лак	Кастальский коллекцияси	А. Я. Борисов. К истолкованию изображений Бинайманских оссуарииев. Тр. ОВ. Т. 2
80.	Варахшадан топилган жо- ниворлар, кушлар, одам. юзлари тасвирии ўмом буюм			М. Е. Массон. 1932—1933 ий.	Тр. ОВ. Т. 2
81.	Самарқанд (Афросиёб)дан топилган ўчоқлар, ўйма тошлар, ойна, майда мунчоқлар, бронза буомлар, суюк, тошлар			—»—	—»—
82.	Лойдан ишланган буюм, фриза, ҳайкалчалар, ўнг кирғоз. Хоразм рантасвири			—»—	—»—
83.	Шоҳ тасвири туширилган хум бўлаги	Тали-Борзу терракота		—»—	—»—

84.	Афросиёб ойнаси. Сопол				В. Л. Вяткин. Афросиаб—городище былое Самарканда
85-86.	Восифий мемуарлари матнлари кўлёзмалари	4		СССР ФА Шарқшунслик институти С-Пб	А. Н. Болдырев Мемуары Зайниддина Васифи, Тр. ОВ, Т.2.
87.	Восифий мемуарлари кўлёзмалари	1	В. А. Вяткиндан 1901 й. сотиб олинган	С-Пб даги Давлат Халқ кутубхонаси	Тр. ОВ. Т. 2.
88.	Остаёнлар бўлаклари			ДЭ, № СА-В 710	Л. В. Павчинская Канд. дисс.
89.	Болхисатва бошининг барельефи. № 104	1		ВНИИР	Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки, М., 1991.
90.	Будда персонажи ҳайкаллининг боши бўлаклари	2		—»—	—»—
91.	Будда қиёғаси ҳайкали	1		—»—	—»—
92.	Будда персонажи боши	1		ГМИНВ	—»—

93.	Реликварий № 110	1	—»—	—»—
94.	Будданинг деворий рангтасвири ва роҳиблар № 111	1	—»—	—»—
95.	Идиш деворидаги нақши № 196. Гераклнинг боши	1	ЛОИА	—»—
96.	Бодхисатва хайкали № 197	1	—»—	—»—
97.	Аёл хайкали, № 199	1	—»—	—»—
98.	Флейтаси бор машшоқ хайкали, № 202	1	—»—	—»—
99.	Антиоха тангаси, Кумуш. № 205.	1	ГМИНВ	—»—
100.	Танга. Кумуш. № 212. Буҳоро вилояти	1	—»—	—»—
101.	Гиркор серияси тангалари № 227, 228, 229, 234, 235, 236, 237.	7	—»—	—»—
102.	№ 230, 231, 232, 233.	4	—»—	—»—
103.	Шишпир. № 409	Дўрмонтепа	—»—	—»—

104.	Ўрок № 409.	1	—»—	—»—
105.	Қопқоқли останонлар № 470	1	—»—	—»—
106.	Сүғд тангалари. Кумуш.	Тали-Барзу	Григорьев ма-халлий ахоли-дан сотиб олган, 1939 й.	ГЭ Е. В. Зеймаль. Тали-Бар- зийский клад монет с изобр. лучников.
107.	Нурота мармаридан ишланган ўйма нақшларидан		Самарқанд музейи совгаси, 1964 й.	ГЭ Собил Г. Т. XXXIV. Рактина К. Сообщ. ГЭ XXXII, 1971.
108.	Сүғд терракоталари			ГЭ, ГИМ МВК В. А. Мешкерис. Согдийская терракота. Изд-во «Дониш», Душанбе, 1989.
109.	Варахша	Варахшадаги сарой монументал нақши парчаси		ГЭ

Кисқартмалар рўйхати

- ВНИИР — Бутуниттифоқ таъмирлаш илмий-тадқиқот институти (Москва)
- ГМИНВ — Шарқ халқлари тарихи Давлат музейи (Москва)
- ГЭ — Давлат Эрмитажи
- ИА — Археология институти (Москва)
- ИИМКРАН — Россия ФА моддий маданият тарихи институти (С-Пб.)
- ИЭ — Этнография институти
- ЛОИА — Археология институтининг Ленинград бўлими
- МГУ — Москва Давлат университети
- КИДУ — Культура и искусство древнего Узбекистана. Каталог выставки. Т. 1—2.
- КСИИМК — Краткие сообщения института истории материальной культуры.
- СГЭ — Сообщения Государственного Эрмитажа.
- ТГЭ — Труды Государственного Эрмитажа.
- Тр. ОВГЭ — Труды отдела Востока Государственного Эрмитажа.
- ИМКУ — История материальной культуры Узбекистана.
- СА — «Советская археология».
- КСИА — Краткие сообщения института археологии.

Хулоса

Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан забт этилиши ўзбек халқининг 130 йилдан кўпроқ давом этган мустамлакачилик зулми остида эзилишига асос солди. У мустақилликдан ажралгач, тарихий ривожланиш йўлини мустақил равища танлаш, ўз сиёсий иродасини эркин ифодалаш имкониятидан маҳрум этилди.

Россия империяси таркибida янги «миллий чекка ўлка»нинг ташкил топиш жараёнлари Туркистонда бошқарувнинг ҳарбий-маъмурӣ тизими билан бирга борди, бу тизим маҳаллий аҳоли устидан қаттиқ назоратни таъминлади, мустамлакачилик режимининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузилмаларини зўравонлик билан жорий этди ва халқни маънавий асоратта солиш сиёсати амалга оширила бошланди. Чор мустабид тузумининг ағдариб ташланиши кенг халқ оммасида манфур мустамлака тартибларининг тутатилишига умид уйғотди. Бироқ, ҳокимиятни қўлга олган большевиклар, кейин эса Иттифоқ раҳбарияти халқнинг ўз миллий тақдирини ўзи эркин равища белгилаш ҳуқуқини сўзда эълон қилиб, реал ҳаётда аввалги империя сиёсатини фақат давом эттириб қолмасдан, уни жиддий равища чукурлаштириди ҳам.

Халқни империяча эзишининг совет андозаси чор режими томонидан ишлаб чиқилган мустамлакачилик тамойиллари ва усулларини қабул қилиб, коммунистик таълимотнинг ҳалокатли мафкуравий экстремизми билан тўлдирилди, шахс, миллат ва халқнинг эркинлигини мунтазам равища бостириб туришга қаратилди, аввал бошданоқ ялпи зўравонлик ишлатишга асосланди. Чоризм яққол ифодаланган мустамлакачилик сиёсати иллатлари билан ажralиб турса-да, иқтисодий ва дунёқараш соҳасида фикр эркинлигига маълум дарражада йўл кўйган эди. Совет империя тузуми эса бошланишиданоқ мустабид жамият барпо этишни мақсад қилиб кўйди, у бошқарувнинг ҳаддан ташқари мар-

казлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимиға, ҳаётнинг барча соҳаларини ялпи давлат тасарруфига олишга, коммунистик партия диктатураси ва марксча дунёқараш монополиясига асосланган эди.

Совет ҳукуматининг ғайримиллий ҳатти-ҳаракатлари муттасил равишда яққол кўзга ташланиб турувчи «chorizmning mustamlaka merosini tугатиш», «совет ҳокимиятининг миллий манфаатлар тўғрисида тўхтовсиз ғамхўрлик қилиши» ҳақида ёзиорлар билан ниқобланган ҳолда амалга оширилди. Совет мустабид давлатининг бутун мағкуравий тизими халқнинг ижтимоий онг-шуурига таъсир қилишга, социалистик воқеликни бўяб-бёжаб кўрсатишга интилиб чор режимидан кейин давлат бошқарувининг марказ томонидан амалга оширилиши шароитида «халқлар кўлга киритган жаҳоншумул ютуқлар» тўғрисидаги афсонани бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилди. Лекин ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эришилган мубаффакиятлар, биринчидан, халқнинг бунёдкорлик меҳнати билан кўлга киритилгани, иккинчидан, улар қатъий чекланган хусусиятга эга эканлиги, фақат янги коммунистик метрополиянинг манфаатлари йўлида амалга оширилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмасди. Ташки томондан ниқобланган яширин совет мустамлакачилиги ўзбек халқининг ҳаётига тағин ҳам кўпроқ бузгунчилик таъсирини ўтказди, уни ҳақиқатда миллий ўзига хосликдан маҳрум бўлиш хавфи остига кўйди.

Тадқиқот материалларининг гувоҳлик беришича, ҳар иккала тузумга хос бўлган нарса умумий таловчилик табиати, Ўзбекистоннинг миллий бойликларини империя марказига тўхтовсиз ташиб кетиш, кенг халқ оммасини мунтазам равишида талаш ва унинг меҳнатидан аёвсиз равишида фойдаланишда айни бир хил сиёsat ўтказиш эди.

Туркистонни метрополиянинг хом ашё кўшимчасига айлантириш, ўлқадаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг империяча андозасини яратиш чоризм амалга оширган мустамлакачилик экспансиясининг яққол ифодаси бўлди.

Забт этилган худудлардаги табиий ва одам ресурсларини марказни бойитиш хизматига бўйсундириш соҳасидаги муҳим ҳаракат — халқнинг асосий бойлиги бўлган ернинг Россия давлати мулки деб эълон қилинишидан иборат бўлди. Бу ҳол империя ҳукмрон доираларига Туркистоннинг фақат табиий бойликларини

тасарруф қилиб қолмасдан, шу билан бирга мустамла-
качилик жараёнларини жадаллаштирища ўлканинг ер-
сув ресурсларидан фойдаланиш имконини ҳам берди.

Чоризмнинг иқтисодий сиёсати босиб олинган
худудларнинг ер-мулкларини метрополиянинг хом ашё¹
етказиб берадиган қўшимчасига ва унинг саноат маҳ-
сулотларини сотадиган бозорга айлантириш мақсадига
тўла-тўқис бўйсундирилган эди. Бу иқтисодий сиёсат-
нинг асосий йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига ол-
ган эди:

— пахтачилик, ипакчилик, метрополия учун зарур
бўлган бошқа тармоқларнинг ривожланишини рағбат-
лантириш воситасида империянинг саноатини хом ашё²
билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, фой-
дали қазилмаларни қидириб топиш ва қазиб чиқа-
риш;

— мустамлакада ва қарам бўлган Бухоро амирлиги
ҳамда Хива хонлигига саноат молларини сотишида дав-
лат протекционизмини (ўз иқтисодиётини чет эл ра-
қобатидан сақлаш сиёсатини) амалга ошириш;

— маҳаллий хунармандчилик ишлаб чиқаришининг
рақобатбардошлигини чеклаш, бунда марказнинг тўки-
мачилик ва металлга ишлов бериш саноатлари манфа-
атини ҳисобга олиш.

Ана шундай ёндашувга мувофиқ аграр соҳада қишлоқ
хўжалигининг биринчи навбатда пахта хом ашёси-
га ихтисослашуви белгиланди, бу эса ҳалокатли пахта
яккаҳокимлигининг вужудга келишини, ғалла ва озиқ-
овқат соҳасида метрополияга қарамликни тақозо этди.

Россиянинг мустамлака босқинчилиги саноат иш-
лаб чиқаришини ўзгартириш характеристига кучли таъсир
кўрсатди. Империянинг аграр минтақасига айлантирил-
ган мустамлака Туркистони саноат соҳасида ҳам аг-
рар-хом ашё йўналишида ривожланди. Маҳаллий сано-
атнинг барча асосий тармоқлари (пахта тозалаш, ёғ-
мой, тери ва ҳоказо) фақат қишлоқ хўжалик хом ашё-
сига биринчи ишлов бериш билан бөғлиқ бўлиб қол-
ди, бундан мақсад ана шу хом ашёни метрополияга
ташиб кетишга кулаг қилиш эди. Пахта, жун, пилла
ва бошқа саноат хом ашёсини чукурроқ даражада қай-
та ишлаш саноатини ривожлантиришга интилиш бош-
ланишида ёқ тўсиққа учарди.

Мустамлакачи маъмуриятнинг табиий фойдали
қазилмаларга эътибори ортиб борди. Уларни ўзлашти-
риш мақсадида қазилма хом ашёларни қазиб олиш

саноатига асос солина бошланди. Унинг асосий тармоқлари: тошкўмир, нефть, тоғ муми ва рангли металлар қазиб чиқаришдан иборат эди. Бу тармоқларни ривожлантириш қишлоқ хўжалик хом ашёсини тобора кўпроқ миқдорда етказиб бериш билан бир қаторда мустамлакачи маъмуриятга империя учун кўмир, нефть маҳсулотлари, мис маъданини ташиб кетишни йўлга кўйиш имконини берди. Бироқ умуман олганда, қазилма хом ашёларни қазиб чиқариш саноати йирик капитал маблағларни талаб қилганини сабабли чор ҳукумати даврида заиф ривожлантирилди.

Миллий иқтисодиётни мустамлакачилик ўзанига бурган ҳолда ривожлантириш ҳалқни, ўлка бойликларини тўғридан-тўғри ва яширин равища талащининг турли-туман воситаларини вужудга келтирди. Хусусан, қишлоқ хўжалик хом ашёси харид нархларини «қайчилаш» ва марказдан келтириладиган тайёр буюмлар нархларини ҳаддан ташқари кўтариш, маҳаллий аҳолидан беҳисоб солиқлар ундириш, ўлкадаги меҳнат ресурсларидан ҳарбий-иктисодий соҳада зўр бериб фойдаланиш, метрополиянинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобига талаш кучайтирилди.

Ўлка иқтисодиёти ва ҳалқ оммасини мустамлакачилик асосида эксплуатация қилиш юзасидан чоризм асос солган механизм «совет Ўзбекистони» шароитида ниҳоятда кенгайтирилди. Совет ҳокимиятининг мустабид тузуми ўз табиатига кўра империя манфаатлари йўлида республиканинг табиий-хом ашё бойликларини тортиб олиш ва меҳнат ресурсларини сафарбар қилиш соҳасида объектив равища кўпроқ потенциал воситаларга эга бўлди. Бу воситалар қатарон қилиш йўли билан мажбурлаш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг аввалги режаларини яширин равища сингдириш йўли билан фаол жорий этилди.

Мустабид ўтмишни ретроспектив равища таҳлил қилиш шуни ишонарли тарзда кўрсатадики, собиқ совет давлатида амал қилган «Иттифоқ меҳнат тақсимоти» аввалги мустамлака анъаналарини ўзига сингдириб, унинг салбий оқибатларини янада кучайтириди, Ўзбекистон ҳалқ хўжалиги мажмуининг ҳаддан ташқари ихтисослашувини, унинг иқтисодий ривожланиши бир томонлама хусусиятига эга бўлиб, бутунлай марказнинг йўл-йўриқларига бўйсундирилишини, яъни миллий бойликларни ташиб кетиш ва ҳалқни ваҳшиёна эксплуатация қилиш, республикани тайёр маҳсулоти

лотни сотадиган бозор сифатида сақлаб қолишни мақсад қилиб кўйди.

Совет давлати, чор мустабид тузуми сингари, Ўзбекистонда кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариши базасини, мувозанатли қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан манфаатдор эмасди. Юқоридан режалаштириш тизимиға таянган бюджетни марказлашган ҳолда маблаг билан таъминлаш воситаларидан фойдаланган совет ҳукумати асосан СССР жаҳон бозорига кўпроқ қарам бўлиб қолаётган тармоқларни, шунингдек марказни зарур хом ашё билан барқарор таъминлаб туриши лозим бўлган соҳаларни ривожлантиришга зътибор берди.

Бундай ёндашув аграр соҳада пахта яккаҳокимлигини ўрнатишга олиб келди, бу эса ўзбек деҳқонларини аёвсиз ишлатиш, озиқ-овқат соҳасидаги қарамликни кучайтириш, ҳалокатли экологик фалокатларнинг ортишига сабаб бўлди.

Саноат ишлаб чиқаришида номутаносиб ҳолатлар сезиларли равища кучайди. Гарчи совет даврида мамлакат саноатининг ҳажм кўрсаткичларида объектив равища ижобий ўзгаришлар кўзга ташланса-да, лекин булар асосан хом ашё ва пахта тозалаш, пиллакашлик, ёқилғи, қазилма саноат ҳамда рангли металларнинг ресурс тармоқлари ҳисобига амалга оширилди, бу тармоқлар хом ашёга бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ примитив ишлаб чиқаришга асосланган, технология цикли ҳам туталланмаган хусусиятга эга эди. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, биринчи галда ҳалқ истеъмол моллари етказиб берадиган тармоқлар муттасил равища арзимаган салмоққа эга бўлиб келди.

Бундай амалиёт, бир томондан, марказга иқтисодий қарамликни, хусусан тайёр маҳсулотлар, технология ускуналари етказиб беришда қарамликни кучайтириб, республика аҳолисининг кенг истеъмол моллари билан таъминланиш соҳасида анча орқада қолишига сабаб бўлса, иккинчидан, метрополиянинг ўлкамиздаги ғоят бой минерал-хом ашё ресурсларидан ваҳшиёна фойдаланишини кучайтириди. Иттифоқ раҳбарияти ўзбек ҳалқини ер ости бойликларидан мустақил фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, чоризм тузумидан кейин Ўзбекистоннинг табиий ҳазинасини батамом марказни бойитиш хизматига бўйсундирди. Бу ерда етиштирилган катта миқдордаги пахтанинг деярли барчаси арзимаган нархда ташиб кетилди, табиий газ, олтин, уран, нодир ва қимматбаҳо металлар, стратегик металлар

талончилик билан олиб кетилди, улар жаҳон бозорида ниҳоятда харидоргир эди. Бироқ республика ўзида етиширилган табиий, хом ашё ресурслари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қаерга кетишини, уларни экспортга чиқаришдан олинадиган маблағ қаерга ишлатилишидан бутунлай бехабар эди. Ҳолбуки бу вақтда Ўзбекистонда ғоят кескин ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмай қолаёттган, тез кўпайиб бораётган аҳоли ўз турмуш даражаси жиҳатидан собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгалларди.

Иқтисодий талаш сиёсати ўзбек халқини асоратга солиш, унинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ваҳшиёна талаш билан бирга кўшиб олиб борилди. Совет мустабид тузуми чоризмнинг Ўзбекистондан миллий-маданий бойликларни зўравонлик билан олиб кетишдан иборат жиноий тажрибасини давом эттириб, буюк ўтмишнинг маънавий меросига ҳалокатли шикастлантирувчи зарба етказди. «Социалистик воқелик» шароитида Ўзбекистон халқи миллий-маданий бойликларга эгалик қилиш хукуқидан, диний эътиқод эркинлигидан маҳрум этилди. Узоқ совет ўн йилларни мобайнида жамиятнинг миллий-диний негизларига мунтазам равишда путур етказиб келинди, одамларнинг онгшуурига ёппасига «ишлов» берилди, тарихий хотира заифлаштирилди. Натижада маданий соҳада миллий маданий ҳаётни секинлаштириш ва унга путур етказиш омиллари қарор топди, улар миллий ўзлик ва миллий тафаккурнинг эркин намоён бўлишига халақит берди.

Фақат Ўзбекистон давлат мустақиллигини кўлга кириттандан кейингина ўзбек халқи маънавий ривожланиш йўлига қайтди. Мустақиллик ўлкамизни мустамлака-империя тузумининг оғир кишанларидан озод қилди, халқа ўз еридан ўзини чинакамига эркин ҳис қилиш, миллий маданиятни ва анъаналарни қайтариш, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда ўз ҳаётини миллий манфаатлар ва қадриятларга мувофиқ равишда қайта куриш, барча табиий, минерал-хом ашё бойликлари, ўз мамлакатининг бутун салоҳиятидан бугунги ва эртанги кун манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини берди. Мустақил Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «бу—авайлаб қадри-қимматига етиладиган ва сақланадиган улкан бойликлар»¹.

¹ Каримов И. А. Замон талабларига мувофиқ янгичасига фикрлайлик ва иштайлик. Т.: Ўзбекистон. 1997. 101-бет.

М у и д а р и ж 2

Кириш	3
I б о б. Чоризм ва совет-тоталитар тузумлари мустабид сиёсатининг таловчиллик табигати	
1-§. Чоризмнинг Ўрта Осиё минтақасидаги стратегик режалари ва мустамлакачилик сиёсати	7
2-§. Совет мустабид тузуми чоризм мустамлакачилик сиёсатининг вориси ва давомчиси	42
II б о б. Ўзбекистоннинг табиий, хом ашё ва ишон ресурсларининг оммавий эксплуатация қилиншили	
1-§. Чор империясининг Туркистон моддий ва табиий бойликларини ўзлаштириш сиёсати	104
2-§. Совет тузумининг ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги мустамлакачилик асоси. Фойдали қазилмалар марказни бойитиш хизматида	157
3-§. Совет даврида пахта яккаҳоммилигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари	207
III б о б. Ўзбек халқининг мъланавий куч-худратини занфлантириш сиёсати. Икки тузум усулларининг моҳиятни бирлиги	
1-§. Ўзбек халқи маданияти тарихига қисқача шарҳ	313
2-§. Миллий-маданий бойликларнинг худуддан зўравонлик билан олиб кетилиши	322
3-§. Мустабид тузумнинг ўзбек халқининг маданий-мъланавий меросига бўлган ҳукуқини чеклаш сиёсати	370
III бобга иловалар	391
Холоса	425

**Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини
талаш сиёсати: тарих шоҳидлариги ва сабоқлари**

(1865—1990 йиллар)

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳтирияти
Тошкент — 2000**

Муҳаррир З. Мирзоҳакимова
Бадиий муҳаррир М. Самойлов
Техник муҳаррир Л. Хижсева
Мусаҳид Н. Мұхамедиева

Теришга берилди 22.09.2000. Босишга рухсат этилди 23.10.2000.
Бичими 84x108 1/32. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табори 22,68. Нашриёт ҳисоб табори 24,2. Адади 5000 нусха. Буюргма
№ 1074. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, 700083,
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41**